

Муҳаммад

Али

УЛУҒ

САЛТАНАТ



МУҲАММАД АЛИ

УЛУФ САЛТАНАТ

Тетралогия

Тўртинчи китоб

ШОҲРУХ МИРЗО

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБЛА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

А-49

Сўнгсўз муаллифи

Бахтиёр Назаров

ЎзР ФА академиги

А-49 Мухаммад Али

Улуғ салтанат: тарихий роман. Тетралогия: 4-китоб. Шохрух Мирзо: – Т.: «Sharq», 2013. – 512 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Мухаммад Али ижодида Соҳибқирон Амир Темур тарихи салмоқли ўрин тутди. У бу мавзуда, шеърлар ва «Гумбаздаги нур» достонини ёзди, «Сарбадорлар» тарихий диалогиясида ўзбек прозасида илк марта Амир Темур образини чизиб берди.

Адиб узок йиллардан бери Соҳибқиронга бағишланган «Улуғ салтанат» номли тетралогия-эпопея устида ишлаб келади. Шу қунгача улкан асарнинг уч китоби нашр этилиб ўқувчилар қўлига етиб борди.

Яқинда адиб эпопеяни яқунловчи «Шохрух Мирзо» номли тўртинчи китобни ёзиб тугатди. Унда милодий 1400-1409 йилларда мамлакатимизда рўй берган тарихий ҳодисалардан хикоя қилинади. Роман қахрамонлари орасида Амир Темур, Сарой-мулкхоним, Шохрух Мирзо, Мухаммад Султон, Халил Султон, Улуғбек Мирзо. Хонзода хоним, Туман оқа, Гавҳаршод бегим сингари ва бошқа таниқли тарихий шахслар образлари яратилган. Қизиқарли сюжет линияларига бой, ширали ва жозибали тилда ёзилган бу асар сизни, азиз ўқувчи, тарихимизда юз берган оламшумул воқеаларга ошно этади, деган умидламиз.

ISBN-978-9943-26-061-0

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN-978-9943-26-061-0

БИРИНЧИ БОБ

I

Йигирма икки ёшли Шохрух Мирзо билан йигирмага кадам қўйган келинчак Гавҳаршод бегимлар бугун эрталабдан шаҳар кезишга чиқишди. Улар Хиротда бўлаётган қурилишларни кузатишлари, янги жойларда нималар бунёд этиш борасида бир қарорга келишлари лозим эди. Барча мулозимлар кузатувида кўчани тўлдириб боришаётган оқ отдаги ҳукмдор билан маликанинг бинафшаранг тахтиравонига қарашади. Аввал Мусалло, Масаррах мавзеларига ўтишди. Гозургоҳ кадамжоси зиёратидан кейин Аркка қайтдилар ва файзиёб кўринишхонага кирдилар. Шаҳарнинг шимолидаги Малик ва Қипчоқ дарвозалари ўртасида жойлашган ҳашаматли Арк биноси шаҳарга кўрқу салобат бағишларди.

Жазирама ёз фасли нафас олишга қўймай борликни энтиктиради. Катта деразадан бутун шаҳар манзараси намоён, қалъа деворида ҳар жой-ҳар жойда барпо этилган Хорик, Али Асад, Хокистар, Шомониён деб аталадиган мухташам баланд миңоралар гўёки салтанатнинг мустаҳкам қурчлигини кўз-кўзлаб кўкка бўй чўзгандай туюлади. Жануб тарафда катта, йигирма саккиз равоққа қўндирилган бежамали Малан кўприги яққол кўзга тапланди. Иккиси ҳам ўша ёққа қараб қолдилар...

Хуросон ҳукмдори этиб тайинланган Шохрух Мирзо бундан икки йил аввал Хиротга илк кадам қўйиб, ишни ана шу, юз йиллар олдин малик Фахриддин Карт курдирган, нураган Арки янгидан бунёд этишдан бошлади. Ўшанда Шохрух Мирзо даставвал Арк билан кейинроқ шуғулланишни дилига тукқанди, бироқ малика Гавҳаршод бегим бунга рози бўлмай туриб олди:

– Ҳазратим! Подшоҳнинг салобати энг аввало унинг саройи, Арки билан ўлчангай. Келгонлар шунга қарайдур, – деди шахло кўзларини майин табассум ила безаб малика. – Подшо саройи саройга ўхшамаги лозим. Аввал хашаматли саройни тикласунлар, ки кўрғон кўзлар қувонсун!

Аслида Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам Хуросон давлатининг қалби ҳисобланадиган, аммо кимлардандир қолган, ис босган кўхна Аркка ирим қилиб кадам қўймоқчи эмасди. Арк янгидан қурилсин, ҳар қандай ғуборлардан холи, ораста бўлсин, маликанинг айтганича бор...

Гавҳаршод бегим олдига тунган бўлик бир ўрим сочини оҳиста орқасига ташлаб, давом этди:

– Валинсѐмат Соҳибкирон Самарқанди фирдавсмонандда Боғи Шимолдаги базмда ҳамма амирзодалар, маликалар кўз олдида ўзларига атаб Хиротда бир боғ барпо этишни буюрдилар, ёдингиздаму? Номини ҳам «Боғи Шаҳр», деб қўйиб бердилар...

– Фақат бизга эрмас, демакки сизга ҳам атадилар-да, маликам! – жилмайди Шохрух Мирзо.

– Оллоҳга шукр, қуллуқ! – таъзим қилди малика. – Ҳатто муҳандислару номдор боғбонларни юбортирдилар, харажатини салтанат хазинасидан ажратилишини алоҳида таъкидлаб қўйдилар...

– Шундоғ, шундоғ!.. – тасдиқлади ҳукмдор бош тебратиб.

Шохрух Мирзо баланд бўйли, кўзлари катта-катта, қуюқ қошли, мулоҳазалари ёшига қараганда теран йигит эди. Эгнидаги оқ матодан тикилган хирқанамо авра тўн, бошидаги оқ саллада ловуллаб ёнган йирик руммоний ёқут хушбичим йигитнинг чиройини яна ҳам очиб юборганди.

Подшо келини деб эъзозланадиган ақл-идрокли, гуйғунгина Гавҳаршод бегим ҳам ҳусну малоҳатда тенгсиз, кўрку чиройда беназир... Орқасини эгаллаган тим қора сочлари нақ офатнинг ўзи, шахло кўзларида ажабтовур шижоат, ғайрат учқунлари чақнайди. Ҳамма нарса – ул нозик адонинг қадди-қомати, тин-тиник чехраси, узун киириклари, бежирим бурни, хиёл қалин дудоклари, оқ-ошпоқ томоғи, соҳир сийналари, икки чеккасидаги чиройли қайрилган гажаклари – бари-бари унга ярашган, ортиқча бирон нимарса учрамайди... Фалак наққоши қош эмас, балки ўз қаламиши эҳтиёткорона икки бор юритиб, икки хилолни ҳадя этган. Қиз ҳамиша тақимини ўнадиган бўлиқ сочларини икки ўрим қилиб ташлаб юришни ёқтирар, ўтирганда олдига йиғиштириб оларди. Шохрух Мирзонинг диққатини тортган нарса ҳам айни Гавҳаршод бегимнинг ўша илондай тўлганган сеҳрли икки ўрим сочи эди...

Соҳибқирон беш йиллик юришга отланаётган йили наврўзга ўн кун қолганда малика Туман оқа Сароймулкхонимдан Боғи Бехиштда сумалак сайли ўтказишни ўтинди. Сайиллар кўпинча Боғи Чинор «насиба»си бўларди. Маҳди улё мампун бунга розилик билдирди.

Туман оқа наврўз деса, дарҳол сумалакни кўз олдига келтиради. У барча мулозимлари-ю канизакларига боғни саранжом-сариншталашни буюрди, боғбонларга алоҳида топшириқлар берди. Бир неча канизакни юбориб, турли боғлардаги маликаларни, салтанатнинг ашроф-ақобирлари ва оқсуякларнинг хотинлари-ю кизларини, аслзода ойимларни наврўзга айтдириб қўйди. Холдона бибини чорлатиб, сумалакдан сўз очди. Буғдойни уч кун ивитдилар, сўнг ундиришга қўйдилар. Иккиси ҳар куни қасрнинг ёнидаги қоронғи хонага кириб, игна-игна бўлиб шиддат билан унаётган буғдойларга қараб завқланишар, реза-реза сув сениб чиқишарди.

Бир куни Сароймулкхоним ҳам келиб кўрди ва кетар экан, Туман оқага тайинлади:

– Самарқанддаги ҳамма амирзодалар, набираларни ҳам сумалак сайлига чорласунлар, тансиқ таомга

оғизлари тегсун, бошқа қариндош-уруғлар билан танишсунлар, дийдорлашсунлар...

– Бош устига, хонимойим жаноби олиялари!

Маҳди улё ҳамма йиғинларда ҳам шундай йўл тутади, темурийзодаларни тез-тез бир жойга йиғиб туради. Соғинган барча ўғлонларни кўриб, дийдорларига тўйиб олмоқдан умидворлигини Туман оқа яхши англайди.

Наврўз куни Боғи Бихишт аста-секин гавжумлаша бошлади. Об-хаво ҳам ёқимли, осмон тиниқ, офтоб чарақлаб чикиб келарди. Бир пасда боғ саҳни байрамона янги либослар кийиб олишган амирзодалар билан тўлди. Шохрух Мирзо, Сохибқироннинг набиралари Пир Мухаммад Жаҳонгир Мирзо, Султон Хусайн Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзолар кўғирчоқдай кийинган суюмли тўрт яшар Ахмад Мирзо ибн Умаршайхни ўртага олишганча, у ёқдан-бу ёққа юришарди.

Холдона биби амирзодалар бўйларига қараб ичидан қувонар, булар ўсиб вояга етишса, салтанатнинг устунлари бўлишади, деб кўярди ичида. Қарийб ҳамма тўйларда кайвончиликни, янғаликни кўлдан бермаган Холдона биби барча амирзодаларга ўзини дахлдор сезар, яқин оларди. Унга, айниқса, кўғирчоқдай ясанган саккиз ёшли Халил Султон жуда ёқарди. Бағоят чиройли, ширин бола-да. «Келишган йигит бўлади, бахти кулган қизга буюради, илоҳо, тўйларини кўриш насиб этсин, ўзим белни боғлаб хизмат қилай!» – дерди ичида. Амирзода ҳам илиқ сўзлар гапиргани учунми, Холдона бибига суйкалиброқ келарди. Хали буюдой унаётган вақтда, бир куни амирзода мулозимини кузатувида Боғи Бихиштга тапшиф буюрди.

– Момо, – деди Холдона бибига. – Кўкларнинг қандай ўсаётганини кўрсам майлиму?

– Майлингиз, жоним гиргиттон сизга, амирзодам! – юзларига табассум ёйилди Холдона бибининг. – Юрингиз!

Амирзода кўм-кўк нафис майсаларга каради, зав-

қини босолмай, кафтчасини аста кўк игналар устига кўйди, улар санчилгудай каттиқ эди.

– Яқинда сумалак пиширамиз, маза қилиб ейсиз, а, амирзодам? Сумалак Оллоҳнинг суюмли наъматларидан, чучундингизми? Ўзлари ҳам ўчоқка ўтин ташлайдилар, а? Кони савоб-да.

Халил Султон жилмайганча бош тебратди.

Боғи Чинорда ўсиб вояга етган Шохрух Мирзо Боғи Биҳиштни ҳам жуда ёқтирарди. Боғнинг ложувард ва тилла билан безатилган нақшин дарвозаси бағоят салобатли. Серсоя ва мевали дарахтлари кўп. Ёғоч панжаралар билан ўралган хиёбонлар жуда сўлим, боғнинг ўртасида мухташам кўпик намоеъ, унда ипак кўрпачалар тўшалган тахт бор. Соҳибқирон ташриф буюрганда ўша тахтда ўлтиради.

Кўшк рўнарасида катта қозон осилган ўчоқ атрофида юмшоқ тўшакларда салтанатнинг нуфузли ва эътиборли аёллари тиз чўкишган. Маҳди улё Сароймулкхоним дастасига нақшинкор ўқлоғ боғлик узун капкир билан қозон тагини олмасин учун ташланган майда силлиқ гошлару ёнғоқ ва каттиқ бодомларни шалдиратиб кавлаб-кавлаб кўяди. Катта малика ёнида малика Чўлпон Мулк оқа, канизаклар Дурсултон оқа, Нигор оқа, «момокиз» Орзумулк оқа, Холдона биби, Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг харами Ошпоғойим, Амир Сайфиддин некўз, Шайх Нуриддин, Амир Шохмалик, Муҳаммад Жалд, Мубашшир баҳодирларнинг хотинлари ҳамроҳ эдилар.

– Ха. Наврўзнинг хосиятлари кўп. Айтсанг тугамайдур... – маликалардан қай биринингдир саволига жавоб бераркан деди Сароймулкхоним. – Еру осмон баробар байрам қиладурғон, қувонадурғон айём-да бу! Оллоҳга шукр, улуғ кунга етиб келдик. Нақл айлайдиларки, саҳобалардан бири Наврўз айёмида расулulloх алайхиссаломга ҳолва солинган кумуш жом тухфа этибдур. Шунда пайғамбаримиз сўрабдурлар: «Бу нимадур?» «Наврўз инъоми». Расулulloх яна сўрабдурлар: «Наврўз нима дегани?». «Ажамликларнинг улуғ хайити.» Шундан сўнг Оллоҳнинг расули ҳолвани тановул айлабдилар

ва: «Биз учун хар кун Наврӯз бўлса кошкийди!..» дебдилар.

«Кошкийди! Кошкийди!..» – деган сўзлар ёғилди.

– Баҳорнинг биринчи кунини, – сўзга қўшилди Орзумулк оқа, – бор жонзот, ер уйғонаркан, айиқлар киш уйқусини тарк этаркан, ер остида ухлаган илонлар ҳам бир ағдарилиб оларкан... Ха, ха...

– Лола сайлига чиқиш қандай яхши-я! – деб қўйди Оппоғойим.

– Кониғилда лолалар кўп, лолақизғалдоқлар беҳисоб!.. Оҳ, қанийди, даста-даста териб олсанг!.. – Соҳибқирон канизағи Дурсултон оқанинг ўшандай сайилларни қўмсагани билинди.

Атрофни сумалакнинг монанди йўқ хиди тутиб кетди. Ёш қизалоқлар ўчоққа яқин келишиб: «Сумалак беринг! Сумалак беринг!» дея Сароймулк-хонимга ялина бошлашди. «Олақол, ма!..», дейди кулиб катта малика ва лагандан ёғоч қошиқ оладида, дамба-дам қозоннинг хошиясида сақичдай қотиб қолган сумалакни сидириб-сидириб қизалоқларга узатади... Уларни кўриб Аҳмад Мирзо билан Халил Султонлар ҳам қозон томонга талпинадилар.

– Майда тошларни тушундим... Нима сабабдан энди ёнғоқ билан бодомларни қозонга ташладилар, хонимойим жаноби олиялари? – сўради Султон Бахт бегим.

– Ҳаммаларингизга биттадан инъом этамен... – кулди маҳди улё. – Чақиб, мағзини қошларингизга қўясизлар, ундай бўёқ атторнинг қутиси тугул жаннатдаям йўқ! Олтун варақ бўёғи ҳам бунга етолмайди!

– Менга-а-а!

– Менга ҳам! – дея чопиб келишди бир давра ёш маликалар, зодагонларнинг қизлари. Уларнинг ичида Умаршайх Мирзонинг қизи Насаб Султон бегим, Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг қизи Соғинч бика, Шайх Нуриддиннинг қизи Зубайдабону, Давлатшоҳ бахши уйғурнинг қизи Билқис бегим, Амир Шоҳмаликнинг ожизаси Робия бегим, Фиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршод бегимлар бўлиб,

бари тўққиз-ўн уч ёш орасидаги ерга урсанг, осмонга салчийдиган шўх қизлар эди.

– Сумалак пишганда келингизлар! – деб жавоб берди маҳди улё барини тинчлантириб.

Энди чап томонда катта дарахтга осилган гулдор арғимчоқли ҳалинчакка навбат етди.

– Ким учаман деса, иримини бажариб, «Ҳалинчак» қўшиғини айтиши лозим! – деди Робия бегим. Бундай иримни ким ўйлаб чиқарган, каердан келган – бу ҳақда ҳеч ким сўрамасди.

– Вой! Мен учмоқчийдим... – Зубайдабону лабларини бурганча, интилган жойида тўхтаб қолди. – Қўшиғини билмайман-ку...

– Билмасанг, жим ўтир! Ким биладир? – сўради яна Робия бегим.

Билқис бегим кўнглида: «Ирими ҳам бор эканми? Робия ўлгур, бундай иримни қайдан топган экан... Ичидан тўқиб чиқарган шекилли. Ҳалинчакка эга чиқиб олганини қаранг! Шундоқ шумлиги бор. Нима, қўшиқ билмаган одам учолмайдирму?.. Шуям гап бўлди-ю...» – деган сўзлар кечди.

Талабгорлар топилавермади. Робия бегим ҳаммага бир-бир қараб чиқди:

– Ичимизда бир киз биладир... – майин жилмайди у Соғинч бикага маъноли қараб ниманидир эслатгандек. – Яхши қўшиқ айтадир... Ўзим эшитганман...

– Мен ҳам эсладим: Гавҳаршод бегим-да! Овози бирам тиниқки!.. – тасдиқлади Соғинч бика. – Менга жуда ёқади!

Ҳамма: «Айтиб бер! Айтиб бер!» дея ўн уч яшар Гавҳаршод бегимга тикилди.

Гавҳаршод бегим азалдан ҳалинчак учини яхши кўрарди. Ҳали бокқа киргандаёқ, дарҳол кўзи гулдор ҳалинчакка тушди-ю ширин хўрсиниб қўйди. Робия бегим сўзларини эшитиб, ичида завқи жўшиб турганди, одамларни куттирмай аста ҳалинчакка яқинлашди. Чаққонгина ўтирганидан, унинг хийла бу иш ҳавосини олгани яққол кўринди. Қизлар чувиллашиб ҳимо бердилар, ҳалинчак у ёқдан бу

ёққа уча бошлади. Қиз хориқулудда титрок майин овозда кўшиқ айтар, барчанинг диққатини тортар, атрофга ёқимли оҳанглар тараларди. Қозон атрофида ўлтирган аслзода ойимлар ҳам: «Ким экан кўшиқ айтаётган?» дегандай шу томонга ўгрилдилар. Кимдир шунчаки қизикиб қарайди, кимдир эса ўзича келин танлайди.

*Халинчак, ҳо, ҳалинчак,
Халинчакда келинчак,
Келинчак, ҳо, келинчак!
Суйганини соғинган
Келинчак бир куйинчак,
Куйинчак, ҳо, куйинчак...*

Гавҳаршод бегим халинчак учар экан, ўзини вазисиз, гарддек снгил сезар, тим кора бўлик икки ўрим сочи худди уни қувиб етолмаган илонлардек тўлғонар, ортга қайтганда эса, муроди хосил бўлганига шукрлар қилгандек қизнинг қуймичи-ю оёқларига бош кўяр, ўралиб-ўралиб жон нисор айларди. Гоҳда эса, сочларнинг учи интиқ турган ерга тегай-тегай дер, лекин шу палла ошуфта шамол бунга йўл қўймай, уларни оғушига олиб қочар-да, ерни такрор доғда қолдирарди. Ҳалинчак эса парвозда давом этарди...

– Бу ожиза кимдур, оға? – беихтиёр сўради ажойиб манзарадан қаттиқ мутаассир Шохрух Мирзо ёнидаги ўзидан бир ёш катта Пир Муҳаммад Жаҳонгирдан. Ногаҳонда «Ҳалинчакда келинчак...» сўзларининг позик-нафис талаффузи, кўшиқ сеҳри кўнглининг аллақаеригадир тегиб кетганини сезди. – Сочлари узун қиз экан...

– Ҳа, ана буми? Фиёсиддин Тархоннинг ожизаси Гавҳаршод бегим дейдилар, амирзодам! – бепарвогина жавоб берди Пир Муҳаммад Жаҳонгир ва нари кетди.

Ўша-ўша, амирзода сочлари узун қизни ўйлайдиган одат чиқарди...

Икки ёш дилнинг етти кунга чўзилган тўйи Боғи Чинорни чунон файзиёб этди. Бир йилдан кейин Улуғбек Мирзо дунёга келди, ҳозир Сароймулкхо-

ним кўлида тарбияланмоқда, укаси Бойсунғур Мирзо эса икки ёшда, унга Дурсултон ока қарайди.

Шохрух Мирзо ёлғиз қолган паллалар Гавҳаршод бегимга: «Сехрли сочларингиз билан нозик қалбимни боғлаб олғонсиз!» дейишни яхши кўради, ҳазиллашиб: «Халинчакдаги келинчак» деб атайди. Малика эса бошини эгганча хожасига нозли табассум ҳадя қилади...

Шохрух Мирзонинг эсида: малика рост айтди, саккиз юзинчи ҳижрий¹ йил баҳорида Соҳибқирон чиндан Самарқанднинг шимолида сахни мрамар тош, томлари олгин билан ложуварддан нақшланган Боғи Шимол қасри қурилиб битганидан кейин тўй берди. Олийкадр шахзодалар ва нуфузли беклар келишиб янги оламоро боғни музайян айладилар. Хамма хурсанд, кишилар поз-неъматлардан ороستانган тўкин-сочин дастурхонлар атрофида дилкаш гурунларга машғул, фароғатли дамлар ҳукмрон. Кўнгилларни яйратиб хушбахт наволар жаранглайди.

Лекин хаммадан кўра кўйроқ Шохрух Мирзонинг кайфияти аъло. Тўй шукухига малика Гавҳаршод бегим эслатган боғдан хам олдин айтилган бебаҳо мужда қувончи кўшилиб кетди. Қутилмаганда Амир Темур ўйлаб юрган ниятларидан бирини адо этди. Подшоҳнинг қутлуғ раёни тўртинчи иклимда жойлашган Хуросон вилояти ҳукмдорлигига Шохрух Мирзо номзодини муносиб кўрганини эълон қилди!

Амир Темур фарзандларига бир-бир назар ташлар экан, кенжа ўғли Шохрух Мирзо манглайи давлат нишонаси билан безалганини туяр эди. Ўғли отасига тортган, бўй-басти хам, кенг цешоналиги хам. Ақли тўлишиб бораётган пайти. Айниқса, ёш туриб, ўзини қадҳудолардай босиқ тутиши Соҳибқиронга ёқарди. У фарзандларга юр берип, бирон музофотга ҳоким этиб тайинлашда шошилмасди. Чунки ёш амирзодалар баъзан теварак атрофга қараб-қарамай қадам босишар, «етти ўлчаб бир

¹ Милодий 1397 йил

кесиш»нинг уҳдасидан чиқишолмас, шошқалоқликка йўл кўйишарди. Тан олмоқ керак, бу нарса Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирда ҳам, Шероз ҳокими Пир Муҳаммад ибн Умаршайхда ҳам, ҳатто Ҳулокухон тахти тошпирилган Мироншоҳ Мирзода ҳам бор. Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султонлар эса хали ёш...

– Хуросон, Сеистон, Мозандарон ва Рай, то Ферузкўхгача барча музофотларни некбахт амирзода Шохрух Мирзога бахшида этдук! – деди Соҳибқирон. – Амир Сулаймоншоҳ, Амир Мизроб Жоку... жаъми йигирмага яқин нуфузли беклар хона кўчлари бирлан амирзодага ҳамроҳ бўлсунлар. Хазинадан етти минг отлиқ аскарга улуфа тайинлансун. Фармон келтурулсун, Мамаг!

Барча муборакбодга шошилди:

– Муносиб! Муносиб!!

– Давлатлари зиёда бўлсин!

– Омадларини берсун! – қабалида табрик сўзлари янгради тевааракдан.

Шохрух Мирзо дархол ўрнидан туриб валинеъмат бузрукворига таъзим бажо этди ва бориб тиз чўкканча Соҳибқироннинг оқ авра тўни этагини ўпиб кўзларига суртди.

Мамнун Соҳибқирон кузатаётганда Шохрух Мирзога кўн насиҳатлар қилди, қулоғини хикматлар жавҳари ила ораста айлаб, бамисли жондай бағрига босди, икки юзидан ўпиб ижозат берди.

Кувончли сўзлар боғнинг бошқа бурчагида маликалар ичида ўтирган, Бойсунғур Мирзодан бўшанганидан сўнг навнихолдай бўлиб қолган, подшонинг ўн саккиз ёшли келини Гавҳарнод бегим қулоқларига ҳам етди. Барча унинг бошига қутлов каломларини нисор айлади...

II

Милодий 1400 йил арафасида дунё харитасини ўзгартириб юборган воқеалар рўй берди. Марказий Осиёда Хиндистон Турон салтанати томонидан забт этилди. Холбуки, Амир Темур жануб сари юрши

эмас, балки кўпдан шарққа Хитой тарафга отлан-моқни кўнглига тукканди. Кейин тарихчилар бир йилга чўзилган Ҳиндистон сафарини у мамлакатда дини исломнинг сусайиши туфайли содир бўлди, барча беклар йиғилиб, борайлик, дея Соҳибқиронга арзадошт этдилар, қабилида шархладилар.

1389 йилда Европада Косово майдонида усмонлилар ўттиз минглик қўшин билан серблар ва боснияликларнинг катта лашкарини тор-мор қилди, қакшатғич жанг довуғи дунёни тутди. Серб князи Лазар асирга тушди. Жангда халок бўлган усмонли император Мурод Худовандигор ўрнига унинг йиғирма тўққиз ёшли ўғли, номига шиддати ва суръати кучлилигидан «Йилдирим» лақаби кўшиб айтила бошланган, мулоҳазакор, ғайратли Боязид тахтга минди.

Султон унвонига эришган шижоатли Мурод билан Византия императори Иоанн V ўртасида иноқлик бор эди. Енгилтабиат император ширин таомларга ўч, баднафс ва мечкайлиги билан ном чиқарган, дардига танноз раққосалар оғушидангина малҳам излар, ҳатто, андишасизларча суюкли ўғли Мануилдан гўзал қаллиги – Трабзон маликасини тортиб олган, ҳамма уни империяни бошқаришга қурби йўқ, Византияни муқаррар таназзулга стакламоқда, деб ҳисобларди. Ўшанда Рум султони билан император Иоанн V ҳақида машҳур воқеа содир бўлиб, унга кўра, Муроднинг ўғли Санжи, Иоанн V нинг катта ўғли, у қолиб кичик укаси Мануил валиаҳд аталганидан аламзада Андроник икковлон яширинча гапни бир жойга қўядилар ва оталари тахтларига кўз тикишиб, фитнага юз бурадилар. Сир очилиб, Мурод ўғлининг кўзига мил торттиради ва Иоанн V га ҳам шундай маслаҳат беради. Иоанн V буни маъқуллайди, аммо кўзига бир озгина зарар етказилган Андроник зиндондан қочиб қутилади...

Кичик Осиёдаги Анқара бейлиги, Македония, Булғориянинг Флиппополь шаҳри султон Мурод вақтидаёқ фатх этилган эди, пойтахт Тирново билан энг катта шаҳар Видинни эгаллагандан сўнг, Йилдирим Боязид бутун Булғорияни империя тасарруфига

киритди ва назарини ғарбга – Марказий Европанинг обод мамлакатларига қаратди.

Европанинг қудратли давлатлари, албатта, томошабиндай бир четда жим туролмасдилар. Англия кироли Генрих IV Ланкастер, Франция кироли Карл VI де Валуа, Кастилия кироли Эрико III де Трастамара, Рим папаси Бонифаций IX, Венгрия кироли Сигизмунд I, Венеция ва Генуя республикалари дож(хукмдор)лари ўзаро элчилар юбориб вазиятни муҳокама қила бошладилар.

Рейн сохилларида, туманли Альбионнинг Темза дарёси бўйларида, Париж кўчаларида, Венеция майдонларида, Генуя боғларида, - бутун Европа мамлакатларида осойишталикка путур етган, ҳамма жойда куйидаги тахлитда ох-фарёд садолари эшитиларди:

- Бошимизга бало-офат ёғилмоқда!
- Худонинг қарғишига қолдик!
- Йилдирим Боязид йаничарлари бостириб келмоқда!

– Нажот йўқ, пажот!

– Энди юртимиз куйиб-кул бўлади!..

Лекин бу ох-нолалар худога етиб бормаётгандек туюларди.

Бир пайтлар Англия кироли Эдуард III Франция кироли Филипп IVнинг пабирасман, бас, Франция тахтига даъвогарман, деб чикқан ва милодий 1337 йилда Гийен, Нормандия, Анже, Фландрия каби музофотларни қўлга киритиш учун Францияга қарши уруш очганди. Олтмиш йилдирки, бу уруш ҳали давом этарди. Европага ёприлган мудхиш хавф хатто ўзаро низо-адоватларни, кейинчалик тарихда «юз йиллик уруш» деб ном олган, ўша ҳаёт-мамот урушини ҳам вақтинча «унутиб», бирлашишга мажбур этди.

Кемага тушганининг жони бир эди.

Айниқса, Венгрия кироли Сигизмунд I катта таҳликада қолди, чунки Булғория билан Сербияни забт этганидан кейин Йилдирим Боязид йўлида энди Венгрия кўндаланг турарди. Сигизмунд I дарҳол Европа мамлакатлари киролларига мактублар юборди,

бало-қазонинг бесарҳадлиги, кулфату мусибатнинг эса барчага баробарлигини тушунтиришга уринди ва урушни удабурронлик билан «тўққизинчи салиб юриши»га айлантириб юборишга эришди.

Милодий XI аср охирларида Ғарбий Европанинг нуфузли зодагонлари ва католик черкови намояндалари томонидан уюштирилган Яқин Шарқ мусулмон мамлакатларига қарши қаратилган юришлар бошланиб кетди. Кийимларига насронийларларнинг эътиқод рамзи салиб(хоч) белгисини тикиб олишганидан «салиб юришлари» деб аталган, унинг замирида «муқаддас ер» Фаластинни ғайридинлардан озод этиш деган диний шиор ётарди.

1396 йилда Никополь ёнидаги беомон урушда салибчилар қўшинида венгерлардан ташқари Европанинг манаман деган рицарлари – француз, инглиз, олмон, чех, валахиялик ва бошқа кўп жангчилар от сурдилар. Француз салибчилари Бургунд герцогининг ўғли, шавкатли маршал Невер бошчилигида жангга кирди, отлик аскарлар душман қўшинини ёриб ўтиб Йилдирим Боязид ўрдасигача бордилар, аммо султон йаничарларига дош беролмадилар. Кутилмаганда парокандалик бошланди, венгерлар ва валахияликлар фавжлари тумтарақай сочилиб кетди, олмонларни эса султон хизматидаги сербларнинг ўзи кунпаякун қилди. Салибчиларни бошқарган Сигизмунд I Дунай дарёсида қайиқда, душман қувиб келмаяптими, дея орқасидан кўз олмай аранг қочиб жон сақлади. Ўн минг аскар туркларга асир тушди ва қатл этилди. Катта маблағ эвазига маршал Невер билан йигирма тўртта валлакат рицаргина жон сақлаб қолдилар, холос.

Салибчиларнинг енгилганларига ишонмаган европаликлар битта-ярим тирик қолган, асирликдан қочган рицарларнинг бош эгиб, қиличлари қийшайиб ватанларига қайтганларини кўрганларидан кейингина, Европа устига худонинг бир балоси, офати ёприлаётганига амин бўлдилар. Византия, Англия, Франция, Кастилия, Олмония, Венгрия

киролларининг роҳату фароғатга чулғанган хаша-матли саройларида кўзлардан уйку кетди. У пайтлар Америка китъаси кашф этилмаган, олам Осиё, Европа ва Африка китъаларидангина иборат, деб ҳисобланарди, Африканинг шимолий қирғоқларида Миср, Лубнон, Жазоир, Мароқаш мамлакатлари жойлашганди, ғарбий-жанубий сарҳадлари эса ҳали ҳеч кимга маълум эмасди.

Бу пайт Сирдарёдан Днестргача, Сигноқ ва Ўтрордан Киевгача чўзилган салтанат тузган, яқингинада жаҳонни титратиб душманларга даҳшат солган Тўхтамишхон Тарак дарёси бўйидаги қақшатғич жанглардан кейин бор-будидан айрилиб, қочиб улуғ Литва князи Витаутас олдига паноҳ излаб борди. Жўчи улусида Сохибқирон Олтин Ўрда маснадига ўлтирғизган, бор-йўғи уч йил ҳукм сурган ва шукрни унутиб, муҳолифатдан дам урган хон Темур Қутлуғ ўғлон кутилмаганда вафот этди, мамлакатда бесаранжомликлар авжга чиқди, биров бировнинг сўзига мухтож бўлмай қолди.

Султон Боязид эса исмига мос йилдирим мисоли, шошқалоқликка йўйишга ўхшаш шиддатли жангларни алаenga олдирди. Тездаёқ Кичик Осиёдаги Кирмиён, Хамит, Сарухан, Ойдин, Ментеше, Караман каби йирик бейликларни босиб олиб, империяни ғоят кенгайтиришга эришди. Аввалроқ Караси бейлиги забт этилиб, бир ёнини Мармар, иккинчи ёнини Эгей денгизлари ювиб турган йирик Баликесир шаҳри қўлга киритилгач, империя чегараси Дарданелл бўғозининг шарқий қирғоқларига етди, бу кейинчалик усмонлиларга Европага юриш йўлини очиб берди. Жанубда эса империя ҳудуди Ўрта денгиз соҳилларига бориб тақалди.

Усмонлилардан қаттиқ хавфсираган Византия императори Мануил II Палеолог қандай қилиб бўлсада насронийликнинг тарихий таянчи Константинополни сақлаб қолиш таъинини чекарди. 1399 йилда маршал Бусико ўн етти кемада икки минг рицар билан Франциядан ёрдамга келди. Бу – жанг ўтиб, ҳамма нарса тинчигандан кейин, айюҳаннос солиб

бўм-бўш майдонга бостириб кирган лашкарни эслатар, тўйдан кейин чалинган ноғорага ўхшар, дўк-пўписа билан мушт ўқталишдан бошқа нарса эмасди. Табиийки, бундан ҳеч иш чикмади.

Император Мануил II Палеолог аҳволнинг пачорлигидан маршал Бусико кемаларида Европа мамлакатларига сафарга жўнади. Даставвал Венеция, Милан, Флоренцияга борди, янги салиб юриши учун катта маблағ зарурлигини айтиб, уни йиғишда Рим напасидан кўмак сўради.

Францияда ҳам одамларнинг кулоқлари машъум сўзлардан батанг эди:

– Худонинг қарғишига қолдик!

– Йилдирим Боязид йаничарлари бостириб келмоқда!

– Нажот йўқ, нажот!..

Императорни қирол Карл VI нинг ўзи канцлер, парламент аъзолари, дин арбоблари ва париждликлар биргаликда унинг истиқболига чиқди, катта эъзозу эҳтиром билан Лувр саройида жойлашган қароргоҳга кузатиб қўйди. Уч ойдан кейин Византия императори Англияга ўтди, навбатда Кастилия мамлақати турарди. Мануил II Палеолог ҳамма жойда сўзни Европа тақдири қил устида турганини тушунтиришдан бошлар, куйиб-пишиб қудратли давлатларни даҳшатли ёвга қарши курашга чақирар, кўп ерда ғози йўқ ваъдалар эшитар, қўйини пуч ёнғоққа тўлдираётганларини сезса-да, шунисига ҳам шукр, дегандай чорасиз, интилганга толе ёр, қабилда аллақандай умидларда сафарини давом этдирарди.

Кутилмаганда қудратли Миср ва Шом султони Барқук ҳам тангри раҳматига борди, юртда беклар ўртасида кучли низо қўпди, тахтга минган ўн яшар ўғли Фараж, ҳали бола эканидан қўлида ҳеч инон-ихтиёр йўқ, юрт бошқаришни билмасди. Аъён-ақобирлар бир-бирларидан шубҳаланиб, фитнага зўр бердилар, жанги жадал ноғорасини чалдилар, кўн шухратли амирлар умри зое бўлди, мамлакат бошбошдоқликка юз түтди.

Ўн йил мукаддам Арзинжон ҳокими Тахуртанбекка Соҳибқирон салтанатини тан олишга чақириб элчи юборилганди. Узоғини ўйлаган Тахуртанбек дархол итоат йўлини танлади, Амир Темур элчисининг иззатини ўрнига қўйди, сийлаб, божу хирож шартларини қабул этиб, Соҳибқиронга турфа пешкашлар жўнатди. Беш йиллик юриш пайтида Авник қалъасига келганда Амир Темур Тахуртанбекни ўз хузурига чорлатди. Одатда, Соҳибқирон хузурига бош эгиб келган ҳукмдорларнинг ҳар бири: «тобеликни бўйнимга оламан, мен ҳоким эмасман, оддий фуқароингиздурман», дегандек ўзини ҳокимлик лавозимларидан ихрож этарди. Тахуртанбекка нишон иноят қилиб, ол тамға бостирган, Арзинжон қалъасини топшириб, шоҳона либослар билан сийлаган Соҳибқирон Йилдирим Боязид империяси билан Трабзон империяси ўртасида ўз «қўл»и пайдо бўлганидан мамнун эди. Қофқозда эса Дарбандда Соҳибқирон ишонган Шайх Иброҳим доим садокат кўргизиб келарди.

Хитой вилоятида бир неча минг мусулмонларни қатлга етказиб, исломни таъқиқлаб, нафас олдирмай қўйган подшо Тўнғузхон¹ ҳам худонинг қаҳрига учраб оламдан кўз юмибди. Янги подшо ундан бадтар қаттиққўл эмиш.

Мўғулистонда Соҳибқироннинг қайин отаси Хизр Хожахон оламдан ўтгач, унинг Шамъи Жаҳон ўғлон, Муҳаммад ўғлон, Шер Али ўғлон ва Шох Жаҳон деган ўғиллари бирлашиш ўрнига бадфеъл одамларнинг ганига учиб, тахт талашишга киришдилар, бир-бирларига қилич ўқталдилар. Ажабо, одам зоти, одамлар ҳамиша, ҳамма замонларда ҳам бундай жанжалларнинг оқибати нима билан тугашини аниқ кўриб-билиб турсалар-да, ўзларини тўхтата олмасликлари ҳали хануз ҳайратга солади кишини.

Жаҳон қалқиб турарди.

Тинччиларнинг келтирган хабарлари оламнинг нотинч эканидан хабар берарди.

¹ Мин сулоласи вакили Чжу Юан-чжан(1368-1398) назарда тутилган

ИККИНЧИ БОБ

I

Бир неча кундирки, Турон салтанати пойтахти Самарканди фирдавсмопанднинг шимолидаги Оҳанин дарвозаси томонда Бибихоним мадрасаси билан Туман оқа хонақоси рўнарасида, кўчанинг нариги бетида галоғовур, шовкин-сурон тишмайди. Майдонга бутун шаҳар кўчиб чиққанми, дер эди қараган одам.

– Хой! Тупроқни чиқар!

– Хандақ таги топ-тоза бўлсин!

– Хой анқов! Арқонни туширсанг-чи!

– Челакни торт! Челакни!

– Чукуррок кавла!

– Пў-ўшт! Пў-ўшт деяпман! В-ей, аробани кўрмайсанму? Йўлдан қоч! Босиб кетади! Пачоғингни чиқаради!

Бундай хитобларга ҳеч ким хайрон қолмайди.

Суронларга тўла улкан хандақ худди чумоли уясини эслатади: мингга яқин одам хандақ ичида ивирсиб юради, худди уясига кириб-чиқаётган чумолилар каби тартибли, ораста, шунча одамнинг тор жойда қандай қилиб биров бировига халал бермай, эмин-эркин юрганлари хайратланарли эди. Яна бир кўп одамлар челакларни аравачаларга ағдариншар, физиллаганча йўл четида катор турган филлардаги хуржунсифат қанор қонларга солишарди. Шимол ёққа назар ташланса, Кониғил томонга лапанглаб бо-раётган тупроқ ташиётган филларни илғаш мумкин. Чапда четроқда бир неча топшарош усталар харсангларни йўниш билан банд. Тўрт томонда хандақ четига қўйилган нарвонларга чиқиб олишган, ишнинг рафт-омадини кузатишаётган усталарнинг гоҳо огоҳлантирувчи, гоҳо қўлловчи овозлари қулоққа чалинади.

Хаммада қандайдир тараддуд сезиларди. Сабаби, хали замон хонақоҳ ёнидаги Бибихоним мадрасасидан Сохибқирон хар кунги одати бўйича бўлажак жоме масжиди қурилишини кўргани чиқишлари керак.

– Оға, ёдингиздаму, яқинда Конирилда ош бердилару Амир Сохибқирон? – деди нахлавонкелбат йигит ёнидаги ўрта ёшлардаги ғўлабирдай одамга пишиллаганча челақни тупроққа тўлдириб узатар экан.

– Нима-нима?.. Ош дейсанму? Қайси ош? – берварвогина сўради шериги, жавоб ҳам кутмай апилтапил челаққа арқонни боғларкан, юкорига қараб кичқирди: – Анқайма! Торт!

Улар хандақнинг кунчиқиш ёқдаги бурчагида ишлашарди.

– Амир Сохибқирон пайғамбар ёшига тўлдиларку! Ўшанда юртга ош тортдилар... Ошмисан ош бўлди-да ўзиям! Ана ошу мана ош! Тўйга айланиб кетди!

– Ха-ха, ундай демайсанми! Ха, ош зўр эди... Мен эсам, манави ўн газ ерни тезроқ қазиб, тупровини чиқариш хақида ўйлаяпман-да. Кеча усталарнинг сухбатлари устидан чиқиб қолдим, дегин. Гапиришди-да, масжиднинг тўрт юз саксонга оқ мрам устунни бўлар эмиш, тўрт юз саксонга! Уч қатор енгил равоқли айвонлар томида тўрт юзга гумбазча қуриларкан... Барини Сохибқирон айтган эмишлар. Шундай деб эшитдим. Қойил!..

– Биласизми, умримда шунақа ошни кўрмаганман! Бирам ширин бўпти-ки!.. Вой-вой! Қўл узатсанг, гуручлар қўлингда ўрмалаб кетади-я! Гуруч ҳам Ўзганнинг девзирасими дейман. Мазза қилиб едим-да! Нақ ўпта дошқозонга ош дамланди-да ўзиям! Бориб санадим. Ана шунисига беш кетдим!

– Рост айтдинг, полвон! Менам мазза қилдим. – ўйланиб қолди ғўлабир киши. – Во-о... Ҳазилмас, устуннинг ўзидан тўрт юз саксонга-я...

– Шу, дейман-да, оға, Сохибқироннинг ҳам армонлари бормикин? Худо бериб қўйган-да! – Полвон навбатдаги челаққа тупроқ ташларкан, бир лаҳза шеригига яқинлашди-да пичирлаганча узун бармоқларини буқиб санай кетди: – Ҳамма нарса мухайё: боғлар – бир, базмлар – икки, маликалар – уч, ҳурмат, иззат – тўрт... Дунёни кездилар – беш,

мағрибу машриқ мамлакатлари унга бош эгади – олти, эл тинч – етти...

– Нимага бунни сўраб колдинг?

Полвон ишшайди:

– Сабаби, бундай оёқни узатиб айш-ишратларда даврон суриб, ширин-ширин таомлардан еб ётмайдиларми бу ўладиган дунёда, дейман-да... Биз-ку, жоме масжидини қуряпмиз, иш боряпти... Тўксонта занжирланган фил Ургутдан харсангтош ташияпти. Амир Соҳибқирон ҳам, ўн кундирки шу ердалар, анови мадрасада турадилар. Азиз жонларини койитиб бизлар билан бирга иссиқ демай, совук демай оворалар... Амирзодалар, беклар бор-ку ишга қараб турадиган? Туришибдиям. Ана Халил Султон, Амир Сулаймоншоҳ, Султон Хусайн Мирзо, Амир Сайфиддин некўз, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик... Шайх Нуриддин баҳодир-ку танда кўйиб шу ерда ётиб олган. Ана шунга ҳайронман-да...

– Ўн кун дейсан. Жа-а ўн кун эмас-ов, етти кун холос, етти кун...

– Боринг, ана, етти кун. Ҳар куни хандақ атрофини бир айланиб чиқадилар. Кун иссиқ. Бундай, жон ҳам керак-да! Ўзларини уринтиришга не ҳожат, демокчиман. Тушунмайман-да. Шуни доим сиздан сўрайман деб юраман...Оҳ, доғланган ёғнинг иси кеб кетди! Тушга ош пишяпти-да!

Ўғлабирдай одам томоқ қириб, «Хм-м...» – деди-да, кад ростлади:

– Энди, ука, гап бундай-да...

Аммо у сўз айтиб улгурмади.

– Амир Соҳибқирон мадрасадан чиқдилар!

– Ана, келяптила-а-ар!

– Келдила-а-ар! - деган овозлар борликни тутди. Ҳамма сергакланиб Хоним мадрасаси томонга қаради.

Яктак-ништон устидан оқ авра тўн ташлаган Турон султони Амир Темур шошилмай, шоҳона хассасини дўкилатиб, ерга озор бермай дегандай оҳиста-оҳиста қадам ташлаб йўлни кесиб ўтарди. Бошидаги ошпоқ тожга қадалган йирик ҳиндий ёкут офтоб нурида лахча чўндай ёниб кўзни оларди. Ортда шири

муршид Мир Саййид Барака, Амир Шохмалик, Шайх Нуриддин, шайхулислом Хожа Абдулмалик Самаркандий, Муҳаммад Жалд, амирлар, вазирлар, салтанат аъёнлари кузатиб келардилар.

...Сохибқирон Хиндистонда юрган пайтида хашаматли ибодатхоналарни кезиб чикди, Дехлидаги Қувват ул-Ислом масжидида жумъа намозини адо этаётиб, кўнглида фавқулодда: «Фирдавсмонанд Самаркандда мухташам масжиди жомеъ солғаймен! Токи у садди Искандардай устивор, Қуббаи Харамондек улуғвор бўлсун, Хисрави Нўширвон токидан ҳам баланд қурилсун!» – деган қутлуғ ният туғилди. Юртга қайтар экан, нияти тобора типиклашди. Самаркандга киргач, даставвал Қусам ибн Аббос мазорини, кейин Чокардиза қабристонини зиёрат қилди, хайру садақалар улашгач, Боғи Чинорга бориб тушди.

Йўл чарчоғи чиқмай, маҳди улё Сароймулкхонимнинг: «Бир оз хордик олсунлар, хазратим! Узок йўлдан келдилар ахир...» – деган илтижоларига карамай, эртасигаёк икки юзга якин усталар – мухандису меъмор, сангтарошу гилкор, наққошу дуррагдорларни Туман оқа хонақоси олдидаги майдонга чорлашни буюрди.

– Масжид махобатли чиксун, жойи мана шу Хоним мадрасаси рўбарўсидан белгилансун. «Оллохнинг масжидларини фақат Оллохга ва охират кунига иймон келтурадурғон кишигина курсун»¹, дейилғон Куръони каримда. – деди Амир Темур. – Кимда-ким Оллох йўлига масжид курса, гарчи у масжид ўрдак уясидек бўлса ҳам, Оллох унинг учун жаннатда бир уй бино қиладур, деб таъкидлағонлар рисолатнаоҳ расулудлох жаноблари. Шахримизда жумла мўмин-мусулмонлар йиғилиб намоз ўқийдурғон жума масжиди йўқ ҳисоби. Токи Самаркандгина эмас, балки унинг атрофидаги Султония, ҳа, ўша биз бир пайтлар пойтахтимизга тумор янглиғ безакдай тақилсун, деб ўйлағон ва

¹ Куръони карим. Таваба сураси, 18-оят

қурғон обод Миср, Дамашк, Бағдод, Шероз, Султония каби гўзал шаҳарчалардан, Хартанг, Қоратепа, Кумушкент, Совғончи, Кундузак, Хожа Фунжора каби қишлоқлардан, йироқ-йироқлардан ҳам кишилар намозга келадурғон бўлсун...

– Офарин! Офарин! – деб юборди пири муршид Мир Саййид Барака. – Жомеъ масжидига ҳижрий 801 да, товушқон йили рамазон ойининг тўртида¹ пойдевор қўйилди. Ушмундоқ савоб ишнинг муборақ ойда бошланмаги бағоят хайрлидур, Амир Соҳибқирон!

Атрофдан олқиш садолари янгради:

– Самарқанди фирдавсмонандга ҳам кўрк, ҳам хусндир!

– Оллох умрларини зиёда этсун!

– Салтанатлари абадиятга улансун, илоҳо!

– Тарҳи солинсун! Қилни қирк ёрадурғон устаю меъморларимизга айтмакчимен, - давом этди Амир Темур. – Масжиди жомеъ узунлиги юз газ, эни ҳам шунча олинсун. Тўрт томони баланд равоқ ва пештоқлар билан ўралсун. Тўрт бурчакда тўртта муҳташам минора бўй чўзсун. Пойдеворини Ургут тоғларидан ушатиғон харсангтошлардан тиклагайсизлар. Қудратли филларда ташигайсизлар. Деворлари пишиқ фишдан тиклансун, қалинлиги етти газдан кам бўлмасун...

Соҳибқирон узоқ сўзлади ўшанда. Одатда, у қуриладиган иморат, сарой, кўприк ё боғ, мадраса хақида гапирганда, жўшиб кетар, қурувчиларни руҳлантириб юборар, ҳали қуриладиган эмас, балки худди аллақачон битган бинони кўриб тургандай таърифлар, ҳамманинг кўз олдига келтириб қўярди.

II

Амир Темур хандакка яқинлашар экан, уймаланиб ётган одамларнинг қаттиқ ҳаракатга тушиб қолганларини кўрди. Кимдир нарвондан юқорига

¹ Милодий 10 май 1399 йил

чикиб тушмоқда, икки киши зил-замбил замбарни кўтарганча филлар сари бормоқда, яна бири чўкич билан ер қазияпти. Ана, қаттиқ урилганидан, тошга тегдими, чўкичнинг «жони оғриб» инграб юборди. Пенсоналарини танғиган ўнтача одам катта сим тўрга солинган, пишиқ иплар билан боғланган икки ботмонча тошни дам-бадам ерга уриб пойдевор заминини обдан шиббалашмоқда. Эрта-индин тамал тошлари кўйилиши керак...

Нариги томонда аллакимнингдир жаҳд билан кетмон ураётгани, тупроқни юқорига отаётгани Амир Темур диққатини ўзига тортди. Соколи селкиллаган бир киши ҳеч қийналмай тупроқни кулочкашлаб хандақдан тепага отганда ҳаммани ҳайрон қоларди. «Бели бақувват!», «Бели бақувват экан!» – дейишарди одамлар. «Паҳлавонлар авлодидан экан-ку!» – ўйлади ичида Соҳибқирон. Ажабланарлиси, бу элик бешларга борган мош-биринч соколи кўксига тушган оқ яқтақдаги қария... эди!

Ишоратдан сўнг, уни Амир Темур ёнига чорладилар. Кўпларнинг, Соҳибқирон назарига тушди, деб чолга ҳаваси келгани кўзларидан билиниб турарди.

- Қаердансен, полвон? – сўради Амир Темур.
- Асли Банокатдан...
- Қани, бери кел-чи...

Чол ёшига номуносиб дадил қадамлар билан яқинлаша бошлади. Ҳамма бирдан Соҳибқироннинг ёнидан бамайлихотир ҳашамдор ханжарини суғураётганини кўрди, ҳеч нарсага тушунмай, нохуш ҳодиса юз бермасин-да, деган ҳаяжонда қотиб қолди.

- Яқтагингнинг савоғини еч!

«Яланғочлаб ханжар солмоқчиларми?..» – деган ўй кечди кўпларнинг хаёлидан. Чол эса хотиржам эди.

Амир Темур яқтакнинг барини очиб, осилиб турган дирҳам тўла чўнтак халтасини ханжар солиб шарт кесиб олди.

– Сенга ижозат! Бориб тупроғингни тортабер! – амр этди кейин жиддий.

Холсизгина ортига қайрилган чолнинг сал букчайиброқ қолгани сезилди. Қадамларида илгариги

шиддатдан асар йўқ. У индамай хандакқа тушиди. Отган тупроғини, ажабо, икки газдан ҳам оширолмади! Ҳаммининг хайрати ортгандан ортди.

– Чолнинг халтасига бир ҳамён дирҳам қўшиб қайтиб берилсун! Бу унинг шижоати мукофоти бўлур! – буюрди Амир Темур. Кейин аъёнларга ўғирилди: – Англадингизму, шижоат қаерда?..

«Англадик, англадик!» деган овозлар эшитилди.

– Вазири аъзам!

– Жоним омода, Амир Соҳибқирон! – сўлқиллоқ кўлларини кўксига қўйиб таъзим бажо этди пакана бўйи яна ҳам кичрайиб кетгандай Муҳаммад Жалд, қисқ кўзларини ерга тикканча.

– Масжид қурилишида ишловчиларнинг барига хазинадан дирҳамлар улашилсун!

Хандакдан шодмон дуо овозлари эшитилди. Вазири аъзам таъзимда фармонни дарҳол ижро этгани йўналди.

Амир Темур чап томонда хандақ яққол кўриниб турадиган безатилган супага қараб юрди ва катта соябон соясидаги тахтга ўтирди. Хаёлида бир лаҳза ўтган кунлар жонланди. Худога шукр, қарийб ўттиз йилдирки, Турон салтанатида бир найзанинг шувиллаб учган овозини кимса эшитмайди, отлар майдонларни чангитиб елмайди, уруш набралари янграмайди. Қаерлардадир балки жанг хайқириклари осмонларни тутиб ётгандир, аммо Турон юртида ҳамма жойда қурилиш ишлари тинмайди. Соҳибқироннинг Оллоҳдан тилагани ҳам шу эди-да ўзи.

Мана, кейинги икки йил ичида Ясси шаҳрида Шайх Аҳмад Яссавий мозори устида иморати олий – макбара тикланди. Кешда мухташам Оқсаройда ишлар тўхтагани йўқ. Келаётиб барини назардан ўтказди. Уста Хоразмий билан гаплашди... Ха, Оқсарой дунёда ўхшаши йўқ бир бемисл сарой бўлмоқдаки, таърифлаш мушкул. Унга бокиб, фақат томоша айламоқ, Оллоҳ бандасининг қўли чиндан-да гул эканига такрор-такрор иймон келтирмоқ мумкин холос.

Қурилиш деса, Амир Темурнинг мудом ғайрати жўшиб, рағбати ҳаволанади. Айниқса, бирон ерда

айкириб ётган сувни кўрса қараб туролмайди, дарҳол боғ ёки қаср қуришга буйруқ беради. Уч йил аввал Эрон юришидан қайтаётиб, Кендан ўтгач, Тахти Қорача довоида нафас ростлашга тўхтади. Иггифоқо, қараса, бир тегирмон булок суви шарқираб оқиб ётибди, ундан майса-гиёҳлару тоғу тошлардан бошқа ҳеч ким наф кўрмайди. Мамлакатда бир қатра сув ҳам беҳуда кетмаслиги, бир қарич ер ҳам бекор ётмаслиги керак! Дарҳол Амир Сайфиддин некўзга: «Шу ерда бир боғ солинсун!» – деб юборади Соҳибқирон! Бугун тоғ ёнбағирларида ястанган ана шу улкан Тахти Қорача боғи, ундаги улкан қаср таърифи эл оғзида, бутун мамлакатни тутган...

Ҳиндистон юришига кетаётганда Соҳибқирон, Амир Сулаймоншоҳга Ҳиндикуш тепасидаги Нағар қалъасини ўрани ва орасталашни топширганди. Аммо қайтишда адо этилган ишдан кўнгли тўлмади.

– Қалъани ўрабсизлар... Маъқул. Лекин, нега ана бу яқингинада айкириб оқаётган катта булок ташқарида қолиб кетди? – қовоғи уюлди Соҳибқироннинг. – Энди шунча сув бекорга оқиб ётадур, кимса нафлана олмайдур. Одатда, барча бино тарҳини ўзим назардан ўтказгачгина иш бошланарди, афсуски, Нағар қалъасиникини кўришга фурсат йўқ эди ўшанда. Мана, оқибати.

Амир Сулаймоншоҳ худди нотўғри кадам ташлаб қўйиб, дакки сган боладай хижолат тортди.

Фарзандларини каттиқ соғинган ва маликалар дийдорига ташна Соҳибқирон юртга тезроқ егай деб ошиқар, отига бот-бот қамчи уришни истарди. Унинг устига, қўл-оёғи зирқираб, эски касали азоб бера бошлаганидан отга минолмай тахтиравонга чиқди. Шуларга ҳам карамай, Нағарда тўхташга қарор қилди.

– Қалъа деворини кенгайтириб булокни ичкарига олсунлар! – буюрди у. – Токи бундаги эл ундан эмин-эркин баҳраманд бўлсун!

Соҳибқирон тепаликда ўтириб олди. Барча – каттадан-кичик ўзини ишга урди. Беклар ва аскарлар

уруш майдонида ёвларга аёвсиз жангчилардир, лекин буюрилса шу ондаёқ қалқонни бир четга қўйиб, пайза билан қилични ташлаб, ўрнига сафархалтадан арра-ю тешани оладилару қурувчига айланадилар. Ҳеч ким тин билмади, аскарлар қолиб, бекларнинг ўзлари ҳам замбар кўтариб, вишту лой ташидилар. Иш қизигандан қизиди.

– Балли, азаматлар!

– Оллоҳ мадад берсин!

– Кучингизга куч қўшилсин! – кабилида сўзлар янграрди.

Завқ-шавқ барчани шу қадар камраб олдики, кўриб Амир Темурнинг ҳам ўтирган ерида ғайрат томирлари кўзғолди, агар жони оғриб турмаганида аллақачон қурувчиларга қўшилиб кетарди.

Уч кунда қалъанинг тош девори кенгайтирилиб тикланди, булоқнинг зилол сувлари ариқ-арик бўлиб қалъа ичига оқди.

– Қалъа аҳли нафлансин деб қўйиндилар, уларни ўйлаб булоқни ичкарига олдирилди. Хушманзара булоқ олдида энди бундоқ бирор кун оёқни узатиб истироҳат этсунлар, жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон! – деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Жуда зебони латиф қўлинг ўргилсин! жойга айланди-да, хавоси бебаҳо! Атроф манзара ҳам ажойиб экан...

– Нағар қалъаси аҳли ҳам Турон салтанати фуқаролари ҳисобланурлар. Пайқадимки, сувдан такчил жойлар экан, Мамат, сувсиз қалъа эли қандоқ кун кечирадур? Ҳиндга бораётиб буни илғагон эрдим. Энди кўнглим ўрнига тушди. Истироҳатни, майли, фақир мискинлар қилсунлар, токи савоби бизларга тегсун. Борини фуқарога тасаддуқ айладук...

– Иншооллоҳ, савоби тегадур!

– Ростини айтсам, бир лаҳза буида тургим йўқ, Мамат. Тезроқ фарзандларни кўрсам, Самарканднинг хавосидан нафас олсам дейман... – қўшиб қўйди шимол тарафга тикиларкан Соҳибқирон ва дарҳол, шу кунёқ юртга жўнашга буюрди. Қалъа халқи Соҳибқироннинг инсофу адолатига тан бериб, дуолар айлаб қолди.

Хуросон томонларда-чи? Кобул атрофларида, Мурғоб бўйларида, Озарбайжоннинг Муғон чўлларида сой-ариқлар казиб сув чиқаришни буюрди. Хиротда Шохрух Мирзо учун Боғи Шаҳр қасрини барно этишни тайинлади. Самарқанд шимолида, яқинда Кониғил ёнида офатижон кичик малика Тўкал хонимга аталган гул-гул яшнаган Боғи Дилкушонинг нақшин дарвозалари ланг очилди. Мана, энди Самарқандда жомеъ масжиди қурилиши бошланди...

«Ошиқмак керак! Ошиқмак! Вақтинг елдек ўтмакда! Умр ўтмакда! – деди бирдан ўзига ўзи маънос ва юраги суст кетди. – Пайғамбар ёшига етдинг, беадад шукр, бандасининг бу ёқдаги умри – Оллоҳнинг инъоми. Шошилмак жоиз. Оллоҳ кўнгилга жойлағон ниятларни адо этмак лозим. Ниятни ҳам Ўзи ардоқлағон бандаларига раво кўрадур... Неча йиллардирки, Хитойга сафар қилмак ниятидасен. Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонни атай Мўғулистон сарҳадига юбордингки, токи қалъани мустаҳкамласун, деб. Сарҳад чеккаларида бинолар қурмак лозим, зироату экин тикиб, ғалла ғамласун. Қўшин борганда аскарга ҳам озик бўлур, отларга ҳам ем... Ҳа, шаҳзодани Ашпарага бекорга жўнатмадинг, у Хитой йўлларини обдан ўрганиб олсун, бари Хитой сафарида албатта қўл келадур... Икки йил аввал шундай фармонни эшитиб, кўнлар арзанда шаҳзодани мамлакатнинг узокдан-узок чеккасига юбормоқларига сабаб нима экан, деб таажжубларини яширмадилар, хатто айримлар ўзаро суҳбатларда, шаҳзодадан бирон эҳтиётсизик рўй берибди шекилли, сургунга учрабдур, деб гапириб юришғон ҳам эмиш. Шаҳзодага ёмонликни тиламасмен, фақат истикболда улур юртни бошқаришдек катта вазифа унинг зиммасига юкланадур, шунга яраша оқ-қорани танисун, кўзи пишсун, ақли терап-лашсун, дейман-да...»

Сохибқирон беихтиёр ўрнидан турганини билмай қолди. Назарида, у харакатсиз, вақтни бекор ўтказиб ўтиргандай туюлди, бу ҳамиятига тегди. Нимани кутади у? Эҳ!.. Иложи топилса, канот қоқиб

қайларгадир баланд-баланд учгиси, ҳамма ишни бирдан адо этиб ташлагиси, одамларни бахтли, дунёни тинч, обод кўргиси келиб кетди. Лекин оламнинг ярмидан кўпини фатх этган, дасти узун, не-не гарданкаш подшолар бўйин эккан қудратли ҳукмдор эрса ҳам, порасо дунёда бунинг чораси йўқлиги юрагини сиқди, ўз-ўзидан торинди.

Амир Темурнинг безовталанганини сезган пири муршид Мир Саййид Барака Соҳибқироннинг даст ўрнидан туриб узоқ-узоқларга тикилиб қолганини кўрди. Кўрди-ю шу палла унинг сўзлари Соҳибқиронга жуда кераклигини, унинг ёнида бўлиши лозимлигини дилдан терап туйди, ўз-ўзидан шитоб хандақ ёқдан сунага қараб юрди.

– Амир Соҳибқирон! Илоҳий русум шундайки, ўзининг суйғон бандасига олами ғайбдан гоҳ-гоҳ хабарлар юбориб турадур, токи унга тобшурилгон вазифалар ижросида иккиланиб қолмасун, – даб-дурустдан сўз бошлади пири муршид. – Ёдларида борму, хазрат расулуллоҳ воқеаси? Олийжаноб элчи, малак Жаброилнинг пайғамбаримизга намоён бўлишидан аввал ҳам парвардигор ғайбий хотиф-хабарчилар орқали унинг дилига қувватлар бериб турфонди...

Соҳибқирон Мир Саййид Бараканинг жуда зийрак, зукко, тез фахмлагувчи зот эканига яна тап берди. Лекин унинг hozир юраги сиқилганини пир қайдан билибди? Бу ёлғиз Оллоҳга аён. Рост, пири муршид – пир, дўст, муҳиб... Соҳибқирон дилидаги тебранишларни дарров илғайди. Эсида, Тўхтамишхон мухорабасида Амир Темур кўшини парокандаликдан туғи йиқилиб, енгилишига оз қолганди. Пири муршид машъум вазиятни фаҳм этди, дарҳол ердан бир сиқим тупроқ олди, қайта отига миниб кўрқинчли важохатда душман сари сочиб юбораркан: «Ёғий кочди!!!» дея қичқирди ва ўзи душман сари от қўйди. Рухланган жангчилар шу ондаёқ сурон солиб шиддат билан ёв томонга юзландилар ва уни мағлуб этдилар...

– Бандасининг умри баайни «фоний сарой» де-

ган баҳрда юргон бир кема: унда ўтирғон одам кеманинг қандай юзаётғонини ҳам, ўткинчи саройдаги ҳаётнинг лаҳза-лаҳза битиб бораётғонини ҳам билмас, беғамликдан ташвишини ҳам чекиб ўлтирмас... Аммо, Оллохга шукрки, жанобларининг йўриқлари мутлақо ўзгачадур. Оре, рост. Теран ақлу идрокин-гизни бамисли ойинаи гитинамо дейишни ёқтирамен, зеро унга яхши боққанлар дунёи дун манзараларини бемалол илғай олғайлар, – давом этди пири муршид. – Муборак кўнгилларида бандасига хос ташвиш аломатларини пайқадим. Асло ғам чекмасунлар, кўнгилни чўқтирмасунлар, тангри таоло ўзининг ердаги соясини фаромуш этмағай, ўзларига зафарлару хуш хабарлар иноят қилғай! Ал-ҳамду лиллаҳир-раббил оламин!

Пири муршиднинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Нечун у бу сўзларни айтди, қайдан топиб айтди, унга қандай зарураг туғилди – ажабо, пири муршид бу ёғини билмади. Фақат худо дилига солганини англади холос. Фавқулудда раббоний илҳомдан қуйилган каломларни шархлашга ҳамиша ҳам бандаси ожиз-да.

Амир Темур лом-мим демас, дилга ёқар сўзлар мағзини чақишга уринарди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ етишди-ю пири муршиднинг айтганлари ўз тасдиғини топгандай бўлди: чиндан-да хушхабар келди!

– Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон жаноблари мўғул сарҳадидан Самарқанди фирдавсмонандга қайтаётган эмишлар! – таъзим бажо этди додхоҳ.

Амир Темурнинг назарида кўзлари ярқ этиб очилиб, олам ёришиб кетди. Валиаҳд шаҳзодани қанчалар суюшини, ардоқлашини, соғинганини ҳис этди! Қайтсун, деб ўзи буюрди. Хиндистонга жўнашдан олдинги машваратга катнашишга Аншарадаги вазият йўл бермади, ўшандан буён гарчи чопарлар қатнови тинмаган эса-да, набираси дийдорини кўрмади, мириқиб суҳбатлар қурмади.

– Халлоқи безаволга салламно! – деб юборди Амир Темур, пири муршиднинг сўзлари ҳам, додхоҳнинг хушхабарни ҳам ғойибдан иноят қилинганини ич-ичидан туйди.

Амир Темур пири муршидга қаради. Пири муршид Соҳибқиронга тикилди. Кўзлар кўзларга тушганда юраклар бирдай тепаётганини иккиси ҳам сезди.

УЧИНЧИ БОБ

I

Маҳди улё Сароймулкхоним ҳар йили рабиулаввал ойининг ўн иккинчи куни мавлуди шариф айёмида пайғамбар саллоллоҳи алайҳи васалламнинг таваллудига Боғи Чинорда аёллар мажлисини ўтказди. Барча маликалар, бегимлар, келинлар, мушкин хатлик оҳу кўз гўзаллар, аслзода ойимлар, нуфузли беклар, амирларнинг хотинлари йиғилиб келишади. Мажлисида расулуллоҳга бағишланган «Мавлуд ун-набий» қасидасини мутолаа қилишади, шаънига ғазаллар ўқишади, муборак ҳадислардан тинглашади, факиру мискинларга хайру садақалар беришади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа, «кичик малика» рутбасини олган, ўн саккизга кирган, ўн саккиз минг олам тароватини ўзида мужассам этган соҳибжамол Тўқал хоним, Султон Бахт бегим, кўнглининг бир четида жигаргўшалари беш яшар Улуғбек Мирзо, Дурсултон оқа кўлида тарбияланаётган икки яшар Бойсунғур Мирзоларни кўриб кетишдан умидвор, Хиротдан елиб чошган Гавҳаршод бегим, бошқа келинлар, оқбилак ойимлар, канизаклар давра қурдилар. «Фақат Хонзода хоним узоқдалар, муштипар келиним!..» — хаёлидан кечирди катта малика...

Авалло қутлуғ айём шарофати, қолаверса, Соҳибқирон хазратларининг Ҳиндистондан зафар билан қайтганлари шукронасига ҳамду саюлар айтилди. Аёл кўнгли ҳаминша тугик. Аммо бир-бирларининг дийдорларидан кўнгишларнинг чигили ёзилди. Мамнуну масрур боғни айландилар, кейин атроф маҳаллаларга чиқдилар. Бева-бечораларга хайру садақа улашиб қайтган эдиларки, хумоюн ўрдудан

ажойиб хабар етди: валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Ашпарадан қайтаётган эмишлар!

Сароймулкхоним севиғчини ичига сиғдиролмайдиколди, каттиқ қувоншдан кўрқиб, ўзини тийди. Ахир у валиаҳдни тукқандан ҳам орттиқ ардоқлайди — ўз кўлида ўстирди, вояга етказди, топган қайлиқларини шаҳзодага маъқул этолмай қийналди, ниҳоят тўйини ўтказди. Сўнги марта учрашганларига ҳам бир йилдан ошиб кетди, яна қачон кўраман, деб иштиқ.

У аввало муждани маликаларга суюнчилади. Кейин дарҳол мулозим Сафарбергани хузурига чорлатди. Боғи Чинор қасри олдидаги сўрида ошангилдай бўлиб кетган уч кундоши билан ўлтирар экан, мулозимни кутиб тоқатсизланаётгани сезиларди.

— Малика Соғинч хоним ҳам келгандурлар? — сўради Туман оқа. — Бирам соғиндимки!

Чўлпон Мулк оқа билан Тўкал хонимлар: «Бизлар-чи? Биз ҳам!» дегандай, бир-бирларига қараб жилмайиб кўйишди. Энди Соғинч бикани «Соғинч хоним» деб атай бошлаган эдилар.

— Соғинч хоним ҳам бирга қайтадурлар албатта...

Сароймулкхоним шундай деди-ю сабри чидамай ўрнидан турди, эрталаб уқтирганига қарамай, қаср рўпарасидаги тағи феруза лаптакчалар билан қопланган ховуз ёнида куймаланиб юришган боғбону хизматкорлардан тағин хабар олмоққа чоғланди. Бориб ховузни бир айланиб чиқди, нималаргадир ишора қилди. Сўзлари маликаларга эшитилиб турарди:

— Обдан қуритиб, лаптакчаларнинг ҳар бирини ярақлатиб артиб чиқингиз, хов анови синиқларини алмаштириш лозим, сув очиб куйишни унутмангиз.

Қатта малика дарвоза томонга қараб-қараб кўярди. Қасрнинг ўнг тарафидаги тарвақайлаган зарбардаст чинор шабадада майин шигирлар, худди қасрнинг чапида вояга етолмай қуриб қолган «бола-чинор»ни қумсаётгандай ўша ёққа эгиларди... Боқаркан, нечундир Сароймулкхоним кўнгли увишди, бир лаҳза чинорларнинг «ота-бола»дай ўсган

паллалари ёдига тушди-ю хаёлларини нари қувишга тиришди:

– Чорчаманларни саришталангиз, йўлкалар эътиборсиз қолиб кетмасун, – ўнг чеккасидаги қора гажагини силаб қўяр экан тайинлади маҳди улё. – Мехмонларни кутиб олғаймиз...

Бу палла мулозим дарвозадан кириб яқинлашиб келар, Сароймулкхоним сўзлари аниқ қулоғига чалинарди.

Ҳамиша жиддий кўринадиган Сафарберган эғнига яшил дебо кийган катта маликанинг худди ёш кизлардай чаккон-чаккон ҳаракатларига, сўзларининг кескин-кескин чиқаётганига алоҳида эътибор берди. «Хайрият, – деди ичида, – яхшиликка чақирганлар шекилли. Кўнгилсизликларми, деб қўрқиб туради киши. Одатда, Амир Соҳибқиронни кутишга чиқсалар, ёки қутлуғ малика Хонзода хоним, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон, ёш бекач Соғинч хоним, амирзода Халил Султонлар билан дийдорлашишга ошиқсалар шундай ҳолга тушадилар, серҳаракат бўлиб қоладилар, кўнгиллари ҳам яшнаб кетади...»

– Амрингизга мунтазирман, хонимойим хазрати олиялари! – бош эгди мулозим.

– Келдингму?.. Дархол Муҳаммад Чуроға додхоҳ жанобларига йўликасен. Боғи Нақши жаҳонни орас-таламак жоиз. Мехмонхона, хобхоналар саранжом-саришта қилинсун. Барини кўздан қочирма!

– Бош устига, улуғ маликам! – таъзим бажо келтирди мулозим. – Ёдингизда бор, ўзлари тобшурганларё қасрни бир ой аввал таъмир этганмиз...

– Биламен, биламен... Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон билан малика Соғинч хонимлар Самарқандга ташриф буюрмакдалар!.. Арк маҳалласида данғиллама ховлилари борлигига қарамай, доим Боғи Нақши жаҳонга тушишни ёқтирадилар, оталаридан ёдгорлик-да бу, ўзларининг боғлари. Бориб бирма-бир назардан ўтказаман. Ариқлар, ховуз сувларини янгиласунлар, хоналарни бир-бир

қараб чиксунлар, йўлаклар чиннидай тоза бўлсун. Шахзодамнинг кўнгиллари нозик...

– Бош устига, улуғ маликам!

– Тағин. Шахзодамнинг ўзлари қурдираётгон мадраса билан хонақоҳни бориб назардан ўтказгил! – давом этди катта малика. – Ўн кун аввал кўрғонимда ишларнинг кўни поёнига етиб қолувди, қўлим тегиб боролмадим... Шахзодам кўнгиллари таскин тонмай, ранжимасунлар тағин?

– Рост дедилар, хонимойим ҳазрати олиялари! – тасдиқлади мулозим. – Ишлар поёнига етган. Шахзодамнинг фатволари керак холос. Мадраса толиби илмлар қадамига мунтазирдур...

– Ха, бир гапни айтиб қўяй: Жомеъ масжидига ва шахзодам мадрасасига Кирмондан тоза гиламлар буюртирасен! Ёдингда борму, уч йил аввал шахзодам ва келиним малика Соғишч хонимлар Хурмуздан қайтгонларида оловдай ловуллаган ажойиб гиламларни пешкаш қилдилар. Куйиб қолмасун деб, оёқ кўйишдан қўрқади киши... Ана, масжидимизда турибди. Намозхоналарга ана ўшалардан тўшайсен.

– Бош устига!

Шу палла, касрдан беш ёшлардаги икки болакай югуриб чиқишди, сўридаги маликаларнинг: «Тўхтангиз, ўзим ўргилай! Тўхтангиз, қоқиндик! Бир кўришиб олай, гиргитгон!...» – дейишганига ҳам карамай, Сароймулкхоним томонга қараб чопишди. Маликалар сўридан турдилар-да, амирзодалар изидан юрдилар. Болакайлар Шохрух Мирзонинг ўғиллари: Улуғбек Мирзо ва Туман оқа қўлида воёга етаётган Иброхим Султонлар эди. Хали фарзанд кўриш насиб этмаган Чўлпон Мулк оқа ва Тўқал хонимлар болакайларга парвона бўлишар, хамиша уларни эркалашга, суйиб юзларидан ўпишга интиқ турардилар. Айниқса, Чўлпон Мулк оқа суюмли Улуғбек Мирзони ҳеч ким йўғида учратди дегунча, бағрига босиб-босиб оларди.

– Ха, сайисга айтгил, қўрамдан беш юзта саратни танлаб берсун, бозорга солғайсизлар, нақдинасига гиламлар сотиб олғайсизлар! Англадингму?

– Англадим, хонимойим жаноблари.

Сафарберган бошқа ҳеч нарса демай, аста ортга чекинди.

– Вой, амирзодаларим келдиму, суянчиқларим?

Улуғ Кўрагон салтанати суянчиқлари! – чехрасига табассум ёйилди Сароймулкхонимнинг. Маҳди улё чўнкайиб ўтирди-да, амирзодаларни елкаларидан кучиб ўзига тортди, яшил дебонинг кенг этаклари ёйилиб майингина ерни супурди. Каттакатта тийрак кўзлари салтанатнинг нуфузли зодагонларидан Фиёсиддин тархоннинг соҳибжамол қизи Гавхаршод бегимни, чўзинчоқ юзлари Шоҳрух Мирзони эслатадиган Улуғбек Мирзо ҳам, ундан бўйи хиёл пастроқ, ғайратини ўзига сиғдиrolмайдиган, бир жойда туролмайдиган даражада питрак, шўх Иброҳим Султон ҳам бир хил кийимда эдилар: ок якак-иштонда, бошларида мимит ёкут қадалган митти тож, оёқларида қимматбаҳо тошлар қадалган кизил сахтиён этикчалар...

Улуғбек Мирзо худди катталардай сипо кўринар, бу сиполик унга фавқулодда ярашиб турар, баъзан кўзларини бир нуқтага тикканча узоқ тикилиб колар, ҳатто чақирсалар ҳам киприк қоқмасди.

– Нимани ўйлаяптилар амирзодам, ўзим ўргилай? – сўради Чўлпон Мулк оқа.

– Каттиқ хаёлга ботибдурлар... – сўз қўшди Тўкал хоним чиройли кўзлари лим-лим нурга тўлиб.. – Ташвишлари кўп шекилли... Вой, бирам кўпки...

– Темурийлар хонадонининг ташвиши кам бўладурму? – мийғида жилмайди гўзал ва хушқомат Туман оқа. – Салтанатни ўйлаш, фарзандларни ўстириш, юртни обод қилиш ғамини чекмақдалар амирзодам ҳозирданок... Иброҳим Султон ҳам тинмайдурлар...

Мириқиб кулдилар.

– Жаҳонгашта амирзодалар! – деди ғурурланиб Сароймулкхоним. – Чақалоқлик вақтларидаёқ Соҳибкирон ҳазратларини зиёрат этгани ризвон боғларидай дилтортар Қорабоғ мавзеига борғондилар... Самарқанди фирдавсмонандга ҳам амирзодалар икки ёшга тўлғонларида қадам қўйдилар холос.

– Ха, ха, шундоқ... – кўзларида табассум, тасдиқлашди баркамол хонимлар.

Соҳибқирон Хиндистон сафарига отланганида маҳди улё Улуғбек Мирзо билан Кобулгача кузатиб борганларини эслади. Ўша ерда Амир Темур амирзодадан ажралгиси келмай иккиланиб қолди: бирга олиб кетай деса, ёт ўлканинг иссиқ хавоси унинг сихатига ёмон таъсир этишидан қўрқди, хайрлашай деса кўзи киймасди. Охири, қайтғонимда Термизда кутиб оласизлар, дея Самарқандга жўнатди...

У доим ўғил ва набираларини ўз ёнида жамулжам кўришни, йироқлашмасликларини истарди. Аммо начора, кечаги палатон қушлар қанот чиқаргач, уни ҳеч ким, ҳатто қудратда дасти узун подшо ҳам тутиб қололмас экан, бири у ёққа кетади, бири бу ёққа... Соғинса, тўй ёки байрам бахона ҳаммасини ҳузурига чорлайди, бир жойга йиғади, лийдорларига тўйиб олади.

Улуғбек Мирзо ҳали ҳам хаёлга ботган ҳолда бир нуктадан кўз олмай тикилиб турарди. «Амирзодам бошқачалар... – ўйлади Сароймулкхоним. – Иншооллоҳ, ундан илму зиёга интилуғувчи аллома чиқадур... Жуда хаёлчан, босиқ. Худди шу ёшданок дунёнинг паст-баландига назар солаётғондек, жумбоқларига жавоблар излаётғондек... Ха, ха, бизлардан кейин шахзода Муҳаммад Султонга таянчу суянчиқ бўладурғон амирзодалар мана шу Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султонлар билан Бойсунғур Мирзолар-да!.. Умрларини берсун, илоҳо...»

II

Бир ҳафтадан кейин Кўксаройнинг қўш минорали нақшин дарвозаси олди эрталабдан гавжумлаша бошлади. Узоқдан миноралардаги, кеч кирганда қоровул ёкиб тушадиган (ҳар бирида саккизтадан) фокусларнинг ялтироқ тунука соябонлари эрталабки офтоб нурида яраклаб кўринарди.

Ниҳоят, шахзодалар, салтанатнинг нуфузли ва ҳурматли кишилари саройга кираётганда доим тап-

танавор чалинадиган нофоранинг таниш залворли са-
долари янгради. Бу палла икки юз кадамлар олисда
Мухаммад Султон мадрасасидан чиққан шаҳзоданинг
мулозимлар ўртасида оқ тулпорга минаётгани элас-
элас кўзга ташланди...

Пири муршид Мир Саййид Барака, мамлакат
хоши Султон Маҳмудхон, шайхулислом Хожа Аб-
дулмалик Самарқандийлар дарвоза олдида кутишга
қарор қилдилар, бошқалар шаҳзода истиқболига
пешвоз чиқиш тараддудида ўша томонга қараб юр-
дилар.

Пойтахтга қайтганидан кейин иккинчи кунёк
Мухаммад Султон фурсатни бой бермай, ўзи барпо
этдираётган мадраса билан хонақоҳда ҳали тугама-
ган қурилиш ишларини кўришга келганди. Бу ер
Кўксаройдан узоқ эмасди.

Шаҳзода кезаркан, йигирма икки хужра билан
ўралган мадраса ҳовлисининг шинамлигидан бағоят
кўнгли ёришди. Хужралар шинам ва файзли, тепа
туйнукдан тушиб турган ғира-шира ёруғлик, одатда
бундай гўшаларга хос сукунат кирган кишини илм
олишга, Оллоҳга ибодат қилишга чорлаётгандек
туюлади.

Шаҳзода хужралардан бирига кадам қўйди-ю,
негадир оҳиста энтикди. Кошкийди, шундай бир
хужра бўлса, унда истиқомат айласа, парвардигор
фурсат берса, кўнглига рағбат солса, салтанат иш-
ридан чекинса-ю буюк орзуси – Қуръони каримдан
нусха кўчириб, китобат айлаш ишларини ниҳоясига
етказиб, валинеъмат Соҳибкиронга тухфа айласа,
дуоларини олса!.. Аншарада бу қутлуғ юмушини
давом этдиришга, хайрият, фурсат топилди, йигирма
учинчи – «Мўъминлар сураси»га келди. Бир юз ўн
саккиз оятдан иборат экан. Саҳифаларга меҳр билан
назар ташлаб, ичида қувонди, ҳа, насх ёзуви чиндан
чиройли, бежирим, кўзни қувнатади. Лекин ҳали
устози Мавлоно Убайдга кўрсатишга улгурмади.

Унда фавқулодда бир фикр уйғонди: оятларга
тафсирлар битса-чи, уларнинг чуқур мазмунини
содда қилиб таърифлаб берса-чи?.. Сира алломалик

даъво қилмайди, биров учунмас, ўзи учун, бебаҳо ҳикматлар мағзини чуқурроқ тагига етиш учун ёзади. Яхшиси, хотира дафтарига тушириб боради.

«Мўминлар сураси»нинг маъноси жуда теран эди. Рост, беҳуда сўзларни гапирмайдиган, ёмон амалларга қўл урмайдиган мўминлар, тагларида дарёлар оқадиган жаннат боғларининг ворислари ҳисобланурлар. Мўминнинг фаний дунёдаги умри унинг боқий ҳаётида бир қадам, балки бир нафас холос. У охиратда мангу ҳаёт лаззатларини тотмоқ учун қайта тирилмоғи шубҳасиз... Жумла мўминлар бахтли ва бадбахтларга ажраладиган, фақат иймон, яхши амалгина фойда берадиган қиёмат кунининг келиши ҳам муҳаккаку муқаррардир...

Ғолибо, сурани кўчирган куни шахзода йигирма уч ёшга кирибди! Ё раббий! Бундан бағоят тааж-жубланди албатта. Шу палла фавқулудда икки йил аввал Кўксаройда Соҳибқироннинг хос мунший мавлоно Хайбатуллоҳга қандайдир тузукни дафтарга туширишни буюраётгани ёдига тушди. Хос мунший қалин кўк дафтарни очиб ўхшатиб ёзиб қўйган эди ўшанда. Шахзода тикилиб тураркан, илгаридан кўнглида асраб юрган, лекин ҳалигача айтишга журъат этмаган яна бир ниятини беихтиёр ошкор этиб қўйди:

– Дурдона тузуклар бебаҳо, бағоят латиф, теран ҳикматларга бой экан. Валинеъмат Соҳибқирон, агар изн берсалар, изн берсалар... Оллоҳ буюрса, тузукларни ўзим китобат айлағоймен!

Муҳаммад Султоннинг кўз олдида дарҳол Кўксарой кутубхонасидаги салжуқийлар вазири Низомумулк қаламига мансуб кўркам «Сиёсатнома» рисоласи намоён бўлди. У рисоланинг нафосат ила китобат этилганини кўриб, каттиқ ҳавас қилганди.

– Бешак-шубҳа, ўзлари бу ишни рўёбга чиқарғойлар! – хурсандлигини яширмади Амир Те-мур, шахзоданинг манглайдан ўпиб қўяркан. – Аввал Қуръони мажид китобатини итмомиға ет-курсунлар, сўнг бу ишга қўл урғойлар... Тузук-

ларни Турон султони иншо этмакда. Китобатини Турон салтанати валиаҳди амалга оширса, худога хам, бандасига хам хуш ёқадуруғон қадам бўлур, иншооллоҳ! Бобонинг ишени набира давом этдурғай. Ёруғ дунёнинг ўзгармас мангулик қонуни. Оллох ўша кунларга етказсун!

Хужраларни бирма-бир кўриб ҳовлига чиқиб турган эди, Хумоюн ўрдудан чопар мухташам Кўксарой оstonаси валиаҳд шахзоданинг муборак қадамларига мунтазир экани ҳақида хабар берди.

– Амир Соҳибқирон жаноби олийлари бугун эрталаб Боғи Чинордан Кўксаройга йўл олдилар ва валиаҳд шахзодани тезроқ дийдорлашишга рағбатларини билдурдилар. – деди чопар. – Жаҳон шахзодасини чорлашни, унинг шарафига олий машварат чакиришни буюрдилар!

– Куллуқ! Куллуқ!

Шахзода қувониб кетди, лоп этиб Ҳиндистон юриши арафасидаги икки йил олдинги машварат эсига тушди. Ашпарада эканидан қатнаша олмади, гапнинг сираси, келишини қаттиқроқ тиламадилар хам. Бу нарса озроқ иззат-нафсига тегди, аммо ҳеч кимга сездирмади. Буни уни аяганларига, шахзодага юклатилган вазифани машваратда қатнашишдан кўра муҳимроқ деб ҳисоблашларига йўйиб қўяқолди. Кейин тафсилотини унга айтиб бердилар.

Соҳибқирон ўшанда фарзандлар ва беку амирларни Кўксаройга йиғди-да, сафар ҳақида кенгаш солди.

– Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтину зари билан бутун ер юзини эгаллаймиз! – деди амирзода Пир Мухаммад ибн Жаҳонгир, Кобул, Қандаҳор, Фазни ва Балх музофотлари ҳокими. Унинг кўндан шу мамлакатга кўз тикиб юргани маълум эди

– Ҳиндистонни олишда тўғаноқлар мавжуд... – сўзга аралашди ўн тўрт ёшли амирзода Халил Султон синолик кўргизиб. – Биринчиси, ўтиб бўлмас дарёлар, иккинчиси, одам кирса адашадиган ўрмону чангалзорлар, учинчиси, ваҳшатли филлар. Эшитган

эрдимки, филлар хартуми билан одамлар бошини чавгон тўпидай ўйнаб, узиб ташлайвераркан...

– Дарёларидан кечиб ўтғаймиз, ўрмонларидан йўллар очғаймиз, филларини от қилиб минғоймиз, кўркмангиз, амирзодам! – орага суқилди Султон Хусайн Мирзо. – Ҳиндистонни олсак-чи, нақ тўрт иқлимга эга бўлғаймиз!

– Нега кўрқар эканмен? – жаҳлланганини яширмади Халил Султон чиройли қошлари чимирилиб. – Кўрқоқлардан узоқроқда туғилғонмен, буни билиб кўйсунлар!

Шоҳрух Мирзо амирзодалар тутумидан Соҳибкирон олдида ўзини бироз хижолат сизди ва ичида «Хали буларга эс кирмади-да... Фурсат тонди дегунча, ўзаро жанжал курадур.» – деб кўйди, дархол мавзуни ўзгартириб, босиқ деди:

– Амир Соҳибкирон! Мен турк қонунларида ўқиғон эрдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бор экан. Уларнинг номларини айтишмайди, балки улуғлигини хурмаглаб ҳар бирига бир сифат келтурадурлар. Чунончи, подшони Ҳиндистонда рой, Румда қайсар, Туркистонда хоқон, Эронда шаҳаншоҳ, Чину Мочинда фағфур дейдилар. Эрону Ироқни, Жўчи улусини фатҳ айладик. Ҳиндистон бир четда қоладурму? Уни ҳам олмоғимиз лозим. Гарчанд у томонларда дирхаму динарларга тавҳид калимаси зарб этилғон эса-да, хали кўп кофирлар вужуди куфру залолатга ботғондур...

– Ҳиндни ҳам олсалар Амир Соҳибкиронни жаҳонгири замон, яъни ҳамма замонлар жаҳонгири деб атағайлар! – мақтов сўзларини аямади вазири аъзам Мухаммад Жалд.

– Амирзодам мени кечирсунлар, – эътироз билдирди қошлари куюклигидан ковоқлари йўқолиб кетгандай кўринадиган андишали Амир Шоҳмалик. – Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик У ерда турғун яшаб қолмасмиканмиз? У холда наслимиз йўқолиб, ўз аслидан ажраб, тиллари ҳам ҳиндчага айланиб кетмасмикин?..

– Бундан чикди, Хиндистонга бормаслик жонз, демоқчимилар?.. Шундайми? – қисик кўзлари беихтиёр чакнаб сўзни кесди Шайх Нуриддин баходир. – Хиндистон мамлакатининг баъзи вилоятларида, Деҳлида дини ислом байроғи балқиб турибди, аммо юртни кофирлар ва бутпарастлар ўзиники қилиб олган... Амир Соҳибқироннинг улуғ ниятлари доимо кофирлар устига ғазот этмакдир. Нахотки, буни фаромуш айладилар?..

Амир Шоҳмаликнинг гаши келди, баходирга бошлаб жавоб бермоқчийди, бироқ ҳозир кадр талашиш вақти эмаслигини идрок этганидан, тили қичиб турса ҳам ўзини тийиб индамади.

Машварат қизиди. Айримлар у деди, бошқалар – бу. Борамиз, деганлар ичида Султон Хусайн Мирзо билан Халил Султоннинг овозлари тез-тез жаранглаб турарди.

Амир Соҳибқирон хаёлга чўмди, унинг иккилангани билинди. Чунки, олдинда Хитой сафари кутмоқда, аслида-ку, Эрон юришидан кейиноқ ўша ёққа отланиш мўлжалда бор эди. Хитой сафари – катта маърака. Катта маъракалар арафасида кичиклари кетга сурилади.

Охири Амир Темур барчага қараб деди:

– Эй, бахти бекам амирзодалар, олийқадр беклар, муртазо амирлар! Яхши сўзлар айтдингиз. Рух жондур, сўз унинг қолини. Рухингизни ҳис этдум. Барчангиз ҳам тукқан юртимиз Турон салтанати шаъни учун қилич кўтаришга тайёрдурсизлар! Оллоҳ куч-қувват берсун! Тангри таолога юз бурайлик, саваш қуриш, қурмаслик борасинда Қуръони мажиддан фол очайлик. Энг тўғри йўлни Оллоҳнинг ўзи кўрсатгай. Оллоҳ буюрғониға амал қилгайбиз.

«Маъкул!», «Маъкул!» деган овозлар эшитилди. «Фол тўғри чиксин-да! – ирғиб чикқан кўзларини қисганча пичирлади Султон Хусайн Мирзо Халил Султонга. – Валлисёмат Соҳибқирон ҳеч қачон Қуръон сўзига қарши бормайдурлар...»

Соҳибқирон «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!» –

деди-да, Куръондан фол эчди: Тахрим сурасидан куйидаги оят чикди: «Эй пайғамбар, сиз кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг!..»

Хамма «Оҳ!..» деб юборди. Айниқса, Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султон иккисининг хурсандликдан чапак чалиб юборганлари эшитилди.

...Мана энди шаҳзоданинг шаънига машварат чақирилмоқда. Бунни малика Соғинч хоним эшитсалар ҳам бағоят суюнади. Оҳ, бобосини шунчалар кўргиси келдики! Аллақачон бориб тавоф этарди, бироқ таомил бўйича Соҳибқирон хузурига бир ҳафтадан кейин кирилади, меҳмон яхши ҳордиқ олиб, истироҳат қилиб, тиниқиб ундан сўнг олиймақом Ҳумоюн ўрдуга ташриф буюриши лозим. Лекин бу сафар анъанадан чекилинибди. Бобоси валиаҳд набирасини жуда соғинибдилар шекилли, эртароқ чақиршмоқда.

Шундай хаёлларга фарқ, шоҳона либосга бурканган шаҳзода қўлларида туғ тутган мулозимлар кузатувида Кўксаройга қараб эллик қадамлар чамаси юрган эди:

– Хуш келибдилар! Хуш келибдилар!

– Умрлари узоқ бўлсун!

– Камолга етсунлар, илоҳо! – қабилида мархабо сўзлари жаранглади шаҳзодага нешвоз чиққанлар сафидан.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ бошлик издиҳом йўлни тўлдириб келар, улар орасида қайин отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, вазири аъзам Муҳаммад Жалд, қозикалон, доруға ва салтанатнинг бошқа ашраф ақобирлари бор эди. Муҳаммад Султон отдан тушиб қайин отаси ва бошқалар билан кўришмоқчийди, Жаҳоншоҳ ибн Жоку қўймади:

– Фурсат кетмасун, шаҳзодам! Бизлар ризодурмиз. Шитоб айласунлар, Амир Соҳибқирон кутиб қолмасунлар!

– Ҳа-ха, кўришдик ҳисоб...

– Тезроқ борсунлар! Кутиб қолмасунлар!

Аммо барибир барча гулга ёприлган асаларилардай шаҳзода томон интилди. Биров отнинг жиловидан тутди, кимдир омади чошиб шаҳзода қўлларини қисди, бошқалари узангини ушлади, от ёлини силади, мактов сўзларини айтди, хуллас, одамлар шу тахлит ўз меҳру эҳтиромларини изҳор айладилар. Бахти кулган шаҳзодани ўраб олган издиҳом Кўксарой томон йўналди.

Сарой эшиги олдида шаҳзода шарафига чалинган тантанавор ноғора ва сурнай садолари борлиқни тугиб кетди. Тўпланган одамлар Муҳаммад Султонга хавас билан қарашар: «Валиаҳд шаҳзодамиз яшасин!», «Худо асрасун!» деб қичқиришарди.

Амир Темур маҳобатли тахтда ўлтираркан, ташқаридаги сурон овозларини бемалол эшитиб турарди. Кўксаройнинг чиройли кўринишхонаси бугун яна ҳам файзли туюлди. Ҳеч ким йўқ, машваратга тўпланганлар ташқарида, ичкарига таклиф қилишларини кутишмоқда. Ҳиндистондан қайтганидан кейинги илк машварат бу. Уни валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон иштироқида ўтказишни Соҳибқирон асли Кашмирдалигидаёқ кўнглига тугиб қўйганди.

– Подшолиқ чаманининг гули, жаҳон шаҳзодаси валиаҳд Муҳаммад Султон ташриф буюрадила-а-ар! – эшикоғанинг чертиб-чертиб айтган сўзлари хонани жаранглатиб юборди. Амир Темур беихтиёр ўрнидан турмоққа тараддудланди.

– Қўзғолмасунлар, қўзғолмасунлар!

Баланд бўйли валиаҳд шаҳзода эшикдан кирибок югуриб келди-да:

– Ассалому алайкум! – дея таъзим қилди, кейин тиз чўкиб Соҳибқироннинг заррин авра тўни пешини уч бор ўпиб кўзларига суртди. – Табаррук пайғамбар ёшига етгонлари бирлан юрак-юрагимиздан муборакбод этғоймиз, валинеъмат Соҳибқирон!

Амир Темур набирасининг қўлтиғидан олди, турғизиб, аллақандай таважжухда бағрига босди:

– Суюкли набирам!.. Кўнглимнинг сурури, кўзимнинг нури!.. Пахлавоним!..

Кейин бағридан бўшатди-да, елкасидан тутиб катта-катта кўзларига тийиксиз меҳру муҳаббат билан тикилди. Шаҳзода бўй тортибди, борлиғида гуркираган йигитлик забти аломатлари ярқ этиб кўзга ташланади. Чақнаб турибди... Аллақандай ғурурдан Соҳибқироннинг юраги қалқинди, набирасини қайта-қайта бағрига босгиси келди.

Бобо билан набира шу алпозда анча вақт бир-бирларидан кўз узолмадилар.

– Ўзларига ҳам шундоғ қутлуғ ёш насиб айласун, шаҳзодам! Кўриб юрайлик! Оллоҳдан умидим бор, иншооллоҳ, насиб айлағай!

– Қуллук, қуллук!

Валиаҳд катта бўлиб қолганини бўрттириши учун ўзини бепарвороқ, вазминроқ тутишга тиришар, Соҳибқироннинг эса томоғига нимадир тикилиб келар, душманлар лашкарларини титратган сарқарда қувонч туйғулари кўшини олдида ожиз эди. Амир Темур, сафар чарчоғлари ҳали чиқмаган шекилли, ҳорғинроқ кўринди Муҳаммад Султон кўзига. Ногаҳон бобосининг бир томчи кўз ёши соқолига юмалаб тушганини илғади:

– Бобожон! Бобожон!.. – талпинди шаҳзода юзларини Амир Темурнинг юзларига босиб юпатоқчидай, кейин бошини оҳиста елкасига қўйди ва негадир тўлиқиб, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Шу рўбарўсида турган азизу мукаррам инсон ўзининг улуғ бобоси эканини, у эса фоний дунёнинг юмушлари деб қўл-оёғи боғланиб юрганини англади, икки йил ичида лоақал бир марта ҳам вақт топиб зиёратга келмаганидан уялиб кетди. Ичида ўз-ўзини қаттиқ койиди. Такрор бундай йўл тутмасликни кўнглига тугди. Амир Соҳибқирон ҳам бир ёшга бормоқдалар ахир, шаҳзодадай ёш эмаслар. Яқинда ҳисоблаб чиқди: улуғ бобоси олтмиш уч ёшга кирган бўлсалар, шундан ўн йилдан ортиқ умри от устида сафарларда кечибди! Бунга Туронни бирлаштирай деб гоҳ Тошкандга, Яссига, Термизга, Бухорога,

Хоразмга(ахир Хоразмнинг ўзига беш марта юриш қилинди-ку!), Андижонга, Хўжандга борган паллаларини қўшса, ўн беш йилдан ошади. Дунё ганимат, дийдор азиз...

Бирдан унинг вужуди титрагандан титраб кетди! Агар... агар... бирор кун бобоси – у ҳам худонинг бандаси! – дунёдан ўтса... унда шахзода бошини қайларга уради? Бошқаларни билмайди, аммо у... ўзини... Йўқ, йўқ! Муҳаммад Султон ҳеч қачон дунёни Амир Темур бобосисиз тасаввур этолмайди, хаёлга ҳам сиғдирилмайди! Худо ундай кунларни, бошга солмасин, илоҳи!

– Бобожон! Бобожоним!.. – деди яна шахзода ва бобосининг юзларидан ютоқиб ўна бошлади.

– Бас, бас... Роса соғиниб қолибдилар-ку! Йироққа юбориб қўйиб, бобонгиз ҳам хўн таъзирини еди, бировга билдирмай дарди ичида юрди. Бас, шукр этайлик, шахзодам...

– Худога шукр! Худога шукр, валинеъмат Соҳибқирон! Худога шукр... – деди ўзини ўнглаб олган валиаҳд.

Машваратга таклиф этилганлар Кўксарой далоинини тўлдириб, у ёқдан бу ёққа юришар, йиғиндан сўз очишар, овозни кўтармай нималарнидир муҳокама қилишар, гўёки бўлажак машварат тақдири айнан уларга боғлиқдай ўзларини сипо тутишар, виқор билан баҳслашишарди. Машваратда, тахминга кўра, Ҳиндистон сафари ҳамда валиаҳд шахзоданинг Ашпарадаги қутлуғ қадамлари ҳақида сўз бориши, лекин асосан Хитой муаммоси кўрилиши кутилди. Ҳамма қандай қарорга келинишидан қатъи назар, ўз кўнглида кузга ҳам қолмай ёруғ ёздаёқ Хитой сафарига жўнаб кетилишига қаттиқ ишонарди.

– Зафарлари муборак, валинеъмат Соҳибқирон! Турон салтанати қудратини такрор намойиш этиб қўйдилар! Ҳиндистондай мамлакатдан фатҳу нусрат ила қайтдилар! Бошимиз кўкларга етди!

– Ўзларига ҳам сийлов, шахзодам!

– Ашпарада эканимиздан ушбу қутлуғ муҳорабага ўз улушимизни қўша олмай хижолатда қолдик...

– Ундоғ демасунлар, шахзодам! Ҳиндистон муҳорабасига қатнашмағон эрсалар-да, ундан-да юклирок юмушни ухдаладилар. Ишониб тобшурғон эрдик. – жилмайди Амир Темур. – Мўғул сарҳадида мустаҳкам қалъа бунёд этиб, ҳали жаҳон кўрмағон буюк муҳорабага замин ҳозирладилар. Тарих гувоҳ бўлғай, бу салтанат учун Ҳиндистондан кўра муҳимрок қадамдур!

– Қуллук, қуллук! Валинеъмат Соҳибқирон! Олий фармонларининг ҳар бир каломини эъзозлаб кўзимиз устига қўйдук ва ҳар сонияда меҳрингиз нурини дилимизда сезиб турдук. Бугун Яссидан Ашпарагача ёйилган ям-яшил буғдойзор, арпазорлар шовуллаб ётибди. Ғалла учун ҳар бири эни-бўйи юз газдан йигирма бешта сарой ҳозирлатдук. Бештаси Ашпарада, арпага мўлжалланганлари Тарозда, Чаманкентда ҳам бир нечта бор, қолган саккизтаси Ясси билан Исфижобда. Барчаси буғдойга тўлғон. Жиянимиз Мирзо Алибек жаноблари Сайхун бўйларида зироат қилдилар, тоғамиз Амир Сулаймоншоҳ жаноблари Тарознинг шимолидаги бўлиқ ерларни обод этдилар. Ашпаранинг икки ёни, дарёнинг чап қирғоғи то мўғул сарҳадигача катта майдонлар ҳам экинзорларга айланғон. Дарёга кўприк боғладук... Қалин девор билан ўралғон Ашпара қалъаси салтанатнинг машриқдаги метин кўрғонидур, валинеъмат Соҳибқирон! – қўлини кўксига қўйиб таъзим этди шахзода. – Деворининг устида тўрт отлиқ бемалол юрмоғи мумкин...

– Халлоқи безаволга салламно! Соғ-саломат келдилар, шунинг ўзи бизга улуғ саодатдир, шахзодам... – Набирасининг елкасига уриб-уриб кўяркан, Амир Темурнинг кўзлари ёшларникидай чакнади. – Барини сўзлаб берғойсиз. Қани, ўнг томонимга ўлтурсунлар.

Соҳибқирон уч марта қарсақ чалди. Энди машарат бошланади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

I

Гарчи Хонзода хопимнинг мулозими, ўнбошиси эса-да, ўзини Хулокухон мулкининг соҳиби Мироншоҳ Мирзонинг навкари деб ҳисоблаган Ахий Жаббор баҳодир қирқ аскарни ияртиб, Султониядан Ҳирот орқали Қандаҳорга етиб келди, энди Лаҳоварга жўнайман деб турганда, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон лашкарининг Ҳиндистон юришидан ғолибона қайтаётганини, у ерлардан аллақачон ўтиб кетганини, шу паллаларда Жамму ноҳиясини кесиб, Қашмир вилоятидан ўтиб, Кобулда бўлиши эҳтимоли борлиги ҳақида эшитди. Бир хил гапларга қараганда, Ҳиндистон буткул забт этилганидан сўнг от бошини ортга бурибдилар, яна бу мамлакатнинг намхуш об-ҳавоси Соҳибқиронга ёкмаган эмиш, ҳам дейдилар. Лекин Ахий Жаббор баҳодир фикрича, Турон султони юртини соғинганлар, ўша соғинчи қўймаганидан тезроқ қайтишни истаганлар...

Султониядан қандай ахволда чиққанини ҳам билмайди. Мироншоҳ Мирзонинг шаккокларча — ҳа, Ахий Жаббор баҳодир бу қадамни ўзгача баҳолай олмайди, — тутуми уни батамом лол қолдирди. Агар бировга айтса ҳеч ким ишонмайди. Амирзодада восвос касали йўқ, ақли-идроки жойида. Тўғри, овда юрганда отдан йиқилиб мияси чайқалган, деган гаплар юради. Афсуски, Ахий Жаббор баҳодир бу ҳодисани ўз кўзи билан кўрмаган. Муолажадаги хато сабабидан димоғида халали воқе бўлганмиш. Ростдан ҳам, қаттиқ лат еганмикин?.. Лекин падари бузрукворига нисбатан шунча заҳар-заққумни ичида сақлаб юргани, охири чидай олмай ошқора мактубга тўкиб-солгани, лоақал ёздираётганда муншийдан изо тортмагани унга қаттиқ ботди.

«Вожаб! — деди ўзига ўзи. — Бир қатрадан пайдо одам уялмай-нетмай ўзига уммонни тилайверар экан-да? Бир коса сувдан тўясан-ку, дарёни хавас қиласан? Ҳа, бу тўймаслик, кўзи очлик-

дан... Йўк, йўк, аксинча, тўйиб кетгандан, тўқликка шўхликдан! Дарҳақиқат, каломуллода айтиб қўйибди-я: инна-л-инсанала-йатта ан йаъаху истағна!¹, яъни инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта тугёнга тушар, халдидан ошар... деб! Бу қадамга қайси томондан ёндошса ҳам, зинхор оқлаш мумкин эмас!

Чамаси амирзода ўткир тигнинг дамига мушт урмоқни хаёл этган кўринади, бу, шубҳасиз, ақлдан эмас... Муштипар Хонзода хоним эшитиб қандай холга тушдилар экан? Бечора малика! Оққиз, маликамга бу машъум хабарни билдирмайман, аяшим керак, сирни яширишим лозим, ўзларини бир нарсани килиб қўядилар, деганди. Лекин, аёл киши-да, кўнгли юмшоқ, оғзи бўш, айтмаслик қўлидан келармикин?..»

Ахий Жаббор баҳодир Султониядан узоқлашиб кўзланган манзилга яқинлашгани сари дарди енгиллашмас, балки оғирлашиб борарди. Сабаби, унинг қўйнида ўша зилдай юк – «мактуб»! У ухлаганда ҳам, турганда ҳам уни доим ёнида сақлаши, соҳибига етказиши керак, у подшо мактуби! Йўқотиб-нетиб қўймасин тагин. Уни... Амир Темурга қандай топширар экан? Тутказишга унда куч, шижоат топилармикан?.. Аммо ҳар қанча ўйласа ҳам, тадбир оинасида бирон ёруғлик кўринмас эди.

Одатда, фарзандлардан, маликалардан келган мактубларни ўзлари очадилар, чунки улардан соғинган дилга малҳам излайдилар, тинчлик-омонлик, яхшиликлардан хабар кутадилар. Лекин... бу, султон қоғозига битилган найчасимон «дуои саломнома» – аслида дуои баднома дегулик! – ичи турфа хил иддао-ю дашномлар, кина-кудуратларга тўлиб-тошган мактуб-чи? У кўз олдига келтирди: Амир Соҳибкирон ўқигач, донм жиловлаб юрадиган қаҳр-ғазаби оловланади, дархол йўлни Султонияга буради, шаҳар кулини кўкка совуради, Мироншоҳ Мирзони тутдириб қатл этдиради, гуноҳкорларнинг

¹ Қуръони карим. Алақ сураси, 6-оят.

жазосини беради... Йўк, йўк, Соҳибқироннинг, агар фарзандларимдан қайси бири салтанат даъвосида бош кўтарса, уни ўлдиришга йўл қўймасунлар, деган сўзлари бор. Эҳтимол, Мироншоҳ Мирзо ўшанга ишониб бундай номақбул йўлга кадам қўйгандир? Билгувчи Оллоҳнинг ўзи.

Бошқа томондан, мактубни ўқигач, Соҳибқирон Ахий Жабборга: «Хали сен шунча йўлдан шундай тавқи ланъатни кўтариб келдингму? Уялмадингму? Мактубни ёзғон захоти ул бетавфикнинг юзига отиб юбормадингму?.. Махлуққа итоат қиламан деб, Холиқ олдида гуноҳга ботдингму? Хали кўрқоклар тоифасиданмусен? Сени доим ардоқда тутардим-ку, оқибатнинг шул экан-да?.. Суф сенга!» – демайдирларму? Унда Соҳибқирон кўзига қандай қарайдир, ер ёрилса ерга кириб кетмайдирму? Йўк, йўк, бунга чидаш қийин, қийин!

Бу ҳам унга Оллоҳнинг бир жазоси, начора, бошга тушганни кўз кўради. От бошига иш тушса сувлиғи билан сув ичар, эр бошига иш тушса этиги билан сув кечар, деганлар-ку. Хайриятки, бу мактуб бегонанинг қўлидамас, йўкса мактуб дунёга дoston бўларди. Ахий Жаббор баҳодир эса бошқача йўл тутади...

Шохрух Мирзо салтанати пойтахти Хиротга тўрт-беш фарсах масофа қолган эди. Одамлар оғзида Соҳибқирон Амир Темурнинг кенжа ўғли, амирзода Шохрух Мирзо васфи баланд экан, Ахий Жаббор бунга хайрон қолмади. Унинг амирзодага эътимоди баланд, хурмат қилади, чунки Шохрух Мирзони камтар, босик, узокни ўйлаб кадам босадиган, одамларни авайлайдиган ҳукмдор, деб билади. Амирзода Хиротнинг ўзида катта қурилишларни бошлаб юборган эмишлар. Малик ва Қишчоқ дарвозалари оралиғидаги бундан юз йиллар муқаддам Хирот малиги Фахриддин Курт бунёд этган Арк бир йилдаёқ янгитдан тикланиб, маҳобатли тус олганмиш, ҳукмдор ўша ерга жойлашибди.

Хиротдан бериқоқдаги Тайобод кичилоғига етиб келганда уни маҳалланинг барваста серсоқол имоми

кутиб олди. Иттифоко, баҳор бошланган паллалар, қурбон ҳайити кун иди.

– Қадамларига ҳасанот, эй меҳмон! Пиримиз, Амир Темур Кўрагоннинг улуғ пирлари қуддиса сирруху Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий хонақоҳида бугун худойи. Эл ўша ерда. Қани шу ёкка кетдик. – деди чорпахил эканига қарамай ҳаракатлари чакқон маҳалла имоми.

– Қуллук! Қуллук! Улуғ айёмда Амир Соҳибқироннинг пирлари қадамжоларини зиёрат этишни кўнгилга тукқандик, айни муддао! – мамнунлигини яширмади Ахий Жаббор баҳодир. Ажабо, унга имомнинг нимасидир таниш туюлди. Қаердадир учратган, аммо эслолмай турибди. Жуда таниш-да...

Шопмўйлов, соқоли калта қирқилган аскарлар бошлиғи ҳам маҳалла имомига истараси иссиқ кўринди. У беихтиёр хотирасини титқилаб кетди ва... бирдан:

*– Таваккал ту алоллони деган эр,
На толқону на қалқоннинг гамин ер! –*

деб қачонлардир Самарқандда Ахий Жаббор тўқиган, Тун салтанати фуқаролари ичида ёйилиб кетган мисраларни ўқиб юборди!

– Ие! Ие! Буни қайдан биладурлар? – имомдан сўради Ахий Жаббор хайратда, хали ҳам шеригининг кимлигини эшлашга тиришиб.

– Шеър ҳам зўр-да, тўқиб қўйган-да ўзиям, дастингдан кетай! – сўз қўшди Учқора.

– Ол-а! – анграйди Йаналтекин.

– Сиз... сиз... энди билдим, айтайму кимлигингизни? Ахий Жабборсиз, ҳа! Самарқанддаги Тун салтанати фуқароси Ахий Жаббор! Бу аниқ! – деди бирдан имом.

– Ие!.. Тоңди-ку! Ё қудратингдан, Оллоҳ!

– Э, биродар-е! Тоғ тоғ билан учрашмас экан. Лекин бандасининг йўриғи бошқа. Каминани танидингизму? – баҳодир кўзларига синовчан тикилди маҳалла имоми.

– Танидим шекилли... отингиз ҳам тилимининг учида турибди...

– Ўша Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Калтатойман!

– Ана! Калтатойман, дедиларму? Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми? А?.. Ўзимизнинг Калтаго-я?

– Ҳа-да, ўша! Раҳматли Мавлонозодалар, Худобандалар билан бирга сабоқлар олган Калтатойман!

– Наҳотки?... – каттиқ тикилди Ахий Жаббор баҳодир – Э... Э... Машхур факих Шайх Бурхониддин Марғинович наслидан, наслиданмас аслиданман, денг!

– Худди ўшаман! Ўша яхши кўрган гапимни ҳозир ҳам такрорлаб юраман! Йигитда гап битта бўлади!

Каттиқ хохолаб кулиб юбордилар.

– Ёпирай! Худди ўзлари-ку чиндан ҳам! Ўттиз йиллар ўтиб кетди. Вой, жигарим-сй!

– Парвардигорнинг карами кенг-да, дастингдан кетай-я!

– Шунча йилдан кейин учрашиб қолишганини! Вой, отангни арвойи!..

Йигитлар тақдирнинг бундай синоатидан танг қолдилар.

Ахий Жаббор баҳодир билан Калтатой атрофдагиларни таажжубга солиб кучоқлашиб кетишди. Соғинишган кишилардай бир-бирларини бағирларига маҳкам босганча туриб қолишди. Самарқанддаги ёшлик дамлари, Садр Сулаймон мадрасаси, Тун салтанати, сарбадорлар, мўғулларни қувгандан кейин Самарқандда уч кун давом этган машхур сайил, сайилдаги тўполон, Кониғилдаги машъум дор ва тағин алланималар уларнинг хаёлидан яшин мисоли ўтар, юракларини сиркиратарди.

– Кўришмаганимизга ҳам ўттиз йилдан ошибди, – деди кўзлари қувончдан ёшланган Ахий Жаббор баҳодир. – Фаройиб даврларни бошдан кечирдиг-а...

– Раҳматли Мавлонозодани эслайсизму? Жуда билими ўткир, закий, зўр, тилла йигит эди, афсуски, умри вафо қилмади...

– Ҳа, тилла йигит, йигитларнинг тилласийди.

Оллохнинг буюргани шу экан-да, жаннатдан жой ато этсин! – Ахий Жабборнинг дили увишди. У Мавлонозодани ўйларкан, унинг ёнида... ҳамиша суйгани, дилида асраган кимиёи гавҳари Жаҳон бикани кўрар, ўзида бир олам муаттар бўйни ниҳон этган, аммо очилмай хазонга айланган гунчадай муҳаббатини ҳали ҳануз унутолмаганини сезарди. Унута оладими ўзи?

– Ёдингиздаму, – унинг хаёлини бўлди Калтатой, – Асирларни мўғуллардан қутқарамиз деб, ўзимиз ҳам асир тушиб қолганимиз?.. Сарбадорлар пошпосининг ожизаси Жаҳон бикани ёмонлар чангалидан қутқарганларимиз-чи? – Калтатой Ахий Жабборнинг оғриб турган ярасига тегиб кетганини сезмай давом этди. – Хонқали кўчасида сирли дарвозаларни очиб кирганларимиз... Кумарнинг соқовгунлар билан суҳбатлашгани... Биласизми, бир-бирини қаттиқ севишган Мавлонозода ва Жаҳон бикалар бор-ку, етишай деганда оламдан ўтибдилар...

– Ўх-хў... ҳаммаси ёдингизда экан, қойил! – баъзўр жилмайишга тиришди Ахий Жаббор баҳодир. «Баридан хабарим бор, жигарим. Иккиси ҳам қўлимда жон берди-ку!» – дейишига оз қолди ва тезроқ мавзуни ўзгартирмаса, Калтатой анча ўтлаб кетиши мумкинлигини пайқади. – Ўзларидан сўрасак, Калтатой жаноблари... Нега Марфинон қолиб, Тайободда адашиб юрибдилар?

– Йўғ-е, жаноб эмас, сиз учун Калтатойман, ўша Калтатой. Калтатой деяверингиз! – хижолатомуз деди имом кулиб. – Тақдир экан, биродар. Бандаси пон-насибаси қаерга сочилса ўшани териб ер экан. Эх-хе... Бу ёқларда юрганимнинг қиссаси узун. Амир Соҳибқироннинг илк бор Эронга сафарлари пайтида камина Амир Сайфиддин некўз фавжида ўнбоши эдим. Ўзим шохидман, Тайободда пирларини зиёрат этдилар Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий чиндан зоти бо-баракот эканлар. Амир Темур Кўрагондай подшо азиз тугадиган шайхни улуғлар улуғи деса арзийди-да! Худо мепинг кўнглимга ҳам меҳрини солди. Негадир, кошкий-

ди, шундай табаррук донишманд хизматини адо этсам, деган ўй келди хаёлимга. Хирот урушининг бошидаёқ каттиқ шикастландим. Сурон ичида қалъа деворига чиқаётгандим, палакат босиб, парвондан пастга йиқилиб кетдим-ку! Худо бир саклади. Ён-бош тушган эканман, чап оёғим, қовурғаларим синиб кетибди, синиқчи айтди. Хиротда ётиб қолдим, соғайгунимча бир йил ўтди. Соғайганимда, пирга хизмат қилсам, деган ниятимни эсладим. Худо ниятимга етказди, пиримнинг вафотларигача ёнларидан жилмадим, эшикларини супурдим, боғда тер тўқдим, елиб-югурдим, иссиқ-совуқларига қарадим, дуоларини олдим. Ул зот, мендан ризо бўлдилар, оламдан ўтғонимдан сўнг ҳам Тайободда яшагил, хонақоҳни обод этгил, боққа қарагил, ташлаб кетмагил, деб каттиқ тайинладилар...

– Ўх-хў, ўзлари ҳам табаррук зотга айланиб қолибдилар! – кулди Ахий Жаббор баҳодир, аста боққа назар солар экан, Калтатойнинг яхшигина боғбон эканини пайқади.

– Куллуқ! – қўлини кўксига қўйиб бош эгди маҳалла имоми. – Айтганларида жон бор. Ахир пиримнинг муборак учта мактубларини Амир Соҳибқиронга элтиб ул валинеъмат қўлларидан зар чопон кийган одамман! Ҳатто Амир Соҳибқирон пиримнинг бир мактубларини олганларида ўпиб, уч бор кўзларига суртгач, ўзинг очиб ўки, деб буюрганлар. Кўксаройнинг ичкихонасини гумбирлатиб ўкиб берганман ўшанда...

– Кутлуғ бўлсин! Кутлуғ бўлсин! – деди Ахий Жаббор баҳодир, хаёлидан: «Калтатой мактуб элтиб, мукофотига чопонлар кийибди, сен ҳам мактуб билан бораянсан, қандай мукофот кутиб турибди экан, балки эшакка тесқари миндирадиларми, ёки соқол-мўйлабинини кириб, аёл либосига бурқаб-чулғаб сазойи қилдирадиларму, у ёнини худо билади...» – деган сўзлар ўтди ва эги ёқимсиз жунжикди.

– Амир Соҳибқироннинг жавоб хатларини, тўққиз-тўққиз совға-саломларини заррача хиёнат йўлини тутмай ўз эгасига топширган кишиман, ха! – мактанинида давом этди Калтатой.

– Офарин! Машхури офоқ Шайх Бурхониддин наслидан, наслиданмас аслидан эканларини такрор исбот этибдурлар! – лутф қилди Ахий Жаббор баходир, аммо ичида: «Сен қандай совға-саломлар билан қайтар экансан хали, баходир, фақат худога аён...» – деди мазахсингандай ўзига ўзи аламда.

Улар пири комилнинг қабрини зиёрат этиб, тиловат туширдилар ва боққа қайтдилар. Имом яна куръон ўқиди, унинг ширали ва ёқимли овози тириклигидаёқ донғи дунёга кетган Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийдай одам экиб ўстирган, парваришлаган хушманзара боғнинг пучмоқ-пучмоқларигача етиб борди. Боғнинг четида қийғос гуллаган катта ўрик тагида тиз чўккан қирқ аскар пирни ёдлаб баб-баравар дуога қўл кўтарди.

Худойидан кейин икки дўстнинг гурунги хийла давом этди. Калтатой пирнинг хислатларидан сўз очди-ю суҳбат қизиди. «Рости-ю русти» каломлари ўйиб ёзилган узукни номи чиққан машхур заргарга ясагиргани, Амир Темурга туҳфа айлагани, зиёратлардан бирида пирнинг суқуб ардокли мурид кураклари устига икки қўлини қўйганида Амир Темур назарида худди осмон узилиб тушгандай, тарикдай майда-майда бўлиб кетгандай туюлгани ва ҳоказолар хақида гаплашиб ўгирдилар.

Ахий Жаббор баходир тишининг оқини кўрсатди-ю ичини ит тимдаларди, залворли юк елкасидан эзиб келар, уни даст отиб юборишнинг эса ҳеч имкони топилмасди. Хуфтон намозидан сўнг кўзғолдилар. Учқора билан Йаналтекинлар ўз олачуқларига қайтишдан олдин кузатиб қўйдилар-да:

– Яхши тушлар кўриб ётсунлар, баходир жаноблари! Истироҳатларига фаровонлик тилаймиз! – дея хайрлашдилар.

Қаттиқ ҳориб-чарчаган эса-да, Ахий Жаббор баходирнинг уйқуси қочган, у ёнидан бу ёнига ағдарилар, кўзлари юмилишни истамасди. Охири туриб ўтирди. Эҳтиёт қилгандай, қўйнидаги номани яна ҳам чуқурроқ жойлаб қўйди. Бир оз тинчландию ўринга чўзилди. Тенгсиз изтироб унинг

тинкасини курутган, нима қилишни, қайси томонга юриш мақбул эканини билмас, уч-қуйруксиз ўйлар исканжасида қолган, йўлида ихтиёрсиз кетиб бораётганини туйрди. Шартга ортига қайтса-чи? Мироншоҳ Мирзога нима деб жавоб беради?

Балки амирзода Мироншоҳ Мирзо қизиқ устида мактуб ёзиб ўзи пушаймон еб ўтиргандир, Ахий Жаббор баҳодирни жўнатиб қўйиб хижолатга тушиб ётгандир? Тутумининг чакки эканини англагач, дархол изма-из чопар елдирад ва Ахий Жаббор баҳодирни ортига қайтарар? Ўша мактубни бу ёкка чўз, уялмай олиб кетабердингму хали, адашибмен, шайтоннинг восвосига учибмен, дер ва ҳамманинг кўз олдида парчалаб йиртиб ташлар?..

Баҳодир Султонияга қайта чақириб олинишига, Қазвинга етиб бормаёқ чопар ортидан етиб келишига қаттиқ ишонарди. Кейин Рей, Сабзавор, Машҳадларда ҳам сас-садоларга кулоқ тутди, йўл қаради. Нахотки, амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳамон ўз фикрида қатъий турган эрса?

Баҳодирнинг боши қотгандан қотди. Хўш... мактубни бориб Соҳибқиронга топширди ҳам дейлик. Амир Соҳибқирон мактубни ўқиганларидан кейин, чиндан ҳам йўлни Султонияга бурсалар керак. Фазабланишлари аниқ! Бунга асло шубҳа йўқ! Кейин... кейин... У ёғини, яхшиси, ўйламаган маъқул... Олам остин-устин бўлади, тамом, вассалом!

Қишлоқнинг кунчиқиш томонида биринчи хўроз (адашиб қолганми?) журъатсизгина қичқирганда, баҳодирни туйқусдан уйқу босиб келди, одатдаги: «Ётдим, ё Оллох, тургайман иншооллох! Турдим, турдим, турмасам илохо лоилаллох Муҳаммадун расулулох!» – сўзларини аранг айтишига улгурди, кўзлари ўз-ўзидан юмилди...

Учқора билан Йаналтекишларнинг тилаклари ижобатга ўтибди: ростдан ҳам баҳодир туш кўрибди. Фаройиб туш! Бир савам ҳам булут йўқ тин-тиник бепоён осмон эмиш, чўққида, тубсиз жар устида самовий эпкинда оҳиста тебранаётган муаллақ шохона беланчақда роҳату фароғатда ётганмиш. Беланчақ-

нинг нимага осиб қўйилганини дабдурустан илғаб бўлмасмиш. Аммо уни тутиб турган тўрт бурчагидаги арқонларда ёзиб қўйилган, бирида «Иймон», иккинчисида «Инсоф», учинчисида «Шукр», тўртинчисида «Сабр» каломларини аниқ ўқиш мумкин экан. Ахий Жаббор баходир гаройиб сир-синоатлардан сира таажжубга тушмас эмиш, бу қанақа арқонлар, нега беланчак битта, бордию тушиб кетса-чи – булар хақида ўйламасмиш ҳам. Пастда эса жарлик, жар бағрига ўйиб кириб кетган дарё билтанглаб чиқор нўстли аждаҳодай кўрқинчли ялтирармиш...

Бирдан, қараса... ўз кўйнидан катта бир илон вишиллаганча ўрмалаб чиқиб келаётганмиш! Мана, таҳдид ҳам қила бошлабди! У осмони фалакда вахшатли илоннинг қандай пайдо бўлганига, қаёқдан ҳам кўйнига кириб олганига тушунолмасмиш. Ўқилонга ўхшармиш, дам ўтмай кўзойнакли илонга айланиб қолармиш. Ё фалак! Бу қандай балоофат?..

Илон ҳай-ҳайга карамай, ўзининг ирганч тумшуги, тили билан баходирнинг томоғини шонилмай ялаб-юлқаб, иягига чиқиб, оғзига киришга интилиб қолибди! Шу палла, худонинг қудрати билан, пири комил Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий қандайдир гулдор гилам устида қаёққадир елдай учиб бораётган эканлар. Ахий Жабборга қараб илонни кўрсатиб: «Кўйнингдагини йўқот! Йўқот! Бурдалаб юбор!» – деб кичқиришга улгурибди холос, гилам шувиллаганча ўтиб кетибди. Ҳайратланадиган жойи, пири комил гиламнинг чеккасида омонатгина ўлтирармиш, йиқилиб кетишдан ҳам кўрқмасмиш. Анқайган баходир дархол эс-ҳушини ўнглаб, жон ҳолатда чангакдай қўллари билан илонга ёпишибди, бошидан бўғиб олиб мажаклаб ташлабди ва тезроқ бу ҳўл балони суғуриб улоқгирмоқчи экан. Суғургани сари, ажабо, лаънати илон кўйнидан чиқаверармиш, сира тугамасмиш. Охири сабри чидамай, илонни тутган жойидан чангаллаб, эзиб, узиб-узиб, бурдалаб ташлайверибди, бурдалаб ташлайверибди...

Ахий Жаббор баходир бирдан уйғониб кетди! У жикқа терга ботган, ҳаво етишмай нафаси қисилиб хансирар, хали туш ҳавосатидан қутулолмаганиди.

– Босинқираб қолибман... Лоҳавла вала қуввата, илла биллаҳ! Менга нима бўлмақда ўзи, э худо! – деди-ю, кўкрагига туфлади. – Ўзинг асра! Ўзинг асра!

Хайратидан ёқа туган, ваҳимага тушган баходир тимирскиланиб у ёқ-бу ёққа каради, ҳеч нарса кўринмади, хали қоронғи эди. Асосий мўъжиза олдинда эканидан беҳабар, алламаҳалгача тушни қандай таъбирлашни ўйлаб ётаркан, яна уйқу элитганини билмай қолди.

Чодир ичи оқ ишни қорасидан ажратадиган даражада ёриша бошлади. Ахий Жаббор баходир уйғонди-ю таҳоратга чоғланди. Бирдан... атрофга бетартиб сочилиб ётган султон қоғози парчаларига кўзи тушди! Шошилиб биттасини олганиди, унда: «Хайхот, Нўҳ умри қаёқда-ю Хизру Лукмонлар...» (давоми йўқ) жумлаларини ўқиди, бошқасида: «Дунёга хирс қўймоқ, кибрга берилмоқ хатарлиқдур...», учинчисида Миронших Мирзо яхши кўрадиган: «Ана энди келдик мақсудға...» сўзлари ёзилганиди. Водариғо! Мактубни ким йиртди? Ким сочиб юборди? Уни қўйнида авайлаб асрар эди-ку? «Ҳа, ана энди, чиндан ҳам, келдик мақсудға...» – кимгадир қаратилган киноя сўзлари илинди баходирнинг тилига.

Ногаҳон унинг шуури тиник тортди! У тушида илонни бурдалаянман деб, қўйнидаги Мироншох Мирзонинг Амир Темурга ёзган, ўша Султониянинг Боғи Эрамидаги зиёфатда калта соқолли мунший ҳорғин овозда ўқиб берган, ҳаммани лол этиб қўйган найчасимон мактубни йиртиб-йиртиб таплаган экан...

Ахий Жаббор баходир балки умрида биринчи марта. ўз тутумидан ўзи қаттиқ кўрқиб кетди! Подшонинг амрига, фармонига қарши бориш, инкор йўлини тутиш, мактубини пора-пора айлаш... ақлга сизмайдиган ҳодиса! У бировнинг омонати, омонатга

хиёнат эса ахийлар ва жавонмардларнинг одатларидан эмас... Боши қотган баҳодир, сал фурсатдан кейин: «Зинхор ҳеч ким кўрмасин буни!» – деди ўзига ўзи ва аниқ-тапиқ қоғоз парчаларини битта ҳам қўймай териб олишга ошиқди.

Шу налла чодир эшигида қўлида офтоба кўтарган мулозимнинг шарнаси сезилди. У хожасининг овозини эшитиб, таҳоратга сув сўраяптилар, деб ўйлади.

– Офтобани эшик тагига қўй! – буюрди баҳодир. Жойига ўтираркан, ўзини худди ўн арава юкни бир ўзи туширгандай хорғину афтода сезди, қўл-оёқлари бўнашди. Кейин таҳорат олиб хотиржам бомдоқ намозини ўқишга киришди, жойнамоздан турмай кўзларини юмганча «Ёсин» сурасини узоқ тиловат қилди, дуоларини пурмазмун такбирлар билан беади...

– Шунчалар қилганингга шукр, эй, парвардигор! – худога ёлворди у. – Ўзинг чеварсан. Балолардан хамиша ўзинг асрагайсан! Аввали Мироншоҳ Мирзони ваҳидан, зиммамга офир вазифа юклаганинг, кейин банданга раҳм айлаб, чорасини ўзинг топдинг, – машъум мактубни Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак назарларидан бадар қилдинг, аядинг, пир Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий безовта руҳларини факирга намоён айладинг. Билдим, Мироншоҳ Мирзонинг тутуми сенга ҳам хуш келмади, оқибатда ул ножўя мактуб ўз-ўзидан гумдон бўлди... Ўзингга шукр, худойим, ўзингга!..

Воқсанинг айнан Тайободда юз бериши худо алқаган табаррук зот Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийнинг ўз аржуманд муриди Амир Темурга отиладиган наинки тош, балки бир хасни ҳам раво кўрмаслигини, унга хамиша балоғардонлигини исботлагандай эди. Бу – теран сир, унинг тагига етиш мумкин эмаслигини баҳодир яхши англайди.

Машъум юкдан қутилганига ишонмаган баҳодир, чўнтагида ҳали парчаларга айланган ўша мактуб турганини эслади. Дархол боғнинг хилват ерига қараб юрди.

Барча эрталабки ибодат билан машғул чамаси, кимса кўринмайди. У чаман-чотир гуллаган бодом

панасига ўтди, қулай жой топиб, чуқурча кавлади ва парчаларни солди, ёнидан гугирди аҳмар¹ни олди-да, барини битта ҳам қолдирмай ёндириб юборди. Фурсат ҳам ўтмади, нақ дунёни тўлдириб-тоширадиган, ёндираман деган захар-заққумлар, ношукрчиликлар, аламзадаликлар, иддаолар, шаккокликлардан кичкина чуқурчани ҳам тўлдиролмаган бир чуқумгина кул қолди, холос. Баҳодир ўзини баланд осмонда чаппар уриб учаётган ҳов анови сўфитурғайдай хориқулодда енгил сизди. У қувончли ҳодисани йигитларга билдирмай, ичида сақлади. Султонияга қайтганидан сўнг Мироншоҳ Мирзога қандай жавоб беришини эса ўйламасликка тиришди. Асли, мактубни эгасига топширишнинг иложи бўлмаганига Мироншоҳ Мирзо шукр қилса ҳам керак, ҳатто баҳодирни бу тутуми учун тўққиз-тўққиз моллар бериб сийлаши мумкин.

...Қандаҳордан Кобулга етиб келганларида Соҳибқироннинг ўн кун аввал Самангонга жўнаб кетгани, Жайхуннинг Паттакесар гузаридан ўтиб, Термиз орқали аллақачон Кешга етиб борганидан хабар тоқдилар.

– Султониядан чопар етди, баҳодир жаноблари! – хабар берди Учқора суюнчилаб, кейин хотиржам қаттиқ қувонганда ёки қайғуга ботганда айтадиган суюмли қўшиғини бошлади:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди-и-и...*

– Чопар етди? Ол-а!.. – қувониб кетди Йаналтскин.

– Нима-нима? Нималар деяпсан? Наҳотки, инсонлар инсофга келишган бўлса? Мумкин экан-ку! – деб юборди хайратда қувонишни ҳам, қайғуришни ҳам билмай бўғимлари бўшашган Ахий Жаббор баҳодир.

«Амирзодам, ўйлай-ўйлай тавбасига таянибдурларда, энди чопар юборибдурлар, хайрият. Ёмон фикрларидан қайтибдилар-ку, харнечук! Худога шукр!

¹ Гугуртнинг бир хили, кизил гугурт

Бироқ... мактубни қайтариб бер, десалар на чора топғайман? Қандай англағайман? Шундай-шундай... тушимда рўй берди... билмай қолибман, десам ишонармикинлар? – ўзини тигларди Ахий Жаббор баходир. – Мактуб қани, деб сўрайдилар-ку! Салтанат васикасини йўқотдинг, деб, аввал бутун элга сазойи этдиради, тириклай теримни шилдиради, кейин лошимни Султония бозори дарвозасига осиб қўяди! У ҳолда... Оққиз бегим шармандаю шармисорликдан ўзини адоий тамом килади-ку!..»

Аммо... мутлақо кутилмаган воқеа рўй берди. Чопарни амирзода жўнатмабди, зинҳор Мироншоҳ Мирзога тегишли эмас экан! Водариф! Агар шаккок амирзоданинг ўз хатосини тан олганини эшитса, баходир, майли, ҳамма жазога, шармисорликларга чидашга, тавқи ланъатларни ўз бўйнига илишга рози эди!

Чопар Ахий Жаббор баходир завжаси Оққиз бегимнинг йиғлаб-йиғлаб ёзган номасини тутқазди-ю ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

II

Шахзода Мухаммад Султон билан малика Софинч хонимлар ўзларини рўёлар ичида яшаётгандек хис этишарди. Гўё харир пардалар билан ўралган осмони фалакда парвоз килиб юрадилар, ҳеч қандай булут йўқ, осмон замин каби нотекис эмас, йўллар равон, атроф тиниқ, бепоен мовий фазо бағрини кенг очган... Лекин уларнинг туйғулари шу кенг осмонларга ҳам сиғмайди. Хатто коинот ҳам торлик қилса ажаб эмас. Аслида, ишқ-муҳаббат бобида улардай бахти чошган ошиқлар учрамаса керак. Борди-ю дунёга донг таратган Вомику Узролар, Тохир-Зухролар, Лайли-Мажнунлар уларнинг саргузаштларини, бир-бирининг висолига стишишлари йўлидаги шижоату матонатларини кўрганларида ҳайратдан ёқа тутмоқлари муқаррардир. Ўхшашни йўқ завқу сурур, суюмли дилдорнинг ёнгинасида экани, махбубанинг баркамоллиги, бахт-толенинг тўқислиги,

умрининг бепоёнлиги, салтанатнинг улуғворлиги, дунёнинг гўзаллиги, тагин алланима-алланималар – бари-бари шахзодага ҳаво берар, йиғинларда, кўчакўйда ҳамманинг ҳавасларини яширмай уларга қарашларини сезарди.

Моҳичехра рафикаси Соғинч хоним билан яна она шахри Самарқанд бағрида, ота боғи Боғи Накши жаҳонда истикомат қилаётганларидан шахзода Муҳаммад Султон ўзини чунонам бахтиёр туяди. Ашпарада юрган пайтларида «Самарқанд, Самарқанд!» деб эси кетарди

– Энг яхши кўрғон шахрингиз қайси? – деб сўради малика Соғинч хоним бир куни.

– Самарқандни яхши кўрамен, фақат Самарқандни! – хотиржам деди шахзода ва бу оддий сўзлар кейин анчагина нохушликлар келтириб чиқаришини сира ўйламасди.

– Султония-чи?

– Фақат Самарқанд!

– Шероз-чи?

– Йў-ў-ўқ, Самарқанд!

– Табриз-чи?

– Фақат Самарқандни яхши кўрамен! – жўшиб кетди шахзода. – Унинг тенги йўқ! Шаҳарнинг улуғворлигига боқингиз! Маҳобатли Кўксарой, кечалари тўксон тўкқизта фонус ёниб атрофини чараклатиб турадурғон Бўстонсарой, ҳар икки тарафи дўкон расталари билан безалғон, кеча-ю кундуз гавжум Тошқанд томонга тушғон тахтиравон йўл, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Баланд, Боғи Дилкушо... Шаҳарни худди авайлаб ўраб олғондай теваракда ястаниб бир-бирига уланиб кетғон боғлар шодаси, бепоён ва сўлим Копигил... Бари кўз ўнгимда, бари юрагимга нақш бўлиб ўрнашғон! Эҳ-хе!..

– Нукул Самарқанд, Самарқанд, фақат Самарқандни яхши кўрамен, деганлари деган.. Юракларида ёлғиз Самарқанд шекилли... Боғлар, йўллар, бинолар, дўконлар... Нима, бошқага жой йўқму?.. – ўпкалагандай ер тагидан қаради Соғинч хоним, нигоҳида ўзига ярашган ноз-қарашмаси яширин эди.

Шахзода она шахри мактовига берилиб кетиб, ёнида турган маликасини фаромуш этгандай ҳолга тушди. Ҳа, маҳлиқолар ҳамиша иззатталабдурлар, ширин сўзга интиқлар, иззат-нафслари нозик, тез лат еб қолади, уларнинг олдида бошқа аёл эмас, ҳатто жонсиз нарсаларни ҳам алқаб гапириб бўлмайди, рашик ўти ҳамма нарсани куйдириб кулга айлантириши мумкин. Улар меҳрнинг иккига бўлиниб қолишини ёки ким биландир баҳам кўришни тасаввурга ҳам сиғдиролмайдилар. Муҳаммад Султон буни фаҳмлади, тезда вазиятни сипоришлашга тушди.

– Фақат Самарқандни яхши кўрамен! – такрорлади жиддий.

– Фақат-а? Фақат-а?.. – ғунчадай лабларини чўччайтирди Соғинч хоним, унинг чўзинчоқ юзлари оқарди, нимадир демокқа чоғлангани, лекин керакли сўзни топа олмаётгани билинди.

– Фақат! – деди яна зимдан маликани кузатаркан, ўзини кулгидан баъзур тутиб. У суюкли ёрига тегажожлик килиб, жахлини чиқаришни ёқтирарди. Жахли чиққанда Соғинч хоним фавқулодда гўзаллашиб кетар, хиёл чўзинчоқ юзлари оқариб, чиройли қошлари чимирилар, кўзларидан ғазаб учқунлари сачрар, ҳудди мана шу ҳолат шахзодага ёқарди.

Малика шахзоданинг одатини биларди, аммо ҳозир унинг айтганлари сира хазилга ўхшамайди. У бетоқатланди.

– Ҳали сиз... сиз... шунақамен, денг? Хўнам «фақат»ни ўрганиб олибдилар-да! «Фақат» эмас, эмас!.. Юрагингизда ҳаммага жой бор, Хоника бонуга ҳам, Тотлибига ҳам, Хон Султон оқага ҳам, Давлат Султонга ҳам! Фақат менга жой йўқ. Ана, яқинда канизак Нигор оқани ҳам чорлатдилар. Самарқандда тураверса бўларди. Йўқ, Ашпарага етиб келди... Ўзларига амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни ҳадя қилди-да... Ҳурмати баланд...

Муҳаммад Султон ортиқ чидолмади, жавоб ўрнига қаттиқ хохолаб кулиб юборди. Бундан маликанинг баттар аччиғи чиқди.

– Нега куладилар? Устимдан куляптиларму? Куладурғон сўз айтилдиму?.. Кулсунлар, ҳа, кулсунлар!

– Ўзимнинг тентаккинам! Тентаккинагинам! – шахзода маликани эркалаб бағрига тортди. – Сизга бирон срда завжа ва канизакларимни ортик кўрамен, ардоклаймен, дедимму ўзи? Қаерда эшитдингиз?.. Нечун Самарқандни ёқтирамен ахир! Сабабини айттайму? А, айттайму? Нимага бошқа шахарлардан баланд қўйишимни тушунтирайму? Билиб олсунлар: Самарқандни, унда умримнинг меҳвари, гўзаллардан гўзалроқ, дилдорлардан дилдорроқ, маҳбубалардан ҳам маҳбуброқ жаҳон маликаси Соғинч хоним тувилғонлари учун юрагимга нақш этғонмен!

– Шундайму?.. Ростму, а?

Соғинч хонимнинг кўзлари чарақлади.

– Асло ёлғони йўк!

Маликанинг чехраси очилди, хиёл жилмайган эди, бир текис оппоқ тишлари кўриниб кетди, икки юзидаги кулгичи шахзодага ёқадиган ўймоқчалар хосил қилди.

– Не азобларда сизни топғонмен ахир... – ўпкалангандай деди шахзода. – Эҳ-хе...

– Ҳо-о-о!.. Кимни ким топғон эркан?.. Бунни аниқлаш керакдур... – Тавозе-ю таманно ила кулиб қўйди Соғинч хоним.

– Рост, рост... Ёдимдан чиқибдур... – тан олди Мухаммад Султон. – Ох, сизни, салтанат осмонининг Зухросини мафтунлик тахтига ўтказиб, саодат Муштарийси сифат атрофингизда парвона бўлмак ёлғиз толсимдур! Боқсам, ёрқин жамолингиздан кўз ололмаймен. Юз минг ниёз нисор этармен, сиздин фақат тилармен бир ноз...

Шахзода қайлиғининг пушти гул япроғидай нафис юзларига меҳр билан тикилди.

– Шумликлари ҳеч қолмади-қолмади-да!.. – кулиб юборди малика. Соғинч хоним Мухаммад Султоннинг сўзлари юракдан чиқаётганини ҳис этди, ноз-карашмаси шунчалар ёқимли чиқдики, шахзоданинг кўзига олам чароғон туюлиб кетди...

Чиндан ҳам шахзода Самарқандни соғиниб қолган экан, шаҳарни айланди, Кўксарой, Бўстонсарой атрофларини кезди. Конибилга ҳам малика билан бирга сайрга чиқишди. Кейинги ҳафтада Кешга бориб боболар ва азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат этишмоқчи. Буни эшитган Соҳибқирон набирасининг қарорини маъқуллаб: «Баракалла!» деди ва малика Туман оқага ҳамроҳ бўлиб боришни тайинлади.

Бугун эрталабдан хотира дафтарига Самарқанд таассуротларини туширмоқчи эди. Бироқ хаяжоннинг кўплигиданми, хадеганда тилга сўз келавермади, у қандай бошлашни билмай қийналарди. Охири ёзиш фикридан воз кечиб, дафтари қўлга олди ва аввалги саҳифаларни бир-бир варақлай бошлади.

«Ҳижрий 800 йил¹, кўклам ўртаси.

...Ашпарага етиб келдик. Амир Соҳибқироннинг ўн йиллар аввал Жетага юриш қилгонларида шу ердан ўтгонларини, то Юлдуз яйловигача боргонларини эшитгонмен. Мўъжазгина шаҳарча экан. Ёнидан дарё оқиб ўтади. Шимол томони уфқ этагигача чўл... Кунчиқишда мўғул сарҳади кўриниб туради. Ундан уёғи Чин-Мочин мамлакати. Ҳали у томонларга қадам босмак каминага насиб этмади.

Келгон куннинг эртасига машварат чақирилди. Амир Сайфиддин некўз, Худойдод Ҳусайний, Усмон Аббос, Амир Аллоҳдод каби атоқли беклар, бошқа амирлар йиғилдик... Мўғул сарҳадига қоровул қўйишларини, ҳамиша ғаним тарафни кузатиб туришларини, агар бирон шарпа сезсалар дарҳол билдиришларини буюрдим...»

«Ҳижрий 800 йил, ёз охири.

Ёз иссиқ келди. Ёгин кам бўлди. Экинларга зарари етмасайди, деб қўрқамен. Қовжиратиб юборади, ҳосил тўкилиб кетади...» (Кейин экин дала-ларининг аҳволи, жойлашиши, қандай ўриб олингани, катта хирмон уюлгани, қанор қошларнинг етмай қолгани, қоп учун Чаманкентга одам жўнатгани ва хоказолар ҳақида ёзилган).

¹ Милодий 1397 йил

«Хижрий 801 йил, сунбула ойи.

Волидайти меҳрибонимдан мактуб олдим. Ўзларининг тинчликларини билдириб, менинг сихҳатим ҳақида қайғураётгонларини ёзибдурлар. Қаттиқ соғингонларини, иложи топилса, қанот боғлаб Ашпарага учсалару, бирров суюкли ўғлини бағрига босиб, дийдорига тўйиб, ортига қайтишга рози эканларини билдирибдурлар.

Тагин Султония ва шаҳар атрофлари ҳақида ёзибдурлар. Хулоқуийлар пойтахти Султония табиати ажойиб эмиш. Бир қизиқ воқеадан хабар берибдурлар. Султониянинг ўнг тарафида тоғларда баланд чўққилар бор, энг баландини «Қиз сийнаси» деб атайдурлар. Шаҳар бино бўлибдики, ҳали ҳеч ким бу чўққини қорсиз кўрмагон, ҳамиша худди жаннатдан ёгилгондай оппоқ қорларга бурканиб ётарди. Аммо бу йил... бир чимдим ҳам қор ёғмабди! Қоқ суякдай қуруқ қоялар очилиб қолибди, кўзга хунук, қарасангиз... Одамлар буни ўзларича охирзамон аломатига йўйишмоқда эмиш. Гўёки яъжуж-маъжужлар ерга тушармиш ёки қайдандир чиқишармиш... Қиёмат қойим бўлармиш. Ҳамма ваҳимада...

Аммо аввалги мактубларидагидек, ўзларининг кечмиши, сарой ҳаёти, Мироншоҳ Мирзо тўғрисида лом-мим демайдурлар.» Тинчмен, сихҳатим аъло...» дан бошқа бирон жўяли сўз йўқ.

Биламен, онаизоримнинг аҳволларини тушунамен. Ёрдам бермакка ожизмен. Ўн беш йилдан бери руҳий азобларда кун кечирадурлар. Етти яшарлигимда онамни амирзода ўғай отамизга узатаётгонларида юз бергон воқеа эсимда турибди. Келинлик либосларига чулгангон онам мени йиғлай-йиғлай барига босиб, манглайимдан ўпиб хайрлашдилар ва хонимойим Сароймулкхонимга дедилар: «Руҳим Самарқандда қолгай, хонимойим! Мен Жаҳонгир Мирзо хасмимен! Султонияга фақат қуруқ оғочга айлангон вужудим борадир холос!» Ҳа, дунё маликаси қуруқ оғочга айланди... Онаизоримнинг гуноҳи недурки, уни шу кўйларга солдинг, эй парвардигор?..

Бориб, ўша ўгай отам билан яккама-якка, эр-какчасига бир гаплашмак истаги мени тинч қўймайдур. Аммо валинеъмат Соҳибқирондан ўтиб сўз дейиш номуносиб ишдур. Фурсат етур, етур, бу ишга албатта киришурмен... Йўқ. Самарқандга қайтгач, валинеъмат Соҳибқирондан ижозат олиб, албатта Султонияга бориб келурмен...»

«Ҳижрий 801 йил, қавс ойи.

Биринчи марта қор қалин ёғди. Яхшиямки, экинларга қавс сувини беришга улгурдилар, қор ёққани айни муддао бўлди. Ер тўйиб олади. Ташқарида изгирин, совуқ. Бундай паллаларда ростдан ҳам танчага оёқ узатиб, кўрпага бурканиб ўлтирмоқдан ортиқ фароғат йўқ... Малика Согинч хоним билан шикорга чиқдик. Овингиз ёнингизда, аллақачон отиб олгонлар-ку, дейди ҳазиллашиб маликам! Бу гаплар кўнглимни жуда ҳам яйратиб юборади...

Маликам заифа ва ожизалардан бир лашкар йиғмокчилар. Бизлар заифа, ожиза эмасдурмиз, бизлар ҳам салтанат учун жон куйдирадурмиз, дейди. Ҳарбийчасига кийинишни ёқтирадурлар. Аммо дубулга кийиб, совутга ўралиб олсалар, бирам ярашадик, кўзимга ўтдай кўриниб кетадурлар...

Кишилар тавсифига ҳам навбат етди.

Амир Сулаймоншоҳ. Аммам раҳматли Қутлуг Туркон оқанинг ўғли. Дўриллоқ овозли, елкадор. Худди Амир Довуд дуглатдан қолип олгондай. Аммо яқинда учрашгонимизда қараб, унинг елкалари чиқиб қолгонини пайқадим.

Шоҳрух Мирзо. Дуркундан келгон, қадди-қомати расо, кенг пешонали, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ. Қабоқлари қалинлигидан доим солиққа ўхшаб, жиддий кўринадур. Росмана йи гитлик мақомига эришгон, мулоҳазалари ҳам шунга яраша теран. Кўнгли тоза...

Халил Султон. Ўгай укам, жуда кўркам йигитча. Қўрқмас, ботир. Бежирим мўйлаби ўзига ярашгон. Ҳиндистон муҳорабасида Соҳибқирон

ҳузурига филни жиловлаб олиб келибди! Ҳамма олқишлабди. Ишқилиб, бу унга ортиқча ҳаво бер-
маса бас...

Искандар Мирзо. Отаси Умаршайх Мирозога ўхшармиш. Ўн учда. Унда иззатталаблик кучли. Бироз ўзбошимчалик хислатлари ҳам йўқ эмас...

Улуғбек Мирзо. Беш ёшда, лекин катталардай сипо, босиқ. Анжуманларда гапларга синчковлик билан қулоқ солиб ўтирадур. Ҳуда беҳуда орага сўз қўшмайдур.

Иброҳим Султон. Питрак. бир жойда муқим туrolмайди. Кучи ичига сиғмайди, шўх.

Султон Ҳусайн Мирзо. Аммачам раҳматли Оқа бегим зурёди. Мўъжаз жуссали йигит, иргиб чиққан кўзлари чақноқ, салга қизишиб кетади-ю дарҳол муросага келади. Шижоатли, жавлон уришга мойил, лекин енгилтабиат, кам ақлли, ҳовлиқма, қиладиган иши сўзидан аввал юради. Доим нимадандир норизо... Мен Соҳибқироннинг қизидан тугилгон набирамен, ўғиллардан эмас... шу сабабдан кўп нарсалардан бебахра қоламен, деб ошкор такрорлармиш доимо. Ҳарнечук, кўришгонларида ҳеч қобоги очилмайди. Орзумулк оқа қўлида тарбиялангон. Айтишларича, бир кун Орзумулк оқа Боғи Чинорга дугонаси маҳди улё хонимойимни зиёрат айлаб келибди. Қўлида тўрт яшар Султон Ҳусайн Мирзо экан. Икки дугона гаплашиб тургонларида Султон Ҳусайн Мирзо нимадандир жаҳли чиқиб хонимойим кўтариб олгон Халил Султоннинг юзига чанг солиб, чирқиратиб қўйибди. Ҳали-ҳали буни эслашиб кулишади. Ичида фитнаси бор... Қилдан қийиқ ахтариш унинг одати. Аслзодалик мақомига муносиб қадам ташласа мақбул бўлишини унга айтмоғим керак...

Худойдод Ҳусайний. Кўзлари чақчайгон, эҳтиёткор, заҳари оқиб туради, турқи ҳам совуқ, гализ, шафқатсиз одам. Ундан қўрққулик.

Муҳаммад Жалд. Пакана бўйли, паканалардан фитначилар кўп чиқади, дейишади. Орқаваратдан бурни катталигига ишора қилишиб, «Бурун» деб ҳам аташади, ўзи ҳам буни билса керак.

Муҳаммад Чурога додхоҳ, Амир Сайфиддин некўз, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Аллоҳдод... Амир Соҳибқироннинг ишонгон кишилари...

Кейинроқ амирзодалар Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир, Пир Муҳаммад ибн Умаршайх, Абу Бакр Мирзо, Рустам Мирзо, Умар Мирзо ва бошқалар ҳақида ҳам иншо этмак ниятим бор...»

Шу ерда мулозим кириб, Чиндан элчилар ташриф буюргани сабабли Хумоюн ўрдуга таклиф этилаётганини билдирди. Валиаҳд шахзода хотира дафтарини ёпиб, Кўксаройга боришга чоғланди.

БЕШИНЧИ БОБ

I

Интиқиб кутилган Кешга жўнаш онлари ҳам етиб келди. Валиаҳд шахзоданинг амрига биноан аъёнлар, хизматкорлар аллақачон сафар тадориқини бошлаб юборган эдилар. Чоршанбаи муродбахш кунини эрталаб шахзоданинг карвони Боғи Нақши жаҳондан Кешга қараб йўлга чиқди. Олдинги пуштиранг тахтиравон малика Туман оканики эди, изма-из Соҳибқироннинг набира келини Соғинч хонимнинг қирмизиранг бахмал билан ўралган маофаси борарди. Малика, ярим йил олдин Худойдод Хусайнийнинг ўғлига узатилган дугонаси ёш келинчак Зубайдабонуни ҳам Кешга таклиф қилди. «Бойингдан ижозат бўлурми?» деб сўради. «Вой! Бойимдан рухсат керакми?» – дейди кулдириб. Маофада икки дугона мамнун суҳбатлашиб боришарди.

Ҳар жойда кутиб олгувчилар чиқишар, шахзода атрофида парвоналар кўп эди.. Аммо Қоратена қишлоғида ҳам, Боғи Жаҳоннамода ҳам тўхтамадилар, йўлни давом этдирдилар.

Борлиқ атроф жуда чиройли манзаралар билан безанган, кишига завқ берадиган, кўнгилларга нур улашадиган мусаффо осмон уларнинг бошларида соябондай турарди. Кунчиқишдаги кўкка бўй чўзган

тоғлар, тоғларга суйкалиб борган кишлоқлар, фалак тоқида порлаган қуёш, Кеш томонда тоғнинг чўққисига суяниб турган каттагина момик оқ-оппоқ булут... Ҳа, бари-барини қодир худо чеварлик билан ўзларига муносиб жойларига бежиримгина ўрнатиб қўйганди, шахзода назарида.

Йўлда ўнг қўлда бир-бирига калла тираб уришаётган икки қўчқорни эслатувчи қоя тош олдида бир оз нафас ростладилар. Қоя кўп воқсаларни валиаҳд шахзоданинг эсига солди. Эҳ, не-не қўчқорлар мана шундай калла қўйишиб, бир-бирларини побуд этганлар. Афсус! Уларга бундай иззатталабликларнинг охири завол билан тугашини тушунтириш иложи топилармикин? Қўчқорлар ўзаро калла тирашмасликлари лозим, балки бирлашишлари зарурдир.

Зарафшон тизмаси довоига чиққанларида кун пешиндан оққан эди. Салкин тоғ ҳавосида шахзоданинг жони ором олди. Одатда, Самарқанддан Кешга отланар экан, ҳар сафар хушманзара довонга етгунча интиқ бўлади. Довон тепасида нафас ростлаб роҳатланади, тоғнинг бағридан отилиб чиқаётган сувга назар ташлайди, кўшк олдида туриб атроф оламга сукланиб боқади. Жануб томонда олис-олисларда баланд тоғлар тортинмай ошқора осмон билан ўпишади, у тоғларгача эса қулоч ёзган, сарғайиб бораётган поёнсиз кенгликлар ястаниб ётади...

Чап томонда баланд тош девор билан ўралган ям-яшил боғ кўзга ташланди. Бу боғни шахзода ҳали кўрмаганди.

– Вой-бўй! – деб юборди атрофга тўймай назар ташлар экан, завқланиб кетган Соғинч хоним.. – Мана бу тоғни кўрингиз! Қояларнинг улуғворлигига қарангиз! Тип-тиник осмонга боқингиз! Бирам гўзал! Бирам гўзал! Қани қанот боғласагу хў-ў ана бу осмоннинг кўксига бир ажойиб тарзда тақиб қўйилғондай турғон оқ булутнинг олдида учи-и-ибгина кетсак!

– Албатта учамиз, маликам! Албатта учамиз. Ҳатто ерда турсак ҳам, парвозлар қўлимиздан келиши мумкинлигини, парвозларни бағоят ёқтири-

шимизни билмайдиларму?.. – Соғинч хоним қулоғига маъноли яна нималарнидир шивирлади шахзода. Унинг кўзларида шўхлик учқунлари чакнарди...

Малика қизарганча уялиб ерга қаради. Хайрият, Зубайдабону сал нарироқда эди, эшитмади. Келинкуёв ўртасидаги бундай ширин тегажоқликлар ҳар иккисига ҳам хуш ёқарди. Тегажоқликлар ошикмаъшуклар ўртасида бамисли кўнгилларни ийтадиган, боғлайдиган тансиқ неъмат, кўзга кўринмас занжирдай бир нарса. Занжирнинг ҳам бебаҳоси.

– Боғ ростдан-да гўзал экан, маликам! – мавзуни ўзгартиришга тиришди шахзода, ҳеч нарсани сезмагандай.

– Ростдан ҳам ораста боғ экан! – кўшилди малика. – Бир айланайлик!

– Вой, иккита боққа тушмай ўтдик, бунисига кириб ўтайли-ик! – деди маликага яқинлашган Зубайдабону.

– Айланамиз, сайр этамиз!

– Ўзим гувоҳмен. Икки йил аввал Соҳибқирон ўрамида Кешга ўтиб борардик, – хикоя қилди Туман оқа маофадан тушар экан. – Қарасалар, ҳованови ердан бир тегирмон сув пастга шарқираб оқиб ётган экан. Ҳазратимнинг шамлари ёнди! Уларнинг бир одатлари бор: қаердаки бинога, боққа муносиб ер топилса, у ерни албатта обод этишни буюрадурлар. Дарҳол: «Боғ солсунларким, бу сув анда борсун! – деб буюрдилар. – Боғнинг ичинда мухташам қаср бунёд этсунлар ва Тахти Қароча деб от қўйсунлар!»

Боғдан гоҳ-гоҳда олифта цўрим товусларнинг зорли қичқириқлари эшитилар, ранг-баранг дарахтлар, ҳовузлар, сўлим хиёбонлар, гулзорлар, йўлакларда хиромон айлаб юрган майдақадам кийиклар, какликлар кўзга ташланарди. Нариди катта узумзор ястаниб ётарди. Аммо боғнинг кўрки ўртадаги баландликда кад кўтарган ложувард кошинлар билан қопланган маҳобатли қасрда мужассам эди.

Шу палла валиаҳд шахзода Муҳаммад Султонни қаршилагани Кешдан келган Амир Аллоҳдод бошлиқ бир гуруҳ аъёнлар, хос кишилар боғдан чиқишиб,

мехмонларни ўраб олишди. Карнай-сурнайлар чалинди. Тўй бўлиб кетди.

– Қадамларига хасанот, шахзодам! – таъзим бажо этди калта қирқилган соқол-мўйлабли, бировга боққанда ҳаминша жаҳли чикқандек қуюқ қошлари чирилиб кетадиган Амир Аллоҳдод. – Ўзимиз ҳам соғиниб қолган эрдик...

– Ташаккур! – деди шахзода. – Анпарадан кайтганингизга ҳам ярим йилдан ошдимиз?

– Ўзлари гувоҳлар, Амир Соҳибқирон Кенга боришни буюргандилар...

Орқароқда турган малика Соғинч хоним Амир Аллоҳдодга қўл ковуштириб саломлашди ва сўради:

– Сихат-соғлиқлари тузукму, устод?

– Оллоҳга тасанно, тузук! – жилмайди Амир Аллоҳдод. – Ўзлари яхшимулар?

Мехмонларни боққа, икки ховуз ўртасидаги сўрига таклиф этдилар. Маликалар чапдаги гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган сунага йўналдилар.

Хали хотиржам ўлтириб, хол-ахвол сўрашга ҳам улгуришмаганди, боғбонлардан бири келиб бундай деди:

– Йўлда узоқдан, чамаси, Хуросон томонлардан нуфузли бир карвон келмоқда.

– Қандоқ карвон экан? Суриштирмадингизму? – ажабланди Амир Аллоҳдод. – Агар нуфузли бўлса, бизга хабар берилгай эрди. Тижорат карвонидур балки. Румдан Хўтанга мол ташувчи карвонлар кўп ўгади бу йўлдан... Кеча ҳам бир карвонни кўргандим, Хиндистондан Хўтанга йўл олган экан.

– Қоровулнинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг мухтарама келинлари Хонзода хоним уғруқи экан! Олдиндаги туя бошига ана шундай туғро осиб қўйилибди, ўшандан билганмиш.

– Нима-нима?! – ўрнидан туриб кетди Муҳаммад Султон қазодай кутилмаган хабарни эшитиб. – Нима дейдир, амир жаноблари?.. Соҳибқироннинг мухтарама келинлари дейдирму? Онаизорим-му? Акл бовар қилмайди...

Барча эркагу аёл жойидан кўзюлди. Муҳаммад Султон шиддат билан йўл бошига отилди. У шун-

дай тез юрардики, Амир Аллохдод ҳаллослаб, унга етолмасди.

..Хамма кўчага чиқди.

Ростдан ҳам, юз қадамлар масофадан қия йўлда бир карвон кўринди, ичида таниш ҳаворанг маофа яққол кўзга ташланарди. Ҳаяжонини босиб ололмаган хайрону лол шахзода қандай карвонга етганини билмади. «Онажоним! Онажоним!..» – сўзлари тушмасди тилидан. «Юрагим сезғон эди... сезғон эди яқин орада онажоним билан дийдорлашишимни!..» – дерди ичида.

Туянинг бир маромда лўкиллашига андармон Хонзода хоним йўлга қаради: олтмиш қадамлар нарида кимдир югуриб келарди. Яқинлашганда яхшироқ тикиларкан, юраги увалиб:

– Вой, шахзодамму?.. Кўзим жимиралиб кетмакда... Ҳой, Оқ, қара-чи!.. – деб юборди.

– Шахзодам Ашшарадалар-ку, маликам! Кошқийди шахзодам бўлсалар! – жавоб берди Оққиз бегим, кейин бирдан қичқирди: – Вой! Рост, рост айтибдурсиз, маликам! Суюнчи берингиз! Шахзодам эканлар! Шахзодам эканлар!

– Сорбонга айт, туяни чўқтирсун! – буюрди Хонзода хоним. – Ё, Оллох, бундай синовларинг ҳам бормиди?.. Наҳот ўғлим мендан хабар топиб, кутиб олишга шошилибди? Сезғон-да, нозик кўнгли сезғон...

Ерга тушишга улгурар-улгурмас, Муҳаммад Султон етиб келди. Тиз чўкиб малика этакларини ўшиб уч бор кўзларига суртди, кейин волидасининг бағрига отилди! Она-боланинг дийдорлашуви шу қадар ҳаяжонли кечдики, хатто фаройиб учрашувдан хайратга тушган атрофдаги одамларнинг кўзларида ҳам ёшлар пайдо бўлди.

– Азиз болажоним! Дийдамнинг нури! Дилбандим! Шахзодам!.. – деди Хонзода хоним. Кўзларида ёш борми йўқми, билмайди, аммо овози титраб чиқди.

– Мехрибоним! Онажоним! Онаизорим! – ўрта-нардн шахзода бошини онасининг кўксига қўйиб унсиз ўкраганча...

Узун ошшоқ кўйлагининг этакларини уч канизак

тутиб олишган малика Соғинч хоним ҳам тавозе билан таъзим бажо айлади ва Хонзода хонимни тавоф этди, кейин унинг кучоғига ўзини отди. Улар шу аллозда бир муддат туриб қолдилар.

– Йиғламангиз, маликам! – юпатарди Оққиз бегим. – Худойимнинг ўзи кўриштириб турибди-ю!.. Оллохнинг бунчалар илтифотига беадад шукрлар қилайлик!

– Ха, худога шукр, худога шукр! – дерди Хонзода хоним, кўзларидаги ёшни яширишга қурби етмай.

– Онажон! Онажоним, нечун олдиндан хабар бердирмадингиз? Чопар юбормадингиз? – ўпкаланди Муҳаммад Султон. – Буёғи қандоғ бўлди? Мен билмадим, мутлако беҳабармен. Назаримда, Амир Соҳибқирон ҳам бундан воқиф эрмаслар... Менга айтмаклари аниқ эрди. Салтанатнинг нуфузли маликаси ўз холича келсалар... Хали Амир Соҳибқирондан дашномлар эшитсак ҳайрон қолмаймен. Ахир кутиб олардик...

– Мана, кутиб оляпсиз-ку, шахзодам! Шунинг ўзи етарли эрмасму? – жилмайишга уринди Хонзода хоним. – Бўталоғим, ўзим шундоғ йўл тутдим. Бировни безовта этгим йўқ... Ҳеч қаерда билдирмадим. Ҳар шаҳарга қадам босғонда буни овоза этмасликларини буюрдим, болажоним. Сизни Ашпарада деб ўйладим, шундан хабар беролмадим...

– Гуноҳкор ўғлингизни кечирингиз... Оҳ, онажоним-ей! Йўлларда қийналмадингизму? Азият чекмадингизму?

– Йўқ, йўқ, болагинам. Кийин бўлмади. Канизаклар, мулозимлар бор, Ахий Жаббор баҳодир бошлиқ синоҳлар ёнимизда. Уғруқ катта...Зинҳор азият тортмадим.

– Жуда соз, жуда соз!..Худога шукрким, сизни шу тоғнинг тепасида, Амир Соҳибқирон ўзлари барно айлағон Тахти Қароча боғи ёнида қарши олиш каминага насиб этди... – Муҳаммад Султон мамнун эди. – Хайриятки, бугун йўлга чиқғон эканмиз, мана, кутиб олдик. Чиндан ҳам, карвон жуда каттаку! Бу... кўчиб келябдиларму дейман, онажон?

Шахзода маофалар кўндирилган йигирмадан ортиқ туя, сандиқлар ортилган қирққа яқин хачиру отларга бепарво кўз ташлади.

Бирдан берилган бу саволдан Хонзода хонимнинг эти жунжикди. «Ха... бахтсиз онангизнинг бошига ташвиш тушди... Менинг нима айбим бор, нима айбим бор? Худонинг олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам тонгги нурдек поку бегуноҳмен!..» – деди ичида ўзига ўзи малика. Унинг ўғли Муҳаммад Султонни маҳкам кучоқлаб олиб, ичидаги дардини айтиб, ўкраб-ўкраб йиғлагиси, нола қилгиси, дод солгиси келди. Аммо шу лаҳзадаёқ, унинг тутумини ҳозир ҳеч ким, ҳатто шахзоданинг ўзи ҳам дабдурустдан англай олмаслиги, бошқача тушунишлари мумкинлигини идрок этди, ўзини босди:

– Ха, бўталоғим... Кўчиб келяпмен... Кўчиб...

– Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, дейдилар-ку... – жилмайди Муҳаммад Султон, ҳазил деб ўйлаганидан онасининг сўзларига унча эътибор бериб ўтирмади. Хонзода хоним, ўғлининг эжикилаб сўраб-суриштирмаганидан суюнди, хали битмаган яранинг очилиб кетишини истамасди. Лекин айни пайтда шахзоданинг бепарволигидан бир оз ўқинди. Фарзандинг эса-да, танаси бошқа, сенинг ичингдагини қаёқдан билади, кўчиб келяпсизми, деб сўради-ю, нега, деб сўрамади...

Шуларни ўйларкан, кўнгли бўшашиб бораётганини сизди, қараса, йиғлаб юборадиган. У дарҳол мавзунини ўзгартиришга уринди:

– Малика Соғинч хоним, келиним, қизим... Катта бўлиб юрибсизму? Сизларни соғиниб қолдим-да. Бир кўрайин дедим...

– Оллоҳга шукр, муҳтарама ойижоним! – кўлини кўксига қўйди Соғинч хоним. – Ҳамиша ўзларини эслаб турғоймиз, хамиша хаёлимиздадурлар, биз бир-лан биргадурлар, онажоним... Ҳар дам ҳаққингизга дуолар қиладурмиз, соғинадурмиз...

– Раҳмат, раҳмат! Ишонамен, ишонамен. Сизлар менинг суюнчиғимсизлар. Сизлардан умидим катта, иншооллоҳ.

Барча бокка йўналди.

II

Шу палла эгнига кўк харир матодан кўйлак кийган, кўрки-хусни камолига етган, ўттиз ёшли аёлларнинг нурли тимсолига айланган шахло кўзли малика Туман оқа етиб келди.

– Ох, дийдорлашадурфон кун ҳам бор экан-ку, маликам! – қувониб кетди у қуюқ сўрашаркан. – Осмондан тушдиларму, ердан чиқдиларму? Ё раббий! Султониялар тинчму? Амирзодам Мироншоҳ Мирзо басаломатмулар?.. Бошқа маликалар ҳам юришибдими?..

«Подшонинг келини олдиндан хабар бермай, яширинча келиши бежиз бўлмаса керак...» – кечирди хаёлидан Туман оқа.

– Султония тинч, шукр, раҳмат... юришибди...

– Аммо Амир Сохибқирон ҳазратлари буни эшитиб жуда хурсанд бўладилар-да!

– Шундаймикин?.. – Хонзода хоним ичида: «Ҳазратларига фирт тапвишмен-ку, хурсанд бўладилармукин?..» – деб қўйди.

Карвоннинг орқаровида турган Ахий Жаббор баҳодир тез юриб келди-да, Муҳаммад Султонга тиз чўкиб таъзим қилди, шахзоданинг юпка оқ тўни пешини уч бор ўйиб, ёшланган кўзларига суртди. У шахзодани жуда эъозлар, эхтиром кўрсатганидан гойибона ғурурланиб юрарди.

– Ие! Баҳодир жаноблари? Падари бузрукворимнинг навқари, ўнбошиси? – қувониб кетди шахзода Ахий Жаббор баҳодир билан кўришаркан. Лоп этиб тўрт йил аввал Қофқоз жангларида, Тифлизда бетоб ётган чоғида унинг захмат чекиб, атрофида нарвона бўлганлари ёдига тушди. Ўшанда шахзода баҳодирга: «Аҳволимни сир сақлангиз, кимса билмасун!», деб тайинлади. Баҳодирнинг оғзи қаттиқ экан. Кейин, харқалай, бирон жойда ҳам ҳеч ким шахзодага унинг бетоблиги ҳақида гапиргани йўқ.

– Шундай кунлар насиб этганидан бағоят шодмондурмен, шахзодам! Ҳамиша хизматларида белим боғлиқдур!

Ахий Жаббор баходир Оққиз бегим мактубидан Хонзода хонимнинг қатъий қарор бергани ва бутунлай Самарқандга жўнаганлари ҳақида хабарни билгач, Султонияга қайтишда ҳеч қандай маъни қолмаганини англади. Энди қандай йўл тутмоқ керак? Ўйлаб-ўйлаб, охири, Термиз томонга қараб от бошини бурди, чунки Хоразм маликаси қарвони ўша ердан ўтади, отига боз-боз қамчи урсин, ўша ерда кутиб турсин... У Жайхун бўйида Паттакесар гузариди Хонзода хонимни таажжубга солиб, Оққиз бегимни бағоят қувонтириб Хоразм маликаси уғруқига қўшилиб олди.

Барча боққа қараб юрди.

– Опажоним, икки йил йироқларда юриб, азиз авлиёларни зиёрат этолмадик... – ўзини хижолат сизди шахзода. – Боболаримиз, падари бузрукворимиз хоки покларини тавоф айлаб келишга отланғон эрдик...

– Катта савоб ишдур бу, ўғилжоним... Бундан жуда хурсандмен. Раҳмат. Бизлар ҳам барча ўтғонлар ҳақида тиловатлар туширдук...

Хонзода хоним шундай деди-ю, беихтиёр Кешда Жаҳонгир Мирзо қабрини зиёрат этганини эслади.

Одатдагидек, у мақбарага ёлғиз кирди. Сағананинг совуқ тошларига лаб босар экан, охиста қўллари билан бир-бир силаб чикди. Жаҳонгир Мирзонинг руҳи қаердандир, тепадан унга қараб тургандай туюларди. Вафот этганига йигирма уч йил бўлибди. Қабр ўша-ўша, нақшинланган деворлар ҳам. Ногаҳон шифтга қаради. Шифтдаги ёзув ҳам ўша-ўша: «Ал-окилу яъатамиду ала амалиҳи, Вал-жоҳилу яъатамиду ала амалиҳи...» Ҳа, жуда рост айтилғон экан. Бу дунёда ақлли одам ўзининг куч қувватига ишониб яшайди, фақат нодон кишигина ҳою-ҳаваслар эгагидан тутади... Хўш, Хонзода хоним ақллими, нодонми? Лекин шу савол қўйилишнинг ўзи ақллиликдан нишонадир, маликанинг фикрича. Аммо у куч-қуввати тобора камайиб бораётганини сезарди.

«Тинч, хотиржам ётибдиларму, шахзодам! – йиғ-

ламсиради қабрни кучоқлаган малика. – Жаннатда хуру ғулмонлар билан сайр этиб юрибдиларму? Менга ҳам ёнингиздан жой берингиз, тўйиб кетдим бу дунёдан, шаҳзодам!..»

Хонзода хоним сағананинг оёқ томонига чўнкайди ва кўзларини юмганча шаҳзода руhini шод этмоқ, балки кўпроқ ўз қалбида ёнаётган ҳижрон оловини ўчирмоқ учун «Ёсин» сурасини ўқий бошлади...

– Агар ижозат берсалар, момонгиз бир сўз айтмоқчийди, шаҳзодам!.. – мурожаат қилди Туман оқа зиёратдан кейин Муҳаммад Султонга.

– Айтсунлар, моможон!

– Агар ижозат берсалар, – такрорлади яна Туман оқа. – Мен сафаримни шу ерда тугатиб, мухтарама малика Хонзода хоним жаноби олияларини Самарканди фирдавсмонандга олиб қайтсам...

– Хижолат чекмасунлар, маликам! Шунча жойдан келдук. Энди яқин қолди-ку. Ўзимиз етиб олғаймиз. Сизларни катта зиёрат кутиб турибди ахир, – эътироз билдирди Хонзода хоним.

– Йўқ, йўқ, ўзим ҳамроҳ бўлиб борғоймен, маликам! – қўймади Туман оқа.

– Шундай шижоатлари учун мухтарама малика Туман оқа жаноби олияларига салламнолар айтайлик, маликам! – қўли кўксига сўзга қўшилди Оққиз бегим.

– Ижозат берилур! – деди Муҳаммад Султон. – Ўзим ҳам Кешни кейинга қолдириб, онаизорим билан пойтахтга қайтсаммикин, деб турғондим...

– Шаҳзодам! – ўтинди Хонзода хоним. – Зинхор қутлуғ йўлдан қолмасунлар! Мана, мухтарама малика Туман оқа борлар энди... Ёлғиз эмасмиз. Қайтғонингиздан сўнг дийдорлашишга, иншооллох, кўп фурсатлар топилгай ҳали...

Муҳаммад Султон бир мулозимни чорлатди:

– Зудлик билан жаҳон маликаси ташрифлари хусусинда Кўксаройга бориб, Амир Соҳибқиронга хабар етказурсен!

– Қуллук!

– Шаҳзодам! – деди дарҳол Хонзода хоним. –

Хабар берғонлари тузук. Бироқ, валинеъмат Соҳиб-киронни безовта этмасунлар. Энг яхшиси, маҳди улё Сароймулкхонимга бориб айтмак лозим. Тағин. Мулозим эмас, балки бизнинг элчимиз сифатида Ахий Жаббор баходир жаноблари борсунлар.

– Ҳа, ҳа, хонимойимга учрасунлар! – қўллаб-қувватлади Туман оқа ҳам. Кўнглидан: «Кутилмаган ташрифда бир сир борга ўхшайди, нохуш бир сир... Мироншоҳ Мирзодан ҳар нимарса кутиш мумкин. Ҳар нечук аввал хонимойим билғонлари тузук..» – деган сўзлар кечди.

– Маъкул! Баходир жаноблари! Ўзингиз Боғи Чинорга бориб, хонимойимга, жаҳон маликасининг Самарқандга кадам ранжида айлаётғонлари ҳақиқидаги қувончли муждани еткурғойсиз!

– Бош устига! – куллуқ қилди Ахий Жаббор баходир.

Хайрлашиш онлари етди. Хонзода хоним уғруки Самарқандга, Мухаммад Султон карвони Кешга йўл олди.

Тахти Қароча довонидан тушиб келар экан, шахзода кўз ўнгида она юртнинг ажойиб, дилтортар манзараси намоеён бўлди. Пастда ястанган воҳа кўзни қувнатар даражада гўзал ва фусункор! Ҳўв ана ўртада бўйи юз газ, ложувард гумбазли Оқсарой савлат тўкиб турибди, салобатли иморати офтобда ярақлайди, яшил дўппи кийиб олгандай икки баланд минораси кўзга ташланади.

– Жаннатнинг нақ ўзи! – деб юборди шахзода Амир Аллоҳдодга, воҳани кўрсатиб.

– Асло қолишмайди, шахзодам!

Оқсарой олдида уларни меъмор Уста Хоразмий кутиб олди. Бу бургутбурун, юлиб ташлангандай сийрак соқоли оппоқ оқарган қисик кўзли, камсуқум киши эди. Қарийб ўн тўққиз йилдан бери Оқсарой қурилишида банд, Оқсарой билан бирга ётиб, бирга туради. Шахзода бинога қараб хайрати ортди ва фавқулодда жўшиб кетди:

– Чиндан ўз номига муносиб қошона! Қимки, Оқсарой дарвозаси олдида туриб тепага қарайман,

деса, орқасига йиқилиб кетиши аниқ. Чунки бошни шундай кўтариб қарамаса сарой тепаси тўлик кўринмайди.... – Шахзода қасрнинг улуғворлигидан ичида ғурур туйди. – Ҳа, бу улуғ бобомизнинг шаън-шавкати бунинча жажонга кўз-кўзлайдурғон иморат! Турон салтанатининг буюклигини дунёларга, инсонларга намойиш эта оладурғон маҳобатли саройдур!

Шахзода ҳайратини яширмай, берилиб чиройли сўзларди. Уста Хоразмий, худди фарзанди ҳақида мақтовлар эшитаётган отадай мамнун, камтарлик билан жилмаяр, гоҳ-гоҳда «Ховва!» деб тасдиқларди, холос. Сўз қўшмас, қўшса, маржонга тиркалган ортикча дурдай бузиб қўйишдан кўрқар, бамисли битган иморатга лузумсиз устун тиклагандай бўлишидан тортинарди.

– Томга чиқсак... мумкинму? – сўраб қолди шахзода.

– Ховва! Шахзодам билан маликам жаҳонни томоша қилмакчи эрсалар, – деди Уста Хоразмий – Оксаройнинг томидан атрофга боксунлар! Аммо ҳушёрлик лозимдур. Бир юз эллик зина босиб чиқадурлар!

– Томга, томга! – ҳаширқди Соғинч хоним. – Зубайда, юр!

– Вой! Чиқсам бошим айланиб кетади! Ўзинг чика қол! – рад этди Зубайдабону.

Малика билан шахзода сарой ичидаги буралма зиналардан аста кўтарила бошладилар. Бир оз вақт ўтгач, сарой томида ўрнатилган кучли панжара ортида Муҳаммад Султон билан Соғинч хонимлар пайдо бўлдилар. Соғинч хоним панжарага яқинлашмоқчийди, кўзи тиниб товонигача зириллаб кетди ва дарҳол ортга чекинди:

– Вой-бўй! Ернинг пастлигини!.. Туф-туф!

Пастда ҳамма нарса кичкинариб кўринар, одамлар эмас, худди қушлар юргандек, ерда осмон-ўпардай баланд туюлган рўпарадаги қасрнинг ҳам чоққина экани шундоқ билинди.

– Қўркмангиз, маликам! Ёнингиздамен-ку! –

жилмайди шахзода. Малика кўркқанидан шахзодага суяниб, кўзларини юмиб олди.

Муҳаммад Султон атрофга назар солди. Дунё шу қадар бепоён эдики... Олислар... Йироқлар... кўз илғамайди. Кунботишда, ҳов анови осмон билан ер қовушган жой ортида Бухоро, ундаги бўй чўзиб турган Арслонхон минорасини ҳаёл қилди шахзода. Шимол ёқдаги довонни демаса, Самарқандни ҳам аниқ кўрса бўларди. Жануб ёқда катта чўлда уюр-уюр бўлиб ўйноқлаб юрган отлар кўзга ташланади.

Пастга тушганларида шахзоданинг ҳам, маликанинг ҳам тиззалари оғриётганлиги сезилди.

Сарой ҳовлиси кенг, қасргача уч юз қадамлар чиқадиган каттагина майдондан иборат. Ўнг тарафда тубида зангори кошинлар ётқизилган ҳовузда, бир караганда йўқдай туюладиган зилол сув лиммо-лим жимирлайди. Малика Соғинч хоним ва бошқа канизаклар ёприлишиб ҳовуз бўйига келдилар. Унда чиройли гулмоҳилар сузиб юришарди.

– Вой! Ановиси бирам ширин эканки! – эгилиб балиқларни яқиндан томоша қила бошлади Зубайдабону.

– Худонинг суйғон махлуқларидан-да бу хонбалиқ, шу сабабдан уни кўркли яратғон, гўзал либос ато этғон... – деди Соғинч хоним.

– Хонбалиқ дегин унинг отини? – сўради Зубайдабону. – Вой! Балиқларнинг ҳам хонлари борми?

– Чиройли, суюмли эканидан шундай аташғон-да!

– Вой! Анови таннози уларнинг маликаси – Соғинч хоними шекилли?.. – тегажовлик қилди Зубайдабону бир балиқни кўрсатиб. – Тавозе билан юзиб юришини! Бирам ўзига бино кўйибдики!..

Соғинч хоним ҳам қараб турмади:

– Хў-ў, четда тумшайиб турган дўмбоғи бор-ку? Ана, айиққа ўхшаб тайпанглаб сузиб кетяпти-ку! У уларнинг Зубайдаси!

Иккиси бирданига қаҳ-қаҳ отиб юбордилар.

– Вой! Мен шундоғ бўпқолдимми? Адашдинг, у менмас, Билқис-ку!

Яна беғубор кулги янгради.

Бошқа канизаклар ҳам чувиллашиб ховуз атрофини ўраб олишганди.

Мухаммад Султон аста, «Бу ёққа юрингиз!», дегандай Соғинч хонимни имлади. Улар ҳовлини кесиб ўтиб, рўпарадаги қасрга йўналдилар. Пештоқда уч халқа тасвири кўзга ташланарди. Шаҳзода орқа-роққа чекиниб, энг тепада, пештоқда йирик харфлар билан куфийда ёзилган: «Қудратимизга шўбха қилғонлар биз қурғон биноларга боқсунлар!» деган сўзларга кўзи тушди. «Боқсунлар! Боқсунлар!» – такрорлади ичида мамнун шаҳзода.

Қасрнинг ичида ажойиб бир тарзда нақшинланган хоналар, турли бўлмалар мавжуд эди. Иккинчи ошёнадаги катта кўринишхона томонга ўтаётганларида ховлининг чапидаги дарахтлар тагида сўрида ўлтирган машшоқлар меҳмонлар шарафига «Ушшоқ»ни бошлаб юбордилар. Иккисини ҳам дилларни аллаловчи мусиқа сеҳрлаб олди.

– Биласизми, шаҳзодам, – деди Соғинч хоним. – Турон эли мусиқани бирам ёқтирадики! Ўзимнинг ҳам жони дилим. Бир китобда ўқиғондим – Туронзаминда, агар чақалоқ йиғлаб «оҳ» деса, унда «Сегоҳ», ёки «Чоргоҳ» оҳанги қоришиқ бўлур эмиш...

Мухаммад Султон маликанинг юкли эканини назарда тутиб, айёрона жилмайди:

– Шундоғму? Ҳм-м... Хали чақалоғимиз йўк... Худо хоҳласа, эшитиб кўрғойбиз...

– Вой, шум акамнинг гапни буришларини! – нозланди ерга қараганча Соғинч хоним. – Бир нарсани айтиб ҳам бўлмайди, дарҳол нимадир ўйлаб топадилар.

Беғубор кулгу садолари жаранглаб, саройнинг пучмоқ-пучмоқларини тўлдиргандай туюлди.

Кўринишхона жуда хашаматли эди. Бу ерда элчилар қабул этиларди. Чап томонда подпониинг хос хонаси, маликалар яшайдиган бўлмалар, иккинчи томонда машваратлар хонаси, азиз меҳмонларни кутиб олиш учун орасталанган меҳмонхоналар...

Малика Соғинч хоним ажабтовур зарҳал деворларни кафти билан силар, қатма-кат ўймали, кабарик шаклларга, гўзал қуббали нақшларга ҳайрат-ла боқар, шифтга – бежамали токи мукарнасга тикилар, тилига сўз келмас, фақат: »О...», «О...» дерди. Бу хоналарнинг саноғи йўқ. Шаҳзода қизикиб санашга киришди, малика Соғинч хоним унга ёрдам бера бошлади. Элликкача санаб бордилар, уёғига адашиб кетдилар.

Машваратлар хонасига кирганларида, шаҳзода ўнг деворга ўзининг катта сурати солинганини кўриб хижолат тортди. Соғинч хоним эса лол қолди:

– Ёпирай! Шаҳзодамнинг ўзлариму?

– Сира буни кутмағондим, маликам! – деди ўнғай-сизланган шаҳзода... – Валинеъмат соҳибқироннинг сиймоларини акс этдирсалар кифоя эрди. Мусаввир бизга рангни қуюқроқ бериб юборибдур...

Сурат бутун деворни қоплаб турарди. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан Қундузча дарёси бўйида юз берган жанг манзаралари экан. Ана, зирху совутга чулганган, душманга отилишга чоғланган шаҳзода Муҳаммад Султон қўшин манглайида бормоқда. Ҳамма томонда осмонга санчилган найзалар, қўлларда ўйнаган қиличлар, елкага осилган камонлар, белларга боғланган садоклар... Олисларда душман қораси, қочаётган ғанимларнинг пароканда аскарлари кўринади. Чап ёқда эса баланд тепаликда Амир Темур валиаҳд набираси Муҳаммад Султондан кўз ўзмай, мухораба майдонини кузатмоқда...

...Шаҳзода Шамсиддин Кулол, Амир Тарағай баҳодир ва Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо қабрларини зиёрат этди. Келганларининг учинчи куни ўтганлар ҳақиқа жонлиқ сўйилиб элга ош тортилди. Дор ус-сиёдат ховлисида дуои фотихалар янгради. Пешингача одамларнинг оёғи узилмади.

Шаҳзода тезроқ Самарқандга қайтишга ошиқарди..

ОЛТИНЧИ БОБ

I

Амир Темур Хитой юришига жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Унинг назарида, бу сафарнинг фурсати энди етди, мамлакат тинч, жанубий, ғарбий, шимолий сарҳадларда осойишталик ҳукм сурмоқда. Икки йил аввал отланмоқчи эди, аскарларни йиғиш борасида музофотларга юбориладиган тавочиларни ҳам белгилаб қўйганди, аммо Балхда ҳокимлик қилаётган набираси Пир Муҳаммад Жаҳонгирнинг Дехли султонлиги билан ўзаро можаролари сабаб, бу ният орқага сурилди. Бир йил муддат Ҳиндистон сафарига кетди.

Соҳибқирон Жоме масжиди қурилишидан хабар олгандан сўнг Боғи Чинорга қайтди ва меҳмонхонага кирди. Дарҳол амиру ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку билан — унга хинд юришидан олдин бу мансаб берилганди, — Амир Сайфиддин некўзни хузурига чорлатди. Хаёли Кўксаройдаги машваратга кетди. Машваратда кўп аъёнлар сукут сақлаб ўлтирдилар, сўзлаганларда ҳам, очиги, шижоат кўринмади, бундан Хитой юриши салтанат учун унчалар мақбул иш эмас, деган фикрни илғаш мумкин эди. Ёки Соҳибқиронга шундай туюлдими. Наҳотки, Чин-Мочиндай мамлакатни забт этиш Турон салтанати шаън-шукуҳини кўкларга кўтаришини англашмаса бу амирлар? Ёки иссик ўринларини совутишни ис-тамайдурларму?.. Шундоғлар ҳам бор. Улар салтанатни эмас, аввал ўз жонларини ўйлайдурлар, «ўзим бўлай»дан нари ўтмайдурлар.

Амир ул-умаро кирганда Амир Темур тахтда, ўнг томонда солинган бахмал кўрпачада чордона қурган Амир Сайфиддин некўз билан суҳбатлашиб ўлтирарди.

— Ассалому алайкум, Амир Соҳибқирон! Бир қошиқ конимдан кечсунлар, бироз кеч қолдим. — Жаҳоншоҳ ибн Жоку таъзим қилди. — Дийдорлашувдан беҳабар, кеча буюрғон вазифангизни ухдаламок учун Камонгарон қишлоғига борғон эрдим. У ерда Ах-

сикентдан келишган моҳир усталар Дамашқ пўлатини узок эритиб, қаловини топиб, ўзимизнинг қадимий дами кескир миррихий қиличлардан яшашмоқда...

– Қиличларнинг сумбати қалай чиқмакда?

– Жуда салобатли! Ўзлари айтганларидек, икки тиглик. Жавҳари жилоси текис ва яшилранг, кумушсиймон оқ нишонлари бор. Чумоли изига ўхшаган нақшлари ялтираб товланади. Нақ икки юзтаси тай-ёр. Дастасидан ушлаганда кўлга қувват берадурғон қиличлар. Тутган тутаман дейди...

– Вазифа буюрғон эрдик, ха... Бу кеч қолиш ҳеч нарса эмас, фақат жангга кеч қолмасалар бас, эй амир ул-умаро!

– Иншооллоҳ, кеч қолмасман, Амир Соҳибқирон! – хижолат тортганча бош эгди амир ул-умаро.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку Амир Сайфиддин некўзга нигоҳ ташлаб, кўлини кўксига қўйиб, саломлашган бўлди. Сўнг Соҳибқироннинг чап томонига чўкаркан, фармонингизга мунтазирман, дегандай жим ерга тикилди.

– Кўнглимизда Хитой кофирларига қарши юришдек кўпдан япроқ ёза олмай ётғон орзумиз бор, ул мамлакатда мусулмонлар холи афтода экани хақида хабарлар етмакда... – Амир Темур амирларга синчков тикилди. – Сизларни шунга чорлатдим, жаноблар. Хоҳласангиз, буни кичик машварат деб тушунингиз. Кенгашларингизни олмоғим жоиз...

Салтанатнинг икки нуфузли амири бош эгганча сўзга қулок солардилар.

– Ёдингиздаму, Дехлини кўлга киритғонда жаъми филларни бир жойга тўплашни буюрғондим. Юз йигирма чоғлик фил чиқди. Филлардан шахзодаларга инъом этдик, амирларга улашдик. Икки филни эса Табризга Мироншоҳ Мирзога юбордик. Бир филни Ширвонга Иброҳимбекка раво кўрдик. Бирини Шерозга Пир Муҳаммад ибн Умаршайхга йўлладик. Беш филни Ҳиротга ажратдик. Юзга яқинини Самарқандга келтирдик... – Соҳибқирон тиш олди. – Агар Хитойга борсак, у томонлардан қайтғонда нималар совға қилар эканмен, деган ўйда-

мен. У ерларда бировга тухфага арзирлик нарсалар борму эркан ўзи?

– Бордур, Амир Сохибқирон, бордур... Хў-ўш... Хитойни ҳам бой мамлакат деб эшитганман. – деди Амир Сайфиддин некўз.

– Бу гап тўғри! – қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Икки амир гап тухфалар хақида эмас, гапнинг тагида бошқа гап бор, дегандай бир-бирларига қараб қўйдилар.

– Йўк, мен бойликларни деб Хитойга бормоқчи эмасмен. Сафарнинг сабаби у ердаги мўъмин-мусулмонларнинг азоб остида қолганидадур. Яқинда Чиндан бир неча мусулмон келиб остонамизга бош урди ва йиғлаб-йиғлаб ўз арзадошларини ет-курди, илоҳо, ҳолимиздан хабар олишни Оллох тезроқ қўнғилларига солсун, дея ялиниб-ёлворишди. Тинғчиларим хабарларига кўра, Хитойда янги тахтга мингон фағфур подшо мусулмонларни хору зор этиб ташлабди, хасга тенг билибди. Ёнгинасида Турон салтанатидай пурқудрат давлат борлигини била туриб, писанд этмасдан шундоғ нохуш ишларга қўл урмакда... Биз бу ҳолатга жим қараб туролмасбиз. Мусулмон султонларига яранимағон одат бу! Худои таоло бизга тахт, куч-қудрат, шижоат ато этгон эркан, бандалар ҳолидан бохабар бўлиш вазифасини ҳам бўйнимизга юклаб қўйгон! Қиёматда не деб жавоб берғойбиз?... Бас, дарҳол қўшин тўплаб у томонга отланмоғимиз, мусулмонларни балоқазолардан асраб қолмоғимиз шарт. Ўзга мамлакатларга юришимиз ҳаминша заруриятдан туғилгусидир. Бошқа чора йўқлигидан. қўшинни ияртиб отланишга маҳкуму мажбурбиз. Бари худодан. – Амир Темур меҳмонхонанинг катга очик деразасидан узоқларда савлат тўккан Туркистон тоғларига қаради ва кўз узмай деди: – Улар бизни яхши билмайдурлар, билгонларида кеч бўладур!

«Шубҳасиз!», «Энг адолатли йўл!» – қўллаб-қувватлашди амирлар.

– Бари худодан. Улуғ жаҳонгирларга юкланган вазифадир бу. – деди Амир Сайфиддин некўз

Соҳибқирон сўзларини қўллаб-қувватлаб. – Чунки улар фақат ўз мамлакатинигина эмас, балки жаҳон тақдири учун ҳам куйиб-ёнадурлар. Жаҳонда одамларни бахтли қилмакни ўйлаган Амир Соҳибқирон ҳам бунга жим қараб туролмайдур... – Балки элчи юбориб, кенгаш солиб фағфур пошшони инсоф йўлига чақирмак лозимдур, Амир Соҳибқирон? – сўради Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

– Димоғдор фағфур кимсанинг сўзига кулок соладурғонлардан эрмас. Бунда кенгашнинг тўққиз улуши ҳам фойда бермас. Ҳа, Хитой подшоларининг Туркистон подшоларига иддаолари бор...

Меҳмонхонага шу палла Муҳаммад Чуроға додхоҳ кирди ва Соҳибқироннинг жунбушда сўзлаётганини кўриб секингина остонада тиз чўкди. Одатда, додхоҳ фавқулодда ошиғич хабарлар олса шундай қиларди, буни ҳамма биларди. Амир Темур унга бир қараб кўйди, аммо сўзидан тўхтамади:

– ...Бундоғ иддаолар илдизини қиркмак керак, токи улар бизга «ўғлим» деб қараб, нописандлик йўлини тутмасунлар. Гўёки, улар наздида Турон салтанатлари ҳамиша Чин фағфурларидан қарздор... Нукул ўлпон сўрағонлари сўрағон. Бешта от юбориш керак, ўнта от... Бу йўқ гапни улар қайдан топишибдур? Нотавон кўнгилга кўтир жомашов, дейдилар. Эй амир ул-умаро жаноблари! Ҳар вилоят, тумонот, ҳазорижот бекларига тайинлансунким, кўпрак кўшин жамласунлар ва шай турсунлар. Баронғор, жаронғор, фавжларга, шиқовулу чоновулларга, айникса қўл билан ҳировулга диққат этсунлар. Ўнбоши, юзбоши, мингбошилар, барча навкарлар битта ҳам қолмай рўйхатдан ўтсунлар ва фармонимизни кутсунлар...

– Фармонингизни кутгаймиз, Амир Соҳибқирон! – деди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

«Балки куз фаслида сафар бошланмоғи мумкин, – хаёлидан кечирди Амир Темур. – Ашпара ёқларда ҳамма парса муҳайё, шахзода Муҳаммад Султон кутлуғ ишларни адо этди, сарҳадлар энди мустаҳкам, худога шукр, бундан кўнглим тўқ. Хи-

тойга юборилгон тингчидан хабар кутмак даркор. Ҳозир Хитой томонларда вазият нечук? Сўнг бориш йўллари, чўллар, сойлар, даралар, жарликлар, кечиклар, ўтишга кулай кўприклар, тепаликлар, ўру чақирлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарлар – барча-барчасининг аниқ манзарасини билмак зарур...»

– Бизни энди бу йўлдан ҳеч нарса тўхтата олмайдур, худо хоҳласа!

Орага бир муддат жимлик чўкди.

Соҳибкироннинг қарори қатъийлигини кўрган амирлар олдинда Хитой билан бўладиган даҳшатли жанг муқаррар эканига иймон келтирдилар.

II

Муҳаммад Чуроға додхоҳ сўзга офиз очиш фурсати етганини англади. Ғолибо, Соҳибкирон ҳам: «Нима дейсан?» – дегандай унга тикилди.

– Узримизни қабул қилгайсиз, Амир Соҳибкирон! – Муҳаммад Чуроға додхоҳ юкунди. – Бир янгиликни айтишга журъат этаман...

– Қабул қилинди. Қандоғ янгилик эркан?

– Албатта, ўзлари буни хотиржамлик билан эшитадурлар, деган умиддаман... Султониядан аржуманд ва суюкли келинлари малика Хонзода хоним ташриф буюрибдурлар...

– Ташриф буюрибдурлар? Қачон?

– Бир хафта бўлибди.

– Нега хабар бермабдурлар? Тинчликмукин? – «Нечун келиним безовталанди эркан?..» – деган сўзлар ўтди Соҳибкирон хаёлидан.

– Балки бирон сабаблари бордур. Фақат маҳди улё Сароймулкхонимга айтилгон экан. Хоразм маликаси жаноби олиялари пинхона келишни лозим кўрибдурлар, чамамда...

– Нечук Биби бизга маълум айламадилар? – Амир Темур худди аччиғи чиқаётгандай бир алпозда сўради.

– Эҳтимол маҳди улё ўзларига айтишга улгурмагандурлар... – сўзга қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

– Мироншоҳ Мирзо саломатму эканлар? Нечук

Мироншоҳ Мирзо чопар юбормабдурлар? Ҳиндистон зафари билан ҳам бизни ҳали қутлағонлари йўқ...

– Буни Оллоҳ биладур, илло айтмайдур... – қўл ковуштирди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Амир Сайфиддин некўз билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку бу хабарни эшитишиб, кутилмаганда ўзларини уларга ҳеч алоқаси йўқ сирга араланиб қолаётгандай ўнғайсиз сездилар. Бу ерда қандайдир нохуш бир нарса яшириниб ётарди. Амирлар буни фаҳмладилар, аммо Соҳибқироннинг кўнглини кўтариш керакми ёки юпатиш лозимми, билишмасди.

Амир Сайфиддин некўз ички бир шуур билан бу ходиса Мироншоҳ Мирзонинг феъл-атвори туфайли юз берганини тахминларди.

Амир Темур келини Хонзода хонимни жуда ҳам ардоқлар, авайлар, унинг ҳар бир сўзига қулоқ соларди. Худога шукр, шу пайтгача Мироншоҳ Мирзо билан ораларида бирон бир нохуш воқеа бўлганини эшитмаган. Улар иноқ яшашади, турмушларидан мамнун... Аммо нега келини яширинча йўл олибди? Нега юрт эгаси Мироншоҳ Мирзо буни билмай қолади?..

Нафсиламирини айтганда, Хонзода хонимнинг ташрифи ҳам маъқул бўлибди. Анчадан бери Соҳибқирон қизим эмас, ўғлимсиз, деб қадрлайдиган келинини кўргани йўқ, соғиниб ҳам қолган. Хонзода хоним ҳам бу ерда маликалар билан дийдорланиб кўнглини ёзиб қайтади. Набиралардан қай бирларинингдир тўйлари ҳам бор, барини ўтказиб кетади.

Бирдан Амир Темур сергақланди. У моҳир шатранжчи эди, майдонга кенг боқар, рақибда саккиз юриш имкони борлигини билар, бир юриш бошлаб, иккинчисига бош қотириб турганда, у аллақачон учинчининг оқибатини ҳисобга олар, тўртинчи юришни мўлжаллаб, бешинчисини чамалаб, олтинчи, еттинчи, саккизинчи қадамларни шишириб қўярди.

Наҳотки, Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзо ўртасида бирон англашилмовчилик, жанжал юз берди? Ёки Миср, Ироқ, Рум таҳдидларидан, хавфхатарлардан юрт бетинчмикин? Бетинчликка бе-

тинч, лекин Соҳибқирон назарида, вазият унчалар дол-вой соладиган даражада эмас. Мироншоҳ Мирзода ўзбошимчалик аломатлари бор, бу туғма хислат, негадир лузумсиз қадамлар босишни ёқтиради. Тингчиларнинг айтишича, у Бағдодга юриш бошлабди. Йўлдаёқ, амирзода йўқлигидан фойдаланиб, бир тўда фитначилар лашкар тўплаб Табризни босмоқчи экани ҳақида хабар етибди. Амирзода нарво қилмай Бағдод томон юришда давом этаверибди. Табриздан душманлар ҳақида мудҳиш хабарлар келиши тўхтамабди. Шундан кейингина амирзода қайтиб, Табризда тинчлик ўрнатиб, фитначиларнинг барини тутиб қатл этдирибди. Табриздаги бесаранжомликлардан хабар тонган, бўйсунини истамаган гуржилар эса бирдан Озарбайжон вилоятини ғорат этибдилар, кўп жойларни вайронага айлантириб, мусулмонларни талабдилар...

Агар катта ўғли билан нуфузли келинининг ўртасида сўз қочган эрса, бу, бешак-шубҳа, мамлакатнинг нотинчлиги аломати, юртнинг ўзи дорил-омону осойишта эмас экан, бошқа кишварларга юриш қилиш гумроҳликнинг ўзидур... Бундан икки йил аввал Хитойга шайланган жойида юриш қолдирилди. Яна Хитойга жўнайман, деб турганда, ардоқли келинининг кутилмаган таърифи уни қаттиқ ўйлантириб қўйди. Бирдан кўнглига: «Наҳотки, Хитой сафари яна кечиктирилса?..» деган фикр келди.

Аслида, Хонзода хоним ҳақидаги турли мишмишлар, узунқулоқ гаплар аллақачон пойтахтга етиб келган, бозорларда кезиб юрарди. Гўё Мироншоҳ Мирзо билан Хоразм маликаси хонадонида кўнгилсиз можаро-ю муноқашалар юз берганмиш, амирзоданинг беўхшов тутумлари юртни безовта қилаётганмиш, ўртада уруш чиқиб амирзода ҳатто маликага қўл ҳам кўтарганмиш, маликанинг қаттиқ жаҳли чиққанмиш, Султонияни тарк этиб, қонга беланган кўйлагини олганча, Амир Темур ҳузурига арзга жўнаб кетганмиш...

Бу гапларга одамлар «мишмиш» деб қарар,

кўнда кулоқ солаверишмас, умуман салтанат, Сохибқирон, маликалар, амирзодалар, сарой ҳаёти, ашрофу ақобирлар ҳақидаги ёлғон-яшиқ ғийбатлар каторида кўришар, унча эътибор беришмасди.. Оғзига кучи етган ҳам, етмаган ҳам нимани ўйласа, унга яна қўшиб-чатиб пинхона гап чувалатиб юрарди.

Аммо ундай мишмишларни Сохибқирон кулоғига сира етказмасдилар. Бари Сароймулкхонимнинг қаттиқ назоратида эди.

Сохибқирон уч марта қарсақ урди. Мулозим кирди.

– Катта хонимни бу ёққа чорласунлар!

...Мулозим Сафарберган чопарни бошлаб келганда, катта хоним айнан Хонзода хонимга мактуб ёзишга ўлтирганди. Мактубда, агар ардоқли келинининг сафарга рағбатлари, шунга ярашишлик фурсатлари мусоид этса, сунбуланинг бошларида тўртта набира – иккитаси ўғил, иккитаси ожиза. – тўйларини ўтказмоқни ўйлаётгани, Амир Сохибқирондан ҳам ризолик олиб қўйгани, аввало шу тўйда қатнашишлари лозимлиги, сониян тўй вақти ўзларига мусоидми – бари-бари ҳақида ўз фикрларини билдиришларини сўрамоқчийди.

– Хонимойим! Амир Сохибқироннинг суюкли келинлари Хонзода хоним жаноби олияларидан чопар келибдур. Амирзодамнинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир экан...

– Хуш кўрдик... Яхшиликка бўлсун, илоҳо. Мактуб ёзиб кўкарчин жўнатмакчи эрдим. Худо ўзи етказибди, чопардан бериб юбора қоламен... Чопар йўлларда озор чекмай етиб келибдимиз?

– Тахти Қарочадан Самарқандгача қийналмай кела олса керак, деб ўйлайман...

– Англамадим... Не демакчисен? Тахти Қарочанинг не дахли бор?

Сафарберган эшик ортида турган Ахий Жаббор баҳодирга: «Кирсунлар! Навбат етди, сўзласунлар!» дегандай қаради.

– Ие, баҳодир жаноблари? Эсон-омонликми? – сўради Сароймулкхоним.

– Ассалому алайкум, маҳди улё жаноби олия-

лари! Бир қошиқ қонимдан кечасиз... Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг фарзанди аржуманди валиахд шаҳзода Муҳаммад Султон жаноби олийлари боқий салом дедилар ва мазкур сўзларни муборак кулоқларига етказишимни буюрдилар. Тахти Қарочада бизларни кутиб олдилар. Бундан маликам бағоят мамнун бўлдилар...

– Хўш, хўш?.. Тез-тез айтақолсунлар! – буюрди катта малика бесабрлик билан.

– Подшо келини Хонзода хоним жаноби олиялари катта уғруқ бирлан Самарқанди фирдавсмонандга ташриф буюраётиб бир фасл бамисли боғи ризвон Тахти Қорача томошасига тўхтадилар. Эрта-индин муҳтарама малика Туман оқа жаноби олиялари ҳамроҳлигида ҳузурлариға етишғойлар...

Қаттиқ хаяжонга тушган Сароймулкхоним беихтиёр ўнг чеккасидаги қора гажагини бир силаб қўйди. Гарчи ўзи Хонзода хоним аҳволдан хабардор эса-да, мактублардан кўп сўзларнинг маъзини чақиб, маъноларини англаб етса-да, номдор маликанинг мана шундоқ, бирданига хабар йўлламай, демак яширинча, келиб қолишларини сира кутмаган эди. Хаёлида нега, нимага, нечук... қабилида минг битта савол бош кўтариб, ҳар бири ўзига жавоб тиларди.

Катта малика ўйланиб қолди. Буни Соҳибқиронга айтмай илож йўқ, касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, дейдилар-ку. Қандай билдирмоқ керак? У айта олмайди, Соҳибқироннинг қаҳрлари келади, ҳарқалай малика ўзини эҳтиёт этгани маъқул. Хали нега бу хабар вақтида кулоқларга етказилмади, деган сўроққа жавоб бериш ҳам олдинда турибди.

Катта хоним дарҳол Муҳаммад Чуроға додхоҳни йўқлаттирди. Додхоҳ Амир Темурнинг офир-енгил гапларини кўгаради, биринчи зарбани ўзига олиб вазиятни сал юмшатиб бергани маъқул...

– Бу хабарни Амир Соҳибқиронга ўзлари айтмасалар, камина журъат этолмасмен... – деди катта малика. – Аниқ сезиб турибменким, Хонзода хоним бутунлай қайтиб келмақдалар... Бағоят ноҳуш ходиса...

– Шайтонга хай берайлик, хонимойим. Худо пошло эгам, деганлар. Ноумид бўлмайлик.

– Айтғонингиз келсун-ку-я...

Шундан кейин додхоҳ Сохибқирон хузурига йўл олганди.

Сароймулкхоним ҳали Султониядалик вақтида маликанинг руҳияти, аҳволига назар солиб, рангрўйига қараб ич-ичидан эзилиб юрди. Салтанатда барча таъзим қиладиган маҳди улё, катта хоним бўла туриб, Хонзода хонимни қандай қутқаришни, нечоғлик мадад беришни билмаслигидан азобларди. Ҳа, гулдай сўлиб борарди малика, бамисли шаркироқ сойга тушиб қолган нафис ва баркамол гулдай: сув шоввага қараб оқиб борар, олдинда муқаррар фалокат турарди. Бечора гул сойдан чиқишнинг ҳам, шоввага тушмасликнинг ҳам чорасини тополмайдиган даражада ночор эди.

Сароймулкхоним тезда маликани кутиб олиш тадориқини кўрди. Сафарберганни чорлаб тайинлади:

– Кўшиш қил, тездан маликалар, нуфузли ашроф-ақобирлар хотинлари, хушрўй канизаклар Қоратепа томонга борсунлар, Хоразм маликаси йўлига чиқсунлар. Буюрғилким, Боғи Баландни маликага ажратсунлар. Хонзода хоним ўша ерда истиқомат этурлар. Йўқ... боғнинг чиройли баланд қасри Табризнинг оқ мрамаридан ишланғон... Маликамга оғир ботмасмукин? Табризники деб эслаб, ранжимасмикин?

– Барча боғларда ҳам устулар Табризнинг оқ мрамаридан ясалган, хонимойим! – деди Сафарберган. – Боғи Шимолнинг тўрт устун ҳам, Боғи Дилқушонинг ўртасидаги уч пештоқли кўшк ҳам Табриз оқ мрамаридан... Боғи Биҳишт саройи ҳам...

– Рост айтасен... Ҳа, хотира...хотира... – Сароймулкхоним бирпас ўйга чўмди. – Бандаси хотирасидан қочиб қутилолмайди... Йўқ, Боғи Баланд эмас, яхшиси Боғи Дилафрўзни холи этсунлар. Жуда ажойиб, бичими келишғон боғ. Унинг номини ўзимча «Боғи Шинам» қўйиб олғонмен. Боғи Чинорга ҳам яқин. Маликамнинг уғруқи ўша бокқа жойлашсун. Унинг қасри ўзимизнинг Кўҳи Нур тошларидан

тиклангон. Бир хафта хордиқ олсунлар, узоқ йўлда толиққанлар, сал чарчоқлари чиқсун, ранг-рўйлари тиниқсун.

– Маъкул, хонимойим!

...Соҳибқирон катта хонимни чорлатар экан, келини билан учрашишдан олдин ундан аҳвол-вазиятни билиб олишни ва қандай йўл тутишни кенгашимоқчи эди.

– Жоним омода, Соҳибқирон ҳазрати олийлари! – Мулозим тисарилганча меҳмонхонадан чиқди. – Дарҳол чорлагумдир.

Мутлақо ортиқчаликларини сезиб, қолишларини ҳам, кетишларини ҳам билмай, ўзларини игнанинг устида ўлтиргандай туйган амирлар ночор бир-бирларига карадилар. Ниҳоят Амир Сайфиддин неқўз сўзга офиз очди:

– Бизга ижозат берсалар...

Амир Темур уларга бир-бир тикилиб чиқди. Унинг ёлғиз қолмоқчи экани сезилиб турарди.

– Ижозат... Сенга ҳам... – деди Муҳаммад Чу-роға додхоҳнинг тараддудланганини пайқаб.

Амирлар кутилмаган хабар Соҳибқиронга каттик таъсир қилганини туйдилар. Кетишар экан, қасрнинг нақшинкор эшигидан чиққан маҳди улё Сароймулк-хонимнинг ерга қараб, қандайдир тапвишу ўйларга фарқ охиста юриб келаётганини кўрдилар ва узоқдан таъзим ила салом бердилар.

– Келинимизни чорласунлар, Биби! – деб тугатди сўзларини ковоқлари уюлган Соҳибқирон. – Бирга олиб кирсунлар...

Катта малика меҳмонхонадан чиққанда, чиройли кўзлари кизарган, нохуш бир кайфиятда эди, қаттиқ ўксигани сезилди. Ким билсин, балки бу – хабарни тез фурсатда айтмаганидан ёки Хоразм маликасининг аҳволидан доим хабар олиб турмаганидан дашномларга қолганиданми, эҳтимол, яна ҳам аниқроғи, жигарининг бир порасидай кўнглига яқин бегуноҳ ва маъсума, гўзаллар ичра гўзал маликанинг гулдай умри шунчалар бесаранжом, азоб-уқубатлар гирдобида кечаётганини кўриб қаттиқ қайғуриб юборганиданми – бу ёғи маълум эмасди.

ЕТТИНЧИ БОБ

I

Маликалар ташрифини кутар экан, беихтиёр Амир Темур хаёли Ирок, Миср, Форс, Озарбайжон томонларга кетди.

Бир ҳафта аввал, Турон салтанати тобелигини тан олган ва Амир Темурдай қудратли ҳукмдор ҳимоясига кирган Арзинжон ҳокими Амир Тахуртан пешкашлар билан мактуб жўнатиб, унда ўз эҳтиромини баён айлаб, Трабзон, Сивас, Арзирум, Малатия ва бошқа қўшни музофотлар тўғрисида хабар берибди. Айниқса, Рум султони Боязид Йилдиримнинг таҳдиду иддаолари кучайиб бораётгани, Арзинжонга қарашли мустаҳкам Кемох қалъасини тилаётгани, ҳатто қалъанинг ёнига йаничарлар лашкарини сафлаб ҳам қўйгани, шунингдек ўлпон тўлаб туриши лозимлигини билдириб, «...ва агар айтилганларга кўнмасанг, қўшин тортиб боргайман, шахрингни хароб айлаб, Кемохни тортиб олгайман, хотинингни асир этгайман, оқибатда бор-будингдан айрилишинг мукаррардур!» – деган дўқ-нўписаси ҳақида изтироб билан ёзибди. Тахуртан султонни тинчлантириш учун ўлпон тўлашга, тобеликни тан олишга тайёрлигини, аммо Кемохни сира беролмаслигини айтиб юборибди.

Ҳижоз томонлардан ҳам ташвишли хабарлар оқими тўхтамасди. Кеча Муҳаммад Чуроға додхоҳ айтиб қолди:

– Амир Қора Юсуф, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай хали хануз эски одатидан воз кечолмайди, – деди у. – Нуқул ўз жонининг рохатини ўйлаб, ўзгаларга таадди қилади, зулму фасод қўлини узатиб, мусулмонларга захмат етказди. Алалхусус, Ҳижозга бораётган карвонларга ҳужумлар уюштириб талон-тарож этиши ҳамманинг фароғатини бузмоқда...

– Афсус, шу пайтгача неча марта уриниб, на Қора Юсуфни, на Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалойирни жиловлай олдик... – Амир Темурнинг

ғазаблангани билиниб турарди. – Хулокухон тахтининг сохиби Мироншоҳ Мирзо улар изидан тушиб, илдизидан қуритмокни истаиди, аммо ухдасидан чиқа олмай келади....

– Баддинларни қўлга тушириш ҳам қийин-да, Амир Соҳибқирон... Бир қарасанг Бағдодда, бир қарасанг, Хижозда, Қоҳирада, Марандда, Табризда, Хиллада... ҳеч қуйруғини тутқазмайди... – Муҳаммад Чуроға додхоҳ афсуслангандай деди. – Бундайларнинг уруғи битта жойдан олинган: Амир Қамариддинга ўхшаб бари жанг майдонидан қочиб жон сақлаб кун кечирадилар. Аммо бадқор Қора Юсуфни албатта тутмоқ шарт! Ёдингиздаму, Авник қальасини забт этиб, унга Амир Аталмишни ҳоким этиб тайинладилар. Йироқларда юрганингизни кўриб баттол Авникка бостириб кирди, ғафлатда қолган Амир Аталмишни ҳарами билан асир олиб Миср султони Барқуққа жўнатди. Хутбани ҳам султон номига ўқитди бадбахт. Султон дарҳол асирларни зиндонга ташлатди...

Соҳибқироннинг қўли иягига чўзилди. Додхоҳ эса сўзида давом этди:

– Мироншоҳ Мирзо қўшинини четга суриб, Табризни вақтинча фораг қилгандаги тутган йўлини кўрингиз! Султон Барқуқ номидан танга зарб этдиришдан тоймади, ҳагто Соҳибқиронга етказсин, деб тангалардан бир нечтасини атайлаб бизнинг одамларимизга улашибди. Ҳалаб ва Малатия ноибларини эса қутқулаб, қутилмаганда кичик Турон лашкарини пароканда этибди ва ўлдирилган аскарларимиздан икки юз қирқтасининг қаллаларини йиғиб, асир аскарларимиз қўлига тутқазиб, намоийшқорона Қоҳирага жўнатибди. Бу билан Миср султониға садоқати баробарида ўзининг куч-қудратини ҳам намоийш этмоқчи. Бадбахтнинг тутуми шерининг қўзига тузроқ сочиб қочиб қолган шоқол холини эслатади...

Амир Темурнинг сўз қотмай ўтирганини кўрган додхоҳ жим қолди. Соҳибқирон хаёллари эса узун эди.

...Ҳалаб ҳокими Темуртош билан Дамашк амир ул-умароси Судунларнинг босган қадамлари кишини

каттиқ таажжубга солади. Биринчиси, Қоҳирага бораётган Турон элчиларини сабабсиз Халабда бир ой тутиб турди, иккинчиси эса назар-писанд қилмагандай, хатто Дамашққа киритмади, йўлни тўсиб, ўтказишга қўймади. Кейин бир ой зиндонга ташлади.

Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир... Соҳибқирон эслашни истамайди, аммо на чора?.. Маккаи мукаррама зиёратидан қайтаётган туркистонлик етмишта ҳожини қатл этиб, мол-мулкларини талаган ўша ироқлик баттарин қароқчиларни топиш ва Самарқандга жўнатиш ҳақидаги мактубига Ироқ ҳукмдоридан ҳали жавоб ололгани йўқ. Ўшанда Туроннинг шаҳар-кишлоқлари, қасабаларида барча мотам тутди.

Султон Аҳмад жалойирнинг тағин тинч турмай, бошқалар кўнглига фитна уруғини сочгани ортиқча... Мана, унинг гиж-гижлашига учган Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими қози Бурҳониддин. Уни орқа-олдини ўйлаб иш кўрадиган, замонни салмоқлай олишга қодир ҳукмдор деб эшитганди. Шу сабабдан ҳам, ундан итоат талаб қилиб, хутбада ва тангаларда Турон хони Султон Маҳмудхон ва Соҳибқирон номлари қайд этилсун, деган мазмунда элчи юборди. Амир Темур бунинг оқибатида қозининг Турон салтанати химоясида бўлиши, ўзаро яхши, тинч муносабатлар ўрнатилиши, савдо аҳлининг бориб-келишлари осонлашишига умид боғлади ва талаби қондирилишига ишончи қомил эди.

Лекин... қози Бурҳониддиннинг шакатул, енгил-таклиги билиниб қолди – унинг қилиғи ҳамма-ниқидан ошиб тушди – талабни адо этиш у ёқда турсин, хатто Амир Темурнинг нуфузли элчилари бошларини шартта кесишга фармон берди, кесилган бошларни тирик қолган элчилар бўйинларига осдирди ва ярмини Султон Барқуққа, қолганини усмонли султон Боязидга жўнатди. Ахир элчига ўлим йўқ-ку! Нахотки, инсонлар ҳар бир айтган сўзининг, хатти-ҳаракатининг ўз вақтида жавоби қайтишини билмасалар? Нахотки, Қози Бурҳониддин Амир Темурнинг Сивас томонларга яна келиб қолиши,

манъум қадамларга жавоб берилиши мумкинлигини ўйламаса? Ҳатто наъра тортиб қичқирсанг, тошларини бағрига босиб ётган баланд тилсиз тоғ ҳам жим турмай: «Нега шовқин соласан? Тинчимни бузасан?.. Кар эмасман, сўзларингни эшитяпман!», – дегандай акс-садо қайтаради-ку!

Амир Темур элчиларининг бошларини Мисрга ва Румга жўнатганда Қози Бурхониддин қуйидагича мактуб ҳам қўшиб юбориб, унда Турон элчиларини қатл этганини, бу билан Амир Темурни кўзга илмаганини кўрсатганини билдирди. Мактуб, иттифоқо, Соҳибқирон тингчилари кўлига тушиб қолди.

«...Аён бўлсунким, – деб ёзган эди мактубда, уни мунший Мавлоно Ҳайбатуллоҳ ўкиб бергани, – ҳолимнинг тангу торлиги, қудратимнинг камлиги, одамимнинг озлигини билсам да, сизларнинг давлатингизга, шукуҳингизга ишониб, ҳайбатли байроқларингизга орқа қилиб шу ишларга қўл урдим. Холанки, камини сизларнинг бир гардингиз, балки гардингиздан бир зарраман, маҳобатли денгизингиздан томчиман. Мулозимингиз, бошингизга келган балога тайёр турган қалқонингизман... Турон султони бир оловдир, агар менинг этагимга учқун улашса, уни тақдир шамоли учуриб сизларга етказмайди, деб ким айта олади? Оловни, ўтни қўзғасанг фақат учқунлар чиқариши аён... Сизлардан мадад, маслаҳат кутаман ва ўшанга қараб қадам ташлайман..»

Қози Бурхониддиннинг хитобига Миср ва Рум султонларидан қандай жавоб олганини билмаса ҳам, мазмунини тахмин қиларкан, Хиллада турган дарғазаб Амир Темур Султон Барқукка таҳдидли мактуб йўллади. Соҳибқирон султонни ўз элчиларини ўлдиришда ва тутқунликка солиб хўрлашда ҳамда Турон салтанатига кўн азиятлар етказган душмани Султон Аҳмад жалойирга бошпана беришда айблади ва уни дарҳол Турон султони ихтиёрига топширишни талаб этди. Мактубда жумладан шундай сўзлар бор эди:

«Айтинг: «Оллоҳим, эй осмонлар ва ерни яратувчи зот, эй гайбу шаҳодатни билгувчи зот, ёлғиз Ўзинггина бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар ҳақида ҳукм қилурсен.»¹ Билсунларким, биз Оллоҳ қўшинлари бўлиб, унинг қахридан яратилгонбиз, унинг газабига учрагон кимсалар бизнинг душманимиздур. Амримизга қулоқ солмагонлар устига қайғу алам ёгилур, бандалар ҳалок бўлур, мамлакатлар хароб... Бундог шикоят қилгувчиларни тингламасбиз, йиглагувчилар кўз ёшига шафқат этмасбиз... Қалбимиз тоғлардек баланд, ададимиз қумлардек беҳисоб, мулкимиз даҳлсиз, қўшинимиз тўфондек босқир, тулпорларимиз учқур, қиличларимиз кескир, найзаларимиз учкир... Агар амримизга мувофиқ иш бошини тутсангиз, унда ўзимизга нимани лозим топсак, сизга ҳам шуни раво кўргаймиз, тинч, эмин-эркин фароғатда ҳаёт кечиргайсиз, дўстимиз дўстингизга айланур, душманимиз – душманингизга... Агар сўзимизни рад этсангиз, ўзингиздан кўргойсиз: ситамларни сотиб олгайсиз, бизга қалъа ю кўргонлар мене эрмас, қўшинлар бас келолмас, ҳимоя тилаб этгон дуоларингиз мустажоб бўлмас. Сиз бизни кофирлар дейсиз, бизга эса сизнинг фожирлигингиз маълумдур.

Билсунларким, устингиздан ҳукм чиқармак ҳуқуқини тангри таоло бизга ато этгон... Сиз учун улуғ ҳисоблангон нарса биз учун кичик, сиз бошингизга қўядургон нарсани оёғимиз остида кўргойбиз... Биз сизга мактуб юбориб инсоф юзасидан йўл тутдик, огоҳ этдик, Оллоҳнинг ўзи шоҳиддур...»

Мактуб султон Барқукнинг нафсониятига тегиб кетди.

– Кимсан, Мисру Шомдай улуғ мамлакатлар ҳукмдори эрсаму, қандайдир чўлдан чиққан амирнинг дашномларини эшитиб ўлтирсам! – дарғазаб деди султон Барқук сарой аъёнларига қараб. Ҳамма

¹ Куръони карим. Зумар сураси. 46-оят

дир-дир қалтираб турарди. – Дархол мактуб ёзилсун ва унда алохида, кўзга тапшланарли қилиб, Темурлангни... худосиз(!) деб битилсун!.. («Астафурилло! Худодан кўркмаганини!» – деб кўйганди Соҳибқирон кейин мактубнинг шу ерини ўқиганда). Ўзимни ислом динининг қудратли хомийси деб билурман, фақат халиф ал-мўъминийн бирлан расулulloхга итоат этурман! Уруш майдонига уларнинг муборак исмлари билан кадам кўюрман!

Сўнг қахру ғазаб ила қуйидаги сўзларни ҳам кўшдириб қўйди:

«Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси Оллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан; истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдасур. Албатта, Сен барча нарсага қодирсан.»¹ «Биз Оллоҳнинг қахридан яратилгонбиз, унинг ғазабига учрагон кимсалар бизнинг душманимиздур... Бундоғ шикоят қилувчиларни тингламасбиз, йиғлагувчилар кўз ёшига шафқат этмасбиз... Билсунларким, устингиздан ҳукм чиқармак ҳуқуқини тангри таоло бизга ато этгон..» – бу сизнинг сўзингиздур. Бу сизнинг катта айбингиз, ўзингизга ўзингиз берган қабих тавсифингиздур. Каломуллода, эй кофирлар, мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат этмасман, дейилган. Огоҳ бўлинг, кимки илдизларга ёпишса, шохлар билан қизиқмайди. Ростдан биз мўъминлармиз, йўлимизни гуноҳ тўсмайди, шубҳа-ғумон бизга даҳл қилмайди. Жаҳаннам эса сиз учун яратилган. Тутумингиз ажабланарли: қандоқ қилиб кўптак шерга, тулки йиртқич бўрига, чорасиз қуллар жавшан кийган жангчиларга таҳдид солар экан? Бизнинг дулдулларимиз арабий, ҳимматимиз олий, найзаларимиз зарбаси довруги мағрибу машриққа тарқалган. Сизни маҳв этсак, худонинг ҳам, бандасининг ҳам олқиш-мақтовига сазовор бўлгаймиз, агар ўлсак, унда биз билан жаннат орасида

¹ Қуръони карим. Ол-и Имрон сураси, 26-оят

бор-йўги бир соатлик масофа қоладур... Зеро, каломуллода айтилганидек, Оллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйла-масунлар! «Қалбимиз тоғлардек баланд, адади-миз қумлардек беҳисоб», деган сўзларингиз бағоят ўринсиз, ахир қўйларнинг кўплиги қачон қассобни безовта қилибди? Кўп ўтинга ҳамиша озгина олов ҳам кифоялиги жумла мўъминга маълум ку!

Қиссадан ҳисса: агар биз яшасак, бахтли кун кечирғоймиз, агар ўлсак – шаҳидлардек ўлғаймиз. Огоҳ бўлсунларки, «тангрига эътиқодли гуруҳлар доимо голибдурлар...»¹.

Султоннинг бир даврада ўз яқинларига айтган: «Мен бу оқсоқдан кўрқмайман, чунки барча подшоҳлар унга қарши мени қўллаб-қувватлайдурлар. Мен фақат Ибн Усмон(Боязид)дан кўркаман!» – деган сўзлари ҳам, ёмон гапнинг қаноти бор, деганларидек, аллақачон Амир Темур қулоғига етиб келганди.

Писандсизлик билан битилган мактуб, захри қаттиқ тошни ҳам ёрадиган, илон пўст ташлайдиган сўзлар бари йиғилиб Соҳибқирон юрагини тошга айлантирар, ғазабини бадтар кўзғарди. Албатта, ғазабига суянган одам, ютқизади. Етти ўлчаб бир кесган киши адашмайди. Амир Темур буни яхши билади.

Бари салтанат учун айтарли жиддий таҳдид ҳисобланмаса ҳам, кутилмаган жойдан чиқадиган чипқонга ўхшаган ҳодисалар, ҳарқалай кишини ҳушёр тортирмоғи жоиз. Лекин бу томонда Хитой сафари турибди, қолдиришнинг номақбуллиги аён.

Ҳа, узоғи билан бир йилга мўлжалланган Хитой юришидан сўнг яна Сивас ва Миср томонларга ҳам йўли тушмоғи аниққа ўхшайди...

Яқинда Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими кози Бурхониддин билан Миср султони Барқуқларнинг тангри раҳматига боргани ҳақида хабар етди. Амир Темур ҳамиша қудратли ҳукмдорлар, муносиб рақиблар билан кенгашлар олиб бориш, ло-

¹ Куръони карим. Зумар сураси, 46-оят

зим эса, саванлар қуришни ёқтирарди. Айниқса, ғойибона унга кўн азиятлар етказган, калондимоғ бу икки хукмдорни тошиб, юзлашиб, алохида-алохида ҳисоб-китоб қилмоқни, жазосини бермоқни кўнглига қаттиқ туғиб қўйганди, афсуски, бу юмуш маҳшарга қолди...

II

Шу ерда маликалар нафаси сезилди, йўқ эса, бирига уланиб кетган бетизгин хаёллар Амир Темурни ҳали-бери ўз исканжасидан қўйиб юбормасди.

Меҳмонхонага маҳди улё Сароймулкхоним билан авра кимхоб тўн кийган, бир оз тўлишганига қарамай хушқоматлиги намоён Хоразм маликаси қўлини кўксига қўйганча таъзимда кириб келди ва Амир Темур тахтдан туришга улгурмай, Соҳибқирон пойига ўзини ташлади...

– Ие, Биби! Онақизим-му? Ана... ана... Хуш келибсиз! Ўзим ҳам соғиниб қолғондим... Халлоқи безаволга салламно, болажонимни қошимга еткурди!..

– Ҳа, ҳаммамизни қувонтириб бирдан қадам рағжида айладилар... – маънос жилмайди қатта малика.

Хонзода хоним Соҳибқирон тўни пешини уч марта ўпиб кўзларига суртди ва шу аллозда юзларини босганча туриб қолди. Бирдан унга ўқрак йиғи келди, агар қўйиб берса, фиғони меҳмонхонадан чиқиб, Боғи Чинорни, ундан нари бутун шаҳарни тутиб кетган бўлармиди... Унинг нолаларини наинки Соҳибқирон, қатта малика, Самарқанд, Хоразм, балки жумла жаҳон эшитмоғи керак аслида!

Димоғига ёқимли мушқу анбар бўйи урилган Амир Темур келинининг елкалари хиёл силкинаётганини кўрди ва унинг унсиз фарёд чекаётганини англади.

– Ие, онақизим! Йиғламангиз! Йиғидан худо сақласун! – Соҳибқироннинг ҳам неғадир кўнгли нийиб, бўшаниб борарди, у ўзини ўнглади. Келинининг бошини меҳр билан силаркан, деди: – Биби! Қизимни турғизингиз! Қани, бу ёққа ўлтирингиз-чи... Онақизим менинг... ширин қизим...

– Маликам жоним, айтдим-ку... Йиғламангиз, деб! –

Оҳиста келинининг кўлтиғидан олар экан, Сарой-мулкхонимнинг ўзи ҳам йиғлаб юборай деб тургани сезилди.

– Валинеъмат бузрукворим!.. – Хонзода хоним бошқа сўз айтолмади, унинг овози титрарди. Соҳибқирон катта маликани ўнг томонига, Хонзода хонимни чап ёнига ўтказди.

Фотиҳа ўқилди.

Ўзини кўлга олган малика сўзни нимадан бошлашни билмай ерга тикилди. Пинҳона қайин отасига қараб-қараб кўяркан, унинг жаҳли чиқмаганини, хотиржам эканини кўриб тинчланди. Бир паллалар қайинсинглиси Султон Бахт бегимнинг оилада фароғати бўлмай Хутталондан Самарқандга келганларида, Ҳазрат бундан ранжисалар ҳам, билдирмай, насихатлар қилиб, ўжар қизини яна қайтариб юборар эди. Хонзода хонимнинг ўзи бир неча бор бунга гувоҳ бўлган. Ҳозир қандай йўл тутиларкин? Хоразм маликасини шу нарса қийнади.

«Амирзода Мироншоҳ Мирзонинг нохуш мактубини ўқиб, роса қазаблари чиққандир... Ҳали ҳозир Амир Соҳибқирон шундан сўз очсалар, аччиқ-аччик маломат айласалар мумкин. Сизлардан умидимиз шулмиди, дейишлари аниқ. Афсуски, малика мактубни жўнатгонларидан сўнг билди холос...»

Лекин Амир Темурнинг мактубдан сўз очгиси йўқ шекилли, бу ҳақда индамади. Термиз гузаридак малика Ахий Жаббор баҳодирдан мактуб оқибати нима бўлганини сўради. Баҳодир тиз чўкиб, кўл қовуштириб фақат: «Гунохкорман, маликам...» – деди, бошқа ҳеч сўз қўшмади. Баҳодирни қийнамаслик учун, ундан ортиқ суриштириб ўтирмади. Унинг мактубни Соҳибқиронга топширгани аниқ, бунга гумон ҳам қилмайди. «Валинеъмат Соҳибқирон шу ерда ҳам мени аямакдалар, шўрлик кўнглимни авайламакдалар... Агар гапирсам, жондан ширин қизимни ранжитиб қўямен, нозик кўнгли лат ейдир, деган андишага бормакдалар. Хонимойим ҳам шундоғ, ҳеч нарсадан хабарлари йўқдай бир оғиз ҳам мактубдан сўзламадилар...» – ўйлади Хонзода хоним. Нечоғлик

меҳрибон зотлар! Унинг шикаста дили хаприкди, мени деб шунча ташвиш тортянтилар, дея қайин отасига ҳам, катта маликага ҳам ачинди, эхтироми яна ортди. Бир лаҳзага вужудида Султониядан йўлга чиққан пайтдаги шиддати кўзғолди, шартта ўзи мактубдан бошлаб Мироншоҳ Мирзонинг машъум кирдикорларини битта ҳам қолдирмай бирма-бир гапиришга чоғланди. Айтсин, айтиб-айтиб берсин, маънисиз машъум мактубни, инсон зотини ерга урадиган хўрликларни... тоқайгача барини ичида саклаб юради?.. Аммо кутилмаганда маликанинг тилига мутлақо бошқа сўзлар келди:

– Сизларни жуда ҳам кўришга орзуманд эрдим, эй падари бузрукворим! Хонимойимни бирам соғиндимки! Оллоху сизлардан бошқа суянчиғим йўқ... – Хонзода хоним жим қолди. – Ҳиндистон зафаридан бошимиз осмонга етди, қутлагали, тавоф этгали шошилдим...

– Қуллуқ, онақизим! Ҳа, Ҳиндистонда бизга музаффарият ёр бўлди...

Амир Темур синчиклаб қаради: Хонзода хоним пардоз-андозини ўрнига қўйган эрса ҳам, юзларидан ҳорғинлик, сўлғинлик изларини яққол пайкаш мумкин эди. Йўл азобидан ўзини хийла олдириб қўйибди, озиб қолгандек, қандайдир изтироб, алам уни қийнаётгандек. Жуда безовта, ниманидир айтмоқчи. Лекин богинолмай турибди... Бари-бари ошиғич яширинча келиш билан боғлиқ эмасмикин?

У катта маликага: «Нима гап?» дегандай нигоҳ ташлади, малика, билмаймен, маъносида бош тебратди.

«Нечук чора қилсам? – қийналарди ичида Хоразм маликаси. – Шавхарим Мироншоҳ Мирзо қилмишларини бирма-бир айтаберсам, Амир Сохибқирон балан хонимойим қандоқ қараркинлар?.. Уларга ёқадими, йўқми? Фарзандлари ахир! Бари аччиқ гаплар...»

Шу пайтгача келин ҳеч қачон қайин отасига куёвидан шикаят этган эмас. Мабодо, Сохибқирон эшитиб: «Ўғлим шундоқ номаъқулчиликларга бордимму?.. Қарс икки қўлдан чиқаду, ўзингиздан ҳам

бирон айб ўтғондир, онақизим?», десалар, унда нима деган одам бўлади? Тухматчи, шикоятчига чиқиб қолмайдирму? Йўқ, валинеъмат Соҳибқирон, адолатпеша зотлар, ҳаминша тарозуга тошни тенг кўядурлар, ҳақни туҳматдан дарров фарқлай оладурлар.

Эҳ-ҳе, Хонзода хонимнинг ичи дардга тўлиб кетган, айтмасликнинг иложи йўқ... Қўшиб-чатмайди, борини бор ҳолича сўзлайди, оқни оқ дейди, қорани – қора... Баҳосини ўзлари берсунлар...

– Амирзода Мироншоҳнинг сихҳатлари тузукму?.. – сўраб қолди бирдан Амир Темур...

Хонзода хоним худди баданига тиг теккандай сесканиб кетди. Бу саволнинг унга ҳеч алоқаси йўқдай туюлди. Нега ундан сўраябдилар? Ким у, Мироншоҳ Мирзо? Мутлақо бегона, ёт одам... биров. Номаҳрам... Аллақачон уни унутиб юборган. Аслида, аввал ҳам бегона эди. Ҳа-а...

Хоразм маликасининг чорасиз дардлари қати энди очилгандай бўлди:

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, валинеъмат Соҳибқирон! Хонимойим! Айтғонларим кўнгилларингизга малол келар, деган ҳадикдамен...

– Сўзлангиз, онақизим! Не гап ўзи?.. Эшитайин-чи...

– Айтингиз, билайлик... – кўшилди Сароймулкхоним.

– Валинеъмат Соҳибқирон ҳазрати олийлари!

Маҳди улё жаноби олиялари... – тўхтади Хонзода хоним қўллари кўксида ерга қараганча, – ...фақат гуноҳкор қизларингизни кечирингиз... У сизлардан бесўрок бир ножўя иш қилиб кўйди...

Амир Темур билан Сароймулкхоним бир-бирларига таажжубда тикилдилар.

– Ножўя ишдан худо асрасун, ширин қизим... – деди Соҳибқирон.

– Қизларингиз... бутунлай Султонияни ташлаб келди...

– Ие?.. Ие... Онақизим... бу нима деганлари?

– Нима-а... Амирзодам билан ораларингизга совуқчилик тушдиму?

– Тушди, тушди... хонимойим... мени кечир-сунлар...

Аслида, бундай совукчиликлар нечталиги номаълум, санаш қийин. Қайси бирига тўхталсин? Хонзода хоним энди яширадиган жойи йўқлигини англади, хаммасини айтишга аҳд қилди:

– Ул юртда, надоматлар бўлсин, на динга диққат, на молу мулкка муҳаббат, на раоё-ю бароёга рағбату роҳат қолди... – деб бошлади сўзини қийнала-қийнала Хонзода хоним... – На мамлакатда пушти паноҳ бордур, на лашкарда тартиб-интизом! Аммо, даромади зиёддан-зиёд, харжу хирожи мўлдан-мўл... Ижозат берсунлар, талоқу атоқ қасамларини ёнимга қўйиб айтаменким...

У сўзлай кетди, айтаётган нарсасидан ўзи хайратга тушгандек, қизаринган шахло кўзларини янада каттароқ очар, гоҳ қирмизи лабларини чўччайтириб нималарнидир тушунтиришга уринар, гоҳ салом бергандек ўнг қўлини ҳаяжондан кўтарилиб-тушиб турган кўксига қўяр, гоҳида чап бармоғини чеккасига тираб неларгадир имо-ишора қиларди.

Хийлагина гапирган маликанинг манглайида майда терлар ялтиради.

– Астафурилло! – деб юборди Амир Темур. У келинини ҳеч қачон бунчалар изтиробли ҳолатда кўрмаганди. – Дунёнинг иши фақат роҳат, машатдан иборат эрканму? Гуржилар ўзини волиб ҳисоблаб Табризга черик суриб ётса, у эса чоғир ичишдан ўзгага ярамаса!

– Вой маликам-а, жонима-а!... – куюнарди Сарой-мулкхоним, беихтиёр ўнг чеккасидаги қора гажагини бир силаб қўяр экан.

Хонзода хоним дамба-дам тўхтаб тин олар, ерга боққанча нималарнидир эслар, хотирига туширар, кейин яна шиддат-ла сўзга киришиб кетарди. Соҳибқирон билан катта малика жон қулоқ бўлиб тинглардилар.

– Ҳалиги «Фотиҳий зарб»ни басталағон Хожа Мароғийму?.. – сўради Амир Темур келинининг сўзини кесиб. Хонзода хоним бошини хиёл қимирлатиб

тасдиклади. Соҳибқирон бир лаҳза бундан олти йил аввал Қулзум денгизи бўйида кечган Наврўз байрами чоғида машшоқларнинг бу куйни завқ билан чалганларини эслади. Ўшанда Тўхтамишхон устидан қозонилган ғалабани васф этган туркий зарбни яйраб, берилиб тинглагани. – Қутбиддин Найий, Ҳабиб Удий, Абдулмўмин Гўянда, Муҳаммад Кўхистоний... созанда-мутриблар денг?.. Ҳулокухон тахти ҳукмдорининг нойиблари шундайларму ҳали?.. Ҳм-м... Ўшанда Хожа Мароғийни Самарқанддан Султонияга қўйиб юбормайин, дедим-а. Вазири аъзам Муҳаммад Жалд сўраб ҳол-жонимга қўймади. Бир пайтлар у ўз мусикаси билан Султон Аҳмад жалойирнинг аклини ўғирлаб туғёнга ташлағон эрди. Энди бошқаси – Қутбиддин Найий Мироншоҳ Мирзонинг эс-ҳушини олиб фасодга бошлабди-да...

Бечораҳол малика гоҳ нажот сўрагандай Амир Темурга қарар, Соҳибқироннинг ўткир кўзларидан хайрихоҳлик белгиларини излар, кўрар, қувватланар, гоҳ онаизоридай сирдошига айланган Сароймулкхонимнинг ёқимтой кўз қарашларини қидирар, топар, уни англаётганидан мамнуну миннатдорлигини билдириш учун жилмайишга уринар, бундан яримта кўнгли овунар, далдалар оларди. Хонзода хонимнинг сўзлари авж пардага чиққанда газабланган Амир Темур:

– Эси йўқ бадбахтни кўрингиз! – дея ўрнидан туриб кетди. – Ҳукмдор кунини фақат пард ўйнаш билан ўтқарса! Айш-ишратга муккасидан кетса! Ортиқчаси инсон умрига завоқ эркониини билмаса! Ахир Темур Малик ўғлон май, айш-ишрат деб Олтин Ўрдани бой бериб, бор-будидан айрилди-ку! Биз битта бўлса ҳам иморат қурсак, деб тиришиб ётғонимизда, ном чиқармакка кўркам бинолар қуриш ўрнига, бузиб юборса! Султонияда, Табризда фитналар бош кўтарса! У эса кўрмағондай жим қараб тураверса!.. Мироншоҳ Мирзо қандай фарзанд чиқди, Биби?

– Худо инсоф берсун! Ё, тавба! Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деганлари шулдур! Шунчалар ҳам

хўрлайдурму одамни?.. Нима, мени кўчага ташлаб қўйғон қизим борму?.. – ўлкаланди Сароймулкхоним. – Ҳазратимнинг Ҳулокухон тахтини инъом айлағонларига, энди худо берди, деб димоғлари шишиб кетғон-да!

Амир Темур гапнинг бир учи ўзига келиб текканини ҳис этди: Мироншоҳ Мирзога ўша «тахт»ни бағишлаётганда, айнан Сароймулкхонимнинг бунга эътироз билдиргани эсига тушди. Ўшанда Хуросон вилоятини бошқариб турган Мироншоҳ Мирзо Озарбайжонга юборилиб, Хуросон Шохрух Мирзога топширилганди.

Амир Темур бирон нарса деса, гап кўпайишини билиб, ўзини эшитмаганга солди, оҳиста ўгирилиб тахтга бориб ўлтирди.

Бирдан Хонзода хонимнинг оқсариқдан келган юзлари оқариб кетгандай туюлди, зирқираган дилини авайламай йиғлаб юборди, муштипарда аламини тўхтатишга мажол йўқ эди.

Соҳибқирон билан катта малика: «Кўйингиз!», «Дилингиз оғримасун!» дея, Хонзода хонимни юнатишга шошилишди.

– Димоғларида нуқсонлари бор эмиш... – деди йиғлаганча Хонзода хоним. – Босғон қадамларида тиниқлик йўқ. Салтанат ишлари ўлда-жўлда қолиб кетмиш, валинеъмат Соҳибқирон! Салтанат тарзи издан чиқмиш. Душманларнинг фитна кўтарғонлари шундандир. Айгонларимизга кулоқ солмайдулар. Сархушлиқдан чиқолмайдулар. Жон фанимат деб таралабедод килиб юрибдулар...

Хоразм маликаси хийла ўзини ўнглаб олди. Катта малика: «Йиғламангиз! Йиғламангиз!» дея ошпок рўмолчаси билан унинг кўз ёшларини артаркан: «Мироншоҳ Мирзонинг қилиқлари етмай турувди ўзи! – деди ичида дили оғриб. – Бари Амир Соҳибқиронга юк, бари кўргулик Ҳазратга! Ҳеч қайсиси Ҳазратни ўйламайдур, ҳеч ким куюнмайду. Бу фарзандлар инсоф нималигини биладиларму? Ҳазрат ҳам тоғмаслар, темирмаслар, ҳар нарсага дош бераверадурғон! Салтанат ташвишларининг ўзи етарли-ку! Эй, худо, ўзинг асра!..»

– Хазина эшигини катта очиб кўйдилар... – йиғлаганча давом этди Хоразм маликаси. – Сиз Хазратга тааллуқли бор зебу зару дуру гавҳарни бутун бекларига харж қилиб улаштурдилар... Шунга ҳақлари бормукин? Авзойлари бузук... Бу кетишда, худо сақласун, ўзларига ҳам хатто, падари бузрукворим, деб қараб ўлтирмай, йағилик қилмоқдан тап тортмайдур! Кўркқулик феъллари бор... Агар валинеъмат Соҳибқирон кўшиш қилмасалар, чора кўрмасалар, салтанатдан путур кетадур!

Хонзода хоним Мироншоҳ Мирзонинг машъум мактубидан сўз очмоқчи бўлди-ю, ўлган илонларнинг бошини кўзгаб юраменму, ўзлари бундан гапирмадилар, кенгфеъл одам, амирзоданинг сархушликдаги бир «шўхлиги» сифатида эътиборсиз қарадилар шекилли, деб ўйлади.

Амир Темурнинг ҳайратда тили боғланиб қолди. Ё раббий! Шунчалар ақлсизлик, калтабинлик! Агар Султонияда салтанатнинг тебраниб қолганини билишса, душманлари Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфларга жон кириб, роса худо беради-ку! Улар бостириб келиб, тахтни олишлари, хатто ўғлининг умрига зомин бўлишлари мумкин...

– Ақлни нодондан ўрган, деб насихат айлағондилар Унсурмаолий Кайковус, – деди Амир Темур ўзига ўзи. – Шунча нодон ичида туриб, ҳеч нарса ўрганмағонини кўрингиз! Сиёсат маърифати йўқ, тўртта одам билан қандай гаплашишни уҳдала олмайдурғон нодон!

У ҳали ҳам йиғламосираб турган Хонзода хоним олдига келди. Маликанинг бошини силаб, охиста манглайдан ўтди:

– Онақизим! Ўқсинмангиз! Беандиша амирзоданинг (Соҳибқирон унинг исмини аташни истамагани билиниб турарди) похуш кирдикорлари кўнглимизни қон қилди... Аммо уларнинг заҳмати сизнинг кўзларингиздан томган бир томчи ёш олдига ҳечдир! Ташрифингиздан жуда хушнуддурмен. Мен бормен-ку, онақизим! Мен бормен. Келиб, тўғри йўл тутиб-сиз. Падари бузрукворининг салтанатици ўйламағон

фарзанд фарзандму, Биби? Амирзода бунинг фаркига бормади, чамаси, бормайдур ҳам. Аммо, кўрдингизму, Биби, онақизим, кизим-да, жигарим-да, куйиб-ёнди, ўртанди, жони ачиди... – Амир Темур сездирмай хўрсинди. – Олдимизда бўлурсиз... Қадрингизни бир билсун! Яқинда Боғи Дилафрўзга меҳмонга борғоймиз, Биби! Онақизимнинг янги боғларини бир кўриб келайлик... Маъкулми?

– Бош устига, валинеъмат падари бузрукворимиз... – кўз ёшларини артаркан Хонзода хоним сал ортга чекинди. – Беадад узримни қабул этғойлар...

– Ҳм-м... Кўнглим негадир хижилроқ эди-я... Ўғлимизни шайтон йўлдан урибдур. – деди Соҳибқирон деразадан чинорга ғамгин тикилганча. Аллакаёқлардан елган дайди шамол чинор баргларини қаттикроқ шовуллатар, йироқларда, кунчиқиш тарафда тоғ бошида қора булутлар қуюлаётгани кўзга ташланарди. Соҳибқирон назарида илк марта салтанат худди бир четдан – Султония томонлардан дарз кетиб, емирилиб келаётгандай туюлиб кетди, негадир кўнгли орзиқди, дунёга сизмай қолди.

Кўзларига тўлган ёшни тўхтатишга ўзида куч тополган Сароймулкхоним гўё узатилиб, рўзғори совиған, кўнгилхирачиликлару бесаранжомликлардан отасининг уйига бош эгиб қайтиб келган бахти қора киздай мунғайиб турган Хонзода хонимни бағрига олиб узок кўйиб юбормади...

Амир Темур нохуш хаёллар тўрида охиста Боғи Чинорнинг бир чекка хонасига йўналди, бир ҳафта ҳеч кимга кўринмай гўшанишин бўлиб ётиб олди. Кейин Сароймулкхонимнинг гувоҳлик беришича, бировни ёнига қўймаган Соҳибқирон кунларни таяхо худога илтижолар қилиб аламу изтиробларга чулғаниб, доғи ҳасратда йиғлаб ўтказган эмишлар... Бу нарса ҳаммаёққа ёйилиб кетган эса-да, ҳеч ким буни ошқора гапирмасди.

I

Шохрух Мирзо азалдан нимагадир Хиротни кўнглига яқин олар, меҳрини бошқача сезар, алоҳида бир таважжух билан қарарди. Худди келажакда амирзоданинг тақдири Хирот билан маҳкам боғланишини аввалдан сезгандай, хали шаҳарга келмасдан туриб, тез-тез патак соқоли оппоқ оқарган Мавлоно Убайдан унинг тарихи ҳақида сўраб-суриштиришдан чарчамас, қиссахонни китобларни варақлашга мажбур қилар, кўп нарсаларни билишга интиларди.

Хирот ҳам дунёнинг кўхна шаҳарларидан экан. Ривоятга кўра, шаҳарни Пешдодийлар сулоласи вакиллари билан бири қурибди, кейин Гиштасп, Бахман сингари подшолар давом этдирибди. «Ажойиб албулдон» китобида ёзилишича, Искандар Зулқарнайн уни вайронага айлантирибди, сўнг янгидан тиклабди, қалъа деворининг узунлиги тўққиз минг кадамга бораркан. Жаҳонгир, одатда, шамол тинимсиз эсадиган ерларда шаҳарлар бунёд этишни хуш кўраркан. Унинг Мисрда Ўрта денгиз соҳилида бунёд этган, машҳур Фарос машъали ўрнатилган Искандария, Сайхун бўйида қурган Олис Искандария шаҳарлари бунинг мисоли. Хиротда чиндан ҳам шимол ёқдан мунтазам шабада эсиб туради. Айниқса, жазирама ёз ойларида бундай шабада жоннинг роҳатига айланади.

Қизгин мусохабалардан бирида ҳамиша қисик кўзлари кулиб турадиган Мавлоно Убайднинг чертиб-чертиб айтган шундай сўзлари Шохрух Мирзонинг ҳеч эсидан чиқмайди:

– Солномалардан маълумдурки, амирзодам, гарчи Хиротни не-не дасти узун подшоҳлар, соҳиби қудратлар, жаҳонгирлар қуришган, обод этишган эсада, бироқ хали ҳеч кимга уни пойтахт даражасига кўтариш насиб этмаган. Хирот хали хануз пойтахт рутбасини ололганича йўқ... Валлоҳи аълам биссаваб.

Ўшанда Соҳибқироннинг, доим ниятни катта қилмак керак, деган сўзларини эсларкан, Шохрух Мир-

зо бир нарсани кўнглига жо этиб қўйди: «Оллох буюрса, шундоқ кунларга етказса, падари бузрукворимдан тилаб олиб, Хиротни ўзим катта давлатимнинг қалъасига, пойтахтига айлантирамен!..»

Мана энди ўша орзуси ушалгандай бўлиб турибди. Дархол қайси шаҳарни пойтахтга танлаш ҳақида хаёлларга берилди. Хуросонда кўхна шаҳарлар кўп, Шибирғон, Андхой, Машҳад, Рай, Нишопур... Йўқ, унинг севган шаҳри бор! Айнан Хиротни ўз давлатининг пойтахтига айлантиради!

– Ростдан ҳам, карангиз, ана бу мухташам Малан кўприги Хиротнинг кўркидур, маликам! – деди Аркда ўтирганларида Гавҳаршод бегимга Шохрух Мирзо жануб ёқни кўрсатиб. – Уни қадим замонларда Султон Санжари Мозий кўрдирғон экан.

– Ҳа, бунёд этилғон нарса қоладур, эзгуликка айланадур, инсоннинг номини мангуликка чулгайдур, ҳазратим... Мана, Султон Санжари Мозийдан сўз очиб турибдурлар-ку, шу кўприкни кўрғон деб... Бундай иншоот бу музофотларда йўқ. – Малика ҳукмдорга ўгирилди. – Ўзлари ҳам мана шу маҳобатли Аркни бунёд этиб қўйдилар. Бу нафақат Хуросон вилояти ҳукмдори, балки валинеъмат Соҳибқироннинг, улуф салтанатнинг ҳам нуфузини юксакларга кўтаргай!

– Ўшанда ишни Аркдан бошлангиз, дея каттик туриб олғонингиз тўғри бўлғон экан, маликам. Чиндан ҳам, Аркни обод қилгач, Хиротни бошдан оёқ қуришга киришдик. Шаҳар девор билан ўралди, шаҳарни шаҳардай танигадурғон нарса мана шу химоя девори-да! Устида тўрт отлиқ бемалол юра оладур...

– Кўчалардаги маржондай тизилган савдо расталарига боқиб қувониб кетамен! Маҳаллаларда гузарларнинг обод этдириб, бозорларни кенгайтириб элулуснинг дуосига қолдилар. Пойтахтнинг гавжумлигини кўрингиз!

– Бино қуриш, тиклаш, маъмурани обод этиш Оллохга ҳам, бандасига ҳам хуш ёқади, ҳақ гап, маликам. Бари савобдур... Ахир Оллохнинг муборак сифатларидан бири «яратган» деган каломдир. Шунинг ўзи бандаларига қутлуғ сабоқ...

Хуросон ҳукмдори (келгусида, у ўзига. хон, султон, ҳукмдор эмас, қадим турк подшоларидан улги олиб «Хоқони саъид», яъни бахтиёр хоқон унвонини таълашни ўйлаб қўйди), айниқса, шаҳар дарвозаларини сира назардан қочирмади. Унинг фикрича, шаҳар кўркини аввало маҳобатли дарвозалар белгилайди. Келган одам мана шу бешта дарвозага қараб бутун калъага, вилоятга баҳо беради. Шаҳарнинг ғарбида Ироқ дарвозаси, қунчиқишда эса Хуш дарвоза жойлашган, Сеистон ва Хиндистонга қараганининг номи Ферузободдир. Иккитаси шимол ёқда: уларни Малик ва Қипчоқ деб атайдилар. Сухбат айнан ана шу дарвозалар ўртасида қарор тошган Арқда рўй бермоқда эди.

– Улуғни¹ жудаям соғиниб қолдим, Бойсунғур Мирзони ҳам. Улуғим ажойиб-да, денг. Хаёл суришни яхши кўрадиган бола. Кетма-кет тушимга кириб қолишмакда... – маънос тортди бирдан Гавҳаршод бегим. – Иброҳим Султон ҳам малика Туман оқа ихтиёрида...

– Ахир икки ой аввал болаларни кўриб, бағримизга босиб-босиб келдик-ку, маликам! Амир Соҳибқиронни Хиндистон сафаридан қайтганларида кутиб олдик, Қаршидан Кешга, ундан Самарқандга кузатиб қўйдик, Улуғбек Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Иброҳим Султон Мирзолар бирлан обдан дийдорлашдик...

– Ҳа, орадан икки ой ўтди-да...

– Энди сабр айласунлар, сабр тағи сарик олтин. Сизга бир сирни айтсам: валинеъмат Соҳибқирон Хитойга сафар тадорикини кўраётгирлар. Тез кунларда қўшинлар билан етиб боришимиз хақида олий фармонни кутмакдамен. Самарқандга борғойбиз, фарзандларни ҳам бағримизга босғойбиз, маликам.

Гавҳаршод бегимнинг кўнгли бир оз таскин топди.

Орага сукунат чўқди.

– Ҳазратим... Келинойимиз Хонзода хоним амирзода Мироншоҳ Мирзо жанобларидан ўксиниб

¹ Улуғбек Мирзо

Самарқанди фирдавсмонандга ўтиб кетганимишлар... Нуфузли аммамиз Султон Бахт бегимдан пинҳона эшитдим...

– Улуғ овсинлариму? Нечун биз ғофил қолдик? Бу қандоқ сўзки, салтанатимиздан ўтган ҳурматли меҳмондан беҳабар эрсак?..

– Улар жуда андишали зотдурлар. Бағоят ҳурмат қиламен. Бизларни ташвишга қўймайлик, деганларда... – жавоб берди Гавҳаршод бегим.

Шохрух Мирзо Султония билан Табриздаги нотинчликлар, оғасининг куракда турмайдиган қилиқлари, яланг даврон ҳаёти ҳақида тингчилар хабарларидан огоҳ эди. Аммо буни ҳеч кимга, айниқса, Соҳибқиронга айтмас, айтса оғасининг юзига оёқ қўйгандек бўлишини ўйлар, ўз-ўзидан изо тортарди. Ҳукмдорнинг ҳаёлга чўмганини кўрган малика, уни чалғитиш мақсадида, сўзни тезроқ бошқа мавзуга буришга тиришди. «Қайданам улуғ овсинимнинг ташвишларини дастурхон қилдим...» – дея ўз-ўзини койиди ичида.

– Ҳазратим! Мухтарама аммамиз, жойлари жаннатда бўлсунлар, бонуйи кубро ҚутлуғТуркон оқа жаноби олиялари покнасаб зот эканлар, – деди Гавҳаршод бегим. – Жуда кўп хонақоҳлар, кўприклар қурдирибдурлар. Қарангиз, Мурғоб дарёсидан хос ақчаларига «Қутлуғ Хотун» ариғини қаздириб, чўлга сув чиқарибдилар-а... Хонимойим, Туман оқа ойимдай мухтарама маликалар ҳам мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар бунёд этмакдадурлар...

– Салтанатда бу таомил тусига кирган. – Шохрух Мирзо жилмайди. – Ўзлари ҳам ортда қолмайдурлар, деган умиддамен. Биз ҳам юрайлик, бу иморатни бизнинг маликамиз бунёд этдирганлар деб, мақтаниб...

– Қуллук, ҳазратим, қуллук! Ушмундоқ дейишларини билардим. Чўрингизнинг ҳам бир орзуси бор... – мақсадга кўчди Гавҳаршод бегим. – Орзу эрмас, улуғ маликаларга хавасдан туғилган ният холос. Мусаллода камина ҳам бир мадраса, масжид бунёд этдирсам... Жойини ҳали кўриб келдим. Мухандисга буюргандим, тарҳини чизсунлар деб.

Иншооллох, мадраса пештокининг эни йигирма саккиз, баландлиги етмиш газга¹ борадир, сахни ўн саккиз жерибдан ошмас...² Иморатнинг ўзи ўн икки жериб ерни оладир...

– Ўх-хў! Маҳобатли-ку!

– Хонимойим Самарқанда қурдираётгон масжиддан катта эрмас... бироқ Хирот учун муносибдур. – қўл ковуштирди малика.. – Гозургоҳ, Масаррах мавзеларида ҳам кадамжо, зиёратгоҳлар бунёд этилмоғи жозидур. Ихтиёридин қалъасини таъмирламак керак...

– Иншооллох, маликам. Амир Соҳибқирон бу ишларимизни эшитсалар мамнун бўлишларига шубҳа йўқ. Қуриш, тиклаш, бунёд қилиш деса, ул зотнинг оёқлари ҳамиша узангида, шай турадурлар. Бирон ерда булоқми ёки катта сув чиқиб турғонини кўрсалар яйраб кетадурлар. Кейин кўп ўтмай ўша ерда ё қалъа, ёки боғ, ё қаср жамол кўргизур. Эсингиздаму, сўйлаб бердим-ку, хинд сафаридан қайтаётиб, хатто Хиндикуш тоғларида бир неча работ, қалъа тиклаттирибдурлар! Ҳа, юртни обод этмак – маърифат соҳибларининг иши. Ундоғ зотлар буни теран фахмлайдурлар. Амир Соҳибқирон эрса ўшал соҳибларнинг соҳибидурлар!

– Ҳақ гапни сўйладилар. Хиротдаги Боғи Шаҳрчи? Қасрга қарангиз! – эслатди яна Гавҳаршод бегим. – Олмалар бу йил ҳосилга кирди. Ширин меваларидан тотиб ҳам кўрадурлар. Яқинда олхирот пишиб қолади...

– Кўрамен, биргалашиб тотгаймиз! Оллоҳ насиб этсун!

– Агар Хуросон бир узук эрса, Хирот унинг ёқут кўзидир, хазратим! – деди мағрур малика. – Кимдандир: «Энг яхши шаҳар қайси?», – деб сўрабдурлар Айтибдурлар: «Агар жавобим чиройли чиқсин, десанг, «Хирот!» деб жавоб бергил, чунки Хирот – шаҳарлар дурдонасидур!»

Хукмдор маликага хайратда тикилди. Гарчанд бундай гаплар Шохрух Мирзога ҳам пинҳона ёкса-

¹ Газ – 0,71 метрга тенг

² Жериб – ботмоннинг бешдан бирига тенг(0,2 га.) майдон

да, аммо уларни эзгилаб ёйиб юришларини тамом ман қилиш даркор экан, деган қатъий фикрга келди.

– Бешак-шубҳа, маликам, ҳар ким ҳам сиздек ўз тугилгон шахрини севсин, меҳр қўйсин! – босиқ деди у. – Севайлик, ардоқлайлик, аммо, дилимизда! Дилимизда... Меҳримиз ғаразга айланиб кетмасун! Валинеъмат надари бузрукворимиз Амир Темур Кўрагон хазратлари ўзларининг бутун умрларини, шижоатифайратларини, меҳрларини бериб, фирдавсмонанд Самарқандни дунёнинг ягона шаҳарига айлантиришни кўзлағонлар... Ҳолбуки, таваллуд масканлари куббат ул-илм ва-л-адаб Кеш шаҳри эрур... Она шаҳарларини севмайдурларму? Аммо юрт шаъни, Турон шаъни учун Самарқандни улуғладилар, пойтахт деб танладилар. Ҳатто атрофига шаҳарчалар куриб, Миср, Шероз, Бағдод, Султония, Дамашқ деб атадилар. Дунёнинг шундай номдор шаҳарлари Самарқанд олдида бир қасаба қаторидадур, демокчилар. Ҳақ гап. Бас, Хиротни дурдона, деб турсак, эшитиб кўнгилларига қаттиқ олишлари мумкин... Гуноҳга ботмайлик. Айб бўладир...

Гавҳаршод бегим катта деразадан кунботишга оққан қуёшнинг тушиб турган бир даста нурига қаради, узун сочларининг учини ўйнарган, ногаҳон айтиб юборган сўзларидан уялиб, узр сўрашга оғиз очди:

– Ҳазратим, йўқ-йўқ... сал бошқачароқ тушундилар шекилли, мен зинҳор...

Маликанинг сўзлари кесилиб қолди: мулозим Самарқанддан ошиғич чопар борлигини билдирди.

Чопар Ахий Жаббор баҳодир эди. У кўринишхонага дадил кирди-да, Шохрух Мирзо қошига бориб тиз чўкканча салом берди ва қўйнидан ўроғли номани олиб икки қўллаб амирзодага тутди. Вазиятнинг танглигини сезган ҳукмдор, дарҳол уни ўқишга тутинди:

«Абулмузаффар Абулмансур Амир Темур Кўрагон Баҳодирхон сўзум.

Ҳукми ҳумоюни жаҳонпаноҳий шулким, тангри таоло инояти, тақдирнинг раъйи бирлан шоёни зарурат юзасидин яна Мағриб тараф мутаважжих

бўлуб турубдурбиз... Амирзодалар, амир ул-умаро, беклар, вазирлар, лашкарбошилар, тавочилар... яроғларини шай қилмак тадорикини кўрсунлар!

Хуросон вилояти волийси Шохрух Мирзо черик йигиб шитобан Озарбайжон сори юзлансун.

Амир Сулаймоншоҳбек Мироншоҳ Мирзодан бо- хабар бўлгани Табризга йўл тутсун ва биздан фармонни кутсун...»

– Раҳматли улуғ оғамиз Жаҳонгир Мирзо жаноб- лари хамиша, падали бузрукворимиз салтанат юму- ши деб, азиз жонларини қийнағонлари қийнағон, ҳеч ўзларини аямайдурлар, деб ёзғирар эканлар. – аф- суслангандай деди Шохрух Мирзо. – Ҳаққаст рост. Қарангиз, ўзлари эндигина сафардан қайтдилар... Ҳали тулпорларининг ёллариди йўллар ғубори кў- ринадур, Ҳиндистон юриши захмати кетмай туриб, тағин янги сафар машаққатини ихтиёр этибдурлар, маликам... Эшитғондим, Ҳиндикуш тоғидан ўтаёт- ғонларида қўрқмай белларига арқон боғлаб нав- қиронлардай осилиб баланд чўкқидан дарага тушиб- дилар! Ё раббий! Арқон узилиб-нетиб кетса нима бўлади? Худо сакласун! Намунча ўзларини ўтга-чўкқа урмасалар? Озгина истирохат қилсалар макбул эрди- ку... Мухаммад Чуроға додхоҳ жанобларининг ай- тишларига караганда, Амир Соҳибқирон вақтларини маишат бирлан ўтказишни хуш кўрмас эканлар... Аммо, Хитой эрмас, яна Мағрибга юриш... Нимага экан, баҳодир жаноблари?

Ахий Жаббор баҳодир қўл қовуштирганча жавоб берди:

– Хоразм маликаси Хонзода хоним жаноби олия- лари бехос Султониядан Амир Соҳибқирон хузурига ташриф буюрдилар... Фикри ожизимча, амирзода Мироншоҳдан шикоятга келибдурлар. Бесаранжом- лик сабаби шулдир эҳтимол... – сўзининг охирини мужмалроқ тугатди баҳодир.

У Мироншоҳ Мирзо борасида ўзи шохид ходи- саларни айтиб юборай деди, оғиз жуфтлашга ҳам пайланди, аммо ахийлар одатига кўра, биров ҳақида нохуш гаплар сўқмоқ ғийбатга киришини эслаб ўзини тийди.

Гавҳаршод бегим: «Ана, мухтарама Хонзода хоним хақида ҳали айтғондим-ку!..» – дегандай Шохрух Мирзога бир қараб қўйди. Ахий Жаббор баходир сўзида давом этди:

– Валинеъмат Соҳибқирон ардоқли келинлари билан кўришғонларидан кейин, аҳволни билиб, диллари қаттиқ озурда бўлибди, ранжибдилар... Ҳатто ҳеч кимни қўймай, ўзлари ёлғиз Боғи Чинор меҳмонхонасига кириб Мироншоҳ Мирзо қилмишидан афсус-надоматлар чекиб, муборак кўзларига ёш олиб йиғлабдурлар...

Шохрух Мирзо дилини қаттиқ ҳасрат, алам чулғади. Бетавфиқ оғаси кирдикорларидан қаттиқ ғазабланди. Иложи тонилсайди, дарҳол бориб падари бузруквори оёқларига йиқилиб, оғаси учун узр сўраган, «Кўнғилларига олмасунлар! Койинмасунлар! Хизматингизга мана мен бормен, валинеъмат Соҳибқирон! Жонимни белимга камар қилғонмен, белимни ўшал камар ила қаттиқ боғлағонмен!..» – дея ялиниб-ёлворган бўларди...

Гавҳаршод бегим кутилмаган хабардан лол, тилига бир калима ҳам келмай турарди. Уни фақат энди Самарқандга борилмаслиги, жигаргўшаларини кўриш, ким билади, яна қанча муддатга чўзилиши мумкинлиги ташвишлантирарди.

Шохрух Мирзо дарҳол Амир Сулаймоншоҳга Табризга бориб, то Соҳибқирон қадамлари етгунча вазиятни билиб туришни топширди ва Амир Мизроб Жоқуни чақиртириб, зудлик билан черик йиғишга фармон берди.

II

Замонанинг катта воқеалари юз берганда, одатда адо этилай деб турган бошқа кичиклари четга сурилади, кўзланган ниятлар ниятлигича қолади, қурилмоқчи бино қурилмайди, йўллар солинмайди, ниҳоллар экилмайди, айтилмоқчи қўшиқ айтилмайди... Барини ўша «катта воқеа» бамисли аждаҳо янглиғ ўз домига тортиб кетади... Шунда олам

ходисалари бир-бири билан узвий боғлиқ экани, лекин уни инсон боласи дабдурустан англаб ета олмаслиги, устига устак, у ходисаларни бир-биридан ажратиб юбориш, тарихий ҳалқа, силсиладан юлиб олиб ташлаш, улардан қутилиш мумкин эмаслиги равшанлашади.

Чунончи, Мозандарон ўрмонларида бир дарахт қуриса, айна шу пайтда Боғи Чинорда бир ниҳол ўтказилади. Улар орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдай туюлади. Кимдир Бағдодда нохуш фикрлар тўрига ўралса, унинг шабадаси, албатта Самарқандда сезилади... Ҳиндикуш тоғларида чўққидан бир тош юмаласа, ундан олислардаги Ургут тоғларида садо беради, аммо уни одам боласи эшитмайди, бу ерда ҳам гўё боғлиқлик йўқдек. Осмоннинг кунботиш томонида бир юлдуз жанубга қараб учса, шарқда ҳалигача кўзлар илғамаган янгиси порлаб кўринади. Бошқача айтганда, олам – сув тўла коса, косадаги сув бир химо билан чайқалса, лимиллаб тубидан тешасигача бус-бутун ҳаракатга келади. Ичида бир четда нимадир бесаранжом бўлса, у безовталиқ барчасига бирдек татийди.

Олам шундоқ: тоғлар, ўрмонлар, чўллар, денгизлар, дарёлар, юртлар, шаҳарлар, қалъалар, боғлар, ходисалар, урушлар, исёнлар, разилликлар, хиёнатлар, фароғатлар, машаққатлар, муҳаббатлар, нафратлар, орзулар, армонлар тўлиб-тошган, Еру Осмон орасига жойлаштирилган бахайбат коса... Одамнинг гоҳида сабр косаси тўлганидек, олам ҳам ўз «коса»сидан тошиб туради. Буни алломалар дарахтнинг учи бежиз қимирламаслиги, шамолу булутларнинг бекордан бекор учиб-елмаслиги, ёмғирнинг бир томчиси ҳам ўз-ўзидан ерга тушмаслиги, ҳатто хаснинг осмонларда бесабаб бўлмаслигини мисолга келтириб, оламнинг яхлитлиги, уйғунлиги, бир вужуддай сарафроз, тугал яратилганлигига йўядилар. Улар ҳақ. Илоҳий сабаблар бир-бирига қўл бериб, боғланмас экан, воқеалар юз бермайди. Инсон зоти эса не-не асрлар, замонлар ўтибдирки, ҳали хануз ўзини даражаи камолга етказиш каби қутлуғ тапвишни унутиб, асли мукамал барпо этилган барқа-

мол, уйғун оламни авайлаб-эъзозлаш ўрнига, уни ўз наздида яна ҳам қусурсиз хилқатга айлантирамане деган одатини тарк этолмай келади...

Султониядаги нохуш воқеалар нафақат Самарқанд, балки бутун салтанат осойишталигига путур етказди.

Амир Темур эшитиб худди кутилмаганда орқадан қаттиқ мушт еган одам ҳолига тушди. Кўнгилга қаттиқ ботадиган жойи, муштни биронта ашаддий душмани эмас, балки, ўз боласи, пушти камаридан бўлган, бағридан ситилиб чиққан жигарпораси урган эди! Ҳали Соҳибқирон оқибат кўргизмади, кўрнамакликка борди, деб тани бўлак, қони бошқа тутинган ўғил Тўхтамишхондан ўпка-гина қилиб юрибди! Бу ўзининг боланг-ку! Ҳеч ақлга сифмайди! Маликалар олдида, худонинг олдида ўғлини ёклашни истарди, бироқ унинг нохуш кирдикорлари бунга йўл бермасди. Айниқса, маҳди улё Сароймулкхоним, келини Хонзода хоним, қизи Султон Бахт бегимлардан хижолат чекиши, уялиши оғир ботади. Икки йил олдин Султон Бахт бегим айнан Мироншоҳ Мирзо табиатидаги валати ҳолатлардан сўз очганда, Соҳибқирон негадир эътибор бермаганди. «Чўрининг боласи-да!..» – деб юборди аччиқ устида ўзига ўзи... Канизаклардан кўрган фарзандлари хақида ҳеч қачон бундай демаганди, биринчи марта оғзидан чиқиб кетди. Лекин бу сўзлар унинг ғуссасини тарқатишдан ожиз эди.

«Ўзимни қўлга олай... Ортиқча қахру қазабга майл кўргизини – душман тегирмонига сув қуйишдай гапдур, – хаёлидан кечирди Соҳибқирон. – Бари Оллоҳнинг иродаси. Сабр этмоқ керак. Шижоат – бир соатлик сабрдур. Сабр... Индамасдан ўз ишингни адо эт...»

– Ўз вужудимиздаги иллатни даволамай туриб, бошқа ниятларни адо этиш мумкин эрмас... – деди бирдан биров сўрамаса ҳам Соҳибқирон пири муршид билан Муҳаммад Чуроға додхоҳга. – Уни кесиб олиб ташлай десанг, жонинг оғрийди... Начора?..

– Оре, рост... Фасоддан фориг бўлмак энг биринчи вазифа... – қўллаб-қувватлади Мир Саййид Барака, кейин қўшиб қўйди: – Сиёсат лозимдур...

– Хитой юриши ортга суриладурму, Амир Соҳибқирон? – сабрсизлик билан сўради Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Амир Темур унга қаради. Додхоҳ Соҳибқирон кўзларида ифодалаш мушкул изтироб кўрди.

– Суриладур, Мамат, ҳа, суриладур... – Соҳибқирон ўйланганча давом этди. – Афсуски, суриладур... Агар ҳозир Хитойга кетиб қолсак, бир фойда, икки зиёнга эга бўлғойбиз. Фанимларнинг кунни туғади. Бари уясидан бошини чиқаролмай ётган илондай пойлаб туришибди. Миср султони, Ирок пошшоси Султон Аҳмад жалойир, Қора Юсуф, Йилдирим Боязид, жаъми ёвларимиз бирлашиб, йўқлигимиздан фойдаланиб, юртимизни босғайлар, талон-торож қилғайлар. Мусулмонлар холи харобликқа юз бурғай. У ҳолда Чин-Мочиндаги музаффариятимиз ҳам татимай қоладур. Эрон сори юришимизда икки фойда, бир зиён бордур... Хитой ҳамиша ёнимизда, қачон борсак борабергайбиз... Оллоҳнинг белгилаган кунда...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқироннинг неча йиллардан бери ўйлаб келаётган Хитой юришини яна кейинга қолдиришидан унинг чорасиз аҳволга тушганини, Хуросон томонларга бормаи иложи йўқлигини англади-ю эти жунжикиб кетди.

Улар улкан кўшинни кўриқдан ўтказгани барча саркардалар, беклар, ўнбоши, юзбошилар йиғилган, лашкаргоҳ қилиб белгиланган, сипоҳнинг беададлигидан қайнаб-тошган Кониғилга боришаркан, рўбарўда ўланзор яққол кўринадиган Кўҳак теналигида тўхтадилар. Амир Темур шу ердан туриб беноён Кониғилга боқиб завқланишни ёқтирарди. У узоқларга тикилиб қолди. Пири муршид ҳам, додхоҳ ҳам йўл-йўлакай Соҳибқирон сўзларини тинглар эканлар, барибир, Эрон томонларга огланишнинг асосий сабаби, диёнатсиз фарзанднинг қилмишлари билан боғлиқдур, деган фикрда эдилар. Амир Темур гўё уларнинг ўйларини фаҳмлаб, йўқ, сизлар айтганчалик эмас, Эронга юришнинг сабаби бошқа ёқда дегандек, ўзини оқлагандек бундай деди:

– Арзинжондан чоғар Тахуртанбек номасини етказди: Йилдириим Боязид ҳали хануз Кемох қалъасини тортиб олмоқ иддаосидан кечмайду эрмиш. Ана бостириб борадурман, мана бостириб борадурман, деб тахдидлар солармиш. Амир Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойирлар фисқу фасодни кўнайтириб, усмонлилар пойтахти Бурсага бориб султон саройида ётиб олибдурлар... Ширвондан Шайх Иброҳим юборғон хабар ҳам кўнгилсиз: кейинги пайтларда гуржи ва арман лашкарларининг мусулмонларга етказаётгон озорлари ҳаддан ошиб бораётгон экан. Жим қараб туришга ғайрат-шижоатимиз, номусимиз чидайдурму?..

Ҳеч ким сўз қўшмади.

Соҳибқирон Кониғилда лашкарни кўриқдан ўтказди, фавжларни синчиклаб текшириб чиқди, навкарларга курул-яроғ, ўқ-ёй, совут хусусида саволлар берди, муфассалдаги¹ аскарларни таъминлаган тавочилар елкаларига заррин чопонлар ёптирди. Кўнгли равшан тортиди-ю шу ернинг ўзида машварат чакиртирди.

– Дийдамизнинг нури кўнглимизнинг сурури валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонни Туронзамин забти учун Самарқандга қўйдуқ, токи мамлакатни бошқарсун, сарҳадларни ҳаминша назардан кочирмасун. – деди Соҳибқирон. – Айрим амирларда, ашроф-ақобирда ўзбошимчалик кайфиятларини сезса, қаттиқ бўлсун; албатта тафтиш этиб, ундан кейингина аёвсиз жазосини берсун! Амир Сайфиддин некўз, Худойод Хусайний ва мўғул сарҳадида шаҳзодага ҳамроҳлик қилгон ўзга донгдор бекларни ҳам пойтахтда қолдирғайбиз.

– Қуллуқ, валинеъмат Соҳибқирон ҳазратлари! – қўл ковуштирди Муҳаммад Султон. Номлари айтилган амирлар ҳам ўринларидан туриб таъзим бажо келтирдилар.

Машрик ўрнига кутилмаганда мағрибга бориш хабарини эшитиб, ўз хаёлларида қурган режалари кейинга қолганидан маюс тортган амирлару саркардаларга, Амир Темур худди юпатгандай деди:

¹ Муфассал – рўйхат, ҳисоб маъносида

– Сафаримиз узоқ чўзиладурғонга ўхшайдир. Гарданкашларни итоатга келтириб, юрғларга дорил-омонлик индириш осон иш эрмас... Ўн бешдан ортиқ юрт бор. Мамат! Назорат этгинки, хазинадан бутун аскарларга, амирлару баҳодирларга, лашкар-бошиларга бир йўла етти йиллик маош, улуфа-ҳақ тарқатсунлар! Барчасининг киссалари-ю косалари тўла бўлсун!

– Оллох, Ватан ва подшоҳ учун! – кичкирди Соҳибқирон ниятини ҳаммадан ҳам кўра теранрок англаган Амир Сайфиддин некўз.

– Оллох, Ватан ва подшоҳ учун! – сас берди Муҳаммад Жалд ортда қолишни истамай.

– Оллох, Ватан ва подшоҳ учун!!! – амирлару аскарлар хайқириғидан бутун Кониғил ўтлоғи ларзага келди.

– Суюкли набирамиз амирзода Искандар ибн Умаршайх Андижонга ҳоким этиб тайинлансун! Беш минг аскарга улуфа тақсимлансун, нуфузли беклардан кўшиб берилсун! Ардоқли набирамиз Рустам ибн Умаршайх Шерозга бориб оғаси Пир Муҳаммад билан бирга тезликда Бағдодга етиб келсунлар! Шохрух Мирзога киши юборилсун, токи ул лашкарини шайлаб Райда бизни кутиб турсун, иншооллоҳё ўша ерда кўришажакбиз.

– Фармонларига тайёрмиз!

– Бош устига!

– Умрлари узоқ бўлсун, Соҳибқирон хазратлари! – деган сўзлар янгради.

Султон Ҳусайн Мирзо билан амирзода Халил Султонлар четроқда тиз чўкишганди. Султон Ҳусайн Мирзо, менга ҳам бирон вилоят ҳокимлиги тақдим этилса керак, деган умидда эди, аммо унинг номи ҳеч қаерда эсланмади. Ҳатто ундан кичик Искандар Мирзога ҳам Андижон ҳокимлиги раво кўрилди, унга эса йўқ. «Ҳамма нарса суюкли, ардоқли набираларга... Фақат биз суюкли эмасмиз...» – деб кўйди ичида каттиқ фижиниб. Пешонаси ортиқ дўнграйиб кетгандай туюлди. Туришар экан, Халил Султонга шивирлади:

– Улуғ бобомиз ҳам қариябдилар-да... Хитой, Хитой, деб гапириб, ҳол-жонимизга қўймайдурлар эди. Аммо энди, ҳамма Чинмочинга отланай деб турганда, Эронга юриш керак эмиш! Мана, икки йил олдин «Хитой, Хитой» деб юриб, шартга Ҳиндистонга кетилганди. Одамнинг мияси ҳам ёш ўтган сари суюлиб кетадурму дейман. Бир сўзда туриш керак-да...

– Ундоғ демасунлар, оғажон! Эшитиб қолишмасун тагин? – Юраги шув этган Халил Султон у ёк-бу ёкка қараб қўйди. – Қўркмайсизму?..

– Қўрқиб ўтирмаймен!.. – деди Султон Ҳусайн Мирзо амирзодага тик қараб. Бу пайт улар одамлардан холи ерга чиқишганди. – Салтанат тузукларида ўқигондим, набираларнинг ҳар қайсиси уч мингдан олти минггача улуфа олиб, бир вилоятга эгалик қилсун, дейилғон. Қани у улуфа? Қани вилоят?.. Лекин ҳаммага бор, фақат сиз билан менга йўқ холос! Тагин, куч – адолатда, эмиш!

– Ҳай-ҳай, ундоғ демангиз, оғажон! Бизга ҳам тегиб қолар... Тегирмон навбати билан ахир... – деди Халил Султон.

Машваратдан чиққанлардан айримлари шаҳарга йўл олишган, бошқалари бир киши, икки киши бўлишиб чекка-чеккада туришар, машваратни муҳокама қилишар, баҳслашишар эди. Кониғилнинг кунчиқиш томонидан, йироқлардан улкан қўшиннинг машқлар ўтказаётгани сезилиб турарди.

– Бундоғ тегирмоннинг тошини синдирмак лозим, амирзодам!.. – Султон Ҳусайн Мирзонинг овози зуғумли чиқди. Унинг ирғиб чиққан кўзларида ғазаб учқунлари чақнарди.

Атрофда ҳеч ким йўқлигидан мамнун Халил Султон жунбушга келган Султон Ҳусайн Мирзони тезроқ олиб кетиш кераклигини англади. Йўқ эса, бу гапларни биронтаси эшитиб қолиши мумкин.

– Кетдик, амирзодам!

Тоға-жиянлар кетишаркан, Султон Ҳусайн Мирзо ўзича нималардир деб, ғудраниб борарди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

I

Турон кўшинининг байроқлари балқиб Эрон тарафга юзланганда ёзнинг охирлари эди. Бутун салтанат жунбушга келди. Конирилда турган лашкар бўрондай кўзғолишга шай, амирзодалар, беклар ҳаракатда, тавочилар физиллаб шаҳарнинг у ёғидан бу ёғига чопади, ундан Кўксаройга киради, Конирилга ўтади... Ҳамма дунёнинг қаеригадир, кимлар биландир савашлар қуришга отланган, ҳеч қадами кесилмаган лашкарнинг кўп ўтмай музаффарият ила суронлар солиб пойтахтга қайтиб келишига ишонади.

Ҳарам аҳли ўртасида қуръа ташлаганларида Соҳибқиронга ҳамроҳлик қилиш маликаларнинг кўзини куйдириб, йигирма икки ёшли соҳибжамол Тўкал хоним чекига тушиди. Нафсиламирини айтганда, Амир Темурнинг ўзи ҳам ичида худодан шуни тилаганди, дилтортар, хумо шукуҳли бону, Валлода янглиғ нозанин, офтоб виқорли маликани беҳад ардоқларди. Гўзал кийинган, қувонганидан яна ҳам хусни камолга етган нозик адо Тўкал хоним маофага қандай чиқиб оларкинман, деган хаёлда охиста юриб келарди. Соҳибқирон буни пайқади ва ҳаммани ҳайрон қолдириб, туя олдига келиб чап тиззасини букди-да, маликага буюрди:

– Қани, тиззамга оёқларини қўйсунлар-чи!

Амир Темурнинг хатти-ҳаракати жуда ярашимли, чиройли чиқди.

– Ҳазратим... мен ўзим... – каловланди атрофдагилардан хижолат Тўкал хоним кўзлари ёниб. – Тиззаларига озор етадур...

– Қўйингиз, қўйингиз, маликам! – яқинлашди Сароймулкхоним ҳам ундаб. Катта малика биларди, ҳазрат ўз хотинларининг бировга мухтож бўлишини, бегона ҳимматига кўз тикишини истамасди, шу сабабдан ҳамиша ёрдамга шай турарди. Катта малика бир пайтлар ўзи ҳам мана шундай Соҳибқироннинг тиззасига кўп марта чиққанини эслади.

Тўкал хоним тортинар, бошқалар олдида уялар,

аммо ўзини осмонда сезарди. «Чиксунлар! Чиксунлар!» сўзларини эшитгач, заррин кавушини ечиб кўлида тутганча нозиккина оёқларини Амир Темур тиззасига охистагина кўйиб маофага жойлашиб олди...

Воксани кузатиб турган маликалар, хос кишилар Соҳибқироннинг меҳрибончилиги, тантилиги, назокатига қойил қолишди. Ҳар бир малика ўзича, қачонлардир шундай шараф тоңганини эслаб кўнгли ширин орзиқарди.

Соҳибқирон Самарқанддаёқ Султония йўлидан Табриз орқали Озарбайжоннинг Қорабоғига боришни ва қишлоғни ўша ерда овбоп дараларда шикорлар солиб ўтказишни кўнглига тугиб қўйганди.

Хонзода хоним билан кўришгандан кейин, Амир Темур Мироншоҳ Мирзо ҳақида гўёки ҳеч нарса юз бермагандек оғиз очмади, ҳеч ким, пири муршид билан Амир Сайфиддин нескўзлар у ёқда турсин, хатто маҳди улё Сароймулкхоним ҳам журъат этиб бу ҳақда сўролмади. Аммо Шохруҳ Мирзога нома битганда, босиқ феълли жияни, Мироншоҳ Мирзо билан яхшигина ош-қатиқ Амир Сулаймоншоҳни Табризга юборишни ва унинг вазият ҳавосини олиб, бебошвок амирзодани бир мучасига тегмай Соҳибқирон ҳузурига келтиришини тайинлади

Соҳибқирон Райдан кейин бир хушманзара водийга етганда Амир Сулаймоншоҳнинг Мироншоҳ Мирзо билан Табриздан келганини айтдилар. Амир Темур Мир Саййид Барака иккиси кенг сайхонлик ўртасида тикланган кўчма масжидда пешин намозини адо этиб, шоҳчодирга эндигина кириб тургандилар.

...Етмишни қоралаб бораётган пири муршид сафар ҳаракатларини кўриб, негадир Самарқандда қолгиси келмади:

– Амир Соҳибқирон, – деди ўйланганча у. – Етти йиллик яроғни хозирладилар. Етти йил... Йўллари, илоҳи, очиқ ва донғил бўлсун! Бизларни ҳамсафар айласунлар, демакчийдим...

– Узоқ йўллар машаққатларидан қийналиб қолмасмукинлар? Андхойда фарзандлар олдида турсалар, ўзларини уринтирмасалар мақбулмиди, дейман...

– Оре, рост. Йўл узок... Аммо кўнгил яқин. Ёнингизда юрсак, машаққатлар бизга чикора! Етти йилда соғиниб ҳам қоламиз-да. Кўргимиз келса, не чора топгаймиз, Амир Соҳибқирон? Бу ёғига қанча умримиз бор, Оллоҳга аён. Дам ғанимат... Муборак рикобларига бизни ҳамроҳ айласунлар. Ёнингизда ўзимизни уринтириб юрмак бизга саодатдур.

Амир Темур дастор салласи печи чап елкасига тушган пирининг маъюс ва умидвор кўзларига меҳрибонларча тикилди. Мир Саййид Бараканинг чеҳраси ой каби нуруний эди. Соҳибқирон пирининг сўзларини рад этишга сабаб тополмади. Худо бориш-ни пири муршиднинг кўнглига солган экан, иншо-оллоҳ, бу яхшиликкадур. Ўзи ҳам таклиф этмоқ-чийди, бироқ кейинги пайтларда пирнинг кам-кам бетобланадиган одат чиқарганидан истихола қилиб турганди холос.

– Бағоят хушнуд этдилар, пирим...

– Йўқ, балки илтижомизни қабул айлаб, бизнинг хоксор бошимизни кўкка етқурдилар, Амир Соҳибқирон!..

...Амир Сулаймоншоҳлар хабарини эшитганда, Соҳибқирон Пир Муҳаммад ибн Умаршайхнинг совға-салому тансуқотлар билан келган навқаридан Шероздаги вазиятни сўраб турар, пешкашлар рўйхатини кўздан кечирарди. Гарчи интиқ эса-да, мулозимни ҳайрон қолдириб, деди:

– Бугун Мироншоҳ Мирзога кўриниш бергим йўқ!

Шу кеча Амир Темур ҳар хил хаёллар оғушида безовталаниб чиқди. Қандай чора топмоғи лозим энди? Изтироб чекиб ўлтиришдан не хаён? Ақлдан мосуво бадфеъл ўғилдан не талаб? Унга насихат айламакдан не манфаат? Ўттиздан ўтганда ҳам дунёнинг нималигини, Оллоҳ таоло уни не сабабдан яратганини, борлиқ оламда қандай ишлар юз бераётганини англамаган, шукрни унутган нодон фарзандга, ақли кириб қолар дея, оғиз оғритиб гап сўкмоқ инсофданму?.. Донишмандлар бу ёшга етганларида, энди кексалик даштига яқин қолди, охиратни ўйлай, дер эканлар.

Бўйдор, семиздан келган Мироншоҳ Мирзо, қадимим етиши биланок Соҳибқирон ҳузурига таклиф этиламан, мени кутяптилар, деб ўйларди. Аммо кутилмаганда чопиб келаётиб, тўсикқа учраган отдай жойида тайсаллаб қолди, билиб туриб ўзини қафасга солган йўлбарсга ўхшаб кетди. Ҳеч кун кеч бўлмайди, нима қилишини билмайди. Бу ерда жўяли бир юмуши йўқдай ўзини ортиқча сезади. Одамлар ҳам у билан қовоғини уюб гаплашишади, саломга алик олишдан нарига ўтишмайди. Булар етмагандай, эски касали қўзиб, бўғинлари зиркираб оғриб, уни беҳузур эта бошлади.

Шу палла зийрак Амир Сулаймоншоҳ водийни айланиб келишга таклиф этиб, амирзода жонига оро кирди. Икки амир от бошини буриб, кўкка бўй чўзиб турган тоғлар тарафга – водий ичкарасига қараб кетдилар.

Амир Сулаймоншоҳ Мироншоҳ Мирзога Табриздаёқ Соҳибқиронга яхши пешкашлар тортишни маслаҳат берди, совға-саломлар ҳам гуноҳни юмшатади, деб уқтирди. Аммо Мироншоҳ Мирзога, сен ундай қилибдурсан, бундай қилибдурсан, бу ишинг мақбул эрмас, бу сенга ярашмагай, қабилидаги сўзлардан сира оғиз очмади. Чунки димоғига ҳалал етган амирзоданинг жазаваси тутиб қолиши мумкин. Унинг тутуми эндигина қанғшарига мушт еб, бироз гангиган одамни эслатар, баъзан гаплари алмашиб кетарди.

– Бандасида хато бўлади-да! – деди бепарво Мироншоҳ Мирзо ўз-ўзини овутгандек. – Кимда йўқ экан ўзи? Фақат Оллоҳда хато йўқ холос... Барини тузатамиз... Нима, кўлимиздан келмайдирму? Ҳаммада хато бор...

Амир Сулаймоншоҳ амирзодага тикилди:

– Бор... бор...

Мироншоҳ Мирзо ўйга ботганча индамай қолди. Улар от бошини ўз ҳолига қўйиб борардилар. Қулзум денгизи томондан кишига ҳузур бағишлайдиган шабада ҳам негадир эсмас, ҳаво дим эди.

– Амир Соҳибқирон ҳузурларига кирганда лузумсиз сўзларни айтишдан тийилмоқ керак. Ана энди

келдик мақсудға! – деди Амир Сулаймоншоҳ амирзоданинг яхши кўрган сўзларини ўзига кесатгандай эслатиб. – Иложи топилса, офиз тикиб қўйилсун! Борми иложи? Айб биздан ўтди, гунохимиз бўйнимизда, дегандай индамай бош эгиб турилсун. Айбини англаган – авлиё эмиш. Валинеъмат Соҳибқирон нима десалар бизга раводир, дея қўл қовуштириш энг мақбул йўлдир. Йўқ эса, худо сақласун, каттик жазо буюриб юборишлари мумкин!

– Келишни истамағондим ўзи. Сиз қўймадингиз... – деди маъюс Мироншоҳ Мирзо. – Шайтон ақлимни ўғирлади. Дунёсидан ҳам тўйғонмен. Юзма-юз бўлишдан хайиқамен... Келишни истамағондим...

– Ие! Келмасдан нима чорангиз бор экан? Осмоннинг тагидан чиқиб кетасизму бирон ёққа? Шундоғ жой борму? Чиқиб кетсангиз ҳам жон сақлармукинсиз?... Соҳибқироннинг қўллари узун, не-не бўйши йўғон подшолар унинг чангалидан қутула олмаганлар! – Амир Сулаймоншоҳнинг титраб турган амирзодага қараб раҳми келди. – Хали ҳам тушунмайсиз, шекилли. Худди икки-учта хўкизни қўшиб хўптир хайдаётганига хурсанд болага ўхшайсиз, қамчи ўйнатишни биласиз, аммо хирмонга дон тушяптими йўқми, у ёғи билан ишингиз йўқ. Шунчалар ҳам бепарволикка («эси йўқ», дейишига оз қолди!) борадимиз одам деган! Аввалдан ўйлаш керак эди, амирзодам! Бир ишга киришиндан олдин чиқишни ўйлаб қўй, дейдилар Амир Соҳибқирон...

– Гунохимни сўраб бергайлар, амир жаноблари... – ёлворди хийла попуғи пасайган Мироншоҳ Мирзо.

– Табриздаёқ айтганман, ўзим сизни кафилликка оламан, деб! Сўзни шундан бошлаганман. Аҳдимда тураман! Фақат чизган чизигимдан чиқмайсиз. Бир сир бор...

– Хўш, розимен...

– Бир нарсани ўйлаб қўйдим... – Амир Сулаймоншоҳ амирзодага маъноли тикилди. – Ўзим айтаман...

Мироншоҳ Мирзонинг кўзларида умид учқунлари чакнади.

Эрталаб Амир Сулаймоншоҳ Хумоюн ўрдуга

йўналди. Унинг ёнида бошига қоп ташланган, қўллари орқасига боғланган, бўйнига қиличи осиглиқ кимдир келарди. Кўрганлар дабдурустдан уни Хулокухон тахтининг сохиби Мироншоҳ Мирзо эканини билмадилар. Кечаги бошига қўндирилган тож ҳам, шохона кийимлар ҳам, чап ёнга намоёншкорона осилган исфаҳоний қилич ҳам бугун йўқ эди. Хамма, бу бечора ким экан, жуда гуноҳи оғир экан-да, шундай холга тушибди, дегандай ачиниб қарарди.

– Келсунлар, келсунлар, амир жаноблари! – жилмайишга тиришди Муҳаммад Чуроға додхоҳ шохчодир олдида Амир Сулаймоншоҳни қаршиларкан. Фикрлари гоҳ-гоҳда ўзгариб турадиган сабрсиз бу амирни додхоҳ азалдан унча хушламасди.

– Қани, юрсунлар!

Улар ичкарига қадам қўйдилар. Кўксарой кўри-нишхонасидай катта шохчодир тўрисида, тахтда Амир Темур кўр тўккан, ўнг томонида Ҳиротдан етиб келган Шохрух Мирзо, чап томонида пири муршид Мир Саййид Барака, қуйроқда амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку чордона қуриб ўлтиришарди. Амир Сулаймоншоҳ шитоб бориб Соҳибқироннинг зар хошияли оқ авра тўни пешини ўпиб тавоф этди. Мироншоҳ Мирзо ҳам шундай қилмоқчи эди, худди нохуш нарсадан ўзини тортгандай Амир Темур:

– Яқинлашмасун! – деди кескин оханга. Амирзода саросимада турган жойида туриб қолди. Амир Сулаймоншоҳ гуноҳкор амирзоданинг қўлидан ушларкан, Соҳибқироннинг ҳали ҳам қахру ғазабдан тушмаганини фаҳмлади ва вазият тизгинини қўлга олишга тиришди.

– Фармонингизга биноан Табризга бордик, Амир Соҳибқирон. Аҳволни кўрдик...сўрдик... Амирзода-нинг юмушлари чоғир нўш этиш, нард ўйнашдангина иборат эмиш. Найнинг навосига маҳлиё, чилдирманинг гижбанг-гижбангига ошуфта...

Амир Сулаймоншоҳ хийла гапирди.

«Нахотки жигарбандим, бағримдан отилиб чиққоним шундай хароб аҳволга тушиб, падари бузрукворини шарманда-ю шармисор этса? Тил укмас ёв,

деб шуни айтадурлар. Ха, энг ёмон душманларинг ўзининг болаларинг экан! Ўзингдан чиққан балога, қайга борасен давога! Ҳали дунёга келтурғонинг учун жавоб ҳам беражаксен, дашном ҳам ейсан! – аламли деди ичида Амир Темур ўзига-ўзи. – Яхшики, бошига қоп ташлаб олибди(ношукр юзини яширибди!), шу ҳолнинг ўзи кўн нарсани англатадур. Бу, гуноҳим кўн, агар ўлдирсангиз, ёнингиздан қилич кидириб юрманг, бўйнимдаги қилични олиб, бошимни кесиб ташланг(нопок қилични тутишдан худо сақласун!), кафан топамен деб уринманг, шу қопга солиб кўмиб юбораверинг, чунки кафанга ҳам арзимаймен, деганидур...»

– Бошимиз остонангизга қўйилғондур, Амир Соҳибқирон! – қўлларини кўксига қўйди сўзини тугатаркан Амир Сулаймоншоҳ. – Амирзодам кафиллигини ўз гарданимга олсам, дегандим... Гуноҳидан ўтишларини сўрардим...

«Унинг қилмиши оғир, нохуш қадамлари қатлга тортиб турибдур... Жазоси берилмоғи лозим! – хаёл суришда давом этди Амир Темур. – Лекин... Соҳибқирон нахотки Темурийлар сулоласида фарзандкушликни ўзи бошлаб берса? Йўқ... назабнинг бир лукмасини юта билиш марднинг фазилатидур...»

Сукунат чўқди.

– Жуда ҳам чиройли гапирмағон эрсанг-да, узук-юлук сўзларингнинг чинлиги гапингга хусн бўлди. Сўзингни гўзал қилди... – истар-истамас деди Амир Темур. Унга бу нохуш воқеанинг ирганч қатларини очиш, кўнгилни хира қиладиган тафсилотларини бир-бир сўраб ўтириш қаттиқ малол келаётгани, умуман ёқимсиз мулоқотни тезроқ тугатишни истаётгани кўриниб турарди.

Амир Сулаймоншоҳ чап қўли билан соқол учини эзфилаётган Соҳибқироннинг пешонасида тирниш кўрди.

– Қуллук, қуллук! – таъзим айлади у.

– Шафқат қилингиз, Амир Соҳибқирон! – гўё хумдан эшитилгандай овозда ёлворди Мироншоҳ Мирзо...

Мироншоҳ Мирзо бирдан, кечагина Хулокухон тахтининг соҳиби бўлган амирзода билан шундоқ яқин, рўпарада турган Турон султони, падари бузруквори ораси ниҳоятда узоқ эканини ич-ичидан хис этди! У ерда, ернинг ҳам бир чуқурига ботган, Соҳибқирон эса, эҳ-хе, хув юксакларда, осмони фалакдалар...

– Кечиримлилик – улуғ фазилат... – деб қўйди шу пайт пири муршид оҳиста.

Бошқа ҳеч ким ҳеч нэрсa демади.

– Ўтнинг иши қовурмоқ, елнинг иши совурмоқ, дейдилар. Кечиримлилик – улуғ фазилат, пирим, ҳақ гапни айтдилар. Лекин... фазилатлар суъи истеъмоқ қилинса қусурга айланадур. Ҳа, ҳар кимдан имкони кўтарадурғон даражада талаб этмоқ жоиз... Амирзодадан ортиқча нарсаларга умидвор бўлиббиз. Янтоқ ўзини боғ билибди, қамғоқ ўзини тоғ...

Амир Темур амирзодага, раҳму шафқатга нолайиқсен, дегандай ҳеч илтифот кўргизмади, саломига алик олмади, бирон нарсa демади. Мироншоҳ Мирзо, падари бузрукворининг овозини кўтариб дашномлар беришини, қаттиқ қойиб ташлаб иззалар қилишини, аччиқ-аччиқ сўзларини эшитишни жуда-жуда истарди.

Пири муршид Мир Саййид Барака Соҳибқирон кўзларининг жияклари қизарганини илғади. «Мижжа қокмабдилар...» – хаёлидан кечирди у. Оҳ, ўз фарзандингни жазолаш қанчалар оғир! Холос икки фарзандлари бор, бири, тагин қаттаси, шундоқ адабсизликлар йўлини тутиб турса? Нокобил фарзанднинг тутуми кечирарли эрмас... Борди-ю ўлимга буюрсалар, дарҳол пайғамбарнинг кечиримлилик ҳақидаги ҳадисдан батафсилроқ сўз очиб, амирзода ни химояга олишни кўнглига тугиб қўйди. Зинҳор бунга йўл қўйиш мумкинмас!

– Сулаймоншоҳ! – буюрди хотиржам Амир Темур. – Ҳукм бирлан Табризга борилсун, девоний дафтарларни таҳқиқ айласунлар, ножўя харж этиб юборилғон девони аълои хоссага тааллуқ салтанат моли ундирилиб, бир чақасигача хазинага тобшурилсун... Салтанатнинг ақчасини ўғирлаш сағир пулини сгандан ҳам ёмондур...

Яна сукунат чўкди. Барча хали Соҳибқироннинг гапи тугамаганлигини фаҳмларди.

– Ажаб ҳикмат: шамиёнини синдирғон ёмон хўкиз ўзига калтак тилар эрмиш. Амирзодани чўби ясоққа еткурсунлар... Уни йўлдан оздурғон машшоқ ноиблар... дорга тортилсун!

Хукм қатъий ва кескин эди. Мироншоҳ Мирзо «Оҳ!» деб юборди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку бир нарса дейишдан ожиз қолди, Амир Сулаймоншоҳ донг қотди. Мир Саййид Барака чўби ясоқни эшитиб: «Хайрият, амирзодани ўлимга буюрмадилар-ку...» – дея, енгил нафас оларкан, ўзига ўзи дегандек деди:

– Машшоқларда ҳам инсоф йўқ экан-да... Лекин уларни шунга амирзода мажбур этгон бўлсалар не тонг...

Шоҳрух Мирзонинг оғасига ичи ачиб эти увишди. Калтак зарби ҳеч нарса эмас, лекин эл кўзида Амир Темур ўғли, унинг оғаси чўби ясоққа тортилди, деган тавқи ланъатни кўтариб юриши оғир эди.

II

Кониғилдаги машваратда Соҳибқирон ўзининг сафарга кетаётганини айтиб, валиаҳд Муҳаммад Султонга мамлакатни бошқариш жиловини тошширди ва шимолий-шарқий сарҳадлардан бохабар бўлиб турсунлар, Жетани зинҳор назардан қочирмасунлар, деб қаттиқ тайинлади.

– Жета нотинч, тахт талашишлар кучайғон, фитналар авж олғон, – деди Амир Темур. – Ўтмас пичок қўл кесар, деганларидай, бу мамлакатдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Камариддин, Анко Тўра деганларни билурбиз. Кўп марта қўшин тортдик, аммо хануз хотиржамликдан йироқдурбиз... Икки йил ўша тарафларда истиқомат этдилар, хаволаридан нафас олдилар, ҳаммадан кўра ҳам вазият сизга яхшироқ аён, шахзодам...

Соҳибқироннинг «Хануз хотиржамликдан йироқдурбиз...» сўзлари шахзодани ўйлантриб қўйди,

бир жихати, қусурига ҳам тегди. Худди, сиздек фарзандларим бўла туриб, ушмундоқ ахволга тушиб турубдурбиз, деган дашномдай туюлди. Водариф! Дунёнинг ярмини эгаллаган шундай қудратли улуғ салтанат қароқчилар мамлакатини тинчита олмаса! Ҳа, Жета¹ деганича бор экан! Унга дабдурустдан бир фикр келди.

Ҳозир Жетада Хизр Хожахон вафотидан сўнг бошбошдоқлик ҳукмрон, ягона ҳоким йўк... Юрт пароканда. Бостириб борса, ўша Соҳибқиронни овора қилган бадбахтларнинг бошлаб додини берган, батамом хавф-хатарлар олдини олган бўлармиди. Бобоси эшитиб, набирамнинг ҳам қўлидан иш келибди, деб беҳад қувонарди, албатта. Ахир ҳамма нарсани боболари айтиши, йўл кўрсатиши керакмас, шахзоданинг ўзи ҳам ўз фаросати, ақл-идроки билан иш юритсун. Лекин Амир Темурдан ижозат олмай туриб, бундай қадам қўйиш нораводир. Кейин бу тутумни оқлайдиган жўяли сабаб ҳам топиб қўйди: у Хитой сафарига тайёргарлик йўсинида, Ашпарадан хабар олишга боради ва... Мўғулистондаги қулай вазиятни билиб, темирни кизигида бос қабилда фурсатни бой бермай ўша ёққа от сурган бўлади...

Валиаҳд Муҳаммад Султон шитобан черик йигиб йўлга чикди ва ўн беш кун деганда Туркистон шахрига егиб келди. Йўлдаёқ, у ерда қўшин бир оз дам олгач, Ашпарага жўнашни, ўзи қурдирган иморатларни, боғларни, қалъани, ҳарбий истехкомларни бир назардан ўтказгандан кейин, қалъадаги Худойдод Хусайний бошлиқ лашкарни ҳам ёнига олиб Жетага от суришни ўйлаб қўйди.

Худо хоҳласа, Кошғар, Ёркентларга боради, у ердан Учтурфон олис эмас, Хўтанга ҳам бир қадам қолади. У ёни Хитой пойтахти Хонбалиққа йўл очилади... Бобосининг катта орзуларидан бири Хитойга юриш эди, лекин бу Мироншоҳ Мирзо сабаб, ортга сурилди. Улуғ бобоси Амир Темурнинг ниятини рўёбга чиқариб, Хитойни забт этиб қайтса не

¹ Жета – Мўғулистоннинг бошқа номи, луғавий маъноси – қароқчи.

ажаб!.. Амир Соҳибқироннинг боришларига ҳам хожат қолмасди. Бундан Соҳибқиронгина эмас, балки бутун жаҳон аҳли ҳам ҳайратга чўмарди албатта.

Шаҳзода ўз фикрларини Амир Аллоҳдодга айтганда, у дарҳол маъқуллашини билдирди.

Аммо у Туркистонда етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бир ходиса юз беришини ҳали билмасди. Муҳаммад Султон шаҳар ҳокимининг қуюқ дарахтлар билан ўралган сўлим ховлисига жойлашди. Шаҳарга кираркан, даставвал эндигина қад ростлаган Шайх Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси зиёратига ошиқди, мутасаддилардан қандай етишимовчиликлар борлигини, хусусан, мозорнинг вақфини сўраб-суриштирди. Соҳибқирон уқтиргандилар, Ашпарада яшаган найтларида ҳам тез-тез киши юбориб, мақбара қурилишидан хабар олдирадди. Муҳаммад Султон оқ тошдан ясалган шайх қабри бошида тиз чўкиб қуръон тиловат қилди:

– Эронга юришларида валинеъмат Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонга зафарлар ёр бўлсун! Жета сафаридан кўнгилларимизни хушнуд эт! Парвардигор, ўзинг мадад бер, ўз паноҳингда асра! Пиримнинг руҳлари қўллаб-қувватласун, илоҳи! Оллоху акбар! – дея юзларига фотиҳа тортди.

Шу куни кечгача етим-есирлар, фақир мискинларга хайру садақалар улашди... Кайфият аъло, кўнгил хотиржам, бир тутам ҳам булут йўқ мовий осмон сингари мусаффо...

Шаҳзода кейинги ҳафтада Ашпарага, кейин Мўғулистон томонларга отланиш ҳақида фармон берди.

Бироқ уч кун ўтар-ўтмас Искандар Мирзодан элчи келганини айтдилар.

«Андижонда тинчликмикан? Қандай зарурият туғилдики, элчи шунча олис йўлдан хатто Туркистонга қидириб келибдур? Ёки Соҳибқироннинг Хуросонга кетгонларини билиб, Қамариддиннинг тишиб-тинчи магон валадлари босқин уюштирдиму?.. Маккор Қамариддин билан ҳам алоҳида ҳисоб-китоб қилмоқ керак, у Турон салтанатига бисёр заҳматлар етказди. Самарқанддан чиқишда Искандар Мирзога чопар йўллаб, Жетага кетаётгонини, юртга назар солиб ту-

ришни тайинлағонди-я...» – хаёлидан кечирди ташишланган шахзода. Унинг зехни хит бўлиб, калласига жўяли бир фикр келмади. Элчи билан бирга тўққиз мўғул гўзали ва тўққиз саман от юборилганини эшитганида, таажжуби бадтар ортди. Ажабо, мўғул қизларини қайдан олган экан?

Шахзода дарҳол элчини хузурига чақиртирди.

– Кимдурсен, эй элчи? – сўради жиддий тарзда Мухаммад Султон остонада таъзимда турган, жигарранг чакмонга ўралган тўладан келган кўсасоқол, биткўз одамга қараб.

– Ассалому алайкум, жаҳон шахзодаси хазратлари! Искандар Мирзо жанобларининг навкаридурман, Амир Тармочуқман... Хузурингизга юборишларини хожамдан ўзим тилаб олдим. Шавкату шухратингизни эшитганман, сизни зиёрат этишни кўпдан орзулар эрдим. Оллоҳга шукр, савоб ишга қўл уриб, ниятима етиб турибман...

Амир Аллоҳдод қуюқ қошларини чимирганча элчига тикилди. «Тўхтамишхонининг мулозимиди-ку! Вожаб! Энди Искандар Мирзо одамига айланиб қолибдими?...»

У бир пайтлар Амир Тармочуқнинг Амир Мусо, Амир Кайхусравлар қиличини чопганидан хабардор эди, Тўхтамишхон хизматида кирганини эса Ахий Жаббор баҳодирдан эшитганди. Э, сен фалончи экансан-ку, деб сирни очиб юборса, шахзода олдида одобсизликка йўл қўяди, чиришни бузади, бу мумкин эмас, шу сабабдан тилини тийгани, ўзини ёфилдай кўрсатгани маъқул, деган фикрга келди.

Элчи шахзода хузурида Амир Аллоҳдодни кўраман, деб ўйламаганди. У бир лахза саросимага тушиди-ю дарров ўзини ўнглади, билмаганга олди. Кўп йиллардан бери Олтин Ўрда тарафларда хоқон хизматида керилиб юрган амир, дахшатли жангни бой бериб Литва ёқларга қочган Тўхтамишхонга эргашишни истамди. Сарой-Беркага ўт қўйилгандан кейин ҳеч ерга сизмай, юртга қайтишни ўйлаб қолди. Бутун орзулар, афсуски, армонга айланди. Агар юрт бошига келса, Амир Кайхусрав унга Хутталондаги кишлоқлардан бирини ҳадя этмоқчийди. Мухаммад

Мирак Турон салтанати маснадига минганда, вазири аъзам макомида давру даврон сурмоқчийди... Туронзаминни забт айлагач, Тўхтамишхон бутун Хутталон вилоятини иқто сифатида топпширмоққа ваъда берганди. Бари нақд эди. Энди эса унда ҳеч вақо йўқ...

Амир Тармочукни Хутталонда кўшлар танимади, чунки ўттиз йил аввал юртдан чиқиб кетганда озғингина пакана бир ўсмир эди, биладиганларнинг кўши оламдан ўтибди. Сал-пал кексалик нуқси уриб қолган, бир оз елкаси чиққан бу одамни танийдиганлар ҳам бор экан, у-буни сўрайвериб чарчатишди. Ҳатто эски душманларидан бири, ўлган илонларнинг бошини кўзғаб, унга очикдан-очик ўлдираман, деб ташланди ҳам. Кочиб кутилди.

Хутталонда ортиқ қолиш мумкин эмас, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкандларга бориш хатарли, кутилмаганда Ахий Жабборга ўхшаган «эски дўст»лари билан учрашиб қолиши ҳалводай бир гап. Худо сақласин. Борди-ю сен Тўхтамишхон одамисан, деб тутсалар, аллақачонлар, тўрт йил аввал Олтин Ўрда хонидан юз ўгириб кетганини, хоннинг қаердалигини ҳам билмаслигини айтади, тавба-тазарруга бош уради, ялиниб ёлворади... «Қараб туриб бўлама, узокрокқа кетиш керак, — ўйлади у, — четроқ ерларга, ҳеч ким танимайдиган жойларга йўл олиш лозим...»

Искандар Мирзо ўз аъёнлари билан Андижонга келганда Амир Тармочук аллақачон шу ерда замонанинг зайли билан эшакни тоға, итни ука деб, фақир киши панада кабилида истикомат қилиб юарди.

Иттифоқо, бир кун Андижон жанубидаги адирлар этагида ҳукмдор Искандар Мирзо буйруғи билан амирзода отабегиси чапдаст йигитларни саралаб олиш мақсадида юртга улоқ берди. Барвастандан келган йўғон гавдали, табиатан мард ва кўркмас бу одамни «улоқ жинниси», дейишарди. Амир Тармочук кўриб, уни Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг нуфузли амири номдор Баён Темур Беккичikka ўхшатди, негадир кўнгли ёришди. Рост экан.

Атрофни отларини гижинглатиб юрган майдонта-лаб йигитлар тутиб кетди. Йироқлардан Андижон

гарафдан, Ўш ёқлардан келаётган талабгорлар кўзга ташланади. Йигитлик пайтларида улоқлардан соврунсиз чикмаган амирнинг ҳам ғайрати жўшди, аммо оти йўқлигидан чорасиз, биронтадан сўраймикин, деб турганди, Баён Темур Беккичик жонига оро кирди:

– Одамлару одамлар! Боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, сўнгра пушмон сманглар! – эълон вилди у. – Борму ғайрат этагини тутган, соврунни зўрини кутган манаман деган улоқчилар?.. Улоққа одамнинг марди тушади! От боққанинг – улоққа, қўй боққанинг – қўноққа... Улоқчи отларим бор боқилган, кимки майдонга тушиб, соврун олиб чиқса, Андижон хокими Искандар Мирзо ибн Умаршайх жаноби олийларининг хос лашкарига навкарликка қабул қилинур! Бизга мардлар керак, мардла-а-ар!

Амир Тармочукнинг ярқ этиб кўзи очилди! Дархол бориб, талабгорлар қаторига турди ва оқибатда у ҳам отлардан бирига минди... Миндию, яратган хориқулудда ажабтовур шижоат ато этганини сезди, ўзини тўдага урди! Эски улоқчи эмасми, эпчиллик билан бошқаларни суриб, ёриб ўтиб маррага интилди. Девонанинг ишини худо ўнглайди деганларидай, омади чопиб, қийкириқлар остида соврун соҳиби бўлди!..

– Нега мўғул қизлари-ю саман отларни олиб келдинг? – сўради шахзода. – Ким буни тилади?

– Музаффарият ҳадяларидур, шахзода жаноби олийлари! Амирзодам химматлари-да... Амир Соҳибкиронга ҳам хурдек икки тўққиз қизлардан пешкаш юбордилар...

– Музаффарият? Англамадим... Амир Соҳибкиронга ҳам пешкаш... Нималар бўляпти ўзи, амир жаноблари?.. – тикилди хайратланиб ўлтирган Амир Аллоҳдодга.

– Тушунмай турибман, шахзодам. Бир нарса демакка ожизман...

Амир Тармочук бирдан уларнинг Искандар Мирзо юришидан беҳабар эканликларини фаҳмлади: «Амир-

зодам юртнинг каттаси билан келишмаган эканларда...» – деган сўзлар ичини қийиб ўтди.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз... – қўл қовуштирди Амир Тармочук. – Жета улуси царихону парокандалигини билган амирзода жаноблари: «Фурсат кетмасун! Қараб туриб бўлама!..» дедилар ва Андижон черигини Мўғулистонга бошладилар... Уларга Жета сарҳадида Худойдод Хусайний лашкари ҳам қўшилди... Қошғарда яна кўн беклар кутиб турган экан. Ёркентни чоңдилар. Учтурфонни олдилар. Оқсув шаҳрида учта мустаҳкам қалъани забт айлаганда, камина ҳам бор эдим... У ерда Хизр Хожaxonнинг харамни бирлан қизини асир этдилар. Кейин амирзода жаноблари Хўтанга от бошини бурдилар. Хўтандан Хитой вилоятининг пойтахти Хонбаликқача юз олтмиш бир манзил¹ йўл экан...

Амир Аллоҳдод шахзоданинг катта-катта кўзлари ғазабдан чакнаганини, оқсарикдан келган юзлари қизариб кетганини кўрди. Табиатан оғир, вазмин шахзода кутилмаган янгиликни эшитиб, хайратга тушган, тили боғланиб қолганидан лом-мим деёлмас эди.

– Нима, нима-а-а?.. Хали Искандар Мирзо жаноблари Жетага от сурдилар дегин?.. – сўради ниҳоят шошқалоқ амирзоданинг тутумидан қаттиқ ранжиган шахзода. «Андижон вилояти ҳоқими Искандар Мирзо Хумоюн ўрду томонидан бутун мамлакат забтига қўйилган валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон ризолигини олмай, худди юзига оёқ қўйгандай, ўз билгича кадам босибди-да! Валиаҳдгагина эмас, салтанатга беҳурматлик бу! – «ижинди у. – Ҳа, бу калондимоелик, ўзбошимчалик оқибати! Ўзғирликка интилиш, Амир Соҳибқирон кўз ўнгида, топқирликни намоиш этиш, ўзини жасорат соҳиби сифатида кўрсатиб обрў орттириш... Ҳа, барининг валиаҳдга гаши келади. Имкон қидириб, унинг мавқеини туширсалар кифоя... Мамлакатда бирон ноҳуш воқеа содир бўлса, ган ҳукмдорга бориб тақалади, юртни бошқаришни билмайди, деган фикр уйғонади. Ахир у валиаҳдликни сўраб олмағон-ку! Амир Соҳибқирон ўзлари буюрғонлар-ку!»

¹ Манзил – масофа, қарийб 30 км.

Шахзода ғазабланганидан ўрнидан туриб кетди, нима дейишини билмай, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин яна Амир Аллоҳдодга қаради.

– Ёшлигига борибдилар амирзодам... – деди Амир Аллоҳдод.

– Ёшлигигамас, болалигига, денг! Тентаклигига денг! – ёзғирди шахзода. – Бу ғирт боланинг тутумику! Орқа-кетини ўйламай шоша-пиша от солиб, ҳамма нарсани барбод этди-я!.. Афсус, афсус!..

– Ўзлари улуғдурлар, амирзода адашибдурлар, гуноҳидан ўтсунлар...

Жимлик чўкди.

Энг афсусланадиган жойи, энди Жетага боришда ҳам, Хитойга юришда ҳам маъни қолмаганида эди. Шуларни ўйлаган шахзоданинг юраги қаттиқ сиқилди, вужудида бир лаҳза беҳоллик сезди.

У барини кечириши мумкин, аммо ўзини доно фахмлаган ўн беш ёшли амирзоданинг, шахзодани худди йўқдай ҳисоблаб, купна-кундузи писандсизларча беҳурмат қилиб кетгани қаттиқ иззат-нафсига тегди! Бетавфиқ кўрдик, иш расвои жаҳон бўлибдур, энди барини юмшатиш учун тухфани ўйлаб тошиб, қизлару отларни юборибдур. Амир Соҳибқиронга ҳам ҳада жўнатгани-чи! Бефаросатлик ҳам эви билан-да!

– Тўққиз мўғул кизини ҳам, тўққиз саман отни ҳам қабул қилмасмен! – дарғазаб деди Мухаммад Султон. – Қайтариб олиб кет! Амирзоданинг ўзлари пишириб есунлар!

Амир Тармочуқ вазиятнинг бундай тус олишини сира кутмагани, жойида қотиб қолди...

ЎНИНЧИ БОБ

I

Боғи Нақши жаҳонда яшаётган Соғинч хонимнинг орзулари мўл эди... Кеш сафаридан қайтганларидан сўнг оғзи бемаза бўла бошлаганини сезиб, суюниб кетди. Таомларга қараса, кўнгли ағдарилар, юзини четга бурарди. У энди, худо берса, ўғил кўради, унинг фарзанди валиаҳдзода рутбасини олади...

Уч йил кутдилар, фарзанддан нишона кўринмади. Сарой энагалари кайвониси синчков Холдона биби келинчакда ҳеч ўзгариш сезмади. Тикилган қозон кайнамас экан. Ўйлай-ўйлай, кўнглига жўяли бир фикр келди. Пайт пойлаб, Сароймулкхонимга ёриламаи, деб турганди, маҳди улёнинг ўзи оғиз очиб қолди:

– Момолар йўлини тутиб, ирим-сиримини қилсак-микин?

– Қандай ирим-сирим? – сўради Сароймулкхонимнинг унинг ичидагини кўриб тургандай сўраганидан хайратда Холдона биби. У ҳам асли шуни айтиб, кенгаш олмоқчийди. – Қулоғим сизда, хонимойим жаноби олиялари...

– Қаратғон – қараб қолмас ахир, кайвони. Арк маҳалласидаги отинойи билан гаплашингиз, сўраб билингиз. Иссиқ таомлардан едирингиз... Иrimi кўп. Биласиз-ку...

– Чучундим, чучундим... – деди ерга қараганча Холдона биби.

Энага дарҳол ишга киришди. Соғинч хонимга, ихлос қўйиб ўзи қирқта ёғли кулча ёпишни буюрди. Кейин нафаси ўткир номдор отинойига элтдилар, у от ёғида кулчаларнинг ҳар бирига дуолар ёзиб берди. Келин ўзи ёлғиз, қирқ кун давомида ҳар кун тонгсахарда, осмонда юлдузлар тарқамай туриб бир донадан тановул қилди. Шаҳзода учун эса еттита қора товуқ тухумини пиёз, анор ва ёнғок пўчоқларини солиб қайнатдилар, арчдилар, сўнг докага ўраб намини қуритишга қўйдилар. Отинойи тухумларга ҳам дуолар битди. Куёв ёлғиз ўзи етти кун давомида ҳар кун тонгсахарда осмонда юлдузлар тарқамай биттадан тухум еб олди. Орада келинчак билан куёвни отинойига бориб ўқитиб ҳам келишди.

Ҳар нечук ҳаракатлар зое кетмади, худо ноумид қўймади. Энди Холдона биби маликанинг ёнидан жилмайди. Сароймулкхоним билан Хонзода хонимларнинг Боғи Нақши жаҳондан оёқлари узилмай қолди.

– Худо хоҳласа, қўқордай ўғил ҳады этадилар шахзодамизга! Оллоҳ еткурса, эвара ҳам насиб этгай энди, эвара! – деб тилак билдирди маҳди улё. – Ўша эваранинг ўғлига биргалшиб келин излаб юрайлик, кейин дастурхон бошида гердайиб ўлтирайлик, илоҳи!

– Билмаймен, хонимойим жаноби олиялари... Айтғонингиз келсун... – холсизланган Соғинч хонимнинг овози зўрға чикди. – Билмаймен...

– Худо йўл берса, ҳеч гапмас! – сўзга қўшилди энага Холдона биби. – Қўшша-қўшша ул кўрингиз!

– Худо йўл берсун! – тилак билдирди Хонзода хоним.

– Ўзимни оғир сезамен, ойижоним... қўрқамен..

– Бўйида бор аёл ёмон нарсаларни ўйламайдур – юпатди Хоразм маликаси. – Яратганнинг ўзи қўлласун, келинжоним. Яхши ният қилингиз!

– Ниятим яхши, худо хоҳласа...

– Ҳали Қорабоғга Амир Соҳибқиронга, Хўтанга шахзода Муҳаммад Султонга чопарлар йўллаб, «Паҳлавон туғилди!..» деб, суюнчиларнинг каттасини олғайбиз, маликам! – мамнун деди Сароймулкхоним. – У куни Амир Соҳибқиронга мактуб битғонда айтиб ҳам юбордим...

– Қуллуқ... – деди изо тортганча Соғинч хоним.

Маликанинг дугоналари Билқис бегим, Робия бегим, Зубайдабонулар ҳам кун ора хабар олишарди.

– Вой, бўйларида бўлиб қолдим... Ҳм-м...

– Э «ҳм-м»ламай ўл! Кўрмаяпсанму? – койиб ташлади дугонасини Робия бегим. – Сиххатини сўра... Яхши гаплардан гапир!

– Вой! Менам шундай деяпман-ку! – лабини бурди Зубайдабону. – Бирам доносан-е! Гапиришгаям қўймайсан. Отингни Робия бегим эмас, Доно бегим қўйиш керак экан ўзи! Ота-онанг бир оз адашибдилар-да!

Билқис бегим индамади. Соғинч хоним кулиб қўйди.

Шахзода Муҳаммад Султон Туркистондан палағда кайфиятда Самарқандга қайтди. Ҳа, у валиаҳд эсада, ҳали уни кўзга илмайдиганлар, хатто... сезади-

ки, ёқтирмайдиганлар бор! Шу сабабдан, обрўйини тушириш учун хар хил, мана бу Искандар Мирзо қилиғидай нарсаларни ўйлаб топадилар, сўнг киши билмас мўъмин-қобилдай бир четда жим кузатиб, томоша қилиб турадилар... У Хўтанга юриш фикри ёлғиз Искандар Мирзонинг ўзидан чиқмаганини ҳам сезади.

Шаҳзоданинг чамасида, малика Соғинч хоним тўрт ойдан бери ҳомиладор, балки бешинчи ойга ҳам ўтгандир. Худо хоҳласа, ўғил туғилади. Шукр, ўғли бор, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, ҳозир уч ёшда, лекин суюкли, жондан ортиқ маҳбубангдан фарзанд кўриш, Оллохнинг буюк бир илтифоти! Шаҳзода ўша кунларга интиқ яшайди.

Лекин шаҳзодани Самарқандда ҳам нохуш ходиса кутарди. Оғирбўй Соғинч хонимнинг боласи тушиб қолибди!.. Маликанинг соғлиги ҳам унча дуруст эмас эмиш... Бу дард устига чипқон бўлди. Наҳотки улардан, икки севишган ошиқ-маъшуқлардан бирон зурёд қолиши пешонага битилмаган?.. Йўқ, нега шаҳзода ундай ёмон хаёлларга боради? Хали ҳаммаси олдинда-ку...

Боғи Нақши жаҳонга яқинлашар экан, валиаҳд шаҳзода кўнглидан ана шундай хаёллар ўтар эди. Боғ ҳовлисида меҳмон қадамини кутиб, сайр этиб юришган Сароймулкхоним билан Хонзода хоним шаҳзоданинг тез қайтганидан ичларида беҳад суюндилар, аммо буни ошқора билдиришга тортиндилар, қувончларига келинларининг воқеаси соя ташлаб турарди.

– Кўнглингиз сира чўкмасун! – кўришаркан, шаҳзоданинг елкаларига уриб-уриб қўйди маҳди улё. – Худонинг айтғони бор ўзи.

– Яратган ҳеч қачон бандасини ноумид қўймайдур, қўзичоғим! – манглайдан суюб ўпгач, худди Жаҳонгир Мирзони қоплаб қўйгандай ўғлига ютоқиб тикилди Хонзода хоним. Шаҳзоданинг келбати тобора отасига тортиб борарди. – Бахтингиз бекам бўладур, иншооллоҳ!

– Қуллуқ, қуллуқ...

– Маликамга насихат айлангиз, ўксунмасунлар. – босиқ уктирди Сароймулкхоним. – Ёлғиз у эмас, фарзанд доғини тортғон...

– Ҳа-ҳа... Сизнинг сўзларингиз, далдангиз энг яхши шифодур, шахзодам! – қўллаб-қувватлади Хонзода хоним ҳам.

Мухаммад Султон хонимларга хиёл бош эгиб салом берди.

Бу пайт Соғинч хоним хос хонада куёви нафасини сезиб, энагадан ўтинди:

– Сал-пал ўзимга қараб олай. Озроқ чалғитиб турсунлар... Озиб-тўзғон маликасини кўриб қўрқиб кетмасунлар тагин?

– Хўп, жон маликам, хўп... Ҳой, канизаклар! Бу ёққа келинлар!

Холдона биби тўртта канизак билан маликани худди қайлиғига кўз-кўз қилинмоқчи бўлган келин-чакдай ясантириб оро беришга киришди.

Мухаммад Султон малика ҳузурига тезроқ кирай дер, бироқ хонимлар олдида изо тортиб, жойидан жиложмасди. Маликалар ундан сафар захматларидан сўрашди, ўзларича, шахзодамнинг тез қайтиш сабаби Соғинч хонимдан ташвишлангани, деган хулосага келишди. Ниҳоят Холдона биби чиқди-ю, шахзода мушкулени осон қилди:

– Бекачим ҳузурига марҳамат айласунлар, шахзодам!

– Тезроқ борсунлар! – дейишди хонимлар ҳам.

Улар зинадан кўтарилаётган, йигитлик мақомига эришган дуркун шахзодани меҳрлари товланиб қузатиб қолишди.

– Қайғурмангиз, хали худои таоло бизга фарзандлар беради... – Оёғига бош уриб, нола чекаётган, абгор холга тупган ёш маликани юпатиб деди шахзода. – Ноумид шайтон...

– Гуноҳкормен, уддасидан чиқолмадим... Гуноҳкормен... шахзодам... – тинчлана олмасди малика. «Шахзодам, мендан хавотир олиб, муборак сафарларини ҳам тўхтатиб ортга қайтибдурлар. Мен ношуд туфайли хайрли юмушларини адо эта олмадилар...», – дея изтиробга тушарди у.

Амирзодалардан бирининг, қайсиниси экани ёди-да йўқ, завжаси шундай ҳолга тушганда Соҳибкирон хомуш турган ўғлига бундай деганди: «Амирзодам, ўтган ишга ўкинмангиз. Йигит кишининг йўли очик. Хотин – йўлда, бола – белда, дейдилар...»

«Рост, хотин – йўлда, бола – белда... – ўша воқеани эсларкан деди ўзига-ўзи Муҳаммад Султон. – Лекин аввало худонинг ўзи берсин, ўзи ато этсун экан...»

– Турингиз! Турингиз... Маликани қўлтиғидан тутиб бағрига олган шахзода унинг бошини силаркан, ширин сўзлардан гапириб, озор еган кўнглини кўтаришга тиришди. Соғинч хонимнинг чехраси доланинг қуриган япроқлари сингари сўлғин эди, шахзоданинг юраги увалди.

Кейин энагани чакириб буюрди:

– Маликам ётиб ҳордиқ олсунлар! Уринмасунлар, бохабар бўлингиз! Ёлғиз қолмасунлар!..

Ўз бўлмасига кирган Муҳаммад Султон юраги каттик сиқилганидан жойида ўтиролмади. Искандар Мирзонинг ноҳўя қилиғи ҳақида эшитганда ҳам шунақа, юраги тарс ёрилиб кетай, деганди. У ёқдан бу ёққа юрди, кейин ўтирди. Бирдан кўкрагини нимадир вижимлади-ю аъзои бадани жимирашиб, кўз олди қоронғилашди! Ҳаво ҳам етишмагандай туюлди. Уни «Нега? Нега?..» деган саволлар қийнарди. Валиаҳд бўлса, нега ҳали ақли тўлишмаган Искандар Мирзодай амирзодалар уни оёқ учида кўрсатадилар? Нега Соғинч хонимдай дилдори нозанин маликага парвардигор фарзанд ато этмайди?.. Гуноҳимиз нима? Э, худо, бизларда касдинг борму?..

Ўзини камситилгандай туйган шахзоданинг кўзлари ногаҳон ярқ этиб очилгандай туюлди. «Ё раббий! Нималар деямен? Тавба қилдим! Тавба қилдим!.. – деди ўзига ўзи. – Тавба қилдим!..»

Унинг ҳозир ҳеч нарсага қўли бормас, овқатдан оғиз очмас, сўз демакдан тил тортган, уйқудан кўз юмган, бировга хоҳиши йўқ, ўйлашни ҳам истамасди. Ҳар гал шундай ҳолатларда бўладигандек, оҳиста панжарагулчин лавҳдан Қуръони каримни олиб, уч

бор ўпиб кўзларига суртди. Енгил тортгандай бўлди. Ўттиз биринчи – «Лукмон сураси»нинг ярмигача кўчириб қўйганди. Лукмони ҳаким ўғлига насихатида, мутакаббирлик билан одамлардан юз ўгирмасликни, кибру хавога берилмасликни уқтиради, чунки Оллох димоғдор, мақтанчоқ кимсаларни суймайди. Юрганда ҳам ўзингни катта олмай юргин, овозингни паст қилгин, чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир, дейди...

Шаҳзода сўнгги оятларни ёзишга киришди: «Бас харгиз сизларни хаёти-дунё ўткинчи несъматлари билан алдаб қўймасун ва харгиз сизларни гурур(яъни шайтон), Оллох ҳар қандай гуноҳни кечираверади, деган ёлғон билан ақлингизни ўғирламасун! Дарҳақиқат, ёлғиз Оллох хузуридагина қиёмат соати қачон бўлиши тўғрисида билим бордир. У Ўзи хоҳлаган вақтда, Ўзи хоҳлаган жойга ёмғир ёғдирур ва оналарнинг бачадонларидаги хомилаларини, ўғилмиқизми, расоми-нуқсонлими, бахтлими-бахтсизми эканини билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини била олмас. Фақат Оллохгина билгувчи ва огоҳдир...»

Шаҳзода бу каломлардаги теран маъно, рад этилмас ҳақиқатни қалбининг туб-тубидан туйди, худонинг бандаси учун хаёт, яшамок нечоғлик мураккаб бир синов эканига яна бир карра иқроп бўлди. Кўнгли ёниб турган оловга сув сепилгандай таскин топди.

У ҳали ҳануз таъбини хира қилиб турган Искандар Мирзо воқеасига нуқта қўйиш мақсадида Андижонга отланмоғим зарур, деган фикрда эди. Бир пайтлар Жаҳонгир Мирзога хизмат этган, энди эсаннинг ўғли валиаҳд шаҳзода мулозимига айланган Ахий Жаббор баҳодир кириб, Андижондан чопар нуфузли беклардан мактуб олиб келганини билдирди. Шаҳзода дарҳол руқъа услубида битилган мухтасар мактубни очди:

«Жаҳон шаҳзодаси валиаҳд Муҳаммад Султон жаноби олийларига етиб маълум бўлсинким, амирзода Искандар Мирзонинг муҳолифат хаёли бор

эрмиш, қалъага кириб дарбозаларни юзларга ёпиб-дур... Биз қиличларимиз қинда, қалъа муҳосарасида¹ турибдурбиз. Унга тааллуқ навкарларни тутиб-дурбиз, ҳар неки кенгаш дейилса, уни этагидан тутмакка шайдурбиз...»

«Худога шукр! Иш осон кечди...» – деди ўзига ўзи шахзода мамнун. Энди Андижонга бориб юрмайди. Кейин Ахий Жабборга буюрди:

– «Амирзода Искандарни мулозимлари бирлан Самарқандга келтурсунлар!» деган фармон тайёрлансун ва дархол чопар изига қайтариб юборилсун!

– Бош устига!

Вакт-бевақт Муҳаммад Султон Самарқанднинг шимолидаги Кўҳак тепалигига чиқиб, шоҳона саронарда тикдириб, сўлим оқшомларни ўтказишни, дунёнинг кенглигини томоша қилишни яхши кўрарди. Қунчиқнишда Кониғил яйлови ястаниб ётар, саҳарда жаннат насимидай ёқимли ғир-ғир шабада эсарди.

Мана тўрт кундирки, валиаҳднинг адир устидаги хаворанг чодирини йироқлардан нигоҳларни ўзига тортади. Шахзода малика Соғинч хонимни бир оз чалғитиш, кўнглини ёзиш ниятида бу ерга олиб чиққан. Кеча иккиси адир этагига, дарё бўйига тушдилар.

Ўзини хийла олдириб қўйган Соғинч хоним ҳаётчанликдан ҳамма нарсага бифарқ қарар, хотираси ҳам сусайгандай эди. У дарёнинг лойқа сувларига тикилиб ўтирди. Нохуш воқеаларга ҳам ярим йил бўлмоқда, у ҳамон ўзгармаган: ўшаандай камгап, дармони йўқ, бирон нимага қизиқиб қарамайди. Лекин фаройиб ҳол юз берди: Кўҳак сувларига тикилганда, илк бор хотираси тиниклашгандай туюлди... Беихтиёр Дажла соҳиллари эсига тушди! Қандай фарахбахш ва масъуд эди ўша дамлар! Дажлада сув ўйиқлар ҳосил қилиб оқарди. Кўҳак дарёси ҳозир ўша Дажлага ўхшаб кетди. Мавжланган Кўҳак сувлари ҳам ўйиқлар пайдо қилар, кейин парироқ бориб йўқолиб кетар, яна гирдоблар ясарди...

– Эртага Кониғилга борғайбиз, маликам. – деди шахзода саронардага қайтаётиб. – Падари бузрукво-

¹ Мухосара – камал, ўраб олмок маъносида.

рим билан мухтарама онамлар тез-тез сайр қилишар эканлар.

– Миннатдормен, шахзодам...

У мулозимга нариги тепаликда чодир тиккан Амир Сайфиддин некўзни чорлашни буюрди. Шахзода наздида, у жуда бамаъни оқил инсон, Амир Соҳибкироннинг содиқ, қадрдон дўсти. Сўзи ширин, суҳбатлари бамисли жон озиғи. Бир ой аввал унга Термиз, Балхда вазият рафт-омадини билиб келишни буюрганди. Иниси Пир Муҳаммад Жаҳонгир шошқалоклиги бор, баъзан ўйламай қадам босади. Ҳиндистон юришига сабабчи бўлиб, Хитой сафарини ортга суриб юборди. Ҳушёр туриш керак. Билсин-чи, ҳозир не ҳол, не сўз у ёқларда...

Саропардадан чиққан шахзода пастга қаради: ҳар жой-ҳар жойда олти минг навкарли хос лашкарнинг чодирлари кўзга ташланарди. Ҳамма томон олачук бозорига айланган. Лашкарнинг бир қисми Конигилнинг у четида жанг машқлари билан шуғулланганда, бир қисми шу ерда истироҳат қилади.

Шахзода йироқдан от йўрттириб келаётган уч кишининг йигирмага яқин навқари билан қоровулликда турган Ахий Жаббор баҳодир олдида тўхтаганини кўрди. Баҳодир одамларнинг бири билан куюк сўрашди, таъзим бажо айлади.

У амирзода Искандар эди. Амирзода отини ёидаги мулозими Амир Тармочукқа топшириб, отабеги Баён Темур Беккичик иккиси Ахий Жаббор баҳодир етагида саропардага қараб юрди. Орқароқда баҳодирнинг навқарлари Учқора билан Йаналтекинларнинг қораси кўринди.

Ахий Жаббор баҳодир Амир Тармочукни таниб кўзи кинидан чиқиб кетаёзди. «Вой аблах! Сув илон! – деди ичида Ахий Жаббор баҳодир. – Ҳеч нарсани сезмагандай тутуди ўзини ғаламис! Энди мендан қутилиб бўбсан!» Амир Тармочук, мен Искандар Мирзо навқариман, унинг химоясидаман, дегандай сиртдан ўзини хотиржам, бепарво тутишга тиришарди. Аммо ичида, ногаҳон шер олдидан чиқиб қолган бўридай, қочишини ҳам, туришини ҳам билмай донг қотди...

Мухаммад Султон ўгрилиб, нарироқда турган Амир Сайфиддин некўзга кўзи тушди. У шахзоданинг узоқларга тикилиб, хаёлларга чўмганини сезиб, халал бермабди. Улар сўз қотишиб улгурмай, Ахий Жаббор баҳодирлар етиб келишди.

– Ва алайкум ассалом...– хушламайгина алиқ олди Мухаммад Султон тик турганча. Амир Сайфиддин некўз шахзоданинг меҳмонларни ичкарига таклиф этмагани, ўтиринг ҳам демаганидан хайрон қолмади.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, шахзода жаноблари... – деди ўрта бўйли, хушсурат Искандар Мирзо юкинишга уриниб. Унинг кулча юзларида хижолат излари кўринмасди. – Биздан бир оз ўтди... Ҳм-м... Беижозат қадам қўйиббиз. Айбга қўшмайдилар. Пешкашни ҳам қайтариб юборибдурлар. Ихлос бирлан жўнатғон эрдик... Бир оз кўнглимизга ҳам ботди...

Шахзода унинг сўзлари самимий эмаслигини сизди. Ўлганининг кунидан гапиряпти. Унга ана бу отабегиси ўргатган, обдан уқтирган. Жетага юришдан олдин унинг калласи каерда эди? Насихатини ўшанда қилса бўлмасмиди?

– Амирзодам сизга кўмаклашай деб, шундай йўл тутдилар. Аммо кўнгиллари тоза... Йигирма олти хос навқари билан хузурингизга келиб турибдур. – салмоқлаб гапиришга тиришди Баён Темур Беккичик. – Жетани олса, бу унинг-мас, ўзларининг обрўйи, салтанатнинг обрўйи, дейишга журъат этман, шахзода жаноби олийлари!

– Салтанатга тил теккизилмасун! Менга эса ўз обрўйим етадур! – силтаб ташлади ичи тўлиб турган Мухаммад Султон. – Ҳали салтанатга обрў келтириш сизларга қолдиму? Ҳали менга обрў олиб бердим, деб хомтама сифат юрибсизларму?... Сизлар-а?... Аслида салтанатнинг ҳам, менинг ҳам обрўйимни тўқмак, бадном этмак ҳаракатида бўлдингизлар! Улус олдида шарманда қилдингизлар!

– Худо сақласун! Худо сақласун, шахзодам... – деди шоша-пиша ишнинг бунчалар нохуш тус олишини кутмаган, ранги оқариб кетган отабегиси. – Йўғ-е!.. Йўғ-е... Худо бизни йўлдан оздиргани йўқ хали...

«Искандар Мирзо Андижондаёқ, бормаймен, деганда уни йўлга солгандим. — йўлади ичида у. — Сезгирлик қилиб тўғри айтган эканлар, адашибман. Аввалги сафардагидек шартта ортимизга қайтиб кетмаймизми-я! Амир Соҳибқиронни кутмаймизми, унгача қорамизни ўчириб турмаймизми... Аттанг!..»

— Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар... — қўл қовуштирганча журъатсиз минғирлади отабеги. — Гуноҳимизни оғир олмасунлар... Бошимиз эгик турибдурмиз, шахзода жаноби олийлари...

Искандар Мирзога барваста одам бирдан кичкинариб кетгандай туюлди У лом-мим демас, ердан кўз олмасди. Қалтислик чуқурлашиб бораётганини фаҳмлаган Баён Темур Беккичик яна нимадир дейишга уринди.

— Бас!!! — деб юборди Муҳаммад Султон, овози кўтарилиб кетганини сезмай. — Эгилгон бошни кўтариб юрмоқнинг ўзи гуноҳ саналур! Энг катта гуноҳ мана шулдир! Ўзбошимчалиги учун амирзода Искандар банд қилинсун!..

— Бу қандок химматдурки... ис... — ҳайратланди Искандар Мирзо, бироқ ортиқ ҳеч қандай сўз демади.

— ...Унга номақбул кенгашлар бергон, ҳақ йўлдан адаштиргон отабеги билан йигирма олти навқар қатл этилсун!

Шахзоданинг сўзлари бамисли момақалдиरोқдек жаранглади! Амир Сайфиддин некўз ичида: «Ҳазрат одатларини қилиб, аввал тафтиш қилдурсалар эрди, мақбул бўлурди... Хў-ўш... ўқ отилди, энди ортга қайтмайди. Афсус!.. Мироншоҳ Мирзо ташвиши етарли эди ўзи. Икки набиранинг муноқашаси тағин Соҳибқирон юрагини сиқади-да...» — деди ўзига-ўзи.

— Ие! Ие!.. Ҳали шунақаму?.. — Баён Темур Беккичик бирдан жон ҳолатда қиличига ёпишди! Унинг ниятини билиш қийинмасди, чамаси Муҳаммад Султонга ташланмоқчи эди шекилли.

— Ҳай-ҳай!.. Бадбахт! — ёнидан шартта қиличини суғурди шахзодани пана қилишга улгурган Амир Сайфиддин некўз.

Шу пайт Ахий Жаббор баҳодир Баён Темур

Беккичикнинг кўлига қаттиқ урди! Силтанган қилич срга тушиб кетди! Югуриб етиб келган Учқора чаққонлик билан оларкан:

– Ўзи яроғим синиб, яхшисини тополмай юрувдим... Худо етказди, қиличмисан қилич экан, дастингдан кетай! – деди салмоқлаб кўриб. – Қани, қинини ҳам буёққа чўз, қадрига етиш даркор, галварс! Сенга энди керак бўлмайди...

– Ол-а!.. Вой, отангни арвойи... – хезланиб кўйди Йаналтекин. – Шаҳзодамга кўл кўтармоқчи-я! Кўлингни узиб оламан, даъюс! Кўлсиз қоласан!

Ахий Жаббор баҳодир Йаналтекинга имо қилди, улар ўз оёғи билан келиб қопқонга тушган қоплондай кўзлари қонга тўлган Баён Темур Беккичикнинг кўлларини орқага қайириб боғладилар. У қаршилиқ қилишга ҳам улугурмади. Бу пайт Ахий Жаббор баҳодир настига қараб, навкарларининг Амир Тармочукни аллақачон ҳибсга олганларини кўрди.

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон қошларини чимирганча жим кузатар, саропарда ичида Соғинч хоним юрагини ховучлаб ўлтирарди.

Искандар Мирзо Кўксарой ҳибсхонасида ётаркан, манъум фармонга кўра хос лашкар гуллари – садоқатли йигирма олти навкарининг Конигилда қатл этилганини эшитди. Амирзода барини битталаб саралаб, териб-териб олганди. Айниқса отабеги Баён Темур Беккичик, Тармочукдай кўркмас, садоқатли амирлар ҳам зойи кетгани унинг ичини ўртарди. Валиаҳд шаҳзодадан аламзада ўн олти ёшли амирзода зиндондан тезда чиқиб кетаман, деб умид қилар, аммо ҳали бир йил ўтиришини билмасди.

II

Табриз кўчаларида эрталабдан одам гавжум. Хамма Давлатхона саройи олдидаги катта майдонда тикилган дор томонга оқиб боради. Хулокухон замонидан бери дорнинг шаҳар марказига ўрнатилганини биров эслолмайди. Текин томоша ишқибозлари, бскорчихўжалар, фақиру мискинлар, катта-кичик

ёш-яланг, хотин-халаждан иборат оломон хақиқат таптанасини кўришга ошиқади. Ҳар ёқдан: «Нима бўйити?», «Дорга тортармиш!», «Кимлар улар?..», «Саёқлар-да, ким бўларди!..», «Бечоралар!» деган сўзлар қулоққа чалинади.

Бораётганлар ичида кийимларига қараганда мадраса муаллимларига ўхшаган дастор саллалари икки киши ажралиб турарди. Бири чиндан ҳам мадраса мударриси, иккинчиси маҳалла имоми эди.

– Худо ҳаққи, ақлим етмасди бунга... – деди тез-тез гапирадиган мударрис. – Нима учун Мироншоҳ Мирзо купша-кундузи шундоқ номақбул ишлар қилаверади-ю уни ҳечким инсофга чакиролмайди?..

– Парвардигор кимники балога гирифтор этмоқчи эса, аввал унинг эс-ҳушини оларкан... – шивирлади имом.

– Ана қаранг, худо ҳаққи, яшнаб турган бино эди, – чап ёнда бузилиб ётган Ғозонхон саройини кўрсатди мударрис. – Отамнинг бобоси қуришда қатнашган экан, гапириб беришган.

– Эскигандир, нурай бошлагандир... – гап қўшди имом. – Юз йилга бориб қоляпти ахир...

– Йўқ, қаёқда! Бузилиш сабабини биласизму?

Кимдир бу бино тагида хазина яширинган, деганмиш... – тушунтирди мударрис. – Хазина нима қилади? Унинг устидан қулиб, майнавозчиликка айтган-да! Э-э!.. Шу баҳона буздириб юборди, ном қолдириш учун, ана бўлмасам сизга...

– Ном қолдириш учун? Бузса, нима, номи қоларканму?

– Эл-халқ фалончи бузди, деб гапирди-ку! Ном қолгани шу!

– Ҳозир энди Мироншоҳ Мирзони ҳам дорга тортадиларму? – мавзунини ўзгартиришга тиришди имом.

– Йўқ... Амир Темури Кўрагон Мироншоҳ Мирзони Ҳулокухон тахтидан азл¹ этибдилар... Қалтакка тортиб, жазолабдилар. Эшитиб суюндим, адолат бор экан!

¹ : Азл – четлатиш, мансабдан тушириш

Улар майдонга яқинлашиб келардилар. Дорнинг баланд оғочи аниқ кўзга ташланди.

– Бўлмаса, дорга кимлар тортилади?.. – эжикилаб сўранда давом этди яна имом.

– Билмагандай сўрайдилар-а, худо ҳаққи! – ўпкалади мударрис. – Бутун шаҳар гашириб ётибди-ку! Гулшанбоғдаги зиёфату базмлар таърифини эшитмаганмулар? Мироншоҳ Мирзо бир неча маишатпараст машшоқлар билан йиғилишиб, гурра-гурра базму зиёфатларни гуллантишиб, сурон солишиб, гоҳ Табризда, гоҳ Султонияда давру даврон сурдилар-ку! Одамларнинг уйи тугул, хатто келинларини ҳам тортиб олдилар-а ноинсофлар!

– Ҳа, у ноинсофларни эшитгандим... – имом бош тебратди. – Лекин бир мақол бор: подшо этади амр, кул қилади хамир, деган... Амр этиб тургандан кейин, у ёғини ўзингиз билаверинг.

– Ҳолвани ҳоким ейди, калтакни – етим, деган мақол ҳам йўқ эмас... Мироншоҳ Мирзо чўби ясоққа тортилди, машшоқлар ясоққа ҳукм этилди, ана бўлмасам сизга...

– Машшоқларнинг бошқаларини билмайман-ку, лекин Хожа Мароғий жуда зукко, нодир инсон, беназири замон эди. Шундай одамларнинг ўлиб кетавериши увол-да... – афсусланди имом.

– Адашиш зукколарга ҳам хос...

Шу пайт рўнарадан бошида кулоҳи кийшайган, бўйнига кашкулини осган, кўзлари олайган, жулдурвоқи кийимдаги бир қаландар, осмонга қараб қўлларини ўйнатганча оғзидан боди кириб, шоди чикиб, нималарнидир алжирар, бир тўда чувиллаган бола: «Жинни! Жинни!» - дея ортидан қолмасди. Қаландар ҳеч кимга қарамай, алламбало сирли сўзларни айтишида давом этарди:

*Сиймин богда ётган пари,
Кўҳи Қофдан кетган пари, ҳай!
Оқсоқ пари, Қамчин пари,
Оқсоч пари, Лочин пари, ҳай!..
Кет! Кет, бадбахт ўйнаб кўч!
Симиён бўлсанг – сувга бор!
Арвоҳ бўлсанг – гўрға бор!*

*Чангиб ётган чўлга бор,
Охири йўқ йўлга бор!*

– Ох! – деб юборди имом. – Бу ўша мен айтган Хожа Мароғий-ку! Сарикдан келган, сийрак қошли... Худди ўзи! Бечора ақлдан озибдур! Сўзларида ҳеч маъно йўқ. Девона бўлибдур!

– Ха-ха, ўша! Танийман. – тасдиклади мударрис ҳам. – Дордан қочган шекилли.

– Девона дорга тортилмайди, худо ўзи жазосини бериб қўйибди-ку! Кўриб, ўзлари қўйиб юборганлар чоғи. Хожа Мароғий ахир бир оз мароға¹ айлаб иш қилмаги лозим эрди.

– Рост айтасиз, қўйиб юборишган. – қўшилди мударрис. – Жиннилик ҳам ярашганга ярашади. Жиннини айблаб бўлмайди, дейдилар, жинни ҳар қандай гуноҳдан, жазодан холи... Жинниники узрли...

*Ўйноқчангни – ўйнат-е!
Қайноқчангни – қайнат-е!
Оқни оққа бер а, кўкни кўкка бер!
Осмонга учди, Ерга тушди...
Ҳаҳ, Имоми Аъзам вали,
Ё. Фавсул аъзам вали!
Сиздан мадад тиларман-е,
– Сиздан мадад тиларман! –*

дея алжирашдан тўхтамасди Хожа Мароғий, йироқлашиб бораркан.

– Хожа Мароғийни зукко дедингиз-а? – мударрис имомга тикилди. – Биласиз экан! Чиндан ҳам зукко! Фаҳмимча, ўзини жинниликка солган кўринади. Жинни, лекин, анови дор тагида турган соғлардан ақллироқ экан! Жонини сақлади, ана бўлмасам сизга...

– Илоҳо, айтганингиз келсин... – деди имом қаландардан кўз узмай.

Амир Сулаймоншоҳ бир неча амалдорлар қуршо-вида майдон тўриси банд этганди. Мироншоҳ Мирзо ҳам четроқдан кузатар, бир пайтлар оғзидан сўз чиқмай, амрига шай турган аъёнларнинг энди унга бепарво қараб ўтиши оғир ботарди. Ичини ит тата-

¹ Мароға(араб) – ўйламок дегани. бу ерда: сўз ўйини

лаган жойи, ёнма-ён туриб яқин сирдош ноибларини балога гирифтор этгани, фалокатдан қутқаришга эса дасти қисқалиқ қилаётгани эди.

Мавлоно Кўхистоний, Қутбиддин Найий, Ҳабиб Удий, Абдулмўмин Гўянда, Ардашер Чангийларни кўллари боғлиқ ҳолда дорнинг тагига олиб келишди.

– Хожам кўрқиб кетдилар-а... – Ҳабиб Удийнинг ажин босган юзлари бадтар тиришди. – Телбаликка юз бурибдилар...

– Дордан кўрқмайдиган борму?.. – истар-истамас деди Ардашер Чангий сўзлагиси ҳам йўқдай. – Ҳаммаям кўрқади... Аммо Хожа Мароғийнинг бундоғ одатлари борлигини сира билмагандим...

Қутбиддин Найий ёнидаги Абдулмўмин Гўяндага юзланди:

– Магар подшо бизларга дорни раво кўрибдур, демак ул ҳақ. Подшо феъл-атвори ҳар қандай муҳокамалардан холидур...

– Нималар деяисиз-а! Ҳозир шуларни ўйлаш лозимму? Кунимиз битиб турибди-ку! Нахотки сўнгги нафасларгина қолди, устод?.. – йиғламсиради кўркувдан аъзон бадани титраган ҳофиз.

– Кўз ёшларини артсунлар, беҳуда кетмасун... – юпантирди устод.

– Бандаси икки нарсани билолмас экан: қачон туғилишини, қачон ўлишини. Аммо биз биттасини билиб боряпмиз, устод... биз донишмандлар... – ҳамма нарсага қўл силтагандай гапирган Абдулмўмин Гўянданинг овози Қутбиддин Найийга кесатикли чиққандай туюлди:

– Худога зўрлик қиласизму? Бадфеъллик ҳам эви билан! Шак келтирманг! Гуноҳқорсиз, тавба денг! Тавба денг!.. – танбех берди у.

– Тавба қилдим!... Тавба-а... Та-ав - ба-а..

Ғайришуурий ҳолатга тушган Абдулмўмин Гўянда сўзини тугата олмади, кутилмаганда юрагини чангаллади-ю гурс этиб йиқилди ва шу ондаёқ жон омонатини эгасига топширди.

– Бечора ўлиб қолди! – деди кимдир.

– Йиқилибоқ жони узилибди!.. – кўшилди бошқа-

си. Бир аёл «Вой!» деб юборди. Оломон безовталана бошлади.

– Шак келтирманг, деб айтовдим-а... – Қутбиддин Найий Гўянданинг жасадига аянчли тикилди.

– Жойи жаннатдан бўлсин. Яхши одам эди...

– Нега анграясан? – дағдаға билан қичқирди Амир Сулаймоншоҳ жаллодга. – Бошингдан ажралмоқчимисан? Нўноқ! Ким сени жаллодликка кўйди ўзи?.. Анқаймасдан бошла!

– Бошлайман, амир жаноблари!

Давангирдай жаллод ҳам тезроқ ишга киришиши лозимлигини сезиб турар, бироқ куймаланиб, кимдан бошлашни билмасди. Кўп гуноҳкорларни дорга осган, аммо бугунгидайларни илк бор кўриши. Биттаси ўзини девоналикка солди, иккинчиси дор тагига бориб-бормай жон омонатини эгасига топширди... Дарғазаб жаллод дадил Мавлоно Кўҳистонийга яқинлашди, лекин гуноҳкор кўрқиб ўрнига масхараомуз жилмайиб деди:

– Устод Қутбиддин Найий барча илмда беназир-дурлар, базму зиёфатда барчадин пешво ва муқаддам эрурлар. Ахир най ҳам мусикада ҳаминча сардордир, пешқадамлик даъвосин қиладур. Ва инчунин, устод дорга ҳам илғорлик кўргизиб, ҳаммадан олдин боргайлар...

Жаллод ажабланганча атрофга аланглади, у ўз ўлимини кулги билан кутиб олаётган бундай кишиларни ҳали учратмаганди.

– Олдинроқ борганим маъқул, сизларга жаннатдан яхшироқ жой олиб қўяман, йўкса бу туришда пой-гакда қолиб кетасизлар... – деди жиддий Қутбиддин Найий ва дадил дорга қараб юрди...

Нойиблар ўлимга борар эканлар, бирортаси ҳам Мироншоҳ Мирзо томонга карамадилар... Дордаги олти сиртмоқдан биттаси, Хожа Мароғийга мўлжаллангани оғзини карракдай очиб ноумид қолган, бошқаларида эса беш жонсиз тана саланглаб осилиб ётарди...

Шу палла Табриздаги воқеалардан беҳабар Амир Тахуртаннинг Мироншоҳ Мирзога юборган элчиси

пешкашлар билан Арзинжондан келганини маълум қилдилар. Амир Сулаймоншоҳ Соҳибқирон буйруғининг адосини, Табриздаги тафтишлар оқибатини билдириш учун ҳали замон Қорабоғга жўнамоқчийди, дарҳол элчини ҳузурига чорлади:

– Сенинг сўзларинг Мироншоҳ Мирзога ҳам, менга ҳам тегинли эрмас... – ўйланиб қолди у. – Бари Амир Соҳибқирон насибаси экан. Ул зот Қорабоғдалар. Ўшал ерда қишлоқ солмоқчилар. Хабарни тез етказмак лозим! Кетдик!

Амир Сулаймоншоҳнинг тулнори учкур эди. Элчининг отини алмаштирдилар. Кечаси билан тўхтамай, Қорабоғга етганларида, азон айтган муаззиннинг ёқимли баланд овози чодире хиргоҳлар узра чаманзор водийга тарала бошлаганди:

– ...Ҳай-йа алас-солах! Ҳай-йа алас-солах! Ҳай-йа алал фалах! Ҳай-йа алал фалах! Ас-салоту хойрум мин-ан-навм! Ас-салоту хойрум мин-ан-навм!..

Дунёнинг жаннатдай пучмоғларидан бири бўлган Қорабоғ Амир Темурнинг ики суядиган масканлардан ҳисобланарди. У фурсат топди дегунча ушбу ҳавоси латиф томонларга йўл олар, баркут ўтлоқларда кезишни ёқтирар, қишларда албатта шикор соларди. Тоғ этакларида, хушбичим адирларда куюк бутазорлар яшнайдди, юқорилаб борсангиз, чангалзорлар, ерга тангадай ҳам сояни туширмайдиган япроқлари шапалоқдай-шапалоқдай дарахтларга дуч келасиз. Яна ҳам тепароқларда шинам майсазорлар, худди бахмал ёпгандай ўтлоқлар ястаниб ётади.

Амир Темур билан пири муршид Мир Саййид Барака кўчма масжидда намоз ўқиш тараддудида эдилар. Соҳибқирон муаззиннинг овозини эшитиб:

– Лоҳавла вала қуввата илло биллоҳ! – деди беихтиёр, кейин кўшиб қўйди: – Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам азонга қулоқ бериб шундай дер эканлар...

Мир Саййид Барака бош тебратиб маъқуллади:

– Оре, рост. Расулulloҳнинг ушбу ҳикматли сўзлари машҳур. «Кимки азонни эпитгон замони, – дебдилар пайғамбаримиз, – Э бор худоё, ушбу

бадастур даъват ҳамда илалабад намоз эгаси Мухаммад алайҳиссаломнинг иззу рифъатини улуглаб, неъматларингни анга бисёр этгайсен, ул зотга ваъда берилгон мақоми олийни қисмат айлағайсен, қабилдаги сўзларни айтса, уни қиёматда шафоат айлағайдурмен!», дея умматларига ҳиммат кўргизгонлар... Дуога қўл очайлик, Амир Соҳибқирон! Пайғамбаримиз шаънига қутлуғ сўзлар айтайлик!

– Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!

Бомдоддан кейин ҳам тиловат давом этди...

– Фаранг элчисини қабул қилишлари лозим. Бир ҳафтадан бери кутади... – изоҳ берди Мухаммад Чуроға додхоҳ шохчодирга киришга ошиқётган Амир Сулаймоншоҳга.

– Фаранг элчиси нега ташриф буюрибди экан, додхоҳ жаноблари? – сўради кизиқиб Амир Сулаймоншоҳ. – Ўша ёқлардан кўп элчилар келади, деб эшитганман, аммо биронтасини кўрганим йўқ...

Элчи Соҳибқиронга Франция қироли Карл VI ёзган мактубни олиб келганди. Додхоҳ ҳисоблаб қараса, Ҳумоюн ўрдуга бир йил ичида Англия қироли Генрих IV Ланкастер, Кастилия қироли Энрико III де Трастамара, Рим папаси Бонифаций IX ва бошқа хукмдорлардан анча-мунча элчилар Европага таҳдид солаётган Рум қайсари Йилдирим Боязидга қарши жангда кўмак берипи, жанг майдонида биргалашиб одим отишга даъват этилган таклифлар билан ташриф буюрибди.

– Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ... – деди Мухаммад Чуроға додхоҳ амирнинг ҳар бир нарсага бурун сукиб юрадиган, суриштирадиган одати борлигини биларди. – Кейин, Миср, Шом ва Боғдоддан қайтган тинччилар аллақачон шу ердалар. Ҳазрат уларга жуда интиқ эдилар. Хабарингизни мўътабар қулоқларига етказурман. Пешиндан кейин ташриф буюрсунлар.

Вақт имиллар, пешин ҳам тез келавермасди.

Бардоши тугаб бораётган Амир Сулаймоншоҳ ниҳоят шохчодирга кираётганда кун ғарбга оғиб қолди.

– Табриздаги барча юмушлар адо этилди, Амир Соҳибқирон! – қисқароқ сўзлашга тиришди Амир Сулаймоншоҳ, чунки Арзинжон элчисининг дарди уникидан кўра оғирроқлигини, унга тезроқ навбат бериш лозимлигини туярди. – Амирзода харж этиб юборғон девони аълои хоссага тааллуқли бори молларни бир миригача хазинаи омирага қайтартирдум... Ришвахўрларни чўби ясоққа етказдум. Амирзоданинг бошини айлантирғон ўйинчи ноибларни дорга торттирдум. Фақат...

– Хўш?..

– Фақат Хожа Мароғий-и афсунгар девонасифат қаландарга айланибди, дордан қочиб қолди...

Амир Темур таажжубда жиянига тикилди.

– Қочиб қолдиму?.. – Амир Темур ичида мамнун бўлиб қўйди, у Хожа Мароғийнинг чорқирра санъатини яхши билар, айниқса, унинг «Фотихий зарб» навосини кадрларди. – Қочғон эрса, бу худодан... демак ризқи-насибаси тугамағон... Серхунар устод бу ерда ҳам ўз санъатини намоён этибдур.

Дашном кутиб турган Амир Сулаймоншоҳ сал енгил тортди, Соҳибқирон тутумидан ажабсинганини бидирмади, бошқа нарсадан сўз очди.

– Мироншоҳ Мирзо... – у, амирзода нима қилсун, бирон юмушга кўядиларму, ёки йўқми, демоқчийди, Соҳибқирон унинг ичидагини кўриб тургандай, шартта сўзини кесди:

– Ана майдон... кенг... жангларда қатнашсун, бир бўйини кўрсатсун...

Бошқа гапга ўрин қолмаганди.

Навбат Арзинжон элчисига етди:

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари! – қўли кўксидан тиз чўкди элчи. – Жаноб Амир Таҳуртанбек арзадошти бирла ҳузурингизда турган қулингизман... Румда қайсар Йилдирим Боязид кўп бебошликларга йўл қўймиш. Оталари забт этолмаган вилоятлар, мисли Ментеша, Ойдин, Қирмиён, Қарамонларни подшоликқа қўшиб олмиш. Сивас бирлан Малатияни ишғол этмиш. Азимати-ю шавкати андоқки, отбоқарининг ўзидан ўн икки мингта бор! Черики-

нинг ададини ўзи ҳам бимайди. Кўнглини ғуруру ёмон андишалар банд этган... Кемох қалъасини сўрайдур. Амир Тахуртан жанобларига элчи юбордиким, мақсади бундок: «Сен авваллари бизнинг хифзу химоямизда эрдинг. Ёнимизда туриб, бошқа ёқларга салом берадиган одат чиқардинг. Энди тобеъликни қабул қилгайсен. Бас, Арзинжон ва Арзирум хирожини шитобан бизга жўнатгайсен!»

Амир Темур индамади, хаёлга чўмганча, мошбринч соқоли учини эзгилашга турди. «Ғурур деви унинг елкасига миниб олибди, ҳукмдорлик нафси фириб берибди, кўзини узокни кўролмайдигон даражада ёр босибди. Бандалигин унутиб, ўзига каттиқ ишониб кетибди... – ўйлади у. – Шом, Миср, Бағдоддагилар қайсар бирлан бирлашиб Турон султониға қарши найза кўтармакчилар. Балки, шу нарса қайсарға хаво берғонми...»

Соҳибкирон беихтиёр бир донишманднинг нақлини эслади: ота етти ўғлини ёниға чорлаб, синдиригиз, деб уларға етита чўп тутказибдур. Қўлларидан келмабди. Кейин, биттадан бериб чиқибди, осонгина синдирибдурлар. Кўрдингизму, чўплар бир бўлса синдиролмайсиз, ёлғизини саранжом қилиш осон, дебди ота...

«Ҳа, ҳар бири бирлан алоҳида жанг қилмак лозим, айри-айри синдирмак керак...» – ўзига ўзи леди қатъий Амир Темур.

– Мамат! Муншийни чорласунлар! Рум қайсарига нома, нома эрмас, балки насиҳатнома битилсунки, Йилдирим Боязидға муносиб бўлсун!

Амир Темур у ёқдан-бу ёққа юрар, сўзларни чертиб-чертиб айтар, мунший қоғозға туширарди.

«...Оллоҳ таоло ҳамиша ўз қадру мартабасини билгон, ўз ҳаддидан оёғини узмагон бандасини суюдур... Буқун жумла жаҳонға, хосу омға зоҳирдурки, рубъи маскун салотинлари остонамизға бош уриб мутеъликни барчадин авло кўрурлар, итоат халқасидан бўйин товламайдурлар. Айланиб турган фалакнинг ўзи тепамизда соябондир, ҳар дам бошимиздан ўрғиладур. Атроф жавониб маликлари,

офоқнинг сардорлари, жаҳон гарданкашлари амру
наҳйимизда собитдурлар,

Ишорамизга сира саркашлик қилолмайдурлар,
жаррор лашкарлар чақиндай қадамимизга монелик
кўрсатолмайдурлар.

Жаҳон шоҳлари бандаи фармон менга,
Камина қулидур бу даврон, менга...

Фаромуш бўлмасуларким, сизнинг аслу наса-
бингиз кемачи туркмонларга бориб уланиши бизга
дуруст маълумдир. Бошингизни ўрагон кибру ҳаво,
гурурдан йироқ юрингиз. Бу чоққачаким, вилоятин-
гизга таарруз¹ қилмадук, эшитгон эрдуқким, фа-
ранг кофирлари бирлан газога машгулдурсиз... Шу
сабабдин, нусратшиор аскарларимизни йиборма-
дук, табакай мусулмонларнинг тинч-омонлиги бу-
зилмағай, бединлар шодмон бўлмағай.

Эмдики сиздин лозимдур, Сивасдан воз кечғойсиз,
Арзинжону Арзирумдан илик тортғойсиз, Кемохни
каллангиздан чиқорғойсиз... Ўз ҳаддини билгон ке-
йин изо тортиб қолмағай. Вассалом!»

Амир Темур номани Мубашшир баҳодирга
тутқизиб, бир жамоат доно кишиларга бош килиб
Йилдирим Боязидга юборар экан, савдойи васваса-
ларга мубтало Рум қайсари эс-хушини ўнглаб оли-
шига, ундан инсоф доирасида жавоб келишига асло
шубха қилмасди, ахир уни сермулоҳазакор, босиқ
хукмдор деб эшитган.

Бироқ Йилдирим Боязиднинг кутилмаган ниҳоятда
киска ва лўнда жавоби Амир Темурни лол этиб
қўйди.

«...Кўнглум сезиб турурким, биз Турон султони
била урушқайбиз. Ул келсун, агар ул бери келма-
са, ўзим черикимни олиб Табриз ва Султониягача
боргаймен!..»

– Йилдирим Боязид, чамамда, арслоннинг пешо-
насини кашлаб кўрмоқчи, шекилли... – кулди Муҳам-
мад Чуроға додхох Мубашшир баҳодирга.

¹ Таарруз(араб) – тегиш маъносига

– Филнинг хартуми билан ўйнашмоқчи десангизчи! – уни тасдиқлади баҳодир.

Атрофидаги кишиларнинг қутқуси, васвасалари Амир Темурга нисбатан заҳарга тўла пинҳон ним-косалардан чиқаётганининг фарқига бормаган, Европани титратиб турган, дунёда ўзини ягона сезган усмонли император ўйламай босган биргина қадами даҳшатли воқеаларга олиб келиши мумкинлигини мутлақо хаёлига келтирмасди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

I

Самарқанддан келган чопар маҳди улё Сарой-мулкхоним мактубини етказиб, Соҳибқирон кўнглини хушнуд этди. Аммо хижил жойи ҳам бор экан, буни мактубни ўқигандан кейин билди.

Номдор фарзандлари, комкор хотинлари, зийнатдор келинлари, ширинтой набиралари дийдоридан баҳраманд бўлган, кўзлари равшан тортган Амир Темур уларни қайтариб юборгач, машаққатлар чекмай етиб олишдими экан, деган ташвишда эди. Шунга ҳам икки ойдан ошиб кетди.

Соҳибқирон йигирма куннинг қандай ўтганини билмай қолди. Сароймулкхоним, Чўлпон Мулк оқа, Хонзода хоним, Гавҳаршод бегим, Абу Бакр Мирзо завжаси Шоҳмулк оқа, Умар Мирзо ҳарами Поянда Султон бегимлар, яна маликалар, канизаклар бир тарафдан, Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон, Бойсунғур Мирзо ва бошқа набиралар бошқа тарафдан шоҳчодир атрофини обод этдилар. Барини Соҳибқироннинг ўзи чорлатди. Соҳибқирон набираларга совғалар тайёрлаб қўйган эди. Улуғбек Мирзони ёнига чорлаб, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган сиёҳдон ва қалам, кичиккина нақшинкор курси, мўъжазгина лавҳ ва алифбо берди. Иброҳим Султонга соҳига ёқут қадалган ноёб қайрилма ханжар, Бойсунғур Мирзога гижинглаган чиройли зарҳалланган от ҳайкалчасини ҳадя этди.

«Қутлуғ бўлсун!», «Қутлуғ бўлсун!» деган овоз-

лар янгради. Набираларнинг шодлиги чексиз эди. Улар буюк боболари тўни этакларини уч марта ўпиб, кўзларига суртдилар. Амир Темур ҳар уччовини ҳам бағрига босиб, бошларини силаб кўйди. Хонимлар, келинлар ва канизакларга ҳам алохида-алохида тухфалар инъом этилди. Барчалари ўринларидан туриб таъзим бажо айладилар.

Чоршанба куни чоштвоҳ палласи жаннатмакон Қорабоннинг хушманзара жойларидан бирида, бутазорлар қонлаган адир ўртасидаги, худди шундай дилтортар мажлислар учун яратилгандай сўлим ям-яшил ўтлоқда гиламлар солиниб, кўрпачалар тўшалди. Илохий неъматлар безаган шоҳона дастурхон жозибаси киши баҳри дилини очади. Синчиклаб қараган одам, дастурхонга бутунича қайнатилган кўйни, ерўчоқда димлаб пиширилган зираворли қирғовул, куён, товук гўштлари кўйилганини кўрарди. Куйкўшиқлар, сўлим наволар дилларни аллалайди. Малика Тўкал хоним ва канизаклар меҳмонлар атрофида парвона...

Офтобнинг ҳалим нурига йўғрилган майин ёкимли шабада жонларга ором бағишларди. Теварак атроф кенгликлардан иборат, олис-олисларда бир-бирига уланиб кетган гўзал қишлоқлар, қуюқ ўрмонлар якқол кўзга ташланарди.

Дастурхонга Ўзганнинг девзира гуручидан тайёрланган, хушбўй хиди бурқиб турган зарчўвали палов тортилган ҳам эдики, Самарқанддан хушxabар етди: амирзода Халил Султон харами Жаҳон Султон бегим ўғил кўрибди!

– Оллоҳга шукр! – деб юборди маҳди улё Сароймулкхоним. – Нурбахш талъатли, фалак мартабали ўғил муборак, Амир Соҳибқирон! Чевара туғилибди, чевара! Келиним оғирбўй эди-да ўзи, энага Холдона бибига тобшуриб келдим... Кўнглим тинчимай турувди. Хайрият!

«Чевара муборак! Чевара муборак!» – дея ҳамма Амир Темурга юзланди. Соҳибқирон мамнун Хонзода хонимга каради ва манглайдан ўпиб деди:

– Набира қутлуғ бўлсун, онакизим!

– Кулдук, кулдук! – таъзим қилди Хоразм маликаси. – Етказғонига шукр!

– От қўйиб берсунлар, Ҳазрат! – сўради маҳди улё одатдагидек.

Амир Темурнинг кайфияти чоғ эди.

– Фарзандлар аждодлар умрини давом этдириш учун туғиладурлар, – деди у. – Оқибатда узилмас занжирдай авлодлар силсиласи вужудга келгай, миллатни қувватдор этгай. Чеварамизнинг толеи хам ёруғ бўлсун. Андоғ вояга етсунки, унинг улуг шижоати бирлан номимиз олис-олисларда хам донг таратсун! Чеварамга табаррук бобомиз Амир Буркул отини қўйдук! Бас, аждодлар исми ўчмасун, авлодларда жамол кўргизсун! Буркул Мирзо ибн Халил Султон!

«Буркул Мирзо!», «Буркул Мирзо!» деган овозлар таралди. Хонзода хоним кўзлари қувонч ёшлари билан сийланганига назари тушган Гавҳаршод бегимнинг хаваси келди ва беихтиёр Улуғбек Мирзо билан уч яшар Бойсунғур Мирзоларга қаради. Унга хам шундай набиралар, чеваралар буюрсин, илоҳи.

Буркул Мирзо таваллуди сабаб бир неча кун подшоҳона тўйлар тўйларга уланди...

Соҳибқирон Сароймулкхоним мактубини ютоқиб ўқишга киришди. Нафсиламирини айтганда, маликалар Қорабоғда бўлганларида, ажабо, катта малика билан хотиржам гаплашишга, кўнгилдан сирлашишга фурсат хам топилмади. Бу ёқда набиралар, у ёқда маликалар, келинлар... Вақт зик, чунки қурултой чақириб қўйилган, узоқ-яқиндан амирлару беклар, ашроф-акобирлар йиғила бошлашган эди.

«Суюнгон баланд тоғимиз, хазон билмас богимизнинг миришкор богбони, бошимизнинг соябони, кўнгимизнинг Соҳибқирони Ҳазратим жаноби олийларига...»

Қорабоғда кечгон нурафшон кунларнинг завқивақиди, тақдирнинг нурли дийдорингизни насиб этишдек буюк илтифоти хаёлларига мустағриқ бўлиб, ўзларининг амри фармонлари бирлан Самарқанди фирдавсмонандга қандоғ етиб келгонимизни

билмай қолдук... Хонзода хоним ҳам шундоғ дейдилар. Гавҳаршод бегимни Ҳиротда қолдирдук. Кўз тегмасун, келинларимиз бинойидек, улардан кўнглим тўқ. Оллоҳга шуқр, мана, Боғи Чинордамен. Келсам, ўзлари ёқтирадургон қимизак олмагарқ пишибдур. Доим қизил-қизилларидан териб берардим... Бирам чиройлик! Оғизлари тегсун, деб чопардан бериб юбордим.

Валиаҳд Муҳаммад Султон, суюкли набирамиз, қарсиллаган йигит, ҳафтада икки марта Кониғилда ҳарбий машқлар ўтказадур. Келинимиз Соғинч хоним бир оз товлари қочгон эрди, Сизга билдирмадук, ҳозир сиҳҳатлари яхши. Шаҳзодам ёнида Кониғилдаги машқларга борадур. Советга чулганиб, бошига дубулга қўндириб, ёнига қилич осиб олса, нақ қирчиллама йигит дейсиз! Ярашгонини айтмай-сизми!

Амирзода Искандар қиссасидан шаҳзодам ўзларига хабар берибдурлар. Не қилайликки, шундоғ кечди... Қорабоғга боргонда бу ҳақда атай сўз очмадук. Биламен, ўзларига оғир ботадур... Ботадур, ўзимизнинг ҳам дилимиз қийилди. Аммо зинҳор муборак кўнғилларига олмасунлар! Оллоҳга шуқр, олийнасаб амирзодалар барчаси инсофли, диёнатлидурлар. Ўзларининг қаттиқ низомдаги, олий тартибдаги шарафли ҳаётларидан ибрату улғи олгонлар, Ҳазратим! Ўзларига ўхшаб, ўқигон билимларини, топгон тажрибаларини ишлатмай асраб, сандиққа солиб қўядургонлардан эмаслар. Бари юртни бошқаришда, умр пиллапояларида қадам ташлашда қўл келадур. Уларнинг ниятлари пок, ҳар бир қадамни эгилик йўлида қўймоққа интиладурлар. Ўзлари, Ҳазрат, Жетага олти марта отландилар, Искандар Мирзо набирамиз шу қутлуғ ниятингизни охирига етказмоқчийди. Аммо шошилғони, шаҳзода билан кенгашмағони унинг хатоси. Муҳаммад Султон барини кўрмаганга олса, бу ҳам хато бўлур эрди. Эл-халқ не дейдир? Ва у салтанат низомига биноан адолат юзасидан иш кўрди... Ахир валиаҳд шаҳзоданинг ўзлари Жетага юриш қилиш ниятида жўнаб, Туркистонга

етгонларида амирзода қилмишларидан хабар топдилару иложсиз ортга Самарқандга қайтдилар...

Энг ёмон қўрқадигоним: фарзандларимиз амирзодалар ўртасида низолар чиқмасун, шунга йўл бермаслигимиз лозим. Илоҳи, шундан асрасун...

Оз фурсатдин сўнг Султонияга қайтажакмиз...»

Соҳибқирон мактубни ўқиғач, ўйлашиб қолди: «Нима сабабдан, бир онадан туғилган, бир боғда яшаган, бир кўчада югуриб юрган, бир хаводан нафас олган, бир хил кийим кийган, бир хил таом еган, бир устоздан тарбия олган болалар турфа хил сажияли одам бўлиб вояга етадурлар?.. Ана Қорабоғдаги гулзорда бир гул... бир илдиз, бир поя. Аммо япроқлари қайчи-қайчи ям-яшил, гулнинг барглари қатма-қат, кип-қизил... Битта поя икки хил рангни қаердан олди?..»

Чунон кўшиш қилди, бунинг сир-асрориши илғолмади. Ҳа, бу башар фарзандининг ақли етмайдиган, фақат яратганнинг иродасига боғлиқ илоҳий синоат...

Мухаммад Чуроға додхоҳ Шом ила Мисрга отлашиш ҳақидаги хабардан астойдил таъвишлана бошлади. Тўғри, Турон лашкари илғор, ортга қайтмас, баҳодир, қадами етмаган қалъа, забт этмаган мамлакат йўқ. Ҳали қалъа, мамлакат экану тоғ учраса текислаб ўтиб кетади. Аммо қўшинга ҳам хордик бериш керак, хориб-толган аскарнинг шиддати кесилган бўлади. Ахир ўтган йили Ҳиндикуш тоғларида юрган лашкар бугун чакмоқдай елиб Гуржистон тоғларини забт этиб, Румда Сивасни илғол қилиб турибди! Ҳайратларга тушса арзийдиган ходиса! Худо шижоату нусрат ато этсун!

Мухаммад Чуроға додхоҳ, шуларни ўйлар экан, қурулғойда сўз олишга журъат этди. Чунки салтанатда Соҳибқиронга фақат икки киши – махди улё Сароймулкхоним ва мулозим Мухаммад Чуроға додхоҳларгина ўз фикрини ўтказа оларди.

Қурулғой Қорабоғнинг юкорида зикр этилган сўлим ям-яшил ўтлоғида бўлиб ўтмоқда эди.

– Бир қошиқ қондан кечасиз, Амир Соҳибқирон! – таъзим этди додхоҳ. Одатда, у холи қолган пайтларидагина Соҳибқиронга ёриларди. Лекин айрим

амирлар унга ёлборишиб, бизнинг олдимизда Ҳазратга сўз очингиз, кейин биз ҳам кўшилишамиз, дея ўтинишди.

Амир Темур додхоҳга «Нима демокчисен?» дегандай таажжуб-ла тикилди.

– Жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон! – таъзим бажо айлади Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Зафарнишон черигимиз Ҳиндистонда ҳам, Эронда ҳам, Гуржистонда, Румда ҳам тиним билмади, ҳеч қаерда бир лаҳза ором топмади. Энди Миср ила Шомга отланиб турибмиз. Ул мамлакатларнинг қудрати ва яроғи оламга манхур. Агар карам айлаб, черикка бир неча кун ҳордиқ инъом этсалар, уйларида бўлиб, фароғатда куч тўплаб, ўзгача шавқу шуқуҳ бирла майдонга отилгай ва душманни чилпарчин этгай эрди...

– Додхоҳ жаноблари хўб айтдилар... – қўллаб-қувватлади амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку додхоҳга маъноли қараб қўяркан. – Лашкаримиз арслондай илғор, аскаримиз бургутдай олғир... Жумла жаҳон кўриб турибди. Лекин бургут ҳам парвоздан олдин қояга бағрини бериб куч йиғар экан, дейди машойихлар...

– Миср ила Шом қудратли мамлакатлар, хайриятки, салобатингиздан Рум сори қочғон Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойирлар уларга кўшилолмади қолдилар... – босиқ деди Шохрух Мирзо. Ҳамма Мироншоҳ Мирзо ходисасидан кейин, баланд девор олиб ташланганда бутун бўй-баста яққол кўринган чинордай, салтанатда нуфузи ортиб бораётган амирзодага қаради. – Шероздан Пир Муҳаммад Мирзони, Бағдоддан Абу Бакр Мирзони чорласак... Амир Шохмалик, Шайх Нуриддин баҳодирлар кўшинлари ҳам етиб келишса... Чақмоқдам лашкаримиз ўтган ҳафта Сивас қалъасини мусаххар айлади. Толиққан кўшинга бир оз дам берилса айни муддао бўлурди, валинеъмат Соҳибқирон! Тағин бир андиша борким, бизлар Мисру Шом ўрнига... Румга от солишимиз лозим эрмасму эди?..

Яна тўрт-беш киши бу ҳақда сўз юритди. Соҳиб-

қирон барини охиригача эшитар экан, бутун қурултой ахлида ўхшаш фикрларга мойиллик сезди.

– Эй олийқадр амирлар, амирзодалар, баходирлар! Қандайдир шубҳалар хаёлингизни ўраб олгонини кўриб турибмен. Нечун, бизни писанд қилмагон Рум қайсари ёнида туриб, унинг таъзирини бериш ўрнига мутлақо тесқари томонга – Миср ва Шомга йўл олаётирбиз? Сизлар бундан таажжубдасиз. Ҳа, таажжубдасизлар... Ҳозирча Сивасни мусаххар этиб, Малатияни ром айлаб Турон салтанати куч-қудратини озгина билдириб кўйдук... Халлоки безаволга салламно! Агар сирлар қатини чуқурроқ очсам, биз Рум қайсари билан урушмасбиз, ундоғ ниятимиз йўқ. Ул фарағг газотига шайлангон. Лозим эрса, асқар беройбиз. Бизга Қора Юсуфни қайтарса, Султон Аҳмад жалойирни мамлакатидан чиқариб юборса, Арзинжон, Арзирум, Малатия, Сивас музофотларига дахл этмаса кифоя. Мусулмоннинг мусулмон билан савашмоғи нораводур. Аммо мусулмоннинг ичида кофирдан бадтар, тил уқмас мусулмонлар бор, ҳам фитначи, ҳам фасодчи! Оллоҳдан умидворменким, Йилдирим Боязид инсофга келгай, талабларимизни адо этгай. Бунни кутмак керак. Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўйғонбиз ахир...

Амир Темур сўзим қандай таъсир этаётган экан, дегандай, бир неча лаҳза тўхтади-да, атрофга бир қараб чиқди ва давом этди:

– Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборақ ҳадисларида шундоғ деганлар: «Агар Ҳақ таоло ўз қазою қадарини бандалар устига йўналтиришни хоҳласа, ақлли кишилар эс-хушини тортиб олади, воқеа содир бўлгач, уларнинг ақлини яна ўзларига қайтаради, токи бандалар бу борада ўйлаб кўрсунлар ва хулоса чиқарсунлар...» Нечоғлик улуғ хикмат! Бунга қулоқ тутмак лозим. Етти йил аввал Бағдоддан Миср султониға подшоҳона тухфалар ва ҳадялар бирлан зийнатлангон элчи юбордик, токи ҳамсоялик ҳаққига риоя айлаб дўстлик қопқолари очилсун, борди-келди йўлга қўйилсун, жанглардан бирида Қора Юсуф тутиб олган ғуломимиз

Амир Аталмиш асирликдан озод этилсун, деб... Чиндан ҳам, Ҳақ-таоло Мисрнинг ақлли кишилари эс-хушини олиб қўйибди! Элчимизни ҳеч бир сабабсиз мулозимлари билан қатл этдилар. Улар Соҳибқирони муаззам Чингизхон билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аччиқ қиссасини билмас-мудилар? Ҳамият юзасидан, такрор ва такрор элчилар жўнатдик, аммо толеи терсга бурилғонлар ҳали ҳануз сўзимизни назарга илмайдулар, етти йилдан бери зиндонда азоб чекаётган Амир Аталмишни бизга юбормайдулар. Уни ўйласам, жоним ачийди, жаноблар! У бизларнинг биримиздур. Чивиннинг елга тенг келолмаслигини, зарра-ю гарднинг ҳавода мутлақо вазни йўқлигини англай олмайдирмулар? Ўзлари сувда туриб шамолга суяниш хатарлигини билмайдирмулар?..

Орага жимлик чўкди. Ҳамма ўзини айбдордай сезар, сўз очишга биров журъат этолмасди.

— Амир Соҳибқирон! Қалтароқ ўйлабдурмиз. Жон роҳатимиз ғамини чекибдурмиз. Маъзур тутадилар... — деди Соҳибқирон сўзини тугатди, деб ўйлаган амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку ўзини оқлашга интилгандай: — Ул жоҳиллар, амир Аталмишни ҳибс этиб, талабингизни инобатга олмай, ўзларига баланд баҳо берибдурлар, худдики филнинг хартумига қўл узотиб ҳазиллашмоқчи бўлибдурлар...

— Худди қуён узоқдан туриб йўлбарсга пўзписа қилғондек, десангиз-чи! — қўшилди Мубашшир баҳодир.

— Агар, — босиқ деди Соҳибқирон бу гапларни эшитмагандай, — энди Миср ила Шомга бормасак, биз гуноҳкор бўлғайбиз, инсофсизга чикқайбиз. Энг ёмони, улар бизни олисда туриб сўзда қўп дағдағалар намоён этадурғон, амалда эса яқинлашишга ботинолмайдурғон қўрқоқ кимсалар деб таърифлаб фарзандларига сўйлаб мақтанадурлар, устимиздан куладурлар, ўзларини осмонда сезадурлар... Зарра-нинг ҳавода оғирлиги йўқ эрса ҳам, ўзини офтобга солишни хуш кўради. Бундай тавқе ланъатни бўйнимизга олишга номусимиз йўл бермайду!

Пири муршид Мир Саййид Барака Соҳибқироннинг жўшқин сўзларини тингларкан, уларнинг биронта-сига эътироз билдириш мумкин эмаслигини сезди. Сўзлардаги босиқлик, чуқур маъно, ўткир мушоҳада, терап мантиқ юзага тепчиб турарди. Ҳар бир калом ўйлаб айтилган, залворли, кўнгилга етиб боради.

– Номусимиз йўл бермайдур! – деб қичқирди Шохрух Мирзо ҳаяжонини яширишга ожиз қолиб.

Изма-из:

– Амир Соҳибқирон рост дедилар!

– Шомға борғайбиз!

– Мисрға! Мисрға!- деган садолар янгради.

«Миср билан Шомға юришимизда икки фойда, бир зиён бордур. – ўйлади Соҳибқирон ўзича. – Биринчидан, Рум қайсарини Амир Темур юртимизга қадам босмас экан, дея хотиржам қилғайбиз, иккинчидан, Миср ва Шомни айри-айрича мағлуб этғайбиз, токи ўрнидан туrolмасун, ўнгланолмасун. Йилдирим Боязид билан оқибатда тўқнашиш манг-лайда ёзилгон эрса, ҳеч қайсиси унга ёрдам қўлини чўзолмасун. Зиёни – бу юриш, шубҳасиз, бизларга ортиқча меҳнат, оғир машаққат...»

Амир Темур тин олди ва кунчиқишдаги тоғларга тикилди. Жуда ҳам чиройли манзара унинг диққатини ўзига тортди. Тип-тиник, мусаффо уфқда чўкки те-пасада ғуборсиз бир савам нозик оқ булут қўнайми, қўнмайми, дегандай илҳақ осилиб турарди. Одам-нинг хаёли ҳам, қалби ҳам қўнимсиз-да. Кўрди-ю негадир эрта кетган қизини эслади. Эҳтимол, бу-лутнинг тозалиги қизининг покдомонлигига ўхшаб кетдими. Булут, ажабо, оққа чулғаниб олган қизга менгзарди. Қизи ҳам хамиша шу оқ булутдек оппоқ кўйлақлар киярди, шу булутдек гардсиз, малолсиз, бедоғ, бамисли ҳур қизлардек маъсума эди... У оқ булутмас, Оқа бегимнинг учиб юрган безовта рухидир балки...

– Фатҳу нусрат ҳам Ҳазрат Ҳаққдин келадурғон бир ҳадядурким, унинг қадрига етмак даркор. – давом этди Амир Темур булутдан истар-истамас кўзини оларкан. – Ҳазрат Ҳаққ хамиша мушқули-мизни осон, душманларни яксон айлағай. Фурсатни

иликдан бермак кечирилмас гунох. Черикимнинг азимати ва шавкатида, Оллоҳга шукр, ҳеч бир қусур йўқдир. Ҳимматни баланд тутмак керак ва кўнгилни Оллоҳга бағишламак жоиз... Илоҳий нусрат бизни-кидур! Туронга бўрон қофиядур, жаноблар! Халлоқи безаволга салламно! Ҳа, улар бизни билмайдурлар, билғонларида кеч бўладур!

– Филҳақ рост, эй аҳли жамоа! – Жаҳоншоҳ ибн Жоку энди ўзини ўнглаб олган эди. – Амир Соҳибқирон озгина фурсатда Ҳиндистон шаҳарлари, қалъаларини забт этиб, Гуржистон ва Арманистон мамлакатларини тасхир айладилар. Ўзимиз гувоҳмиз. Ақл бовар қилмас шижоат! Бундоғ поёнсиз катга ва нотекис майдондаги савашларда ҳатто Искандар Зулқарнайнга боққан одам, саркарда давлатининг оти минг бир жойда қоқилиб-соқилиб йиқилганини кўрарди!.. Филҳақ, рост, черикимизнинг азимати ва шавкатида, Оллоҳга шукр, ҳеч бир қусур йўқ!

Барча амирлар қўлларини дуога очдилар, ер ўпиб итоатда эканларини билдирдилар. Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳам, Шохрух Мирзо ҳам бирон нима дея олмадилар. Орага сукутдан бошқа нарса сиғмас эди.

– Амир Соҳибқирон! – сўзга кўшилди шу пайтгача жим ўтирган пири муршид. У ножўя таклиф киритиб хижолат бўлган амирлар юкини бир оз енгиллатмоқчи, вазиятни юмшлатмоқчидай эди. – Парвардигорнинг чеварлигини ўйласак, ҳайратлардан ёқа тутарбиз. Оллоҳ бани башар тақдирларини битғон бир китоб борким, Лавҳул Махфуз дерлар. Унинг узунлиги Ер билан осмон оралиғича, эни Мағрибу Машриқ ўртасига тенгдур. Оллоҳ таоло ҳамма нарсадан аввал мазкур Лавҳ билан Қаламни яратиб, то қиёматгача бўлажак ишлар ва нарсаларни, илоҳий китоблар, тақдиру қазони ҳам Лавҳга битиб қўйғон... Ҳадисда дейилмишки, Оллоҳ саҳифалари ёқутдан ишланган Лавҳул Махфузни оқ дурдан бунёд этғон. Қизилдир. Қалами нурдир. Китоби нурдир. Ҳар куни унга уч юз олтмиш маротаба назар солур. Халқ қилур. Ризқ берур. Ўлдирур. Тирилтирур. Азиз қилур. Хор этур. Хоҳлағон нарсасини қилур...

Қуръони карим ана шу нурафшон китобда сақлангон. Худди ўшал Лавҳул Маҳфузда Шом ерлари интиқом лашкарига манзилгоҳ бўладир, деб битиб қўйилгон экан... Муборак Ал-Исро сурасида дейилмишки: «Агар биз бирор шаҳарни хароб этишни хоҳласак, у шаҳарнинг боёнларидан марҳамат назаримизни четлатурмиз, улар фиску фужурларга ботурлар. Шунда уларни жазолаб, рўзгорларидан ҳалокат дудини чиқаргаймиз.» Бас, уларнинг қилмишларидан худо ҳам, бандаси ҳам норизодир. Оре, рост, бағоят ҳақдурлар, Амир Соҳибқирон! Шомга бормак вази-фангиздур!

Мир Саййид Барака сўзлар экан, чап елкасига тушиб турган дастор салланинг печи силкиниб-силкиниб қўяр, юмалоқдан келган юзлари ҳаяжондан қизариб кетган, манглайида битта-ярим тер томчилари кўринарди.

– Лавҳул Маҳфузда Шом ерлари интиқом лашкарига манзилгоҳ бўладир, деб ёзиб қўйилгон эрканму?.. Халлоқи безаволга салламно! – деди Амир Темур. Бирдан унинг хаёлига фикрлар қуюлиб келди: – Эшитар эдикки, Шомда бир пайтлар Муовия билан Язидлар ҳукмронлиги даврида расулуллоҳ авлодларига, яъни Алийи Муртазо ва унинг қиёматли жуфти ҳалоли Фотимаи Заҳро фарзандларига қўл азиятлар етказгонлар. Шом халқи уларни қўллаб тургон. Бундан бағоят таажжубда эрдим. Барча пайғамбарларнинг афзали, хотам ул-анбиё умматларидан бир тоифаси ул зотнинг ҳидоятлари нури бирлан залолат зулматидан чиқиб, дўзах зиндони – мушрикликдан беҳишт бўстони – исломга етишгон эрса-ю, қандоғ қилиб ул зотнинг муборак хонадонига шундоғ зулму бедодликлар ўтказадурлар, деб хайратда эрдим. Энди у нақлнинг зимнига етдим. Шундай қавмга Ҳаққ субҳонаҳу таоло бало юбормайдирму ва уларни укубатга гирифтормайдирму?..

– Лоҳавла вала қуввата, илла биллоҳ! – деб юборди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

– Ё рабий! Лавҳул Маҳфузда битилган-а!

– Шомга юриш ўзи рўзи азалда бор экан-да...

- Бари Оллоҳдан...
- Худонинг ғазабига учрабди...

Даврада таажжуб оҳангида янграган ушмундоқ сўзлар қирғоққа урилган тўлқин оҳиста ортига қайтгандай, бир муддат шивир-шивирларда давом этгач, тинди.

– Амирзода Шохрух бир жамоат беклар ўрамида илғор йўсини била илгари борсун! Амир ул-умаро! Турон лашкарига тартиб берилсун! Шомга мутаважжих бўлғайбиз! – деган олий фармон сўзлари янгради қурултой ахли узра...

II

Ҳалаб ҳокими Темуртош шимол тарафдан урушнинг этни жунжиктиргувчи ёқимсиз изғирини эса бошлагач, – бу пайтда Турон лашкари Биҳишти қалъасини ишғол этиб Ҳалабга яқинлашиб қолгани, – вазиятни чамалаб кўриб, қаттиқ ташвишга тушди. Зудлик билан маслаҳат сўраб Қоҳирага, Миср султони Фаражга элчи юборди.

Салтанат кўзининг нури, мардлик майдонида тўп суришга моҳир Шохрух Мирзошижоати худди шу, баланд тоғда жойлашган Биҳишти қамалидада ёрқин кўринди – бир жамоа амирлар билан катта дарвозали, буржу тош деворлари мустаҳкам қалъани узук ҳалқаси каби ўраб исканжага олди. Яқин тепаликда чодир тиктирган Соҳибқирон ўғлининг ҳаракатларини кўздан кочирмасди. Қалъа ичидагилар айланувчи манжаниқдан кутилмаганда Соҳибқирон чодирга қараб тош отдилар, аммо тош манзилга етиб бормади. Дарҳол ўша ерни мўлжалга олдилар, бир хамладаёқ манжаниқ пора-пора бўлди.

Бирдан падари бузруквори кузатиб турганидан кучи танасига сиғмаган, «хай-хай»лаб амирлару баҳодирлар атрофида елиб-чоңиб юрган Шохрух Мирзо фармони эшитилди:

– Қалъа теварагини аскарларга ўлчаб берилсун! Барча нақб¹ кавлашга киришсун!

¹ Нақб(араб) – лаҳим, тешик.

Кўп ўтмай, деворининг таглари ўйилиб, ковакларга айланган қалъа аллақандай илма-тешик улкан дастгоҳ устида турган вайрона омонат иморатга ўхшаб қолди.

– Нақбларга ўт қўйилсун! – кичқирди Шохрух Мирзо. Хари тираб қўйилган буржлар, имораглар қулаб туша бошлади...

Қалъадаги қозилару имомлар пешкашларни топшириш асносида, Амир Темур хузурида Шохрух Мирзодан шафеъ бўлишни ўтиндилар. Соҳибқирон амирзода шафоатини қабул этди, қалъа аҳли гунохидан ўтди.

Буни эшитган, Биҳиштидаги ҳодисалардан хабар топган дарғазаб Миср султони узоқ кутдирмади – элчи кўлига қуйидаги фармонни тутқазди:

«Шомдаги вилоятлар ҳокимлари ва доруғалари ўз қўшинларини олиб душманга юзма-юз чиқмак учун Ҳалабда йиғилсунлар! Турон лашкари юртга киритилмасун!»

Энг аввал йигирма бешларга борган, Дамашк вилоятининг кичик жуссали, ёшлик шижоати барқ урган, қизиққон, шаддод ва кўркмас амир ул-умароси Сайди Судун етиб келди. Изма-из Антокия, Баалбак, Тарабулис, Канъон, Қуддус, Қалъатур-Рум вилоятлари ҳокимлари йиғилдилар. Ҳалаб жанубидаги кенг дала-майдонни тутган улкан черик қайнаб ётган қозонни эслатар, саййидлар, қозилар, оқсоқоллар, имомлар, мударрислар, кадхудолар чехраларида беомон даҳшат шарпаси сезилар, кўнгилларни сирқиратарди.

Ўзларини шердек, йўлбарслардек, қоплонлардек хис қилган Шом аскарлари, аксинча, дунёда биронта қўшин уларга тенглаша олиши мумкинлигини сира хаёлларига сиғдиришмас, майдонда савлат тўкиб, шовқин солиб, фурурланганча у ёқдан-бу ёққа юришади. Узоқлардан худди майдонда юз бераётган синоатни кўрмоқчидай кўкка бўй чўзган Ҳалабнинг баланд миноралари кўзга ташланади.

Элликни қоралаган Ҳалаб ҳокими Темуртош,

босиқ, андишали, ҳамиша кейинини ўйлаб қадам кўядиган ўрта бўйли, паҳлавон келбат одам эди. У тепаликка чиқди-да, йиғилганларга юзланди:

– Бошимизга мушкул кунлар тушиб туриб-дур... – деди у. – Бостириб келаётган одам худо назар қилган одамдур. Ҳар сориким борди, ул ер мусаххар бўлди. Кимки муҳолифат йўлини тутди, хор-зорликка юз бурди... Зобулистону Хиндистон, Табаристону Ироқайн, Ҳузистону Гуржистон, Озарбайжону Олтин Ўрда... Эрону Туронда бирон кишида ҳол йўқким, унинг кўзига тик боққай. Барча гарданкашлар ҳузурида итоат халқасини гуноҳкор кулоқларига такдилар. Кўзимизни очайлик, биродарлар... Ягона фикрда иттифоқ бўлайлик...

– Оқсоқ Темур бизга ким бўпти?.. – ғазабнок савол ташлади Ҳамо ҳокими Дўқмоқ майдоннинг ичкарироғидан. – Нега биз ўйлашимиз керак? Керакми, – у ўйласун!

– Жанг! Жангга! Ҳали душман сичқоннинг инини минг тангага сотиб олади! – қичқирди Канъон ноиби ҳам ортда қолмай.

– Олади, олади!

– Олмаям кўрсин-чи!

– Жим бўлинг-е! Сал ўйлаб гапиринг! Яхши гап-гаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейди!

– Таъзирини ейди хали! Буни мен айтаяпман, эсингизда тутинг!

– Подадан олдин чанг кўтарманг, эй халойиқ!

Ғало-ғовур ичида биров бировни эшитмасди.

– Нима таклиф қилғайлар, ҳоким жаноблари? – баланд овозда сўради Темуртошдан чапда турган амирлардан бири.

– Агар аҳли жамоа розилик билдирса, иккита мактуб ёзсак. Бири – султон Фаражга, иккинчиси – Темур Кўрагонга. Зора мураса йўлини танласалар, токи эл-юртга зиён-захмат етмаса... Инсоф сари барака, дейдилар ахир. Бало-офатнинг олдини олмак ақлли инсонлар вазифасидур. Юртимизни балоқазодан асрайлик! Содоту куззот, уламою машойихни ўртага солиб элчилар юборайлик... Тухфалар ва

тортиқлар қилайлик. Итоату сулҳ йўлидан юрмоқ энг адолатли қадам ҳисобланур!

Иттифоқо, жигарранг баҳмалга ўхшаш авра тўн кийган Ҳалаб қозикалоии Шарафуддин ал-Ансорий ёнида нозиккина мўйлабларига оқ оралаган, соқоли калта қирқилган, истараси иссиқ, мисқоли салласи шолғомдек силлиқ ўралган бир киши турар, ҳайқириқли сўзларга, жунбушга тушган одамларга хайрат-ла боқарди.

– Ҳайрон қолмангиз, мавлоно Низомиддин Шомий жаноблари! – шивирлади унга Шарафуддин ал-Ансорий. – Сиз муаррихсиз, биласиз, тарихда ўхшаш воқеалар бисёрдур...

Ҳижоз сафарига бораётган Низомиддин Шомийни бир кун аввал шаҳарда учратган назоратчи қоровул, бу бегона одам душман жосуси эмасмикин, деган хаёлга борди-да, бир жойга қамаб қўйди ва дарҳол шаҳар қозиси Шарафуддин ал-Ансорийга маълум қилди. Мавлонони ғойибдан таниган қози қутқариб олгандан бери эҳтиёт юзасидан уни ўзидан узоқлаштирмайди.

«Бу кишилар куч-қувватга тўлган Амир Темур Кўрагонни яхши билмайдилар шекилли... Билганларида ҳар хил гапларни гапирмасдилар. Замона тажрибасини озроқ кўришғон эканлар-да бари.. Афсус..» – деб қўйди ичида муаррих.

Амир ул-умаро Сайди Судунга бу гаплар ёқмай турар, тишини тишига босганча гаши келиб эшитарди. Одатда, бундай издиҳомда, энг аввало, нуфузи баланд Шом пойтахти Дамашқнинг амир ул-умаросига сўз берилиши, ундан кенгаш сўралиши лозим эди, аммо уни оёқ учида кўрсатгандай, «хе» йўқ, «бе» йўқ, гапни Ҳалаб ҳокими Темуртош илиб кетди. Энди донишмандларча ҳаммага ақл ўргатиб ўлтирибди. Сайди Судуннинг сабр косаси тўлди:

– Э, тўхтаг!! Нималар деярсиз ўзи? Одам лафзидан, қўй бўғзидан, деганлари тўғри экан! Бўғзимдан илинмай, деб кўрқаётирмусиз? – Тепаликка чиқиб борар экан Темуртошга ўшқиргандай деди у. – Кўрқоқлигингизни билардук...

– Ие! Оғзингга қараб гапир, ноинсоф, тирранча! – кичқирди беихтиёр қиличини суғуриб Темуртош. – Қўрқоқлигимни кўрсатиб кўяйму?..

– Биринчи марта кечираман... – ўта хотиржамлик билан жавоб килди Сайди Судун, гўё Ҳалаб ноибининг таҳдидини сезмагандек. Унинг паст овозда гапириши жуссасига ярашмаса ҳам, таъсир кучи беқиёс чиқди, ҳамма жимиб қолди. – Қўрқоқ бўлмасангиз, ҳали ҳеч нарса бошланмай туриб, даҳшатдан титраб, одамларни жангдан совутармидингиз? Итоат, сулх сўзлари оғзингиздан тушмайди? Бу гапларни қайдан топдингиз? Шом фарзандларига бу уят!

– Агар олов ёниб турса, уни ўчиришни ўйлаш керакми, ёки унга ташланиш лозимми? – жиғи-бийрони чиқди Темуртошнинг. – Йўлда чоҳ келса, айланиб ўтадиларму ёки биз мардмиз, қўрқмасмиз, дея унга калла ташлайдиларму?.. Бесомон сел шиддатига кўкрак кермоқ, дарғазаб филга мушт солмоқ донолар иши эмас!

– Бундай насихату кенгашларингизни сақлаб кўйингиз, кейин асқотадир. – Сайди Судуннинг овозида заҳарханда аралаш кибру ҳаво, гурур сезилди. Барча мамлакатнинг икки нуфузли ҳокими ўртасида эскидан сирка борлигини, муноқаша зимнида кадр талашини ётганини билиб турарди. – Эй, халойиқ! Аскарларимиз бисёр, қалъаларимиз устувор! Ҳисорларимиз қора тошдан, пўлатдан! Душман жангчиларидан қўрқмангиз, яроғ-аслаҳаси кўп, деган хаёлга бормангиз! Худога ҳамду саноларким, қурол-аслаҳанинг зўри ўзимизда! Боқинг: бизнинг камонларимиз – дамашқий, қиличларимиз – мисрий, найзаларимиз – арабий, қалқонларимиз – ҳалабий! Тағин. Мамлакатда олтмиш минг қишлоғу қасаба, маъмур кентлар бор, ҳар биридан ўн кишидан чиқса қанча лашкар йиғилишини кўз олдингизга келтирингиз! Унинг устига, бизлар хисорда турибдурмиз, улар эса – саҳрода... Уларнинг қалъалари лойдан, уйлари хом ғиштдан, эҳ-хе, бизларники – тошдану сандондан!.. Қўрқмайлик! Ҳар кимнингки кўнгли қўрқса, муродидан умид қилмасун!

Сайди Судуннинг сўзлари бир қарашда мантиқли

эди, кўлловчилар овози атрофни тутди. Низомиддин Шомий ичида: «Жоҳиллар экан-ку! Ана бу инсофга чакираётгонлари оқиллардур!..» — деб қўйди. Дўнг манглайида терлар пайдо бўлган Темуртош жўяли сўзлар айтиб, Сайди Судунни тавбасига таянтириб қўймоқчийди-ю, бу «ёш бола» билан кўпчилик олдида тенглашиб, пайчакилашиб ўтиргиси келмади, шундай қилса ҳамма иш бузилишини биларди, гапириш бефойдалигини сезиб индамай қўя қолди. Кўнглидан: «Мен қилич кўтариб душманлар додини беришга киришганимда, сен ҳали онангнинг қорнида бир чангал гўшт бўлиб ётардинг, ҳали отангнинг белидан онангнинг қурсоғига ўтмаган эдинг, бадбахт!» деган сўзлар кечди. Сирасини айтганда, Дамашк ноибининг қўшини ҳам катта, буни хисобга олиш керак...

Халаб ҳокимини ёқлайдиган «оқил»лар ҳам топилди:

— Эй, мусулмонлар! — деди баланд бўйли Тарабулис шаҳри ҳокими Шайх ал-Хоссакий. — Фалакнинг найрангбозлигини фаромун этмангиз! Темуртошнинг сўзлари ҳақ! Сулҳ тузиш муродга яқин, сулҳ! Жанг ва жаррорлик йўлини тутиш телбанинг ишидур! Беҳуда андишаларга учиб жонни, молни, фарзандларни талофатга учратиш ақлданму? Ахир ким ўзини учиб келаётган жон тенар найзага қалқон қиладур?..

— Бу нима деган гап? — сўзни кесди «жоҳил»ларнинг шошқалоқ вакили, Қалъатур-Рум вилояти ҳокими. — Шундоғ бир замонки, бунда собитқадамлик, поймардлик, мардоналик лозим! Кимки нозик пайтда иккиланиб ожизликка юз бурса, балони ўз бошига ўзи ортадур ва Оллоҳ бандалари қошида узри қабул этилмайдур! Кўнгилларга кўркув солмоқ на ҳожат, эй мусулмонлар! Ваҳимага тушманг, жангга шайланинг, жангга!

Безовталана бошлаган Низомиддин Шомий Ша-рафуддин ал-Ансорийга бир қараб қўйди. Қозининг кўзи эса майдонда эди. Шомликларнинг фикру андишалари турфа эканини кўриб муаррих жим ту-

ролмади, ҳар бир диёнатли инсонда бўладигандек, ёмонлик, қаҳру форатнинг олдини олишим шарт, деб ҳисоблади...

Одатда бундай кишилар, бировнинг ёрдам сўрашини кутиб ўтирмайдилар, виждон садосига қараб иш тутадилар, фуқаро бошига тоғ тушиб турса тоғни, хас қўнса хасни олиб ташлашга интиладилар, шу ишга қодирманми, йўқми, деган ҳаёлга бориб юрмайдилар... Бир пайтлар Бағдодда ҳам фуқарою мискин қатли омга тортилай деб турганда, Низомиддин Шомий оломон ичидан ёлғиз ўзи чиқиб, Хумоюн ўрдуга Амир Темур ҳузурига борган, фуқаро ёзуғини тилаб олган эди.

«Хорижлик одамман, сўзимни беғараз эшитадилар албатта», — деган умидда у нимадир дейишни, издиҳомни эс-хушни ўнглашга чақириб, савобга қолишни истади. Зимдан қараганда, у ҳозир ўкириб келаётган маст туялар тўдасининг йўлига чиқиб, гап уқтиришга уринган кишига ўхшарди. Мавлоно ўзининг най садосидай майин овози бақирик-чақирик қилиб турган кишиларга етиб борадими йўқми, у ёғини ўйламади, фурсат зик эди:

— Эй, машаралмуслимин! Камина етти йил аввал Турон султони Амир Темурнинг Бағдод шаҳрини фатҳ этгонларини ўз кўзим бирлан кўрганман, шохиддурман! Кумдек беадад лашкарга ким ҳам тенглаша олади? Шайтонга хай берингиз, эй муслмонлар! Бир холис ва кичикфеъл банданинг сўзига кулоқ тутингиз: зинҳор хусуматга ошиқмангиз, бундай қудратга бас келмоқ мушкулдир! Сулҳ йўлини танлангиз! Сулҳ бўлсун! Оллоҳнинг буюргани шу!

— Ким у, бизни йўлдан ураётган? Сулҳ деб, бизларни бош эгишга чорлаётган? — ғазабнок қичқирди ўнг томондан аллаким йўғон овозда. — Ўшаларнинг жосуси эмасму? Ҳийла бирла орамизга суқулиб кириб, бизни душманларга ем қилмасин тағин?! Ўтган кунимиди, биттасини шаҳарда тутиб олишиб қамаб қўйишган экан!

Ҳар томондан норизолик овозлари эшитила бошлади.

– Хай-хай, жим бўлсунлар, мавлоно! – шивирлади яна гапиришга чоғланган Низомиддин Шомийнинг кўлидан ушлаб ёнига тортаркан, оқибатни ўйлаб кўнгли зириллаган Шарафуддин ал-Ансорий. – Ломим демасунлар! Ташланишлари мумкин! Балодан хазар! Оломонга бир нарсани тушунтириш имконсиздур! Эс борида тезроқ кетайлик бу ердан!

Улар оломон ичидан оҳиста сирғалиб чиқдилар.

Борар эканлар, йўлда кўк рўмолни кажавасимон ўраб олган, кўлида гулдор тасбиҳ тутган бир кампирга кўзлари тушди, бироқ ўзлари танг ҳолатда эканидан унчалар эътибор беришмади. У Амир Темур тинғчиси сўфий момо эди...

Оломон ғазабига учрашига бир баҳя қолган Низомиддин Шомий худога шукрлар этди.

– Лоҳавла вала қуввата, илла биллоҳ! – деб кўярди муаррих дам-бадам ортига, жунбушга келган оломонга караб кўяркан. – Худо бир асради!.. Бир баҳя қолди-я! Сиздан чексиз миннатдорман, қози жаноблари!

– Ходисалар шамоли тингунча назарлардан холи, хонанишин ўлтиришингиз лозим, мавлоно! – кенгаш берди Шарафуддин ал-Ансорий. – Бировга кўринмангиз! Шаҳар ичкарасида, қалъанинг рўпарасида Султония мадрасаси ёнида холи бир уй бор, жиянимники. Юрингиз, жойлаб келай. Ўша ердан ҳеч қаёққа чиқмай турасиз...

Муаррих индамай бош эгди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

I

Турон лашкари Ҳалабга бостириб келаётганмиш, эрта-индин шаҳарга кирармиш, Судун билан Темуртошлар сулҳ тузмаймиз, фақат уруш қиламиз, қалъаларимиз мустаҳкам, ҳеч кимдан кўркмаймиз, деганмишлар, қабалида миш-мишлар ўзи нотинчликдан чайқалиб турган шаҳар аҳлига бадтар қутқулар соларди.

Кўп ўтмай даҳшатли жанг бошланиб кетди. Низо-

миддин Шомий бор тафсилотни кейин эшитди. Зирху яроғлар билан безатилган саф-саф филларни кўрибок, Шом аскарларининг захраси учиб, юраклари титрашга турибди. Даҳшат ҳавосатидан ақллар хира тортганмиш, фикрлар тийра... Турон лашкари шаҳарга бостириб кирибди, Халаб кўчалари ўликларга тўлибди... Қайсидир бир шоир муаммо ёзиб, «Халаб»-га «талаб» сўзини қофия келтирганмиш.

Бир неча кун суронлар давом этиб, охири тинди.

Ўнинчи куни бомдоддан кейин, Ихлос сурасини юзинчи марта қайтаргач, муаррих хотиржам мутолаага киришмоқчи эди, яқиндан аввал бурғунинг садоси эшитилди, кейин кетма-кет қий-чув кўтарилди. Нима гаплигини билмоққа ошиққан Низомиддин Шомий китобни қўйиб, шоша-пиша томга чиқди, чунки хонанинг дарчасини қўшни уй майдондан тўсиб турарди. Овозлар қалъа ичидан келарди.

Лон этиб тарқалган, «Душманлар деворларни қулатишга қалъа тагидан чоҳлар қазинмоқда экан!..», деган мудҳиш хабар ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Низомиддин Шомий бўй чўзиб қараркан, неча кунлардан бери тақа-тақ берк турган қалъанинг баланд нақшиннигор дарвозаси очилганини, шу гапнинг ростми-ёлғонлигини билиш учун ичкаридан тиш-тирноғигача қуролланган бешта йигитнинг мардона отилиб чиққанини кўрди. Уларнинг белларига боғланган арқонларнинг бир учи қалъа тепасидагилар қўлида эди. Чоҳ қазувчиларни излаб, ғаним қаерда экан, деб атрофга олазарак қараб турганларида, бари ногаҳон ер тагидан, чоҳлардан отилган найзаларга нишон бўлдилар. Қалъа тепасида: «Шаҳид кетди! Шаҳид кетди!» дея фарёд кўтардилар. Дархол арқонларни тортиб олдилар, лекин биқинида, кўкрагида санчилган найзалар тикрайиб турганча, кўтарилиб бораётган халабликларнинг ўлик ёки тирик эканлари маълум эмасди.

Бошқа ҳеч ким қалъадан чиқишга журъат этолмади, хатто шинаклар, буржлар тешигидан қарашга ҳам ботинолмади...

Низомиддин Шомий қамалга тушган қалъанинг

ишғол этилганини, метиндай тош деворларга ишонган Сайди Судун билан Темуртош аллақачон занжирбанд этиб хибсга олинганини уни Хумоюн ўрдуга чақириб келган мулозимдан сўраб-суриштириб билди.

...Халаб қалъасини айланиб чиққан Амир Темур Амир Сулаймоншоҳга тайинлади:

— Ортиқ зарар етказилмасун! Дарҳол қалъа атрофида казилгон чоҳлар қайтадан яна тупроғу тошлар билан шиббалаб тўлдирилсун! Биронта ковак қолмасун! Салтанатга мустаҳкам қалъалар керак. Хазинадаги жами мол-буюмлар аёло девон тасарруфига олинсун, муфассал қилинсун!

Соҳибқирон шаҳар ташқарисидаги шоҳчодирга қайтгач, вилоят уламо фузалоларини бирма-бир суриштира бошлади. Иттифоқо, Муҳаммад Чуроға додхоҳ сўз орасида Низомиддин Шомийнинг номини ҳам бепарвогина тилга олди. Лекин ундан бир печалаҳзалар аввал орада шундай суҳбат кечди.

— Қачон салтанатимиз ҳақида китоб ёзиладур, деб интиқ эдинг, Мамат, мана ўқиб чиқ... — деди Соҳибқирон. — Ёзилгон китобларга унчалар ишонмаймен...

Яқиндагина Қорабоғда Фиёсиддин Али ниҳоят ўз рисоласини тугатиб, Соҳибқиронга тухфа қилганди. «Китоб-е Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон таълиф-е Фиёсиддин Али бин Жамол ал-Ислому» сўзлари ёзилганди муқовада. Соҳибқироннинг раъйига кўра Фиёсиддин Алини Эрондан Хумоюн ўрдуга чорладилар. Даставвал унинг рисоалари билан танишиб чиқилди ва қаламининг кучи ҳар қапдай шубҳалардан холи экани маълум бўлди. Муаррихга Ҳиндистон юришида ҳамроҳлик қилиб, сафар таассуротларини ёзиш, инчунин саройдаги мушыйлар тутган «Воқеалар дафтари»дан фойдаланиб, салтанат тарихига ҳам назар ташлаб ўтиш топширилганди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Низомиддин Шомийни эслатиши Соҳибқироннинг «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги» мутолаасини тугатиб, таассуротлари кўпчиб турган паллага тўғри келди.

— Ўттиз йиллик Турон салтанати ҳақида битил-

ган илк китобдир бу! Хайрият! Кўриш насиб этди! – мамнун деди додхоҳ, султон қоғозига кўчирилган рисола ни кўлига олиб ўпиб кўзларига суртар экан. – Ахир ҳалигача биронта китоб ёзилгани йўқ...

Додхоҳ Амир Темурнинг нимадандир кўнгли хиралигидан таажжубланди.

– Ҳар икки қадамда «Олампаноҳ», «Хоқон ҳазрати олийлари», «Олам адолати ва эътиқодининг кутби» деган каломлар... «Қаҳру қасосда Зухал, кадр-қимматда Жамшид, мурувватда Муштарий, куч-қудрат ва шиддатда Миррих...» эмишмен. Бундоғ муболағаларни қайдан олишади? Тавба деб гапирмак лозим! Мен худонинг суйган бандаларидан биримен, хоқонмас, оддий амирмен холос. Бу лофларнинг биронтаси менга тегишли эрмас! Пайғамбарга чиқариб қўйибди-ку!

– Муаррих бор воқеаларни таъриф этади-да, Ҳазрат...

– Йўқе Мамат! Гиёсиддин Алига қандоқ ёзмокни уқтирғон эрдим... Буткул бежама ва оҳанжама жумлаларга кўмиб юборибди, англаш қийин... Ўқиғонингдан сўнг дархол йўқотишни буюр! Бировнинг кўзи тушмасун! Ҳеч ким бунга инонмайду!

– Ўзим шохидман, ўшанда йигирма беш ёшда эдилар, Ҳазрат... Болалигингиз, ўсмирлик, ёшлик даврларингиз ҳақида кўн рисолалар битилмиш эрди, барини тўплатдилар, «хай-хай» деганимга қарамай ёндириб юбордилар, афсона бўлиб кетибди, деб!

– Ха, ёндириб юборғондим... Рисолаларни эмас, бориб турғон чўпчакларни ёндирғондим. Доим тўғри сўзни ёқтирамен, ёлғонга тоқатим йўқ! Ёлғонни бугун яширасен, эртага, индингача сақлай оласен. Ёлғон бамисли пуфак, сувнинг тагига куч билан ботириб яширганинг сари отилиб юзага чиқишни истайду! Ана очилиб қолади бу сир, мана очилиб қолади, деб ҳадиксираб юрғонинг ортиқча!

– Албатта, бу китобни тездан ўқиб чиқаман, жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон! Кечаси ухламайман! Аммо... бир узрим бор: уни йўқотиш ҳақидаги сўзларидан воз кечсалар... – хижолатомуз деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўли кўксида. – Воз кеч-

сунлар! Ахир бу ўттиз йилдан буён жаҳонга доврук солиб келаётган Турон салтанати ҳақида битилган биринчи, яккаю ягона китобдур! Бошқа китоб йўқ!

Амир Темур, розиман, дегандай индамади. Унинг ўқиган рисоладан кўнгли тўлмаганиданми ё бошқа китоб буюриш истаги туфилганиданми, ҳарқалай Низомиддин Шомий номини эшитиб чеҳраси ёришди. Ногаҳон, Бағдодда фурсат тошилмай, муаррих билан гурунгни кейинги кунларга қолдиргани ёдига тушди.

– Нима дединг? Низомиддин Шомий? Ўша Низомиддин Шомийми?..

– Ҳа, ҳа! Ўша Бағдодда оломон ичидан ҳузурингизга бағдодликларга шафе бўлиб отилиб чиққан тарихчи аллома!

– Халлоқи безаволга салламно! Низомиддин Шомий шаҳарда дегин? Шаҳарда... Бу ерда нима қилиб юрибди?

– Ҳажга бораётган экан.

– Тез ҳузуримизга олиб келинсун!

Кўп ўтмай остонада элликлардан ошган, шолғомдек силлиқ мисқоли салласи ҳеч қачон бошидан тушмайдигандай, ҳатто ухлаганда ҳам саллани ечмай ётадигандай кўринадиган позиктабъ муаррих пайдо бўлди.

– Палос ўпини шарафига мушарраф эканимдан бошим осмондадур, Соҳибқирон ҳазрати олийлари! – таъзим қилди Низомиддин Шомий.

Унинг найдай майин овози ёқимли эди, Соҳибқиронга хуш келди.

– Буюклик соҳиби Оллоҳнинг сояси, унинг жамоли-ю жалолини ўзида акс этдиргувчи табаррук зот Амир Соҳибқироннинг салтанати бардавом бўлсун, илоҳи! Жаҳонгирлик ва жаҳондорлик мақомлари баландлардан баландларга юксалсун! Салтанат айвонини замона гардларидан, умр пиллапояларини даврон мусибатлари зарбаларидан омон сақласун! Давлатлари туғи то Исрофил бурғуси садо бергунча балқиндан тўхтамасун! Камина бандангизнинг қўллари хамиша дуодадур...

– «Оллоҳнинг сояси», ташбеҳи қадимдан подшоҳларга нисбатан айтилиши одат тусига кирфои... Аммо бизнинг катта даъвоимиз йўқдур, биз Оллоҳни ўз кўнглига солган бандалардурбиз холос, мавлоно. – деди Амир Темур. – Сўзнинг кадри тушиб кетмаслиги учун, уни камроқ ишлатмак жоиздур.

– Минг узримни қабул айласунлар... – қўлини кўксига қўйди Низомиддин Шомий, кейин Соҳибқироннинг камтарлигига ишора тарзида қўшиб қўйди: – Кичикфеъллик улуғликдан нишона, дерлар...

– Тарих китобларини яхши кўрамен, – мавлононинг сўзларига муносабат билдирмай давом этди Амир Темур. – Наршахий, Беруний, Табарий ва Ибн ал-Асир тарихларини мутолаа қилганмен, ўқиб ҳам беришган. Жуда кўн нарсаларни билиб олганмен. Бағоят кенг ва поёни йўқ тарих. Улуғ сабоқлар...

– Турон салтанати султони тарихи ҳам пурмазмун китоблар ёзишга арзигулик, Амир Соҳибқирон. Бунда ҳам улуғ ва қутлуғ сабоқлар тўлиб ётибди...

– Шундоғму?

– Аммо ҳали бирон китоб ёзилмади шекилли... – Низомиддин Шомий тарих ҳақида, айниқса, унга ёкадиган Туронзамину Эронзамин, Ироқу Хуросон борасида сўз кетганда ўзини сувга отиб юборилган балиқдек сезарди. – Сиз ҳазрати олийлари билан учрашганимдан кейин, сўраб-суриштирдим... Рост, абадиятга улангур бу салтанатнинг бошланишидан то бугунигача тарихи онҳазрат учун битилган, лекин ярашиқлик йўсинда жамланмаган экан, дедилар. Яна билгувчи Оллоҳнинг ўзидур...

– Рост айтдингиз, мавлоно, жам этилмаган... Мана, ўзлари уларни йиғиб, тартиб беришга киришгайлар...

– Ўзим?.. Камина тартиб бергайман?.. – деб сўради муаррих лол қолганча.

– Худди шундоғ! Сафарларда бизга ҳамроҳлик қилгайлар. – Амир Темурнинг сўзлари фармон оҳангида жаранглади. – Лекин бир шарт бордур: сўзга такаллуфу безак бермак, лоф урмак зийнати-

дан ўзларини тортғайлар! Токи таълиф¹ услуби сўз оройишию ибораторолик санъатидан соф ва холи бўлғай!

– Подшонинг айтгани - амри вожиб! Жоним омода, Ҳазратлари! Жоним омода! – Низомиддин Шомий Хумоюн ўрдуга чорлаганларини эшитгандаёқ, унга худди шундоқ вазифа тоширилиши мумкинлигини ўйлаганди ва кўнглининг қаеридадир бундан умидвор эди ҳам.

– Китоб содда битилсун. Сўзлари шаффоф, мазмуни тиниқ чиқсун. Эл-улус, жумла жаҳон ўқийди. Аксинча, қийин ташбеҳлар, ўлчаксиз муболағалар ила оро берилғон китобларда-чи, кўзланғон мақсадлар сўзлар ўрама тагида йўқолиб кетадур. Сўз қоида-қонунидан насибадорлардан бирортаси маънисини фаҳмласа фаҳмлар, аммо ўзга ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини англашдан, маъзини чақа олишдан ожиз қолур. Ва шул сабабдан, китобнинг нафи барчага баробар бўлмас...

Низомиддин Шомий Амир Темурга қаради. Турон султонининг китоб илми, ижод сирларини ишидан-игнасигача билиши, услуб, сўз оройиши, ибораторолик санъати, ташбеҳ, муболаға, сўз қоида-қонуни, таълиф сингари аҳли қаламгагина хос истилохларни бемалол ишлатиши уни ҳайрон қолдирди. Бинобарин, ёзилажак китобнинг нафи хосу омга баробар тегмоғи лозим, англашилари чикмоғи даркор...

Амир Темурнинг худди алломалар сингари фикр юритиши, теран мулоҳазалар қилиши ҳайратланарли эди муаррих назарида. Қаршисида Турон султони эмас, қатор тарих солномаларини битиб қўйган қалами ўткир мусанниф турарди гўё. «Ҳа, мутафаккир ақл-идроки хазинасидан фавқулодда фикр инжулари сочилмоғи табиий. Хушбўй хид мушқдан келса, ёруғлик ўн тўрт кечалик тўлин ойдан таралса, не ажаб?..» – ўйлади Низомиддин Шомий ичида...

У жўшиб кетиб, сўз мартабаларининг кўнлиги, манзиллари саноксиз ва бесарҳадлиги, ўзининг сўз

¹ Таълиф(араб) – тузиш, асар ёзиш

санъатида имкон қудрати кучлилиги, услуби нозиклиги, бу борада аҳли илм орасида мавқеи баландлиги, лекин зинҳор ба-зинҳор шуҳратга интилмаслигини айтмоққа чоғланди, хайриятки, – агар гапириб юборгандами Соҳибқирон олдида ғирт мақтанчоққа чиқиб қолар ва кейин ўзининг олдида ўзи хижолат бўлиб юарди, бу эса умуман инсон зотига ярашмайдиган хислат – фавқулодда сўнги лаҳзаларда қарори ўзгардию, мутлако бошқа нарсадан сўз очди:

– Бу юкни кўтармак жуда оғирдур... эплай олармиканмиз, Амир Соҳибқирон?.. Улуғ салтанатнинг хайратангиз манзараларини чизмакка каламимиз кучи стармикин? Уялиб қолмасайдим, деб хавотирдаман. Мўътабар олимлар мақбул сўз тўғрисида ушмундоқ демишлар: «Яхши ва равон сўз улдуким, авом халқ унинг маънисини англағай, хос кишилар эса унга айб қўймағай.»

– Ҳақ гапни айтдилар. Мен ана ўшандоқ яхши ва равон сўзни хоҳлаймен! – қувониб кетди Амир Темур.

Низомиддин Шомий ўрнидан туриб, «Бош устига!» дегандай таъзим бажо этди.

II

Шоҳчодирдан Низомиддин Шомийни кузатиб чиқар экан, Муҳаммад Чуроға додхоҳ деди:

– Амир Соҳибқироннинг бир ажойиб одатлари бордур. Қайси юртга борсалар ўша ернинг олимлари билан кўришиб суҳбат қурурлар. Эртага жума кунни Халаб олимларини мажлисга чорлайдурлар. Ўзларини ҳам таклиф этишимни буюрдилар...

– Бош устига!

Эртасига куннинг охири эди, даъват этилган помдор олимлар ва қозилар Халабнинг кўрки бўлган қалъага кўтарилдилар. Ҳамма оёқда тик турарди.

Амир Темур бир неча сарой аъёнлари ва хос лашкар сардорлари кузатувида келиб тахтга ўтирди, ўнг томонида пири муршид Мир Саййид Баракага жой хозирланганди. Бирмунча фурсатдан кейин барчага ўтиришга амр қилинди. Издиҳомга юздан

ортиқ олимлар, қозилар, шайхлар, уламо ва фузало вакиллари йиғилганди. Қози Шарафуддин ал-Ансорий ва Низомиддин Шомийлар машхур шайх Ибн аш-Шихна ёнида, рўнарада ўтиришарди. Ботаётган қуёшнинг кучсиз қизғиш шуълалари шаҳарнинг кунчиқарида деразаларидан тутун бурқсиб, ёнаётган қандайдир баланд бинонинг сиркор кошнлар билан қолланган пештоқида ўйнардди.

Соҳибқирон пири муршидга қараб деди:

– Пирим, барчаларига етказсунлар... Ўзларига аёндур, мен Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шероз, Бағдод ва жаъми фатҳ этилгон ўзга мамлакатлар олимларидан доимо бир нарсани сўрайдурмен. Кўпнинг фикри кўл, хосияти мўл, дейдилар. Лекин ҳали ҳануз аниқ жавоб ололгоним йўқ. Ҳалаб олимларига ҳам шу саволни бериб кўрмакчимен. Ким жавобини айтмакчи эрса, нима деб гапиришни билиб гапирсун. Вақтимни олиму уламолар мажлисларида ўтказишни ёқтирамен, азалдан илму урфон шайдосимен! Ҳақни излагон киши қирқ пирга сифинса ҳам оздур, дейдир машойихлар.

– Алҳамду лиллоҳи раббил оламин! – деди Мир Саййид Барака ва араб тилида Соҳибқирон сўзларини батафсил тушунтириб чиқди.

Йиғилганлар Амир Темурнинг фозилу фузалога ҳамиша мушкул саволлар бериб синаб кўриши, жавобларида нуксонни борлар жазога тортилиши мумкинлигини аввалдан эшитишганди. Чунончи, Шероздаги нуфузли мажлисда унинг, илм мартабаси баландми ёки насаб мартабаси, деган саволига зукко алломалардан бири, илм мартабаси албатта барча мартабалардан юқоридир, деб юборган ва насаби паст, ўзи пок фозил кишининг халифаликка номуносиб насабли кишидан авлороқ эканини мисолга келтириб, Соҳибқиронни мамнун этган эди..

Барча, «Энди не чора топгаймиз?» дегандай, нажот истаб бир-бирларига қарадилар. Шарафуддин ал-Ансорий ўрнидан кўзғолиб, таъзим этди, унинг жигарранг бахмалга ўхшаш хос либоси бошқалар ичида яққол ажралиб турарди:

– Сохибқирон Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари! Муборак дийдорлари насиб этгани учун Оллоҳга шукрлар айлағаймиз... Орамизда бир мукаррам зот бордур, шайх, муаррих, муфтий ва мударрис... – қози ёнидаги бир одамга ишора қилди. – Исмлари Ибн аш-Шихнадур. Саволларини ул кишидан сўрасунлар, таңгри ўзи мададқордур!

Амир Темур «Мақбул» маъносида бош тебратди ва Мир Саййид Баракага нималарпидир гапирди. Пири муршид ўрнидан туриб жавобга ҳозирланган шайх Ибн аш-Шихнага қаради:

– Амир Сохибқирон айтадиларки, кеча қаттиқ жанг кечди, қирғиннинг олдини олиш имкони топилмади, кўп саъй-кўшиш этдук, аммо шомликлар асло сулҳга ён бермадилар, балони ўзларига тилаб олдилар. Худо шоҳид. Қирғинда биздан ҳам, сиздан ҳам ўлғонлар бўлди. Айтингиз-чи, уларнинг қай бирлари шаҳиддурлар? Бизнинг ўликларимизму, ё сизлариникиму?

Ибн аш-Шихна тўладан келган балаид бўйли хушрафтор одам эди. Ўзича, мана ўша чигал савол, деб ўйлади. Нима дейишни билмай бирпас лол индамай турди. Ҳеч ким чурқ этмасди. Бирдан кўнгли ёришди, худо унга хориқулода бир илҳом ато этиб, ишини ўнглади:

– Ривоятларга кўра, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам жанобларидан ҳам ушбу савол саҳобалар тарафидан сўралган экан – деди Ибн аш-Шихна. – Пайғамбаримиз қандоқ жавоб этган бўлсалар ўшани келтиришни лозим топгайман.

Шарафуддин ал-Ансорий шайх сўзларидан қаттиқ хаяжонга тушди. «Ё раббий! Нималар дейди у? Дўстим, замонанинг машҳур муҳаддиси эс-ақлини еб қўйдиму? Ахир ушмундоқ жойда мазкур саволга жавоб бериш зинҳор мумкин эмас-ку?» Бутун вужуди қулоққа айланган Низомиддин Шомий хаёлидан ҳам ўхшаш фикр ялт этиб ўтди ва ичида «Охири бахайр бўлсун!» деб қўйди.

Мир Саййид Барака расулуллоҳ жавобини биларди, у бутун диққат-эътиборини шайхга қаратди.

Амир Темур нигоҳида «Қани, эшитайлик-чи, Ибн аш-Шихна нима каромат кўрсатаркин?» дегандай кинояли қизиқиш яширин эди. Кейин пири муршидга ўғирилди:

– Саҳобалар тангрининг расули Муҳаммад алай-хиссаломдан нимани сўрагонлар ва қандай жавоб олгонлар?

Атрофга чивин учса билинар даражада сукунат чўқди... Қилич тифига оёқ қўйгандай бир ҳолатда турган Ибн аш-Шихна сўзга оғиз очди:

– Бадр жангидан сўнг бир саҳройи араб пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб сўради: «Ё расулуллоҳ! Кимдир шараф топмоқ, ўзини улуғламоқ ниятида жангга кирази, бошқаси беқиёс шижоатини кўз-кўзлаб, қудратидан мақтаниш учун майдонга отилади. Улардан қайси бири худо йўлида қурбондир, шаҳид кетган, деб ҳисобланадир?» Расулуллоҳ дедилар: «Кимки Оллоҳ таолонинг сўзи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун ўзини қурбон этса – ана ўша чинакам шаҳиддур!»

Амир Темур мамнун бош тебратди.

– Қандай ажойиб жавоб берибдилар-а! – хитоб қилди пири муршид шайхнинг топқирлигига қойил қолиб.

Ўзларини игнанинг устида ўтиргандай ҳис этган издиҳомдаги одамлар ҳам енгил тортдилар. Шайхнинг мактови шивир-шивирларда ҳамманинг оғзида кезиб юарди. Ўз-ўзидан самимий суҳбат бошланиб кетди.

– Мен бир яримжон одаммен, – деди Амир Темур қандайдир кўнгли юмшаб, – шунга карамай Хиндистону Ироқ, Форсу Гуржистон, Олтин Ўрда-ю Озарбайжон ва бошқа мамлакатларни фатҳ этдим... Халлоқи безаволга салламно!

– Парвардигор мулкни ўзи истаган бандасига муносиб кўрадур, Мавлоно Амир жаноби олийлари, – деди Ибн аш-Шихна. – Ўзлари улуғ сийлов бирлан эъзозланган сиймо эканлари офтобдан ҳам равшан. Ушбу неъматлар шукронаси йўсинида ислом уммати-ни афв этсунлар ва бундан буён ҳеч кимни ўлдирмасунлар, дер эдик...

– Худо ҳаққи, қасддан бир кишини ҳам ўлдирмаймен! Ҳеч кимга ёмонликни тиламаймен. Менга ёмонлик раво кўрғонларни ўз ёмонликларига тобшурамен. Бировнинг жонини биров оладурму? Олса, худо оладур. Ҳамиша гуноҳларни кечиришга тайёр турадурмен. Лекин гуноҳга яна гуноҳ қўшилса, оғирлашса, уни кечиришнинг ўзи гуноҳга айланадур. Гуноҳкор бўлишни сира истамасмен. Ахир ярақлаб турган қилични кўра-била туриб унга ўзини урганларга не демак керак? Кечаги жангда ўзларингиз жон сақлаймен, деб йўл талашиб, тиқинда бир-бирингизни шаҳар дарвозаларига қисиб нобуд этдингизлар. Менинг одамларим, қалъангизга ишониб, ғурурланиб, мусулмонларнинг қонига қолиб юрмангизлар, бош эгиб чиқиб келингизлар, деган хитоблар қилишавериб томоқлари бўғилди-ку! Қулоқ солмадингиз, оту филларнинг оёқлари остида қолдингиз... – Амир Темур издиҳомга бир-бир қараб чиқди. – Бизнинг ишимиз черик, азимат ё ҳашаматдан эрмас, балки ҳазрати Ҳақ таборак ва таоло химматидандур. Қалъа, тоғ, дарё бизнинг қошимизда ҳеч нарса. Бегуноҳ бўлсангиз, бир кишини ҳам ўлдирмасбиз. Худодан кўрқабиз, охиратда жавоби бор... Худонинг қаҳрига қолғонларни эса худонинг ўзи асрасун!

Қулфи диллар очилиб, савол-жавоблар шу тариқа давом этди. Ҳамма ўзини эмин-эркин сезар, нимадир дейишни истарди. Айниқса, фақиҳларда сўзлашга иштиёқ кучлилигини пайқаш мумкин эди. Саволлар барининг ғайратини келтирар, ортиқ жўштирар, улар худди уйга топширилган вазифани аъло уддалаб, ҳаммадан олдин қойилмақом жавобни қотириб қўйиб, устознинг мақтовини олишга интилган қунтли ва тиришқоқ толиби илмларга ўхшашар, бир-бирига гал бермай, талашиб-тортишиб, мусулмонларнинг хулқ-атвор русумлари, таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, вақф, мерос ва хоказо мавзуларда сўзлаб, ўзларини билимдон қилиб кўрсатишга, салоҳиятини бус-бутун намоён этишга ошиқардилар.

Издиҳом маромини тутиб туришга интилаётган, фалокат босиб, қизиқ устида бирон ножўя гап-сўз

чикиб кетишидан хадиксираб, безовталаниб ўтирган Шарафуддин ал-Ансорий уларнинг ҳовурини пасайтиришга тиришди:

– Хой, барака топгурлар. – деди паст овозда, – сизлар жим эшитиб туринглар! Яна бирон нарса деб, ишнинг пачавасини чиқариб ўтирманглар. Фақат Ибн аш-Шихна гапирсин, у нима дейишни биладур.

Амир Темурнинг охирги саволи кўпчиликни ўйлантириб кўйди:

– Ҳазрат Али, Муовия ва Язидлар борасида қандай фикрдасизлар?

– Жавобингни ўйлаб гапир. – шивирлади Шарафуддин ал-Ансорий Ибн аш-Шихнага. – Сўз шиа мазҳаби ҳақида. Турон эли суннийлардур...

Ибн аш-Шихна ҳали бу гап мағзини чакиб улгурмагани, айти Шарафуддин ал-Ансорий кўркан нарса юз берди: ногаҳон қозилардан бири жавоб изларкан, чуқурроқ кетиб, исломда ижтиҳод, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса чиқариб, ҳукм бера оладиган шахслар борасида чечанлик қиларкан, кўкқисдан «Ҳазрат Али, Муовия ва Язидлар бари мужтахидлардур!» деб юборди!

Шарафуддин ал-Ансорий қараб, гапирган қози Ал-Қафасий эканини кўрди. У бошқа мажлисларда ҳам иззатталабликдан орага кўшилиб турар, ҳудабехуда сўзлар оғзидан чикиб кетар эди. Ҳозир ҳам ўзининг шу ердалигини барчага бир эслатиб кўймоқчийди шекилли. «Ал-Қафасий қафасни истаб қолибдурму?..» деган сўзлар кечди қозикалон хаёлидан...

Амир Темур бағоят дарғазаб бўлиб, ўрнидан туриб кетишига оз қолди. Овоз чиққан томонга қарата:

– Ҳазрат Али чиндан мужтахиддур, бу тўғри, аммо Муовия – золим, унинг ўғли Язид эса фосиқдир! – деди сал кўтарилган овозда. – Сиз халабликлар дамашқликларнинг айти ўзисиз, улар эса бетавфиқ Язиднинг бориб турган издошларидурлар. Имом Ҳусайнни ана ўшалар қатл этгон!

Шарафуддин ал-Ансорийнинг юраги гурс-гурс

урди. Хаммага калтироқ кирди, сенга ким қўйибди донишмандликни, сендан биров мужтахидлар ҳақида сўраяптимики, донолик аён этиб, унга жавоб берсанг, дея сўзга аралашган қозига қаттиқ оғриниб қаради. Хукмдорнинг ғазабини қўзғаб бўладими? Худо сақласин.

– Ўша ғапирган чиқиб кетсин орамиздан! – дея кичқирди кимдир издиҳом ўртасидан.

– Бошимизга бало ёндирмасун!

– Мавлоно Амир жаноби олийлари! – дарҳол вазиятни ўнглашга уринди Ибн аш-Шихна. – Бу ерда саҳвага йўл қўйилди. Ал-Қафасий мазкур жавобни қандайдир китобда ўқигану маъносини яхши англамаган... Бунинг учун бир қошиқ қонимиздан кечсунлар, узримизни қабул айласунлар!

«Тўғри!», «Қабул айласунлар!», «Қабул айласунлар!» – деган овозлар эшитилди.

Амир Темурнинг чеҳраси бир оз ёришди, лекин кайфиятида ўзгариш сезилмади. «Кимдир гуноҳга йўл қўйса ва дарҳол узр сўраса, бу гуноҳкорнинг ўз хатосини англаб етганини билдиради, демак у донодир, уни албатта кечирмак керак. – хаёлидан ўтказди Амир Темур. – Ибн аш-Шихна донишманд экан...»

Пири муршид Мир Саййид Барака орадаги нокулайликни бартараф этиш мақсадида, Ибн аш-Шихна билан Шарафуддин ал-Ансорийларга мулозаматлар қилди, бирини «Ажойиб аллома», иккинчисини «Ҳасоҳатли киши» деб атади ҳаммага эшиттириб. Пирнинг тутуми кутилгандай асли шиддати насайишга мойил ғазабга сал сув селгандай бўлди.

Амир Темур Ибн аш-Шихнадан:

– Ёшингиз нечада? – деб сўради бирдан.

– Худо хохласа, элликка қадам қўйдим, Соҳибкирон жаноби олийлари...

Шарафуддин ал-Ансорийнинг эса «Ибн аш-Шихнадан бир ёшга каттаман...» деганини эшитган Амир Темур ўйланганча деди:

– Ёшингиз жихатидан болаларим қатори экансизлар. Менинг ёшим етмишга қараб кетмакда... Умр берганингга шукр!

– Шикоятни шукрга айлантирмак фурсати етди...
Ҳа, ҳа, шукр қилмак керак, эй мусулмонлар! – деди ўзини тутиб туролмаган Шарафуддин ал-Ансорий жигарранг авра тўнининг кенг барларини шамолда хилпиратиб минбарга яқинлашаркан...

«Э, аттанг, билмай қолибмен... – афсусланди Низомиддин Шомий ичида. – Чикишига йўл қўймасдим. Не ҳожати бор эди?..»

– Бугун масжидларда хутба ўқиладиган кун, кўнгиллар яйрайдиган, яратгандан омонлигу хайру саховатлар тилайдиган қутлуғ айёмдир. Ушбу майдонни муаззам масжид ўрнида кўриб, илтижолар айлайлик, бугунги бир илтижомиз ўн ўрнига ўтадир, иншоллоҳ. Салотул мағриб¹ вақти келиб қолди. Қўлларимизни дуога очайлик...

Барча хушёр тортди. Мулкни холиқ ўзи истаган бандасига ато қилиши ҳақидаги муборақ оят билан сўзини давом этдирган кози, Соҳибқирон Амир Темурнинг куч-қудрати, Турон салтанати шавкатини қуюқ таърифлаб мухтасар ваъз ўқиди, Оллоҳ ҳамди, расул наъти ва хулафо ёдини қилгандан кейин, хутбани тантанавор оҳангда Соҳибқироннинг муборақ исми билан тугатди.

Шу палла азон овози эшитилиб, ҳаммани намозга чорлади. Мир Саййид Барака имомликни адо этди...

Бутун издиҳом давомида юрагини ховучлаб ўтирган Шарафуддин ал-Ансорий мулоқотнинг шунчалар хайрли тугаганидан мамнун бўлди, кўнглида аждаҳонинг оғзидан омон қайтган одамдай ўзини бахтиёр сезган дўсти Ибн аш-Шихнанинг зукко ва донишмандлигидан ғурурланди. У тўлқинланиб кетди, Соҳибқирон ундан сўрамаса-да, кўнгли ийиб Ҳалабдаги бесаранжомликлар учун қози, амалдор-ҳакам, шаръий маҳкама раиси сифатида аввало ўзини айбдор сезгани, лекин вазият тизгини унинг измида эмаслиги, ҳатто Шом шаҳарлари ноиблари йиғинида гугурт чакса ёниб кетадиган алпозда ғазабланган оломон олдида сўзга чиқиб, барчасига адолатли

¹ Салотул мағриб – шом намози маъносида.

кенгашлар беришга ботинолмагани, «Хидоя» соҳиби Бурҳониддин ал-Марғионий, халққа жабр қилгувчи волийлардан қозиликни қабул этиш жоиз, дегани сабаб, бу мансабда хизмат аробасини бақадрихол билдиратиб тургани ва яна алланималар ҳақида самимий сўзларни айтишга чоғланди.

Низомиддин Шомий қозидаги портлашга тайёр турган хаяжонни сезди ва қўлидан маҳкам ушлаб шивирлади:

– Хай-хай, зинхор сўзламасулар! Энди бас! Кўнгилдагидек ниҳоя топган суҳбатга қўшимча гап ортикчадур, мавлоно! Ясаниб-тузанган гўзалга керак-сиз тилла такинчоқ тақсалар хунук бўлиб, ҳамманинг шабини келтиришини билмайдиларму?..

Шарафуддин ал-Ансорий интилган жойида тўхтаб қолди.

Шу палла Амир Темурни Хумоюн ўрдуда кутаётанларини, фаранг элчиси ташриф буюрганини маълум қилдилар. Турон султони ўз ўрнидан қўзғолди ва аёнлар кузатувида шохчодирга қараб йўналди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Амир Темур Ибн аш-Шихна билан Шарафуддин ал-Ансорийни яна хузурга чакиртди:

– Ҳазрат Али ва Муовия ҳақида қандай фикрда-сизлар? Ҳақиқат ким томонда эди?.. – ўша саволини қайтарди Соҳибқирон.

Ибн аш-Шихна ва Шарафуддин ал-Ансорий бир-бирларига қараб олдилар. Ибн аш-Шихна Амир Темурнинг аҳди маҳкам, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, айримлар кўзига майда-чуйдадай туюладиган нарсаларни ҳам назардан қочирмайдиган, ҳар бир ишда, айтилган сўзда аниқликни яхши кўрадиган, бошқаларнинг жонига тегса ҳам барча иш худди рисоладагидек адо этилишини эринмай талаб қилгувчи қаттиққўл одам эканидан ҳайратланди ва Турон салтанатининг пурқудратлик сирини англагандай бўлди.

Тўғри, ҳаётда майда-чуйда нарса йўқ, кимгадир майда кўринган нарса, аслида буюк эканини кейин фахмлайдилар. Тан бермоқ керак, орадан неча кун

ўтди, Ҳалаб нотинч, уйлар ёнмоқда, қурбонлар кўча-кўйда қалашиб ётибди, суронлар, оҳ-фарёдлар тинмаган, турли мамлакатлардан элчилар оёғи узилмайди, кўшинлар Дамашқ томонга қараб силжимоқда, лекин ечимини топмай мужмаллигича қолган сўз Соҳибқиронни тинч қўймайди, бесаранжомликка фарқ шаҳарда, шунча ташвишу тўпалон ичида шайх билан қозини унутмасдан, улардан аниқ жавоб олишни истайди, ҳақиқат тагига етишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди...

Кейин Соҳибқирон ҳузуридан чиққанларида у ўз фикрини Шарафуддин ал-Ансорийга билдиргани, қозикалон қулиб деди:

– Билмайсенму, ахир турклар удумига кўра Мавлоно Амирнинг мучаллари сичқондур, сичқон йирида туғилганлар. Игнанинг учидай нарса ҳам синчков назарларидан қочиб қутулолмайди! Жангда тушган ўлжалар муфассалини ҳар бир буюмни фаромуш этмай ўзлари кўздан ўтказар эмишлар, ҳар икки ойда салтанат хазинаси дафтарини ипидан-игнасигача текширармишлар...

– Ҳа. Филҳақ, худо мулкни ўзи истаган бандасига ато этади... – деб қўйди ҳайратда Ибн аш-Шихна...

– Шак-шубҳа йўқки, ҳақиқат ҳазрат Али ибн Абу Толиб томонида эди, Муовия зинҳор халифалардан эмасдур, Амир Соҳибқирон ҳазратлари! – Ибн аш-Шихна сўзларида қатъият сезилиб турарди. – Пайғамбар саллалоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадислари борким, ул жаноб: «Мендан кейин халифалик ўттиз йилдур», деб башорат айлаганлар. Бу муддат Али давридаёқ ўтиб бўлганди.

– Ҳақиқат ҳазрат Али томонида, Муовияни ҳамиша – золим, деб айтингизлар жумла мўминга! – уқтирди Амир Темур.

Шайх билан қози қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилдилар.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

I

Беш кундирки, катта кўшин тўплаб Дамашкқа қараб йўлга чиққан Миср султони Фараж ибн Барқук шаҳардан бир йиғоч беридаги Қуббату Ялбуғо манзилида тўхтаб шохона чодир тиккан. Чодир олдидаги майдонда одамлар сони тобора кўпайиб борарди. Кўчанинг бошида ва охирида у ёқдан-бу ёққа от чоптириб юрган хос навкарлар «ҳай-ҳай»лаб, вазият назорати ила банд. Кўринишхона эшиги тагида султон хузурига киргувчилар сафи қуюклашганидан, уларни тартибга чақириш султон мулозимларига хийла қийинчилик тувдирарди. Бунда турли мамлакатлар элчилари, атроф музофотлардан қайтган тинғчилар, юрт ташвишида хукмдордан нажот истаб, кенгаш сўраб олис-яқиндан келган кадхудолар ўралашиб юришарди. Одамлар сабрсиз, бир жойда туришолмай ташқарига чиқишар, яна киришар, биров биров билан гаплашмас, чехраларга шимол ёқдан ёғилаётган кўрқинчли хабарлар соя ташлаган, ҳаммада катта хавф-хатар, таҳликадан безовталиқ сезиларди.

Шу палла остонада қулоқлари катта-катта, бурни юзининг ярмини эгаллаган, шунданми кўзлари чуқур тортган ўрта бўйли бир одам кўринди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди, биров сезмади. Аммо сарой мулозими уни пайқаб, дарҳол пешвоз чикди. Иккиси бир оз нималарнидир пичирлаб гапиришишди.

— Хўп бўлади, амир Ҳамон жаноблари! — деди сарой мулозими уни ичкарига етаклар экан. — Подшоёи олам айни сизни интиқ кутмоқдалар.

Амир Ҳамон ичкари кирганда, кўринишхона тўрисидаги йигирма қадамлар нарида шохона тахтда, иккита қизил духоба ёстик устида ўтирган болага кўзи тушди. Худди тахт эгаси йўқлигида эркатой болани суюб ўтирғизиб қўйишгандай туюларди кишига. Ўн бир ёшда эса ҳам, у «бола» эмас, балки отаси Барқук оламдан ўтгандан кейин Миср султониغا айланган, валиахд Фараж эди, тож остидан кокили кўриниб турарди.

– Ким у? – сўради султон Фараж ўргатиб кўйилгандай подшоларга хос хотиржамлик билан ёнида турган ҳарбий ишлар бўйича котиб – дуводор Ёшбек аш-Шайбонийдан. Ақли ёшига нисбатан теран султоннинг болаларча овози ясама чиқса ҳам залворли эшитилди.

– Мисрдалигингиздаёқ Халаб томонларга юборган тинғчимиз амир Ҳамондир, подшойи олам!.. – жавоб берди Ёшбек аш-Шайбоний. Оталик мансабини эгаллаган барваста дуводор саройда ёлғиз ҳарбиймас, барча давлат ишларини ҳам идора қиларди.

– Хўш, нима дейдур?

– Хўш, нима дейсан, гапир! – оталиқ тинғчидан сўради.

Амир Ҳамон бурнининг учи қичишганини сезди, одатда ҳаяжон босганда шундай ҳол юз берар, секингина қашлаб кўярди. Лекин ҳозир қўл кўтариш мумкин эмас, ҳурматсизлик бўлади. У тахтга яқин бориб султон қошида тиз чўқди ва бошини саждага кўяркан, моҳирлик билан бурнини гиламга бир ишқаб олишга улгурди:

– Биҳишти ва Айнтоб қалъалари забт этилгач, Темурланг лашкари Халабга қараб юрайми-юрмайми дегандай жуда имиллаб силжиди, судралиб кунига ярим йиғоч-бир йиғоч йўл босди холос. Халабликлар, душман секин келмоқда, кўрқаётгани аниқ, уларда қувват йўқ... Агар қалъадан чиқсак, бир ҳамлада пароканда этгаймиз, бари тумтарақай қочади, деб ўйладилар. Шундан сўнг қалъа ичида бежавотир ўтирмасдан, ботирликлари тутиб ташқарига чиқдилар, хайма ва ҳиргоҳлар тикдилар...

– Кейин-чи? Сен ҳам намунча Темурланг кўшинидай имиллайсан? – хашаки пўниса қилди Ёшбек аш-Шайбоний.

– Подшойи олам, гуноҳкор бандангизни кечиринг, ахвол хатарли... – Амир Ҳамоннинг овози йиғи аралаш чиқди. – Халаб кунпаякун бўлди, ёниб битди... Култепаларни шамол тўзғитиб, олам-кўкка сочиб юрибди, олампадох! Шаҳар қўлдан берилгандан кейин ҳамма ўзини қалъага урди, унинг баланд,

мустаҳкам тош деворларидан кўнгиллар тўқ эди. Аммо... қалъани ҳам забт этдилар. Сайди Судун ва Темуртошдай баҳодирлар хибсда... Бошқа лашкарлар турли томон тирақайлаб қочдилар.

Подшо кўлини «Тўхта!» дегандай кўтарди ва оталикка қаради:

– Нималар деяпти?.. Аҳвол чиндан шундоғму?

– Давом эт! – буюрди дарғазаб Ёшбек аш-Шайбоний, подшонинг саволига жавоб бериш ўрнига амир Ҳамонга қараб. Уни қаттиққўл дейишар, подшодан кўра ҳам кўпроқ ундан ҳайиқишарди. – Тез-тез сўзла! Аҳволни яхшилаб баён эт!

Тинғчи Турон султонининг Ҳалабдан чиқиб, Баалбек қалъасини олганини, ундан Нух алайҳиссаломнинг пок равалари зиёратига борганини, кейин Хомс шаҳрига қирганини айтди. Сўз орасида Амир Темурнинг расулуллоҳ саҳобаларидан бири лашкарбоши Халид ибн Валид қабри жойлашгани сабабли, Хомс шаҳрига ҳеч қандай озор етказмаслик ҳақида лашкарга буйруқ берганини, айти пайтда шаҳарда Турон султони номи билан танга зарб қилдирилганини, жума намозида эса исмини кўшиб хутба ўқитилганини эслатиб ўтди.

Нохуш жимлик чўкди.

Султон Фараж ёприлиб келаётган балого қандай чора бор экан, деб ўйлаб турганди, жимликни оталиқ бузди:

– Ёдингизда бор, подшойи олам! Дамашққа кираришда Темурлангни мактубини олдилар-ку. Сайди Судун билан Темуртошни банд этибмиз, Ҳалаб мусаххар бўлди. Агар зиндонингда ётган Аталмишни озод этсанг, биз ҳам одамларингни қўйиб юборгаймиз, деган...

– Яна эсга солдингизму? Ўша Аталмишни, бир сабаби бордирким, падари бузрукворимиз зиндонга ташлаганлар, зинҳор чиқармаганлар. Зиндонда чирийди, билдингизму?– деди ғазабланган султон. – Валинеъматимиз сўзларини икки қиламизму? Ҳали отасининг юзига оёқ қўйиб иш кўрадиган нобакор бизнинг Мисру Шомда туғилмаган! Шундоғ жавоб битилсун!

Нафсиламрини айтганда, Ёшбек аш-Шайбоний султон Барқуқ давридаёқ, ўша маҳбусни чиқариб юбориш тарафдори эди, лекин султон айтганимдан қайтмайман, деб туриб олди. Нахотки, икки давлат ўртасидаги алоқалар тақдири биргина асирга боғлиқ бўлса? У оддий амир-ку!

– Зинҳор ота сўзини рад айламоқ ножоиздур, подшойи олам! Қарорлари ўринли. Жавобни эса айтганларидек жўнатдик... – Ёшбек аш-Шайбоний мавзуни ўзгартиришга тиришди. – Лак-лак қўшин уддалолмаган ишни ақл-идрок билан бир-икки одам адо этмоғи мумкин, подшойи олам... – давом этди кўшни кўрган оталиқ истехзо аралаш маънодор жил-маяркан.

– Бир-икки одам билан?

– Худди шундоқ, подшойи олам! – Ёшбек аш-Шайбоний энди кўнглини ёрди. – Бир нарсани кўпдан ўйлаб юраман... Агар ижозат берсалар... Қадимда подшолар бу йўлдан юриб кўп манфаат топганлар.

– Ижозат, оталиқ жаноблари... – Фараж ибн Барқуқнинг овози эшитилар-эшитилмас чиқди.

– Икки чаққон, ўткир йигитни дарвишсифат кийинтириб, Амир Темур ўрдасига юборсак... – деди Ёшбек аш-Шайбоний айёрона. – Кўнжларига икки заҳаролуд ханжарни яширсалар... Хилватда фурсат топиб Амир Темурни бўғизлаб қайтсалар... Қутуламиз қўямиз. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

– Суиқасдми? Йўқ, йўқ! Нималар деяписиз? – кичкириб юборди Фараж ибн Барқуқ. Дарҳол кўз олдида онасининг сиймоси намоён бўлди: «Ўғлим, энди отангиз йўқ, ёшсиз... Ўзингизни эҳтиёт айлангиз, худое, жонингизга қасд қилмасунлар! Душманингизга ҳам суиқасдни раво кўрмангиз! Ўзингизга қайтади!»

– Подшойи олам... – Султоннинг иккиланганини сезган Ёшбек оталиқ энди бошқача йўл танлади. Шу пайтгача ўзини тулкидай мулойим тутиб келаётган оталиқ бир юмалаб гўё бўрига айланди – овози илтимос оҳангида эмас, залворли бўйруқ тусини олди. – Тарадудланиб туриш вақтимас... Расвойи жаҳон бўлиб қолмайлик. Шитобан Халабда тарқаб

кетган кўшинларни Дамашққа йиғишга фармон берсунлар. Амир Темурни гумдон айласак, баҳайбат Турон лашкари боши кесилган аждарҳодай галдираб, қаёққа юришини билмай, тирқираб кетади. Йўқ эса, юртимиз харобага айланади. Дамашққа ҳам, Қоҳирага ҳам Халабнинг куни тушади... Ўзларидай ақлли ва зукко ҳукмдор албатта бундай йўлни танламайди, деган умиддаман, подшойи олам!

Султон амир Ҳамон ташқарига чиқиб кетсин, дегандай ишора қилди.

– Ташқарида кутиб тур! – буюрди Ёшбек аш-Шайбоний. амир Ҳамонга, остонагача кузатиб қўяркан. – Айтгандай... ўзингга битта зўр йигитлардан ҳамроҳ танлаб тур! Ҳов анови дарозни топ! Унга ишониш мумкин. Ҳали подшойи оламдан, «Тила тилагингни!» деган сўзларни эшитадиган кунларинг олдинда турибди, билиб қўй!

Амир Ҳамон мамнун бош тебратди.

– Шундай мушкул иш икки йигитнинг қўлидан келади, деб ўйлайдиларму? – сўради султон Фараж.

– Ҳали бир одамнинг дафи экану, мстиндай тоғларнинг толқонини чиқарадиган чакмоқдай йигитларингиз бор, подшойи олам! Бу ёғидан хотиржам бўлинг! – дадилланди оталиқ. – Нима учун дарвишсифат дедим? Чунки Амир Темур дарвиш, қаландар, фақир-мискин кишилар билан суҳбатлашишларни ёқтираркан. Суриштириб билдим. Ўзини камбағалпарвар, бечорапарвар кўрсатишни истаса керак-да. Унинг тинччилари шундай кишилардан танланаркан. Юборган одамим айтиб берди, дарвишлар бемалол унинг саройига кириб чиқиб юришармиш. Иккинчидан, оддий юнг кийимга чулғанган, сочлари тўзғиган, кир-чанг босган дарвишни ҳеч ким кўкрагидан нари итармайди, ёмонлик тиламайди. Кўз очибманки, ҳали мусичадай беозор дарвишни ёмон деган, ундан ҳадиксираган кимсани учратганим йўқ, подшойи олам! Тағин, подшодан кўн азиятлар тортдим, Мисрда дарвишларга кун йўқ, деса борми, унга салтанат қопқолари ўз-ўзидан очилиб кетади...

Султон ўйга ботганча индамасди.

– Лекин биз бу дарвишларни куруқ юбормаймиз, подшойи олам! – мазахомуз кулимсиради Ёшбек оталиқ. – Бир қошиқ қонимдан кечадилар... Худо раҳмат қилгур султон Барқуқ жаноблари мамлакат сиёсатини жуда зукколик билан юргизардиларки, нақадар доно эканларини кўриб ёқамни тугардим. Ўшандан ўрганмоқлари лозим, ўрганмоқдалар ҳам аслида. Агар ул кишига қандайдир подшо бир нарсани сўраб мактуб ёзса, ниятларига мутлақо зид бўлса ҳам «хўп» деб жавоб қайтарардилар. Аммо оқибатда бу «йўқ» бўлиб чиқарди...

– Нима демоқчи эдилар, оталиқ жаноблари? – оталиққа тикилди султон.

– Кеча яна Амир Темурдан элчи келди, подшойи олам... Яна ўша талаб: Аталмишни чиқарсак, у ҳам Ҳалабда асир қилган одамларимизни озод этаркан. Борди-ю, шартингизни қабул айладик, фалон кундан сўнг Аталмишни ёнингизга жўнайтгаймиз, деб ёзилган мактубни ўша дарвишлардан бериб юборсак-чи? Сал қаттол ёвнинг ҳоври босилармиди? Ахир дунёни титратаётган улкан кўшин бурнимизнинг тагида турибди...

Султон оталиқнинг қирғий кўзларига тикиларкан, уларда кескинлигу ва қатъиятни кўрди. Ичида бу бешафқат одамдан хайиқарди. «Айтганларини рад этавериш ҳам яхшимас... – ўйлади у. – Гоҳи қулоқ солиш ҳам керак. Мулозимлару хизматкорлар бамисли итга ўхшаган, уларнинг олдига вақт-бевақт сўнгал ташлаб турмоқ керак, деган эди раҳматли падари бузрукворим...»

– Мавлоно Ибн Халдун қаерда? – сўради тўсатдан султон.

– Одилия мадрасаси хужраларидан бирида иқоматдадурлар... – Ёшбек аш-Шайбоний султон Фаражнинг тахтга миниши биланоқ бир-икки хусуматдор шайхнинг сўзига кириб, Ибн Халдунни кози вазифасидан четлатганини, Дамашққа юришда ҳам алломани дуводорнинг маслаҳати билан подшо ўрамига киритганини эслади.

– Кенгаш берсалар мақбул эрди. Хузуримизга чорласунлар!

– Бош устига!

Шу пайт мулозим келтирган фавқулодда хабар бамисли лимиллаган, ойнадай тин-тиник ҳовузга тушган тош каби хаёлларни тўзғитиб юборди.

– Шимол томонда бир фарсах ерда жасур соқчи-қоровулларимиз душман қоровуллари билан савабда ғолиб чиқдилар! Амир Темурнинг набираси амирзода Султон Хусайн Мирзо бобосидан дили оғриб минг аскар билан подшойи олам сафларига кўшилиш учун биз томонга қочиб ўтибди!..

Бу чиндан ҳам кутилмаган хабар эди! Султон Ёшбек аш-Шайбонийга маъноли қаради. Оталик билинар-билимас жилмайганча кўзини ерга олarkan, бу қарашдан: «Айтганларингиз тўғри чиқди-ку, оталиқ жаноблари!», деган маънони уқди ва деди:

– Оллоҳнинг илтифоти-да, подшойи олам! Ўзларини толенинг қўллагани аломати!

Бироқ Султон Фараж бу гапга унчалар парво қилмади, атай ўзини эътиборсиз тутди. Балки бу хийладур, Амир Темур ўз набирасини жосусликка юборган эса-чи, деган фикр ўтди хаёлидан. Чунки, султон Барқуқ суҳбатларда ўзга мамлакатлар ҳукмдорларининг феъл-атворларига баҳо бераркан, Турон султонига ҳам тўхталиб, унинг ўта хийлакор, қув ва устомон эканидан гапирар, доим хушёрликка чақирарди. Ахир набиранинг жангда бобоси душманлари тарафига, унинг устига аҳволи танг кўшинга осонгина ўтиб кетиши жуда ҳам кўп учрайвермайдиган ходиса...

– Нахотки, ўтгани рост? Бунда фитна йўқмикин?

– Йўқ, йўқ, подшойи олам! – Ёшбек аш-Шайбоний хотиржам деди. – Агар бошқа шахзода бўлса ишонмасдим. Қуловуларим Темурланг саройидаги аҳволдан хабар етказишган. Ўн саккиз ёшли Султон Хусайн Мирзо Амир Темур кизининг ўғли, уни валиаҳдликка раво кўрмадилар. Камситилганидан хафа юрармиш. Хафа эмиш! Ўша аччиқ устида қўйилган қадам-да бу. Жуда ширин муомала лозим, тоғ-тоғ ваъдалар бермак керак, подшойи олам!

– Қандай ваъдалар?

– Тўққиз-тўққиз совғалар қилингиз. Мисрлик гўзал хурилиқо санамлар ила сийлангиз. Муаззам Шом мамлакатига ноиб этаман, денг... Турон мамлакати тахтини ҳам инъом этиб юбораверинг, ха! Ишни битириб олайлик, у ёғига худонинг ўзи бирон йўлга бошқарар ахир...

– Зудлик билан Рум қайсари Йилдирим Боязид жанобларига Турон лашкари бостириб келаётгани ҳақида мактуб йўлламоғимиз жоиз! – деди султон Фараж Амир Темур набираси воқеасига ортиқча аҳамият бермай. У кўнглининг қаеридадир, амирзоданинг ростакамига Миср томонига ўтганига ишонмас, бундан бирон наф чиқади, деб ўйламасди.

– Бош устига, подшойи олам! – кўл қовуштирди Ёшбек аш-Шайбоний подшо тутумидан ранжиганини билдирмай.

Ногаҳонда:

– Турон султони Амир Темур Кўрагон набираси Султон Ҳусайн Мирзо ташриф буюрмакдала-а-ар! – деган овози эштилди мулозимнинг.

Иккиси ҳам беихтиёр эшик томонга тикилдилар...

II

Худди шу паллалар олис усмонлилар пойтахти Бурса шаҳрида Рум қайсари Йилдирим Боязид, Қўстантинияни узил-кесил забт этиш ва тасарруфга киритишга бағишланган машваратни бошқарарди. Аслида Қўстантиния етти йилдан бери қамалда эди, шаҳарда на дон-дун бор, на бошқа егулик. Қишда уйларни иситиш учун биноларни бузиб ёғочини ўтин қилиб ёқа бошладилар. Султон назарида, Византия империясининг энка-тинкаси қуриган, ел эсишига маҳтал, ана қулайман, мана қулайман, деб турибди. Бугун-эрта таслимга юз буради... Рум салтанатида ҳамма шундай деб ўйларди.

Ҳашаматли сарой Эдирне, Кирмиён, Сарухан, Ойдин, Ментеше, Караман, Ангора, яқинда босиб олинган Кютахия каби пошолик, санжоклардан¹

¹ Пошолик, санжок – бейлик, вилоят, музофот. Санжокбей – хоким маъносида.

хамда яқинда каттагина акчага сотиб олинган, салжукийлардан қолган Хамит амирлигидан келган вакиллар билан тўлган. Ўнг томонда, Фессалияни забт этиб доврुक орттирган, қартайиб қолганига қарамай ҳали ҳам отдан тушмаган лашкарбоши Эврунус бей, Салоникини эгаллаган Хайриддин поша, Тирнов шахрини қўлга киритиб ном қозонган вазир Али поша, Афинага от солиб султон олқишини олган Темуртош каби саркардалар кўр тўкишиб ўлтиришар, Қорали поша, Ёқуб поша, Ҳасан поша, Тангрибермиш, Муқбил каби ўлимдан тап тортмас жасур ва кўркмас баҳодирлар кўзга ташланарди.

Султон ўфиллари Сулаймон Чалабий ва Исо тахтнинг ўнг томонида, Мусо билан Мустафолар эса чапда тиз чўкишган.

Тахтдан пастроқда мамнун амир Қора Юсуф билан Тарак дарёси бўйидаги машъум мағлубиятдан сўнг Литва ёқларга улоқиб кетган Тўхтамишхоннинг зурёди Жалолиддин Султонлар ўтиришарди. Хар иккисида хар хаёл – Қора Юсуф Европага даҳшат солган императорни ашаддий душмани Амир Темурга қайраш, отлантиришни ўйлар, икки қудратли подшони уриштириб, томошасини кўришни, агар хар иккиси ҳам гумдон бўлса, улкан салтанат тузиб даври даврон суришни орзу қилар, Жалолиддин Султон эса падари бузрукворининг тахтини қайтариб олишни истар, бироқ қўли қисқа, чорасизлигини билар, Йилдирим Боязид мададидан умидворлигини яширмасди.

Рум қайсари Турону Хуросон, Европа мамлакатларидаги, жаҳондаги вазият тўғрисида машварат аҳлига батафсил сўзлаб бергач, давом этди:

– Борлиқ дунёда давлатлар ичида Рум салтанатидай қудратли ва муаззам салтанат йўқлигини англадингиз шекилли. Кўрдингизки, бошқа давлатлар худди булутлар панасида қисиниб қолган юлдузлардай кўзлардан яшириндир, Рум эса балқиган офтобдай порлаб оламга нур сочмоқда... Рум салтанатини оламнинг қутбига, суйанган тоғига айлантиргайман!.. Мунший!

– Кулоғим сизда, султон ҳазрати олийлари! – қўл қовуштирди ўрта ёшлардаги серсоқол одам.

– Машварат аҳли тингласун! Миср ва Шом султони номига ёзилган мактубни ўқиб бер-чи!

Мунший найчасимон ўралган жўнатишга тайёр мактубни очди:

«Миср ила Шом султони Носириддин Фараж ибн Барқуқ жаноби олийларига. Қулоқларимизга етдиким, Турон мамлакатининг ёввойи лашкари тупрогингизни топтаб, муқаддас шаҳарларингизни оёқости қилибди. Халаб вайронага айланибди. Биз бир тарафдан Кўстантиния муҳосараси, иккинчи тарафдан фарангларга босқин уюштириш ила овора бўлиб турғонимизда, Темурланг андишасизларча Сивас ила Малатияга чангал солибдур. Биз чақмоқдек Рум лашкарини оёқлантириб, қаттол душманга юзма-юз чиқдик. Аммо ғаним ҳайбатимиздан чўчиб, Сивасдан бир қадам ҳам олға юра олмади, шартта ортга қараб чекиниш йўлини тутди. Қочди, очикчасига жуфтакни ростлаб қолди! Кўрқоқларнинг қисмати ҳамиша шундоқдир. Бу, бегумон, ожизликдан, жон сақлашдан ўзга нарса эрмас.

...Бизлар унга худо инсоф беришини кутгаймиз, у агар Мисру Шомдан иддаосиз ўз юртига қайтиб кетса, унга қарши муҳораба қилмагаймиз. Агар фикри тесқари эрса, найзаларимиз учини найзаларимиз учига улагаймиз, қиличларимиз шуъласини қиличларимиз шуъласига қўйгаймиз, даҳшатли олов пайдо айлагаймиз – унинг бор-будини ёндириб, кулини кўкка совургаймиз!..

Кўнглум сезиб турурким, биз Турон султони била урушгаймиз. Керак эса, зафарёр черикимизни олиб дунёнинг у четига, ҳатто ундан нарига ҳам савашишга боргаймиз!.. Зеро, қулоқсизларнинг танобини тортиб қўймак қудратли подшолар зиммасидаги ҳолис бурчдир...»

– Қудратли подшомизни худо асрасун! – деди хириллоқ овозда Эврунус бей. Уни ҳамма ҳурмат қиларди.

– Шавкатлари зиёда бўлсун! – сас берди вазир Али поша.

– Ёмонлар юзини тескари айласун! – янгради Тагрибермишнинг гулдироган овози.

Олкиш садолари саройни тўлдирди.

Хужумда тезкорлиги учун «Йилдирим» лақабини олган Боязид Болқон яримролидаги кўп ерларни қўлга киритди, ҳатто Аттика билан Пелопонесслар ҳам боскинга учради. Милодий 1362 йилдаёқ султон Мурод Худовандигор Адрианопись шаҳрини эгаллаб, уч йилдан сўнг уни империя пойтахтига айлантиргач, Византия императори турк султони тобелигини тан олмай иложи қолмади. Бироқ метинликда ном чиқарган Қўстантиния қалъаси икки денгизга ишоними, ҳали хануз қайсар қиздай бўй бермас, ёнига йўлатмас, Йилдирим Боязид эса тиши ўтмай келаётганидан қаттиқ ғазабда эди.

– Европани забт этмоқ энг қутлуғ ниятимиздур! Фаранг мамлакатларини барини ипсиз боғлаб, менсиз нафас ҳам олмайдиган, қимир этмайдиган қилиб Бурса остонасига қаратиб қўяман ҳали! Жаҳон билсинким, уруш бизнинг хоҳишимиз, ёвга қирон солиш матлабимиз, жиҳод бизнинг санъатимиз, фозийлар шариати бизнинг шариатимиздир. Бекорга бизнинг бобокалонларимиз Усмон билан Ўрхон «ғозий» лақабини олмаганлар. Аҳли салиб димоғларига йаничарларимиз ёйларининг «нун»идан қанча бало етганлигини олам-жаҳон билур!

Султон тевааракка бир-бир қараб чикди, кейин давом этди. У куйинчаклик билан гапирар, изгиробларга тушар, ундаги шижоат ўтирганларга ўтгандай туюларди.

– Тушимда буюк Эртўғрул аждодимизни кўрибман. Усмонлилар салтанатига асос солган зот. Дунёни оласан, деб башорат қилди. У оламдан ўтганда қолган мол-дунёси бор-йўғи бир кимхоб тўну, салла, беш-олти пиша қадах, бир дона қошиқ ва туздондан иборат экан. Ана ўзни ўтга ташламоқ, юртни ўйламоқ, фуқаро ғамини чекмоқ! Энди бутун дунё бизники бўлур! Ҳеч қандай душман бизга писанд эмас! Лекин икки нарсга қўлимизни тутиб туриб-

ди. Турон даштларидан чиққан қандайдир оксок амирнинг — химматни қарангиз, оддий амир султон билан бас бойлашмоқчи! — бизга мактуб ёзгани, ёзгани эмас, номимизни атаб юборишга журъат этгани иззат-нафсимизга қаттиқ тегди! — Султон залворли овозда тез-тез гапирарди. — Унинг кўзи борму, жаҳонларга доврук солаётганимизни кўрмайдирму? Булғория, Валахия, Юнону Мажористон, Фарангнинг бари номимизни эшитиб титраб-қақшаганидан беҳабарму? Етти йилдан бери дунёдаги мустаҳкам кўрғонлардан бири Кўстантинияни қамал қилиб ётганимизни билмайдирму? Қиличи тошларни ёғдай кесадиған худо бас келгур йаничарларим ҳақида эшитмаганму? Фарангларга қарши отланганимиздан ҳам хабари бор экан-ку, мактубида ёзибди. Тағин бунинг жавоби бор демай, бизнинг наслу насабимиздан калондимоғлик билан андишасизларча гап сўқибди!.. Ҳали Темурланг бадбахт додини худога айтади, ҳа!

Йилдирим Боязид бир пишқириб олди.

Рум қайсари қирқ ёшларда, наст бўйли, мовий кўзли, йирик қирғий бурунли, соқолига битта-ярим оқ оралаган тўладан келган одам эди. Такаббурлиги-ю жасурлиги, шижоати ошқор, ҳаётсевар, қизиққон, иродаси метиндек мустаҳкам, кучли бу инсон мардлиги билан аскарларни жўштириб юборарди. Аммо шошқалоқ, унда заррача ҳам сабр-тоқат йўқ эди. Гапирганда тахтдан тушиб жўшганидан айвоннинг четига бориб қоларди. Эгнига чиройли чечакли бахмалдан бир чакманнамо узун кийим кийган, устидан энги калта оқ жубба таплаган. Чап ёноғи билан гул тушган кўзи ўртасида битиб кетган жароҳат изи кўринарди.

— Арзинжон ҳокими Тахуртан каби туямижозлар ҳам йўқ эмас... Хирожимизни ўзгага, Темурлангга тўлаб турибдур. Кемох қалъасини зинҳор тошширмайман, дейди. Бизнинг боғимиздан дон-дун териб ейди-ю тухумни бошқа ёкка қўяди... Қўлимга олиб бир рижимласам, йўқ бўлиб кетишини билмайди. Ниҳоятда бандлигимиздан, фурсатимиз зиклигидан фойдаланмоқда, ҳамма гапни ўша суянган тоғига

етказиб турибди... Лашкаримга дош бера оладиган бирон тўсиқ йўқ бу оламда! – тин олди Йилдирим Боязид. – Иккинчиси – Қўстантиния мухосараси. Ҳа, қамал чўзилгандан чўзилди. Айб ўзимда. Бир-икки ношуд саркардаларга ишониб қолдим. Энди барин ўзим қўлга оламан! Икки юзга мустаҳкам кема тайёрлатдим. Ўқ ўтмайди, тош тегса синмайди. Барчасида йаничарлар бўлади, жасур ва паҳлавон бургутчангал йаничарларим! Трабзон императори ҳам бизга кўмак қўлини чўзадди.

– Сизнинг қудратингизга тенг подшо жаҳонда қайда, султоним! – деб юборди амир Қора Юсуф ўзини тутолмай. – Ўнта кемани каминага инъом этгайсиз, лочинкўз аскарларим билан ёнингизда тургайман, Қўстантиния қамалида жон олиб жон бергайман!

– Йигирматта кема сўрайман! – кичқирди Баликесир пошаси.

– Бизга ўнта кема керак! – эшитилди саруханлик санжоқбейнинг овози чап ёқдан.

– Бизнинг кемалар аллақачон тайёрдир, жангчиларимиз шай!

Эдирна пошаси овозини имкон қадар баланд кўтаришга уринганини ҳамма сизди.

– Бизга ҳам ўнта кема ажратсинлар! – талаб қилди Караман хокими.

«Бизга!...», «Ўнта!...», «Йигирматта!...» деган сўзлар янграшда давом этди.

Амир Қора Юсуф ёнида жим, хомуш тиз чўккан Тўхтамишхоннинг ўғли, табиатан дилқаш, хушсурат ва сўзга чечан Жалолиддин Султон гапларга аралашмасди. У кема сўраб хитоблар қилмади, – чунки соясидан бошқа давлати йўқ, ҳатто соя ҳам бошга кора кун тушганда ташлаб кетади, – дунёдан умидини узгандай алпозда кўринар, ёрдам сўрамоқчи бўлганини Йилдирим Боязид олдида айтишга ботинмай ерга тикилиб ўтирарди.

Ажабо, бир пайтлар отаси Тўхтамишхон паноҳ истаб Амир Темурга сиғиниб борганди, энди унинг ўғли Жалолиддин Султон Бурса остонасига бош уриб келиб турибди.

Дунё шундай ғаройиб тарзда айланар эди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

I

Хиротдан суюкли кенжа келини Гавҳаршод бегимнинг фарзандлари Улуғбек Мирзо билан Бойсунғур Мирзоларни кўришга келаётгани сабаб бўлди-ю маҳди улё Сароймулкхоним Сафарберганга Боғи Чинорни ораста қилишларини буюрди. Балки хонимойимнинг Султониядан ташриф буюраётганидан хабар топиб, бирданига икки савоб ишни адо этишни - ҳам қайин онаси, ҳам фарзандлари билан дийдорлашиб кетишни ўйлагандир? Бир ҳафта олдин Андхойдан йўлга чиққан Султон Бахт бегим ҳам кеча Бўстонсаройга тушди. Бегойим билан Гавҳаршод бегимни шарафлаш, уларни ўз мақомида кутиб олиш керак, яхшигина зиёфат лозим. Самарқандда аёллар анжуманларининг гули-қаймоғи хушовоз кўшиқчи Ҳуснорояллани айттириб қўйди. Баковулга қандай таомлар пиширишни уқтирди. Тоғда битган ўсмалардан мўлгина териб дасталаб келишга Ургут тоғларига одам юборишни ҳам унутмади.

Ўсмани ёлғиз қўйишнинг унча завқи йўқ, деб ҳисоблайди катта малика. Султон Бахт бегим, айниқса келини Гавҳаршод бегим ўсмани жуда ёқтиради. Боғи Шахрнинг бир четига қалин эктирган экан, ўтган йили Хиротга борганда хонимойимга кўз-кўзлаган эди.

Сароймулкхоним билан Улуғбек Мирзолар Султонияда яшашарди. Икки йил аввал Султониядан чиқишиб, Ҳиндистон сафарига бораётган Соҳибқиронни то Кобулгача кузатиб қўйишди, бир йил кейин қайтганларида эса Жайхун бўйида кутиб олишди. Амир Темур ардоқли набирасини тез-тез кўриб туришни истар, ёнидан йироқ қўйиб юбормас, соғиниб қолса дийдорлашишга қулай ўрталик жой деб яшашга Султонияни танлаганди. Қишларни Қорабоғда ўтказганда катта малика билан набирасини ўша ёққа чорларди.

— Набирам Улуғбек Мирзони тез-тез соғиниб қоладурғон одат чиқарибмен. Буниси бошқача... —

деди бир куні Мухаммад Чуроға додхохга, – Зудлик билан одам юбор!

– Шунақами? Хм-м... Ҳазратим, бу дейман, набираларини соғиндиларму ёки... момоларини? Набира баҳона, дийдор ғанимат... ми?..

– Шундай саволлар борки, жавоби сукутдир... – жилмайди Соҳибқирон ва гапни буриб юборди.

Ер юзини оппоқ қор қоплаган пайтлар, айниқса, паға-паға ёғиб турганида чиқиб набираси билан қорбўрон ўйнашни ёктирарди. Сароймулкхоним уларни томоша қилиб яйрар, бобо билан набиранинг бир-бирларига қор отишаётганларини кўриб завқланаркан, борлиқни жарангли овози билан тўлдириб қаҳ-қаҳ отиб кулар, охири чидамай амирзодага кўшилиб кетганини билмай қолар, қорларни апил-тапил юмалоқлаб, «Мана, отсунлар! Отсунлар!» дея, шошилганидан каловланиб қолган набирасига тутқазарди. Кейин тўхташиб устларидаги қорларни қоқишар экан, беғубор завқ-шавқдан яна ҳам очилиб кетган, аёздан юзларига ол ранг югурганидан бекиёс малоҳат касб этган, шўхи чиққан ёш қизалоққа айланиб қолгандай Сароймулкхоним Ҳазратнинг меҳр билан ютоқиб боққанларини дилидан туярди...

Соҳибқирон Шомга отланганларидан фойдаланиб, Сароймулкхоним бир ойга Самарқанд сафарини ният қилди. Неча йиллардан бери хомуш турган Боғи Чинор соҳибаси қадам қўйиши билан бамисли жон киргандай яшнаб кетди.

Катта маликанинг азалдан меҳмоннавозликни ёктириши маълум. Буни тўйлар ўтказишга ишкибоз, эшик тагида кети узилмас меҳмонларни эринмай кутиб олишни хуш кўрадиган Соҳибқирондан ўрганган. Даставвал Шохрух Мирзони, кейин Мухаммад Султонни тарбиялаб вояга етказди. Улар шу боғда ўсиб-улғайдилар. Мана бугун бири Турон салтанати валиаҳди, бошқаси Хуросон вилояти волийси, иккиси ҳам эл орзулайдиган азаматлар. Энди катта малика кичик амирзода Улуғбек атрофида царвона...

Кечагина отасини шундай пўпалаб юрганди, бугун унинг боласини ўстирмоқда, бир қилиғидан ўн

кулади, кўзларини бир нуктага узок тикиб ўйланиб қолишлари, ёшига номуносиб сиполиги, ҳар айтган сўзида яширинган, эшитган одамни ўйлантириб қўядиган маъноларни фаҳмлаб хайрон қолади. Ўзи етти яшар бола-ю, аммо қизиқ-қизиқ, жавоб топиш қийин саволлар беради. Мураббийси Ориф Озарий ҳам шундай дейди:

– Амирзодамнинг фикр-мулоҳазалари катталарникидай теран. Катта одам билан гаплашгандай гаплашасиз. Ҳа, бола бошидан... Аллома бўлғайлар, иншооллоҳ! Марофадаги мунажжим Носириддин Тусий расадхонасига олиб борингиз, дея ҳол-жонимизга қўймаганларига-ку ўзингиз гувоҳсиз!

Бир куни Султонияда Боғи Эрам ҳовлисидаги ҳовуз бўйида сўрида ўлтиришганди, Улуғбек Мирзо осмонга узок тикилиб қолди, кейин момосидан сўради:

– Юлдуз қандай учади, хонимойим? Унинг қаноти борми? Кўринмайди-ку?

Бошқа кунги саволи ундан ҳам ғаройиброқ чиқди: – Етти оғайни юлдузлар... ака-укаларми? Бир онадан туғилишганми? Оналари ким? Қандай осмонга чиқиб қолишган?..

Амирзода жуда зийрак, қизиқувчан, тарози юлдузларида нима тортишади, ким тортади, Сомон йўлида сомон тўшалганми, шунча сомонни қаердан олишган, ҳов чеккадаги ёруғ юлдузнинг номи нима, нега анови юлдуз бир ўзи ёлғиз ва ҳоказолар ҳақида сўраб-суриштиришдан чарчамайди.

– Моможон, нега қуёш ҳар куни чиқиб ҳар куни ботади? – сўраб қолди амирзода кунлардан бир кун.

Нима дейишга хайрон Сароймулкхоним унинг жавоб кутиб турган тийрак қора кўзларига қараб:

– Худо билади, амирзодам... – деди, ичида: «Улуғбекмас, саволбек! Саволбек Мирзо! Охирзамоннинг болалари-да!..» – деб, бош тебратиб қўйди. Қорабоғга борганларида набирасининг фавқулудда тиниқ ақлу идрокдан зехнининг ўткирлигидан мақтаниб гапиргани эсида.

– Менинг набирам-да! – деганди ўшанда Амир

Темур ўзича гурур туюб. – Исми бекорга Улуғбек эмас! Исм тортадур. Умри узоқ бўлсун, илоҳи!

Чоршанба куни эрталаб меҳмонлар кела бошлашди. Энг аввал Боғи Шинамдан мулозимлар ва канизаклар кузатувида Хонзода хоним билан Оққиз бегимлар ташриф буюришди. Ҳали дурустгина саломлашишиб улгурмай, набира келин Соғинч хоним, ундан сўнг Султон Бахт бегимнинг қораси кўринди.

– Кани, сўрига чиқингизлар!

Кўп ўтмай зилол сувли ховуз атрофидаги башанг дастурхон ёзилган кенгбаргина сўри маликалар билан тўлди. Бир томонга Туман оқа, Хонзода хоним, Султон Бахт бегимлар ўтиришди, Чўлпон Мулк оқа, Соғинч хоним, Гавҳаршод бегимлар бошқа тарафга жойлашишди, канизаклар Рух Парвар оқа, Дурсултон оқалар, уларнинг ёнида Холдона биби куйироқда тиз чўкишди. Оққиз бегим хизматда эди. Аёллар бир пасда чуғурлашишиб хол-ахвол сўрашга киришиб кетишди. Ҳамма қувонгандан баб-баравар гапирар, аммо бировнинг гапини биров эшитмасди, балки бунга уринишмасди ҳам. Маликалар кўпдан дийдорлашмаганларидан, бир-бирларига айтадиган гаплари йиғилиб қолганлиги сезиларди.

Худонинг жаннатмисол гўшаси – Боғи Чинорда масъуд дамлар кезарди. Сўрининг ўнг томонидаги чаман-чотир очилган гуллар ичида тўққизил бахмалдай ловуллаётган гултожихўрозлар алоҳида кўзга ташланар, боғнинг кунчикиш томонида аллақандай бир куш «куёв-куёв» дея сайрашини қўймасди. Шиғил-шиғил мева қилган зумрад дарахтлар эса ўз шохларида осилиб пишиб ётган меваларининг кўрку латофатига ҳайрон қолгандай термилишиб турардилар. Қасрнинг ўнг томонидаги тарвақайлаган чинор, гўё, боғдаги хоним ва оқаларга, дарахтлару гулларга, учиб юрган қушларга, бемалол яйраб ўтирингизлар, мен борман, дегандай мағрур кўкка бўй чўзган...

Бир хил кийинишган – эгниларида елвагай оқ авра чопон, бошларида ёқут кадалган мимит салла Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон ва канизак Дур-

султон оқа кўлида тарбияланаётган Бойсунғур Мирзолар катталардай сиполик билан боғ айланишар, гуллару дарахтларни томоша қилишар, чорчаманлар ёнида узоқ туриб қолишарди. Эндигина уч ёшга тўлган Бойсунғур Мирзо жуда ёқимтой, оғаларига ўхшаб ўйчан ҳам эмас, питрак ҳам. Босиқ, ҳамиша жилмайиб туради. Маликалар ёприлишиб амирзоларни ўраб олдилар. Озор бермаслик учун енгилгина юзларидан ўпишар ва ортга чекинишарди.

Султон Бахт бегим эса «Жиянчаларимдан ўзим ўргилай!» дея, ҳар учовини ҳам қайта-қайта кучоклар, ўпиб тўймасди. Сароймулкхоним кузатиб турар экан, Амир Сулаймоншоҳга узатилгандан сўнг неча йиллардан кейин иккисининг ўртасида кечган бир суҳбатни эслади.

– Бегим... ҳали фарзанддан нишона йўқми? – деб сўради катта малика.

– Йўқ-ку... Анови тентак тепганда сал пуштим эзилиб кетган экан шекилли, хонимойим... – жавоб берди уялганча Султон Бахт бегим.

Оққиз бегим катта малика ишораси билан дархол ишга тушиб кетди: сўлитиб қўйилган ўсмаларни кафтининг орасига олиб эзгилай бошлади. Сарин эпкин ўсманнинг ажабтовур ёқимли ҳидини гуп этиб димоғларга урди. Маликаларнинг баҳри диллари очилди.

– Бўйингдан-ей! – деб қўйди оҳиста Султон Бахт бегим. – Хидидан кўнглинг яшнайд-я!

– Аммажон, ажойиб нарса-да бу! – қўллаб-қувватлади Гавҳаршод бегим. – Жаннатда ўсади бу!

– Жаннат ўсмасининг ранги ўткир бўлса керак-да! – сўз қўшди Чўлпон Мулк оқа.

– Фаришталар ҳам қўйишармиш, деб эшитгонмен... – жилмайди Хонзода хоним. – Шундан уларнинг кошлари қаро эрмиш...

Ҳамманинг юзига ёқимли табассум ёйилди. Баъзи бировлар ўзи билмаган ҳолда кошларини силаб қўйдилар.

Холдона биби тўнкарилган бир заррин коса олиб келди. Унда тил-тиник ўсма лимиллаб турарди.

– Ўзлари бошлаб берсунлар, хонимойим!

«Ўзлари! Ўзлари!» – дейишди маликалар Туман оқа сўзларини кўллаб-қувватлаб.

– Мартабали Хонзода хонимни таклиф этамен! – шундай дер экан, Сароймулкхоним ўнг юзидаги қора гажагини бир силаб кўйди. – Бошлаб берсунлар!

– Йўғ-е! Ўзларидан... – камтарлик қилди Хонзода хоним тўлғин гавдасини бир оз орқага ташлаб, кўлларини кўксига кўйганча..

Хуллас, бошлаш катта малика чекига тушди. Кейин, Хонзода хоним, кейин Султон Бахт бегим, Туман оқа... Барча аёллар қий-чувлашиб, қошларига қалин-қалин ўсмалар тортдилар. Холга орзумандлар бир-иккитадан хол ҳам кўйишди. Соғинч хоним Сароймулкхонимнинг чап юзидаги, Хонзода хонимнинг ирини ўнг томонидаги холларига бир томчи-бир томчи тегизиб кўйишганини кўриб, ўзи ҳам икки кулгичига нозиккина холлар қўндирди, ларзон ўсмалардан офатижон чехраларнинг хусни малоҳати ортгандан ортди. Барча бир-бирига тикилиб тўймасди.

– Энг яхши учган ўсма хонимойимники экан! – деди Дурсултон оқа.

– Кимнинг шавҳари яхши кўрса, ўшанинг ўсмаси яхши учармиш! Чучундингизми? – Холдона биби ҳазил аралаш деди. – Ҳазрат Соҳибқироннинг хонимойимга меҳр таважжухлари ростдан ҳам зиёдадур!

«Ҳа, ҳа!» «Тўғри! Тўғри!» – деган овозлар ёғилди. Сароймулкхоним изо тортиб ҳаммага жилмайиб қараб турарди.

– Гавҳаршод бегимни ҳам Шохрух Мирзонинг каттиқ севишларига асло шубҳа қолмабди! Инижонимнинг бахти бор! – кулди Султон Бахт бегим. – Келинимнинг қошлари шу туришда нақ Ҳиротга қараб учяпти-я!

Ҳамма хохолаб юборди. Икки ўрим сочини олдига йиғиб ўтирган Гавҳаршод бегим уялиб ерга қаради.

– Ҳаммадан ҳам валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Мирзо муҳаббатлари кучли экан! Кучли экан!– сўзга қўшилди Чўлпон Мулк оқа диққатни ўзига қаратиб. – Малика Соғинч хонимнинг ўсма-

лари бирам тин-тиник қоп-қора бўлиб учибдики!.. Икки юзидаги ярашиб турган нозик холларини айтинг! Кўриб ҳавасинг келади...

– Маликамнинг меҳр туйғулари шахзодамнинг тугёнларига йўғрилиб кетган-да! – қаҳ-қаҳ отди Оқкиз бегим. – Кулгичларидаги ўша нозик холлари ҳам шахзодамга аталган!

Соғинч хоним қизариб кетди. Ҳа, шахзодасининг муҳаббатлари кучли, тобора кучайиб бормоқда. Бошга тушган ногаҳон фожеа кишиларни жинслаштиргандай, иккиқатлик воқеаси ҳам икки ёш қалбни бир-бирига ортиқ яқинлаштирди. Шахзода яна ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолди. Ўн беш кун аввал мўғул сарҳадларида вазият нечуклигини билмоқ, ўз кўзлари билан кўрмоқ, назорат этмоқ учун Ашпарга кетганлар. Малика, мен ҳам борамен, деб истак билдирди, аммо шахзода, сиххатингизга муносиб эрмас, дея кескин рад этди.

Соғинч хоним кейинги пайтларда бир фавж тузиб (аслида қарши эса-да, малика кўнглини авайлаган шахзода, шу билан юпансин, дея бунга ижозат берди) Кониғилдаги лашкаргоҳда машқлар ўткази бошлади. Чиндан ҳам, машқлар маликани овутди, унга қандайдир куч-қудрат ато этди. Ранг-рўйи аста-аста тиникиб, аёллик латофати барқ уриб, баркамоллик остонасига қадам қўйган малика, айниқса, совутга чулғаниб, бошига дубулға кийганда худди бир пайтдаги «Арғуншоҳ баходир»нинг ўзи бўларди-қоларди. Фақат энди «мўйлаб»и йўқ, аммо баходирлик салобати шундоққина намоён эди. Қарашларида нозу карашма яширин, кулганда икки юзидаги кулгичлари ўймоқчалар ҳосил қилар, бир текис оппоқ тишлари кўзга ташланар, бари шахзодага жуда-жуда ёқарди.

Энди боғнинг кунчиқши томонидаги қуш сўридан йигирма қадам чаңдаги тарвақайлаган анжир тепасига қўниб олди-да, бир марта, «куёв-куёв» деб қўйди холос. Чамаси, Ҳусноро ялланинг овозини эшитишга орзумандлигидан сайрашини тўхтатганди. Боғ жимиб қолди.

II

Қирқларга борган, кўзларига сурмалар кўйиб олган сулувгина Хусноро ялла ҳали ҳеч қаерда ижро этмаган янги ўрганган лапар-яллаларини айтишни интиқлик билан кутар, маликалар кўнглини эритиб сув қилиб юборишни ўйлар, кетишда ҳамени ақчаларга тўлишидан кўнгли тўқ эди. Бироқ биринчи ялласини эндигина бошлаганди, кутилмаган ходиса юз берди: қандайдир хотин, бу ерда хурсандчилик авжида экан, сарой маликалари бекорга тўпланишмагандир, ашугла айтиляпти-ю, ҳамма диққат билан тинглаб ўтирибди-ку, деган андишага бормаи, дарвозаданок аюханнос солиб, ўкириб йиғлаб кириб келди...

Бундан бир неча лаҳзалар аввал оқ шоҳи кўйлак кийган Гавҳаршод бегим тақимига урган қоп-қора икки ўрим сочини тўлғонтириб, мамнун, мириқиб гаплашгани чорчаманларни айланиб юришган фарзандлари ёнига йўл олди. Сароймулкхоним билан Хонзода хонимлар ёлғиз суҳбатлашмоқ умидида, хиёбондан боғнинг этак томонидаги хилват жойни қора тортиб боришарди. Маҳди улё, очиғи, офир ботмаса, кўпдан ўйлаб юрган ниятини - маликани Султонияга олиб кетиш таклифини айтмоқчи, токи у ерда Оллоҳнинг буюрган кунигача бирга кун кечирайлик, демоқчи эди.

– Дод!.. Уйим куйди! Уйим куйди-и-и!.. Му-сулмонлар, уйим куйди-и-и!.. – фарёд қиларди аёл бутун боғни бошга кўтариб.

Ҳамма таажжубга тушди. Ким экан, деб сал ижирғаниброқ қараган Туман оқа, не кўз билан кўрсинки, ўттиз кадамлар нарида юз-кўзини юлганча, дийдагирён келаётган аёл – ўзининг онагинаси Орзумулк оқа эди! Ўсмасининг негадир нурсизроқ учганидан маликанинг ичи чикмай турганди, унинг устига, ўнг қовоғи ҳам бир учиб қўйганди-я.

Туман оқа дарҳол пешвоз чиқди:

– Вой, хуш келибсиз, онажон! Нима бўлди? Нима бўлди?.. Секин! Секин... Йиғламангиз! Йиғламангиз!

– Худо уриб кўйди мени! Уриб кўйди-ку!.. Қандай йиғламай? Уриб кўйди-ку!.. – дерди Орзумулк оқа нукул тиззаларига муштлаб.

– Худо сақласин, онажон! Падари бузрукворим сихат-саломатмилар?

Сароймулкхоним дугонасининг овозини таниди:

– Ие! Орзумулк оқа-ку, маликам? Момоқиз-ку? – Хонзода хонимга қаради у. – Бирон фалокат юз бердимикин? Тоғамнинг товлари йўқ эди, ўсалликдан тўшакка миҳланиб қолгандилар...

Сароймулкхоним дугонасини ҳеч қачон бундай аллозда кўрмаган, баъзан қарамайди, деб эридан полиганларини ҳисобга олмаса, у ҳамиша хушхандону хушчақчақ, ҳазилвон, кўришганда дарҳол гапни ишқий суҳбатларга бурадиган, эр-хотин орасидаги фаройиб хангомалардан сўзлаб чарчамайдиган шайтонгина аёл эди, ичингдаги гапни суғуриб олмагунча қўймасди. Султон Санжари Мозий харамида унақа экан, Чингизхони Соҳибқирони муаззамда бунақа экан, Султон Жалолиддин хотиннинг ҳусни-чиройига қарамас экан, хотин бўлса кифоя экан, Амир Қозон ундан ўтар экан ва ҳоказо.

– Юзларингиз қирмизи, нақш олмайди... – сўради Орзумулк оқа бир куни қувлик қилиб. – Бу рангни қайдан топдилар, момоқиз?

– Амир Соҳибқирон соқолларидан, – жилмайганча деди ҳазил аралаш катта малика...

Кулишдилар.

Яна бошқа кун ҳадеб Соҳибқирон қандай, ётиштиришлари қанақа, деб сўраб хол-жонига қўймади.

– Амир Соҳибқирон бизларга меҳрибонлар... – деди Сароймулкхоним.

– Буни билама-а-ан... – қўймади Орзумулк оқа, чиройли кўзларини қисди-ю айёрона жилмайди. – У ёғидан гапиринг. Ановлардан... Нимани... яхши кўрадилар? Қандай...

– Бас-е! Вой, момоқиз бўлмай ўлинг сиз! Сўраган нарсангизни қаранг!

– Ўзларини қандай... тутадилар?..

Сароймулкхоним бу юзсиз дугонасидан тезроқ

қутилиш чорасини изларди. Чунки билади, «момоқиз» айтмаганига қўядиганлардан эмас.

– Амир Соҳибқирон бизларга меҳрибонлар... – жилмайди юзлари ловуллаган малика. – Ўзларини яхши тутадилар... Ҳм-м...

Орага жимлик чўкди.

– Яна... нима? Бори шуми? Ох!.. Сизни гапиртиришга хўпам ишқивозман-да, момоқиз! – кучоқлади Сароймулкхонимни Орзумулк оқа завқланиб. – Худди ёш қизлардай ийманиб чиройли гапирасизки... Эшитиб яйраб кетаман-да. Ўзимнинг ҳам ёшлигим эсимга тушади...

– Қувлик ҳам эви билан-да! Яна момоқиз эмиш!..

Иккиси қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар.

– Юрингиз, борайлик! – деди Хонзода хонимга маҳди улё. – Орзумулк оқа ваҳмачи, жуда тапвишли кўринади, менинг олдимга келаётирлар шекилли...

– Туман, Соҳибқирондан сўраб берасан! Қайчи-кудалармиз... Бизнинг жигарбандимиз, ўз набиралари Султон Ҳусайн Мирзони жазолайдурларму?

– Вой, нега жазолар эканлар? Нимага ахир? Вой, бундай тушунтириб гапирсангиз-чи! – ортиқ таажжубланарди Туман оқа. – Суйғон набираларидан-ку!

– Хонам куйди-и-и! Куйди-и-и!

Аввалги шиддатларидан асар ҳам йўқ афтодахол Орзумулк оқа ҳеч андишага бормаи додлаганча ўзини боғ ичидан чиқиб келаётган Сароймулкхоним оёғига ташлади.

– Вой, момоқиз! Нима қиясиз? Ҳай-ҳай, уят-а, ҳамманинг олдида... Турингиз! Турингиз!

Боғдан ҳам, гул-гул ялпнаб турган анжумандан ҳам файз кўтарилгандай туюлди. Сўридаги маликалар жойларидан қўзғола бошладилар, ҳамма ўрндан туриб кетди. Ҳусноро ялланинг чирмандасини вилофига жойлайми, жойламайми, дея тараддудга тушгани сезилди.

– Маликам, билурсиз... – бир оз ўзини босиб олган Орзумулк оқа тушунтиришга уринди. – Ёлғиз набирам Султон Ҳусайн Мирзога суяниб қолганмиз. Умидим катта, агар унга бир нарса бўлиб қолса ме-

нинг ўлганим шу. Ўзим емай едириб, ичмай ичириб, оқ ювиб, оқ тараб ўстирдим. Қандай машаққатлар билан вояга етказиб Амир Соҳибқироннинг ёнларига қўшганимдан хабардорсиз. Бошқа ҳеч кимим йўқ... Тоғангиз эса бетоблар, бир бурчакда ётадилар...

Орзумулк оқанинг ўпкаси тўлди.

– Энди худо битта набирамни ҳам кўп кўриб турибди. Битта суянганимиз ўша эди..

– Вой, нега ундоғ дейсиз?

– Кеча Шомдан чопар келди... – йиғи аралаш деди Орзумулк оқа. – Мисрликлар билан жангда Султон Ҳусайн Мирзо маст-аластликданми, билмай қолибди, бир пайт жанг тугаганда қараса, Миср томонда юрганмиш...

Ҳамма бирданига «Вой!..» деб юборди.

– Миср томонда юрганмиш?!.. – такрорлади ҳайратда Сароймулкхоним...

– Асир тушибдими? – сўради кимдир.

– Султон Ҳусайн Мирзонинг феъли менга ҳеч ёқмасди... – шивирлади Султон Бахт бегим Хонзода хонимга. – Раҳматли эгачимнинг ўғли бошиданок қандайдир бўлимсиз ўсди ўзи. Кўзга кўканак, бетга тиканак, бўлиб юради доим...

– Шайтон йўлдан урибди-да... – афсусланди Хонзода хоним.

– Ҳа, Миср томонда... Султон Фараж уни яхши қарши олибди. Кейин адашганини тушуниб, ўз фавжи билан Турон лашкари томонга от солдириб ўтибди. Ҳумоюн ўрду остонасига бош урибди... Ялиниб ёлвораман, маҳди улё жағъоби олиялари! Биз бечораларни шафъеликка олингиз, деб келдим! Амир Соҳибқироннинг қаҳрлари қаттиқ, жаҳллари чиқиб, набирамни ёмон жазолаб юбормасунлар... бизни хонавайрон қилмасунлар, деб кўрқаман! У дунё-ю бу дунёлигим куйиб кетади-я!

Орзумулк оқа хиқиллаб гапиролмасди. Унинг амирзода ўз фавжи билан Турон лашкари томонга от солдириб ўтди, деган сўзлари, албатта, ёлғон эди. Амирзода Турон лашкарига асир тушганди. Шўрлик аёл Сароймулкхонимдан жавоб кутишга сабри-тоқати

чидамай, энди болалари билан тузукрок дийдорлашиб улгурмаган Гавҳаршод бегимга ўгирилди:

– Маликам, сиздан ҳам ўтинаман, Шохрух Мирзо жанобларининг Ҳазрат олдида нуфузлари баланд, жигаргўшамни ўз ҳимоясига олсунлар... Биздан қайтмаса худодан қайтсун...

Орзумулк оқа нажот истаб ҳаммага жавдираб боқар, кимнингдир нигоҳидан бирон хайрихоҳ нурни илғашга тиришар, аммо кутилмаган янгиликдан хайратда нима қилишини билмай қотиб қолган хонимларга боқиб яна ўпкаси тўларди.

Сароймулкхоним билан Туман оқа Орзумулк оқани юпатиб, унга далдалар беришга шайланиб турганларида, Дамашқдан, Амир Темур ҳузуридан элчи етиб келди. У Муҳаммад Чуроға додхоҳ эди. «Ўзларининг энг яқин сирдош одамларини юборибдурлар... – ўйланди катта малика. – Катта вазифалар юклангон шекилли...»

Боққа бир лаҳза жимлик чўқди. «Куёв-куёв» деб сайраётган қуш ҳам қайгадир йўқолган, ёқимли навоси эпитилмас, атроф-борликда нимадир кемтик бўлиб қолганди.

– Ассалому алайкум, Хонимойим жаноби олиялари! – таъзим қилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Бевақт келдим шекилли... – додхоҳ маликаларнинг аллақандай саросимада эканларини кўриб, менинг ҳурматимга тараддудландилар шекилли деб хижолат тортди ва жилмайди. – Нега турдингизлар? Тинчликми? Қани, ўлтирингизлар!

– Тинчлик, тинчлик, додхоҳ жаноблари! – ҳеч нарсани сездирмади Сароймулкхоним.

Маликалар қайта ўлтирдилар. Элчи рўпарадаги сўрига жойлашди. Фотиҳа ўқилди. «Холдона бибининг ўсмаси жуда яхши учганди, гап буёқда экан-да... – ўйлади Окқиз бегим. – Шавҳарлари ёқтирибгина қолмай, ҳатто кўргани етиб келибдилар-ку!.. Бизларники эса Ашпарада...»

– Мамлакат забтига қолгон валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон жаноблари Ашпара сафариди эканлар... – деди гапни нимадан бошлашни билмай додхоҳ.

– Хабар етди, Тошкандга келиб, бир оз тўхтабдурлар... Йўлга чиққан эмишлар. – маълумот берди катта малика.

– Амир Соҳибқироннинг сиххатлари тузук, Оллоҳга шукр. Дамашқдадурлар, Қасри Аблақда турубдурлар. Барчангизга дуои саломлар айтиб юбордилар...

– Валинеъмат Соҳибқирон толеимизга дунё тургунча турсунлар!

– Худо умрларини зиёда қилсун! – дея чуғурлаша кетди аёллар.

Ҳамма жабха ёқда аҳвол нечуклигини билишни истарди. Додхоҳ буни сезиб, узок кутдирмади.

– Миср султони мурсага кўнмади. Саваш кургани Шомга кўшинини бошлаб келди. Ундан олдин Амир Ҳамон деган бир ҳаромзодани дарвиш суратига киргизиб, унга яна бир баддин, жоҳилни кўшиб ёлғон ваъдаларга тўлиб-тошган мактуб билан бизга элчи этиб юборибди, аммо кўнжларига захролуд ханжарлар солдириб, Амир Соҳибқироннинг азиз жонларига қасд қилишни буюрибди...

– Нима-нима?! Ҳали... Вой, худо!.. – деб юборди Сароймулкхоним сабри чидамай. – Ҳазратим соғомонмулар?..

– Вой ўлайин, бирон зиён-захмат етмадиму?... – Туман ока ҳам жим туролмади. Маликалар ҳам бир чайкалиб олдилар.

– Йўк, йўк... Хотиржам бўлсунлар! Соҳибқирон ҳамиша худонинг паноҳидалар! Бизни ғафлатда қолдирмоқчийдилар холос. Миср султони Фараж шундай нопок йўлни ўзига маъқул кўрибди. Улар дарвишлар қиёфасида эдилар. Элчи қайтиши керакку, лекин улар негадир кетишни ўйлашмади. Биров эйтибор бермади. Султон биз дарвишларни қийнайди, азобларга қўяди, қувғинларга солади, дейишди улар. Амир Соҳибқирон доим факиру мискин бошини силашга тайёр турадурлар, дарвишларга ҳеч озор етказмайдурлар, улардан бандаси ёмонлиқ ҳам кутмайди. Дарвишга не керак – жойнамоз, хирқа, тақя пўстаги, деган экан бир машойих. Аммо ҳалиги дарвишлар игнанинг усти-

да юргандай тутишарди ўзларини. Кўзлари бежо эди. Бир куни уларнинг пинхон гапларини эшитиб қолдим-ку! Худо пошишо эгам деганлар! Кулоқ солиб турсам, шу кечаси Соҳибқиронни гумдон этамиз, ханжарларни бекорга сақлаб юрибмизму? Келганимизга бир ҳафтадан ошди, султон Фараж бизларни кутиб турибди, дейди каттаси. Билдимки, улар дарвиш эмас, жосуслар экан! Дарҳол иккисини туттурдик. Этикларидан захролуд ханжарлар чиқди! Амир Соҳибқирон дедилар: «Агарчи элчига ўлим йўқдур, аммо бу баддинлар ўзларини дарвиш атаб, дарвиш номини ҳам иснодга қўйди...» Бирини ўлдирдилар, жасадини ибрат учун авомуннос олдида ўтда ёқдилар. Амир Ҳамонни эса ўзининг захролуд ханжари билан кулоқ-бурнини кесиб, Миср султони Фаражга жўнатдилар...

– Ажаб бўпти!

– Қораси ўчсун!

– Худо юзларини тескари қилсун! – чуғурлашди аёллар.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳикоясини давом этдирди.

– Султон Фараж Турон кўшини ҳайбатидан кўриқиб, кечаси бир сиқим аскар билан Мисрга қочиб қолди. Дамашқ ҳам, унинг мустаҳкам қалъаси ҳам забт этилди. Қалъа ичида Макка ва Мадина шаҳарларининг вақф моллари сақланадиган омборлари бор экан. Бир тавочи юз ботмон арпани яширинча ўзига олибди. Адолатпеша Соҳибқирон беҳад назаб отига миндилар. Ҳумоюн ўрдудан фармон бўлдики, тавочини ётқизиб калтакласунлар, арпани эса омборга қайтарсунлар.

Амир Соҳибқирон пайғамбаримиз ҳарамлари Умм Салима ва Умм Ҳабиба ризвон Оллоҳи таоло мазорларини тавоф этдилар, қабрлар устида оқ тошдан маҳобатли икки гумбаз тиклашларини амр этдилар. Амирзодалар Абу Бакр ва вазири аъзам Муҳаммад Жалдлар бисёр кўшини қилдилар. Бир ой вақт кетди. Расулulloҳ саҳобаларидан биринчи муаззин Билол Ҳабаший қабри зиёратида ҳам ўзим ёнлари-

да эдим. Шундай паллада Шомда Ҳазрат номига юз мисқоллик, эллик мисқоллик, ўн мисқоллик тангалар урдириб келдилар. Ҳукм бўлдим, Эрону Туронга фатҳномалар битиб юборсунлар. Ва фатҳномаларга тангалардан қўшсунлар, деб... Жума куни Дамашқдаги масжиди Умаййда Амир Темур Қўрагон номларига хутба ўқилди...

Тинглашаркан, маликаларнинг чиройли кўзлари гоҳ ҳайратдан катта очилиб кетар, гоҳ зулукдек қошлар чимирилиб, чеҳраларга ажабтовур ҳусн бағишлар, гоҳ нимадир сўраш, сўзлашга иштиёқ сезилар, лекин қизиқ ҳикояни бўлиб қўйиш ҳадигидангина офиз очмасдилар.

– Ўша ерларга бориш бизларга ҳам насиб этсун, илоҳи! – деб қўйди Сароймулкхоним ўзига ўзи.

Додхоҳ Дамашқда эканида Соҳибқироннинг тоби кочиб, кўп азоб тортгани, кейин оёққа туриб кетгани ҳақида ҳеч нарса демади, усиз ҳам хаяжондан ўзларини қайга қўйишни билмай турган хонимлар кўнглига ғулгула солишни истамади. Бу воқеа Дамашқ шаҳрини талаш бошланганининг иккинчи куни рўй берди. Кейинги куни ўз-ўзидан ҳеч бир сабабсиз Дамашққа ўт тушди, ўтни ўчириш имконини топа олмадилар. Қиёмат қойим қўпди, хулу қуруқ баравар ёнди. Не-не одамлар ўт ичида қолиб кетди. Муҳофазаси Амир Шохмаликка топширилган Масжиди жомъдан бошқа барча иморатлар куйиб кулга айланди. Ажабки, масжидга ўт тегмади. Амир Темур асирга тушган шомликларни бир мучасига ҳам тегмай қўйиб юборишларига фармон берди...

– Савобга қолибдурлар!

– Кам бўлмасунлар! – дейишарди бутун вужудлари қулоққа айланган маликалар.

– Мана бу – фатҳнома, мана булар эса Ҳазрат номларига зарб этилган тангалар... Кўрингизлар! – деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ ёнчиғидан олиб Сароймулкхонимга узатар экан. Катта малика кумуш тангани қўлига оларкан, тўрт бурчагида ёзилган чорёрларнинг исмлари ўртасидаги «*Ло илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ*» калимасига кўзи тушди,

орка томонида уч халқа атрофида: «Амир Темур Кўрагон халладоллоҳу мулкҳу ва султонҳу»¹ каломлари чиройли нақшланганди. Катта малика ийиб Хонзода хонимга тутди, Хоразм маликаси – Султон Бахт бегимга... Салтанатнинг кудрати ва шукухи белгисига айланган танга даврада азизланиб кўлдан-кўлга ўтди. Ҳамма тангани ўпиб кўзига суртарди.

Сароймулкхоним хали элчи асил мақсадини сир тутиб турганини хис қилар ва ниманидир кутарди. У адашмади.

– Амир Соҳибкирон каминага иккита олийшон фармон тобшурдилар... – сўзини давом этдирди Мухаммад Чуроға додхоҳ. – Турон салтанати валиаҳди шахзода Мухаммад Султонга Хулокухон тахтини муносиб кўрдилар!

Худди кўзлари илиниб сассиз ўтирган маликалар бирданига уйқудан уйғонгандай жон кириб кичқириб юбордилар. Барчаси: «Қандай яхши!», «Муборак! Муборак!», «Худога шукр!», «Худо асрасун!» дейишар, Сароймулкхоним билан Хонзода хонимни табриклашар, Соғинч хонимни алоҳида қутлашарди.

Соғинч хоним ҳаммага: «Куллуқ! Куллуқ!» дер экан, кўз ўнгида тўйлари ўтган маҳобатли Султония манзаралари жонланди, негадир юраги орзикиб, беихтиёр кўзлари намланди.

– Фармонни ўқисунлар, додхоҳ жаноблари! Сўзларини соғиниб қолғонбиз... – буюргандай деди Сароймулкхоним. – Ҳазратимнинг сўзларини эшитсак, ўзларини кўрғондек бўлурбиз.

– Эштайлик! Эштайлик! – қий-чув кўтаришди маликалар.

– Миннатлари бош устига!

Додхоҳнинг ўзи ҳам фармон билан маликаларни таништирмақ ниятида эди. У кўлидаги ўрам султон қорозини авайлаб ёзди-да, аллақандай завқ билан ўқий бошлади. Унинг салобатли овози Боғи Чинорнинг бурчак-бурчакларига ҳам эшитиларди, қасрнинг ўнг томонидаги осмонни қамраб олмоқчидай бир

¹ Оллоҳ унинг мулкини ва подшоҳлигини абадий қилсун (араб)

алпозда тарвақайлаб ўсган, доим шабадаларга бағри очик шовуллаб турадиган ёлғиз чинор ҳам фармонга кулоқ тутмоқчидай сокин, шитирламасди:

*Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон томонидан
валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон
номларига битилгон
Фармон*

«Хува ал-ғанийу, ал-ҳукми лиллоҳи таоло, ал-қудрату лиллоҳи таоло, ал-мулку лиллоҳи таоло,»¹
Абулмузаффар Абулмансур Амир Темур Кўрагон сўзимиз!

Оға-инилар, ўғлонлар, фарзандлар, куёвлар, улус, туман, ҳазора ва сада амирлари, билсунлар! Тақдир хатларини битгувчи муншийлар, Тангри ҳукмлари дафтарининг ҳисобчилари бўлмиш фаришталар гувоҳдурлар. ...Сағй-ҳаракатни ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидин ва жаҳондорлик суннатларидин деб билдук. Ҳамду саноларимиз бутун оламлар хожаси, хоҳлагон кишисига мулк ато этгувчи Оллоҳ учундур.

Ал-ҳосил, азиз фарзандлардан бири – Оллоҳ унинг умрини узун қилсун, – суюкли, ҳурматли, шон-шуҳратли, саодатли, арзигули, хушфевъл, улуғ Тангри илтифотига лойиқ фарзанд, ҳаётимиз фарогати, кўзимиз нури бўлмиш валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгирга меҳрибонлик ва иноят юзасидан ҳамда кўндан-кўн сийлову марҳаматлар оқибатидин, қўл остимиздаги мамлакатнинг бир тарафини – Форс ва Кирмон мамлакатларини то Ҳурмўз ва Ироқи Ажамгача; Райдан то Озарбайжон, Аррон, Музон, Қорабоғ, Жийлонгача барчасини; Ширвон, Шамоха ва Дарбанддан то Боб ул-Абвобгача; Абхоз, Курдистон, Диёрбакр ва Ироқи Арабдан то Ҳижозгача; Рум ўлкасидан то Истанбул ва Фаранг диёригача; Шом диёрини,

¹ Яъни: Оллоҳ ганий эрур; ҳукм Оллоҳ таоло ҳукмидур; қудрат Оллоҳ таоло қудратидур; мулк Оллоҳ таоло мулкидур(араб)

Искандария ва Мисрнинг Нил дарёсигача – салтанат тутиш, эл сўраш, эгалик қилиш ва бошқариш учун тайин этдук. Мазкур музофотлардаги барча юмушларни ҳал қилмак ва манъ этмак жиловини унинг бошқариш кафтига ва баҳодирлик чангалига тутқаздук.

Жаҳон бўйсунувчи ва доим ўз кучини йўқотмайдургон ушбу Фармон барча ўлкаларга эълон этилсун. Токи мазкур мамлакатларнинг подшоҳлари, ҳокимлари, волийлари, амирлари, улуғлари, садрлари, зодагонлари, ашрофу ақобири, аъёнлари ва таниқли кишилари валиаҳд шахзодани салтанат тахти ва вилоятлар соҳиби, арзигулик ҳукмдори деб билсунлар. Адолат ва ҳақиқатни кўзловчи амрини ҳамда таъқиқларини сўзсиз, итоат билан қабул этсунлар, мамлакат ободончилигининг асл низоми ва улар осойишталигининг мазмун-моҳиятидан иборат бўлмиш фармонидан бўйин товламасунлар. Раоё ва бароё шунга риоя этсунлар ва фармон олий муҳр ила имзолангони ва безатилгони учун уни бош узра тутсунлар.

Суюкли фарзанд зиммасига юклангон ушбу улуғ юмушларни шу йўсинда олиб борсунки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик жиҳатлари учун кафолат бўлолсун, барча саъй-ҳаракатлар оламнинг ободлиги ва инсоният тинч-тотувлиги бирлан якун топсун! Солиҳ кишилар, аҳли тақво ва иршод, асҳоби сидқ ва ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда, хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик кўргизсун, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шарриятга хилоф ишларни, нолайиқ қонун-қоидаларни таг-туғи билан йўқотишни зарур ва лозим деб ҳисобласун! Шундагина мамлакат ишлари бир текис боргай: салтанат мавқеи сарбаланду тўғри йўл-йўриқлар барқарор бўлгай!

Кўмак ва омад Оллоҳдандур...»

Ҳамма Хонзода хоним билан Соғинч хонимга қараб олқиш сўзларини айтдилар. Маликалар: «Қуллук! Қуллук!» дея таъзим бажо келтиришарди.

Яна Муҳаммад Чуроға додхоҳ сўз олди:

– Ҳумоюн ўрдудан, бахти бекам малика Туман оқа хоним жаноби олиялари фарзандлар билан Соҳибқирон сари йўлга чиқсунлар, деган фармон ҳам олиб келдим...

Борни маликаларнинг хурсандликдан чувиллаши-ю чуғурлаши тутиб кетди. Ҳамма Туман оқага ҳавас билан қарар, малика эса унинг ташрифидан мамнун Соҳибқироннинг жилмайиб турган чехрасини, бўлажак висол лаҳзаларини тасаввур қилишга ури-нарди.

Ҳалигина бебахт набирасидан сўзлаб ҳамманинг диққатини ўзига қаратган Орзумулк оқа энди ҳеч кимга боқмас, умидвор кўзларини бахтиёр қизи Туман оқадан узмас эди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

I

Машҳур файласуф ва муаррих Валиуддин Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун султон Фаражга Турон ҳукмдори Амир Темур билан сулҳ тузиш энг мақбул йўлдир, деб маслаҳат берди. Ҳалаб қозикалони Шарафуддин ал-Ансорий ва Ибн аш-Шихна иккиси ҳам буни қўллаб-қувватладилар. Ёшбек аш-Шайбоний ичида мамнун эди, Аталмишни қўйиб юборайлик, мана шу билан сулҳ бошланиб кетади, деб султон билан холи қолган пайтларда кўп гапирган.

Султон Фараж индамади ва машварат тамом, дегандай ўрнидан турди.

Шом тушмаёқ Ибн Халдун, Ибн аш-Шихна ва Шарафуддин ал-Ансорийлар бирга Қуббату Ялбуғодаги Миср султони қароргоҳидан чиқиб – бу манзил Дамашқдан уч чакирим жанубда эди – Одилия мадрасасига жўнадилар. Йўл-йўлакай ҳеч ким гапирмади. Чунки ўтган машварат ҳақида сўз кетса, ўз-ўзидан баҳсу муҳокамага айланар, кимдир билиб-билмай

нимадир деб юборар, биров эшитиб султоннинг мубо-
рак каломлари тахлилдан ўтказилиб, ғийбат бошла-
ниб кетибди, дейиши мумкин. Алломалар буни яхши
тушунишарди, бир-бирларига яхши тушлар кўриб
ётишни тилаб ўз хаёлларига машғул хужраларига
таркалдилар.

Ибн Халдун кўнглида султон билан суҳбат чоғи,
яхши ибратларга бой «Китоб ул-ибар» асарининг
бешинчи жилдини Миср тарихига оид айрим маъ-
лумотлар билан тўлдириш фикри туғилганди, шам
ёруғида алламаҳалгача саҳифаларни варақлаб ўтир-
ди, нималарнидир киритди. Сўнг хориб-чарчаб
уйқуга кетганини билмай қолди.

Тонг отар-отмас турганда, шаҳар аллақачон
уйғонган, кўчаларда саросима ичида юрган одамлар-
нинг: «Бу қандай гап?», «Инсоф қани?», «Ҳаммани
балого гирифтор этибди-ку!», «Қочиб қолиш-ку бу!..»
қабелида ваҳима гаплари қулоққа чалинарди. Кимдир
кириб, мадраса дарвозаси олдида шаҳарнинг козию-
фақиҳлари, уламо вакиллари тўпланганини, улар
Ибн Халдунни кўришга интиқ эканларини айтди. У
бомдодни тугатиб, ташқарига чиқди.

– Бошимизга кулфат тушди! Кўмак беринг, мав-
лоно! – деди кимдир.

– Султон бизни ташлаб кетди! Кечаси ҳеч кимга
билдирмай Куббату Ялбуғоданок Мисрга жуфтакни
ростлаб қочиб қолибди!

– Ҳай-ҳай! Қочиб қолди, демангиз, ортга бир оз
чекиндилар холос!

– Ҳа-ҳа! Чекиниш – қочиш эмас!

– Қочиш бўлмай нима?

– Жон аччиғида айтади-да киши!

– Бизларни қаторга қўшмадилар!

– Керагимиз йўқ экан!

– Энди бола-чақаларимиз тақдири қандай кечади?..

– Султон бизни ташлаб кетди... – йиғламсиради
кимдир яна.

Ҳамманинг боши қотган, нима қилишини бил-
масди. Шу палла кимдир вазиятга бир оз аниқлик
киритгандай бўлди:

– Баъзи фитначи амирлар Мисрга қайтиб бориб султон йўқлигида исён кўтариш, авомунносни оёққа турғизиш ниятида эмиш, султон ўшандан кўрқиб жўнаб кетибди...

Кўчада одамлар окими типмас, дарвоза олдидаги оломон тобора шишиб борарди.

Бир неча лахза Ибн Халдун хайратда қотиб қолди. Султон уни ҳам ташлаб кетган эди! Ахир Дамашққа боришга раъйи йўқлигидан кўн инъомлар бериб, ширин сўзлар билан кўндирган Ёшбек аш-Шайбоний султонга эслагиб, алломани ғаним қўлида қолдирмайлик, ўзимиз олиб келганмиз, ўзимиз олиб кетайлик, дейиши мумкин эди-ку! «Подшоҳлардан оқибат кутма!..» – деб қўйди алам билан ичида Ибн Халдун ўзига ўзи.

– Кўн султонлар марҳаматини кўрдиргиз, ҳукмдорлар фарзандларига оталиқлар қилдиргиз, саройларда мушовирликни адо этдиргиз, элчилик рутбасига эришдиргиз, қози мартабасига миндиргиз. Савоб ишларингизнинг саноғи йўқ. Турон султони хузурига кириб, гуноҳимизни тилаб олсунлар, мавлоно! – ўтинди Дамашқ қозиси.

– Эшитдикки, Турон султони ўзларини сўраб-суриштирибдилар, қизиқибдилар. Сизнинг турмушингиздан огоҳ эканлар. Маніҳури офок алломасиз, жумла жаҳон танийди. Худо хайрингизни берсун, биз бечораларга балоғардон бўлинг, бола-чақаларимизни соғ-омон, юртимизни тинч қўйсун! – илтимос қилди факихлардан бири.

– Бу энг мақбул йўлдур! – уни қўллаб-қувватлади Ибн аш-Шихна. – Ўзларидан бошиқа одам орага туюшолмайди!

– Амир Темур соҳиби инсоф ва фаросати ўткир зотдурлар, хориқулудда заковатга эгалар. идроклари теран, ақллари расо, – сўзга қўшилди Шарафуддин ал-Ансорий. – Бизларни Халабда ўз суҳбатларига чорлаганлар. У сўзлаганингда, сўзингни охиригача қулоқ солиб эшитади... Бу чин инсоннинг фазилатидур. Мажлислари ҳамиша адолатли кечадур. Ўшанда бир инсон иккинчи инсонга зулм ўтказмаслигини

амр этди. Шунга қарамай, шаҳарни ғорат этилмасун, деган фармонни бузган, авомунносга азоблар солган ўз аъёнлару аскарларини ҳалойиқ гавжум жойда ҳамманинг кўз олдида салб қилдирди...

– Йўғ-е! – ҳайратланди Ибн Халдун. – Мен ҳам адолатли подшо деб эшитганман. «Куч-адолатда» сўзлари узугига ўйиб ёзилган эркан.

– Гапим рост! Ўзим шоҳидман! Газмол сотувчилар растаси бошида, ҳарирфурушлар олдида салб этилганлар бир кун давомида олинмади...

Ибн аш-Шихна деди:

– Кеча бизни Соҳибқирон ҳузурига чорладилар. Турон салтанати элчисини ўлдирган Дамашқ ноибини қатл этмоқ учун фатво сўрамоқчи эканларини билдирди бизга мулозим Муҳаммад Чуроға додхоҳ. «Кўчаларда ўлдирилаётган одамлар учун фатво сўрамадилар-ку? Одамларнинг бошларини Амир Темур ҳузурига элтадилар. Ҳоланки, Амир Соҳибқирон бизларни ўлдирмаймиз, деб ваъда берган эдилар...» – дедим мен сабрим чидамай. Муҳаммад Чуроға додхоҳ: «Ҳазрат ваъдалари устидан чиқадурган султондурлар!» деганча, Соҳибқирон ҳузурига кириб кетди. Бир оздан кейин Ҳумоюн ўрдудан, ғирашира Амир Темурнинг кимгадир ғазаб билан гапирётгани эшитилди: «Қуръони каримда: «Менинг даргоҳимда сўз ўзгартирилмас ва мен бандаларга зулм қилгувчи ҳам эмасдурмен...» дейилгон¹. Илоҳий каломни ҳар қачон азиз тутишимни, унинг измидан чиқмаслигимни билмайдурмусиз?..» Кўп ўтмай, додхоҳ қайтиб чиқди: «Султонимиз мусулмонлар бошларини келтиришни асло буюрмаганлар! – деди у босиқ. – Лекин аъёнлару аскарлар унинг сўзларини чуқур тушунмай, майдондаги ўликлар бошларидан одамларни кўрқитиш учун бир қубба ясаганлар. Тушунмаганларнинг ўзларини қатлга буюрдилар. Ҳақиқатда, у барчангизга эркинлик ато этган, тўрт томонингиз қибла, йўлларингиз очикдур!» Ҳаммамизнинг чеҳрамиз ёришди.

²⁷ Коф сураси, 29-оят

Шарафуддин ал-Ансорий бу сўзларни тасдиқлади.

Султон Фаражнинг тутумидан ичида ранжиган Ибн Халдуннинг ўзида ҳам Амир Темур билан учрашиш нияти бор эди, фақиҳу қозиларнинг илтижолари унга мадад бўлди. Айни пайтда одамлар гуноҳини сўраб олиш унинг қутлуғ одатларидан эканини эсда тутарди. У Дамашқ қозисини ёнига чорлади ва қулоғига нималарнидир узоқ шивирлади. Қози эшитаркан, дамба-дам бошини тебратиб, тасдиқ ишорасини қиларди.

Ибн Халдун дарҳол ўз хужрасига йўналди. У ҳали Соҳибқирон билан, катта бир йиғинда узоқдан кўрганини ҳисобга олмаса, холи ўтириб суҳбатлашмаганди. Дарҳол китоб бозорига бориб яхши бир дона Мухафи шариф, бир кишилик чиройли жойнамоз, машҳур шоир Бусирийнинг расулуллоҳ васфида битилган «Ал-Бурда» қасидасидан нусха, тўрт кутичада Миср қандолатларидан олиб келди, барини бир гулдор копчиққа солди. Бурнус деган позик ҳошияли чўзинчоқ бош кийим устидан енгил қора салла ўради, зариф бир суратда Амир Темур ҳузурига жўнади.

Дарвоза олдида уни Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан Амир Шоҳмалик қаршиладилар. Ибн Халдун кўл ковуштираркан, деди:

– Фидойингизман.

– Фидойингизмиз... – жавоб қайтарди Амир Шоҳмалик. Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқироннинг ушбу аллома билан суҳбат қуришга иштиёқманд эканидан хабардор эди, уни ичкарига бошлади.

Каттагина нақшин деворли хонага кирдилар. Амир Темур заррин тўшақда чап тирсагига суяниб ёнбошлаб ўтирарди. Олдидаги каттагина дастурхон нознеъматлар билан тўла. Ўнг томонда Турон хони Султон Маҳмудхон, чап томонда пири муршид Мир Саййид Баракалар тиз чўкканлар.

– Машҳур файласуф ва муаррих Валиуддин Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад, мағриблик моликия қозиси ташриф буюрадилар!

– Ассалому алайкум, Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари!

Амир Темур бошини кўтарди-да, алик олгач, кўлини узатди. Ибн Халдун бош эганча Соҳибқирон кўлини ўнди ва дастурхоннинг нариги четига чўк тушди. Дуои фотиҳа тортилди.

У зимдан Соҳибқиронга қаради. Ҳа, рўпарасида ўнг оёғини ярим узатиб ўлтирган, бир қарашида етмишларга бориб қолган, соқоли кўксида, кексалик залворига қарамай қадди тик, одмигина кийинган одам – доврўғи оламларга таралган, душманлар юрагига даҳшатлар солган, дунёнинг улкан юқини ўз елкасига ортган, қаҳри қаттиқ(у шундоқ деб эшитганди), енгилиш нималигини билмас жаҳонгир... Султонларга хос ҳашаматли кийим ҳам киймаган, оддий оқ авра чошонда, дабдаба-ю асьбасадан нишон ҳам йўқ. Аллома не-не подшоҳлар билан суҳбатлар қурган, ҳузурларига кирган, аммо ҳукмдорнинг у билан тахтда эмас, балки тенг кўриб ёнма-ён бир дастурхон атрофида ўлтирганига илк марта гувоҳ бўлиб турибди...

Ибн Халдун эшик ёнидаги мулозимдан совғаларни олиб ийманиброқ Соҳибқиронга юзланди.

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Арзимасгина ҳадялардур... Кўп ўрнида кўрадилар...

– Ҳадя-ю инъом – инсоннинг зийнати... – сўзга аралашди Мир Саййид Барака.

Ибн Халдун қончиқни очиб, ичидан бир китоб олди. Мусхафи шарифни кўрган Амир Темур дарҳол ўрнидан турди, уч бор ўпиб қошларига сургаркан:

– Оллоҳнинг каломи!.. – деди аллақандай таважжухда.

– Бу расулуллоҳ васфида битилган машҳур «Ал Бурда» қасидаси...

– Ким таълиф этгон? – сўради Амир Темур.

– Мисрлик булбулигўё шоир Муҳаммад ибн Саид а.т-Бусирий. Юз йил аввал яшаган. Бу қасидани ўқисалар бемор кишилар шифо топганлар, шайтон васвасаларидан фориғ бўлганлар.

Ибн Халдун худди томоша кўрсатаётган афсунгарга ўхшаб кетди, киши беихтиёр, яна нима чиқаркин, дея унинг гўлдор қончиққа қўл солиши-

ни кутарди. Бош томонига меҳроб шакли тикилган чиройли жойнамозни бергач, қандолатларга навбат етди. У одоб мақомини тутиб, қутичалардаги ширинликлардан даставвал ўзи жиндай-жиндай ушатиб оғзига солди, кейин Соҳибқиронга узатди.

– Ширинлик... ширинлик... – деди Амир Темур ва ҳаёлидан: «Мусҳафи шарифни тавоф этиб, саждага бош қўйсанг, ҳаётинг ширинлик билан ўтадир», деган сўзлар кечди, моликия қозисининг фаҳму фаросатига, зукколигига қойил қолди. Унинг чехрасида ризолик, мамнунлик аломатлари пайдо бўлди.

– Халлоқи безаволга салламно!

Ибн Халдун буни пайкади. Ширинликлардан оз-оздан тотилгач, Соҳибқирон уларни аёну ақобирларга илинди, барчанинг оғзи тегсин, деб буюрди. Бош эгганча сўзга аралашмай ўтирган хон Султон Маҳмудхон ширинликлар гадоси эди, қандолатлардан баҳраманд бўлишга шошилди. Мир Саййид Барака оларкан: «Етказғониға шуқр!» – деб қўйди.

Амир Темур кутилмаганда алломанинг салласига диққат қилди.

– Нима учун қора салла ўрадилар? Бунда қандай ҳикмат бор? – сўради у, бир пайтлар ҳамадонлик машҳур шайх билан ҳам ўхшаш суҳбат кечгани ёдига тушиб.

Ибн Халдун асли бундай дасторни хуш кўрмасди ва унга бирон бир маъно юклаш мақсадидан мутлоқ йироқ эди, фақат оқ салласи хийла уришиб қолганидан, оҳорлироқ қорасини танлаганди холос.

– Нафсимни ўлдириб, ўшанга мотам тутмоқдаман... – сўфийлар орасида айланиб юрадиган чиройли гаплардан бирини келтирди Ибн Халдун.

У жуда чиройли жавоб берилди, деб хотиржам эди, бироқ кейинги савол уни эсанкиратиб қўйди.

Амир Темур сўради:

– Нафсининг қисмати қандоқ экан? Асли ўлдирилладиганми ёки ўлдирилмайдиганми? Ўлдирилмайдиган эрса, нечун ўлдирадилар? Ўлдириладиган бўлса, унга мотам не ҳожат?..

Соҳибқироннинг, комил инсонлар ҳаминша нафсни

жиловлашга интилурулар, уни енгини ўзларига юксак шараф деб билурулар, қувонурулар, сиз эса мотам тутаётирсиз, демокчилигини англаган аллома, рўпарасида ўлтирган суҳбатдошининг нечоғлик зеҳни ўткир, мушоҳадаси кучли эканига иймон келтирди. Лоҳавла вала қуввата, илло биллоҳ! У Амир Темурни моҳир шатранжчи, деб эшитганди. Рост, шатранжчи ўн-ўн беш йўлни олдиндан кўра билиши керак... Ибн Халдун ўз жавобида зиддиятга йўл қўйганини сизди, дарҳол мантиқли саволга жавоб топишга уринди:

– Бандасининг умри мотам тутмоқдан иборатдур, Мавлоно Амир жаноблари. Ҳар куни кечаги ўтган, ортга қайтмас қунимизга мотам тутмай иложимиз қанча?..

Фавқулудда тилига келган бу жўяли жавобдан алломанинг ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Соҳибқирон ўйга чўмганча, унга тикилди, кейин қаноатланди шекилли:

– Меҳмон қаердан экан? – деб сўради. Пири муршиддан мавзунини ўзгартириш ниятида. – Бу ерларда не юмушлар билан юрибди экан?

– Жаввони Мағрибданман, яъни Мағрибнинг ич-қарисидан, – жавоб берди Ибн Халдун. – Мағриб¹ Шом денгизининг² жанубий соҳилида жойлашган. Яқин мамлакатларни Ифриқия, Тилмисон, Заннота дерлар... Ўзим муборак ҳажни адо этмакка бел боғлаганман. Искандарияга келдим. Ўшанда Султон Барқуқнинг тахтга чиққанига эндигина ўн кун бўлган экан. Шаҳар хурсандчиликлар, шодиёна садоларга тўлиб-тошганди. Кейин Искандария, Қоҳира, Ал-Азхар, аз-Зоҳирия, Камҳия мадрасаларида мударрислик вазифасини адо этдим, худо ато этган ризқимни териб еб юрдим...

– Султон Барқуқ нима яхшиликлар кўргизди?

– Оқиқ чехра бирлан кутиб олди, ҳажга юборишга қўмаклашди. Қайтганимдан сўнг, аввали худо, у ризқимни мўл қилди. Моликия қозилигига тайин этди.

¹ Тунис мамлақати назарда тутилмоқда.

² Хозирги Ўрта ер денгизи.

У мени юқори мансабдан мағрурланмайди, адолат ва ҳақиқатга риоя этади, деб ўйлади шекилли.

– Ўзларини шундай одам деб ҳисоблайдиларму? – сўради Амир Темур.

– Буни ёлғиз Оллоҳ билади. Беайб парвардигорнинг ўзи... – ерга қаради Ибн Халдун. – Лекин Султон Барқуқ вафотидан сўнг давлат кишилари мендан кўнгиллари тўлмай мансабимдан ихрож этдилар.

– Танжа шаҳри Мағрибнинг қайси пучмоғида жойлашган? – мавзунини ўзгартирди бирдан Соҳибқирон.

– Уммон билан Шом денгизи ўртасида Зуқоқ бўғозида, уни Жабалторик ҳам дейдилар.

– Сабата-чи?

– Танжадан бир кунлик масофада. У ерда сохилда доим Андалусияга қатнайдиغان хашамдор кема тайёр туради...

Ибн Халдунни Соҳибқироннинг Мағриб шаҳарларини яхшигина билиши, атроф музофот ҳақида дурустгина тасаввурга эга экани хайратга солди. Танжа, Сабата, Фас, Силжимос каби шаҳарларга оид саволлардан мақсад, уларга жавоб олишдан кўра, кўпроқ меҳмонни синов қилишдай туюларди. Аллома буни фаҳмлади.

– Фас шаҳри маринийлар сулоласи пойтахти, Силжимос эса жануб томонда, кумликлар ичида...

– Кўнглим тўлмади... – деди ҳафсаласи пир Амир Темур, – менга Мағриб мамлакатининг ҳамма жойи, узок-яқини, тоғу дарёси, қишлоғу шаҳарлари, ўр-чақирри, паст-баландини таърифлаб ёзиб берсун, шундоғ ёзсинки, токи ўқиғонда, барини кўриб турғондай бўлайлик.

– Жаноби олийлари учун албатта ҳозирлаб ёзиб бергайман! – деди шоша-ниша ўзини ноқулай сезган Ибн Халдун.

У ҳали Мағрибда эканидаёқ авлиёлар ва башоратчилардан Амир Темур ҳақида кўп ғаройиб сўзлар эшитганини эслади. Асосан, дунёда ўнинчи қирон кутилаётгани, яъни икки самовий жисмнинг қирони – юзма-юз келиб қолиши палласида туғиладиغان зот ким ва қаердан чиқиши ҳақида гапирардилар. Қироннинг

шимоли-шарқда яшовчи сахройи халқдан чиқадиган кучли лашкарбоши номи билан боғлиқлиги, унинг не-не шоҳликлар ва подшоҳликлар устидан зафар кучиши тўғрисида эса Фас шаҳридаги Қараввийин масжидидаги амри маъруфда қўстантиниялик хатиб, мунажжимлар саромади Абу Али Бадисдан билиб олди.

Ўшанда камалак янглиғ илохий нур Мухаммад пайғамбар қабридан чиқиб, Оллоҳнинг азиз бандаси Соҳибқирон Амир Темурнинг елкасига тушгани ва унинг илохий нурга чулғангани ҳақидаги ривоятни тўлқинланиб гапирганлари эсида.

Ибн Халдуннинг устози нафаси ўткир аллома Иброҳим ал-Обилий бир кун унга очикдан-очик: «Бу яқинда юз беради, тирик бўлсанг, иншоолло, кўражаксан!» – деб, қиронни ҳам, қирон остида тунилажак зот дийдорини ҳам нақд қилиб қўйди. Ибн Халдун ўзича шундай кунни кутиб юрарди.

У Амир Темурнинг қаҳри келса, ҳеч нарсани кечирмайди, деб эшитганди. Айниқса, шофеъийлар қозиси Ал-Муновий воқеасини кўп эслар, борди-ю Соҳибқирон билан суҳбат курса, сўзда, юриш-туришда, одобда эҳтиёт чорасини ўйлаб юрарди. Бир мажлисга таклиф этилган Ал-Муновий Соҳибқирон хузурига киради-да, илтифот этишларини ҳам кутмай, ўз ода-тича ижозатсиз ҳамманинг ўртасидан юқорига ўтиб кетади... Амир Темур қаттиқ ғазабланади ва одоб-сизлик қилгани учун қозини чўби ясоққа тортишга буйруқ беради.

Шуларни ўйларкан, Ибн Халдун Соҳибқирон кўнглини тонадиган, Турон салтанатини улуғлайдиган сўзлар излай бошлади. Аввал авлиёларнинг мағриб музофотларини тутиб кетган Соҳибқирон ҳақидаги башоратларидан гапирди:

– Ростдан ҳам, барча инсонлар, бандаи мўъминлар тақдирини ҳал қилиш учун тангри таоло ўзларидек буюк ақл соҳибларини яратади... – пардани балаңд олди Ибн Халдун. – Ўтгиз йиллардан бери кўп диёрларни кездим, ўзларини бир кўрмак, остоналарини зиёрат этмак орзусида юрардим. Ўзларига

тенг келадиган кимса менинг насли насабим, ахлию авлодим, ватану мамлакатим, дўсту кадрдонларим, таниш-билишим, уруғ аймоқларим ичида, дунё подшолярию ҳукмдорлари орасида ҳам учрамайди. Альбон ўз умримнинг беҳудаю бефайз ўтганига ачингайман, афсуслангайман. Қандоғ қилиб умрим жаноби олийлари эмас, балки ўзгаларнинг хизматида ўтди экан? Нега кўзларим офтобдай сиймолари нурларини азизлаб ўзига сурма қилиб сурмади экан? Аммо қазо ўткинчидир. Бас, энди ҳақиқатни мажозга алмаштиргамайман, боқий умримни ўзларининг хизматларига нисор этгайман. Фақат каминани ўша подшолар йўлида умримни хазон этиб, ўз илмларим жавҳарини тасарруф айлаб, дунё тарихининг ибтидосидан то шарқу ғарб подшоҳлари сийратларигача баён этилган, кечаларни бедор, кундузларни ташна ўтказиб битган китобларим хижолатга солади холос. Агар муқаддам кўришганимизда, жаноби олийларини у подшолар шодасининг инжуси, жавҳарларининг сараси этиб қўярдим. Сийратлари билан улар хулқ-одобини безаб, салтанатингизни уларнинг давлатлари пешонасидаги тўлиқ ойдаё тасвирлардим. Негаки, жаноби олийлари мард эранлар отасидурлар, жанги жадалнинг зулматли майдонларида шарқу ғарб узра зафарларнинг тўлиқ ойини порлатган зотдурлар... Ҳар бир вали каломида исмлари зикр этилгай, амир ал-мўминин Алига мансуб жафр ва зиж илмларида ишора қилинган киши ҳамда охир замонда мунтазир кутилган Соҳибқирон ҳам ўзларидурлар! Тангрига ҳамд бўлсинки, менинг қийматимни биладиган, хизматимни кадрлайдиган ва иззатимни ўрнига қўядиган зотни менга ато этди. Шукрки, ниятимга этиб турибман...

– Нима сабабдан шундай орзу этагини тутдингиз?

– Биринчидан, Одам Ато давридан то шу кунгача ўзларидек подшоҳни олам кўрмади. Камина етти ўйлаб бир гапирадиган кишилар сирасига кираман. Аммо банда мақомида баъзан адашиб ҳам тураман. Илм аҳлиданман, ўйламасдан гапирмайман. Соҳибқирон ҳазратлари! Салтанатнинг мангулик умри аҳли

асабийятнинг¹ шижоатидан нур олади. Салтанат қудрати шундай ихлоси кучли кишилар билан бус-бутун. Илм устодлари ўзаро иттифоққа келишиб, бани башарнинг катта қисмини икки гуруҳга ажратганлар: арабларга ва туркларга. Араблар расулulloх дини атрофига бирлашганларида нечовлик қудратга эришганларидан жумла олам хабардордир. Туркларга тўхталсак, уларнинг Эрон подшоҳларига қарши юришлари, Турон подшоси Афросиёбнинг эронликлар қўлидан Хуросонни тортиб олиши катта қудратдан дарак беради. Барчасининг заминида ўша асабийят ётади. Бу борада уларга ер юзида ҳеч қандай подшоҳ, на Хусрав, на Қайсар, на Искандар, на Бухтаннаср тенг кела олади. Хусрав форслар подшоҳидур. Бироқ, форслар қаерда-ю турклар қаерда! Қайсар ва Искандар – Рум подшоҳдаридурлар, Бироқ румликлар қаерда-ю, турклар қаерда!..

– Нега Бухтаннасрни катта подшоҳлар қаторида зикр этадилар? У уларнинг сафига кирмайди-ку! Бухтаннаср форс қўшинлари сардори, Эрон подшосининг ноибни холос! Мана мен ҳам ўшандоғ тахт эгасининг ноибларидан биримен. – Султон Маҳмудхонга бир қараб қўйди Амир Темур. Султон Маҳмудхон қўлини кўксига қўйганча бош эгиб ўтирарди.

– Бухтаннаср қайси тоифадан ўзи? – сўради яна Соҳибқирон.

– Бу хусусда олимлар ўртасида ихтилоф бор, – деди Ибн Халдун. – Айримлар фикрича, у наботийларга, яъни бобилликларга мансуб, Бобилнинг сўнгги подшосидур. Ўзгалар қарашича, у илк эронликлардан ҳисобланади.

– Қайси бири тўғри?

– Агар адашмасам, Бухтаннаср Бобил подшоҳларининг энг охиригидур... Табарий шундоғ ёзиб кетган.

– Мен иккинчи фикр тарафдоримен. – Амир Темурнинг сўзлари қатъий эди. – Араб ва Ажамнинг бошқа тарих китобларини келтириб баҳс қуришимиз мумкин...

– Баҳслашиш мумкин... – бир оз ўжарлиги тутабошлади Ибн Халдуннинг. У ўзида баҳс томирлари

¹ Асабийят(араб) – ўз қабиласига, давлатига, подшосига кучли мухаббат қўйиш, фидойилик кўргизиш.

қўзғолаётганини сезди. Лекин шу ондаёқ теран идрок билан зинҳор бу ерга баҳслашиш учун келмаганини англаб етди. Ўзини ортиқча сафсаталардан тиймоғи керак, алломайи замона! «Амир Темур ўта ақлли, билимдон, фаросатли, баҳслашишга ҳамиша шай, ўз сўзида қаттиқ турадиган одам эканлар, – деди ўзига ўзи. – Сен илм оламига қадам қўйибсанки, одил подшоҳни кўрмоқ ниятида юрасан, маснадида файласуф ҳукмдор ўтирган мамлакатда эмин-эркин кезмоқни орзу этасан... Адолатли салтанатни излайсан. Бу ҳақда хийлагина рисолалар ҳам таълиф этдинг. Не-не мамлакатларда бўлмадинг, не-не подшоҳларнинг суҳбатларида иштирок этмадинг. Аммо «Куч – адолатда» сўзларини ҳар босган қадамига шиор этиб олган ҳукмдорни ҳеч учратдингму? Адолатли подшоҳни энди кўриб турибсан!..»

Бир неча кун аввал Ибн Халдун кутилмаганда подшоҳнинг нозик масалада адолатли йўл тутганига тан берди. Юз қирқ йиллар муқаддам мамлуклар султони Зоҳир Бейбарс Мисрда халифалик мансабини тиклаб, аббосий зодагонлардан бирини тайинлаган ва бу анъана хали-хануз амалда эди. Ўша халифанинг авлодларидан бири Амир Темурнинг олдида даъво билан кирибди.

Амир Темур дарҳол уламо вакиллари-ю фақиҳу қозиларнинг барчасини, – улар ичида Ибн аш-Шихна, Шарафуддин ал-Ансорий, Низомиддин Шомийлар ҳам бор эди, уларга фавқулодда Ибн Халдун ҳам қўшилиб қолди – чақиришларини буюрди. Ҳамма Турон султони шоҳчодирини олдидаги майдонда тўпланди.

– Доимо фақиҳу қозилар, муфтийларнинг ҳукмига қараб иш тутғойбиз! – деди Соҳибқирон.

– Бу адолат мажлисидур, даъвонгизни айтингиз! – даъвогарни дадилликка ундади Мир Саййид Барака.

– Мен халифа зурёдиман. Ҳозир Мисрда бу лавозимни эгаллаган кишидан кўра мансабга кўпроқ мен лойиқдурман. Халифалик дунё тургунча аббосийлар учундир, деган ҳадис бор. Халифалик ота-

боболаримиздан бизга меросдир. Менга нисбатан инсофли бўлишингизни ва халифа мансабини олиб беришингизни сўрайман...

Каттагина издиҳом сув селгандай жимиб қолди. Биров чурқ этмасди. Фир-фир шабада шоҳчодирнинг чанғаровига қадалган уч халқа тасвири туширилган кулранг байрокни ҳилпиратиб ўйнар, шимол томонда Хумоюн ўрдуни ўраб турган ўн икки минглик хос лашкар олачуқлари кўзга ташланарди.

– Бу ҳадис тўғрисида нима дейсизлар? – сўради Амир Темура йиғилганларга қараб.

Ғалоғовур кўтарилди, ҳамма билганини гапирарди. Кимдир, уни расулуллоҳ Уҳуд жангидан кейин айтганлар, дер, бошқаси «Саҳиҳ ал-Бухорий»да бунга кўзи тушмаганидан сўзлар, бари тахмин доирасидаги фикрлар эканидан ҳеч кимни қониқтирмасди.

Ибн аш-Шайхна ёнида жим ўтирган Ибн Халдунга «Бирон сўз десунлар!» деб шивирлади. Халаб қозиси ҳам унга умидвор термилди. Аллома тарадудланди.

– Соҳибқирон ҳазратлари, бу сохта ҳадисдур, – хотиржам жавоб қилди кейин.

Ҳамма: «Ким у?.. Муборак ҳадисни ёлғон дейишга қандай журъат этди?» – дегандай ялт этиб унга ўгирилди.

– Сохта эрса, шу пайтгача халифалик аббосийлар қўлида эканининг сабаби нимада? – сўради қуюқ мош-бринч қошларини чимирганча Амир Темура майдоннинг овоз келган чап томонига тикилиб.

– Сизга Оллоҳнинг ўзи мадақкор бўлсун! – юзланди Ибн Халдун. – Дарҳақиқат, бу ҳадис тўғри эмас... Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин ислом аҳлига бирон раҳбар керакми, йўқми, деган масалада тортишув чиқди. Бир тараф, керак, деди, бошқа тараф керакмаслигини исботлашга тиришди. Шиалар: «Пайғамбар саллоҳу алайҳи васаллам раҳбарликни Алига васият қилганлар!» – деб туриб олишди. Аммо ўзлари имомликни Алининг қайси авлоди бошқаришида келишолмай парокандаликка йўл қўйдилар. Мазкур васиятни рад этган аҳли

сунна рахбарликнинг асоси ижтиҳоддур, бас, мусулмонлар ижтиҳод кўргизиб ҳақиқатгўй, адолатпарвар ва донишманд кишилар орасидан бирини танлаб, рахбарликни унга топширсунлар, деган фикрга тўхталиб турганди, кўпайишиб кетган Али тарафдорлари туфайли васият ханифийлардан аббосийларга ўтиб қолди. Бу ҳазрат Али набираси Абу Хошим ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳанифиянинг халифаликни Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббосга васият қолдиришидан бошланди. Муҳаммад ибн Алининг даъватчилари қўлларида фармон билан бориб Ироқ ва Хуросонни забт айлагач, нуфузлари ортиб, рахбарларининг ўғли Абул Аббос ас-Саффоҳни амир этиб кўтардилар. Шиалар ва суннийлар ўртасида келишув юз бериб, уни халифа деб тан олдилар. Аббосийлар сулоласи манбаси ушбудир. Ўшандан буён халифалик гоҳ васият, гоҳ замона аҳли хоҳиши билан давом этди...

– Маълум бўлдики, – деди ҳамма гапларни сабртоқат билан эшитган Амир Темур, – сенинг мансаб даъво этишга асло ҳақкинг йўқ экан. Ёлғон даъвоинг учун сени чўби ясоққа буюрмак лозим... Аммо сен ҳам худонинг бандасисен, дунёи боумид, деб юрибсен. Бор, йўлингдан қолма!

Бу қарордан ҳамма рози бўлди. Ибн Халдун ичида Соҳибқироннинг адолатига қўйил қолди. Амир Темур бу аллома билан учрашини лозимлигини кўнглига тугиб қўйганди ўшанда. Хайрият, энди ўзи оёғи билан келиб турибди.

Шу палла Муҳаммад Чуроға додхоҳ кириб, Қасри Аблақ дарвозаси олдида бир кўп қозию факиҳлар, муфтийлар, шаҳар аъёнларининг омонлик сўраб турганларини маълум қилди.

– Оллоҳ ўзи Сизга мададкор бўлсун! Баъзи айтадурғон гапларим бор эрди...

– Қандай гаплар экан?

– Туғилиб ўсган ватанимдан олисда мусофирликда юрибман, она юртим соғинчи доним юрагимни ўртайди. Юрган кўчаларим, кезган боғларим бир-бир кўз олдимдан ўтади. Фарзандларим, дўст-бичро-

дарларим дийдорларидан йироқман... Оллохга шукр, сояи давлатингизда эмин-эркин юрибман. Каминани шаҳардаги ўрдангизга кўчиб ўтишимни амр этиб-дурлар, ноибингиз Амир Шохмалик жанобларидан эшитдим. Ғариб бошим нақ осмонга етди. Буюк илтифотлари учун қуллук...

Соҳибқирон аллома сўзларидан қаттиқ таъсирланди, беихтиёр нимадир кўнглидан сизиб ўтди. У ҳам, мана уч йилдирки, дунёнинг ишлари деб Ватандан олисларда мусофирлик заҳматини тортиб юрибди, Самарқанд боғларини, Кеш хиёбонларини, Хўжа Илғор кўчаларини, Термиз қадамжоларини, Бухоронинг мухташам биноларини кўргиси келади. Лекин қандайдир ғойибона иплар уни ўз тузоғига тушириб, чирмаб, кўйиб юбормайди...

Амир Темур алломанинг илинжини англаб етди.

– Худо хоҳласа, нима истак бўлса адо этурмен... – хотиржам деди у.

– Ижозат берсалар, бир сўровим бор эди... Жуфтакни ростлаган Миср султони билан кетолмай қолган қозию фақиҳлар, муфтийлар, шаҳар аъёнларининг бари хозир ўзларининг тасарруфларидадур. Салтанатлари бепоён, бинобарин хизматкорларга, фармонбардорларга эҳтиёжлари улуғ... Даманиқ аҳли учун омонлик тиламоқчийдим. Уларга қафолат ва ишонч хати берсалар...

Амир Темур ҳайратлангандек Мир Саййид Баракага қаради:

– Пирим! Сўзларимни таржима қилмасунлар. Бу аллома ғариб, ўзи ёрдамга мухтож... Аммо ўзи ҳақида сўзламайдур, балки бошқаларнинг ғамини чекадур... Оллохнинг асил бандаси экан! Бундай кишиларни бош устида қўюрмен. Кимнидир жазоламак лозим эрса, биров орага тушиб унинг гуноҳини сўраб оларму экан, деб қараб турамен... Шундоғ инсонларни бағоят қадрлаймен. Сизлар ўзингизни назарда тутасиз, – дедим ҳинд сафари пайтида бир кун ғазотга отланган, фойда, ўлжалардан умидвор Амир Сулаймоншоҳ ва унинг ёнидаги лашкарбошиларга. – Зару кимхоб топсам, ақчам мўл бўлса дей-

сиз. Мен эса бу саодатга етишмакни ўзим учун исташ баробарида барча лашкарларнинг мискинларини ўйлаймен. Уларнинг мингани улови йўқ, озор еган, пиёда қолгонлари кўп... Рост, қўл остингдаги кишиларнинг ғамини емак ва уларнинг осойиши учун ранжу меҳнат тортмак – ўзинга фароғат тиламакдан кўра афзалроқдир...

– Аҳсанта! Бағоят ҳақ гапни айтдилар, Амир Соҳибқирон! Аҳсанта! – мақтов сўзларини аямади пири муршид.

Амир Темур Ибн Халдунга юзланди:

– Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирамалагай. Ҳамо шаҳрида турғонимизда хижрий 803 йил раби ул-охирнинг йигирмаси¹ эди. Нурий жоме масжидининг қибла девориға бир мармар тахтага ушмундок сўзларни нақшлаб ёздурдим, илло мармар ўлмайди: «Тангри таоло бизга мамлакатларни мусаххар айламакни муяссар кўрди, Ирок ва ўзга юртларнинг соҳибига айландик, Миср султониға қўшни тушдик. Пайғамбар саллалоҳи алайҳи васаллам: «Ҳамиша Жаброил менга қўшни билан яхши, баҳамжихат турмуш кечиришни тавсия этади...» деганлар. Отабоболар удумини тутиб, унга мактуб битдик, турлитуман ҳадялар юбордик. Бироқ у бизнинг чопарларимизни бесабаб ўлдирди. Мақсадимиз – икки юрт ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, садоқат борлигини намоён этишдан иборат эди...» Баъзи туркмонлар эса одамларимиздан қўл етганини тутиб олиб, уларни Миср султони Барқуққа юбордилар, султон барчасини зиндонга солиб хўрлади... Биз энди муҳолиф чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида йўлга чиқдик...

Амир Темур сўзлашдан тўхтади.

– Аммо, Миср султони унутмасунки, – давом этди яна. – Ҳар иддаога қарши ўқ, ҳар фармонга бир ижро, адоватга қарши узр, тангликка – чора, тақдирга тадбир бордир... Ҳар Фиръавнга бир Мусо топилур...

¹ 1400 йил 20 декабр

Ибн Халдун хайрат билан Соҳибқиронга қаради. Унинг сўзларига тап бермай илож йўқ эди.

– Филҳақ тўғри дедилар, Амир Соҳибқирон хазратлари! – тасдиқлади у.

«Бу қандай донишманд одам эканки, унинг қилган ишлари ҳозир учунгина эмас, балки келажак кунларни ҳам ҳисобга олиб амалга оширилгай, – ўйлади аллома. – Ҳа, бугунги тарих ҳақида ҳақиқат олис-олис авлодларга асил ҳолда етмоғи керак. Ўх-хў, Амир Темур билан Султон Фараж ўртасида ер билан осмонча фарқ бор-а!.. Афсуски, кўп подшоҳлар оламга ҳамиша фаросат кўзи ила боқадиган бу закий ҳукмдорни англашдан йироқдурлар... Фикри ожизимча, уни англаш бу замон одамларининг қўлидан келмас...»

– Ҳамо шаҳрида эканимда, ўшал мармар тахтани камина ҳам кўргандим. Ҳақ гапни мармарга ёзиб қолдирибдурлар, Амир Соҳибқирон! – деди Ибн Халдун. – Миср султониининг узоқни ўйламай кўйган қадамлари учун ўзларидан узр сўрайман...

– Мамат! Котибга етказгил, ки жумла мўъминларга омонлик варақаларини битсун... Яратган дилимизга солиб, барчасига эркинлик ато этгон эдик-ку! Амир Шоҳмалик! Қозию фақиҳ, муфтийларга хилъатлар кийгизилсун!

Соҳибқирон алломага жилмайгандай қараб турарди.

Орадан анча кунлар ўтиб, юртига қайтаётган Ибн Халдун Сафад шаҳрида эканида бир одам уни қувиб етди:

– Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари сиздан сотиб олган ҳачирнинг пулини бериб юбордилар. Мана, омонатингизни олингиз. Турон султони биз орқали зиммасидаги қарздан қутулмакни хоҳиш этдилар...

Ибн Халдун Амир Темур билан бўлган сўнгги мулоқотни эслади.

– Ҳачирингиз бор-а? – деб сўради қутилмаганда Амир Темур бир куни.

Ибн Халдун хачирим бор-йўқлигининг Турондай улуғ мамлакат султониға нима кизиқ жойи бор экан, дея ажаблапти. Одатда, Миср қозилари кулранг хачир миннишар, бу катта ҳурмат-эъвоз белгиси эди, бошқа аъёнлар бундан бебахра қолардилар. Қозиликка тайинланган киши хилъат кийиб, оддий хачир олса, қозиюл-қуззотга энг қимматбахо кулранг хачир инъом этиларди.

– Ха, бор, Амир Соҳибқирон.

– Яхшими?

– Ёмон эмас...

– Менга сотмайсизми? Уни сотиб олишим мумкин. Сизга саховат кўргизмоқчи эдим.

– Оллоҳнинг ўзи Сизга мададкор бўлсун! Лоҳавла вала қуввата! – таажжубдан ёқа тутди Ибн Халдун. У Амир Темурнинг болаларча содда тутумидан ҳайратга тушди. – Нахотки Сизга сотсам?.. Мен-а? Сиздан беадад яхшиликлар кўрган бир банда-я? Ё тангрим!! Хиҷолатга қўймакдалар каминани! Кошки, ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам! Худо сақласун! Менга қилмаган яхшиликлари қолдимун? Мажлисларида хос кишиларингиз каторида ўлтурдим... Хачир эмас, қўл остимда нимаики бўлса, хизматингизга нисор этишга тайёрман, Амир Соҳибқирон!..

Ибн Халдун хачирни бериб юборди.

Ярим дунёнинг соҳиби, улкан давлат юмушлари билан банд Амир Темурнинг елкасида турган кичиккина қарзни узишни унутмай, хачир ҳақини юборганидан аллома беҳад таъсирланди, унинг фавқулодда буюк, инсофли ва диънатли зот эканига такрор иймон келтирди. Ё раббий! Бир хачирнинг пули холос! Ҳайрати ичига сиғмай, кимгадир ёрилмоқни истади, аммо ҳеч ким йўқ, омонатни етказган ҳам аллақачон ортига қайтганди. Бу адлу инсоф этагини тутган одамга эҳтироми яна ҳам органини сезди-да:

– Омонатга хиёнат қилмапти! – деб юборди беихтиёр.

Дарҳол ушбу воқеалар хусусида Мағриб подшоҳига батафсил мактуб ёзишга тутинди.

II

Амир Темур Даманқ жангида набираси амирзода Султон Хусайннинг гумроҳлик йўлига кириб, душман томонга ўтиб кетганини, кейин қайтиб асир тушганини эшитди. Дарҳол Хумсда турган Шохрух Мирзони хузурига чақиртирди.

Шохрух Мирзо стиб келганда Қасри Аблак ҳовлисида оҳиста кезиб юрган Соҳибқирон хийла ўзини босиб олганди. Ҳазабидан еру кўкка сиғмай, бобосига қарши тиф кўтариб душманлар тарафига ўтиб кетган бетавфиқ, қилар иши сўзидан олдин юрадиган Султон Хусайн Мирзога қандай жазо бермак зарурлиги, бу ходисани эътиборсиз қолдириш мумкин эмаслиги ҳақида чуқур хаёлларга ботди.

Ҳаммасидан ҳам нохуш ери, аҳли жаҳон олдида шарманда бўлишлик оғир; энди Соҳибқирон бошқалар юзига қандай қарайди? Бундай иснодни қандай кўтариб юради? Давлату салтанат қуввати туфайли баҳодирона ҳамлалар билан давроннинг бетизгин ва асов тулпорларини ўзига ройиш этган, не-не гарданкашларни тиз чўктирган, лозим эрса тоғларни даст кўтара олгувчи қудратли султон бундай шармандалик - зил-замбил юкни кўтаришдан ожиз... Ўз-ўзига хиёнат қилса-я? Бу юртга хиёнат дегани-ку? Бундайлардан наф кам, улар бошқаларни ҳам йўлдан оздирадилар.

Бирдан ғазабланган Соҳибқироннинг тилига ўз-ўзидан «Қатл!» сўзи келди! Мироншоҳ Мирзо воқеасида ҳам шундай бўлган, ўшанда худо унга инсоф берган эди. Яна ўхшаш ҳолат... Йўқ, шайтонга хай бермак керак, яна худодан инсоф тиламак жоиз...

Амир Темур киши билмас барча ўғиллари, набиралари, келинларини кузатиб юрарди. У жаҳли тез чиқиб кетадиган, тажанг Султон Хусайн Мирзонинг бўлар-бўлмасга ранжиб, катта демай, кичик демай атрофидагиларнинг кўнглини оғритиб юрганидан ҳам бохабар эди. Катта сафарга чиқишдан тўрт ой олдин Оксаройда барча амирзодаларни чақиртириб, уларнинг аҳволи руҳиясини билмак мақсадида алоҳида-алоҳида суҳбат қурди.

– Жаҳлингиз тез-тез чиқиб турадир, амирзодам, тажангсиз, кишиларни худа-беҳуда ранжитадурсиз... – деди Амир Темур Султон Хусайн Мирзо билан кўришганда. – Бу йигит кишига мақбул иш эрмас...

– Шундоқ... мақбул эрмас, Амир Соҳибқирон ҳазратлари... – қўл ковуштирди амирзода. Ичида, қаердан билар эканлар, деган шубҳа ўтди.

– Амирзодам! Бир қўлларига болға олсунлар, бир қўлларига мих. Ҳар жаҳллари чиққанда, ўзларини босиб, дарҳол бир михни ана бу боғнинг четидаги теракка қоқиб қўйсунлар...

«Нимага керак экан бу машаана, вақтим бормикин бунга!..», – дея асабийлаша бошлади амирзода ичида, лекин сездирмади:

– Бош устига, Амир Соҳибқирон ҳазратлари!

Ўн кундан кейин Соҳибқирон яна амирзодани чорлатди. Бобо билан набира иккиси ўша теракнинг олдига бордилар. Теракка ўн бешта мих қоқилган эди.

– Хм-м... – деди Амир Темур. – Кўп жаҳллари чиқибдур... Энди михларни бир-бир суғуриб ташласунлар.

Амирзоданинг боз таажжуби ортди. Салтанат юмушлари турганда болалар ўйинига ўхшаш аллақандай мих-болға деб ўлтириш бобосига зарурмикин?.. Шундай дедию, аммо индамасдан михларни бир-бир олиб ташлади.

– Кўрдингизми, – михларнинг корайиб турган ўрнига ишора қилди Амир Темур. – Бу дарахт танасига етказилган жароҳатлар. Улар тепасини суваб, тапқаридан билдирмай қўйсангиз ҳам, ҳеч қачон битмайди, ичида яра қолади... Худди шундоқ одамнинг кўнглини оғритиш ҳам унга мих қоққандай гап! Кейин узр сўрайдурлар, албатта, кечиришади ҳам, аммо эсларидан чиқмасунки, кўнгилга етган жароҳат битмас бўлиб қоладур... Бу сабоқни падари бузрукворим Тарағай баҳодирдан эшитғонмен. Болалигимда ўзим ҳам сизга ўхшардим, тажанг, салга юрагим сиқиладур. Сабоқдан сўнг ҳеч кимни беҳуда ранжитмаймен, деб ўзимга ўзим сўз бердим. Ҳеч қачон бировнинг кўнглини оғритмасунлар, амирзодам!

Индамай бош эгиб тураркан: «Ган бу ёқда экан-да!.. – ранжиганини билдирмай деди ўзига ўзи Султон Хусайн Мирзо. У хижолатдан ирғиб чиққан кўзларини ердан ололмасди.

Шуни эслади-ю безовталанган Соҳибқироннинг хаёллари бадтар чувалди. Фарзандларга нима бўлмак-дадур ўзи? Нима етишмайдур? Улар отасининг, бобосининг жаҳон майдонида қандай қадамлар ташла-ётганларини кўрмайдурларму? Қайси хонадонга ман-суб эканларини билмайдиларму? Ажабо, Мироншоҳ Мирзодай ўғли чўби ясоққа тортилиб, мансабидан мосуво ўлтирибди. Пир Муҳаммад Мирзо ибн Умар-шайх Шерозда ланшкарни майдонга олиб киришдан кўрқиб, жангдан қочиб, ўзини ёлғондан касалга со-либди, у ҳам чўби ясоқ азобини тортди. Сароймулк-хоним, Хонзода хоним, Улуғбек Мирзо, амирзода Умарлар кўз олдида юз берди бу... Соҳибқирон хижолатдан ер ёрилмади, ерга кириб кетмади.

Аммо Соҳибқироннинг ўзида ҳам айб бор, буни тап олади. Салтанат юмуши деб, юртнинг шаъни деб, тунлари уйқуни билмади, роҳат тўшагидан воз кечди, турли мамлакатларга от сурди, не-не бўйни йўғон қайсарларнинг қуловига итоат ҳалқасини илди. Самарқандни, Шаҳрисабзни, Қаршини, қўйингки, бутун Турон тупровини ободу чаманзор этди. Кеча яқинда ҳисоблаб қараса, тахтга чиққандан бери кеч-ган ўтгиз йилнинг қарийб ярмини сафарда ўтказиб-ди! Сафарларда ўзи Туронда бунёд этган жаннаторо боғларда кезишни, тахтиравон кўчаларда юришни, шинам шаҳарларга боқиб роҳатланишни соғиниб яшабди!.. Ўн беш йил юртдан йироқларда дунёнинг иши деб юраверибди, ўзи ҳам бунга ҳайрон. Фар-зандлар тарбиясини эса маликаларга, оталиқларга тошпириб қўйибди, ишонибди. Бари билан ўзи шуғулланмоғи керак эди, ўзи!.. Шунга қолганда бебарвороқ қаради, кўли қисқалик қилди. Аттанг!

Энди эса, ҳаммасидан ҳам маъжумроқ ҳодисага дуч келиб турибди – унинг жигарбанди, набираси Султон Хусайн Мирзо хиёнатга юз бурибди... Одам-ларни ранжитма, кўнглини оғритма, деб насихат

қилганди. Афсус, бенаф кетибди. Мен нима дейману кўбизим нима дейди, деган экан бир куйган банда. Ох, дунёда ҳеч қандай отага фарзанди, набирасининг бош эгиб мустару ночор турганини кўриш на-сиб этмасин!

Бирок, набирада ҳам набира бор-да! Худога шукр, мана, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон! Кўз тегмасин, қанчалар олийжаноб, узокни ўйлайди-ган, акли-фаросати етук йигит. Соҳибқиронга суянч, гуриллаб юрибди. Кеча Самарқанддан Муҳаммад Султоннинг чопари Бадахшон конидан олинган юз йигирма мисқолли ёмби лаълни пешкаш тортиб ке-либди. Гап лаълда эмас, улуғ бобосига эътибору тавозеда, ҳурматда, ўз иззатини англаб етишда... Чунки бировни ҳурмат этсанг, ўзинг иззат топа-сан. Бундоқ набиралардан, фарзандлардан кўкрагинг тоғдек кўтарилади. Султон Ҳусайн Мирзо лоақал Соҳибқирон бобосини ўйламабди-я! Кураш билмаган отасини йикитар, дегани шу бўлади!

– Бунинг бобоси Амир Мусо азалдан фитначи, аҳдга вафосиз, ўз сўзини хор қилгувчи эди, – деди Амир Темур Шохрух Мирзога. – Вовайлоларким, набираси ҳам шундоқ чиқди... Адоват наслдан насл-га ўтадур, дейилмишдир муборак ҳадисда. Нахотки, фитна-ю фиску фасодлар ҳам қондан қонга ўтса?..

– Йўғ-е, валинеъмат Соҳибқирон! Пешонасида шу ёзилғон. – қуюқ қошлари чимирилди Шохрух Мирзонинг. Унинг қовоқлари яна ҳам қалинлашиб кетгандай туюлди. – Сўрига бир оз ўлтирсунлар, ҳордиқ олсунлар!

– Ҳа, иллатлар, разолатлар, қабоҳатлар қондан қонга ўтадир! Бу ҳам бир мерос экан-да! Раҳматли катта оғангиз Жаҳонгир Мирзо, жигаргўшам, дил-бандим, ножинс бандалар хақида гапириб, эшак-нинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи ит, деб кўл такрорларди. Қўшилмасдим. Рост айтғон экан ўфилжоним, фитначининг боласи фитначи, ноинсоф-нинг боласи ноинсоф, ичи қоранинг боласи ичи қора туғилар экан! У минг бор офтобга чиқса ҳам асло оқармайди!..

– Валинеъмат Соҳибқирон, Жаҳонгир Мирзо оғамни, афсуски, кўрмағонмен, аммо зукко шаҳзода нечоғлик ҳақ сўзларни айтғонларини кўриб турибмен. Бу қисмат-да, қисмат...

– Қисмат, дейдиларму?.. – Амир Темур ўйланганча сўридаги юмшоқ ёстиққа ёнбошлади, ўнг оёғи ажабтовур роҳатланди. – Қисмат... Қисмат... Бевақт кетғон ўғлим Умаршайх Мирзонинг ёқтирғон сўзлари эди бу...

Шохрух Мирзога падари бузруквори худди чўкиб қолгандай туюлди. Нега қисмат деган сўзни айтиб юбордим, деб ичида ўзини койиди. Қаёққа қараб ўлтирибмен, бари учун ўзим айбдормен, ҳаммасининг фаҳмига етишим, олдини олишим керак эди, қабилида сўзлар кечди унинг хаёлидан.

– Ха, қисматдан қочиб қутулиш мушкул, – деди Соҳибқирон. – Энди қулоқ солсунлар, ўғлим! Қулоқ билан олғонингиз илмдур, фаҳм этғонингиз – ҳикмат, кўрғонингиз ва англағонингиз эса ҳаётдир, тиркликдур. Қулоққа яхшилаб буни олсунлар, зеро илм ўрнига ўтгай. Аввалан, бу ношуд болани ҳузуримга йўлатмангизлар. Салтанат мажлисларида иштирок этмасун. Тағин. Кокилини кесиб ташлангизлар! Кап-катта йигитдек-ку, аммо ҳали бола экан. Унинг кокилини кесдириб, худди сиздай катта йигит бўлғонини улусга ошқор этиб бир кўкрак кермоқчийдим, тўйлар тортиб, юртга ош бермоқчийдим, ҳаммасидан қуруқ қолди. Ўз ризқини ўзи қийди. Бизни ҳам бенасиб қилди. Тағин. Маоши кесилсун, дарвиш ҳолига солинсун...

Шохрух Мирзо Соҳибқироннинг бу сўзларни айтишда нечоғлик руҳан кийналганини теран идрок этди, ичи ачиди. Худди ўзи айбдордек, падари бузрукворининг кўнглини кўтаришга бир сўз ҳам тополмади, ҳеч нарса деёлмади.

Орадан бир ой ўтгандан сўнг яна Шохрух Мирзони ўз ҳузурига чақиртирди.

– Эртага Ҳумоюн ўрдуда катта машварат чақирилғон ... – деди Соҳибқирон. – Ҳамманинг олдида менинг оёғимга йиқилсунлар, бетавфикнинг гуноҳини сўрасунлар... Кейин яна такрорласунлар...

Шохрух Мирзо, сассиз бош эгар экан, нима қилмоқчилар, деб сўрашга журъат этмади.

Узоқ чўзилган машварат жуда оғир кечди. Асосий диққат Йилдирим Боязид билан боғлиқ муносабатларга қаратилди. Икки қудратли салтанат ўртасида вазият гоҳ таранглашар, гоҳ юмшар эди. Даставвал вазият ҳатто кўнгилдагидек кеча бошлади. Рум қайсари Тахуртанга киши юбориб: «Мени Соҳибқирон бирла яраштиргил, орамизда дўстлуқ тиклансун, бориш-келиш йўлга қўйилсун. Агар ярантирсанг, асирга тушган ўғлон-ушоқларингни Бурсадан ўзингга қайтаргайман» деб ваъда айлабди.

Кўп ўтмай Румнинг ислом қозиларидан бири Йилдирим Боязиднинг мактубини етказди. Сабаби, Рум элининг ақобиру ашроф, уламоу сулахоси Йилдирим Боязидга бундоқ насихатлар қилишиб, кенгаш беришибди.

– Ҳазрат Субҳоннинг иноятидин маълум, ки Амир Темурнинг давлати қоим ва улуғдур. Мундоқ худо ярлақанган зафарли султон билан муҳолифатга бормак яхши эрмас, мувофиқлик изласунлар, токи вилоят омонда қолсун.

Мактуб шундан кейин ёзилган экан:

«Чун инобати ҳазрат Ҳаққ хизонасидинки тута ал-мулка ман ташаъа»¹ – подшоҳлиқ хилъати била ул ҳазратнинг иқбол қоматини ораста қилиб турур. Биз ҳам тобеъ ва мутеъдурбиз. Агарчи мундин бурун хилофи қоида биздин баъзи нималар ўтди, эмди мундин нари итоат ва инқиёддин ўзга ишимиз бўлмагусидур.»

Мир Саййид Барака, мактубни тинглар экан, кўнгилдан: «Рум қайсари Амир Соҳибқироннинг қудратли Миср султонини жанг майдонидан қочирганини билгандан кейин, тан бериб, мурсага келибди-да!» – деган ўй ўтди.

Мамнун Амир Темур элчига бундай деди:

– Сизнинг подшоҳингизни фаҳму фаросати ўткир, закий деб эпитфондим. Рост эркан. У доим фаранг

¹ Куръони карим. Оли Имрон сураси 28 оят.

кофирлари билан ғазо қилур. Биз ҳам сизлар билан дўст турурбиз ва кўнглимизда бир андиша йўқким, сиз сори черик элитгайбиз ва Ислом вилояти хароб бўлмай, кофирлар мундин шодлангайлар. Аммо қайсар, Қора Юсуфниким, мусулмонларга азияту азоблар солар, бузукчилик қўлини чўзар, хожилар карвонларига зиён-заҳмат етказар, дарҳол уни банд айлаб, бизга юборсун. Чунки осмоний китоб Қуръон хукмича, унинг жазоси ўлдириш ёки дорга осин, оёқ-қўлини кесиш ёки мамлакатдан сургун қилишдур. Агар бу икки талаб маъқул келмаса, майли, Қора Юсуфни ўз мамлакатидан ташқарига ҳайдасун! Бу уч ишдан бирини адо этса, орамизда ота-болалик, дўстлук ва иттифоқлик қарор топмай, қиз бериб, қиз олмайбиз, ғазотга борса ёнида турмайбиз. Қайсардан бизга нечук жавоб бўлмай? Яхши жавобга, фа ҳува ал-мурод¹ деймиз...

Машваратда амирлар сўзлар эканлар, ўз фикрларини далиллаш учун гоҳ ўтмишга, гоҳ жаҳондаги ҳозирги вазиятга мурожаат қилишар, хулоса ясашар, таклифларини билдиришар, қўплари охири иложи топилса, мураса энг мақбул йўллигини урғулардилар. Лекин, Рум қайсари қудратли подшоҳдир, бекорга унинг лақаби «йилдирим» эмас, фарангларга даҳшат солиб турибди, дегувчилар ҳам, Мисру Шомни, Ироқи Арабу Ироқи Ажамни, Олтин Ўрдани, Ҳиндистонни забт этган чақинқадам лашкаримизга дош берадиган қалъалар йўқ оламда, нима дейишига қараб ўтираммизми, ҳамма андишаларни йиғинтириб қўйиб, от соламиз, дея ўзининг баҳодирлигини, садокатини кўрсатишга интилган хайкиргувчилар ҳам чиқди. Тортишувлар юз берди.

Амир Темур ҳеч кимнинг сўзини бўлмасдан, тинглаб ўтирди.

– Йилдирим Боязиддан жавобни кутмоғимиз жондур, – деди Соҳибқирон вазмин. – Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўйғонимиз жумла оламга маълум. Бир улуши қиличники десак, мана, қилич ҳам ёнимизда турибди... Рум қайсарига инсоф

¹ Яъни, айни муддао маъносида.

бериб, қайсарлик қилмай талабимизни қабул этса, олам гулистон! Дархол Ватанга қайтажакбиз. Чинмочин йўллари қадамларимизга маҳталдур...

– Рум қайсарига инсоф тилайлик!

– Олам гулистон бўлсун!

– Ватанга қайтажакбиз, Ватанга!...

Шундай деркан, машварат аҳли ўз ризолигини билдирар эди.

Шом намози яқинлашиб келар, хали-замон Умавийлар масжидидан азон овози эшитилиб қолиши кутилларди.

Ҳамма машварат охирига етди, деб турганда бирдан Хуросон волийси Шохрух Мирзо ўрнидан турди ва йиғилганларни лол қолдириб ўзини тахтда ўтирган Амир Темур оёғига ташлади.

«Нима бўлдийкин?», «Тинчликмикан?..», «Амирзода жуда босиқ эдилар-ку?..» деган шивир-шивирлар эшитилди. Ҳамманинг диққати тахт томонга кадалди.

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Бир қошиқ қонимдан кечсунлар...

– Хўш?.. – Амир Темур парвосиз ўғлига тикилди.

– Жиянимиз Султон Хусайн Мирзо нолойик қадам қўйди... ҳаммамиз гувоҳмиз... гуноҳини сўраб олмоқчийдим... Агар...

– Бехудага уринибдурлар, амирзодам! Ундан сўз очмасунлар! – Шохрух Мирзони гапиришга қўймади Соҳибқирон. – Бу фикрларидан қайтсунлар! Кечириладурғон гуноҳлар бор, кечирилмас гуноҳлар бор. Ота-боболаримизнинг киндик қони тўкилғон, бизлар учун муқаддас бу юртни деб жон олиб жон бериб юрсагу, айримлар номақбул қадам ташлаб, унинг кадрига етмасалар!.. Жумла мўмин нима дейдир? Ўз юртига хиёнат энг овир гуноҳдир, гуноҳи азимдур, жаноблар! Амирзоданинг гуноҳини кечириш мумкинму?..

Манглайида бир чимдим тириш пайдо бўлган Амир Темур «Гап тамом! Бу ҳақда ортиқ эшитишга тоқатим йўқ!» дегандай тескари ўгирилиб, Қасри Аблакнинг кенг деразасидан йироқларга кўз тикди.

Ноқулай жимлик чўкди. Мухаммад Чуроға

додхоҳ Шохрух Мирзони ўйлаб хижолат чекди, ахир ҳамманинг олдида Хуросон волийсининг сўзи ўтмай, қайтиб турибди. Мир Саййид Барака нима дейишини билолмай қолди. Юраги сиқилган Амир Шохмалик амирзодани қўлламоқчи эди, аммо ботинолмади. У ўзини доим Шохрух Мирзога яқин олиб юрарди. Жахоншоҳ ибн Жоку ичида ижинди, барига ўзини сабабчи ҳисоблади: агар у Султон Хусайн Мирзога оталиклиги тутиб, бир иш юзасидан, аниқроғи, ҳадеб нега мен валиаҳд эмасмен, деявергани учун қаттиқ дашном бермаганда, балки аччиқланган амирзода Миср томонга ўтиб кетмасмиди...

Қовоқлари бадтар солинган Шохрух Мирзо ерга қараганча жойига келиб ўтирди.

– Ҳодисалар тойғоғида ҳар қандай оқил ҳам ўз мувозанатини йўқотиши мумкинди, Амир Соҳибқирон... – жим туролмади пири муршид. – Бандаси жойизул хатога йўл қўядир. Ўзларининг доно сўзлари бор-ку, бисёр ёқтирамен, тузатиб бўладиган хатолар хато эрмас, адашиш холос, деган...

Соҳибқирондан ҳам, бошқалардан ҳам ҳеч қандай садо чиқмади.

Шохрух Мирзо пири муршид сўзларидан дадилланди шекилли, тагин барчани хайратга чулғаб, тахт сари яқинлаша бошлади. Амир Шохмалик «Тўхтангиз, барибир бефойдадур!» демокчийди, аввалига юраги бетламади, кейин таваккал қилмоққа тараддудланди, аммо улгурмади – амирзода такрор Соҳибқирон оёғига йиқилди:

– Валинеъмат Соҳибқирон! – ёлворди амирзода. – Бир қошиқ қонимдан кечсунлар... Донишманду зукколар Турон султонини қаҳру қасосларига кўра Зухалга, фазилатларини Жамшидга, қудрат ва шиддатларини Миррихга, ҳар ишда ўқдек ортга қайтмасликларини, мақсадга интилишларини Искандари Зулқарнайнга мос, деб ҳисоблайдурлар. Раҳму шафқатларини Муштарийга киёс этадурлар. Донолар ҳақ, уларнинг сўзлари барҳақдур! Жияним Султон Хусайн Мирзо аслан ақлли йигит, сал адашиб қолди холос... Унинг гуноҳидан ўтишингизни сўраймен!

Агар керак эрса, кафилликни ўз зиммамга олурмен! Ҳар босгон қадамига ўзим жавобгардурмен! Каминага ишонсунлар! Амирзоданинг гуноҳини кечирсунлар, мажлисларда ҳузурингизга кадам ранжида қилишга ижозат берсунлар!..

Амир Темур Шохрух Мирзога қараганча узок туриб қолди. Қаср ичи сув сепгандай жимжит... Ҳамма вазият қандай уч беришини интиқлик билан кутар, айримлар, Хуросон волийсининг бир марта йўқ дейилган нарсага яна журъат этиб оғиз очганидан хайратда, ўзгалар эса, бебош амирзодагина эмас, унинг касри тегиб, Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам ба-лога қолиб юрмасайди, дея ташвишда эдилар.

Чехрасидан ғазаблангани ҳам, қувонгани ҳам билинмайдиган Соҳибкирон, ниҳоят, соқолини бир силаб қўйди-да, сўзга оғиз очди:

– Ҳа... сен суюкли ўғлимсен, ёнимда тиргагимсен, дилбандимсен... Бетавфиқ амирзоданинг гуноҳи жуда оғир... аммо сен жиянимни кечирсунлар, деб гуноҳини сўраб ўлтирибсен. Йўқ деганимга қарамай, сўзингда қаттиқ туриб олганингни ўзи оқибатингни кўрсатмакда. Кам бўлмасунлар, ўғлим! Илоҳи, кам бўлмайдурлар! Кечирмак ниятим йўқ эди, бу ҳақда ҳатто сўз ҳам эшитмакчи эрмасдим, бир азобини тортсун, демакчийдим. Аммо сен ўртага тушиб қолдинг... Бунинг устига, жигаринга раҳминг келиб, қайишиб, кафилликка оламен, демақдасен. Қандоқ қилиб сенга рад жавобини берамен? Қандоқ қилиб?.. Сенга ишонамен, ўғлим, ишонамен! Турсунлар, ўринларидан турсунлар! Майли, жиянингизнинг гуноҳидан ўтдук...

Машварат аҳли «Хайрият!» дегандай енгил сўлиш олди.

Шохрух Мирзо ўз набирасини кечиришнинг холис йўлини тутган падари бузруквори зехну идрокига қойил қолди. Хиёнатнинг оғирлиги қундай равшан, жазонинг ҳам оғир бўлмоғи муқаррар. Лекин қандай қилиб ўз жигарпорасини бунга буюради? Топилган йўл эса – жуда адолатли: жазо ҳам берилди, амирзоданинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ибратдир, оқибатда адолат ўксиб қолмади...

У жойидан туриб улгурмай, эшикдан Султон Хусайн Мирзо хўнграб йиғлаганча чопиб кирди ва Шохрух Мирзо ёнига тиз чўкиб, Соҳибқирон чопони пешини қайта-қайта ўпиб, ёш тўла кўзларига сурта бошлади:

– Бобожоним! Бобожоним! Узоқ йиллар соғ-саломат бошимизда турсунлар! Эсимни еб, адашдим! Адашдим... Энди аклим кирди! Иншооллох, ортиқ сизни ранжитмасмен!

Амир Темур йигирма уч ёшда оламдан ўтган кизи Оқа бегимни эслади. Жувонмарг кизининг зурёди... «Руҳи шод бўлсун!» – деди ичида. У Султон Хусайн Мирзони ёнига чорлаб охиста бағрига босди ва Амир Мусоникига ўхшаш дўнг манглайдан бир ўпиб қўйди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқироннинг кўзлари ёшга тўлганини илғади.

Машварат аҳли тарқалар экан, ўзаро гангир-гунгирлардан воқеанинг бундай ниҳоя топиши барчага ҳуш келгани сезилиб турарди.

– Шохрух Мирзога салламнолар айтайлик! Ўзини кафил қилди-я, оқибат кўргизди... – деди бири шеригига.

– Отасига раҳмат. Бошқа бирор амирзода ёки амир ўртага тушгани йўқ-ку!.. – шивирлади унга шериги.

– Бунга юрак керак, азму шижоат керак... Ўҳ-хў...

Амир Темур юрагининг тубида турган хижиллик баргараф этилганидан енгил тортди, мамнун бўлди. Ҳа, кўнглидаги бир тошни шартта отиб ташлади!..

Мир Саййид Барака билан Амир Темур шом намозини адо этишга йўналдилар.

Дамашққа оқшом ўзининг нимтатир пардасини ёя бошлаган эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

I

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Ашпара ёқлардаги ишларнинг боришидан кўнгли таскин топди. Қалъа мустаҳкам, ҳар қандай душман ҳамласига дош бера оладиган метин кўрғоннинг ўзи. Ҳа,

икки йил бу ерларда астойдил тер тўкди, кечалари ухламади, кундузлари тин билмади. Шаҳарни битта марказий йўл иккига кесиб ўтарди, ҳар икки томонга мухташам бинолар солдирди. Ўнгда баланд тепаликда, кунчиқишда ястанган узун Мўғулистон йўлини қоровуллар бемалол кузата оладиган минора қурдирди. Худо хоҳласа, Соҳибқирон Шом томонлардан қайтишлари билан, бунга ҳам яқин қолди шекилли, Чинга юриш бошланиб кетади, кейин галаба ёр бўлади, Хитойни бошқариш унга насиб этади... Эсида турибди, Амир Темур Кўрагон худди шу Кўксаройда, қайсидир бир суҳбатда, иншооллоҳ, Чин-Мочинни ўзингиз забтга олурсиз, шаҳзодам, дегандилар.

Кутилмаганда унга Ҳулокухон тахтини топширилиши ҳақидаги олий фармонни тутқаздилар. Валиаҳд шаҳзода бундан таажжубланмади, балки бу ўша катта ният йўлида ташланган қадамдай туюлди. Амир Сайфиддин некўз қутлуғ муждадан мамнун эканини яширмади:

– Бағоят адолатли қарордур, шаҳзодам! – деди у, нафаси қисганидан овози секин чиқди. – Ҳулокухон тахти ва Чин-Мочин ўртасида масофа йироқ, ҳеч робита йўқдай туюлади, аммо ундоғ эмас, шаҳзодам. Чин-Мочиндай юртни бошқаришдан аввал Ҳулокухон мулкидай катта мамлакат тизгинини қандай тутиш хавосини олмоғингиз, салтанатни бошқариш тажрибаларини қуюқлаштирмоғингиз жоиз... Хў-ўш... Қолаверса, мағриб сарҳадлари ҳам химоясиз, Мироншоҳ Мирзо ходисотидан сўнг, салтанат худди деворлари қулаган, тўрт томони очик ҳовлини эслатадиган бўлиб қолди. Унга бўри ҳам кириб кета беради, ит ҳам. Кучли қўл керак...

Валиаҳд шаҳзода буни тушунади.

– Ўзлари ёнимизда оталиқдек юрсалар, Оллох изн берса...

У бобосининг садоқатли дўсти, довюрак Амир Сайфиддин некўзга тикилди. Бир пайтлар текис қирқилган, ярашиқли қоп-қора сокол-мўйлаб энди йўк, битта-ярим қораси демаса, буткул оқарган, бағбақаси осилинқиброқ қолган, чиройли чехрасига чизиқлар

йўл солган, манглайига ажин тўр ташлаган... Барибир чехрасидан нуроний, олийжаноб феълли, гўзал инсон экани кўриниб туради. Шахзода уни доим хурматига, атка деб эъзозлаб юради.

Бобоси ҳам шуңдоқ, уни ҳам кексалик забтига олмоқда. Ўнг тиззаси оғриганидан кўп юролмайдди, ясама тахтда кўтариб оладилар. Шахзода дунёга кўз очибдики, ҳамиша бобосининг тиззаси азоб бериб келади, буни унга хонимойим айтади холос. Аммо Соҳибкирон сира билдирмайди. Қарилик бедаво дарддур, деган эдилар бир суҳбатда бобоси. Ҳа, уларни қарилик ўзининг томирлари бўртиб чиққан озғин, чангақдек қўллари билан маҳкам тутишга уринмоқда. Шундан тез-тез сирқовланиб ҳам туришади. Худо улардан ўз марҳаматини аямасун.

У Амир Сайфиддин некўзга, худди бобосидек, суяниб қолганини энди ҳис қилмоқда. Султонияга ҳам бирга жўнашади.

Ҳамиша валиаҳд шахзодани кўнглида ардоқлаб юрадиган, калта қирқилган соқол-мўйлабли, гирдиғум келбатли, бировга боққанда ҳамиша жаҳли чиққандек куюқ қошлари чимирилиб кетадиган, қирқлардан ошган Амир Аллоҳдод бундан беҳад қувонди.

– Жуда тўғри айтдилар, оға! – қўллаб-қувватлади Амир Аллоҳдод. – Хулоқуҳон тахти кичкина мансаб эрмас... Анов-манов кишига тобшурилмайдур ҳам.

Амир Сайфиддин некўз инисининг сўзларини маъқуллаб бош тебратди.

Барини эшитиб турган амирзода Халил Султон бу хабарга ёқинқирамайроқ қараганини билдирмасликка тиришди. Фақат тахтдан азл этилган отаси Мироншоҳ Мирзо мансаби ўғли Халил Султонга ўтмоғи жоиз эди-ку, деган ўй келди холос ҳаёлига.

– Мартабалар муборак, шахзода жаноблари! – қўл қовуштирди Халил Султон. – Бошимиз кўкка етди...

– Куллуқ! Шахзода Мухаммад Султоннинг уғруки Нишопурга етганда кутилмаган воқеа рўй берди. Амир Сайфиддин некўз йўл азобларидан қийналдими, оқшомда ўзини жуда нохуш сизди,

ўқтин-ўқтин нафаси қисар, йўталарди. Табиб кўриб: «Худонинг ўзи шифо берсин...»дан нари ўтмади. Амир Аллоҳдод оғасининг бошида ўтириб елпиб чиқди. Кечаси билан кўзи илиниб-илинмаган Амир Сайфиддин некўз тонг ғира-ширасида жон омонатини ўз эгасига топширди.

Кутилмаган ҳодисадан ҳамма довдираб қолди. Кечагина гаплашиб, кенгашлар бериб турган одам энди йўқ...

– Оғамиз, агар жоним узилса, ҳоким бегона ерларда қолиб кетмасин, албатта Самарқандга элтиб кўминглар, деб васият қилганди. – деди Амир Аллоҳдод мунғайиб Муҳаммад Султонга. – Агар ижозат бўлса, биз оғамиз наъшини Самарқандга элтсак... Ҳазрат Соҳибқирон йироқдалар. Маросимнинг бошида амирзода Халил Султон жаноблари турсалар... Оғамизнинг обрў-эътиборига муносиб бўлур эрди.

– Ўзим ҳам бормоғим жоиз... – сўз бошлаган эди Муҳаммад Султон, Амир Аллоҳдод сўзни кесишга журъат этди:

– Маъзур тутадилар, шахзодам... Оллохнинг буюргани. Соҳибқирон фармони зиммаларида турибди. Салтанат иши ҳам қазо янглиғ – кутиб турмайди. Сафарни давом этдирсунлар. Амирзодам биргаларку, шу кифоядур.

– Бош устига! – таъзим қилди Халил Султон. – Оғажон, хижолат чекмасунлар. Маросимларни ўтказиб шитоб изингиздан етиб боргойбиз...

Муҳаммад Султон дархол Ахий Жаббор баҳодирни Амир Темур ҳузурига йўллади. У Ироқдан Қорабоғга қайтаётган ҳумоюн уғруқни Ганжада қувиб етди. Баҳодирнинг кейин айтишича, Соҳибқирон кадрдон ва содиқ дўсти ўлимини эшитиб хўнграб йиғлаб юборибди ва: «Қандоқ дўстим эди-я!.. Мени ташлаб кетди... Инно лил-лоҳи ва инна илайҳи рожиъуна»¹, деб ўз-ўзларини овутибдилар. Амирзода Халил Султоннинг йўлдан қайтиб, дафн маросимига борганини

¹ Куръони карим. Бақара сураси. 156-оят. Маъноси: «Албатта биз Оллохнинг бандаларимиз ва албатта биз У зотга қайттувчиларимиз».

эшитиб: «Суюкли набирам менинг йўқлигимни билдирмайду...» – деб кўнгиллари таскин топибду.

...Вазири аъзам Мухаммад Жалд дафн маросимини ўзи бошқарди. Масжидда жаноза ўқилгач, Самарқанд ахли кўчани тўлдириб Шоҳи Зинда мазорига қараб оқди. Амирзода Халил Султон издихомнинг бошида борар, хаёллари ажабтовур безовта ва нотинч эди.

Тобутни мархумнинг уйдан олиб чиққанларида, Халил Султон беихтиёр эшик олдида қолган, қорага бурканиб, нолалар чекаётган бир кўп дийдаи гирён хотин-халажга қаради... Хотинлар, қизлар, канизаклар бари худди соябонидан айрилган етимлардай, уйи тўзиган жўжалардай чирқиллашар, мунграшарди. Бари нотаниш, уларнинг ичида биргина Холдона бибини илғади. Кейин... амирзоданинг ўтқир назари тўппадан-тўғри ўшанга – Холдона биби ёнида йиғлаб турган қорачадан келган гўзал, жамила канизакка тушди, қизларнинг ичидан айнан ўшани ажрата олди! Ўзи билмаган ҳолда, такрор-такрор тикилди. Ё раббий! Кўнглининг ичи фавқулодда куйиб кетгандай туюлди. Ҳа, мусибатларга ботган у қиз кўз ёшлар билан ороланган беомон нигоҳини амирзодага тикканча қараб қолди, ишқ хаданги тиғи паррон бўлиб йигитнинг маъсум юрагини тешиб ўтди! Бу аниқ, чиндан-да, тешиб ўтди! Бўм-бўш қалбида тиниқ кўкда чакмоқ чақди шекилли, мухаббат қалдироғи сас бердими, харнечук бутун вужудига ларза тушганини тўйди!

Тафаккурининг ёркин кўзгуси хали ҳаёт тажрибалари жилоларидан сайқал топмаган, ишқ деган балонинг найранглари тўрига дучор бўлмаган юраги топ-тоза йигит бемисл мўъжизаларга, оламни ағдартўнтар қилиб юборадиган ғаройиботларга, аллақандай шириц туйғуларга интиқ, нималарнингдир илинжида кун кечирарди.

Амирзода Халил Султон ўн етти ёшда, хушбичим, келишган, оқ юзли, нигоҳларни ўзига жалб этадиган Юсуфдек суюкли, бежирим, қоп-қора, хали устара тегмаган, зилол сувли ариқ бўйида эндигина

бодраб чиққан нафис майсалардай майин мўйлаби ўзига ярашган, кўз билан лабни онасидан олган, кенг пешона, қуюқ қошларни, бир оз суйри иякни отасидан кўчирган дилтортар йигит эди.

Ё фалак! Бу офатижон ким экан? Юзлари қорачагина, кўзлари қийиққина, ўзи хуркаккина, ажабтовур суюмлигина, дилбаргина, ширингина... Кўз узолмайсен. Қора зулумот ичида офтобдай балқиб, «Мана, мен!» деб барчадан ажралиб турибди. Кўпдан амирзодага танишдай... Гўё қачондир кўргану йўқотиб қўйган, энди эса кўз ўнгида бирдан ярқ этиб намоён бўлди.

Сухсурдай амирзода тўй-ҳашамларда, байрамларда қизлар-канизакларга эмас, балки қизлар-канизакларнинг унга суқланиб қараганларини кўп кузатган. Лекин ҳозир Халил Султонга ўзининг умр бўйи излаб юрган дилрабосини топгандай туюлиб кетди. Ҳа, унинг кутгани, дилининг матлуби шу ожиза эканига шу лахзадаёқ иймон келтирди! Амирзоданинг толеи уфқидан шоду хуррамлик дам ургани рост!

Атрофда одамлар салтанатнинг нуфузли амири, Соҳибқироннинг яқин дўстларидан бири Амир Ҳожи Сайфиддин некўз дафнига тўпланган, барча мотам кайфиятига чулғанган, жудолик зарбидан дилларда алам, кўзларда йиғи... Кўнгли нурафшон оламдай яшнаган амирзода ҳам йиғларди, аммо бу кўз ёшлари нимадан эканини англаш осон эмасди.

Кўз олдида ҳамон ўша нозанин... Амирзода на-зарида, у бу заминда туғилмаган, балки парилар макони Кўхи Қофда дунёга келган. Ичида бир ўт ёнди-ю ўчмай қола колди. Аксинча, тобора алангаланиб борлигини ўртамоқда. Не балолиғ ўт экан! Ўчирай деса сира ўчмайдиган ўт! Тобора ланғиллаб оловланадур! Қасрдан ҳам унга илашди? Кошки, бировга ёрилиб ичини бўшатса!..

У опикона изтиробларга чулғанар экан, беихтиёр кўнглида туғилган ушбу байтни айтиб юборди:

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Ками дилимиз, лаъли равонбахш раво қил...*

«Хали мени шоир қилади бу пари!» – ширин энтикди амирзода...

Унинг исмини суриштириб Холдона бибидан Шодимулклигини билиб олди, ота-онаси Самарқанднинг ёнидаги Хожа Фунжора қишлоғидан экан, Амир Сайфиддин некўзнинг чорбоғи ёнида туришаркан... Мархумнинг «етти»сини ўтказгунча, беомон нигоҳли канизак амирзода кўз ўнгидан кетмади. Маросим тугагач, канизакни кўришдан(қандай кўради?) умидини узган амирзода сафар тадорикини кўргани Амир Сайфиддин некўз ховлисида чикди ва Боғи Чинорга йўналди.

Йўл бир оздан кейин чорбоғ ёнидан ўнгга буриларди. Боғда олмалар пишган, пишиқчилик фарқ, авжда... Амирзода оҳиста қадам ташлар экан, инсон зотининг эрки умуман чекланганини, чунончи, ўзи Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан Амир Темур Кўрагонлар набира-абираси эса-да, бир жойда бўла туриб, кўнглидаги дилрабосини кўришга имкони йўқлигини, қўли қисқалигини ўйлаб борарди. Ё раббий! Ўзинг бир чора тоғил, бечора банданга кўмак бер!

Кутилмаганда чорбоғ этагидаги кичкина эшик очилдию бир қора кийинган аёл унга пешвоз чикди. Амирзоданинг юраги ҳаприкди: бу ўша – гўзал Шодимулк эди!

Улар бир-бирларига тикилиб қолдилар. Тиллар сўзга ожиз... Шодимулк чиндан ҳам юзлари қорачадан келган, кўзлари кийик, бетимсол бир пари сиймо экан!

– Ассалому алайкум... – деди хаяжон босган амирзода.

– Ва алайкум ассалом... – алик олди канизак таъзимда...

Халил Султон шу пайт орқада эллик қадамлар нарида кимнингдир қораси кўринганини пайқади, қараса – атқаси Худойдод Хусайний, амирзодани кузатиб келмоқда. Амирзода ҳар қанча истаса ҳам, бу ерда узоқ туrolмаслигини сизди, атқаси олдида сир ошкор бўлишини истамасди. Аммо Халил Султон Худойдод Хусайнийнинг ер тагида илон қимирласа билишидан беҳабар эди. У шоша-пиша:

– Мен... қайтамен! – деди канизакка ишонч билан.

Мамнун Шодимулк ҳеч нарса демади, жон олар кийик кўзларини амирзодадан узмай, узун кинрикларини бир ёпиб очди. Бу, қайтишингизни кутаман, деган маънони билдирарди.

Халил Султон шитоб юриб кетди. Канизак ҳам бир пасда кўздан йўқолди.

Амир Аллоҳдод билан тезроқ Сохибқирон ҳузурига боришлари лозимлигидан, амирзода кўнглига бир муштладию сафарга жўнади. Жўнади, аммо Самарқанддан оёғи тортиб-тортмай йўлга тушганини хис қилди, бағрининг бир бўлагими, нимасидир бу ерда қолаётгандай... У шу тонда бамисли фордаги иссиқ инидан судраб чиқилган йўлбарс боласини эслатар, ер тирнаб, тирмашиб ортга қайтай дер, питирлар, аммо қандайдир кўринмас куч, қудрат унга имкон бермас, тобора фордан узоқлаштирар эди.

Хали Қорабоғ йўлида экан, Халил Султонга Хумоюн ўрдудан юборилган шошилинич ёрликни тошширдилар. Унда замон нотинч экани, Ирок тарафларда ғалаёнлар бош кўтараётгани сабабли Пир Мухаммад ибн Умаршайх, Амир Сулаймоншоҳлар бирга Луристон ва Хузистон ёққа йўналсунлар, амирзода Султон Ҳусайн билан Халил Султонлар черик олиб Бағдод сари борсунлар, ҳар ердаким адувдин¹ хабар топсалар, уни бир сори қилмагунча тин билмасунлар, деб битилганди.

Ирок ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир Амир Темур хайбатидан кўрқиб, ҳар турли жойларга қочиб, жон сақлаб юрарди. Охири Румга султон Йилдирим Боязидни паноҳ тортиб борди. Кўп фурсат ўтмай, Амир Темур Румга отланибди, ана бостириб келармиш, мана бостириб келармиш, деган ваҳимали овозалар олам-жаҳонни тутиб кетгач, юртим соябонсиз қолди, бормасам бўлмас, деган баҳона билан Йилдирим Боязиддан ижозат олиб Бағдодга қайтди ва харобага айланган пойтахтни тиклашга киришди. Ўғли Султон Тохирнинг ёнидалиги унга шиддат бағишлади, аста-секин кавак-кандикларда

¹ Адув(араб) – душман.

юрган ҳамма кўрққан-писганлар битта-битта йиғила бошлади.

Ироқ ҳукмдори ҳали ёш ўғлига иш буюрар экан, беихтиёр унинг икки чаккасидаги оқариб кетган сочларига назари тушдию юрагидан бир нима чимиллаб ўтди...

Ироқдаги ходисалар хабари кулоққа етгач, Соҳибқирон аччиқланиб, ўлган илонларнинг бошини кўзгайдиган бадният унсурларни уясидаёқ янчмоқ учун юқоридаги ёрликни юборган, Халил Султоннинг Ироққа йўл олиши важи шу эди.

Амирзода Султон Хусайн Кирмондагина уларга кўшилди. Бағдодга етай деганда, Қорабоғдан келаятган Муҳаммад Чуроға додхоҳ Халил Султонни зиёрат қилди.

– Қорабоғда байрам бўлиб кетди, амирзодам! – деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ қувончини яширмай. Соҳибқирон уни Ироқ музофотидаги вазиятни ўз кўзинг билан кўриб кел, дея жўнатганди.

– Байрам денг! – Халил Султон чиройли жилмайди. У беихтиёр додхоҳ сўзини такрорларкан, шунчаки унинг сўзларига нимадир жавоб бериш учунгина оғиз очди. Бутун ўй-хаёли эса дилоронида эди. – Ўҳ-хў...

– Байрам, байрам! Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султоннинг исмиёқ Амир Соҳибқирон дилини яшнатиб юборади, билсангиз! Худо пошшо-эгам, деганлар. Ҳа, бекорга валиаҳд атамадилар. Шаҳзоданинг ўзлари ҳам бир йигит бўлибдиларки, камолига етибдилар-да! Етилибдилар!

– Ҳа... Валиаҳд шаҳзода камолга етдилар... – сўз кўниди орага Султон Хусайн Мирзо, бобоси Амир Мусога торган, кичик жуссали, қошлари сийрак, кўзлари ирғиб чиққан, дўнганглай йигит. Амирзода Миср воқеасидан кейин, ўзини яна ҳам одамлардан тортадиган, кўп хаёл сурадиган одат чиқарган, давраларда ҳам гапларга аралашавермасди. Ҳозир ҳам унинг кўнглини афсус-надоматлар кемирар, ичида одатдагидек икки одам бир-бири билан уришарди. Биринчиси деди:

«Тахтдан воз кеч, худо берса беради, эмаса йўқ!» – «Бермаса ҳам оламен! – иккинчисининг сўзи кескин чиқди. – Икки ой аввал Амир Мусо бобом узок ўсалликдан кейин, тилдан қолиб оламдан ўтдилар. Бошларида турдим. Кўзларини менга тикиб: «Отинг бекорга Султон эмас, султонсен, болам, султон бўласен! Биз бўлолмадик, сен бўл! Йўлингдан қайтма!..» – деб уқтирдилар.

«Шундоқ уқтирдиларму ёки тахмин қиляпсенму? Яхшироқ англамабсен...Аксинча, болам, тахт учун кураш хатарли экан, дегандирлар балки. Ҳаммасини бошдан ўтказдим. Ўзинг кўриб турибсан. Бу йўлдан қайт, деганлар сенга!»

Иккинчиси эса кўнмай, ўжарлик билан ўз сўзини маъқулларди. У учинчи одам бўлиб ҳар иккисини кузатарди. Бобоси раҳматли Амир Мусо ҳамиша уни эркалатиб, «Ҳали набирам Турон султони мартабасига эришадур, исмини яхши ният билан ўзим қўйганман, тахтга интилиб етишолмаган бобосининг орзусини рўёбга чиқарадур!», сўзларини кўп такрорларди. Дамашқдаги жанг вақтида, султон Фараж пинҳона одам юбориб (бу фикр Ёшбек аш-Шайбонийдан чиқди, албатта, у Соҳибқирон фарзандлари ҳаётидан, сарой об-ҳавосидан яхши хабардор эди), Амир Темурни энгиши аниқлигини, унинг аҳволи танглигини, чунки шимолдан Рум қайсари Боязид Йилдирим ўзининг ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмас лак-лак йаничарлари билан шу ёққа отланганини, ўзи эса Миср, Ироқ, Форс, Шомнинг оламжаҳонни тутган лашкарларини жамлаб жанубдан бораётганини айтиб, ўртада Турон қўшинини бешакшубҳа энгишини билдирган, ва агар... амирзода Султон Ҳусайн Мирзо лашкари билан Миср томон ўтишга кўшиш қилсалар, унга Турон тахтини инъом этажагига ваъда берганди.

Ўшанда у бир лаҳза ўзини Турон салтанати тахтида ўлтирганини тасаввур этди: ҳамма унинг оғзига қараб турибди, бошқа амирзодалар Муҳаммад Султон, Халил Султон ва ўзгалар унга: «...Жаноби олийлари», «Ҳазрат...», «валинеъмат...» – деб

улуғлашади. «Соҳибқирон» унвонини олиши аниқ. Турли мамлакатлардан элчилар хузурига киришга орзуманд... Алоҳида олтин сарой куриб уни ҳарам деб атайди, фақат бир боққанда жон оладиган, бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган офатижон малак ва хурилиқоларга тўлдиради... Амир Соҳибқиронда ҳарам йўқ... Хе-хе-хе! Аммо амирзодада улкан ҳарам бўлади!..

Орзу-хаёлларга берилган, пуч ёнғоқларнинг шалдирашига маҳлиё Султон Ҳусайн Мирзо фалокат босиб, душман ёққа қандай ўтиб кетганини билмай қолди. Ўтишга-ку ўтди, бироқ иш тескари кетди. Йўқ эса, ҳозир Қорабоғдаги байрам Муҳаммад Султон эмас, балки Султон Ҳусайн Мирзо шаънига бахшида бўларди! Наҳотки, Амир Мусо бобосининг орзуси ушалмаса?.. Амир Соҳибқирон уни кечирди, аммо билиб қўйсинларким, у ҳеч қачон ўз ниятидан кечмайди!

– Қараб тўйиб бўлмайди. – давом этди додхоҳ бошидаги мўғулий қалпоғини орқароққа суриб кўяр экан. Пайғамбар ёшига етган Муҳаммад Чуроға додхоҳ тепа сочи тўкилганидан тор пешонаси хийлагина очилиб қолганди. Ҳатто бир куни Соҳибқирон кўриб: «Ҳа, толеинг барк уриб, пешонанг очилиб бормакда, Мамат!» деб хазтиллашганди. Роса кулишгандилар. – Худонинг ўзи алқаган йигит... Байрам деганимнинг сабаби, шаҳзодани кутиб олиш учун Шохрух Мирзо, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Шохмалик ва бошқа аъёнлар бир неча тош йўл юриб Аракс кўпригига етиб келдик. Худди шу ерда кўзимиз кўзимизга тушди, дийдорлашдик..

«Ўшанда мени кутиб олишарди...» – ўйлади Султон Ҳусайн Мирзо.

«Нечоғлик шўх ва дилрабо... балои офат... бало...» – сўзланди ичида Халил Султон.

– Ҳамма севингандан севинди, кишилар бир-бирларига қутлов сўзларини нисор этдилар. Барчамиз шоду хуррам эдик, биргалашиб Амир Соҳибқирон мулозаматларига йўналдик. Валиаҳд шаҳзода Амир

Соҳибқирон билан юкуниб кўришдилар, муборак дийдордан бенасиб қолмадилар. Сўнг Ҳазратга кўп пешкашлар тортдилар...

– Пешкашлар тортдилар? – сўради яна беихтиёр Халил Султон. «Юрагим сиқилиб кетяпти, кошкийди дилдоримни бир кўрсам...» – ўртанди ичида у.

«Ўша пешкашларни мен тортардим...» – пичирлади ўзича Султон Ҳусайн Мирзо.

– Ҳазрат, Кендаги волидаи мухтарамалари Тегина Хотун шарафига бунёд этилаётган мухташам Оқсарой битдиму йўқми, деб кўп интиқардилар. Валиаҳд шаҳзодадан сарой қурилиши, Уста Хоразмий сиххати ҳақида сўрадилар, набиралар, бошқа амирлар тўғрисида сўраб-суриштирдилар. Энг тепадаги улкан гумбаз безаклари охирига етганлиги, энди Тахти Қорачадан тушиб бораётган одам йироқлардан саройнинг маҳобатли мовий гумбазини бемалол кўра олишини эшитиб бағоят қувондилар. Дийдорлашув ниҳоясида Муҳаммад Султонга кўп иноят айладилар, барчасининг эгар-югани олтиндан, узангиси кумушдан тўққизта тўбичоқ от бердилар. Айниқса, белига олтин камар боғлаб, бошига олтин тож кийдириб, елкасига зарбофт хилъат ташлаганларида борлик ёришиб кетгандай туюлди...

«Дилдоримни кўрғонимда борлик ёришиб кетгандай туюлғонди...» – такрорлади ичида Халил Султон.

«Олтин тўбичоқлар ҳам, камар ҳам меники эди, олтин тожни ҳам, зарбофт хилъатни ҳам мен киярдим...» – ўксинди Султон Ҳусайн Мирзо...

– ...Туман оқа жаноби олиялари Саъд Ваққос, Иброҳим Султон, Бека Султон янглиғ набиралари билан етиб келдилар. Барчасидан Соҳибқироннинг кўзлари ёришгандан ёришди...

«Ҳали менинг набираларимни боқадилар Туман оқа момомиз...» – мазахсинди Султон Ҳусайн Мирзо.

– ...Бошқа амирзодалар ҳам ўз совға-саломларини тўкиб солдилар. Бирам кўпки!.. Худо пошшо эгам! Ҳа, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон билан кенгашмай ўзбошимчалик қилган – ўзбошимчаликнинг оқибати шу-да! – Искандар Мирзо ибн Умаршайх бир

йил туткунликда умр кечирди, жазосини ўзлари берсунлар, деб Соҳибқирон ҳузурига элтдилар. — давом этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Хумоюн ўрдуда ёрғусини сўраб, ясоқ таёғи урдилар ва гуноҳдан халос айладилар.

Додхоҳнинг Искандар Мирзо хақидаги сўзлари Султон Хусайн Мирзога тегиб кетди, худди қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит, дегандай туюлди, аммо индамади. Подшоҳликка эришганда, додхоҳнинг танобини яхшилаб тортиб қўйишни кўнглига тугди.

— Бир йил хибсда ётдилар амирзодам, шунинг ўзи жазо ўрнига ўтмайдурму? — сўради Халил Султон.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ хайрон қолди. У ҳамани ҳаяжонга солишга қодир салтанат янгилигини айтяпти-ю бепарво амирзодаларнинг хаёллари тарқок... Дўнгманглай Султон Хусайн Мирзо худди фижиниб ўтиргандай кўринади, унга, аниқ, бу ганлвр ёқмайди. Додхоҳ назарида у, бир қорин мойни бир қумалоқ чиритар, хилидан: хамиша бузғунчиликни ўйлаб юради. Халил Султон эса тикилиб туради-ю, хаёли бошқа ёқда, бамисли кўзи очик ухлаётган одамнинг ўзи.

— Ўтмайдур! — ранжиганнамо деди додхоҳ. — Жазони ҳам, сийловни ҳам худонинг ўзи беради, амирзодам!

Жигарсўхта ошиқ «Менга барибир» дегандай индамади. У, Самарқанд билан боғлиқ бирон юмуш чиқмасмикин, мабодо, адо этишга мени юборишмасмикинлар, маҳликомни кўриб келардим, деган умиддан айрилолмай қолди. Бирдан кўнгли ёришди: Самарқандга бир чопар юбориб Холдона биби момодан Шодимулк хақида хабар олдирса-чи?..

II

Турон султони Амир Темур билан Рум қайсари Йилдирим Боязид ўртасидаги муносабатлар гоҳ отаётган мусаффо тонг мисоли тиниклашиб қолар, бундан кўнгилларга нур инар, гоҳ эса ногаҳонда туман тушган оқшомдай хиралашар, диллар хуфтонга ай-

ланарди. Қатнови тўхтамаган мактублар(икки-уч бор мактублар алмашинди), элчилар оқими ўртадаги чигал муаммони, муаммо эмас, балки жаҳон тақдирини ҳал қилишга қаратилгандан ҳам кўра, кўпроқ мохир муншийларга сўз ишлатишда нозик диду фасохатни кўрсатиш, фавқулодда нуктадонликни намоён этишга яратилган имкондай туюларди.

Мактубларни иддаолар, ортиқча иззатнафсликка берилиш ҳолатлари безаб турарди. Чунончи, у томон ғазаб отига минган ҳолда тилга эрк бериб, Соҳибқирон аскарларини ғайриддинлар деб атаб юборади, бу томон, ҳаммамиз қавмдош, элатдошлармиз-ку, нима учун ҳурмат билан мурожаат этишдан ҳайикадилар, унинг устига, бизнинг ёшимиз сизникидан улуғроқ, дейди. У томон, кимдандир узр сўраш, бош эгиш ёки душманга орқа ўгириб қочиш бизнинг одатимизда йўқ, бандаси пешонада борини кўради, биз ҳеч нарсадан ҳайиқмаймиз, Оллоҳнинг буюргани бўлади, деб жавоб қайтаради...

Амир Темурнинг талаби содда. Рум қайсари кантида жон сақлаётган, мусулмонларга кўп азиятлар етказган, иймонсизликда Фиръавн ва Ҳомонлардан қолишмайдиган, Ҳижоз, Миср ила Шомдан келаётган карвонларга, бозургонлар ва мусофирларга кун бермаётган Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфни унга топширсунлар. Агар бунинг иложи топилмаса, мамлакатдан чиқариб юборсунлар. Чунки улар қаерга борсалар ўша ерда кулфат тўр ёйди, фитна ин куради. Бундай кофирлар ҳақида Куръони каримда «...уларни топган жойингизда тутиб ўлдилингиз ва улардан – на бир дўст ва на бир ёрдамчи – олмангиз!»¹ дейилган. Тахуртан оиласини тездан Арзинжонга жўнатиш ҳам ёддан кўтарилмасун... Устимизга бало-офат алангаси ёприлмасин, десалар, эсни йиғиб, бизга муҳолифликдан тийилсунлар. Бизнинг ёмон ниятимиз йўқ, аммо ёмон ният қилганларга қаҳримиз қаттиқдур...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ, шундай мактуб ёзилаётганини эшитиб, Амир Темурга деди:

¹ Нисо сураси, 89-оят

– Бу бефойда захматдур, Амир Соҳибқирон. Йилдирим уларни сизга қайтара олмас... Ахир подшолар улардан паноҳ истаган эҳтиёжманд бечора одамларни душманга қайтариб бериши мумкин эмас. Бу таомилда учрайвермайди. Ўзлари ҳам, эсимда, Ўрусхон ҳам Тўхтамиш ўғлонни юборишни талаб этганда, Мавлоно Убайдга буюрдилар, бир нома битсун, ки мурувватлилик қоида-русуми ва салтанат арбоблари одатларида бирор давлатдан паноҳ истагон кишини душман қўлига тобшуриш зинхор раво кўрилмайдур. Тўхтамиш ўғлон бизга сиғиниб келиб турур. У бизга меҳмондур, меҳмон дахлсиздур. Уни ҳеч кимга бермасбиз! Аммо уруш десангиз, тайёр турубтурбиз, деб жавоб бергандилар-ку!.. Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфлар ҳам меҳмонлардур, меҳмон эса дахлсиз...

Соҳибқиронни хаёллар чулғаб олди... Кейин деди:

– Рост айтасен, шундоғ жавоб берғондим. Начора, бу сиёсат талабидур... Бошқа йўл йўқ.

Додхоҳ ортик ҳеч нарса демади.

Бу палла юкоридаги мактубни олиб Бурсага бо-раётган элчи хийла йўлни босиб қўйганди.

Мактуб билан танишган Рум қайсари тутоқиб, ўрнидан туриб кетди:

– Хали биздек султонга журъат этиб, ўзининг майда иддаоларини тап тортмасдан қўя оладиганлар ҳам борму бу оламда?! Дунёбехабар сахройи, оддий амирнинг ўғли, унинг устига чўлок, гардунқудрат Қайсарнинг шукуху шавкатини билмайди шекилли! Ўзини ким деб ўйламакда? Эришганимга эришдим, етишганимга етишдим, деб қўйинини шалдироқ ёнғоққа тўлдириб юрибдими? Нима, бизни Ажам подшоҳларидан бири деб хаёл қилдиму? Ёки Румнинг ғазотчиларини Шомнинг лакалов аскарларига менг-задиму? Ёки биз унинг кўзига гапини эплаб гапиролмайдиган дашт тоторларидай бечора кўриндикму? Ёки бизни ҳинд тўдалари, Ироқ галалари сингари йўлини йўқотган, тарқоқ лашкар деб ҳисоблайдиму?.. Ёки унинг қўшини лак-лаку бизникининг чўғини паст деб ўйлайдиму? Хали Эртўғрул бобомизнинг

бор-йўғи уч юзта аскар билан ўн минг хулоқуий то-торларини тумтарақай этганлари олам аҳлининг эси-дан чиққани йўқ! Буюк Усмон Ғозийнинг беш юзга яқин кичик лашқар билан салжуқийлар ерига бости-риб борганлари, газот туғини баланд кўтарганлари олам аҳли ёдидан кўтарилмаган!

Йилдирим Боязид кўп гапирди. Мисру Шом, Ирок, Ҳинд, Олтин Ўрда мамлакатларининг мағлуб бўлиш сабабларини алам билан сўзлади. Султон Барқуқнинг вафоти Миср давлатининг негизларини бўшаштирди. Улар улуғларидан айрилгач, ҳамма иш кичик жоҳилларга қолди, салтанат чок-чокидан сўкилди...

Ажам подшоҳлари эса ширин сўзларга ишон-дилар, Турон султонининг макр-алдовларига учиб, бор-будидан айрилдилар. Улар иттифоқдан йирок эдилар. Тўхтамишхоннинг кўп аскарлари хиёнат эта-гини тутиб кетди...

– Подшойи олам! – сўзга қўшилди амир Қора Юсуф, қайсарнинг сал нафас ростлаганидан фойда-ланиб. – Боқсунлар: Оқсоқ Темур аввал Сивасни, Малатияни олди, Гуржистонни, Ироқи Араб ва Ажам-ни, Мисрни, Эронни, Форсни, Кемох қалъасини забт этди... Бу, Рум мамлакатини аста-аста ўраб, уни ўзиники қилиб олишга ишорадир, жаноби олийлари! Ҳа, у бўғма илондур, бўғма илондай Рум салтанати-ни ўраб олмоққа шайланмоқда. Султон хазратлари жойларини оёқ учидан ҳам пастда демоқда. Наҳотки, унинг пойида ҳас-хашакдек хор-зор юрсак? Ўзлари-дай жахоншоҳ подшо бунга чидаб тура оладирму?.. Ахир...

– Бас!! – деб юборди Йилдирим Боязид. Амир Қора Юсуфнинг сўзлари унинг ғазабини бадтар олов олдириди. – Оқсоқ Темурга мактуб битилсун!

Мунший дарҳол ишга киришди. Рум қайсари бир-бир айтиб турди. Керак-покерак жойларда ўйиб ола-диган, қаттик ботадиган пичинг, қистирма сўзларни атай излаб топиб қўштирди, бу охир-оқибатда ўз ку-чига ишончсизлик, ожизлик аломатига айланишини

сезмади, аксинча, ўзининг буюк эканини, рақибига эса хасдек қараб писанд қилмаслигини бўрттириброк кўрсатишни буюрди.

«Султон Аҳмад жалойир билан Қора Юсуфни тутиб жўнатишни кўндаланг қўйибдилар... Жаҳон ҳашматдорига яхши маълумдирки, Хулокухон Доруссаломни забт этиб, Эронни эгаллаганда халифаларнинг қавм-қариндошлари Мисрга қочиб бордилар. Қоҳира ҳукмдори Бейбарс имкон борича уларга кўмаклашиб, катта қўшин билан Араб Ироқига юборди. Бағдод ноибни ҳулокуий Қора Буқа Нувин билан жангда мисрликлар енгилдилар ва қочиб қутилдилар. Халифа авлодлари бари ҳозир Қоҳирададурлар. Ўшанда Хулокухон халифа авлодларини жўнатишни сўраб Бейбарсни бесаранжом этгани йўқ... Шундоғ экан, бургут чангалига тушишдан қўрққан, икки қўлсиз-қанотсиз, асалдан йироқ бўлган чибин ва уясидан айрилган кабутарлар не чора қилсунлар? Икки салтанат муносабатини икки бечора кимса қисматига боғлаб қўйиш сиз билан бизга ярашмайдур..»

Алқисса, Амир Темур талаб этган Султон Аҳмад жалойир билан амир Қора Юсуфни, Таҳуртан оиласини топшириш-топширмаслик масаласини вақтнинг олий ҳакамлигига қўйиб, ўзи хал этади, деб мужмал жавоб берди. Мактубнинг охирида муаммоларга узил-кесил нукта қўйган, кейин инсонлар бошига офатлар келтирадиган шундай сўзлар бор эди:

«...Биз фақат Тангрининг каломи ҳамма нарсадан олий бўлсин, дея саваш қургаймиз. Бизнинг одамларимиз жаннат орзусида Оллоҳ йўлида ўз жонлари-ю мол-дунёларини фидо этишга тайёрдурлар. Пиёда газотчиларимиз борки, улар суворийлардан кўра шиддатлироқдур. Улар бамисли тошларни парчинлаб синдириб ташлагувчи шерлардурлар, жасур қоплонлар, паҳлавон айиқлар, йиртқич бўрилар улардан сабоқ олгайлар. Уларнинг болталари кескир, тирноқлари ўтқирдир... Алҳосил, қўлдан келган юмушимиз, қилган саъй-ҳаракатимиз олам низо-

мининг барқарорлигига қаратилгандур. «Биз Тангри йўлида жиҳодчилармизки, қайсики улар маломатчининг маломатидан қўрқмайдилар»¹

Бас, бизнинг томонга отланмогингиз муқаррардур! Агар келмасангиз... хотинларингиз уч талоқ бўлсун! Келсангизу мен жангга чиқмай қочсам, у вақтда мен хотинларимни талоқ-с-салоса – уч талоқ қиламан!»

Йилдирим Боязид дархол Қорали поша деган саркардани бир неча нуфузли кишиларни қўшиб элчиликка юборди.

Мактуб ўқилганда Ҳумоюн ўрдуда ҳамма қотиб қолди! Бамисли кеч кузақда сахар чоғи салқинда баданлар жунжикиб турганда бир челақ совуқ сувни ўз устларидан қуйиб юборгандек аҳволга тушди. Кишилар кўнглидан: «Бошқа қасам куриб кетганму?», «Нега хотинлар орага киради?», «Суяксиз тил нималар демайди?..» кабилида афсус-надоматларга тўла хаёллар кечди.

– Йилдирим Боязид мажнун ва телбалик жандасини эгнига илибдур! – деди Амир Темур. У, афтидан, бошқача жавоб кутганди. – Э, афсус! Оллоҳнинг ўзи шохид, кўп мактублар юбордим, элчилар жўнатдим. Салтанат юмушининг тўққиз улушини кенгашга қўйғонбиз. Ажаб холдурким, ҳар нечаким Йилдирим Боязид иззатини баланд тутдук, ул биз билан яхши маош қилғай деб, токи вилояти зафарқарин қўшинимиздан азоб тортмағай. Энди эса бизнинг боришимизни истаб турибдур. Ҳоланки, унинг мулку молидин асло таъмаимиз йўқтурур... Кечагина эди, Рум қайсари Таҳуртанга киши йўллаб: «Мени Соҳибқирон бирла яраштирғил, орамизда дўстлук қоим турсун, бориш-келиш йўлга қўйилсун, асирга тушғон ўғлон-ушоқларингни ўзингга қайтарғайман.» деб ваъда айлағон, бундан дилимиз ёруғ ёздай ёришғонди. На Таҳуртанга ўғлон-ушоқларини юборди, на орада дўстлик бўлди... Аҳду паймон, ваъдага вафо қилмак дин арконининг бир рукни. Қайси подшоҳ дин арконларига риояда сустлик этса, унинг

¹ Қуръони карим. Моида сураси, 54-оят.

давлати доимо тебраниб, чайқалишга юз тутадур. Халойик қайси маликнинг бузилмас ахду паймонига ва вафосига суянса, унинг юрти доимо обод, лашкари кўн бўладур. Буни Рум қайсари билмайдур шекилли. Султон Ахмад жалойир бирлан Қора Юсуфдай бадбахтлар сўзига учибдур...

Ёнида доим дафтари қалам билан юрадиган муаррих Низомиддин Шомий ҳайратдан ёқа тутди. «Ё раббий! – деб ўйлади ичида. – Ўз қуввату шавкатидан ҳаволанмоқ шунчаларму? Номдор султонлару юксак мартабали маликлар, замона пойидорлари давлати остонасини фармонбардорлик лаби билан ўшиб турган Амир Соҳибкирондай улўф ҳазратга кибру ҳавога берилиб, сарварлик ва ҳукмдорлик лофини уриб, бетақаллуф маза-матрасиз мактуб юборишга қандай журъат айлади?..»

Хаёлга чўмган Соҳибкирон яна давом этди:

– Ўз қавмимиз билан саваш қурғойбизму энди?..

У «Нима дейсизлар?» дегандай атрофга бир-бир қараб чикди. Кимдир тиз чўкиб, урушнинг кераги йўқ, тўхтатайлик, Рум султонини яна инсофга чақирайлик, дея ёлворади, деб ўйлади шекилли. Аммо ҳамма лол, ҳеч ким индамасди.

– Эй қодир худо, нима қилмакдасен? Жуда мушкул аҳволга солиб қўйдинг-ку бизни!..

Амир Темур жойида ўтиролмади ва ўрнидан турди, гўё ҳаво етишмагандай, охиста юриб ташқарига йўналди. Шундай паллаларда у ўз-ўзи билан кенгашишни яхши кўрарди. Ҳеч ким жойидан қўзғолмади.

Соҳибкиронга барчасидан ҳам, мактубдаги «талок-с-салоса – уч талок» сўзлари жуда офир ботди. Бу сўзлар жаранглаганда, у хижолатчиликдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди! Давлат арконлари олдида, у худди бирор айб жойи очилиб қолгандай ноқулай аҳволга тушди. Хаёлида эллик қадам наридаги саропардада ўлтирган малоҳатли кичик малика Тўкал хоним унга чиройли кўзларини қадаб, ўпкаланиб боқиб тургандай туюлди... Ҳарам, оила мукаддасдир, у ҳақда шунчаки сўз очмоқ ҳам асли

нораво, мана бундай тилга ҳам олинмас ибораларни пала-партиш ишлатиш эса чиндан ақлсизликдир.

Амир Темур ўз ҳарамини ўйлаганда, кўнглида гурур ҳисси тошади, у ҳақда бирон гапни кўтармайди, унга гард тегишини истамайди ва бунга йўл ҳам кўймайди. Ҳар бир эр киши ҳам шундоқ. Ох, унинг ҳарами... Ҳарами – роҳати жони, кўнгил фароғати, руҳ дориломонлиги... Замона юки залворидан, дунё ташвишлари забтидан, афсуски, доим Самарқанди фирдавсмонандда бўлолмайди, хотинлари дийдоридан баҳра ололмайди. Шу сабабдан, маликалардан марғубини сафар манзилларига чорлаб туради. Бир неча йиллар аввал Шосмонга Сароймулкхоним бошлиқ барча маликаларни Наврўзга етиб келишларини буюрганди. Яқинда Сароймулкхоним билан саккиз яшар Улуғбек Мирзо Қорабоғда икки ой турдилар, кейин Султонияга қайтдилар... Амир Темур бошқача бир руҳда ўсаётган набирасини бағрига босди-ю бир лаҳза кўнгли бўшашиди. Набирасини етаклаганча, кўм-кўк арчазорлар оралаб юрди, маҳди улё уларни кузатарди. Улуғбек Мирзонинг тип-тиниқ фалак тоқига ишора қилиб берган бир саволи бобосини танг қолдирди:

– Нима учун осмон тушиб кетмайдур, валинеъмат Соҳибқирон? Устун ийўқ-ку?.. – жавоб кутганча катта-катта кўзларини бобосига тикди у.

Дабдурустдан нима деб жавоб беришни билмаган Соҳибқирон, набирасининг фавқулодда идроки тиниқлигини кўриб қувонди. Бўлар бола бошидан маълум, деганларидай унда илмга интилиш ҳозирданоқ сезилиб туради.

– Нима учун?.. Буни ёлғиз парвардигор биладур, амирзодам.

– Улуғжон шундоқлар... Саволбек Мирзо-да бу... – жилмайди уларнинг изидан етиб келган Сароймулкхоним. – Бу саволларни қайдан топадурлар, ҳайронсиз...

– Жавобларини ҳам, иншооллох, ўзлари топадурлар, Биби! Умрини берсун! – деди Амир Темур ва набирасини бағрига босиб, юзларидан ўпиб қўйди.

Эсида, Миср юриши пайти Дамашқдан қайтишда малика Туман оқа фарзандлар билан етиб келсун, деб Самарқандга нишон юборди. Ўшанда дийдорлашув Табризга яқин жойда юз берди.

Соҳибқирон фарзандларни соғинибдилар, десаларда, ҳамма «бола баҳона, дийдор ганимат»лигини яхши англарди...

Ҳа, ҳарам, оила муқаддас, у ҳақда айтилган ҳар қандай сўз Амир Темур учун ҳақорат саналадур. Бунин Рум қайсари яхши билиб қўйиши керак!

«Соҳибқироннинг туғма мақтовли табиати, Рум қайсарининг бундор бўяма сўзларини зинҳор кўтара олмайдур!» – деб қўйди ичида Низомиддин Шомий.

Соҳибқирон Рум ёқларга узоқ тикилиб қолди... Кўзларига кенг олам торайиб кетгандай туюлди. Кейин ёлғиз ўзи ҳавога гапиргандай, деди:

– Агар дўстингни йўқотсанг бир дўстандан айрилиб, душманингни биттага кўпайтирасен, агар душманингни дўстга айлантурсанг, дўстинг биттага кўпайиб, душманинг биттага камайдур... Аслини олғонда, оламда дўст йўқ, қани дўст? Дўстлар барчаси дўстга айланган эски душманлардур... Йилдирим Боязидни ҳам дўстга айлантирмак уммедида эрдик... Афсус...

Бирдан ўгрилди-да, шиддат билан шоҳқодирга қайтиб кирди:

– Ҳа, жаноблар! Бу ҳақоратга чидаб бўлмас! Чунки хотинлар ўртага тушиб қолди... Хотинлар ўртага тушғонда биз жойимизда ўлтиролмасбиз! Йигит кишининг номус ва ориятдан бошқа бойлиги йўқ. Эр киши орият учун яшайди...

Даврада сув сешилгандай жимжитлик давом этарди. Ҳатто шундай ноқулай пайтларда дарҳол сўзга қўшилиб, узукка кўз қўйгандай иборалар, хадислар тошиб, вазиятни енгиллаштириб ўз йўсунига солиб юборадиган пири муршид Мир Саййид Барака ҳам лолу хайрон, ичида: «Қайсарни шайтон йўлдан урибдур!..» дея пичирларди холос. Муҳаммад Султон Рум қайсарининг ўта кетган бетакаллуфлигидан ниҳоятда жаҳли чиқди. Ҳазабдан катта-катта кўзлари қисилиб,

оқсарикдан келган юзлари оқаргандан оқарди. Ни-мадир демакчийди, мавзунинг нозиклигидан ботинол-мади, тили ҳам боғланиб қолгандай ройишлик бер-мади. Шохрух Мирзонинг бадтар қовоқлари тушиб кетди. У подшоҳлар ўртасидаги салтанат аҳамиятига молик мактублар, муомалаларда бу қадар андиша-сизликка, тутуриксизликка бориш мумкинлигини илк бор кўриб турарди.

Беадаб мактубдан қаттиқ таъсирланган пири мур-шид ўзича деди:

– Аттанг... Рум қайсарининг қуёши адолат шарқи-дан фириб ғарбига ботибдур...

– Биз мактубимизда одобимиз юзидан унинг исми-ни ўз исмимиз билан бир қаторга битғондик. – Со-ҳибқирон мактубнинг у ёқ-бу ёғини қараркан, давом этди: – Қайсар эса ўз исмини олтин ҳарфлар билан ёздириб, бизнинг исмимиздан юқори қўйишга журъат этибди... Начора, парвардигор чараклатиб ёндириб қўйган чироқни кимки ўчирмоқ истаб, «пуф» деса, соқоли куядир холос...

Соҳибқирон бу сўзларни ҳеч кимга эмас, балки ўз-ўзига таскин бериш учун айтаётгандек эди. Қай-сарнинг баланд тоғ чўққисида туриб ҳу-ув пастда, пастнинг ҳам бир чуқурига чўккан одамга аталгандай беписанд ёзилган кейинги мактуби Соҳибқироннинг қаттиқ нафсониятига теғди. «Сўзимизни эшитмадинг, энди урушқа мардона бўлғил!» – деди ичида аламда ва фармон қилди:

– Мансур черикни кўрикка чорлангиз, токи Сивас саҳросида бўй-бастини намоён этсунлар! Қайсар эл-чиларини баланд тепага қўйингизким, кумдай адад-ли, тоғдай мададли, шаъну шавкатли лашкаримиз шиддатига назар солсунлар! Ҳа...Улар бизни бид-майдулар, билғонларида кеч бўладур...

Пири муршид Мир Саййид Барака насиб этиб, қачонлардир Сивас саҳросида улкан Турон қўшини кўригини ўз кўзим билан кўраман, деб ҳеч ўйла-маганди. У Соҳибқироннинг шоҳқодири тикилган баланд тепанинг четига гилам солдирди. Тепалик саҳрода ягона эди, тўрт томонда ҳам кенгликлар

ястаниб ётарди. Пири муршид каради: ҳар тарафдан уфқ тагидан охири йўқ лак-лак қўшинлар бирининг кетидан бири, худди ердан қайнаб чиқаётгандай фавж-фавж мавж уриб келарди.

Кўриқда қўшинлар жангга кириладиган тартибда ҳаракат қиларди. Энг олдинда атрофидан чап қанот ва ўнг қанот қоровуллари ўрин олган, савашда ҳамиша илғор ҳировул фавжи, кейин олти бўлукдан иборат шиқовул ва олти бўлукдан ташкил топган чоповул аскарлари пайдо бўлди. Сўнг ҳар бири олти фавждан тузилган жавонғор ва баронғор қисмларига навбат етди. Уларнинг ортидан Соҳибқирон қариндошлари ва амирзода ўфиллари фавжлари майдонни тўлдирди.

Ҳар бўлук тепаликка яқинлашганда, бек илгари келиб, отидан тушар, юганидан тутганча, дуо-ю санолар айтар, юкуниб таъзим айлар, аскарлар эса: «Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон баҳшида!» – деб хайқиради.

Баронғор сардори Хуросон волийси Шохрух Мирзо Соҳибқиронга таъзим бажо келтирди. Бу пайт Амир Темур шукухли манзарадан азбаройи завқланиб ўрнидан туриб олганча кўрикни кузатарди:

– Азиз бошлари омон бўлсун, валинеъмат Соҳибқирон! Осмон тургунча турсунлар! Улуғ соябонимизга жонларимиз фидо бўлсу-ун!

– Мард ўғлондурсиз, биламен! Дилимнинг қуввати, кўзимнинг чакнағон нуридурсиз, нурул-айнимдурсиз! Илоҳи, ўсиб камолга етсунлар! Қадам ташласалар, асло ортга қайтмасунлар! – дуо қилди Соҳибқирон.

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон баҳшида! – сурон солди баронғорнинг олти фавжи аскарлари.

Фавжлар, ҳазоралар, туманлар, қўшинларнинг ўз яроғларини ярақлатиб тепалик ёнидан ўтиши давом этар, қараб кўз қувнарди. Соҳибқирон қачон валиаҳд шахзода Мухаммад Султон черигига гал етаркин, деб илҳақ, чап томонга қараб-қараб қўярди.

Ниҳоят кунчиқишида тўрт бўлукдан иборат улкан черик саф тортди. Ҳар бўлук бир рангга бўялганидан алоҳида ажралиб турар, қиличдек хил-хил йигит-

лар қизил, яшил, сариқ ва оқ ранглардаги яроқлар билан безанганди. Валиаҳд шаҳзода отидан тушди-да, кўзлари қувончдан, фахру ифтихордан ёнган Соҳибқиронни тавоф этиб пешкашлар тортди. Кейин бир қадам ортга чекинди-да, қўлларини кўксига қўйиб деди:

– Валинеъмат Соҳибқирон! Йўқликдин пайдо бу фалак то ҳануз ўзларидек адлу дод этокин тутғон султон кўрмади! Давлатингиз соясида ҳужум айлабон, мулки Румни забт этурмиз, Оллоҳга аён!

Соҳибқирон лабларидан фавқулодда илҳом сўзлари учди:

– Эй, зафар ўнгидаю, иқбол сўлида йўлдош шаҳзода, иймон зийнати билан безанган ўғлон! Қўлим дуодадур, тилим санода! Тавфиқи илоҳий сизнинг раъйингизга рафиқ бўлиб, фаришталар омин десун, ки парвардигор умрингизни узоқ қилсун, ўзи ёмон кўзлардан асрасун!..

Муҳаммад Султон лашкари ичида сурон солишни даставвал Ахий Жаббор баҳодир фавжи бошлаб берар, кейин бошқалар қўшиларди. Шараф сўзлари уч марта такрорлангач, бутун лашкар гулдираб садо берди.

Шу палла ёнига қизил яроқ таққан ёш беклардан бири амирзодалар фавжидан чикиб, Соҳибқирон ҳузурига йўналди. Бу зирху совутга чулғанган «бек», ёнига қиличу қалкон таққан биринчи бўлукнинг сардори Амир Темурнинг набира келини Соғинч хоним эди!

У югуриб келиб Соҳибқиронни тавоф этди. Амир Темур набира келинининг йигитлардай мардона ҳаракатларидан кўнглида мамнунлик туйди. Фавж ҳам тузибди. Раҳматли рафиқаси Улжой Туркон оқа ана шундай мардона аёллардан эди, Темурбек ҳали Қизилқум чўлларида сарсон-саргардон юрган кезларида, Қарши учун кечган оғир жангларда, унга ҳамроҳу кўмакчи бўлганди. Қизи Султон Бахт бегим ҳам кўрқмас, худди Соғинч хоним ёшида у ҳам ҳарбий машқларда қатнашар, савашларда иштирок этарди. «Буюк саркарда палаклари-да!» – деди

ичида Соҳибқирон ва бундан гурурланиб кўйди. Ҳа Амир Темур амирлар авлодидан, унинг аждодлари жангчи ўтганлар, ўзи ҳам, ўғил-қизлари, набира-ларию келинлари ҳам жангчилардир, бу уларнинг қонида бор.

Муҳаммад Султон четроқда маликани кузатганча, айрича меҳр билан қараб турарди. Ўзига ярашган совуту дубулға маликани бошқача кўркамлаштириб юборади, шаҳзода назарида. Дилдорининг хиёл чўзин-чок оқ юзлари аввалгидек тиниклашган, нигоҳларида нозу карашмаси яширин, пешонасининг чап томонида лом янглиғ чиройли гажаги унга ҳусн бағишлайди, жилмайганида бир текис оппоқ тишлари «Бизлар ҳам бормиз!» дегандай кўзга ташланади...

– Илоҳи, ўсиб-унингиз, олингизу олдирмангиз, қизим! Пайтлар етиб жон омонатини ўз эгасига тобшур-сам, Оллоҳдан умидим бор, Турон юртини жаҳон шаҳзодаси Муҳаммад Султон идора этгай, Ватан доврўғини оламларга ёйгай. Ўшанда унинг ёнида сиздай баҳодир малика ҳамроҳу кўмакчи, маслаҳатчи бўлгайсиз, ақли фаросатингиз, жасоратингиз бирлан теурийлар обрўсига обрў қўшгайсиз, илоҳи!

Маликани дуо қиларкан, Амир Темурнинг кўнгли ёришди.

Черик кўриги тонгсаҳардан то аср намозигача давом этди. Суронлар тинди. Соҳибқирон Муҳаммад Чуроға додхоҳга элчиларни отлантириб, Турон че-риги олдидан ўтказингизлар, токи қудратимизни ўз кўзлари билан кўрсунлар, деб буюрди. Беадад черик-нинг азимати ва шавкатидан элчилар кўнгилларини ваҳимаю кўрқув босди. Аммо ич-ичидан зил кетган-ларини бировга билдирмадилар. Элчиларнинг елка-сига зарбофт хилъатлар ташлашни буюрган Амир Темур Қорали пошага босиқ деди:

– Йилдирим Боязид жаноби олийларига айтингиз: беандиша мактубга қарамасдан, биз ҳануз олийжа-ноблик мақомида турубдурбиз, яхши муомала йўлидан борғайбиз. Рум қайсари оқ байроқ остида майдонга кирадир, оқ ранг яхшилик белгиси экани-ни унутмаслик жоиз. Агар ишончи мустаҳкам эрса,

Тахуртаннинг хонадонини, унга қўшиб ўғилларидан бирини гаров қабалида ҳузуримизга юборсун, токи унга шундай инъом-эҳсонлар кўргизайликки, бундайини отаси ҳам қилмагон бўлсун. Уни фарзандликка қабул айлаб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга тобшурғаймен, токи ваҳшату кина тиконлари орадин йўқолиб, давлат ва комронлик боғидан омонлик гуллари терсун, халқлар эмну омонликда, фароғату фаровонликда бахт-иқболга ҳамнишин, осуда ҳаёт кечирсунлар, барининг савоби эса у дунёда бизларга тегсун.

– Қуллук Соҳибқирон ҳазрати олийлари! – таъзим бажо этди Қорали поша. У ўн йиллар аввал Юнонистоннинг Салоники шаҳрини камал қилиб, Рум мамлакатига қўшган жасур саркарда эди.

«Хайрият! – деди ичида Мир Саййид Барака мамнун. – Амир Соҳибқирон кенгфеъл инсонлар. Яна бир марта кечирмоқдалар. Диллари шунчалар озорланганларига қарамай, иззат-нафсни унутиб, тагин инсофу эзгуликни ўйлайдилар-а!»

Муҳаммад Султон Румга от солишини жуда-жуда истарди, Самарқанддан нима учун келди ахир? Унинг фикрича, Қайсардай ўз ҳурматини сақламай, орқа-олдига боқмай қадам босадиган бетавфиқларнинг бошлаб таъзирини бериш лозим, токи бу ўзгаларга ибрат вазифасини ўтасун. Валиаҳд шахзоданинг ўзига қолса, ўхшаш ҳолларда фақат шундай йўл тутмоғи аниқ.

Ўлжаю чўрилар илинжида юрган, урушга интизор, саваш деб билагини шимариб турганларга бу гап ёқмади, айримлар эса энди Рум қайсари билан жанг қолдирилади, дея бир-бирларига суюнчилашди. Султон Ҳусайн Мирзо бу кунларни интиқ кутарди: у Мисрда юз берган воқеадан кейин ўзини оқлаши лозимлигини ҳис этар, Рум майдонларида от суриб ростакамига жасорат кўрсатиб, Соҳибқироннинг олқишини олмоқни, мартабаларга эришмоқни кўнглига тукканди. «Илоҳи, уруш бошлансин, уруш, уруш!» деб тиларди ичида у. Агар муҳораба бошланса, у дарҳол валиаҳд Муҳаммад Султондан ҳам

аввал, чунки у ҳар доим ўзғирликни қўлдан бермайди, лашкар манглайига ўзини қўйишларини Амир Соҳибқирондан ўтиниб сўраб олади...

Ҳаммадан ҳам, амирзода Халил Султоннинг боши осмонда! «Оллоҳга шукр! Оллоҳга шукр!» дерди ичида. Энди савашин бўлмайти, тезроқ Самарқандга қайтади ва у ниҳоят, бор-йўғи биргина қараши билан кечалари хаёлини ўғирлаб, тинчлик бермаётган дилдори офатижон Шодимулкни излаб топади, мириқиб дийдорлашади... Шуларни ўйларкан, амирзоданинг катта-катта кўзлари умид нурларидан чарақлаб кетди.

Элчилар шу куниеқ Сивасдан Бурсага йўлга чиқдилар.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

I

Тарихнинг босган қадамлари ҳамиша мураккаб ва чигал экани ўша паллада маълум бўлавермайди. Гарчи улар инсоннинг ақли-заковати, шахт-шижоати билан юзага келса-да, кейинчалик уларни англаб етишга ўша ақлнинг ўзи ҳам ожиз эканини тан олади. Мантиқан қараганда, воқеаларнинг амалга ошиши лозим бўлмаган шаклдан чекиниб, мутлақо кутилмаган манзаралар пайдо қилгани жуда афсусланарли. Ҳа, ҳаёт оқими, ходисалар давоми, тарих сардафтарини тўлдириб бораётган воқеалар, куннинг чиқиши ва ботиши, юлдузларнинг чарақлаши, шамолнинг эсиши, булутнинг тўдаланиши, марварид доналаридай беадад ёмғир томчиларининг чўлу далаларга, боғлару тоғларга сочилиши, мутлақо йўқ ердан – осмондан лак-лак биллурий қор заррачаларининг Замин узра ёғилиб гиламдай тўшалиши, оғочларнинг ўсиб ям-яшил япроқларга бурканиши, гулларнинг дунёда монанди йўқ хуш бўйлар (уларни қайси бозордан олишган эканлар?) таратиши ва ҳоказолар барча-барчаси – инсон ихтиёридан четдаги ходисалардир.

Тарихий воқеалар ҳам ана шундай қисматга эга.

Уларни бошқариш яққол инсон имконияти доирасидан ташқарида туради. Инсон бу ерда ёлғиз ижрочи, нари борса томошабиндир. Қайдадир урушлар юз бериши, тўқнашувлар туғилиши, улкан мухорабалар, буюк жанглар олдини олишлар мохиятини англаши мумкин, аммо уларни тўхтатишга ҳамиша ҳам қодир эмас. Кейин ўтган воқеаларни таҳлилга тортган тарихчи олимлар, буни бундай қилса, масалага бу тарафдан ёндошилса, озроқ ён берилса, муроса-ю мадора йўли тутилса мақбул эди, урушларга йўл қўйилмасди, қонлар тўкилмасди, олам гулистонга айланарди, қабилда мулоҳазалар юритадилар, айтганларимизнинг ўтмишга фойдаси йўқ-ку, бироқ кейин ташланажак қадамларга нафи тегар, деб умидвор бўладилар. Буни – қисмат, тақдир деб атайдилар, пешонада нима ёзилган эса ўша юз беради, дейдилар. Ҳа. бу ерда яратганнынг ўзи ҳакам.

Лекин инсон ўзининг тутуми нималарга олиб келишини (ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик маъносидан) тўлиқ тасаввур этишдан ожиз, оқибат ҳамиша сирли тахмин пардаси орқасида қолади. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур билан усмонли император Йилдирим Боязид, турк улусининг энг буюк саркардалари ана учқун олиб ёнаман, мана учқун олиб ёнаман деб турган ўзаро урушнинг қанчалар фожиа эканини англаб етамаганмилар? Наҳотки, шундай офатнинг олдини олиш имкони топилмаган, деб ўйланади киши. Бунга ақл-идроқ жавоб тополмай қийналади. Оқил инсонлар буни - юз бериши керак эди, юз берди, – деб изоҳлайдилар холос.

Рум ёқдан элчи кутиб турган Амир Темур ноумид қолди: юборилган қоровуллар элчи ўрнига, Рум қайсарининг ниҳоясиз кўп аскар, поёнсиз қўшин билан Тўқат шахрига етиб келгани ҳақидаги нохуш хабар билан қайтдилар. Еру осмонни лапшкар тутиб кетган эмиш. Соҳибқирон эса ўзича режалар белгилаб қўйганди: фаранглар тарафга отланган Йилдирим Боязидга омадлар тилаб, агар сўраса, аскар ҳам бериб, тезроқ юртга қайтмоғи шарт, чунки мағрибга сафар чўзилиб кетди, у ёқда Хитой юриши бошла-ниши керак...

Бу орада кутилмаганда осмонда думли юлдуз пайдо бўлди. Унга кўзи тушган одамлар қўрқувдан саросимага тушиб қолдилар. Барчани ваҳима босди. Аскарларнинг тамом хаёли олинди. Ҳамма оғзига келганини гапирарди.

– Юлдуз учиши ҳақида эшитганман, аммо кўрмаганман... – деди Йаналтектин. – Шунақа учаркан-да, шувиллаб ўтди-кетди...

– Сен пандавакини бир кўрсин, деб чикқанда-да бу юлдуз, дастингдан кетай. У бўлар-бўлмасга чиқавермайди. Лалайиб ўтириб ўтказиб юбординг...

– Ол-а! Лалайиб ўтирган эмишман-а...

– Эса-чи! Маҳкам думидан ушлаб олиш керак эди, хумпар. Яна қачон учад-ю... Осмонларни томоша қилиб олардинг...

– Вой, отангни арвойи! – хохолади Йаналтекин. – Соддалигингга қойил-е! Ахир ерга тушиб кетаман-ку, ушлаб олсам, жинни! Унинг думини силлиқ деб эшитганман, қўлда турмас эмиш...

Кулги кўтарилди. Учқора ўзича минғирлаб суйган қўшиғини қуйлашга тушди:

Ер тўймайди ёмғирга,

Хотин – эрга... тўймайди-и-и...

– Тўхта! – деди бирдан Учқора. – Ҳумоюн ўрдуга яқин жойда машҳур мунажжимлар шу ҳақда гаплашишаётган эмиш. Ҳали бир гуруҳ беклар ўша ёққа отланишди. Юр, борамиз, дастингдан кетай!

– Кетдик, отангни арвойи!

Йигитлар катта давранинг гавжумлигини, ғаловурда мунажжимлар баҳсининг авжига чикқанини кўрдилар. Учқора бир неча амирзодаларни йироқдан таниди, Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан Ахий Жаббор баҳодирларнинг ҳам шу ерда эканларини пайқади. Мунажжимлардан бири сўзини тугатаётган экан:

– ...Алқисса, думли юлдузнинг кунботишдан чиқиши Йилдирим Боязид билан уруш очиш хатарли экани аломатидур! – деди у ишонч билан.

– Аксинча, – эътироз билдирди бошқа мунажжим.

– Думли юлдузнинг ғарбда қўй буржига яхшиги-

на жойлашиб олганига қаранг! Бу бежиз эмас, айнан Йилдирим Боязид лашкари учун бахтиқаролик белгисидир, у кунчикишдан Рум қайсарини енгиб янчадиган улкан кўшин келаётганини билдириб турибди...

Баҳс узоқ давом этиши мумкин эди. Биринчи мунажжим кескин эътироз билдиришга ҳозирланди, бироқ учинчи мунажжим чакқонлик билан сўз олиб, барига чек қўйди:

– Бугун тонгсаҳар тафаккур уфқида муборак фол очибдурман, муҳтарам мунажжимлар! – босиқ ва хотиржам давом этди у. – Кўз олдимда, десангиз, Миррих юлдузи фалак тоқини машриқдин мағрибга кесиб ўтди, бу, шубҳасиз, машриқ кўшини мағриб лашкаридан ғолиб келишига ишорадур...

Миш-мишлар катта-кичик оғзида айланиб юрар, тобора бирга минг қўшилиб шишиб борарди.

– Мунажжимлар хаводан фил ясайдилар, – деди Соҳибқирон ҳаллослаб кирган Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг сўзларини бамайлихотир эшитар экан. – Тинғчилар нима дейдир? Ўнта мунажжимдан кўра бир тинғчининг сўзи бизга афзалдур. Ҳозир Рум лашкари Тўқатда турғонмишму?

– Шундоқ экан. Тўқат шаҳрини, атроф тевааракни эгаллаб олганмиш, Амир Соҳибқирон! – деди додхоҳ. – Йулғун¹ дарёсидаги барча кечикларга аскарлар қўйилибди. Кимса ўтолмасмиш... Йўллари тор, ўрмонзору чакалакзорлардан иборат эмиш.

– Ҳеч қандай элчидан дарак бўлмади, а, Мамаат?.. – сўради Амир Темур. Унинг охиста берган саволидан, ҳали замон Йилдирим Боязиднинг чопари хуш хабар билан от чоптириб келиб қоладигандай, яхшиликка умид боғлаб турганини сезиш мумкин эди.

– Бўлмади, Амир Соҳибқирон...

– Бўлмади... – деб қўйди Амир Темур, унинг бу хабардан нафси койигани сезилди, қўли беихтиёр иягига чўзилиб, соқол учини эзғилай бошлади. – Нахотки, тадбир тақдирга терс чиқса? Яна кунимиз қиличга қоладирму? Яна найзага иш тушадирму? Найзанинг ўзи тўғри эса-да, ҳамма қилғон иши тўғри эрмас...

¹ Ҳозирги Туркиядаги Қизил ирмок дарёси.

Кейинги пайтлар ёши яна ҳам улғайиб, хаёлларга бериладиган одат чиқарган Мир Саййид Барака тасбиҳ ўгирганча индамай ўтирарди. У жим туролмади:

– Нахотки гардуннинг кўзи очилмади? Адолат дийдаси ожиз қолди, Амир Соҳибқирон? Манглайга битилган эрса, на чора... Оре, рост. Ўзлари Турон чериги бошидадурлар-ку... Кемачи агар Нўх эса, денгиз тўлкинидан не гам, деганлар машойиҳлар... Ал-хамду лиллахир раббил оламин!

Ҳамма, душман яқин эмиш, энди ниҳоят Тўқат шаҳри атрофида жанг бўлар экан-да, деб турганди, Соҳибқироннинг тутуми ҳаммани ханг-манг қилди: Тўқатга эмас, балки мутлақо қарама-қарши тарафга – Қайсарияга жўнашга фармон берди. Унинг мақсади ўзгачароқ эди: Турон лашкари Йулғун дарёсининг Йилдирим Боязид аскарлари кўриқламаган ерларидан Ангора томонга ўтиб олишга эришиши лозим, аини пайтда жанг вақтида Миср ва Бағдод томондан келадиган ёрдам йўлларини кесиб қўйиши керак. Яна бир жихати, Тўқатдагидек тор йўллар, ўрмонзорларда жангда устунлик Рум қайсарининг пиёда аскарлари тарафида бўлиши аниқ, душман ҳам ана шуни мўлжалламоқда, бундай ерларда улар ўзларини сувга отилган балиқдек ҳис қилишади. Амир Темурнинг учқур суворийларига эса очик, уфқларга бош қўйган текис майдонлар, кенг далалар керак. Ундай жойлар Ангора томонларда бор...

Турон қўшини рақибни чалғитиш ниятида Сивасдан Қайсария томонга борар экан, бирдан чапга бурилди ва саккиз кун тоғлар оралаб йўл юрди. Рум қайсарининг қоровуллари ёв лашкари ерга кирдими, осмонга чиқдими, билмай қолди. Буни эшитган, жангни юртидан хорижда, Сивас атрофларида ўтказишни мўлжаллаб қўйган Йилдирим Боязид дарҳол саркардаларга хайқирди:

– Кўрдингизму?.. Душман хайбатимиздан кўрқадур, юзма-юз дуч келишдан хайикадур! Мана қорасини ўчириб кетибди. Қочиб жон сақламоқчи! Ҳеч қаёққа қоча олмайдур! Қувиб етгаймиз!

– Қочди, ростдан қочди! – деди Сулаймон Чала-

бий, қайсарнинг катта ўғли. – Тезроқ бостириб бо-
райлик, турган жойида янчиб ташлайлик!

– Янчамиз! Янчамиз! – деган овозлар эшитилди.

Қочганни қувмоқ завқидан мириқиб роҳатланмоқ
нечоғлик лаззатли! Рум қайсари ҳам тезроқ душман-
ни қувиб етиш ниятида, куннинг бағоят иссиқлигига
карамай аскарларини қичаб, йўлга зўр берди.

Амир Темурнинг Қайсарияда узоқ тўхтагиси йўқ
эди:

– Бу ернинг ошлиғи пишибдур, зироатлар ети-
либдур, Амир Соҳибқирон! – деб қолди Муҳаммад
Чуроға додхоҳ. – Буғдой бошоқлари эгилган, боғ-
ларда мевалар шиғил-шиғил, пайкалларда қовун-тар-
бузлар юмалаб ётибди...

– Халлоқи безаволга салламно! Айни муддаодир,
Мамат! – деди мамнун Амир Темур.

Шитобан «Черик ўзи учун озуқ ғамлаб олсун!» –
деган ҳукм содир бўлди. Озиқ-овқат, егулик ғамлаган,
отларга керагича ем олган кўшин тўрт кун деганда
бир юз йигирма чақирим йўл босиб Қиршаҳрга етиб
келди.

Дарҳол машварат чақирилди.

– Биздек исломпарвар султоннинг ислом динини
тарқатувчи бошқа бир ҳукмдорга тиф кўтармаги но-
хуш ҳодисадир, жаноблар! Биз тўқнашувга йўл қўй-
маслигимиз лозим. Агар Оллоҳ буюриб турғон эрса,
илож-ку қолмайди... – деди Амир Темур.

– Оре, рост... – деб қўйди Мир Саййид Барака.

– Икки йўл бордир, – давом этди Соҳибқирон. –
Бири шу ерда тўхтаб, лашкарга дам бериш. Иккин-
чиси, жанг учун очиқ ва текис майдонни танлаш,
ғанимни ўша ерга боришга мажбур этиш. Йилди-
рим Боязид катта муҳорабага тайёргарлик кўрғон,
бор ғайратини тўплаб катта жанг бошлаймен, бир
хамлада душманни чилпарчин этамен, деб бутун
кучини ташламакчи, биз эса бир пайтнинг ўзида
оз кучлар билан ҳар томондан ҳужум қилғайбиз,
чалғитғайбиз. Даставвал ҳар соридан минг кишилик,
беш юз, юз кишилик фавжларни ишга солғайбиз
ва ёв шиддатини синдирғайбиз. Ҳар сори чобқун

йиборгайбиз, кичик хужумлар билан қайсар лашкарининг тинкасини қуритгайбиз, сўнг душман ерининг ўртасига ташланиб, пароканда этгайбиз. Унинг суворийлари ҳам бор, аммо кўп аскарлари йаёғ¹, бизни қувиб тутаман, дейди, холдан тояди. Унинг устига, тингчиларим хабар келтирдикки, Рум қайсари ўз аскарларига кўпдан буён маош, улуфа тўламагон экан... Бундан аёнким, қайсар лашкари ичида нори-золик бор... Биз Ангорага қараб боргайбиз!

«Ангорага боргайбиз! Ангорага!» – деган овозлар эшитилди.

– Парвардигор агар зафар берчоқчи бўлса, душманнинг ўзини ёрдамчи қилиб қўяди... – деди Мир Саййид Барака. Соҳибқирон пири муршидга мамнун қараб қўйди. Кутилмаганда қайсар қўшинида катта мавқега эга, шижоатли қора тоторлар қавмини Йилдирим Боязиддан айириб, ўзимизга қаратиб олиш лозим, деган чақиндай фикр кўнглига келди. Вақт тигиз эди. Дархол мунший Мавлоно Ҳайбатуллоҳни ёнига чорлатди ва тоторларга мактубни ўзи айтиб туриб ёздирди:

«...Аён бўлсунким, бизлар бир қавм, сизнинг мартабангиз менинг мартабам, насабингиз насабимдир, насибамиз алҳамдулиллоҳ бирдур, аждодимиз сизнинг аждодингиз, барчамиз бир дарёнинг ирмоқлари-ю бир дарахтнинг бутоқларидурбиз. Қадим замонлардан бери ота-боболаримиз бир уяда ўсиб-ундилар. Агар ўзгалар подшоҳлик мартабасини жанг билан қўлга киритса, сиз бунга наслу насаб юзасидан эришгонсиз, чунки ота-боболарингиз қадим замонларда Турон ерларининг подшоҳлари бўлгонлар... Бир замонлар Рум ерларидаги энг улуг ҳукмдор сизнинг энг кичик мамлуқингиз мисоли эди. Оллоҳга шукрки, сизнинг шавкатингизда заифлик, идрокингизда ноқислик йўқ. Қандай қилиб, сизлар эгилиб, бировларнинг хизматини адо этишни, шунчалар хўрланишни ўз зиммангизга олдингиз? Аслида, сиз улугларнинг ҳам улуги,

¹ Яъни пиёда

қандай қилиб кичикларнинг ҳам кичиги мақомига тушиб қолдингиз? Нега энди сизлар - бир пайтлар озод бўлганлар қуллар авлодидан чиққанларнинг қулига айландингиз? Холанки, сизлар бу ерларнинг ўрқачида ўлтириб, энг камида ўз аجدодларингиз каби мамлакатнинг ҳокимлари даражасида жиловни тутмогингиз лозим эди-ку?.. Лекин бу қачонки биз курашда голиб чиқиб, майдонни эгалласак, ўртадан Ибн Усмон¹ кўтарилсагина рўй бергай. Қачонки мен Рум мамлакати йўл ва сўқмоқларидан эмин эркин юрсам, юрт холис менинг қўлимга ўтсагина амалга ошгай. Ўшанда адолат қарор топгай, ёйни ясагон одамига бергаймен, уйни эса бино қилгон одамига тобшургаймен. Сувларни ўз оқимига қайтариб, барчангизни қишлоғу қалъалар, шахру қасабалар ҳокимлари этиб тайинлагаймен, ҳар бирингизни ўзингиз сазовор мартабангизда қарор топтургаймен. Фақат сизлар жангда биз томонга ўтиб, бизга қўшилмогингиз лозимдир. Зоҳиран Ибн Усмон бирлан, ботинан биз бирлан бирга эркин-нингизни ҳамиша ёдда сақламогингиз заруратдур... Чунки сиз ҳам сурут, ҳам махраж жиҳатидан бизга яқиндурсиз...»

Амир Темур жияни Мирзо Алибекни чақиртирди ва ушбу мактубни пинхона тоторларнинг сардорига етказишни буюрди. Соҳибкирон мактуб, ундаги фикрлар бамисли ерга тапшланган уруғдай, ўз вақтида хосил беради, деб умид қиларди.

Хумоюн байроқлар яна сафар шамолларида балкиб, хилпирашга тушди.

– Олисада, Қиршаҳр томонда осмон этагида маҳобатли Рум қўшинининг кораси кўринди, Амир Соҳибкирон! – хабар берди коровуллардан бири.

– Амир Шоҳмалик! – буюрди Амир Темур. – Минг киши жамлансун, тонгсаҳардан тил олмак учун ўша ёкка отланилсун, фақат ўнг томондан борилсун! Амир Сулаймоншоҳ пешин палласи беш юз аскар бирлан чап ёқдан ҳамла қилсун!

¹ Яъни Йилдирим Боязид

Шу пайт бир неча кун аввал Ангора йўлида сув танқис жойларда қудуқлар қазिशга юборилган лаҳмчи пиёдалар қайтиб келишди.

– Юзга яқин ерда қудуқлар қаздик, уларда сув лимиллаб турибди, Амир Соҳибқирон! – деди лаҳмчилар сардори. – Барчасини кимса тополмайдиган қилиб яшириб қўйдик... Ўнг томонда тоғда катта серсув булоқ ҳам топдик...

– Тоғда булоқ бор эканму?..

Амир Темур ўйланиб қолди, у олдинда катта мухораба муқаррарлигини биларди, қудуқлар ўшанда асқотади.

Амир Темур ўн бир йил муқаддам Дашти Қипчок чўлларида Олтин Ўрда лашкарини қувиб, озиқ-овқат тақчиллиги, сувнинг танқислигини бошдан кечирганини эслади. Оғир кунлар эди. Ўшанда Тўхтамишхон тўғри йўл танлади, лекин у ўз мақсадига эришолмади, унинг адашган жойи, фақат ростакамига қочиш билан машғул бўлди, ғаним ҳориб-толади, тинкаси қурийди, зафар ўз-ўзидан менга насиб этади, деб ўйлади. Турон лашкари эса ҳозир қочаётгани йўқ, ўзини шундай кўрсатмоқда, шер гўё қочиб бормоқда, аслида шартта ўгрилиб хужумга қулай пайт изламоқда холос.

Турон қўшини ёзнинг авж палласида Ангора камалига киришди. Карнайлар чалиниб, нақоралар садо берди, олам-атроф суронга тўлди. Шаҳар деворининг атрофида хандақлар қазила бошланди, ҳар қаёқда шоти-нарвонларга ёпишиб, каманд ва арконларга осилиб юкорига мўрмалахдай ўрмалаётган аскарлар кўзга ташланади. Ҳали замон улар девордан ошиб қалъа ичига кирадилар... Мақсад, шаҳарни олиш эмас, балки бўлажак жанг олдида Рум лашкарини кучсизлантириш, шижоатини пароканда қилиш, кейин унга қарши хужум бошлаш эди. Чиндан ҳам, душманнинг Ангорага кираётган сувни бошқа ёққа буриб юбориб, қалъа деворлари тагида жуда кўп лаҳмлар қаздираётганини эшитди-ю Йилдирим Боязид сара қўшинларидан бир қисмини айириб шитоб шаҳар ҳимоясига ташлади.

– Ҳазрат Соҳибқирон! – деди ҳаллослаб чоғиб келган Муҳаммад Чуроға додхоҳ калъа олдидаги тепаликда қамални кузата ётган Амир Темурга. Тор пешонасида тер тепчиган додхоҳнинг қўй кўзларида ташвиш аломатлари кўринарди. – Қоровуллар дедик, қайсари Рум сон-саноксиз аскар ва поёнсиз тўдалар билан тўрт йиғоч йўлда Қиршаҳрдан чакмоқларга тўйинган қора булутлардек бостириб келаётган эмиш!

– Қайсар чакмоқларга тўйинган қора булутлардек бостириб келаётган эмишму?.. – самимий сўради Амир Темур, унда ҳайратланиш, қувониш ёки ғазабланиш оҳанглари сезилмади. – Ҳаллоқи безаволга салламно! Ўзи буюрган фурсатлар етибдур! Энди Чобуқобод деган майдонда саваш курғойбиз. Сизларга аён бўлсунким, айнан худди шу ерда қачонлардир машҳур Рум лашкарбошиси Помпей ҳам Понт (Қора денгиз) мамлакатининг императори Митридат қўшинини кунпаякун қилган. Улкан муҳорабаларга мос жой бу. Йилдирим Боязид билан савашни шу ерда ўтказишни кўзлаб қўйғондим. Биз шунча вақт ўзимизни қочғондай кўрсатиб, уруш олдини олмоқчи эрдик, қайсар чопарининг яхши хабарлар билан келмагини кутдик. Сивасдан Қайсарияга, кейин Қиршаҳрга ўтдик, мана Ангорада турибдурбиз. Бу бизнинг хийлаи ҳарбимиз эрди. Ҳар қандай уруш мақр ва хийладан иборатдур, жаноблар! Энди жангга киришмасак, чиндан ҳам олам аҳли кўз ўнгида душмандан қўрқган, қочган бўлурбиз... Бундоғ қисмат бизнинг шаънимизга муносиб эрмас! Шер жангга ташланар экан, ортга қарамайдур!

У дарҳол Ангора қамалини тўхтатсунлар ва барча баҳодирлар ўрдуга қўшилсунлар, тонг билан черик тартибига киришилсун, деб фармон берди. Лахмчилар сардорини чорлатиб, буюрди:

– Тоғдаги катта булоқ беркитилсун, йўқ эрса у душман корига яраб қолгай. Оғзини кундак-тўнгалар бирлан тўлғазилиб, шиббалаб ташлансун, токи ғаним сув ололмасун! Англадингму?

– Англадим! Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Бутун ўрдугоҳда нохуш бир бесаранжомлик бошланди. Ҳамма олдинда қандайдир даҳшат ёприлиб келаётганини сезарди-ю, аммо ҳеч ким унинг қандай даражада маҳобатли, қўрқинчли эканини тасаввур этолмас, бундан кўнгиллар ортиқ сиқиларди.

Қош қорайиб қолди. Табиат ором олишга орзуманд, олисларда тоғлар ҳам ерга бош қўйган, замон алғов-далғовида салгина мизғиб олмоқ пайида. Манзиллардаги қоровуллардан бошқа барча хордиқда... Фақат Соҳибкиронда уйқу йўқ, бир паллагача ёлғиз саронарда ёнида мутлақо кўзда тутилмаган, ҳали жуда узок туюлган даҳшатли воқеанинг шу қадар яқин келиб қолганидан хайратда у ёқдан бу ёққа кезиб юрарди. Ҳозир дунёда ёлғизгина у уйғоқдек эди. Аста розу ниёз хилватхонасига йўналди ва жойнамозга чўкиб, пок кўнгил ихтиёри ила Ҳазрат Жабборга муножот қилишга киришди, муборак юзини тупроққа қўйиб бўлажак жангда фатҳу нусрат тилади:

– Эй парвардигор! Бандаларнинг сир-асрорини билгувчи алломалар алломаси! Ҳозиргача нимага эришгон эрсам, фақат сенинг қазою қадаринг ҳукми, бебадал караминг шарофати туфайлидур. Ўзингга аёндурки, ҳар доим Рум қайсарини сенинг ризойинг бўлмиш сулҳга чорладим. Сабр этокини тутдум. У амринга хилофан саркашлик йўлига кирди. Ундан менинг ўчимни олиб бер! Ожизлик юзимни илтижо остонасига қўйиб ёлворамен, сенинг меҳрибончилигингу лутфу карамингга кўз тутамен, илоҳи, ўзинг қўллағайсен ва бир бандангни ноумид қолдирмағайсен! Ахир сендан ўзга «музтар-ночор кишилар дуосига ижобат қилгувчи яна ким бор?..»¹

Соҳибкирон зору таваллою тазаррулар билан тонгни оқартирди. Ёсин, Ихлос, Фотиҳа ва бошқа муборак сураларни қайта-қайта ўқиди. Ўқиган сари уни қамраб олган даҳшатли хаёллар офтоб нурларига дош беролмай аста-аста тарқаган туман мисоли чекина бошлади. Унинг устига бомдодни адо этгач, пири

¹ Қуръони карим. Намл сураси, 62-оят

муршид Мир Саййид Барака Қуръондан фол очганди, ажойиб башорат чиқди:

– Тонгдан қарғалар қағиллаб, бойўғлилар кичкириб, қазо ва қадар муаззини азон ўрнига: «Алиф. Лом. Мим. Жуда яқин жойда мағлуб бўлди Рум.»¹ оятини тиловат қилди... – деди пири муршид. – Амир Соҳибқирон, бу йил от йилидур, зеро ўзлари ҳам учқур от устидадурлар. Зафар ўзларига ёрдур, илоҳи! Ал-хамду лиллоҳир раббил оламин!

Дуою илтижолар худди ижобатга ўтаёгандай эди.

– Ё раббий, ўзинг акбарсен, ўзинг шафқатли ва меҳрибонсен! Халлоқи безаволга салламно! – деб юборди Амир Темур...

Фавқулодда тетик қалб ва қоим ишонч билан улкан черикни тартиблашга киришган Соҳибқирон, шу палла кексалик нуқси урган, умрнинг кўпи кетиб, ози қолганидан хаёлларга чўмган олтмиш олти ёшдаги одамга эмас, балки серғайрат, шижоати гупириб турган, дунёдан ҳали умиди катта қирчиллама ёшдаги йигитга ўхшар, сўзлари кескир, ҳаракатлари ўзига ярашимли эди. Жангда қайси кўшин қаерда туриши, жавонғору баронғорларнинг вазияти, чағдовулу хировулларнинг жойларини белгилаш жоиз. Шундан кейингина улкан черикнинг бўй-басти намоён бўлади.

Кун иссиқлигига қарамай, довудий совутга чулғанган Амир Темурнинг, дубулғасига ўрнатилган шохона руммоний ёқут ловуллаб ёнгандай кўзга ташланар, офтоб нури тушганда узоқдан шуъла қайтарарди. Унинг фавқулодда салобати ҳам, остида гижинглаб турган темир ёпинчиқли учқур дуторбўйин араби самани ҳам улкан майдонга кўрк бериб турарди.

– Амирзода Мироншоҳ баҳодир, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин баҳодир, Мубашшир баҳодир, Амир Тахуртанбеклар ўз фавжлари билан Турон кўшинининг ўнг қанотини банд этсунлар! – фармон қилди Амир Темур.

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшида! –

¹ Қуръони карим. Рум сураси, 2-5 оятлар

кичқирди Мироншоҳ Мирзо овозининг борича. Унинг катта-катта кўзларида ғурур ёшлари ялттирарди.

Амирзода бу кунларни интизорлик билан пойларди. Султониядаги нохушликлардан кейин у ўзини қандайдир, падари бузрукворининг назаридан қолгандай сезиб юради. Яширишнинг ҳожати йўқ, шундай бўлди ҳам. Бундан, руҳан азоб чекади. Тўғри, амирзода жуда одобсизликка йўл қўйди, шайтон васвасасига учиб, кўп номақбул ишларга қўл урди. Кўнгли вайрон Хонзода хоним ҳам пойтахти фирдавсмонанд Самарқандга кетиб қолди. Хоразм маликаси шундай шаддодларча йўл тутди, деб сира ўйламаганди. Бориб, Соҳибқиронга нима десалар деганлар... Шунинг олдини ололмади, малика қадрига етмади, афсус.

Гапнинг очиги, у ўша кунларда нима иш қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Атрофга калласини қамраган хавойи хаёллар тахтида ўтириб қараган экан-да... Буни эсласа, амирзоданинг ўзини ўзи ғажиб қўйгиси келади. Шунчалар ҳам инсофсизлик бўладирму?.. Соҳибқиронга ёзилган беандиша мактуб-чи? Қайдан ҳам бу фикрга ёпишиб олдинг? Ким айтди сенга, ёз, деб? Биров уни кутиб турганмиди? Катта подшоҳларга ўхшашни истадингму, калондимоелик билан мактуб битасен?.. Ахий Жаббор баҳодир мактубни топширдими ёки йўқми, буниси номаълум, ҳар қалай баҳодирнинг ўзи Султонияга қайтгани йўқ. Аммо Ҳазрат Соҳибқироннинг одамийлиги ва инсофи қатор дашномлар эшитишга тайёр амирзодани лол этиб қўйди, кўришганларида бир оғиз ҳам машъум мактубдан сўз очмадилар-а, худди билмагандай иш тутдилар-а! Ха, ўзининг жигарбанди, бетавфик ўғлини авайладилар... Ўғли эса-чи?.. Эҳ!

Мироншоҳ Мирзо жон ачитиб майдонда жавлон уриши, ўзини оклаши кераклигига ақли етади. Бунинг учун жангларга кирмоғи керак! Худога шукр, мана, падари бузруквори ҳиммат кўрсатдилар, улкан черикнинг сўл қанотини унга бағишладилар, ишондилар. Энди у ўзининг жасур ва мардлигини майдонда намоён этади!

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшида! –

Арзишжон ҳокими Тахуртанбекнинг овози ҳам гулдираб чиқди. Неча йилдир, Йилдирим Боязид, нединки ёнингда биз туриб, олисдаги Темурлангни ўзинга паноҳ тиладинг, сўраганимиздаёқ Кемоҳ қалъаси калитини бизга тутқизмадинг, дея ўнкалаб, унинг харамини асир олиб кетган... Халигача қайтармайди. Энди Тахуртанбек ўз ҳаққини қилич билан ундириб олади!

– Амирзода Шохрух баҳодир, амирзода Халил Султон, Абу Бакр Мирзо, Султон Хусайн баҳодир, Амир Шохмалик, Шайх Иброҳим Дарбандийлар Турон қўшинининг сўл канотини безасунлар! – янгради яна олий фармон.

Шу захотиёқ гулдурос овозларга йўғрилган шаф раф сўзлари борликни тутди. Уфққача ёйилган улкан аскарлар денгизи тўлқинлангандай бўлди. Маъракайи майдонда ҳар бир фавж, ҳар бир аскар ясолни бузмасдан ўз белгиланган жойига интилади, ким ўнг тарафга ўтса, бошқаси чапга шошилади.

Ана, ўнгда Мироншоҳ Мирзо ўрамидаги жанглар кучоғига отилмоққа шай саркардалар мағрур олға боқишади. Сўл томонда эса майдон жиловини маҳкам тутган Шохрух Мирзо ўз ланкарининг қоровулу хировул ва бошқа фавжларини назардан ўтказди. Барча ерда сипоҳлар жанговар кийимларга бурканган, камонлар қўлда, садоқлар елкада, қиличлар ёнда, худди ҳали ҳозир жанг бошланишига фармон бериладигандай бир алпозда ҳушёр туришади.

Офтоб найза бўйигинадай кўтарилган эса-да, нури юзларни куйдирар эди.

Соҳибқирон ўз муборак зоти учун лашкарнинг қўл(марказ)ини муносиб кўрди. У туғ остида қирк қўшинни бир жойга саранжомлади. Валиаҳд Муҳаммад Султон, Пир Муҳаммад баҳодир, Искандар Мирзо ва бошқа номдор саркардалар сафларга оро бериш ишлари билан машғул эдилар. Қўлнинг олдида моҳир камончилар ва нафтандозлар миниб олган зирҳларга чулганган ўттиз иккита даҳшатли фил ҳар қандай душманни бир ҳамладаёқ зириллатиб, тумтарақай қилади.

Турон лашкарининг чегараси йўк, игна ташланса ерга тушмайди. Еру оламини тутиб кетган зирху совутлар, қалқону камонлар бозори кўзни олади, дубулна-ю хафтонларга бурканган аскарлар сафларни зич тўлдирган. Исфаҳоний қиличлар гўё ҳар бурчакда қуёш жамол кўргизгандай ярқ-ярқ этади, осмонга қадалган найзаларнинг учлари офтоб нурида бамисли юлдузлар келиб кўнгандек учқунлар сочади. Бошларидан тортиб отларининг оёғигача темирга чулғанган аскарлар, ҳеч қандай найза ҳам, қилич ҳам бизга писанд эмас, дегандай ёвларга кўз кирида назар ташлайди.

Амир Темур наздида, дунёнинг бирон бир бўш жойи қолмагандай, пучмоқ-пучмоқча аскарга тўлиб кетгандай туюлди. Ҳов анови сўлда шиқовул, ўнгда эса чоповул қўшинлари алоҳида ажралиб турибди. Улардан ҳам олдинда хировулларнинг фавжлари жойлашган. Лекин чунон тикилса ҳам ундан наридаги қоровулларни илғаб бўлмаёпти. Соҳибқирон аини шу лаҳзаларда олисларда Ироқи Арабдан, Хуросондан, Турону Ширвондан ёрдамга шошилаётган лашкарларнинг гўё томирлардаги қонлар юракка интилганидай Ангора томон оқиб келаётганини бутун вужуди билан ҳис этар, бундан фавқулодда қувватланиб борарди.

Рум қайсари Йилдирим Боязиднинг ҳадсиз-саноксиз лашкари бутун жануб уфқини эгаллаган... Кўриб бамисли еру осмон аскарми, деб юборади киши. Рум қайсари ҳам суронлар ичида черикни низомга солишга киришди, ҳар саркарданинг ўрнини белгилади. Интиқ кутилган онлар етиб келган эди. Турли томондан лашкарбошиларнинг буйруқ овозлари эшитилар, тавочилар султон фармонларини етказиш учун фавжу бўлинмалар орасида бўзчининг моқисидай физиллаб юрардилар.

Ўнг қанотда серб кироли Лазарнинг ўғли, князь Стефан бошчилигидаги маҳобатли қўшин кўр тўққанидан қайсар ичида ғурурланиб қўйди. Қайиноғаси, баланд бўйли, пахлавонсифат Стефаннинг ўзи моҳир лашкарбошидир, аскарлари эса ўтдан кўрқмас, сув-

дан қайтмас ботирлар! Улар енгилиш нималигини билмайдилар. Рум қайсари ўша аскарларнинг шижоати билан греклар, булғорларнинг кўп шаҳарларини фатҳ айлаган. Ўнг қанотни қайсарнинг жасур ва кўркмас ўғли, султоннинг ишонган тоғларидан бири, ўлимдан тап тортмас Сулаймон Чалабий ўзининг беомон йаничарлари билан идора этарди.

«Янги черик» иборасидан олиниб, йаничар аталиб кетган, душманларга даҳшат солган, енгилмаслиги билан ном чиқарган мард ва жасур аскарлар шокиласи елкага тушиб турувчи, мураббаъ шаклидаги баланд қалпоқ кийишади, эгниларига эса қалин қизил ранг матодан тикилган кенг тўн ташлаб, мовий ранг хилпиллама чолворларда юришади. Доира қалқон тутган, шамширу ханжар, дудама болтача, камон ва ўқ-ёйлар билан қуролланган бу аскарлар ўзларининг шамолдай тезкорлиги, шиддаткорлиги билан ном қозонганди. Улар султоннинг ғурури эдилар.

Рум қайсари кўшиннинг тепалиқда жойлашган қўл(марказ)ига қараб юрди, душман қонини ичаман, майдонга отиламан, деб хезланиб турган ўғиллари – Мусо, Исо ва Мустафоларни ўз фавжлари билан қўл орқасида қарор топдирди. Уларнинг ортида жангларда ҳамиша қайсарни қўриқлаб келадиган, садоқатли йаничарлардан иборат йигирма минг кишилиқ хос лашкарни муқим қилди. Али поша, Эврунус бей, Ёқуб поша, Муқбил поша, Хожа Феруз, Тангрибермиш, Темуртош сингари манаман деган саркардалар, ўз манзилларини эгалладилар. Кўнгилларида, ушбу жангда зафар улар томонида бўлишига заррача шубҳалари йўқ ҳолда хотиржам бир-бирига сўз отишарди:

– Осиёнинг даштидан чиққан, оддий амирнинг ўғли жаҳонни титратган султонга тенг келиши ҳали тарихда учрамаган ходиса, учрамайди ҳам! – деди Эврунус бей. – Шунга оқсоқ Темурнинг ақли етмаганини қаранг!

– Энди хавас-да... Нотавон кўнгилга кўтир жомашов, дейдилар-ку. – кулди Ёқуб поша. – Ўзининг чўлларида яйраб, у ёқдан-бу ёққа жимгина от чоптириб

юраверсин эди. Йў-ў-ўқ! Чунки, Рум кайсари Йилдирим Боязид билан жанг қилмоқ катта шарафдур! Осилсанг баланд дорга осил, дейдилар-ку...

– Ха-ха, Темурланг баланд дорга осилмоқчи! – кинояли деди Муқбил поша. – Турон султони кўлга тушгач, султон Боязид уни энг баланд дорга осадур!

Факат Сивасга Амир Темур олдига элчи бўлиб борган Қорали поша бу сўзларга кўшилмас, гапирмас, ўйга ботган, оқибатни кўриб турганидан дахшатга тушарди. У дарҳол Бурсага қайтиб, хамманинг олдида ҳазрати олийларига билганларини оқизмай-томизмай айтиб бериши, Турон лашкарининг шиддати жуда баландлиги, ўзи кўн жанги жадалларни кечирган кўзи пишган синоҳсолор бўла туриб, бундай тиш-тирноғигача қуролланган черикни ҳеч қасрда учратмаганидан хайратга тушгани, унга бас келиш мушкуллиги ва хоказолар ҳақида гапириб, қудратли султонни бу йўлдан қайтармоғи лозим...

Шундай ўй-хаёллarga фарқ ҳолда Сивасдан чиқиб Эскишаҳрга етган ҳам эдики, йўлда қайсарнинг каттагина хос қоровуллар гуруҳига кўзи тушди:

– Қайга йўл олдилар, сардор жаноблари? – мурожаат қилди Қорали поша қоровуллар бошлиғига. Сардор дарҳол отдан тушиб, номдор саркардани зиёрат этди.

– Йилдирим Боязид ҳазрати олийлари Турон лашкари билан жангга бел боғладилар! Бизлар олдинда йўлни очиб юргувчи қоровуллармиз.

– Нима-нима? Чалғимаянсанми? Турон лашкари билан жангга бел боғладилар, деясанми?!..

– Худди шундай, жаноби поша. Темурланг деган ўзбошимча амирнинг танобини яхшилаб тортиб қўямиз, жуда босар-тусарини билмай қолибди, дедилар султон ҳазрати олийлари! Исёну туғён оятини дилга жо айлаган бехисоб кўшин келмоқда. Хатто Қўстантиния муҳосараси ҳам тўхтатилган, у ердан Молкўч пошанинг жанговар лашкари чақириб олинган. Маҳобатли Рум аскарари ҳали замон Йангишаҳрдан йўлга чиқади...

Қорали поша турган жойида қотиб қолди! Шош-

калок феъллик Рум қайсари, ўзи юборган элчининг қайтишини ҳам кутмай, нима гап, нима сўзлигини суриштирмай, орқа-олдини ўйламай газот туғини баланд кўтаргани поша кўнглини оғритди. «Афсус!..» – дея пешонасига бир урди. Ахир, у Сивасда бекор юргани йўқ-ку, кўп нарсани англади, кузатди, назар қилди, ҳид олиб вазиятни чамалашга уринди. Бари румликларга асқотиши аниқ эди-ку! Афсус!..

Кўчани тўлдириб, айқирган оломонни тўхтатиш, унга бирон гапни уқтиришга уриниш нодон иши эканини фаҳмлаган Қорали пошанинг кўзига дунё торайгандай кўринди. Томчининг денгизга қарши курашида фақат сингиб кетмоқдан бошқа чораси йўқ... Сурон солиб келаётган баҳайбат кўшин Қорали пошани ҳам ўз домига тортиб ямлаб ютиб юборди...

Икки ҳукмдор ҳам ўз аскарининг бўйига мағрур, ҳозирданок хаёлан келажакда қозонилажак ғалаба нашидасини ўйлаб роҳатланар эдилар.

II

Тонг ёришиб, ҳалигина атрофида ғужғон ўйнаётган юлдузлар худди оналари чақириб қолганда ёлпасига уйига кириб кетган болалардай ғойиб бўлган, осмонда ойнинг бир ўзигина сўппайиб турарди.

Кўп ўтмай, одатдагидек куёш чарақлаб чиқиб, бирпасдаёқ бутун оламни нурга тўлдирди. Лекин бу оддий кунлардан эмасди. Худди шу куни, милодий 1402 йил 28 таммузда¹ Ангорадан бир тош масофа жанубда, очик ва текис майдонда замонанинг энг катта муҳорабаси юз берди: кудратли Турон лашкари енгилмас Рум қўшини билан тўқнаш келди. Қирғину қатли ом маъракаси бошланиб кетди. Қачонлардир эронликлар билан туронликлар ўртасида ўтган улуғ жанг ҳам бунинг олдида ип эшолмай қолди, деб таърифладилар кейин тарихчилар.

Майдоннинг жанубида Тўқат шаҳридан бери Турон лашкарини таъқиб этаётган Рум қўшини саф тортди. Шимол томонда эса Турон чериги байроқлари

¹ Таммуз – яъни июл ойи.

ҳилпираб осмонни тўлдирди. Икки дарғазаб, ортга қайтмас лашкар жиловсиз тойдай ер тепиниб, бири-бирига отилмоққа деб интиқ эди.

– Курко-карнайлар, бурғу-нақоралар ишга тушсун! – фармон берди Амир Темур. – Фаним ҳилпираган байроқларимизга зафар оятлари битилғонидан беҳабар шекилли!

Бамисоли қиёмат сурининг садоси янграгандай, кўтарилган сурондан қулоқлар батавг бўлди.

Кутилмаганда Амир Темур отдан тушди. Суронлар тўхтади.

Дарҳол ерга жойнамоз ташладилар. Соҳибқирон ўз одати бўйича, ҳар гал катта муҳорабалар аввалида бўлганидек, ниёз юзини Ҳаққ субҳонаҳу ва таолога қаратиб, фатҳу нусрат тилаб, икки ракаат намоз ўқишга киришди. Эсида бор, Тўхтамишхон урушида, Шомда Миср султони билан жанг олдидан ҳам мана шундай икки ракаатгина намоз адо этган, кейин савашга юз бурган...

Ҳозир ҳам шундай қилди. Бу Соҳибқироннинг хотиржамлигини, кўнглини безаган осойишталигу олам вазиятига катта ишончни намоён этар, бутун кўшинга ҳам руҳ бағишларди. Одатда, полвонлар тош кўтаришдан аввал нафасни бир маромга тушириб, созлаб олганлари каби, икки ракаат намоз ҳам ўша «черик нафасини созлаш» вазифасини бажарарди. Майдонга киришга отланиб турган ҳар бир аскар, лашкарбоши намоз ўқиладиганда чўккан бир неча лаҳза сукунатда не ниятда майдонга қадам қўяётгани, нималарга бел боғлагани, жангда ўзини қандай тутиши, яшаш, умр, ҳаёт-мамонт ва ҳоказолар ҳақида ўйлайди, ўзини руҳан савашларга тайёрлайди.

Соҳибқирон ўз жойига қайтди ва отга минди. Яна сурон кўтарилди.

Даҳшатли жанг бошланиб кетди.

Амир Темур офтобга қаради: ҳалигина бош кўтарган офтоб қоқ тиккага келган эди...

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшида! – қичқирди ҳаммадан олдин сўл қанотдан отилиб чиққан Шоҳрух Мирзо ва ўз фавжини душманнинг

ўнг қанотига ташлади. Изма-из Халил Султон баҳодир билан Жаҳоншоҳ ибн Жокулар ҳам ҳайкирганча ўзларини майдонга урдилар. Обдор қиличлар, ўк илондек найзалар ишга тушди. Олисларда Абу Бакр Мирзо, Амир Шоҳмалик, Шайх Иброҳимларнинг ҳайкириб, отларига қамчи солганлари кўриниб турарди.

Султон Ҳусайн Мирзо тағин кеч қолди: у Соҳибқирондан ўша машҳур князь Стефанга қарши жангга киришга ижозат сўрамоқчи, ғанимни кунфаякун айлаб шон-шуҳратга эга бўлмоқчийди, аммо валиаҳд Муҳаммад Султоннинг аллақачон улоқни олиб кетганини кўрди:

– Амир Соҳибқирон! – таъзим қилди валиаҳд шахзода жангни кузатаётган Соҳибқиронга яқинлашиб. – Номдор жангда душманнинг ғаддор лашкари таъзирини бермакка шайдурмен! Фатвонгизга мунтазирдурмен!

Амир Темур шахзода Муҳаммад Султон баҳодирга қаради, унинг туришида муносиб виқор ва диловарлик яққол кўзга ташланарди, маъракаи майдонларда, жанги жадалларда ҳамиша сафнинг бошида бўлганини, қисмати қаро урушларда қатнашиб ҳамиша оқ юз билан чиққанини кўи бор кузатган, синаган... Валиаҳднинг ботирлиги ва шижоатига эътимоди баландлигини яширмайди.

– Душманнинг ўнг қанотига қарши от қўйсунлар, у ерда кўркмас ва жасур саркарда серб князи Истифан¹ бутун майдон танобини тортиб турибди, аскарларимизга нафас олишга қўймайдир. – буюрди Амир Темур. – Шоҳрух Мирзога кўмакка шошилсунлар! Токи серблар қўлда турган Йилдирим Боязиддан ажратиб қўйилсун!

– Қуллук, Амир Соҳибқирон!

Муҳаммад Султон ўлжасига чангал солмоққа интилган бургутдек олғир, кабутарни кўзлаб чарх уриб бораётган сорлочиндек кўзи ўткир эди, унинг изидан Искандар Мирзо, Пир Муҳаммад Мирзо ва бошқа амирзодалар ҳам савашга тушиб кетдилар. Валиаҳд

¹ Яъни Стефан

шахзода Султон Хусайн Мирзони энг олдинга – хировулга тайин қилди, Соғинч хонимнинг фавжини эса захирада қолдирди.

Йилдириим Боязид кўшини томонидан осмонга ўрлаган сурон иддаонинг кучли эканидан дарак берарди. Тепаликда турган император катта ўғли Сулаймон Чалабий йаничарларининг майдонга мардона отилганларини кўрди!

– Қадамингиздан ўтлар чакнасан! – хурсандлигидан кичкириб юборди у.

Эврунус бей, Ёқуб поша каби саркардалар, тоторлар кўшини ҳам ўша қанотда от суришмоқда. Чап томонда Муқбил поша билан Тангрибермиш каби лашкарбошиларнинг дамбадам янграган шерона наъралари султон юрагига шиддат бағишлайди...

Агар юқоридан қаралса, кўз олдимизда шундай манзара намоён бўларди. Улкан баркаш сингари майдон раҳм-шафкат кўзлари батамом юмилган жар-рор аскар ва йаничарларга тўлиб тошган. Баркаш тўкилмоққа мойил чайқалгани чайқалган... Тоғдан оқиб тушаётган бири тиниқ сувли, бири қизғиш лойқали икки жилға «баркаш»да бир-бирига қўшилганда, гоҳ лойқа тиниқ сув ичига киради, бироқ тиниқ сув уни қабул қилмай ортига итаради. Ўз навбатида тиниқ сув лойқа сувни ютиб юборишга уринади, аммо иложи топилмайди. Гоҳ қўшиладилар, гоҳ айриладилар. Кураш тўхтамайди, давом этаверади...

Жанг жабҳасида худди ўшандай ҳол: гоҳ Амир Темур лашкари душман ичига ёриб ўтади, гоҳ эса Йилдириим Боязиднинг мардона йаничарлари наъра тортиб қаршисидаги ғаним фавжларини тумтарақай қилиб юборади, аммо қарши хужумга дош беролмай ортга чекинади. Найзалар «шув-шув»и, гурзилар чақ-чақи, қиличлар жаранги суронларга безак бўлиб тақилади... Ҳар икки ҳолатда ҳам улар ортидан оҳ-воҳлар, мурдалар, қаерга боришини билмай у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган эгасиз сарсон отлар, соҳибини йўқотган исфаҳоний қиличлар, ўқлари сочилган садоклар, ерларга санчилган арабий найзалар, гурзилар, чўқморлар уюми қолади... Кесилган бошлар,

узилган қўллар, оқаётган қонлар, ўлиб-ўлолмай, қолиб-қололмай ётган ярадор сипоҳларнинг ингрок саслари инсон боласини сира ҳайратга солмайди, кўнглини юмшатмайди. Бандасида ҳайратланиш, раҳм-шафқат туйғулари қолмагандай гўё...

Бора-бора баркашдаги тиниқ ва лойқа сувлар бирлашди: беомон жанг, тўполону шўришлар, ғалаёну ғавғолар орасида кечаю кундуз бир-бирига қоришиб, хаёту мамот аралаш-куралаш бўлиб кетди...

Жасур ланкарбоши сифатида донг чиқарган серб князи Стефаннинг қора тўнлар кийиб, кўзларигина очик қолдирилган, бошдан-оёқ зирху совутга ўралган жангари аскарлари Рум қўшини сафида Европа мамлакатларини забт этишда қатнашар, ҳар бир жангда матонат билан курашар, доим қайсар олқишини оларди. Ҳали бирорта жангда енгилиш нималигини билмаган, ўзига қаттиқ ишонган, тиш-тирноғигача қуролланган княз Стефан даштдан чиққан «осиёлик тоторлар» билан уруш бунчалар қаттиқ кечади, деб сира ўйламаган, Турон лашкари ҳақида яхшироқ сўраб-суриштирмаган ҳам эди. Унинг назарида, улуғ саркарда Йилдирим Боязид чақинқадамликда худди Искандар Мақдунийнинг нақ ўзи – «йилдирим»-ку, келибок кўз очиб юмгунча, душманини мағлуб этади, кейин Рум қайсари ҳақида ҳам: «Келди-ю, кўрди-ю, зафар топди!» кабилида дунёга жар солиниши муқаррар! Қиршаҳрда турганларида валиаҳд Сулаймон Чалабий билан тортишиб ҳам қолди:

– Султонимга жуда хавас қиламан, доим унга ўхшашга интиламан! – деди княз Стефан комил ишонч билан. – Назаримда, усмонли султондай маҳобатли саркарда ҳозир жаҳонда йўқ...

Қайсарнинг Мусо ва Мустафо деган ўғиллари беихтиёр сўзга қўшилдилар.

Мусо: – Мен Усмон Ғозий бўламан!

Мустафо: – Мен эса бобом султон Мурод Худовандигорга хавас қиламан!

Сулаймон Чалабий княз сўзига муносабат билдирмай, деди:

– Буни қара, княз, Венгрия қироли Сигизмунд

бутун Европа қиролларининг бошини бирлаштириб, бундан олти йил аввал Никополь ёнида салибчилар лашкарини бошқарди. У нуфузи кучли, обрўси банд, мард ва жасур ҳукмдордир, венгер, француз, инглиз, олмон, чех, валахиялик каби Европанинг манаман деган рицарлари бошини қовуштира олди. Хилма-хил қавмлар-а! Тан бериш керак. Бизда-чи, бир хил миллат бўла туриб, бирлашиш ўрнига бир-бирининг илдизини қирқадилар-ку... Мен шавкатли Венгрия қироли Сигизмундга ўхшашни жуда-жуда истайман! У дунёга машхур қиролдур!

Княз Стефан кулиб юборди:

– Сен айтган ўша Сигизмунд жангда енгилиб, Дунай дарёсида қайиқда, душман қувиб келмаяптими, дея орқасига қараб-қараб, аранг қочиб жон сақлади-ку! Эсингдами? Сен нима десанг, ихтиёр ўзингда. Лекин мен ўз фикримда қоламан: султон Йилдирим Боязид жаҳонда энг улуғ саркарда! Мана ўша жуда мақталаётган Турон қўшинининг ҳайиқиб, жангдан бўйин товлагандай, аввал Сивасдан Қайсарияга, сўнг Қайсариядан Ангорага журъатсиз чекингани ҳам ана шу фикрни тасдиқлаб турибди-ку!

Аммо амалда ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Турон лашкари филлари билан курашади, ҳаммаси суворийлардан иборат, княз аскарлари эса отлиқлари ҳам бор, аммо кўпчилиги пиёда... Европа жанг майдонларида хали ҳеч ким зирҳларга чулғанган, хартумига шамширлар боғланган даҳшатли филларни кўрмаган. Одамлар филлардан кўрқиши аниқ. Княз Стефан вазиятнинг мана шу томонини кўздан кочирган экан...

Биринчи хамладаёқ жанговар серб қўшини Шохрух Мирзо лашкарини ортга суриб ташлади, князнинг аслида мақсади орадан ёриб ўтиб, ғанимни иккига ажратиб ташлаш эди. Бирок вазиятни қўлда сақлаб қололмади. Кўп қурбонлар бериб, ортга қайтишга тўғри келди. Қандайдир ожизликни сезган баҳодир княз Стефаннинг жасур юраги бир титраб қўйди. Кўнглига ғашлик ўрмалаб кирди, кўз олдини ваҳима тутуни қоплади...

Жанг тобора авжга чиқди. Баркаш бамисли ўт ичида ёнарди. Итирқин майдонда, ур-йиқитда балонинг қай томондан келишини на Турон аскарлари, на Рум йаничари — ҳеч ким билмасди. Агар аскар олдидаги рақибига қилич кўтарса, ортда елкасига найза санчилар ва ерга куларди.

Ўнг қанотда Мироншоҳ Мирзо хайқириғи кулоқларга чалинди. Амирзода қўшинлари Йилдирим Боязиднинг ўғли Сулаймон Чалабий йаничарларига қарши саваш қуларди. Чакқон ва эпчил йаничарлар бир пасда ёйилиб майдонни эгаллаб, Турон суворийларининг эмин-эркин ҳаракат қилишларига йўл бермай қўйди. Олдинга юриш иложи йўқлигидан отлар тайсаллаб ортга қайтишга уринар, тикин бадтар зичлашарди. Борлиқни тутган қалин қизил матодан тикилган кенг тўнларга ўралган, мовий ранг ҳилпиллама чолворлар кийган йаничарларнинг шокиласи елкага тушиб турувчи, мураббаъ шаклидаги баланд қалпоқлари баъзан отларни хуркитиб юборарди. Уларнинг чақиндай ҳаракатлари, хайқириб сурон кўтаришлари Турон аскарларини саросимага сола бошлади.

Олий фармонга кўра, Шайх Нуриддин баходир, Мубашшир баходирлар чап ёқдан, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Тахуртанбеклар ўнг ёқдан ўз фавжлари билан Мироншоҳ Мирзога ёрдамга келдилар. Рум аскарлари ҳам, Турон сиёҳи ҳам ўлган-тирилганига қарамай мардона қурашар, ҳеч ким чекинишни ёки қочини ўйламасди. Сурон, қий-чувлардан фалакнинг қулоғи батанг бўлди. Кўп ўтмай, жанг посангиси Турон тарафга қараб оғаётгани сезилди... Йаничарлар ўртада қолдилар, лекин ҳали уларнинг шиддати баланд эди. Махсус таёқлар, гурзилар, занжирлар ишга тушди, арғамчилар билан олишувлар бошланди, ерда ва от устида қураш, ёқаланув, муштлашув, сакраб тепиш, чил бериш, калла уриш, чалиб йиқитиш, қўл қайиришлар давом этди...

Кўмакчилар мададидан руҳланган Мироншоҳ Мирзо аллақандай таважжухда саваш қилар, исфахон қиличини айланиб сермаганида ғаним навкарлари

бошларидан қалпоқлари учиб, бамисли бундойдай ўрилар эди.

– Бир сават тухумга бир тепки кифоядур! – кичкирарди Мироншоҳ Мирзо. – Тепкимизнинг кучини бир кўриб қўйишсин! Ур-хо, ур!

Аскарлар «ур-хо, ур»лаб жавоб бердилар.

Амирзода йаничарларга қараб Сулаймон Чалабийни кидирар, унинг билан яккама-якка саваш қуришни истарди. Бироқ тўс-тўполон, ур-йикит ичида Рум мамлакатининг валиахдига дуч келиш имкони топилмасди.

Тонгсаҳардан майдонда чарх уриб юрган, гоҳ қиличини қўлга олган, гоҳ гурзисига ёпишган, қалқонини маҳкам тутган Сулаймон Чалабий, пешиндан ўтганда вазият жуда таранглашганини фаҳмлади. Кун иссиқ, аскарларнинг ташналиқдан тили осилар даражага келган, кўпи сувсоқликдан нобуд бўлган, сув эса топилмайди... Княз Стефан нима қилаётган экан? У кўзлаган маррасига етмасдан қўймайдиган енгилмас саркарда. Сулаймон Чалабий ортда қоладирму?..

– Хиёнат! Хиёнат, ҳукмдорим! – чошиб келди йаничарлардан бири шу палла...

– Нималар деяпсан? Сўзла! – хаприкди Сулаймон Чалабий...

– Тоторлар жангни ташлаб, майдондан чиқиб кетишмоқда! Турон томонга ўтиб кетишаётган эмиш!

– Нима-нима?! Турон томонга ўтар эмиш?!..

Сулаймон Чалабийнинг кўзлари ғазабдан чакнади! Қани энди имкони топилса-ю, бу бетавфиқ тоторларни тутса, ҳар бирини бурда-бурдалаб, лошини қузғунларга ташласа, хумордан чикса! У Бурсадаги машваратдаёқ тоторларга жуда ишонавериш керакмаслиги хақида ҳам гапирганди. Аммо падари бузруквори султон ҳазратлари бунга эътибор қилмадилар. Тоторлар қўшинининг салмоғи катта, уларсиз Рум чериги анча кучсизланиб қолади-ку! Сулаймон Чалабий битта мушт еб гандираклаган, мувозанатини йўқотган одам ҳолатида эди.

Офтоб мағрибга оға бошлади.

Амир Темур Турон лашкари қўлида турар экан,

жанг худди у ўйлагандек йўсинда юз бераётганини кузатар, бундан мамнунлик хиссини туярди. Бари Соҳибқирон режалаштиргандай кечмоқда: савашга суворий кўшинлар учун қулай жой танланди – рақибни бу ерга мажбуран олиб келишга эришилди, душман толиққани аён, сувсизлик ва жазирама Турон лашкарига кўмак бермоқда. Ҳозир майдонда Рум кўшинининг томир уришида ҳолсизлик сезилмоқда, парокандалик ҳолатига яқин...

– Шайх Иброҳим Дарбандий Бурса йўлларини тўсмакка отлансун, токи ёрдам йўли кесилсун! – фармон берди Соҳибқирон. – Унга Ахий Жаббор баҳодир ҳамроҳлик қилсун!

Тепаликда қарор топган Рум қайсари Йилдирим Боязид аҳвол танглашиб бораётганини кўриб, жойида ўтиролмас, саркардаларга чопар юбориб, аҳволдан хабар олишни ва руҳлангиришни истарди. Ҳар бирига одам жўнатди. Рум лашкари Македониядами, Булғориядами, Валахиядами, Сербиядами, ҳеч қаерда ҳеч қачон бундай ҳолатга дуч келмаган, ҳали жангга кирмай туриб ғолиблар шохсупасининг тўрисиини олдиндан банд этиб қўярди-ку! Румга нима бўлди?.. Кечагина Европани титратиб турган даҳшатли Румга?.. Султон буни англашдан ожиз эди.

– Эврунус бей нега жим? Қорали поша-чи? Хожа Феруз? Али поша дуруст... Молқўч поша... Бошқалар қани?.. – деб сўради ёнидаги мулозимидан, олисларда чанг-тўзон коплаган майдонда ўз саркардалари қорасини кўздан қочирган султон. Унинг ғайрати жўшиб, шу заҳотиёқ шартта майдонга тушиб кетгиси, қандай саваш қуришни душманга ҳам, ўзининг саркардаларига ҳам бир кўрсатиб қўйгиси келди, бирон найза тегиб-нетиб кетади, нест-нобуд бўлиб қолишим мумкин-ку, деган кўрқувдан мутлоқ йироқ эди.

Майдон қалин туман коплаган водийни эслатарди.

– Марҳаматли султоним! – салом берди княз Стефан, шоша-пиша отдан тушиб таъзим этар экан. – Фалокат юз берди!... Биз қаттол душман билан кучимиз тенг эмас! Тоторлар ёв томонга ўтиб кетибди...

– Нима дединг?.. Тоторлар?.. ўтиб кетди?!..

– Сулаймон Чалабий ҳам пойтахт Бурсани қўлдан бермай деб, ўша ёққа жўнади. У шаҳарни сиз учун сақлаб турмоқчи. Душман у ёққа ҳам лашкар юборган эмиш...

– Нима-нима?!.. Сулаймон, ишонган ўғлим-а? – Шердай пишқирди Рум императори ғазабланиб. – Ёнимда бўлиш ўрнига, мени жанг майдонида ёлғиз ташлаб-а? Менга бир оғиз айтмасдан-а?.. Отасини ранжитган ўғил қисмати не кечишини билмайдирму? Нималар юз бермакда ўзи? Ё тангри таоло!..

Йилдирим Боязид бошини ушлаганча ўтириб қолди.

– Зафар юзли яловларга, узун тиллари билан «ғолибмен!» деб қичқираётган ғаним найзаларига боқингиз, султоним! – суронли жанг майдонига аламли қараркан, деди княз Стефан. – Яна айтай: бу офатга тенг келиш мушкул! Мусо, Исо ва Мустафолар ҳам турли томонларга тарқалиб кетдилар...

– Ё тангри таоло!.. – деёлди холос бу гаплардан димоғи куйган чорасиз Рум қайсари...

– Марҳаматли султоним! Хозир бу ерда қолиш хатарли! – тушунтиришга уринди княз Стефан. У султонни кўндириб, тезроқ Бурсага қайтишни, Сулаймон Чалабийга кўмак беришни ва янгидан янги чериклар йиғишни чўтларди. – Йигирма минг лашкаримдан ўн минги жангда ўлди... Мабодо Ангора қўлдан кетса, ҳали бу Рум дегани эмас, султоним!.. Рум – улуғ мамлакат. Қочмоқ эса ҳеч қачон мағлубият саналмаган. Қочиш эмас бу, чекинишдир. Биз чекинамитиз холос, яна кўшинлар сафлаймитиз, ўзимизни ўнглаб оламитиз, султоним! Кейин душмани янчиб, мажаклаб ташлаймитиз!

– Ё тангри таоло!...

– Марҳаматли султоним! – ёлворди княз Стефан султонга тиз чўкиб. – Азиз жонингиз Рум учун, империя учун, биз учун керак!.. Сизни бу ерда қандай ёлғиз қолдириб кетаман? Фармон қилингиз, бутун кўшин хароб бўлмай туриб, вақт борида тезроқ бу ердан қочайлик...

– Нима-нима?! Қочайлик?!.. – бирдан уйқудан

уйғонгандай Йилдирим Боязиднинг мовий кўзларида ўт чакнади! Унинг қирғий бурни катаклари керилиб-керилиб қўярди. – Думини қисиб қочишни... итларга чиқарган, тушундингму? Усмонлилар тарихида ҳали ҳеч ким жанг майдонидан орқа ўгириб қочмаган... Қочишни мен бошлаб берайинму? Шундай тавқиланъатни бўйнимга илайинму? Йў-ў-ў-ў-ўқ! Мени Йилдирим Боязид дейдилар!

Султон ўрнидан турди-да, сапчиб орқага тисарилган княз Стефанга хезланиб кела бошлади.

– Сенинг отанг шавкатли княз Лазар... асир тушса тушдики, саваш майдонидан сира қочмади! Менинг отам султон Мурод Худовандигор майдондан қочмай, айнан урушда мардона ҳалок бўлган... Билдингму?..

– Билдим, билдим!.. – деди нафаси қисилиб княз...

Княз Стефан султон ёноғидан кўзига тўғри кетган эски жароҳат изининг оқарганини кўрди-ю кўркув босди. У императорнинг фавқулодда ҳаяжонга нарқ эканини, ҳозир унга сўз англатиш мушкуллигини сезиб аста-аста ортга чекинди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Йилдирим Боязид бир лаҳза тўхтаб қолди. У «баркаш»га ўгирилди, унда сурон қайнарди. Кўз олди жимиралишиб кетди, кейин бирдан тиниклашди! Фавқулодда шижоат отига минган Йилдирим Боязид фармон қилди:

– Садоқатли йаничарларимни бу ёққа чорлангиз! – Хос лашкар жамлансун! Ўзим жангга кираман, жанга-а-а!!!

Йилдирим Боязиднинг қирғий бурни учида тер томчилари тепчиб чиққани кўринди.

Тепалик атрофини хос лашкар ўраб олди, Майдоннинг бошқа тарафларидан чекинаётган йаничарлар ҳам келиб гурас-гурас сафга қўшила бошладилар. Рум қўшинига қайта жон киргандай бўлди. Чунки аскарлар ёнида кучли, ҳаётсевар, қизиққон, иродаси метиндек мустаҳкам, мардлиги билан аскарларни лол қолдирадиган, суяпчиқ бўла оладиган султон Йилдирим Боязид турарди! Улар сурон со-

либ, Турон лашкарининг валиахд шаҳзода Муҳаммад Султон бошқараётган қўл томон отилдилар. Аёвсиз жанг алангаланди.

– Шаҳзодам шундай баҳодирлик намоён этдиларки, душман тумтаракай қочди! – деб юборди шу пайтгача жим ўтирган Низомиддин Шомий завқланиб. – Рустами Достон қиссаси кулгили чўпчакка айланиб қолди, Золнинг мардоналигини завол тоқчасига чиқариб қўйди!

Лекин барибир валиахд шаҳзодани ўйлаганда, Соҳибқирон кўнглининг бир жойи майишибгина турарди. «Унга кўмак керак!» – деди Соҳибқирон безовталаниб. Ўзи ҳам жангга отилай-отилай дер, пайт пойларди. Бирдан Йилдирим Боязиднинг савашга кирганини эшитди ва ичида унга тан берди: «Чинакам жангчи экан! Қўрқоқлар майдонни ташлаб қочади, мардлар сўнги нафасгача курашади!..»

У ўзининг панада ўлтирганига ори келди, амирзодаларга, шитобан Рум қайсари тараф юзлансун, дея буйруқ берди, дархол тулпорга миниб, ўз муборак зоти билан Шохрух Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Султон Хусайн Мирзолар ўрамида майдонга ташланди!

Қиёмат қойим қўпди, ўчай деган ўчоққа янги ўтин ташланганда аввалгидан ҳам кучлироқ ёнгандай, ҳаёт-мамот жанги алангаланди. Дил тешар ўқлар, жон олар новаклар, обдор қиличлар хавода ўйнар, илондек найзалар тилларини чўзиб, болофатдан сўзлар эдилар. Султон хавф-хатарни писанд қилмай сўғишарди. Унинг шижоати барча аскарларни рухлантириб юборди. Йаничарлар сурон кўтардилар. Рум қайсари чекинишни асло ўйламасди, жонжаҳди билан ёвга ташланиб, кўп Турон аскарининг ёстиғини қуритди, қиличини қўлдан қўймай беомон саваш қуаркан, қандай кеч кирганини билмай қолди. Бирдан у... қуршаб олинаётганини сезди! Бокса, чаңда ҳам, ўнгда ҳам душман сафи тобора қуюқлашиб келмоқда, қўрқмас йаничарлар эса сийрак тортиб бормоқда... Мурабба шаклидаги қизил қалпоқларнинг унда-бунда ерда чаңларга қоришиб

ётганини кўрган императорнинг юраги қаттиқ сиқиларди. Майдон ўликларга тўлган, ҳар қайда узилган каллалар ётар, тупроқ қизил қонга бўялган, суворийлар тўзонидан осмон юзи қорайган эди.

Йилдирым Боязид офтобга қаради: ҳалигина чарақлаб турган офтоб энди ботиб борарди...

«Аёвсиз жанг қилдим, ғалаба ёр бўлмади... – деб ўйлади император. – Офтобим ботиб бормакда... Энди чекинмоқ керак! Бекорга ўлиб кета бериш бандасига номуносибдур! Бурсага қайтиб, княз Стефан, Сулаймонларни йиғиб, катта лашкар жамлаб, шавкат билан ортга қайтаман ва душман додини бераман!..»

У йаничарлари соясида ўзини мансур черикка урди ва юз меҳнат, минг машаққатда қуршовни ёриб ўртадан чиқиб кетди. Йилдирым Боязид бу балоофат майдонидан тезроқ йироқлашишни истарди.

– Беклар унинг кейнидан тушсунлар! – фармон килди Амир Темур. – Қайсарни бирор аскар ёки амир эмас, иззатига яраша – фақат Турон хони Султон Маҳмудхон тутиб келтирсун!

Бир жамоат баҳодирлар қайсар изидан от қўйдилар. Кун иссиқ ва нафас бўғилар даражада дим эди. Рум қайсарининг самани йўл танламай шамолдай елиб борарди. Яна бир оз юрилса, Эскишаҳрга етиб олиш имкони туғилади... Отига боз-боз камчи солган султонни ана шу нарса олға чорларди.

Бироқ, қутилмаганда шувиллаб бораётган отнинг бир оёғи нимагадир тегиб қоқилиб кетди! Йаничарлар ўмбалоқ ошган отдан беш қадам нарига учиб тушган ва инқиллаб ўрнидан тураётган султонга ёрдамга шошилдилар!

Шу палла Турон хони Султон Маҳмудхоннинг: «Қўлларига кишан солинсун! Занжир билан боғлансун!» – деган ҳайқирғи эшитилди. Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон, Шоҳрух Мирзо ва Халил Султонлар унинг ёнида эдилар. Баҳодирлар ҳар тарафдан қайсарни мулозимлари билан қуршаб олдилар.

Мудҳиш жанг ноёнига етганини ҳамма қувониб гапирарди.

Қайтишар экан, Шохрух Мирзо деди:

– Қайсар, мана, қўлга тутиди. Хайрият... Энди савашлар тугади. Шунчалик ҳолинг бор экан, нима қиласен катта кетиб?.. Шаҳзодам, энди қандай чора кўрар эканлар валинеъмат Соҳибқирон?

– Савашлар тугади! Ур-хо! Савашлар тугади!.. – кичқириб юборди қувончи ичига сиғмаган Халил Султон оғасига гал бермай. У хаёлидаги Шодимулкни тезроқ кўришни истарди. – Энди Самарқандга қайтғойбиз!.. Самарқандга-а...

– Фикри ожизимча, жазо беомон бўладур, амирзодам. – Шохрух Мирзога хотиржам қараб деди Муҳаммад Султон, ўн саккиз ёшли укасининг сўзларини беэътибор қолдириб.. – Ҳа, ҳа, беомон! Ўҳ-хў, ҳатто ўйлашга ҳам кўрқасен киши. Аввал сазойи этиб, кейин бошини кесиб, Миср султонига жўнатсалар керак. Бу ҳам унга кам! Рум қайсари бизга кўп азиятлар еткурди...

Шохрух Мирзо ўз хаёлларига машғул бўлиб, бошқа сўз очмади. Халил Султон кўнглида эса тезроқ дилдори Шодимулкни кўриш умиди унга тинчлик бермай қўйди. Канизакнинг хайрлашаётгандаги узун киприкларини бир ёпиб очгани сира кўз олдидан кетмасди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

I

Рум қайсарини қўл-оёғидаги занжирларини шарақлатиб, Хумоюн ўрдуга келтирганларида хуфтонга яқинлашиб қолди. Ҳамма қаттол душман, аёвсиз ёв Йилдирим Боязиднинг асир ҳолида бош эгиб турганини кўриб, энди Соҳибқирон дашномлар беради, кейин қаттиқ жазога мустаҳиқ этади, ўч олади, деб кутар, ҳеч ким бунга шубҳа қилмасди. Пири муршид Мир Саййид Барака ҳам хайрон, чунки шу пайтгача йигирма етти мамлакат мусаххар этилган эса-да, хали Хумоюн ўрдуга биронта ҳукмдорни қўл-оёғи кишанда олиб келинмаган. Бу жуда кам учрайдиган ҳол! Ахир кечагина улуғворлик, шаън-

шавкат мақомида тенгсиз, не-не мамлакатларни тобе этган, мутега айлантирган қудратли султон ногаҳонда олам ўзгариб, бир рангдан иккинчи бир рангга кирса, энди ўзи чумолидан ҳам ожиз асир ҳолига тушиб турса!.. О. нечоғлик омонат ва нонойдор бу буқаламун дунё!

Амир Темур йироқдан чақинқадам султон Йилдирим Боязиднинг қон теккан юзларига, уриниб йиртилган совутига боқиб, қисиниб туришини кўриб ичида нимадандир ўксинди, аммо бировга билинтирмади. «Рум қайсарини «йилдирим» деганларича бор... – ўйланди у. – Дунёни мардлар сақлайди. Ўғли Сулаймон Чалабий, қайиноғаси жангари Стефан, Эврунус бей, Хожа Феруз ва бошқа номдор саркардалар жон сақлайман деб, жанг майдонини, султонини ташлаб қочғонларида, у қочмади! У жасоратли, мард инсон экан, мардлар иззат-икромга лойиқдурлар! Соҳибқирон ҳамиша мардлар ҳурматини жойига қўяди! Рум қайсари Тўхтамишхонга ўхшаб жуфтакни ростлағони йўқ. Балки мардона қолиб, жанг қилди, уруш одобини ўринлатди, ҳурматини жойига қўйди. Раҳматли Амир Довуд дуғлат гапириб берганди: икки хўроз урушганда биттаси ўлиб қолса, ўша ўлгани қолиб саналадур. Чунки у майдонни ташлаб орқа ўгириб қочмади, балки тешишиб туриб жон берди!..»

Соҳибқироннинг кўнглида ҳиммат қонқолари очилиб, хисравона яхши хулқ томирлари қўзғолди:

– Қайсар банддан бўшатилсун, элик-оёғидан занжирлар ечилсун! Ҳурмат билан яхши либослар кийдирилсун! – буюрди Амир Темур. – У султондир, султон иззат-икромни ўзгача бўлур!

Ҳамма таажжубга тушди. Муҳаммад Султонга бу ёқмади, бироқ подшоҳлар сўзи муҳокама этилмади, деган ҳикматни эсда сақлаганидан, буни ўйлаб ўтиришдан, бир нарса дейишдан, ўзини тийди. Шохрух Мирзо падари бузрукворининг бемисл зот эканини билгани сабабли, унинг феъл-атвори ҳам шунга муносиб, асил моҳиятини қуйида турганлар яхши англаб етавермайдилар, деб ҳисоблар ва сўзи-

ҳаракатларининг ҳеч бирига ҳеч қачон шак келтир-масди.

Мисқоли доқа салласи ҳамиша шолғомдай силлик муаррих Низомиддин Шомий ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Ё парвардигор! Амир Соҳибқироннинг ҳиммати бу қадар бепоён бўлмаса? Ўзини ўзи енга олган инсон борми, деб сўрасалар, у шаксиз Амир Темурдир, деб жавоб берарди. Унинг фикрича, агар ҳиммат, саховат, мардлик, ботирлик, шафқатлилиқ фазилатлари мужассам ҳолда сурат шаклига кирса, олам кўз ўнгида Амир Темур сиймоси тикланиши муқаррар! «Ростдан ҳам ҳукамоларнинг бу борада доно фикрлари эътиборлидир, – ўйлади Низомиддин Шомий. – Бинобарин, ўзинг ёқтирган юмушга киришар экансан, ўзингни ерга урма, паст ҳимматлилиқ этма. Қасд қилгинки, ҳимматинг боши осмонга етсун, магарамким ажал вақти етса, хоҳ катта иш бошида дурсан, хоҳ кичик иш устида, ўлимнинг таъми ҳар икки ҳолатда бирдек бўлгай. Инчунин, оқил одам бу маънини кўнгил кўзи қаршисида тутиб ҳиммат бошини паст ишларга эгмайдур. Ҳадисда дейилмишки, Тангри таоло баланд ҳимматлилиқ ва кенг табиатлилиқка муносиб ишларни дўст тутадур. Сузлик ва паст ҳимматлилиқка тортадиган ишларни душман санайдур. Йилдирим Боязид паст ҳимматлик мақомига юз буриб, тубан фикрларга боргани сабабли, охир-оқибатда ўз ҳиммати ниҳоясига етди...»

Муаррих кўрганларини таълиф этаётган тарих китобининг қайси саҳифасида, бобида, хошиясида ақс эгдиришни ўйларди. У Соҳибқирон Амир Темур билан Йилдирим Боязидга бағишланган саҳифалар китобнинг кадр-қимматини жуда ҳам ошириб юборишга катта умид боғларди.

Тавиқарида юришган Мироншоҳ Мирзо, Шайх Нуриддин баҳодир, Мубашир баҳодир, Ахий Жаббор баҳодирлар ўзаро гурунг билан банд эдилар:

– Йилдиримни, менга қўйса, Бурсага элтиб султон саройи олдида дорга осиб керак! – ҳаприқди Мироншоҳ Мирзо катта-катта кўзлари чараклаб. – Ўзим тепасида туриб осардим! Остандаям, Соҳиб-

киронни ҳақорат этгани учун, аввал ичак-чавоғини калласига салладай ўраб кўярдим, кейин осардим!

– Бурсага олиб бориб юрасизми, амирзодам? Мана, яқингинада Ангоранинг ўзидаёқ уни саккиз нимтага бўлиб, бир нимтадан Мисрга, Шомга, Ирокқа, Шерозга, яна бошқа дўсту яқинларига жўнатмоқ даркор! Кўриб бир роҳат қилишсун! – ёйилди Шайх Нуриддин баходирнинг бетакаллуф кулгиси. У ўзининг топқирлик билан айтган гапларидан мамнунлигини яширмасди.

– Ўлдириш керакмас... – сўз кўпди Мубашшир баходир, ёши ўтган сари унинг шалпанг қулоқлари осилгандан осилиб боргандай туюларди, Ахий Жаббор баходир индамай эшитарди.

Рум қайсарини ювинтириб, елкасига подшоҳона тўн ташлаганларини эшитган Мироншоҳ Мирзо бадтар асабийлашди: «Ажабо, қатл этмоқ учун, ювинтириб, гуноҳкорнинг устига шоҳона тўн ёпиш зарур эканми?.. Балки кўлларда кўтариб юриш, йўлларига кимхоб поёндоз солиш ҳам керакдур?..» – дея мазахомиз шивирлади Шайх Нуриддин баходирга. У елка қисди.

Хумоюн ўрдуда Рум қайсарини Соҳибқирон буюк ҳукмдорларга муносиб эҳтиром билан қаршилади ва рўбарўга ўлтирғизишларини буюрди. Шу пайтга қадар ҳисобсиз жанглар ўтказди, аммо Рум қайсаридай қудратли ҳукмдор ҳали асир тушмаган эди! Ҳамма душманлари орқа ўгириб қочиб жон сақларди. Соҳибқиронни бир лаҳза ҳаяжон босди. У шу палла расулуллоҳнинг ўз рақиби тагига муборак ридосини тўшаб кутиб олганини эслади. «Нега бундоғ килдилар?..» деб сўраганларида, расули акрам дебдилар: «Жаброил алайҳиссалом улуғ Тангри томонидан менга хабар етказиб ушбу одобни ўргатдики, энди мен ҳар бир қавмнинг иззатли кишиларини ҳурматлаб қарши оламен.» Амир Темур буни доим ёдида сақларди.

Кечмиш тарихни кўп варақлагувчи Низомиддин Шомий мозий рисолаларида бундай учрашувлар таърифига кам кўзи тушган. Гўёки Тангрининг ўзи, му-

аррих Низомиддин Шомий ғамини еб, унинг ёзаётган китоби қизғин воқеалар, сермазмун ва хикматларга бой бўлишини, фавқулодда ғаройиб воқеалар инъикоси билан зийнатланишини ўйлаб, Турон ва Рум ўртасида маҳобатли уруш келтириб чиқаргандай, икки ҳукмдорни бир-бирига қамти қилиб қўйгандай эди... Ростдан ҳам, бошқа муаррихларга камданкам насиб этадиган ҳолат – замонанинг икки буюк саркардаси ва ҳукмдори жанг майдонида аввал дахшатли ҳаёт-мамот жангини ўтказиб, сўнг шундоқ подшоҳона чодир ичида бемалол суҳбатлашиб ўлтирганларини ўз кўзи билан кўриб турганидан ажабтовур ўнғайсизланарди. Ақлга сифмайдиган ҳодиса! Ҳатто Соҳибқирон суядиган шатранж тахтасида ҳам икки шоҳ ҳечқачон бир-бирига яқин келолмайди-ку.

Йилдириим Боязид дарҳол таъзим бажо айлади, хокисорлик, мискинлик мақомида турди. Бундоқ кутиб олишларини сира ўйламаганди, ҳайратдан ёқа тутиб қолди. Қайсарнинг қайси ишларига кўргизилган ҳиммат бу? Ҳақоратлару калондимоғлик билан айтилган сўзлари учунми?.. Ҳовник қалъасида турган Амир Темурни атай икки ой кутдириб, охирида нописандларча элчи ҳам юбормаганигами?.. Ҳа, Соҳибқирон бошқача одам экан, султон эса бошқа... Йилдириим Боязид буни теран тушуниб етмоқда.

– Энди нима бўлди? – сўради Амир Темур, аммо саволда кесатиш, гина оҳанглари сезилмасди. – Ҳар нечаки насиҳат айладук, аммо сўзимиз сизга бориб етмади... Ҳар ким инсофни аввал ўзидан қидирсун.

– Ҳамма айб ўзимиздадур, Амир Соҳибқирон! – маҳзун деди Йилдириим Боязид қўлини кўксига қўйиб. – Ўзимизга ўзимиз қилдик, яхши кенгашларингизга кулоқ солмадик... Инсофни ўзимиздан қидирмадук...

– Давлатимиз яловининг муборак лиқоси Рум заминига соя солишини асло истамағонмен, бунга зор ҳам эмасдурмен! – давом этди Амир Темур – Ахир сиз калхатмисол фаранглар устидан лочиндек ғолибона парвозга шайланғон эрдингиз. Мен эсам ёрдам қўлини чўзиб, аскар-мол бермакка шай турғондим.

Ўзим шу кунларда Чинмочинга бормоғим лозим эрди. Тажрибамдан билдимки, Ҳазрат Ҳаққ жаббор оламда бирор бир ходиса юз беришини, ё қандайдир синоат содир этилишини хоҳласа, аввал оқиллар фикр юритсин деб, уларнинг сабабларини кўрсатиб қўядир... Оқиллар дарҳол ўша сабабларни англаб оладурлар, мағзини чақмак пайида бўладурлар. Биз эса, англамай нохуш ходисаларнинг бирлашиб кетишига йўл қўйдик... Азмойиш учун сиз тарафдан учта енгил илтимос қилдик. Кемох қалъасини тобшурғайсиз, Арзинжон ҳокими Тахуртанбек хонадонини бизга юборғайсиз ва учинчиси, сизга панох тортиб борган, мусулмонлар йўлларини тўсиб, хожилар карвонларига зарар-заҳмат етказгон амир Қора Юсуфни, майли бизга бермангиз, аммо Румдан чиқариб юборғайсиз, дедик холос... Бироқ сиз мардоналик панжаси кучи билан замонга саркашлик қилишга киришдингиз. Муҳолифатдан ўзга иш зоҳир этмадингиз. Офтобга тупроқ сочиб, ойни қариқ билан ўлчамокчи бўлгонларни қанотингиз остига олдингиз. Замона кўзи уйкуда эмас. Салжукий подшо Али Арслонга боқинг, боши осмон-фалакларга етгонди. Марви Шоҳижаҳонга келсангиз, ўша бошни тупроқда кўргайсиз!

Амир Темур тўхтади. Қараса, овози сал кўтарилиб, сўзлари дашномга айланиб кетмоқда. У буни истамасди; худди бир сирни айтгандай овозини пастлаиб давом этди:

– Аммо... сизнинг қисматингиз менда бўлса эрди, менинг лашкарим бошига нималар солишингизни яхши биламен...

– Бирон сўз демакка тилим лолдир... Сўзларингиз ҳақ, Филҳақ зукко донишманддурлар, Амир Соҳибқирон. Мен эсам калта ўйладим, ақли қосирлигим билинди.. Ҳа, ҳа, калтабинман. – деди Йилдирим Боязид гуноҳини бўйнига олиб, уятдан боши эгилганча. – Иқбол мендан шунинг учун юз ўғирди. Кимларнингдир майда гапларига кулоқ тутдим. Йўлдан адашдимۇ адашганимни кеч англадим, ох, қанчалар кеч!..

– Ўтгон ишга ўқинмаслик керак, ютуқлардан шодланмаслик лозим... – деди вазмин Амир Темур. – Ҳарб майдонидаги зафарни кишилар галма-гал келгон омаддур, дейдилар, аммо бизга зафар омад эмас, асил қисматдур. Ҳаққ субҳонаху таоло менга нусрат берди, Оллоҳга шукр! Жаҳон аҳлига равшан бўлсунким, мен ҳеч кимга ёмонлик тиламасмен. Сизга, султон жаноблари, ва сизга тааллуқли кишиларга яхшиликдан ўзга иш қилмагумдур...

– Илоҳи, салтанатингиз узоқ йиллар бардавом этгай! – дуога қўл кўтарди ҳалигина душман саналган Турон султониинг фаройиб химматидан кўнгли ажабтовур юмшаган, хайру саховатлардан батамом лол, уларга муносиб жавоб қайтаришдан эса мутлақо ожиз Рум қайсари. – Бошга бахтсизик тушганда юпанч бўладиган бирдан-бир нарса – душманингни фавқуллода қудратли эканини англаб етишдир. Ким бу дунёда ёмонлик эвазига яхшилик топибди? Тангрига ҳамду саноларким, мана, мен топиб турибдурман! Бу жавонмардликдур. Ёруғлик чарақлаган офтобдан таралса, ноёб дур тўлқинли тубсиз уммондан чикса таажжуб эрмас... Агар Амир Соҳибқирон марҳамат рақамини журминиз дафтарига тортсалар, бетавфиқлик қилган қулингиздек кимсани кечирмак иложи топилса, кечирсалар, то тирик эканман, фарзандларим била бандалик ва хизматкорлик йўлида жонбозликни ихтиёр этгайман!

– Бизларга расулulloҳ саллалоҳи алайҳи васаллам сўзлари ибратдур, – сўзга қўшилди Мир Саййид Барака.

«Амир Соҳибқирон албатта кечиргайлар. – деб ўйлади Низомиддин Шомий. – Кечиргонлари шу-да: дархол дорга тортилсун, қатл этилсун демай, иззатикромда гурунг қуриб ўлтирибдилар-ку!»

«Кўрғонларим бари каминага ибратдур, – деди ичида ўзига ўзи Муҳаммад Султон. – Демак, ҳар қандай душманга нисбатан ҳам Амир Соҳибқирондай қаҳр-ғазабни жиловлай олмоқ керак...»

– Нечук сўзлар экан, пирим?.. – Мир Саййид Баракага қаради Амир Темур.

– Ривоятда келтирадурларки, расулulloҳ Макка-

ни фатх этиб, мушриклар устидан ғалаба қозониб-дилар, — деди пири муршид. — Ва Каъба эшигида туриб, икки муборак қўллари билан эшикнинг икки қанотини ушлаб, араб улуғларига қарата дебдилар: «Ул Худоға ҳамдлар бўлсинким, ваъдасини рост қилди, бандасига ғалаба ато этди, ислом лашкарини азизлади, ҳар хил мухолиф гуруҳларни гумдон этди, унинг ўзига паноҳ тортғаймиз, умидимиз ёлғиз ундандир, ўзгадан эрмас... Хой Макка ахли, менинг сизларга нима тилаётғонимни англайдир-мусиз?» Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак юзлари ойинасида карам ва мурувват суратини аён пайқаган араб улуғлари айтдилар: «Англайдурмиз! Карамингиз ва жавонмардлигингиз оламга машҳурдир, мақтовли ахлоқингиз авомунносга маълумдир, ахир соҳибкарам киши қачон қўли баланд келса гуноҳларни кечиради, жаҳонга куч-қудратини намойиш этган пайтда ўзгаларга яхшилиқни раво кўради...» Шунда пайғамбаримиз дедилар: «Мен сизларга Юсуф алайҳиссаломнинг ўз жабрдийда оғаларига илинган сўзларини айтамен: «Бу кун сиз айбланмай-сиз. Оллоҳ сизларни мағфират қилғай. У, Оллоҳ, раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидур...»

— Амир Соҳибкирон ҳам расулуллоҳга иктидо айлаб, — давом этди пири муршид, — зафар тожини кийгач, мағлубга авфу эҳтиром таважжуҳи билан карадилар. Ҳориб-толганларни қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазиб кўйиш подшоҳ улуғворлигидан далолатдур. Оре, рост. Кечиримлилик - комил инсон қисмати. Тафт оловдан келганини кўриб, оқиллар хайрон қолмайдурлар.

Амир Темур, афтодаҳол турган Йилдирим Боязидга деди:

— Энди бўлғон иш бўлди, ўтғон иш ўтди, ғайб пардасидаги тақдир кўриниш берди. Моида сурасида, ўтмишдаги ишларни Оллоҳ кечирадур, дейилғон. Гуноҳларидан ўтдук, ўтғон ишларни кечирдук... — Амир Темур кейин хотиржам Юсуф алайҳиссалом сўзларини такрорлади: — Бу кун сиз айбланмағайсиз. Оллоҳ сизни мағфират қилғай, Йилдирим жаноблари! Оллоҳ, раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидур...

Йилдирим Боязид кўнгли юмшаганидан бирдан йиғлаб юборди. Бировлар олдида кўз ёши тўкиб ўлтириш эркак кишига ярашмаслигини билса-да, ҳеч ўзини ўнглолмасди. Қора Юсуфни бермай нимага эришди? Қани ўша Қора Юсуф? Султон Аҳмад жалойир-чи? Ғийбатни бошлаган ўшалар, аммо жангда ҳаммаси қочиб жон сақлади. Шу палла Рум қайсари жанг майдонида ўлибгина кета қолмаганига афсусланди... Ғаройиб қисмати, нопок одамлар кўлида ўзи билмаган ҳолда кўғирчоққа айлангани, жондан алқаган боболар юрти бошига фалокатни ўзи олиб келгани, ўтган кунга, айниқса, эртанги кунга лоқайд қарагани, найрангларга мохир бебақо дунёнинг бир лахзада вафосиз хотиндай ўзгаришга мойил экани, замона карвонининг эса аллақачон кетиб қолгани ва хоказо-хоказоларни эслаб чуқур ўксинди. Борлигини афсус ва надомат алангаси ўртарди. Бунинг барини қандай англатсин, кимга англатсин, пушаймонун аламга қайдан таскин топсин? Кўкка учсинму, ерга кирсинму?.. Эрталаб амир эдим, энди асир бўлдим, деганларидай, ўғиллар тумтарақай, майдон ўликка тўлган, юрт хонавайрон, олам издан чиққан... Буларнинг бари кўздан томаётган ҳар бир томчида мужассам эди.

– Ўзларини қўлга олсунлар, Қайсар жаноблари... – тинчлантирди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

– Қуллук... Ўғилларим Мусо билан Мустафо жанг майдонида юришганди, Амир Соҳибкирон... – гагни буриб юборди Рум қайсари. Йўқ эса ичидаги зўр-базўр тўхтатиб турган тўлиб-тошган алам-ғусса портлаб ташқарига отилиб чиқарди, яхшики ўзини ўнглаб олди. – Уларнинг илинжида безовтаман. Кўнглим алағда турур. Агар олий фармонларига кўра, жигаргўшаларимни бу ожиз бандага инъом этилса, деган илтижоим бор...

Соҳибкироннинг юраги сал безовталанди. Дарҳол ўғиллари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзоларни эслади. Кўнгли бўшашди. Ох, лочиндай ўғиллари ҳозир унинг ёнида бўлганларидами!.. Йилдирим Боязид, ота экан-да, ўзи не ахволда, аммо ўзини ҳам унутиб, ўғилларини ўйлайди.

– Рум кайсари ўғиллари излаб топилсун! – деган олий фармон содир бўлди.

Хумоюн ўрдуга яқин тепаликда Рум султони учун махсус оқ чодир тикилди. Ярим кечада топиб келинган ўғли, ур-йиқит жангда хориб-чарчаган Мусо Чалабий яраланган ўнг қўли азоб бериб ухлатмади, эндигина кўзи илинди. Туни билан мижджа қоқмаган Йилдирим Боязид гўё туш кўраётгандек эди. У тонгсахар бомдодни адо этгач, ташқарига чикди. Борлиқ сокин, олисларда тўрт томонда қоровулларнинг гулханлари ёнарди. Олдинда кечагина улкан жанг кечган майдон ястаниб ётарди. Ҳар томонда қалашган ўликлар, унда-бунда худди экиб қўйилгандай ерга санчилган найзалар, қиличлар тикрайиб кўзга ташланади. Ҳа, бу жафокаш ернинг экини – найза билан қилич холос, бошқа ҳеч нарса ўсмайди...

Бир кун аввал талотўп, тапир-тупурда тепага чиқиб муаллақ туриб қолган қатлам-қатлам чанг, гўё тагин отлар оёғи остида қолиб кетмасайдим, деб хайиққандай ерга тушишга иккиланарди.

II

Амирзода Халил Султон Йилдирим Боязид билан жанглар тугагач, Муҳаммад Чуроға додхоҳга ёрилиб, юртни соғиниб қолганини, муносиб юмушларни унга юклаб, Самарқандга юборишларида Амир Соҳибқирон олдида шафелик қилсунлар, деб ўтинмоқчи эди. Амир Сайфиддин некўз дафнидан кейин кўнглида япроқ ёзган фавқуллодда муҳаббат изтироби, ишқ нашьаси, шоирона рўёларга чулғанган офатижон Шодимулк хаёли амирзодани тинч қўймасди.

Ангорадаги қасрда салтанатнинг ашроф-акобирлари тўпланган машваратда Амир Темур Рум фатх этилгандан сўнг, босилажак қадамлар ҳақида узоқ сўз юритди. Ўзини бошқа замонларга келиб қолгандай ҳис этаётган Йилдирим Боязид ўғли Мусо билан бир четда ўтирар, бошқа тарафда Султония марҳасияси¹ Иоанн роҳиб тиз чўкканди.

¹ Марҳасия – сурёний тилида архиепископ.

– Турон салтанатида давлат ишлариининг тўққиз улуши кенгашига қўйилиши ва фақат бир улушигина киличга қолдирилиши жумла жаҳонга аёнду, – деди Соҳибқирон. – Аммо ажабки, гоҳо «тўққиз улуш» «бир улуш»га бас келолмай, жим турғон киличлар қинларидан отилиб чиқиб кетганини билмай қоладур...

У Румнинг мағлуб бўлишига тўхталиб, олий раёйда Румга юриш нияти йўқ эрса-да, бесамар кенгашлар оқибатида – бунга худонинг ўзи шохид, – тагин киличлар ҳавода яраклаганини, мудҳиш ҳодиса юз берганини урғулади. Амирзодалар ва бекларга вазифалар белгилашдан аввал, қатъий буюрди:

– Қаердаки муҳолифлар учраса, йўқ қилинсун! Аммо кимда-ким омонлик тиласа, хатосини кечирмак ва уни сийламак шартдур! Буни тарих китобига рақам айласунлар, Мавлоно Шомий!

– Илоҳи, мартабалари бундан ҳам баланд бўлсун! Иншооллоҳ, рақам этгумдур! – қўл қовуштирди Низомиддин Шомий.

– Оре, рост. Манглайларини худонинг ўзи ёрлақасун, Амир Соҳибқирон! – қўшилди пири муршид.

Шу палла қасрга кирган Муҳаммад Чуроға додхоҳ тахтга яқинлашди:

– Амир Соҳибқирон! Амрлари бажо этилди: олис Кастилия қироли Генрих III жаноби олийларининг элчиси ижозатингизни кутмоқда! Топдик, бир дарада йўл излашиб юришган экан...

Амир Темур доим элчиларни ардоқлар, уларнинг пойқадамиши кутиб юрарди. Кейинги пайтларда Дамашқда, Халабда, Султонияда Қорабоғда турган вақтларида Европадан кўп элчиларни қабул қилди.

– Салтанатлар ўртасида энг аъло алоқа йўли, қиличу қўшин эмас, балки элчилик йўлидир. – деди у. – Олиб кирилсун!

– Пайо де Сото Майор, Эрнан Санчес де Паласуэлослар ташриф буюрадилар! – овоз берди қаср остонасида турган Муҳаммад ал-Кеший, яқинда Мисрдаги Ал-Азҳар мадрасасини битирган, бир неча тилни билладиган ўттизлардаги йигит. У саройда мулозимликка тайинланганди.

Этакроқда гиламга тиз чўккан аёнлардан бири ёнидаги амирга шивирлади:

– Элчилар неча киши экан ўзи?..

– Олтита шекилли. Биттадан киришсин-чи, кўрамиз. – жавоб берди амир остонага қараркан.

– Чакмоқдай йигит экан-а! Ким у? Қаердан?

– Муҳаммад ал-Кешийми? Соҳибқирон хешларидан дейишади, аниқ билмайман. – шивирлади амир. – Лекин унинг Мисрда ўқиб келганидан хабарим бор.

– Мисрда?

– Ҳа. Эсингиздами, Амир Соҳибқирон Самарқанд мадрасаси толиби илмларидан, Тошканд, Шаҳрисабз, Бухородан бир кўп муллаваччаларни Миср, Тоиф, Мадина, Дамашқ, Бағдод, ҳатто Искандарияга таҳсил олишга юбордилар. Муҳаммад ал-Кеший ана ўшалардан бири. Бу ёғини сўрасангиз, – мамнун давом этдирди амир. – ўзимнинг ўғлим ҳам Мадинада таҳсил олиб қайтди... – мамнун жилмайди амир.

– Ўх-хў! Шундайми? Муборак бўлсун!

– Раҳмат, раҳмат!

Эшикдан дадил киришган элчилар дарҳол ўзларининг осиеликлар учун фаройиб кўринадиган кийимлари, учли қалпоқлари, бўйниларига кийиб олган оқ варақа-варақа ёқалари билан барчанинг диққатини тортди. Ўттиз беш ёшлардаги Пайо де Сото Майор шериги икковлон тахт пойига етмай тиз чўкиб, европаликларга хос тавозе билан таъзим қилдилар.

– Кастилия қироли, насроний подшоҳлар орасида олийҳаммати билан алоҳида ажралиб турадиган шавкатли сенйор Генрих III де Трастамара хазрати олийлари ўзларининг буюк эхтиромларини билдирадилар! Ул олий зот номидан улуғ музаффарият ила муборакбод айлашга журъат этамиз!

Шундан сўнг элчилар қиролнинг эзгу тилакларга тўлиб-тошган мактубини ва совғаларини Муҳаммад Чуроға додхоҳга топширди, у эса ёнида турган Муҳаммад ал-Кешийга узатди.

Соҳибқиронга Кастилия элчилари хақида тингчилардан бири хабар берганди. «Дунёнинг нариги чеккасидан келишибди!» – деб қўйди Амир Темур ичида мамнун, чунки у Кастилияни рубъи маскун-

нинг Уммон ювиб турадиган энг чекка сохилида жойлашган деб хисобларди.

– Элчиларга иззат-икром кўрсатилсун! – буюрди Амир Темур, ўнг томонда ўтиришган Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлослар томонга қараб. – Ардоқли ўғлимиз Кастилия қиролига мактуб битилсун. Совға-саломлар тайёрлансун, тўққиз сидра подир кийим-бош, Чин ишагидан тикилган алвон кийимлар, оқ туя жунидан тўқилган чакмонлар, мўйнали пўстинлар, кимхоб либослар, тоза кундузу сувсар мўйналари олинсун. Тағи. Инъомларга зару забаржадлар, мушқу анбарлар, қиймати минг динорлик тилла камарлар, кошлари олгиндан эгаржабдуқлар кўшиб қўйилсун, филларнинг қозик тишлари ноёб яшм тошлари билан зийнатлансун. Тағи. Қирол ўғлимизга Рум қайсари ҳарам асираларидан икки соҳибжамол насроний қизни юборишни ҳам ўйлаб қўйдук. Оллоҳнинг инояти билан биз икки ожизани қуллуқдан озод айладук.¹ Бизнинг кўнгил саломимизни, совға-инъомимизни ва ушбу ожиза-

¹ Бу гаройиб ходиса хақида, Сохибқирон химмати туфайли озодликка чиқарилиб, Кастилия қиролига тухфа этилган насроний қизларнинг ажиб тақдири тўғрисида ўша давр испан адабиётида гўзал балладалар, лирик шеърлар ярагилган. Қизлардан бири Марна Венгрия қиролининг набираси эди. Кастилия қироли зогагонларидан бўлган. Ангорага келган элчи Пайо де Сото Майор бир қараңдаёқ хурлико Марнага ошиқ бўлиб қолади ва Испанияга келгач, Водий ул-Кабир дарёси бўйидаги Ходар шаҳрида, фаввора ёнида кизга ўз севгисини изхор этади... Кейин у кизга уйланади ва ўғиллик бўлади. Уларнинг севгисига бағишлаб ёзилган балладада шундай сатрлар бор:

*Ходар шаҳри фаввораси ёнида
Шаҳто кўзли гўзал лиқони кўрдим.
Кўрдим, кўрдим, ўтлар ёнди қошимда,
Новакидан шу дам қурбони бўлдим.*

Иккинчи кизнинг оти Ангелина бўлиб, у юнон ҳукмдорларидан бирининг кизи эди. Ангелина Испаниянинг Севилля шаҳрида Дон Диего Гонсалес де Контрерас исмли кишига турмушга чиқиб, ўз бахтини тошган. Ўша давр испан шоири Франсиско Империад бундан илҳомланиб, шеър битган. Ундан тўрт қатор келтиришни лозим топамиз:

*Ул тотор қизими эрди, билмадим,
Балки юнон қизи бўлсамки керак.
Лек гўзал чехраси, қадди қомати
Улуғ толеидан берарди дарак.*

ларни элчимиз Муҳаммад ал-Кеший бориб ўз қўли билан ўғлимизга тобшуруб қайтсун!

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – таъзим бажо этди Муҳаммад ал-Кеший.

Ҳамма катта мартабага мингап Муҳаммад ал-Кешийга ҳавас билан қаради.

Низомиддин Шомий Соҳибқироннинг қутилмаганда ғаройиб қарорлар чиқаришидан доимо ҳайратланиб ёқа тутади. Чунончи, Йилдирим Боязидни кечиришлари. Агар Амир Темур ўрнида бошқа ҳукмдор бўлса, ҳақоратларга қўмган беодоб душманини аллақачон қатл этдириб ё дорга осдириб, ўзининг лат еган иззатнафсини қондирарди албатта. Меҳри билан қаҳри ҳаммайдон Соҳибқирон эса, ундок қилиш у ёқда турсин, аксинча, бағрикенглик билан шафқат кўргизиб, ўз ёнида Рум қайсари учун чодир тикдирдилар.

Бемиқдор давлат ишлари қалашиб ётганда, турли ташвишу бесаранжомликлар орасида иккита соҳибжамол асира насроний қиз тақдирини ўйлашга вақт тошиб, уларнинг кўрку ҳуснига кўнгиллари кетмай, оқ ювиб, оқ тараб, ҳурлик инъом этиб Кастилия қиролига жўнатишлари эса ҳар қандай инсонийлик таърифидан ортиқроқ! Пири муршид ҳам бош тебратиб: «Аҳсанта! Аҳсанта!» дерди.

Халил Султон ичида: «Ўзгалар ғамини чекмакни яхши кўргайлар, аммо ўзлариникини ўйламагайлар!», – деб қўйди ўнкалангандек.

Навбат фармонларга етди:

– Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Румнинг пойтахти Бурсага йўл тутсунлар ва фатҳ айласунлар! Амирзода Абу Бакр, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Шайх Нуриддин баҳодир унга ҳамроҳлик қилсунлар. Шайх Нуриддин баҳодир хазинани забт этсун... Бурса кутубхонасидаги китоблар Самарқандга жўнатилсун. «Гулшани хазойин» сандиғини топсалар дархол бу ён етказсунлар! Бўғози Искандар¹ машҳурдур, ул ерда бўйинсунмас гардани йўғонлар яшар эмиш, беклар бориб эл-улусни чобсунлар!

¹ Босфор бўғози назарда тутилмоқда.

Муҳаммад Султон дарҳол келиб Соҳибқиронни тавоф этди.

Халил Султоннинг юраги гурсиллаб уришга турди. «Ҳамма амирзодаларга вазифалар юкланадур шекилли! Менга ҳам шубҳасиз юмуш аталган, худо хоҳласа... Кошки эди жуда муҳим юмушим борлигини билишиб, Самарқандга юборсалар... Илоҳи, Самарақанд бўлсун, Самарқанд бўлсун!..» – деб ўртанарди ичида.

– Шохрух Мирзо ўн тумон бирла Амир Шохмалик, Мирзо Алибек ва ўзга беклар ҳамроҳлигида Кўлҳисор, Останус, Кабтар тарафларга йўналсунлар, ундан Испарта томон ўтсунлар... Амирзода Султон Хусайн ва амирзода Искандарлар Амир Сулаймоншоҳ ва бошқа номдор амирлар кузатувида Кўния, Оқшаҳар, Қораҳисор, Алания ва Адалияга отлансунлар...

Шундан кейин бирдан мавзу ўзгариб кетди:

– ...Муншийлар Рум мамлакати устидан қозонган улўф музаффарият ҳақида валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон номига фатҳномалар битсунлар ва Эрону Туронга юборсунлар. Бир фатҳнома Султонияга – ҳарамларга, бир фатҳнома Самарқандга (Халил Султоннинг кўзи ярқ очилиб кетди!) жўнатилсун! Кобулу Зобулу Синд, Форсу Сеистон, Хўтану Бадахшон, Хуросону Хоразм, Мозандарону Табаристон, Гийлону Озарбайжон, Ироқи Арабу Ироқи Ажам, бу ёғи то Кошғаргача фатҳномалар етказилсун!

Халил Султоннинг батамом хафсаласи пир бўлди. Аввало, фатҳномалар валиаҳд шаҳзода номига битилди. Агар Муҳаммад Султон Ўзбекхоннинг чевараси эрса, Халил Султон ҳам шундок – чевара. У ҳам жанг майдонида жон олди, жон берди. Айниқса, Ҳиндистонда филни жиловлаб етаклаб келгани ўн тўрт ёшлик амирзода доврўғини ошириб юборгани хали хамманинг ёдида. Аммо унинг номи кўрсатилгани йўқ. Иккинчидан, бошқа эслатилмаган амирзодалар бари Румда қолишар экан-да!.. Шу палла офатижон Шодимулкни хаёлан тасаввур қилди. У гўёки жон олар қийиқ кўзларини тикиб, узун киприklarини пирпиратиб: «Наҳотки, интизорлигимизни

билмасалар?..» – дегандай ўпкалаб қараб турарди. Ҳазрат худди шу палла унинг номини тилга олиб қолди, унинг кулоқлари динг бўлди:

– ... Амирзода Халил Султон... черики билан Самарқанд сори мутаважжих бўлсунлар ва ундан ўтиб Туркистон музофотидаги барча йўлларни муҳофаза этсунлар! То Хитой сарҳадигача чопқун ясаб, муҳолифлардан тозаласунлар! Мубашшир баходир, Худойдод Хусайний ва ўзга тавачилар бирга борсунлар!

Халил Султон сапчиб ўрнидан туриб кетди ва кўл қовуштириб:

– Буюк илтифотлари ва ишончлари учун қул-лук, Амир Соҳибқирон! – деди ва Амир Темур тўни пешини ёнга тўлган кўзларига қайта-қайта суртди. «Бобожонимдан айланай!», «Бобожонимдан айланай!..», дерди ичида. У мислсиз даражада бахтиёр эди шу палла...

Амирзода шу бугуноқ йўлга чиқишни истарди. Олам чароғон, кайфиятлар аъло... Номдор аъёнларию сипоҳлари билан борар экан, йўлларда ҳамма уни қутлар, Халил Султон ўзини ҳқдди Рум қайсари Йилдирим Боязидни асир олган қахрамондай туярди ичида.

У даставвал Султонияда тўхталди. Ҳамма уни Чаманбоғда, икки тарафида кўкка бўй чўзган, узоқлардан кўзга ташланадиган қўш минорали қаср ёнида кутиб олди. Хонимойим Саромулкхоним, онаизори Хонзода хоним, Туман оқа, Гавҳаршод бегим ва бошқа маликалар Румдан келган биринчи хабарчи сифатида уни саволларга кўмиб ташладилар:

- Амир Соҳибқирон саломатмилар?
- Уруш тугадими?.. Ўлсин-е!
- Йилдирим Боязид асир тушдими?
- Ҳазрат қачон қайтадилар?..
- Шохрух Мирзо ўғлим-чи?..

Сароймулкхонимнинг охириги саволни шавҳари ҳақида сўрашдан ийманиб турган келини Гавҳаршод бегим учун берганини ҳамма билди.

Йигитлик мақоми барқ уриб яшнаган, бир гапириб ўн кулаётган, хурсанд Халил Султон ҳамма

саволларга хушчақчақлик билан жавоб берар, жанг тафсилотларидан гапираркан, ўзининг душманлар додини берган амакиси Шохрух Мирзо лашкарида от сурганини фахр билан тилга оларди.

– Умрим бино бўлиб ҳали бундай мухорабани кўрмагонмен! – дерди Халил Султон. – Борлик олам аскарга тўлиб кетди-ёв!..

Сароймулкхоним ўзи ўстириб вояга етказган, ўғилдай суюкли амирзодани бағрига босиб тўймас, Хонзода хоним бир чеккада навбат кутиб турарди.

Халил Султон бошқа маликалар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраша бошлаганда, Сароймулкхоним Хонзода хонимга аста шивирлади:

– Амирзодам жуда хурсандлар... Кўрдингизму? Учиб кетамен, деб турибдир. Сабаби нимада экан, деб ўйланамен. Агар фатҳнома унинг номига битилғонда, буни тушуниш мумкин эди...

– Мен ҳам шунга хайронмен... – Хонзода хоним бош тебратди. – Бир нарсадан кўрқамен холос...

– Нимадан экан, маликам?

Сароймулкхоним, беихтиёр ўнг чеккасидаги қора гажагини бир силаб кўйди..

– Амирзодамиз... кимнидир ёқтириб қолганга ўхшайдурлар... Чунки фақат севги, ишқ тугёнигина одамни бу қадар қанотлантира оладир, хонимойим...

Сароймулкхоним ялт этиб Хонзода хонимга қаради. Иттифоқо, унинг кўнглида ҳам ўхшаш фикр пайдо бўлганди. Икки онанинг ўз фарзандлари ҳақидаги ўйлари бир хил чиққанидан катта малика ажабланди, лекин ичидагини сиртга чиқармади, фақат деди:

– Сўзлари, тутумларидан ниманидир айтмоқчидай...

– Ўғилжонимизнинг кимгадир ишқи тушгани аниқ... – Хонзода хоним табассум қилди. – Ишқилиб яхшиликка бўлсун...

Маҳди улё келинига тикилиб қолди. Хоразм маликаси Самарқандга қайтгандан бери, мутлақо ўзгарган, ўша пайтдаги хорфинлик, сўлфинлик из солган чехра, бугун бошқача. Ирнининг ўнг томонидаги

мўъжазгина қора хол ҳам аввалгидай дилтортар, чиқиб қолган кулдиргичлари ҳам ўзига ярашган, шахло кўзлари ёлқинли боқади.

– Амирзодамнинг жуда ҳам хис-хаяжонга берилувчан одатлари бор, таъсирчан, ўзлари билурлар, сирини сақлаб туrolмайдуp. Кўнгли очик йигит бўлиб ўсмоқда. Соддалиги ҳам йўқ эмас. Ичи тўлиб кетяпти-да, ниманидир айтмоқчи-ю, сиз билан биздан тортиниб айтолмаётир холос. Хонимойим, амирзодам келяптилар...

– Ҳарамингиз Жаҳон Султон бегим ҳам Султони-ядалар. Ўғлингиз Буркул Мирзо бир ёшга кирмакда... – деди Сароймулкхоним, амирзоданинг улар хақида сўрамаганидан бир оз таажжубда.

– Жуда яхши, жуда яхши! – мамнунлигини билдирди амирзода, кейин мавзуни ўзгартирди: – Ғазал битибмен, хонимойим жаноби олиялари! Ғазал битдим, ўз-ўзидан келди, онажон! Худо хоҳласа, девон тузамен! – деди Халил Султон ва Шодимулкка атаб туфилган байтни ўқиди:

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил...*

Маликалар ёш шоирни олқишладилар. Байт худди уларнинг кўнглидаги гумонни тасдиқлагандай эди. «Ўғилжоним гўзал ашъор битибди!...» – ғурурланди ичида Хонзода хоним. Маликалар Халил Султоннинг хурсандчилиги боиси байтда шама қилинган «турки пари»га уланганини туйдилар, аммо ким эканини билолмадилар, чунки Халил Султон ортиқ ёрилмади.

Самарқандга қайтган амирзода салтанат ишларига шўнғиб кетди, бош қашишга қўл тегмайди, деган матал унинг учун тўқилгандек эди. Йигирма кун давомида Андижону Ўшдан, Термизу Қаршидан, Тошканду Бухородан, Шаҳрисабзу Шохрухиядан, Туркистонун Сайрамдан зиёратга келган беклар-амирларнинг, салтанат аъёнларининг оёғи узилмади, ўзи ҳам Кўксаройдан жилолмади. Машваратда Мубашшир баходир билан вазири аъзам Муҳаммад

Жалдга, лашкарни оросталашни, тез кунларда Туркистон тарафга отланишлари, Ашшарага боришлари, то Хитой сарҳадигача чопкун ясашлари лозимлигини тайинлади, вилоятлар ҳокимларига эса қанча наварлари борлигини муфассал¹ айласунлар ва маълумотни бахшилару тавачиларга тоширсунлар, рўйхат ўн беш кунда подшоликқа етказилсун, деган буйруқ юборилди.

Кейин мухтарам бобоси тутумини эслаб, ҳеч кимга билдирмай, биров боқса танимайдиган, беном мусофир қаландар йигитча бўлиб бозорларни айланди, баққолликка борди, ғалла каппонига кирди, гавжум гўшт дўконларини кезди, муҳассиллар ишини пинҳона кузатди, нарх-наво билан кизиқди. Соҳибқирон набирасини Самарқандга жўнатар экан, ишни айни шундан бошлашни, нархни кўтариб юборганларни жазолашни тайинлаганди. Кезаркан, нималарнидир кўнглига тугиб қўйди. Ҳамма жойда жаҳон амирзодаси, Соҳибқироннинг суюкли набираси Халил Султон жаноби олийларининг Румдан ғалаба билан қайтгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғига чалинарди.

Сиёб бозоридаги атторлар тимида кўпроқ туриб қолди. Кўнглининг бир четида бирон ерда Шодимулкни кўриб қолармиканман, деган умид ҳам бор эди, қизлар кўпроқ шундай ерларда кезишни ёктирадилар. Ким билсин, балки учрашиш насиб этар...

Аммо канизакни учратмади.

Кўксаройга қайтгач, дарҳол вазири аъзам Муҳаммад Жалдни ҳузурига чорлади.

– Якин-ўртада ҳеч бозорга кирдиларму, вазири аъзам жаноблари? – қаттиқ тикилганча сўради амирзода. – Нима учун нарх-наво бунчалар осмонга чиқиб кетибди?

Вазири аъзам қотиб қолди.

– Кирганман, кирганман... – каловланди у.

– Фақиру мискин аҳволидан огоҳ бўлингиз, деб

¹ Муфассал килмок – яъни аниқ рўйхатга олмок.

тайинлайдилар Амир Соҳибқирон... Сиз огоҳмидурсиз, вазир жаноблари?

Вазир индашга ботинмади. У ҳукмдордан дашном эшитганда, ўзини оқлаш, сабаблар топишга уриниш эмас, балки жим қулоқ солиб туриш энг мақбул йўл эканини яхши биларди.

– Сиёбда гўшт дўконининг олдида турдим. Ноинсоф қассоб бир қадоқ гўшт сотса, алдаб ярмидан кўнини сўнгат қилиб бермакда... Тарозидан ҳам уриб қолмакда... Кейин, бошқа гаплар ҳам эшитдим...

Вазир қотиб қолди. «Ие! Амирзодам бозорга борибдилар-ку! – деди ўзига ўзи. – Билмай қолибман-ку! Қачон улгурдилар экан?..»

– Кейин... девонни назардан ўтказғонимизда бир антиқа ишончсиз рўйхатга кўзим тушди... – жиддий давом этди Халил Султон. – Давлат мулклари рўйхати... Унда ҳар бир ашрофу акобир, аркони давлат аъзоларига, амирлару бекларга хазинайи омирадан берилгон неъматлар кўниртириб ёзилгон. Бир тухум олгон эса, бир товуқ деб, бир ман¹ гўштни бир қўйга, бир ман арпани ўн манга чиқариб, бир тўрва сомонни бир харвор² қилиб ҳисоблангон. Бундоғ нопок йўл тутмакка сизга ким ижозат этди?.. Ҳаммаси хазинага қайтарилсун!

Муҳаммад Жалднинг пешонасидан тер чиқиб кетди. У нимадир демокчи эди, гулдур-гулдурдан нари ўтмади.

– Қассобу баққоллар, новвойлар бир-бир тафтиш этилсун! Муҳассиллар алоҳида текширилсун! – буюрди яна Халил Султон. Кейин қўшиб қўйди: – Эртага пешин намозидан сўнг Жомеъ масжиди қурилишини бориб кўрғаймен.

– Бош устига, ҳукмдор жаноби олийлари! – сўлқиллоқ кўлларини кўксига қўйиб бош эгди Муҳаммад Жалд, сўнг ўрнидан туриб, оёқлари оғирлашиб кетгандай аранг ортига тисарилганча кўринишхонадан чиқди...

¹ Ман – оғирлик ўлчови. 250 мисколга тенг(бир мискол – 4.25 гр.дан иборат)

² Харвор – оғирлик ўлчови. Ўртача ҳисобда 300 кг. атрофида.

Шу пайт мулозим Холдона биби кутиб турганини билдирди.

– Момо... ўша канизак... – деб тортиниbroқ сўз бошлаганди амирзода, кайвони аёл сўзни кесди:

– Ха-ха, амирзодам, жоним гиргиттон сизга! Чучундим, чучундим... Шодимулкни айтмакдасиз...

Ўнг юзининг бурнига яқин ерида мошдеккина чиройли қора холи катталашгандек кўринадиган момо: «Ҳамма нарсадан хабарим бор...» дегандай жилмайиб қараб турарди.

– У... қаерда?

– Хожа Фунжора қишлоғида, ота-онаси олдида.

– Унинг... боши очиқми? – сўради қийналиб амирзода.

– Яқинда ўша қишлоқда мушкулкушод ўтказдик... – деди биби. – Ўзим ҳам суриштирдим. Учрашдим ҳам. Кўп совчилар келмоқда экан... Сулувгина-да, ер ютмагур.

– Ие! Совчилар?..

– Ха, боши очиқ аёлга совчилар ёғилаверади-да уйига. Ўзиям яғона-да, бир яралиб қолган, юз деса юзи бор, кўз деса кўзи, кўз-қоши пориллаб ёнади, сув ичса нақ томоғидан кўринади... Харидори кўп. Раҳматли Амир Сайфиддин некўз жаноблари уни кучнинг зўридан канизак этиб олганди...

– Барини биламен...– ҳаприққани сезилди амирзоданинг. – Кейин-чи?..

– Лекин Шодимулк барча совчиларга йўқ деб жавоб бераркан.

– Йўқ, деб жавоб бераркан?

– Бировнинг канизагиман, дер эмиш совчиларга.

– Шундоғ дермишму?.. Ие, нима? Бировнинг канизаги?..

– Амирзодам... сизда кўнгли бор экан... – деди бирдан момо ёрилиб. –Ў-ўв!.. Сизда кимнинг кўнгли йўғ-а! Кўринган қиз сиздан сўз очади... Ха, Шодимулк ичидагини менга айтди. У ўзини сизнинг канизагингиз, деб хисоблаб юраркан...

Халил Султоннинг юраги потради:

– Нима-нима? Ие! Ие... Моможон... Шодимулк

менинг канизагим!.. Ха, ха, момо, уни канизак қилиб оламен!

Ҳам қувончдан, ҳам уялганидан қизариб кетган амирзода юзини яширишга эҳтиёж сезиб, момонинг куловига энгашди-да, нималарнидир эҳтиросли пичирлади. Холдона биби қўлини кўксига қўйиб эшитаркан, ерга тикилганча дерди:

– Чучундим, Хўп! Хўп, жоним гиргиттон! Йўк, йўк... аввал канизак этиб олгайсиз, канизак сизнинг мулкингизга айланур... Ҳаммасини адо этаман. Ўзимизнинг маҳаллада такахона кўчасида бир хонадон бор. Сиз айтган хилвати сахиҳага мос... Ошиқмаъшукқа хилват муносиб-да...

Орадан икки кун ўтди. Халил Султон кеча муншийга тайинлаган салтанатдаги вазият ҳақида Соҳибқиронга ёзилган, дуои саломлар битилган мактубни ўқиб тугатган ҳам эдики, атқаси Худойдод Ҳусайний қўлини кўксига қўйганча кириб келди.

Амирзода уч бор қарсақ урди. Мулозим кирди.

– Мактуб дарҳол сурғичлансун, мухр босилсун Амир Соҳибқирон ҳазратларига Румга юборилсун!

– Бош устига!

Мулозим чиқиб кетди.

– Кайфиятлари нечук, амирзодам? – тиф билан очилгандай қисик кўзларини қадаб сўради ботирлиги билан ном чиқарган бақалок Худойдод Ҳусайний.

– Зинҳор сўрамангиз! Ох, кўнглимнинг касбу кори ношуд косибнинг юмушидек касодга учрагон... – деди Халил Султон. – Ҳеч нарса ёкмайду...

– Нега ундоғ дейдилар, амирзодам? Ношукрчиликка бориб қолинмасин тағин? Туркистон ҳукмдорисиз, барча сизга фармонбардор, еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда...

– Йўк, мени кўнглим қийнайди, кўнглим...

– Кўнгил қандай қийнаши мумкин? Кишилар шундай дейишади. Қизик... Ҳеч тушунмайман. Нима бўпти кўнгил? Кўнгил эмиш! У ичингизда, ҳар қанча эгиб-буксангиз ярашаду...

Худойдод Ҳусайний табиатан жоҳил ва кўпол одам эди. Халил Султон эса латиф сифатли, за-

риф зотли, нозик мизожи кўполликни кўтара олмас, шақоват ва низоларга тоқатсизлиги билан ажралиб турарди.

– Кошкийди, шундоғ бўлса!.. Ох, ўшани бир учратдим. Дунё ўзгариб кетди. Бундоғини кўрмағонмен. Бир йилдан бери азобини тортамен. Кўхи Қофдан ўсғон парими дейман, боқдиму жигарим тешилди...

– Ёш йигитчаларнинг жигарлари тешилиши ҳам осон экан-да. Хай. Махди улё Сароймулкхоним ўзларига ҳали онаси ўлмаган, ажойиб бир қиз топиб қўйибдурлар, каминага айтишди... Тўйга шайланар эканмиз. Шайх Нуриддин баҳодир набираси эмиш... Кетворган сулув экан...– эжикилади Худойдод Хусайний.

Амирзода аткасига тик қаради:

– Уйланмакдан умидвор, қачон мени бирон иссиқ оғушга отар эканлар, деб энтикиб кутиб ётғон амирзодалар бисёр. Ана ўшаларга берсунлар...

– Рафиқангиз малика Жаҳон Султон бегим қандай қарайдилар бунга?

– Қандай қарайсиз, деб сўраб ўлтирайинму энди?.. Бир камим шу қолувди. Хеч ким шундай сўрайдурму ўзи?

– Бир андиша бор-да.... Шодимулк бировнинг канизаги... хасми, амирзодам... – босиқлик билан тушунтиришга тиришди Худойдод Хусайний.

– Илгари ҳам айтғондингиз. Бировнинг хасми, дейсизму? Унинг хожаси дунёдан кўз юмғон. Иддаси ҳам аллақачон ўтғон. Энди боши очик ... – ўғирилди Халил Султон, ичида «Агар бировнинг хасми эрса ҳам ўз фикримдан қайтмасдим!» – деб қўйди.

– Эл-улус бунга нима деркин, одамлар қандай қараркин? Сарой маликалари-чи?..

– Агар кўнглим бир кишини тиласа, буни яхшими, ёмонми, деб эл-улусдан, хар одамдан сўрамоғим лозимму? Чорраҳада туриб олиб, кўринғонга кенгаш солмоғим керакму? Бу каминанинг кўнғил хоҳиши, дил иши...

– Тўғри-ку-я... Атрофга кенгроқ қарангиз, амирзодам! Ахир аёл зотининг уруғи Хиротдан келганмас. Жуда топилмас мато эмасдур. Хурилико қизлар,

бокиралар, олдига парилар ҳам тушолмайдиган су-
лувлар бисёр, боқсангиз анграйиб қолурсиз, парвар-
дигорнинг ўзи ғамингизни еб яратиб қўйган...

– Ҳеч ким керакмас...Ҳеч ким! Ўша ойм даркор
холос...

Умрида биронта аёлга меҳр қўймаган, ишқ ни-
малигини билмаган Худойдод Хусайний ўн саккиз
ёшли амирзода изтиробларини кузатар экан, ичида
унга ачинар, устидан кулиб қўяр, одамнинг севги
балоси деб, – биттагина канизак учун-а! – шунчалар
жигарсўхта аҳволга тушишини, телба ҳолига кели-
шини ҳеч ақлига сиғдиrolмасди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

I

Турон салтанати валиаҳди шаҳзода Муҳаммад
Султон билан малика Соғинч хоним бағоят бахтли
эдилар. Ахир Румнинг пойтахти Бурсанинг забти
шаҳзоданинг чекига тушиди-да! Бу ҳаммага ҳам насиб
эта бермайди. Ангора муҳорабасидан кейин, Эрону
Туронга, оламнинг турли мамлакатларига юборилган
фатхномалар шаҳзода номига битилди.

Бурса забтидан сўнг шаҳзода Ўангишаҳрнинг
хушманзара ўтлоғида эндигина чодир тиккан эдики,
Кютаҳийа шаҳри ёнидаги ям-яшил яйловда ҳордиқ
олгандан сўнг Тўнғузлуғ¹ шаҳри томон отланган
Соҳибқироннинг фармони етди. Унда Муҳаммад Сул-
тонга Сарухон элининг Мағнисия шаҳри, Шохрух
Мирзога Кирмиён вилояти кишлок учун муқаррар
қилингани битилганди. Мағнисия Рум ўлкасининг
қунботишида, тоғ этагида жойлашган, суви шаф-
фоф, хавоси тоза бу музофотнинг киши ёзидан ҳам
яхшироқ, юшоқ эди, ҳамиша Эгей денгизининг
салқини сезилиб турарди.

Соғинч хоним севгили ёстиқдоши, жони-жаҳони
шаҳзодаси ёнида юрганидан, ҳар куни дийдорига
тикилиш бахти насиб этганиданми, кундан-кунга

¹ Харвор Туркия жанубидаги Денизли шаҳри.

очилиб борар, ҳусни-малоҳати барқ урарди. Совутга ўралиб, бошига дубулға қўндирганида, йигирма олти ёшли шахзода завжасининг бекиёс кўрку жамолига боқиб, сўз деёлмай қолар, завки ортиб бағрига босгиси келиб кетарди.

Ҳозир ҳам йироқдан Йанги шахр кўриниб турадиган баланд тепаликда шоҳона саропарда ичида ўлтиришаркан, шахзода маликага қараб-қараб қўяр, тегажовғлик қилишни истар, бундан беҳад рухланарди.

– Жуда ҳам чиройли бўлиб кетибсизми, маликам? – деди Муҳаммад Султон, ёрининг қизлик пайтидагидек тиниклашган хиёл чўзинчоқ оқ юзларига, қора қошларига, пешонасининг чап томонида лом янглиғ кўриниб турган чиройли гажагига меҳр билан тикилиб.

– Вой, мендан бошқа сўз йўкму?.. – нозланди малика. У дарҳол мавзуни ўзгартиришга тиришди, йўк эса, шахзода ҳазил гаплар билан тегажовғликларини бошлаб юборадилар, маликани хижолат қилиб мақтов сўзларини тўкиб ташлайдилар.

Шахзода, Ҳумоюн ўрдудан тағин Ашпарага бормоғим лозим экан, у томонлар нотинчлигидан, малика Соғинч хоним Самарқандда қолиб турсунлар, деган шошилинч фармон олинди, қабилида йўқ гапни айтиб, суюқлисининг жиғи-бийронини чиқариб, томоша қилмоқчийди. Лекин қув малика шавҳари кўнглидагини фаҳмлаб қолди шекилли.

– Қуръондан кўчирилаётган нусха битиб қолдиму?

– Нечанчи сурага келдилар энди, шахзодам? – сўраб қолди малика.

– Худога шукрим, кеча эллик еттинчи сурани ниҳоясига еткурдум... – жилмайди Муҳаммад Султон.

– Ҳадид сурасиму? Битириб қўйибдилар-ку! Муборак бўлсун, шахзодам! Озгина қолибдур. Худо қувват берсун! Асосан Рум элида ишимиз унди-да... – табассум этди Соғинч хоним ошпоқ тишларини ярақлатиб.

– Ҳа, унди, иш унди...

Салтанат ташвишлари имкон берди, дегунча шах-

зода ўзининг ёктирган машғулотига киришар, Қуръони каримдан нусха кўчириб китобат қилишни давом этдирар, малика Соғинч хоним жимгина бир четда ўтириб, муборак оятларнинг саҳифага қандай тушаётганини, харфларнинг сеҳрли шакли-шамойилини, хуснихатнинг бекусурлигини кузатаркан, хайратини яширолмай, чиройли кўлчаларини бир-бирига уриб: «Тасанно! Тасанно!» дея кичкириб юборарди.

Бир куни, Соғинч хонимнинг эсида, ўтган кузнинг охирлари Қорабоғда эдилар, Мухаммад Султонни Хумоюн ўрдуга Рум юришига бағишланган машваратга чорладилар. Малика канизаклари билан келишиб кўйган тоғ сайрини ҳам кейинга қолдирди ва негадир валиаҳд шаҳзоданинг қанча сура кўчирганини билмакни истади: ўртача заррин қопқокли сандикдан нақшинкор гулдор муковали нусхани авайлаб кўлига олди-да, оҳиста варақлай бошлади ва энг аввало охирига қаради: ўттиз олтинчи сура. Яна етмиш саккизта сура бор олдинда... Шаҳзода шошилмасдан ҳар сафар кунт билан беш-олти оятнигина саҳифага туширарди. Нечоғлик мушкул, оғир меҳнат! Мана, Ол-и Имрон сураси, Тоҳа, Нур, Анкабут, Сажда... Малика ўттиз олтинчи «Ёсин» сурасига етди ва беихтиёр ўқишга киришди. Илгари кўп эшитган бўлса ҳам, бу илк бор синчиклаб ўқиши эди.

– Ё, Син...

Маликанинг ёқимли овози шоҳона саронарда ичини музайян қилди.

Соғинч хоним тобора ҳаяжонланиб борарди. То қиёмат қойимгача бир-бирига жуфт этиб яратилган ой ва қуёшдек буюк сайёраларнинг тин билмасдан қатъий тартибга боғланиб ўта нозик ҳаракат қилишлари, кеча билан кундузнинг ўз мақомида алмашилиб туришлари уни қаттиқ хайратга солди. Ё раббий! Илоҳий қудратни кўрингиз! То қуёш билан ой бирлашиб кетадиган қиёмат кунигача, қуёш ойга ета олмас, кечага кундуз ўрнини эгаллаш насиб этмас... эмиш! Ана, Холиқнинг бемисл қудрати, буюк иқтидори! Ана «Ёсин» сурасининг сеҳри!

Малика эллик бешинчи-эллик саккизинчи оятларда шундай каломларга кўзи тушди: «Шак-шубхасиз, жаннат эгалари ўзлари истаган, орзу қилган ишлари билан шод-хуррам бўлгувчидурлар. Улар ўз жуфтлари билан бирга, барча соя-салкин жойлардаги сўриларда ястаниб ўлтирурлар. Улар учун у жойда ҳар турли мева-чева мавжуддур ва чорлаган-истаган нарсалари ҳозирдур. Уларга Парвардигор томонидан салом айтилур...»

Беихтиёр Соғинч хоним фоний дунёдаги умрларини битириб, боқий дунёга қадам қўйганларида, шахзодаси билан иккиси – бирга, бешак-шубҳа! – жаннатга тушишларини, жаннат соҳибларига айланган иймон ва тақво аҳли қаторида барча соя-салкин жойлардаги сўриларда ястаниб ўлтиришларини ўйлаб кетди. У жойда ҳар турли мева-чева мавжуддир. Уларга, Парвардигор томонидан айтилган саломга алик олиш насиб этгай...

Кўп ўтмай шахзода машваратдан мамнун қайтди: баҳор фаслининг охирларида ниҳоят Рум юриши бошланаркан, Сивас томонга боришга қарор қилинибди. Турон салтанати ашроф-акобирлари қатори Арзинжон ҳоқими Тахуртан, Шамохадан Шайх Иброҳимлар ҳам машваратда иштирок этишибди.

Соғинч хоним «Ёсин» сурасидан қанчалар ҳайратланганини айтишга шошиларди.

– Нима бўлди, маликам? Тинчликму?.. – сўради шахзода маликадаги тараддудни сезиб.

– Узр... Соғиниб қолганимдан... ўзлари кўчираётган мўътабар нусхани олиб ўпиб, кўзларимга суртмак истадим, сабрим чидамади, қайси сурага келганларини билмакчи эрдим ҳолос, шахзодам. Узр...

– Сандиқдан олдиларму?.. – Жаҳли чиққандай тикилди шахзода, у гўзал қайлиғининг шундоқ айбдордай узр сўраб туришини ҳамиша ёқтирарди. – Хм-м... Майли... Кўрдиларму?..

– Кўрдим, шахзодам! – деди малика. – Бағоят гўзал! Алқисса, «Ёсин»ни ўқидим... бесарҳад маъно-мазмунидан дол қолдим! Худонинг қудратиға тан бермай илож йўқ...

– Ҳамма суралар, оятлар ҳам Оллоҳнинг каломидур, улар Ҳазрат Ҳаққнинг чеки йўқ кучқудратини намоён айлайдур. – жилмайди шахзода. – Аммо «Ёсин»нинг йўриғи бошқа. Пайғамбаримиз, саллаллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: «Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бордур. Қуръоннинг қалби «Ёсин»дур. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбида бўлишини истар эдим!»

Кейин шахзода тиз чўкиб, муборак сурани меҳр билан қироат қилишга тушди. Малика тингларкан, негадир ўзини тута олмай кўзлари намланарди.

– Овозлари бирам ширинки, шахзодам...

– Овоз эмас, «Ёсин»нинг сеҳри бу, маликам... Йиғламасунлар, йиғлашдан худо сақласун.

– Йиғлаётғоним йўқ. Ҳар сафар шундоқ холга тушамен... – малика кўзда ёш билан жилмайди, у шахзодага яна ҳам чиройлироқ кўринди.

– Илоҳи, бу сура ҳамиша қалбимизда бўлсун!

– Илоҳи! – дуога қўл кўтарди малика ҳам кўзларини юмганча...

Ўша кунларни эсларкан, Соғинч хоним ҳозир ҳам шахзодасидан Қуръон тиловатини эшитмоқчийди, бироқ улгурмади:

– Ажойиб бир сир бор, маликам. Бундан хайратларга тушамен... – деди шахзода.

– Қандай сир экан? – яна ҳам кўрку хусн бағишлайдиган нозу қарашмаси яширин маъноли қараш қилди Соғинч хоним.

– Ё раббий! Ўзим ҳам хайронмен... Қарангиз: йигирма уч ёшга тўлғон кунимда Қуръоннинг йигирма учинчи сурасини кўчирибдурмен, Рум сурасига навбат етғонда ўзим ҳам Рум тупроғига қадам қўйибмен... Рум мамлақати фатҳ этилғонидан сўнг Фатҳ сурасини саҳфага тушурмак насиб этмиш...

– Шундоғму? Ҳар бир қадамларида хислат, ҳар бир тутумларида ҳикмат яшириндур, шахзодам! – хайратини яширмади бемисл бахтдан яшнаган малика, валлакат куёвидан кўз узолмай. – Ҳа... Амир Соҳибқирон иншо этғон «Тузуқлар» китобатига қачон киришгайлар?

– Ниятим бор... Амир Соҳибқирон тобшурфонлар, яқинда эслатиб ҳам қўйдилар. Лекин ҳали ниҳоясига етмагон. Итмомиға етсун. Бу улуг бобомизнинг ҳаёт китоблари... Худо хоҳласа, бу ҳикматли китобни зарҳал муқовага ўрайдурбиз, қутичасининг қопқоғи босма, ўйма ва қадама нақшлар солинган кумушдан, йўқ, олтиндан ясаладур, ҳар бир тузук заррин гардишга олиниб, лавҳалар билан зийнатланадур, «шамс», «зарварақ», «хотима» нақшлари билан безалиб, насхда ёки тавқеъ ёзувида султон қоғозига тушириладур... Ҳаммасини ўйлаб қўйибдурмен...

Шаҳзода завқ билан сўзлар, қўйиб берса ҳар бир тузук мазмунини батафсил изоҳлашга киришиб кетадигандай алпозда эди.

– Оҳ, қанчалар буюк китоб! Ўзлари айтгон ўша зарҳал муқовадаги «Тузуклар»ни тезроқ кўргинг келадур киши... Биронта тузуклардан айтиб берсунлар, шаҳзодам! – ўтинди малика.

– О, билсангиз, бунда ҳикмат кўп. Қайси биридан сўз очсам экан... Менга ҳар турли ёмонликлар қилиб, қилмишлари учун «Мени ўлдиради» деб ваҳимада юрғонларни ўзимга эл қилиб олиш бо-бидаги кенгашданми ёки мамлакатларни забт этиш тузукиданми? Бу ҳикматларга бой китобдур. Ўқий берасен, ўқий берасен, ақлинг тўлиша борадур... – Шаҳзода сандиқдан бир неча янги битилган варақларни олди, бир саҳифада тўхталиб ўқий бошлади: – «Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-ҳаловатидан воз кечдим...» Қандоқ каломлар! Мана, дўст ҳақида нима дейдилар: «Содик ва ҳақиқий дўст улким, ўз дўстидан ранжимайдур, дўстининг душманини ўз ёви деб билладур. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайдур. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилгон бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим. Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман жохилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи, Амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилгон ишларини ҳеч бир душман қилмайдн...»

– Фаним лашкарини синдириш тузукини яна бир эшитмакчийдим. Бағоят қизиқамен, менга жуда ёқадур. Сипоҳийларим ҳам сўрашадур. – истак билдирди малика.

– Жуда соз! Ўзим ҳам қайта-қайта варақлаймен, маликам! Бу майдон низомидур. «...Буюрдимки, сипоҳийлар кўзи фаним лашкарига тушиши ҳамоно, баланд овоз билан «Оллоҳу акбар!» деб такбир айтсунлар ва сурон солиб душман черики устига бостириб борсунлар... Амр қилдимки, душман уруш очмагунча ўзларича жангга кирмасунлар. Лашкар бошлиғи ясолда турган тўққиз сипоҳий фавжга, жангга тушиб, уруш бошлашлари ҳақида буйруқ берсун. У ҳар бир сипоҳ фавжини уруш аслаҳаларидан бири деб билсун ва ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, ничоқ ва ханжар каби ҳар бир фавжни ўз ўрни келганда ишлатсун. Ишбилармон лашкарбоши ўзини ва тўққиз сипоҳий фавжини бир тандек кўриб, уларни қўл-оёғи, боши, кўкраги ва аъзоларини ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласун...»

– ...Лашкарбоши ўзини ва тўққиз сипоҳий фавжини бир тандек кўрсун. уларни худди ўз қўл-оёғи, боши, кўкраги ва аъзолари деб ҳисобласун... Ажойиб! Шаҳзодам! – сабри чидамади маликанинг. – Ўша тўққиз сипоҳий фавж бирдан жангга кирмаги лозимму ёки...

– Йўқ... Буни Амир Соҳибкирон ушмундоқ буюрибдурлар: «Ҳақиқий лашкарбоши аввал фаним устига хировул фавжини юборадур, сўнгра ёрдам учун кетидан баронғор хировулини жўнатадур. Баронғор хировули кетидан эса жавонғор хировулини жангга ташлайдур. Шу тарзда душман аскарлари устига кетма-кет уч зарба тушғон бўлғай. Бордию, шу вақт хировуллар фанимга қарши кучсизлик қилсалар, у ҳолда баронғорнинг биринчи фавжи от қўйсун, кетидан жавонғорнинг иккинчи фавжини жангга ташласун. Шунда ҳам зафар қозонилмаса, баронғорнинг иккинчи фавжини жангга киритсун, кетидан жавонғорнинг биринчи фавжини юборсун. Улар жангга киргач, менга хабар жўнатиб, кейинги буйруқларимни кутсунлар...»

– Кейин-чи? Кейин нима қилмак лозим?..

– «...Шундан сўнг Оллоҳнинг мададу иноятига таяниб, лашкарбошининг ўзи жангга кирсун. Мени ҳам уруш майдонида хозир деб билсунлар. Оллоҳнинг ёрдами билан ғанимга саккиз зарба етгандан кейин, тўққизинчи зарбада душман енгилиб, фатҳу нусрат насиб бўлғай. Тўғри сардор улким, у аввал лашкарини ишга солади. Бордию лашкарбошининг ўзи қилич чошишга мажбур бўлса, иложи борича, ўзини ўлимдан сакласун, чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга иснод келтириб, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлғай... Сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шошма-шошарлик қилмасун, чунки шошқалоқлик шайтоннинг ишидур. Чорасиз ишга киришмасун, чунки ундан қутулмакнинг имкони йўқ.»

– Ўша жанг майдонларига кириб чиққандай бўлдум. Ҳар сафар шундай ҳолга тушамен. Ташаккур, шаҳзодам! – миннатдорлик билдирди Соғинч хоним таъзим билан.

– Яна бир нарса ўқиб берай... – тараддулланди ўзи ҳам мутолаага қаттиқ қизиқиб кетган шаҳзода. – Бу Амир Соҳибқироннинг адолатлари тўғрисида...

– Эшитамен, шаҳзодам!

– «Амр айладимки, баҳодирларимдан кимки, чошида илғорлик этса, биринчи мартасида – ўнбоши, иккинчи марта ботирлик қилса – юз боши, учинчисида эса мингбошиликни берсунлар. Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир фавж лашкарига шикаст етказса, биринчи амир унвонини олсун. Биринчи амир ёв лашкари сафини бузиб, уларни тарқатиб, баҳодирлик кўрсатса, иккинчи амирлик даражасига кўтарсунлар...»

– Ҳа, ҳа, аскар майдонда баҳодирлик кўратмоғи лозим! – қўллаб-қувватлади малика аллақандай таважжухда..

Ҳар иккиси ҳам айтилган сўзлар маъзини чақиб, бир муддат хаёлга чўмдилар.

Шаҳзода саропарда эшигидан ташқарига қаради: олисларда қўйлар подаси, ундан нарида каттагина

қишлоқнинг қораси кўзга ташланди. Куз охирлаб борарди. Қишга ҳам узоқ эмас...

– Маликам! Нечун хотира дафтаримга Амир Соҳибқирон бобомлар ҳақида кўп ёзишни истай берамен? Ёзаверсам, ёзаверсам, бутун умрлари қиссаларини битаверсам дейман... – деди бсихтиёр Муҳаммад Султон мажҳул бир ҳаяжонда. – Билмаймен, ул зотни жони-дилимда кўрғонимдан, кўп ўйлағонимдан бўлса керакми бу...

– Битаверсунлар, шахзодам, битаверсунлар! – деди мамнун малика. – Илоҳи, қариб-чуриғонимизда мана шу ёзғонларингизни роҳат қилиб ўқиб ётиш насиб этсун...

Шу палла мулозим Соғинч хонимга Ўанги шахрни узоқ демай Султониядан дугоналари Робия бегим, Зубайдабону ва Билқис бегимлар етиб келганлари ҳақида хабар берди. Малика уларни интизорлик билан кутарди. Дугоналар етти ой аввал кўришган эдилар. Фақат тикмачоқдай семириб кетган Билқис бегим бўлмади холос ўшанда. Қулфи дили очилган Соғинч хоним қувончдан қарсак чалиб юборди ва изн сўраб, меҳмонларга пешвоз чиқишга ошиқди.

Кўнгил хоҳиши ҳам бор, вақт ҳам мусоид этиб турибди, Муҳаммад Султон фурсатдан фойдаланиб қолишни истади: хотира дафтарини очиб, ўтган воқеалардан айримларини мухтасаргина ёзиб қўймоқчийди, бироқ у кутилмаганда чўзилиб кетди:

«Хижрий 804 йил, раби ул-аввал ойи.

Ҳали ҳануз Амир Соҳибқироннинг кечиримли эканликларидан ҳайратдамен. Жойлари жаннатдан бўлгур падари бузрукворим Жаҳонгир Мирзо жаноблари бу ҳақда кўп қайғулар эканлар. Қайғурғонларича борга ўхшайди. Ашаддий душманлиги аён эрса, унинг гуноҳини кечириб даркорми? Жазолансун, вассалом. Машваратлардан бирида, гуноҳкорнинг гуноҳидан кўз юмишлик, унинг жазосини бермаслик ҳам гуноҳдир, деган сўзларни, чоғимда, Амир Соҳибқироннинг ўзлари айтгондилар. Калондимоғлик билан ҳақорат сўзларни битгон, – ажабо, қогоз бу сўзларни қандоқ кўтарди экан? – журми

ҳеч қандай тафтиш талаб этмайдургон одамга бунчалар марҳамат кўргизмак... Асир тушгон Рум қайсарини иззат-икром айла, оёқларига боғлангон занжирдан халос эт, оқ чодир тикиб бер, ўгли Мусо Чалабийни топдириб отасига ҳамроҳ қилиб қўй, елкасига (душманга!) зарбофт тўн ёп... Яқонгни ушлайсен киши. Ақли қосирим дерки, Амир Соҳибқироннинг бу тутумларини, биз-ку биз, келажак авлодлар ҳам англаб етмасалар керак... Тавба деб гапирмак авлодур. Яна билгувчи Оллоҳнинг ўзи.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кейинроқ Йангишаҳрни забт этгонимда асир тушгон, бировнинг уйида яшрингон қайсарнинг хотини серб маликаси Деспина хоним ва икки қизини кўп ҳадя-ю инъомлар, ўлчақисиз ганиматлар ила Амир Соҳибқирон ҳузурига юборгон эрдим. Ҳазрат Соҳибқирон марҳамат айлаб, ул хотунни ва қизларни кўз ёшларини оқизмай, ранжитиб-непишга қўймай киши-қаролари била Йилдирим Боязиднинг ўзига жўнатмакка амр этибдурлар. Ва Соҳибқирон давлатидин ул хотунким, бу чоққача кофир эрди, мусулмон бўлибдур.

Таги. Кунлардан бир кун каминанинг чодиреда Пир Муҳаммад Мирзо, Шохрух Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзо каби амирзодалар ҳаммамиз йигилишиб қолдик. Меҳмонлар таширфидан бағоят хурсанд эдим. Башанг дастурхон устида дилкаш суҳбат бошланиб кетди. Биров кўрқмай қалъага чиқғони, биров жангда кўрсатгон шижоати учун Хумоюн ўрдудан зарбофт тўн билан сийланғони, биров эса душманни тирқиратиб қувғони, орқа ўгириб қочаётгон ганимни асир олай деб, ўзига эмас, отига ўқ отғони ва ҳоказолар ҳақида гапирди.. Рум қолиб, нақ оламни кезиб чиқдук. Иттифоқо, суҳбат ўртасида Султон Ҳусайн Мирзо деди:

«Муҳтарам амирзодалар, энди гурунг-да бу, ўзи сизлардан бир нарсани сўрамакчи эрдим.»

Ҳамма амирзодага тикилди.

«Нечун Амир Соҳибқирон валинеъмат бобомиз ўтгон подшоҳлар русумини инкор этадурлар?»

Унинг бетгачопар, бешарм эканини билгонидан аввалига ҳеч ким унга эътибор бермади. Аммо Пир Муҳаммад Мирзо инимнинг жаҳли чиқғони билинди ва сўради:

«Бу нима дегонингиз? Қандоқ русумдан сўз очмоқдадурсиз?..»

Ўзгаларга ҳам гап энди етиб борди шекилли, эътирозлар чиқа бошлади.

«Чунончи, — давом этди Султон Хусайн Мирзо бепарво. — Подшоҳлар одатда бир мамлакат устидан қилгон музаффариятидан сўнг, ул ернинг барча бойликларига, юрт сарҳадида кўкариб тургон охириги дарахтдан то мўътабар ҳарамдаги канизаккача эгалик қилурлар. Соҳибқирони муаззам Чингизхоннинг ушбу сўзлари машҳурдур: «Душманнинг отини миниб, хотинини ўпмоқдан ортиқ лаззат йўқ!» Ҳақиқий эр кишининг гапидур бу! Бизнинг бобомиз йигирма бешдан ортиқ мамлакатни мусаххар айлабдурдилар, аммо бирон ерда ҳарамдан бирорта ожизани ўз ҳарамларига олгонларини кўрмадук... Нечун? Наҳотки, гўзал санамлар, ҳурилиқолар бўлмаса?..»

Нозик мавзудан сўз очилганда ножўя иборалар чиқиб кетишидан ҳадиксирагон Шохрух Мирзо вазиятни қўлга олиш лозимлигини англади. Чунки, қўйиб берса, таптортмас амирзоданинг «ўтлаб» кетишини яхши биларди. Йўқ нарсаларни излаб топиш, ўзини доно кўргизиш, кутилмагон гапларни ўртага ташлаб, ҳамманинг диққатини ўзига қаратиш, лузумсиз нарсаларни ковлаштириш, ухлагон фитналарни уйғотиш унинг севган одати.

«Амирзодам! — деди босиқ сўзни кесиб. — Аввало, Амир Соҳибқироннинг мўътабар ҳарамлари бор, мукаррама маликалари бордур, ул зотнинг зинҳор муҳтожлик жойлари йўқ. Сониян, оқил инсонлар ўзининг ихтиёридан ташқаридаги нарсалар ҳақида оғиз оғритиб, беҳуда ҳукм чиқариб ўлтурмайдурлар. Бу гапни тўхтатайлук!»

«Тўғри! Тўғри!», «Керакмас бундоғ гаплар!», «Тўхтатайлук!» деган овозлар янгради.

Ўзим ҳам сўз демакчийдим, қаттиқ газабим кел-

ди, аммо бир томондан, у менинг ҳузуримда меҳмонда эканини ўйлаб, иккинчи томондан, одобсиз амирзодага бир нарса дейишни ҳайф деб ҳисоблаб, бундан тийилдим, тўғри йўл тутдим. Унга сўз айтиб обрў топмайди киши. Дарҳол: «Ҳа, мен қиз томондан набирамен-да, бир қадам нари. Гапирғони ҳам қўймайдурлар!» деб бетга сапчийдур. Билгон кишига, Шохрух Мирзонинг беозор дашноми кифоядур.

Аммо тўсиб қўйилгон лойқа сувдай димланиб тургон Султон Ҳусайн Мирзо яна сўз олди:

«Майли, мухтарам тоғамиз Шохрух Мирзо жаноблари айтгонларидай оқил инсон эмасдурбиз балки... – амирозоданинг иргиб чиққан кўзларида ёқимсиз учқунлар чақнади. – Аммо бир гапни айтайин: подшоҳ бўлгонимда, ўз ҳарамимни ўзгаларникидан тўлдирғоймен, диркиллоқ гулрухсорлар чаманига айлантурғоймен, худо хоҳласа! Пошшоликдан мурад не ахир? Дунёнинг роҳат-фароғати шулдир!..»

Хайриятки, шу пайт Хумоюн ўрдудан чопар келиб валиаҳд шаҳзодани Амир Соҳибқирон ҳузурларига чорлаётгонлари хабарини етказдию муноқашага ҳам нуқта қўйди. Меҳмонлар ҳам жойларидан қўзғолдилар.

Ҳа, бешак-шубҳа, Мироншоҳ Мирзодай, Султон Ҳусайн Мирзодай амирзодаларнинг валинеъмат Соҳибқирон саъжияларини англаб етмоқлари мушкул. Ул зотнинг ёруғ лунёда инсоф билан кун кечиришларини, иззат тилагонлари учун кам дейишларини, сиҳҳат истагонлари учун оз ейишларини, ҳар нарсада меёрни юксак туттишларини, адолатни ёқлашларини қайдин билсунлар? Амир Соҳибқирон ҳар бир қадамда уч нарсага қаттиқ риоя қилурлар: инсоф, меёр, адолат. Бу инсонийликнинг уч устунидур, дейдилар. Мавлоно муаррих Низомиддин Шомий каминага шундоғ изҳор этдилар: «Кўрдимки, Амир Соҳибқирон ўз вақтларини айш-ишрат, маишат билан ўтказишга қизғонар эрканлар! Биз шўрлик бандалар эса, кошкийди имкон топилса, ором олсак, маишат қилсак, яйрасак, деган орзуда яшай-

дурбиз, ўзимизнинг кичиккина жонимиз ҳузурини ўйлайдурбиз. Нечоғлик аянчли кишиларбиз биз!..» Рост дейдилар. Буни кўнгилларининг бир четига жойлаб қўйсунлар, эй муҳтарам шаҳзода!

Тағи. Агарчи орада катта, кейинчалик турк оламининг фожиаси деб баҳоланишига шак йўқ (бунга валиаҳд шаҳзода зинҳор шубҳа қилмайдур!) муҳораба кечгон эрса-да, Ҳазрат Соҳибқироннинг ўз сўзида турадургон сиймо эканликларига такрор иймон келтурдум. Қайсарга юборгон бир мактубларида: «Ўртамизда ота-болалик, дўстлик ва иттифоқлик барпо бўладур, қиз бериб, қиз олгайбиз», деб ёзгондилар. Бунга инонинқирамайроқ қарагон эрдим ўшанда. Узоқни кўзлагон эканлар. Ростдан ҳам, Амир Соҳибқирон хоҳишларига биноян набиралари шавкатли амирзода Абу Бакр ибн Мироншоҳ (асирдағи!) Рум қайсарининг улуғ қизини ўз никоҳига олмишдур. Ё раббий! Кеча бир-бирига найза ўқталгон икки жаҳонгир Амир Темур билан Йилдирим Боязид бугун бир-бирларига қудадурлар! Ушмундоқ қутлуғ қадам найзалар садоқдан чиқмасдан аввал юз берса бўлмасмиди?

Тағи. Кузнинг бошларида, бир ой аввал хушманзара Олтунтош жилғасида дилкаш ва оромбахш суҳбат кечди. Ўз кўзим билан кўрдим. Ҳазрат Соҳибқирон Йилдирим Боязидни кўнглини олиб, хушҳол этгали ул суҳбатга чорлатдилар. Йилдирим Боязид мажлисга кириб ўлтурди. Соҳибқирон уни иззатда тутуб, кўп ваъдалар айлаб, яхши сўзлар айтди, ҳаммининг олдида Рум вилоятини бурунгидек яна унга бағишлади ва Йилдирим Боязидни асру хушҳол этди. Ҳайратда лол қолган ва қувонгон Рум қайсарининг кўзларида ёш кўринди. Душманга дўстлик қилмак тарихда кам учрайдургон ҳодиса! Валинеъмат Соҳибқироннинг кенгфёллиги, кечиримлилиги, олийҳимматликлари таҳсинларга сазовор, бундан улги олсунлар, эй муҳтарам шаҳзода!

Тағи. Амир Соҳибқирон Миср ила Шомга элчи жўнатиб, мактуб бериб юборибдурлар. Мактубда

битилибдур: «Барча Рум мамлакатини мусаххар айладук. Керакким, Мисрда ва Шомда хутба билан танга бизнинг исмимиздан музайян бўлгай. Андоқ қилмасалар, Румдин қайтиб, черик бошини сиз томонга бургайбиз».

Таги. Сўйладиларки, Тўнгузлик шахри ёнида бир булоқ бор эмиш, суви булоқдан чиқиши билан тошга айланармиш. Кўп Турон аскарлари билмай ўшал сувдан ичиб, дунёдан кўз юмибдур. Амир Соҳибқирон булоқни беркитиб ташлашни буюрибдурлар.

Таги. Турон хони Султон Маҳмудхон Кичик Бурлаг мавзеида хасталиқдан оламдан кўз юмибдур... Энди Турон хони ким бўлар экан? Хон керакми ўзи, султон тургонда? Амир Темур Кўрагоннинг ўзлари Турон султонибдурлар. Ўзим мамлакатни бошқарсам, илоҳи, ҳеч кимни Султон Маҳмудхондай хон қилиб қўймасмен.

Таги. Сулаймон Чалабийга боргон элчи яхши жавоб келтурибдур: «Мен бир камина хизматкорларингиздинмен. Ул ҳазрат атомни багишлаб, ўз суҳбатида ўлтургузуб, лутфу карам қилурлар. Мен нечун хизматда тақсир қилгаймен? Ҳар маҳалким, ишорати алайҳи бўлгай, таваққуф қилмай хизматга елиб чопгумдур».

Амир Соҳибқироннинг кўнгли таскин топиб тинчландилар, хушҳолликдан дарҳол нома битдилар. (Ё раббий! Ана олийҳимматлилик, ана кенгфевллик! Оҳ, улуг бобожоним, қаҳри тошдан-да қаттиқ, кўнгли гулдан-да нозик меҳрибону мўътабар зот! Илоҳи, умрлари бардавом бўлсун, узоқ йиллар бошимизда соябонлик қилиб юрсунлар!) Мана, ул табаррук зот не деб ёзибдурлар: «Ҳар неким воқе бўлиб эрди, бўлди. Биз барчадин кечтук. (Ё раббий! Шунча ҳақоратларни, калондимоғликларни, такаббурликларни, кўнгилисизликлар, бесаранжомликларни кечирибдурлар!) Энди керакким, ҳеч андиша қилмай бот келгайсен, то ародин шармандалиқ кетгай. Ва инояту шафқатимиздан баҳра топгайсен!»

Рост, Соҳибқироннинг ўзлари айтибдурлар, вовайлоларким, икки салтанат уруши, турк оламидаги икки сарварнинг дунё аҳли кўз олдидан

тўқнашиб туриши шармандаликнинг ўзидур! Буни эса сақласунлар, эй муҳтарам шахзода!

Яна ўйлаб қоламен. Амир Соҳибқироннинг тугма мақтовли табиати, дўстми, душманми, мард ва жасоратли инсонларга ҳамиша хайрихоҳдур. Душманни дўстга айлантириш ул зотнинг орзуси. Шу маънода душману мухолифларга уруш номини атамай чопар ўйлайдурлар, улфату унслиққа чорлайдурлар, кечирадурлар, дўқ-пўписа ишлатадурлар, ён берадурлар, қуда-андачиликка борадурлар, не бўлса ҳам арода уруш чиқмасун... Хали узоқ йиллар Турон салтанати маснадида ўлтирмак насибаларидур, бундай эзгу одатларни, фазилатларни маҳкам ёдда тутсунлар, манфаати улуглигини унутмасунлар, эй муҳтарам шахзода!

Тағи. Беш йиллик сафар пайтида, у пайт бола эрдим, эшитгондим, Форс ҳукмдори Шох Мансурни ҳам ўзларига дўст қилиб олмакчи эдилар, унинг мардлигига тан бергон эканлар-да. Лекин, у жангда завол топибдур. Йилдирим Боязид ҳам майдонни ташлаб кетмағони, мардона саваш қургони, мардлиги учун, – мардда ор-номус бор, мард ҳар кун тугила бермайди, қирқ-эллик йилда бир дунёга келадур, дейдилар Амир Соҳибқирон, – унга ҳурматлари ортди шекилли! Бу аниқ ва равшандир. Чунки Рум тахтининг валиаҳди Сулаймон Чалабий, донг чиқаргон княз Истифанлар жангдан қўрқоқлик қилиб жуфтакни ростлаб қочиб қолдилар. Бу зинҳор мардларга ярашмайдургон тутумдур, буни ҳам хотирдан фаромуш этмасунлар, эй муҳтарам шахзода!

Тағи. Бордию бир йил-икки йил, балки беш-ўн йилдан кейин бирор кун, ақли қосирим дерки, Хитой сафари музаффариятли – бунга асло шубҳам йўқ, – яқунлангондан сўнг албатта, Амир Соҳибқирон каминага Турон салтанати тахтини бериб, ўзлари истироҳатга юз бурамен, дейишлари аниқдур... (Хозирдан буни айтиб юрадурлар). Ўшанда бунга зинҳор рози бўлмасунлар, эй муҳтарам шахзода! Илоҳи, салтанатни Амир Соҳибқироннинг ўзлари бошқара берсунлар, хизматни эса елиб-югуриб биз

лар – фарзандлари, набиралари, эвара-чеваралари адо эта берайлук...»

Хотира дафтарини ёпаркан, бобосини ўйладими, шахзоданинг нимадандир кўнгли суст кетди, сабабини билолмади. Кейин: «Тахтга миниб, юртни бошқариш йилларига хали жуда узоқ-ку!» деди-да, кўнгли хотиржам бўлди.

Муҳаммад Султон яна кўп нарсаларни, чунончи, генуяликлар, Византия ва Трабзон императорларининг Рум қайсари билан уруш пайти Турон салтанатига денгиз томондан хужум қилишда йигирматтадан кема отказиб бериш ҳақидаги ваъдалари адо этилмай қолгани, бундан Амир Соҳибқироннинг ранжиганлари, Румдаги бейликларнинг бўлиб-бўлиб юборилганлиги, турли диёрлардан улуг музаффарият билан табриклар келган элчилар(уларнинг кийимлари хилма-хилдур, баъзан кулгили, таърифлаш кишига роҳат бағишлайди) ва хоказолар ҳақида ёзмоқчи эди. Алалхусус, пири муршид Мир Саййид Барака айтганларидай, дунёда шахру иморатлар, масжиду хонақоҳлар, работу рудхоналар янглиғ осори хайрлар қолдиришни истаган Соҳибқирони комкорнинг бунёд этишдек ишларини тавсиф этмак ҳам шараф, ҳам савобдур. Аракс суйидан чиқарилган шарқираган Наҳри Барлос ариғи борасида кейинроқ алоҳида ёзмоғи лозим. Бу жуда гаройиб ва ибратли. Ов сола туриб Амир Соҳибқирон қадим подшолардан бири қаздирган, аммо кўп йиллардан буён суви қуриб тупроққа тўлган эски сойга назарлари тушди. «Бунга сув келтирғойбиз!» дедилар бирдан. Бари валиаҳд шахзода кўз ўнгида юз берди. Фармонга кўра, ўн йигоч узунликдаги сойни қазини дарҳол бекларга улаштирдилар. Амир Соҳибқирон ўзлари иш бошида туриб олдилар. Ҳеч ким ухламади, туну кун иш тинмади... Кемалар сузадиган таги чуқур сой бир ойда тайёр бўлди. Энди ундан кўп кишлоқлар, боғлар ва экинзорлар баҳра олади. Буларнинг бари келажакда юрт бошқарадиган валиаҳд шахзодага ибрат намунаси эканини Муҳаммад Султон яхши тушунади.

Рўбарўдаги саропардадан эшитилаётган хушчақчақ дугоналарнинг гангир-гунгури, кулгилари орасида Шайх Нуриддин қизи Зубайдабонунинг дўриллок овози ажралиб турарди.

II

Шом маҳали Самарқанддаги машҳур Устанинг такяхонаси жойлашган пастқам кўчада елкасига гулдор хўржун ташлаган, муллаваччаларга ўхшаб кетадиган, бошига кулоҳнамо қалпоқ кийган но-маълум киши шаҳарнинг чет маҳаллаларидан бири томон шаҳдам қадамлар билан юриб борарди. Унинг оёғидаги товони ейилиб, эскириб оқариб кетган саҳтиён этигига қараб узокдан йўл босиб келаётган мусофир дейиш ҳам мумкин эди. Йўлда учраган кишиларга ерга тикилганча қўлини кўксига қўйиб салом берар, сўз қотмас, яна йўлида давом этарди.

Гузар ҳам ортда қолди. Чапдан бир такяхона чиқди. Дарахтлар соясида чеккада бир давра одамлар дунё билан иши йўқ, чак-чақлашиб ўлтиришар, ўтган-кетганга гап отишар, маслаҳат беришар, ким бўлмасин, ёнларига чорлаб ҳам қўйишарди. Айримлар наяки тортиш билан банд, кўкнори ичаётганлар ҳам кўзга ташланади. Улар қайдадир Турон салтанати қўшини жаҳон тарихига ўзгартиришлар киритган улкан музаффариятга эришгани-ю, Амир Темурнинг харбий сафардан қачон қайтиши ёки бозордаги нарх-наво, мева-чеванинг бу йил арзонлиги, қишнинг кеч келиши ва ҳоказолар билан ҳам ишлари йўқ, оламни сув босса тўпиниغا чикмайдиган ҳолатда эдилар.

– Ҳой, қаландар, даврамизга кел! Роҳат қиласан! – овоз берди кимдир ридой мухаммадийга бурканиб, «шайъанлилло» айтиб юрувчи қаландарга ўхшаган нотаниш кимсага ачиниbroқ қараб.

– Роҳат нималигини биласанми ўзи? – сўрайди бошқаси.

– Базмимизни кўриб Самарқанд султони Халил Султон Мирзо жаноблари ҳам бемалол қўшилган

бўлардилар! Ҳа-ҳа!.. – уни қўллаб-қувватлади учинчиси. – Қўркма, йўлингни буравер бу ёққа!

Номаълум киши бир сесканиб тушди. У олазарак орқа-атрофига бир қараб олди. Такяхонадагиларга апил-тапил эгилганча салом берди-ю, тагин биронтаси чиқиб қўлидан тутиб, даврага тортиб кетмасин, деган хаёлда:

– Куллуқ! Куллуқ! – деди ва қадамини тезлатди.

– Вей, шундоғ бошукух даврага қарамайди-я! – деди ўтирганлардан бири ёнидаги шеригига. – Рост айтган экансан. Дунёнинг роҳатини билмайдиганлар ҳам бор-а!

– Билмаганидан қаландар бўб кетган-да! – гап кўшди иккинчиси.

Кулги кўтарилди.

– Шулар ҳам ўзини одамман, деб юришибди-да! Одам эмиш!..

– Ҳа, қўявер!...

Бизнинг «қаландар» йироқлашиб борар экан, қулоғига такяхонадагиларнинг хушчақчак овозлари, хохолашлари эшитилиб турарди.

У қутилиб олганига ичида суюнди. Хийла юрган-дан сўнг ўнгга кичик пастқам кўчага бурилди. Эллик қадамлар ўтар-ўтмас, чапда йўфон чинорнинг панасида турган паранжили аёлга кўзи тушди. Аёл нотаниш кишига: «Бу ёққа келсунлар!» дегандай қўли билан ишора қилди. «Қаландар» орқасига бир қараб олди, ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, аёлга яқинлашди.

– Қадамларига ҳасанот, амирзодам! – деди аёл чимматини кўтариб. – Йўли бўлар йигитнинг янгаси чиқар олдидан, дейишади... Чиқиб турибман. Ўзлари ҳам чин қаландарга айланибдилар-а. Кўрган одам танимайди. Ў-ўв, бу либосларни топгунча эсим кетди ўзиям, амирзодам. Бозорма-бозор санқидим. Худди ўзингизникидай-а.

– Ҳа, момо, Шодимулк мени ростданам ишқида қаландарга айлантирди... Кийим ҳам шу сабабдан ярашса, не ажаб? Мен уни деса, ҳар қандай ишга тайёрдурмен. Мақсадга келайлик, моможон. Ҳа...

мана буни олиб қўйсунлар... – ёнидан бир ҳамён тилла чиқариб момога узатди амирзода.

– Йўқ, амирзодам! Керак эмас, мен ўзингизни момонгизман-ку. Йўқ...

– Олсунлар! – буюрди амирзода, гапни қисқарок қилиш учун. – Ортиқча мулозаматлар ҳожатсиздур!

– Хўп, хўп, жоним гиргиттон сизга! Чучундим.... – Холдона биби муштоғи билан дийдорлашмоққа шошилиб, сабрсизланаётган жигарсўхта ошиқ ҳолини англади. Яна бир нарса деса, амирзодани ранжитиб қўйишдан қўрқиб, дархол ҳамёнини чўнтагига солди. – Мана, ўша айтганим кўк эшик. Кўк эшикнинг олдида кўришамиз, дегандим-ку, ана ўша ҳовли. Ўнг қўлда уйга кирасиз... Канизагингиз сизга интизор, кутиб турибди, амирзодам. Ошиқ-маъшуклар бир-бирлари билан қовушганларида тепасида фаришталар учиб юрар экан. Фаришталар ҳам парвозга мунтазирлар...

Халил Султон ошиққанча мўъжазгина ҳовлига ўзини отди. Фира-шира даҳлизга кирганда кўзлари қамашганидан аввал ҳеч нарсани илғамади, кейин қараса, чапда эшик бор экан. Кўзлари ҳам қоронғига кўника бошлади. Ичкарига кирдию... ўнг кунжақда юзига заррин ҳарир парда ташлаган канизакнинг ерга эгилиб таъзим бажо келтириб турганини кўрди, шинам хона пориллаб ёнаётган иккита шамдан эмас, балки канизак жамолидан ёришиб кетгандай туюлди!

– Ассалому алайкум...

Халил Султон кўп сўзлар айтмоқчийди, лекин томоғига тикилган нимадир бунга имкон бермади, тили ҳам боғланиб қолгандай эди. Канизак тиз чўкиб, амирзода пойини ўпмоққа интилди. Лекин амирзода қўймади, эгилган канизакнинг позиккина елкаларидан ушлаб ўзига қаратди ва нозик баданга қўли теккан заҳоти вужудига беихтиёр титроқ кирганини сизди. Охиста заррин пардани кўтариб канизакнинг юзини очди... Ёш йигитнинг юраги ҳаприқди: чиндан ҳам рўбарўсида ўша бир йилдан бери хаёлини ўғирлаган, тушларини безовта қилган, парвардигор фавқулудда таважжух билан яратган дурри якто соҳибжамол канизак турарди! Ҳа, бу

ўша – юзлари қорачагина, кўзлари қийиққина, ўзи хуркакқина, офатгина, балогина, ажабтовур суюмлигина, дўндикқина, дилбаргина, ширингина... Жуда ширин, шириндан ширин, бирам ёқимлики!..

Кўксидаги ярашимли икки анори яшираман дегани сари, дўпайиб, амирзода ақлини ўғирлайди. Мушқин сочларига мўғулий сочбоғлар боғлаб олганидан малоҳати бағоят ортган канизак лом-мим демас, ёқимли изтиробга чулғанганча ўзини қаёққа кўйишини, нима қилишини билмас, ҳозир учиб кетишга шайланган кушдек омонатгина турар, юраги кафасга тушган мусичадай потрарди.

– Оху мисол гўзал маликам... – деб сўз бошлаган эди амирзода, Шодимулк кутилмаганда журъат кўргизиб, чиройли қўли билан унинг офзини ёнди:

– Қандай малика? Хай-хай, ундоқ демасунлар, султоним! Мени канизагим, десалар бас, Оллоҳнинг бир шўрликка бемисл инъоми бўлур. Канизак этиб ёнлариди олиб юрсалар, толеимнинг кулгани ўшалдур...

– Хаёлимда аллақачон канизак этиб олғонмен, бир йилдан бери... – деди Халил Султон. – Лекин сиздан сўрағоним йўқ. Канизакликка розимидурсиз?

Канизак индамай бош эгди, кейин сукунатни ортиқча чўзиб юбормаслик учун, нозланганча ерга қараб жавоб берди:

– Розиман, султоним... Ҳаққдан тилаганим шу. Илоҳи, хизматингизни адо этиб юрайин! Дийдорингизни кўрмак мен бечорага хамиша насиб этса, бас...

Тўлин ойга бокиб ихтиёри қўлдан кетган амирзода, порлоқ қуёшга назар қилгандай кўзлари хиралашди, бутун вужудини тўлғоқдай ҳис-ҳаяжон босди-ю, ёшлик завқидан жўшиб канизакни бағрига тортди! Шодимулкда қаршилиқ сезилмади. Юздан парда олингандан кейин, ҳаё пардаси ҳам ожиз бўлиб қолади. Иккиси ҳам кўзларини юмишган, дунёда энг истаган муродига етишган бандаи мўминлардай бахтиёр эдилар. Илк бор учрашиб турган эсалар-да, улар ўзларини жуда кўп йиллардан бери танишдай, узоқ айрилиқдан сўнг висолга етишаётган кишилардай хис этардилар. Ахир тушларида кўп бор дийдорлашганлар-ку.

«Ох, шундоғ кунлар ҳам бор экан-а!.. Худога шукр!» – дерди ичида амирзода.

«Ўнгимму? Тушимму?.. Оллоҳга шукр! Еткизганига шукр!..» – пичирларди канизак.

– Канизимсиз... канизим... – ютоқарди канизакнинг дудокларидан ўпар экан Халил Султон.

– Канизингизман... – қимтинишга ҳам ҳоли йўқ, амирзода эркалалашларидан танасидан ўт чиқиб, бағри туташган Шодимулк, ихтиёрсиз амирзода сўзларини такрорлар экан.

– Маҳбубамсиз...

– Маҳбубангизман...

– Маҳрагим бўлурсиз...

– Маҳрамингиз бўлурман...

– Хошишим хошишингизга тобъедур...

– Тобъедур...

– Орзуим орзуингиз ихтиёрида...

– Ихтиёрида...

Маъшуканинг чашми шахлосидан сархуш Халил Султон илғамабди, бир четда етти кават кўрпали жой ҳам солинган экан. Иккиси беихтиёр жойга чўкдилар. Халил Султон ўлжасига човут солмоққа шай шердай шиддатли эди, ҳаяжондан бўғрикиб, бундан яна ҳам ҳусни ортган Шодимулк эса шернинг панжасига тушган оҳудай дир-дир титрарди. Улар ишқ завқи, висол шавқи, нашъаси билан маст, нима қилаётганларини ҳам идрок этишмас, кўнгилларидаги шайтоний ғулу икки ёш дилни ҳар қўйга солар, ўйнатар, ҳар иккисининг ҳам эрк-ихтиёрини олиб қўйган, ҳар иккиси ҳам охирида нима бўлишини ўйлаб ўтирмай, тап тортмай ўзларини ишқ деган бало-офат денгизининг тубсиз қаърига отгандилар. Амирзода ўз-ўзидан тушовсиз ҳирс йўлига кирганини билмай қолди, жони бамисли фарғарага келди:

– Ўзинг кечиргин, Оллоҳим!.. – деди холос, канизакни қучоғига олар экан... Тепада учиб юрган фаришталар ўт олиб ёнаётган икки жисмининг бири-бирига чирмовукдай чирмашиб бораётганини кўриб турардилар...

Ҳали дунёда бундай роҳат-фароғат, лаззатни туймаган Халил Султон сармаст эди, хаёлида гўёки жаннат боғларини кезиб юрарди. Жаннатдаги ҳар бир майса, гиёҳ, ҳавзи Кавсар, дарахтзор остидаги ариқда шаркираб оқаётган зилол сувлар унга кўшилишиб гўё, яшаш, безавол ҳаёт, умр, ширин висол янглиғ яратганнинг бандасига инъом этган неъматларига шукроналар айтишарди.

Халил Султон аёл зотининг бу қадар бебаҳолигини, висол лаззатининг таърифи йўқлигини илк бор кўриши эди. «Ё раббий! – деб юборди ичида жигарсўхта ошиқ. – Аёл зотини шунчалар ширин яратибсанки, камоли ширинлигидан аъзо-андоми ҳам тарс ёрилиб кетибди!..» Топган ноёб ўхшатиши ўзига нашъа қилдию кўнглига бемисл хузур бағишлади.

Югрук ғўнон билан диркиллоқ жонон уйқу нималигини билмай, тун бўйи юмалашиб қувлашиб, ачомлашиб сакрашиб, бир-бирларига тўйиб-тўймай шивирлашиб сирлашиб чиқдилар, тонгга қасам ичиб, Вал-фажр сурасини ўқидилар¹. Аъзои бадани оромун лаззатларга чўмган амирзода парвозлар ҳисобини бир талайга етказди.

Кўшни хонадаги ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофига чўкканларида, Халил Султон:

– Сиз... меникисиз-а, жоним?.. – сўради меҳри жўшиб, суйгилисидан кўз узолмай.

Шодимулк қирмизи лабларини буриб-бурмай, аллақандай ноз-ишва билан ширин қилиб шундай жавоб бердики(у бунга жуда мохир эди!), амирзода рўбарўсида гўзаллар гўзали ўлтирганига иймон келтирди:

– Вой... анови кишини!.. Аллақачон ўзлариники бў-бўлдим-ку!..

Халил Султон: «Меники бўлдингиз! Меники бўлдингиз!..» дея, канизакнинг ширин тилларидан қий-қиртириб ўпди.

Висол оқшомлари бири-биридан нашъали кечар, икки ёш дилни тобора ҳам руҳан, ҳам жисман бир

¹ Яъни, тонг оттирдилар маъносига.

вужудга айлангириб борарди. Мажнунлар ошифта, ошифталар мажнун, деган сифат уларга муносиб. Хушнуд Халил Султон руҳиятида ҳаётга ташналик, қизиқиш, интилиш, фавқулодда ғайрат, олам гўзаллигидан завқланиш туйғулари жўш урар, ҳар икки кунда беихтиёр ғазаллар битарди. Шодимулкнинг чиройи барқ уриб, хусни ортган, жон офати дўндиқча ўзининг товусдай хиромон айлаб юришлари, нозик адоси, дилтортар сийналари, камолга етган қадди-қоматинининг беқусурлиги, хипча бели, диркиллоқ қуймичи билан хамиша амирзода кўзини ўйнатишини дил-дилдан сезарди. Унинг кутилмаганда айтган жўяли гаплари, таъбеҳлари амирзодани жўштириб юборарди. Бир куни овқат еб ўлтирганларида Халил Султон Шодимулкка гулдор ёғоч қошиқ узатди:

– Қошиқ билан ичсалар...

– Вой... – Шодимулк карашма билан чиройли кўзларини амирзодага тикди-ю, деди: – Бу қошиқда ичсам, кичкина оғзим каттариб кетади!..

Шу палла жаннат гулидай тоза рухсор Шодимулк Халил Султонга яна ҳам яқинроқ, суюмлироқ туюлди. Завқи ошиб-тошган амирзода дарҳол канизакни кўлларида кўтариб хобхонага олиб кирди! Дўндиқчани очопатларча суяркан, худди йўқ қилиб юборгиси келгандай қаттиқ бағрига босиб тўймас, нафас олишга қўймасди.

– Вой, секин... Бир мартага керакму?.. – зорлангандай нозланарди тобони шўх, ошиғини бадтар ўртангириб.

Висол оқшомларидан бирида, ширин лаҳзалардан кейин Шодимулк қийиқ кўзларини ўйнатиб, ўпкалангандай сўз қотди:

– Вой, мени ўзларига тап-тайёр завжа¹ қилиб олдилар-ку!

Ҳа, канизак балои офатнинг нақ ўзгинаси эди! Унинг кичик билан айтган сўзлари Халил Султон қалбининг аллақаерига тегиб, нурлангириб юборди:

¹ Яъни, хотин маъносида.

– Нима бўпти? Завжа қилиб оламен ҳам! Оламен, ҳа!

– Кучлари етмас, дейман, султоним...

– Нахотки? Менинг кучим етмайдирму? Менинг-а? Амир Темур Кўрагон суюмли набирасининг-а? Шахзодани-я? Самарқанд султонининг-а?.. Хо-хо-хо!

– Шунинг учун айтаяпман-да. Агар ўзимдай қоралардан чиққанларида-ку, иш онсон эрди. Канизагингиз бўлиб юришнинг ўзи бахт менга, султоним! Ортиқча даъвоим йўқ.

– Ҳаммани ҳам худо яратган! Мен муҳаббат олдида барчани тенг қўямен! Муҳаббат остонасига бош қўймак орзуимдур!..

– Бир бахти қаромен. Ўн уч ёшимда канизак этиб олдилар, ўн беш ёшимда хожам оламдан ўтди...

– Ўтган гапларни қўйингиз, дегандим-ку, дўндигим? Яна эсладингиз. Иккинчи сўзламасунлар! Унутсунлар барини! Сиз энди бошқа одамсиз! – деди Халил Султон ранжиганнамо. Унга ўзининг жони дилига айланган дунёнинг яғонаси бўлган шу санамга кимдир қачондир қўл узатганини тасаввур қилиш оғир эди.

– Кимга ҳам керакман энди... – Шодимулк йиғламсираб ерга қаради.

– Нега ундоғ дейсиз? – Халил Султоннинг жўмардлиги тутиб кетди. – Менга кераксиз, менга! Амир Темур Кўрагоннинг ардоқли набирасига! Завжа қилиб оламен, дедим, оламен! Ҳали маликалардай саройда яшайдурсиз! Сиздай офатижон жонон қадрига ўзим етамен! Ҳа! Эй, турки цари пайкаримиз, тарки жафо қил, Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил! – ғазал ўқиб юборди ўртанган амирзода.

– Бу қўлингиздан келмас... – атай эжикилади Шодимулк амирзоданинг нозик қалбига игна санчиб. – Мен бахти қаро қораларданман... Аслзода, оқсуяк зотларга менга йўл бўлсин. Фақат канизликка ярайман. Маликалик қаёқда...

– Муҳаббат олдида ҳар қандай тўсиқ бекордир! – қатъий деди Халил Султон канизакни бағрига олиб, тўлқин-тўлқин уриб елкасини қоплаган сочларини

силаб юпатар экан. – Қора бўлмоқ гунохму? У хам худонинг бандаси-ку? Уни хам парвардигор яратгон-ку! Бунчалар кўрку латофат, хусну малоҳат билан сиз маликаликка лойиқдурсиз! Парвардигор хам хусну малоҳатни ўзининг суйгон бандасига раво кўрадур... Сизга хам бекорга бермағондур?

– Ўзлари шундай дейдилар-да, жоним-жаҳоним. Сўзларингиз бирам чиройлики! Кошкийди, ҳамма хам шундай деса... Амир Соҳибқирон бунга ҳеч қачон ижозат бермайдурлар. Маҳди улё Сароймулк-хоним жаноби олиялари, малика Туман оқалар... Чўлпон Мулк оқа, Тўкал хонимлар... Сира бегонани яқинлаштирмайдурлар. Мен шўрликни кўргани кўзлари йўқ. Сиз билан биз еру осмонмиз... Ер билан осмоннинг ораси эса қанчалик йироқ... Лекин, ажабки, бир-бирисиз яшай олмайдурлар.

– Чунки улар бир-бири учун яратилгонлар, дўндигим! – ҳаширқди Халил Султон. – Биласиз-ку, Момо Ҳаво онамизни парвардигор Одам Атомизнинг чап қовурғаларидан яратгон экан. Сиз менинг бағримдасиз, қовурғамсиз, бағримдаги йўқ қовурғам! Борлиғимнинг бир узви, парчасисиз! Кемтик эрдим, сиз бағримга келдингизу бутун бўлдум!

– Нечоғлик шоирона сўзлайдурсиз! Дил-дилимни ийдириб, бўғин-бўғинимни бўшаштириб юборади бу каломлар! Оҳ, бу сўзларингизни ўзгалар хам эшитсалар эрди... – орзиқди бечора канизак. – Жон озиғидай сўзларингизга ширинхўрак бўлиб қолибман, доим қулоқларим остида жаранглаб турса дейман, хумори тутадур... Кечалари уйқум қочадур...

– Сўзимнинг гавҳари, ғазалимнинг меҳвари ўзингиз! – тўлқинланди Халил Султон. – Мадҳларим фақат сизга аталгон!..

– Кучингиз етмас, дейман... Етадур, а?..

– Ғазалимнинг меҳварисиз, дедим-ку...

Ошиқ-маъшуқларнинг дил изҳорларига чек йўқ эди. Бахти чопган Халил Султон тезроқ Ашшара томонларга отланишни хаёл қилди. Шимолий сарҳадлардан хабар олмоқ, чопқун ясамоқ лозим. То Хитой сарҳадигача бормоғи керак. Бундан тўрт-

беш йил аввал бу вазифа Хумоюн ўрдудан валиахд шаҳзода Муҳаммад Султонга раво кўрилди. Валиахд шаҳзода чегарани мустаҳкамлаш, Ашпарани обод этиш, истехкомлар қуриш ишлари билан шуғулланди, ўша кунларда Хитой сафари бошланишига бир баҳя қолганди. Бироқ, отаси Мироншоҳ Мирзо жанобларининг ноҳўя хатти-харакатлари бунга халал берган, Ҳиндистондан эндигина қайтган Амир Соҳибқиронни кунчиқиш қолиб, кунботишга сафарга чиқишга мажбур этганди.

– Худо хоҳласа, Ашпарада сизни ўз ақди никоҳимга киритгаймен! – қатъий деди Халил Султон. – Канизагим маликага айланғусидур!

Шодимулк «Илоҳи! Илоҳи!» деркан, ўзини Халил Султоннинг бағрига отди-ю қувончдан йиғлаб юборди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

I

Замона арғумоғи пойгада ютиб чиқишга отланган учқур самандай шиддат билан олға чопади. Фақат унинг самандан фарқи бор: саманни чавандоз бошқаради, бу арғумоқнинг эса чавандози, эгар-югани йўқ, яйдоқ, бир ўзи, боши оққан томонга чопади, оёғи ташланган ерга тушади. У бировни миндириш у ёқда турсин, ёнига ҳам йўлатмайди, хар қандай саман ҳориб-толади, арғумоқ эса не-не асрлар, йиллар ўтибдирки, чарчаш нималигини билмайди, тўхтамасдан елгани елган...

Уни «Вақт» деб атардилар.

Соҳибқирон ўзини ана шу пурқудрат Вақт билан бас бойлашишга қодир деб ҳисоблар, унинг билан бирга чопишга тиришар, ортда қолдириб кетишни ўйларди. Чиндан ҳам у Вақтдан ўзғирлик қилгандай эди: кейинги тўрт йил мобайнида баланд Ҳиндикуш тоғидан ошиб ўтиб Ҳиндистонни фатҳ айлади, Халабу Дамашкни, Хумс билан Ҳамани, Мордину Баалбекни, Бағдоду Сивасни, Мисру Шомни, Рум мамлакатининг Қайсария, Ангора, Бурса, Измир,

Мағнисия, Кўния каби ва бошқа шахру қасабаларини ўз ҳукмронлиги халқасига киритди.

Кўшинларни Оқшаҳар томонга юборишга фармон қилгандан кейин Амир Темур хушманзара Эгридир қўли соҳилида бир оз истироҳат этмоқчи бўлди, бу сердарахт жойлар унга ёқиб қолди. Дарҳол шохчодир тикдилар, ипак кўрначалар ташланган шохона сўрини шундоққина кўлнинг бўйига олиб тушдилар. Кунботиш томонда соҳилдан ичкарироқда кичик малика Тўкал хонимнинг, икки ёнда эса канизакларнинг саропардалари жойлашди. Йигирма икки ёшли кичик малика ҳар куни уйқудан турганларида канизакдан сув тўла олтин обдастдани олиб ўзи Соҳибқирон кўлларига қуйиб беради.

Одатда Соҳибқирон сахарларда сўрида паркув болишга ёнбошлаганча тонг отишини кузатарди. Олдиндаги ястаниб ётган тиниклашиб бораётган поёнсиз шаффоф кўлга боқаркан, Соҳибқироннинг баҳри дили очилар, баҳмалранг сувларнинг ёқимли ранги хиралаша бошлаган кўзларига қувват бағишларди. Кунчиқиш томонга қараб чўзилган, кўлга чиройли ёқадай ярашган, атрофига гуллар экилган эни уч қадамлик шинам узун йўлкада кезиш унга роҳат бўлиб кўринади.

Бундан қирқ йил муқаддам Сеистонда оёққа теккан найза ўрни, битиб кетган эса-да, ҳали ҳануз вақти-вақти билан азоб бериб туради. Шундай паллаларда Соҳибқирон тахтдами ёки бошқа жойда ўтирадимиз, ўрндан туради-да, аста-аста қадам босиб юра бошлайди. Юрганда тиззадаги оғрик бир оз товсилади.

Мухаммад Чуроға додхоҳ йироқдан сайру томоша ихтиёр этган Амир Темурнинг аллақачон саропарддан чиқиб эллик қадамлар нарида соҳилда оҳиста кезиб юрганини кўрди. Соҳибқирон оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига ташлаб қадам босар, додхоҳ назарида, бу одам бир пайтларги баланд бўйли, чорпахил, оёқ-қўллари узун пахлавонкелбат Темурбек эмас, йиллар залворидан елкалари бир оз чиққан, сезилар-сезилмас чўккан (буни Мухаммад Чуроға

додхоҳ сезади холос!), кўндан буён салтанат юкини елкасига дадил ортмоқлаган кадхудо, мўйсафидлик шартларини инкор этишга қодирман, Вақтни енгиб бўлмаса-да, уни ҳам тиз чўктира оламан, деб уринаётган Амир Темур эди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг дили орзиқди. Эҳ-хе, мана шу рўбарўдаги одамнинг жони, чиндан ҳам, темирдан экан! Уруш деган балои офатнинг турган-битгани бесаранжомлик, вайронагарчилик, қирғин, жанг, дод-вой, фарёд, сурону ғалаёндан иборат. Додхоҳ бундоқ қараса, Соҳибқироннинг йигирма йилга яқин умри шиддатли сафарларда кечибди. Жетага, Хоразмга тўрт-беш мартадан юриш, бу ёни Хинддан то Московиягача, Улуғ Юлдуз водийсидан то Мисрга қадар от чоғтириш... Ҳа, борган жойларида «Турон турса бўрон бўлади!» мақолини таомилга киритиб келдилар. Бундоқ жаҳонгирликни ҳали олам кўрмаган. Сафарда, жангларда асло ҳаловат йўқ, ҳамиша жон-руҳ азобда, кўнгиллар изтиробда, аскардан то подшоғача барчасида ит ётиш, мирза туриш ҳолати юз беради. Соҳибқирон бу қийинчиликларга, машаққатларга чидайди, йўқ, у ана шу машаққатлар учунгина туғилгандай... Бирон ерда, ёзғириб, нолиганини эшитмайсиз. Урушнинг бети қурсин, дейди, фақат урушнинг олдини оламан, дегани сари уруш чиқиб келаверганига, уни тугата олмаганига ёқа тутиб қолади...

Додхоҳ Соҳибқироннинг нима мақсадда чорлаганлари важини ўзича тусмоллашга уринарди: «Амир Соҳибқирон, Рум тақдири ҳақида сўзлашмоқчилар назаримда. Катта-кичик қалъаларни олиш демаса, Румда жанглар деярли тўхтади. Агар шу ҳақда сўз очилса, унинг ажойиб таклифи бор...»

Соҳибқирон йўлкадан бурилган додхоҳни кўриб ортига қайтди. Сўрига бориб ўлтирдилар.

– Рум қайсари бетоб бўлибдур, – деди Амир Темур. – Афсус...Хийла дармонсиз эрмиш. Дархол табиблар юбортирдим. Яхши таомлар, дору дармонлар буюртирдум.

– Ҳа, изтироблар уни тинч кўймайдир, Амир Соҳибқирон.

– Мамат, ундан хабар олиб турибсенму?

– Ҳамиша бохабарман, Амир Соҳибқирон.

– Не дард илашғон эркан? Табиблар не дейдир?

– Заййиқи нафас ва хунок марази¹ бирлан оғрибдур.

Амир Темур ўйланиб қолди, кейин:

– Худо шифо берсун. – деди. – Йилдирим Боязид бутун Рум бейликларини жамулжам этмиш эди. Қарамон шахзодаси амир Муҳаммад эса ўн икки йил Бурсада зиндон азобини тортибдур. Озод этиб, Қарамонни ўзига инъом қилдум.

– Ҳм-м...

– Сулаймон Чалабийга Эдирнани тобшурдим...

– Қандоқ бўларкин... Ўзимизда чакмоқдек шахзодалар кўп...

Соҳибқирон додхоҳга қараб жилмайди:

– Мулк етмай қоладур, деган ташвишдасен-да, Мамат. Мулк... мулк...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ дилидагини айтиб юборай деди-ю ҳали фурсат етмаганини билиб тийилди, бошқа ҳеч нарса демади. Соҳибқироннинг бугун қандайдир кулфи дили очилай деб турибди шекилли, қани кутсин-чи. Додхоҳ кўпдан, Рум юрти парчалаб юборилмай, яхлит ҳолида сақланиб амирзода Халил Султонга топширилиши лозим, деган фикрни кўнглига тугиб юарди. Чунки, Туронда шахзода Муҳаммад Султон, Хуросонда Шохрух Мирзо, Румда Халил Султонлар бу улуғ салтанатнинг уч пурвиқор устунларидай Амир Соҳибқирон қанотида турсалар, узоқ йиллар мамлакат дориломону эл-улус фароғатда яшайди.

Амир Темур кўл томондан кўзини олди.

– Мулк... – деди яна Амир Темур. – Мулк Оллоҳникидур. Лекин уни бошқариш, обод этиш биз бандаларга тобшурилғон... Ўн беш ёшларда эканимда падари бузрукворим Тарағай баҳодирнинг, – унга парвардигор ўз жаннатини ато этсун, – гапирғонлари

¹ Яъни, нафас қисиши, қон босимининг оптиши.

эсимда: «Боболардан эшитгөнмен, боболарим боболаридан эшитгөн эканлар. Бу хикматлар Бумин хоқон, Истами хоқон замонларидан наслдан наслга ўтиб келадур, ўғлим. — дегандилар ул зот. — Аждодларимиз улуғларининг пароканда юртни кўриб, айтгөн ушмундоқ фиғонли сўзларини ҳамиша ёдингда тутғил: «Жабрдийда турк бек бўладурғон ўғил боласи билан душманга қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди... Давлатли халқ эдинг, давлатинг қани? Хоқонли халқ эдинг, хоқонинг қани? Тепангда турк осмони, пастда турк ери бўлса...» Падари бузрукворим ўша пайтларда Турон заминда юз бераётгөн бошбошдоқликлардан, ҳар шаҳру қасабада бир хоқим эканидан, бирлашиш йўқлигидан диллари озор чекиб ўксинардилар, «Мана бу бечора халқнинг қорнини ким тўйғизади?..» деб ташвиш чекардилар. Кўрдингму, Мамат? Давлатли халқ эканбиз! Хоқонли халқ эканбиз! Кичиклигимдан отамнинг ўша аламли сўзлари кўнглимга ўрнашди, ўша давлатни барпо этишни ният қилдим...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ давлат борасидаги бундай сўзларни илк бор эшитмоқда эди. Соҳибқирон ҳечқачон бу ҳақда, уни кўрдим, буни туздим, деб оғиз очганмас. Мақтанишни асло ёқтирмайди. Чиндан-да, бу қизик.

— Нечоғлик фаровон сўзлар! Демак, давлат тузиш фикри раҳматли улуғ бобомиз Тарағай баходир жанобларига тегишли экан-да? Яна нималар деганлар ул табаррук зот?

— Айтғонлари кўп: «Давлат тузгил, чунки давлат элни тутгувчи, кўриқчи, миллатнинг соқчиси, тууроқнинг эгаси эканини унутмагил! Авомуннос эл, мискин холидин ҳамиша хабар олғил, халқнинг томоғини тўқ тутгил!», дердилар. «Факат мол-мулкка боғланиб қолма!», деб уқтирардилар. «Юқоридаги кўз очиб кўрганинг кўк осмонга, пастдаги илк қадам кўйғонинг кўнғир ерга ҳамиша садоқатли бўл!», деб тайинлардилар падари бузрукворим...

Амир Темур яна кўл узра олис-олисларга тикилди. Соҳилга яқин ерда кўл тепасида бир гала қуш ғуж-

фон ўйнашиб гох у томонга, гох бу томонга худди катта тўп юмалагандай учишар, бир-биридан ажралишмас, гох йироққа кетишар, кўн ўтмай чуғурлашганча ортга қайтишарди.

— Ўша насиҳатларни кечагина эшитгондаймен. уларни бир лаҳза ҳам ёдимдан чиқаргоним йўқ. Ажаб, қарасам, хаш-паш дегунча пайғамбар ёшидан ҳам ўтиб, олтмиш саккиз ёшга қадам қўйиб тургон эканмен. Салтанат маснадиға ўлтирдиму, роҳат-фароғат тўшагида ухлашдан воз кечдим, тун ухламадим, кундуз ўлтирмадим. Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталиқ қисматим бўлди, ранжу меҳнатлар тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўладим, ваним фавжларини синдирдим. Амирлар ва аскарларнинг исёнларини бостирдим, улардан аччиқ сўзлар ҳам эшитдим. Лекин сабру бардош этагини тутдим, ўзимни билиб билмагонга, кўриб кўрмагонга солдим. Бари билан муроасага бордим, уларни тинчитдим. Пароканда мингқуроқ юртни бирлаштириб, унга «Ватан» деб от қўйдим. Ўлаётгон халқни тирилтириб тарбият этдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағални бойга айлантирдим, оз халқни кўнайтирдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим, оламни қилич зарби бирла олдим, дунёда ном чиқардим. Жаҳонгирлик рутбасиға эга бўлдим. Турон давлатини барпо айладим!..

Амир Темур бир оз тин олди.

Мухаммад Чуроға додхоҳнинг дилидан эса шундай сўзлар кечди: «Бу давлатда ҳозир ёш боланинг бошига бир лаганда ўн тилла қўйса, у Султониядан Самарқандгача борса, бир тилла камаймайдур! Барчасиға ўзим шохидман. Ҳа, Амир Соҳибқирон адолатни маҳкам тутди, зеро «Куч адолатда» сўзлари узугининг кўзида порлаб турибдур. Адолатга хиёнат қилмади, бу борада, худо шохид, ҳатто ўз фарзандларини ҳам аягани йўқ. Ҳазрат Парвардигор мундоқ давлат ато этдиким, беадад шукр, Ер юзи подшоҳларини мутеъ қилди, тиззаси борни чўккалатди. Ҳазрат Ҳаққнинг унга юклаган вазифасини адо этмак мақсуди бўлди, Оллоҳ берган умрни тукқан юрти Турон доврўғини оламга ёйишга

бахшида этди. Дунё бир узук эса, Самарқанд – фирдавсмонанд доруссалтанани унинг ёқут кўзига айлантирди...»

– Сўзларингиз ростдур, жоним сизга курбон, Амир Сохибқирон! Уларни кўз қорачуғи билан кўзларимиз окуга ёзсак арзийди! Барини жумла жаҳон кўриб турибдур! – деди додхоҳ Амир Темурда баланд сўз ҳавоси пайдо бўлганини пайқаб. У кўндан бундай ҳолни кузатмаганди. Сохибқирон ўз ўтган умрини эслаганидан мамнуну масрур одамдай фавқулодда ҳаяжону туғёнга чулғанганди:

– ... Халлоқи безаволга салламно! Мамат! Ҳар лаҳзада улуғ боболар руҳини сезамен, улар мададидан куч оламен! Бари элимнинг баланд осмонида парвоз этиб юрибдур. Барини қалбим кўзи бирлан кўриб турамен! Кимки уларни юрак-юрагидан хис этса, ўша шу тупрокнинг фидойи ўғлидур, Турон элининг асл фарзандидур!

– Илоҳи, бари бизга мададкор бўлсун!

– Буқун Эронун Туронда, жумла жаҳонда бизга муҳолифат туғини кўтаргувчи куч йўқдур. Бор саъй-ҳаракатим, шариату миллат равнак топсун, дину давлат дасти фалакларга етсун, дейман. Тангри таолодан умидим шулким, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бир жиҳатдин менга раҳмат дегайким, золимларнинг қўлларини мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда зўравондин заиф озор егай! Зеро, оламни адлу эҳсон била обод этибдурмен! – Амир Темур бир оз тўхтаб нафас ростлади. – Ҳа... ёдимга тушди. Яқинда Эрон имомларининг улуғларию Турон соҳиб ихтиёрлари, Шомнинг номдор уламоларию Ироқнинг тақвошиор фузалоларини бир мажлисда жам этдим. Кўндан ўйлаб юрғон ниятимни амалга оширдим. Барчасига дедим: «Ўтган асрларда уламолар ҳукмдорларга эзгулик ва адолат бобида йўл-йўриқлар айтиб, яхши-яхши кенгашлар берғонлар, номуносиб ҳаракатни ман этғонлар. Сизлар нега ҳеч иршод қилмайдурсизлар ва бажаришим вожибу лозим юмушларни менга айтмайдурсизлар?» Туронлик бир уламо деди: «Танг-

рига саноларки, Соҳибқирон ҳазратларининг ўзлари ҳаммамизга тўғри йўл кўрсатадурлар, бизларга ўхшаган ўзи шундай сўзга муҳтожлар насихатларига асло эҳтиёжлари йўқдур.» Дарҳол унга эътироз билдирдим: «Шаънимга таҳсинлар айтишингиз, мизожимга мувофиқ хушомад сўзлар нисор айлашингиз менга хуш келмайдур. Ҳазрати парвардигор бизга шундоғ шавкату улуғлик ато этдики, у ҳар хил тақаллуфларга эҳтиёжманд эмасдур. Бас, ҳеч нимани яширмай, кўнглингиздагиларни рўй-рост айтингизлар.» Шундан сўнг барчаси дилларини очиб, мамлакат ахволидан кўрғон-билғонларини сўзладилар...

– Офарин, Амир Соҳибқирон!

– Сўнг буюрдим: бир гуруҳ диёнатли ва номдор уламолардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло тарафидин мамлакатнинг турли пучмоқларига номзод қилсунлар, токи улар тайин этилғон томонга жўнаб, салтанат ишларининг тагига етсунлар, доруға ва девондин нимақим воқеъ бўлубдур, менга шарҳ этсунлар. Агар биронта мазлум касга зулм етса ёки бирон ожизу ночорга зўравонлик этилғон эрса, зарару зиён тиконини мазлумлар оёғидан чиқарсунлар, кўздан ёшини оқизишга қўймасунлар. То шу вақтгача жаҳонгирлик сарҳадларида зўр саъй-ҳаракат кўргиздик, энди подшоҳона ният этокидин тутарбиз, ҳиммат улдурким, халойиқ, улус рафоҳият¹ ва фароғатда кун кечирғай, олам ободон ва маъмур бўлғай!

– Офарин, Амир Соҳибқирон! – маъқуллади додхоҳ. – Қутлуғ ниятларига етсунлар, илоҳи!

Парвардигор Соҳибқирон кўнглига фавқулодда илҳом нурларини ёғдирган эди, Муҳаммад Чуроға додхоҳ хайратга тушганча тинглашда давом этди:

– Шукрким, Ҳазрат Ҳаққ менга фарзандлар ато қилди, теурийлар сулоласи халқасида ҳар бири ўз мақомига эгадур. Барчасиға юрт улашмак бизнинг вазифамиз, бўйнимизда турғон залворли юкдур, Мамат! Аржуманд фарзандимиз шаҳзода Муҳаммад Сул-

¹ Рафоҳият – турмуш кенгчилиги, фаровон ҳаёт маъносида (*араб*)

тон салтанат валиахдидурлар. Суюкли жигаргўшамиз Шохрух Мирзо Хуросонда, набирам Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир Балху Қандаҳорда қарор топдилар. Шерозу Исфохонлар Пир Муҳаммад ибн Умаршайх, Рустам ибн Умаршайхлар тасарруфидадур. Ардоқли набирамиз Халил Султонга Бардаъа, Ганжа тамоми Арманзамин, Гуржистонни, уларга қўшуб Трабзонни тобшурмак ниятидадурбиз...

«Ох, ох, кеч қолибмен! – ўйлади ичида додхоҳ. – Аввалроқ айтишим лозим эди, каловланиб юрдим, юрдим, таклифимни ўз фурсатида айтолмадим. Худо пошшо эгам, деганлар. Ҳали ҳам кеч эмас...»

У ўз таклифини айтиш ниятида қатъият билан сўзга ониз очмоққа чоғлангани, Соҳибқирон сўраб колди:

– Биласенму, неларни ўйладим? Икки набирам бор – Улуғбек Мирзо ва Иброҳим Султон. Иккиси ҳам тўққиз ёшда, тилла болалар-да! Умидим катта... Оллоҳнинг ўзи асрасун. Улар ҳам ўсиб-улғайиб вояга егадурлар, четда колмасунлар. Бас, Улуғбек Мирзога Тошканд, Сайрам, Ашпара ва Жета вилоятини то Хитой сарҳадигача, Иброҳим Султонга Андижон, Ахсикат, Тароз, Кошғар ва Хўтанни фармон бирла мулк қилиб бергайбиз... Кўнглимга туғиб қўйдим. Яна бир гапни айтай. Самарқандга қайтгач, кўзимнинг тиригида Кониғилда бешта набирамнинг тўйларини ўтказишни ўйлаб қўйғонмен. Салатанатнинг барча пучмоқларидан, мамлакатлардан мехмонлар чорлағайбиз!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ алланечук бўлди. Унга титраброқ айтилган «кўзимнинг тиригида» сўзлари ғалати таъсир қилди. Додхоҳ Соҳибқирондан авваллари бундай каломларни ҳеч қачон эшитмаган.

– Бу нима деганлари, Амир Соҳибқирон? Ундоғ демасунлар, Ҳазрат...

– Худонинг бандасидурбиз, Мамат... Ҳали иш кўп... Айтдим-қўйдим-да. – «Гапим қаерга келувди?» дегандай додхоҳга қаради-да, давом этди: – Ҳа...Абу Бакр Мирзо ибн Мироншоҳни эса Бағдод иморатиға юборгайбиз. Мамат, Ҳақ таоло бизни

азиз этиб, рубъи маскун мамлакатлари тизгинини кўлимизга тутқазди, Энди истайменки, жаҳон аҳли ғазаб ва қаҳримиз асоратларидан азият чекканларидай, саховат ва марҳаматларимиздан ҳам баҳраманд бўлиб роҳатлансунлар. Султонлар худо соясидурлар. Шу сабабдан улар гоҳо қаҳру ғазаб оташи оловида ғанимлар вужуди хашагини ёндирадурлар, кулга айлантирадурлар, гоҳо марҳамат ва эҳсон мақомида туриб, фуқаро кўнгли шабистонини лутфу қарам чароғи бирла нурафшон этадурлар...

Ўзинг шохидсен, Бағдод аҳли зафарқарин аскарларимизга муҳолифатлик, душманлик оқибатида, исфаҳонликларга ўхшаб ўз шаҳарларини ҳам, ширин жонларини ҳам ҳалокатга бадал қилдилар. Қилмишлари интиқомини кўрдилар. Аммо Бағдод ислом шаҳарларининг онаси: илму фан у ердан жаҳонга ёйилгон, мазҳаблар ҳам ўшал ерда донг таратгон. Ардоқли набирам Абу Бакр Мирзоға буюрдимки, Амир Қора Юсуфни даф этгонидан сўнг, Бағдод иморатига машғул бўлмай, жаҳд ила ботрок ободон этмай. Қаҳримиз туфайли харобага айлангон ул заминни инсофу адолат ҳумосига кўнимгоҳ қилмак лозим, вилоят бузуғ ҳолга тушмасун, у жой вайроналарини ободлик ҳолига қайтарсун, токи жаҳон аҳли қаттиққўллигу ғазаб-интиқомимиз қайси даражада, эзгу ишларимизу эҳсонимиз қай мақомда эрконини кўриб қўйсунлар! Зеро, Турон мамлақатида машҳур мавзеъларни иморат қилдук, бас, энди Эрону Ироқ, Шому Озарбайжонларда ҳам биздан бақаёти хайр бинолар, подшоҳона осорлар, хисравона ёдгорликлар боқий қолсун!

– Офарин, Ҳазратим!

Орага жимлик чўкди. Кўл тепасида энди қайдандир тағин бир гала қуш пайдо бўлган, лекин тўпга қўшилмас, ўзларича гуриллашиб парвоз қилишар, чуғур-чуғурлари баралла эшитилиб турарди. Бирдан ҳаммаси шимол ёққа учиб кетди. Хийла ҳаяллаган қушлар бир оздан кейин қайтиб, яна жимиб қолган осмон қатини тўлдирди, Соҳибкироннинг кўнгли ёришди.

– Мамат! Иншооллох, дориломонлик замонлари етишмакда! Оллоҳга шукр! – давом этди Амир Темур кушлардан кўз узиб. – Хитой сафаридан қайтгач, тахтни валиаҳд шахзодага тобшурсам, ўзим жиндай оёқни узатиб роҳат-фароғатда умр кечирсам дейман... Хоҳлагон вақтимда Тошкандга борсам, хоҳлагон вақтимда Кешга отлансам, Бухорога, Термизга, Андижонга, Хоразмга йўл тутсам... Мен ҳам бир одамдай дўсту ёронлар билан улфатчилик қилсам, Сирдарёнинг бўйларида ялангоёқ кезсам, юртимда эмин-эркин юрсам, ётсам, ухласам...

– Кўнглимда ўзларига худди шуни тилар эдим, ох, ох! Дилимдагини сўзладилар! Илоҳи, барака топсунлар, Амир Соҳибқирон! – жилмайди додхоҳ. – Ахир улуғ ёшга етмакдалар. Бибихоним жаноби олиялари ҳам шундай орзудалар... Ҳазратим энди ором олиб, улуғ салтанат роҳат-фароғатини кўрсунлар, ўз эмгакларининг меваларидан тотсунлар, тоқайгача от йўрттириб, тоғ ошиб, чўл кезиб машаққатлар гирдобига ўзларини отиб юрадурлар? Жонлари нечта?.. Юрт ташвишларини эса закий ва доно чакмоқтабиат шахзода ўғлимиз Муҳаммад Султоннинг қудратли елкаларига ортсунлар, дейдилар...

– Шундоғ фикрларга борамену, ўйланиб қоламен: пайт келиб, бизлар боқий дунёга рихлат қилгач, аҳвол не кечгуси? Одатда, ҳар бир салтанат табиатида парчаланишга ички мойиллик бўладур, салхимо берилса, кўринишидан қалъадай мустаҳкам туюлгон ҳар қандай салтанат ҳам бирпасда чокчокидан сўкилиб, царокаңдаликка юз тутмоғи осон. Худо сакласун! Тунлар ухламай, кундуз ўлтирмай барпо этгон давлатим тақдири қандок кечадир, деб ўйлаб чиқамен. Фарзандлар шунчалар заҳмат чекиб, укубатлар тортиб тиклагон улуғ салтанатнинг, бобосининг кадрига етарму эканлар, йўкми? Ёки... тахт талашишлар, ўзаро низолар ботқоғига ботиб, ор-номусни унутиб жаҳонга афсона бўладирларму?.. Мана, Ўрусхону Тўхтамишхон бир-бири билан саваш қурдилар, ўртада Олтин Ўрда давлатига завола етди-ку. Эронда Музаффарийлар ҳам шундоғ патарат топди...

Ҳалигина кўтаринки бир кайфиятда ўлтирган Сохибқирон додхоҳга қандайдир хомуш тортиб қолгандай туюлди.

– Самарқандга қайтгач, қурултой ўтказурмен, унда барча юрт олғон фарзандларимга шундоғ демакни ўйлаб қўйдум: «Ҳар бирингиз иттифок била ўз ишингизга машғул бўлғайсиз. Раоё ва фуқарою мискин холидин ғофил қолмағайсиз. Ва қиличнинг сопини маҳкам тутғайсиз, ки олам бузулмағай ва мусулмонларга заҳмат етмағай. Умидим улким, неча йиллик саёй-меҳнатим зое кетмағай!..»

– Айтсунлар, Амир Сохибқирон, айтсунлар! – ҳаприқди Мухаммад Чуроға додхоҳ, мулоқотнинг бундай тантановор бошланиб, маъюс оҳангга чулғаниб бораётганидан хайратда. – Саёй-меҳнатлари асло зое кетмағай! Ўх-хў, қандай ақлли фарзандларингиз бор! Шохрух Мирзо, Халил Султон, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзо... Улуғбек Мирзо... Аммо бахтимиз даставвал жаҳон амирзодаси, салтанат чаманининг ардоқли гули, замона баҳодир, ақлли ва паҳлавон валиаҳд шаҳзода Мухаммад Султондадур! Босган қадамидан ер титрайди, тоғлар садо беради! Айтган сўзидан кўнгиллар обод, фаришталар мамнун! Уни Ашпарага юборганингиз, Самарқандни ишониб топширганингиз, мана энди Хулокухон тахтини инъом этганингиз, айниқса, Рум фатҳи унинг номига битилгани нур устига аъло нур бўлди...

– Илоҳи, айтғонинг келсун!

Сохибқироннинг бир оз чехраси очилди. Валиаҳд шаҳзода номи айтилганда ҳамиша унинг кўнгли яшнаб кетарди. Эронда эди шекилли, қайсидир шаҳарда бир нокасинг унга пичок урганини эшитганда, то шаҳзоданинг тўрт мучаси соғ экани ҳақида аниқ хабар олмагунча, кўз кўзга тушмагунча ўзини қаерга қўярини билмаганди.

– Бир куни баҳор, наврўз кирғон паллалар эди, Мамат, Миср қишлоғи ёнидаги Боғи Давлатободга бораётғондим. Қишлоққа киришда томорқада иштиёк билан эгилиб-букилиб дарахт ўтқазаетғон мункайиб қолғон бир чолга кўзим тушди. У саксон ёшларда эди.

«Бобо, – дедим саломдан кейин. – Ёшингиз бир жойга етибдур. Худо умр ато этсун. Аммо экаётгон дарахтингиз мевасидан тотиб кўриш учун беш-олти йил керак бўлади-ку...»

«Ноумид шайтон... – Чол кадини ростлашга уринди ва манглайдаги терни артди. – Унинг меваси насиб этади, ўғлим, худо хоҳласа!»

Шундай дегач, чол ишида давом этди. Мен ўз йўлимга кетдим. Нарироқ борғонда, Мамат, ўз-ўзимдан тўхтадим: бир кунлик умри қолдиму йўқми, уёғини суриштирмай, эртанги кунга умид боғлаб шижоат билан ниҳол ўтқазаетгон мункайган чолга хавасим келди. Ҳа, менинг халким шундоқ, ҳеч қачон унинг қадди букилмайдур, кўнгли чўкмайдур! Турон элининг дунёдан умиди бор, мен ана шу элининг ўғлимен!.. Биласенму, бағоят мутаассир бўлдим. Динор тўла ҳамённи унга шартга бериб юбордим. Бирдан чол мени чақириб қолди. Қайтдим. У салмоқлаб ҳамённи кўрсатаркан, кулиб деди: «Экаётгон дарахтингиз мевасидан тотиш учун беш-олти йил керак, деган эдилар. Мана, дарахтимни экибоқ, мевасини тотиб турибман, худога шукр!..»

– Э, қойил-с! Донишманд чол экан...

– Ҳа, донишмандлар донишманди экан ўша оқсоқол бобо! Тож-тахтимнинг ягона вориси валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон ҳам экан ниҳолимдур, – деди Амир Темура кўнгли ийиб. – Мен ҳам ўша чолдек, ниҳолим мевасидан баҳраманд бўлиб турибмен. Худо хоҳласа, шахзодам пурвиқор чинордай илдиз ёзиб, узок йиллар Турон юртини эмну омонликда сақлағай! Оллоҳим, унга эътимодимни барқарор қилғил!

– Илоҳи, барқарор қилғил! – такрорлади додхоҳ ҳам.

Улар дуога кўл кўтардилар.

Шу пайт мулозим Қорахисордан валиаҳд Муҳаммад Султон қошидан чопар Ахий Жаббор баҳодир келганини билдирди. Беш қадам нарида тиз чўкиб ерни ўпаркан, Ахий Жаббор баҳодир ўрнидан турмай кўли кўксида ёлборди:

– Амир Соҳибқирон, бир қошиқ қонимдан кечсунлар!..

– Кечдум! Сўзла!

– Валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон жанобларига озгина дайди шамол тегиб, андақ марази воқеъ бўлибдур...

– Нима-нима?..

Соҳибқирон шарт ўрнидан туриб кетганини билмай қолди. Унинг бир оз чайқалганини пайқаган Муҳаммад Чуроға додхоҳ дарҳол қўлтиғига кирди. Иттифоқо, осмонда ғужғон ўйнаётган қушлар галаси шу палла бир жойга тўпланди-да, гўёки ноҳуш хабардан чўчибми, гуриллаганча шимол томонга узоқларга қараб учди. Бу сафар ортга қайтишмайдиганга ўхшарди. Осмон тинчиб қолди.

Амир Темур ерга ёпишиб ётган чопарни елкасидан тутиб турғазди ва ўзига қаратди:

– Нима-нима?.. – Унинг овози босиқ эди. – Шаҳзоданинг товлари қочдиму?.. Рост сўзла, баҳодир!

– Рост сўзлайдурман... андақ марази воқеъ бўлибдур холос... Шаҳзодам атрофинда табиблар парвонадурлар...

– Чақмоқдек йигитнинг дардга чалиниши... ҳеч ақлга сифмайдур... – деди Соҳибқирон ўз-ўзини юнатгандек. – Э, Оллоҳим, ўзинг асра!

– Шаҳзодам ёшлар, паҳлавонлар, ҳар қандай дардни енгиб ўтадурлар! Иссиқ жон-да... – далда берди кутилмаган хабардан дили увишган Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

– Шитоб ортингга қайтгил, баҳодир! Шаҳзодамнинг сихҳати ҳақида бизга аниқ хабар еткизгил! – буюрди Амир Темур.

Ахий Жаббор баҳодир дарҳол Қораҳисорга қайтиб кетди.

Сухбатлари бўлинган Соҳибқирон билан додхоҳ сўрида ўлтиролмадилар. Йўлкадан ўттиз қадамча юришган эдилар, додхоҳ Оқшаҳардан ошғич чопар келганини кўрдию дарҳол унинг олдига чиқди.

– Додхоҳ жаноблари... Рум қайсари Йилдиirim Боязид жон омонатини эгасига топширибди... – деди тиз чўкиб чопар.

– Ие!.. Жойини жаннатдан қилсун.... – фотиҳага қўл тортди додхоҳ ҳайратда...

– Нима гап экан? – сўради қайрилиб Соҳибқирон.

Додхоҳ оҳиста бориб Соҳибқироннинг қўлтиғидан олди:

– Оллоҳнинг буюрғони...

– Сўзла!

– Қайсар оламдан ўтибди...

Соҳибқирон ҳеч нарса демади. Бирдан худди дунёда ёлғиз қолгандай сезди ўзини! Чунки энди у билан тенглаша оладиган ҳукмдор ва саркарда оламда қолмаган эди...

Орага жимлик чўкди. Додхоҳ қараганди, Ҳазратнинг муборак қўзларида ёшнинг қалқиб чиққанини кўрди. Соҳибқирон йиғлаб деди:

– Худо хоҳласа, Рум мамоликини тамом забт этгач, яна Йилдирим Боязидга берғойбиз, уни тахтига ўлтирғузиб қайтғойбиз, деб ният қилғондим, токи олам аҳли ҳимматимизни, оламшумул афвимизу комил марҳаматимизни бир билиб қўйсун, дегандим... Оллоҳ буюрмади. Маразларга иззатнафснинг инқирози қўшилиб. қайсарни адои тамом этди...

– Оллоҳнинг буюргани... – такрорлади додхоҳ бошқа сўз топишга қийналиб.

– Мамат! – деди бирдан Амир Темур худди уйқудан уйғонгандай. – Дарҳол Оқшаҳарга йўл ол! Ўзинг маросимнинг бошида тур! Рум қайсари Йилдирим Боязиднинг сўнгакини подшоҳлар тартиби билан пойтахт Бурсага элтсунлар ва ўзи ясағон иморатиға қўйсунлар!

– Бош устига!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ Йилдирим Боязиднинг дафн маросимиға жўнар экан, Амир Темурнинг бу қадар кенгфеъл инсон эканиға ичида яна бир бор қойил қолди.

Ҳумоюн ўғруқ Оқшаҳар томонға йўналди. Соҳибқирон шаҳарға киришға улгурмай, Қораҳисордан тағин чопар келиб, шаҳзоданинг аҳволи оғирлашиб бораётганини билдирди.

Амир Темур қотиб қолди! «Худо шифо берсун!

Шифо берсун!..» деди ичида. Вақт жуда шитоб ўтаётгандай туюлиб кетди, Соҳибқирон назарида. Замон шиддат билан ўзгариб бормоқда эди. Мотамга чулганган Оқшаҳарга қадам қўйдию, Соҳибқирон Рум қайсари Йилдирим Боязид кишиларига таъзия билдиришга шошилди, барчасининг кўнглини олиб, устларига тўнлар ёптирди. Муса Чалабийни ёнига чорлаб, унга хосса тўн, тилла камар ва юзта эгаржабдуқланган ясатиқлик от инъом этишни буюрди. Пойтахт Бурса шаҳрини унга бағишларкан, бошини силаб деди:

– Отанг табиатан яхши одам эди, шойистаи жаннат айласун.

– Сиз энди отамиз ўрнида отамизси-и-из, Амир Соҳибқиро-о-он!..

Муса Чалабий хўнграб йиғлаганча ўзини Соҳибқирон оёнига ташлади. Уни асло юпатиб бўлмасди.

Амир Темур Рум қайсарининг кенжа ўғлига қарар экан, шу паллалар Қораҳисорда бетобланиб ётган Муҳаммад Султон ёнига тезроқ боришни истар, машъум ўйлардан кўнгли уваларди.

II

Милодий 1403 йилнинг баҳори яқинлашиб келарди. Рум элининг турли музофотларида қишлоқ¹ солган лашкарларга Ангорага қараб юришга фармон берилди. Турон салтанатининг зафарқарин қўшинлари Измирдан, Испартадан, Кўнядан, Қарамондан, Балиқесирдан Ангорага қараб оқиб борарди. Турон қўшини, чамаси, она юртга қайтиш тадорикида эди.

Валиаҳд шаҳзоданинг уғруқи ва лашкари Рум вилоятининг фарбида Эгей денгизига яқин, тоғ этагида жойлашган ҳавоסי бағоят юмшоқ, суви ширин хушманзара Мағнисия шаҳрида қишлади. Муҳаммад Султон ичида бобосидан миннатдор бўлди: қишлоқ учун суюмли набирасига энг гўзал масканни танладилар.

¹ Қишлоқ – яъни қишни ўтказишга муносиб жой маъносида.

Шахзода қиш ичи Куръони каримнинг китобати билан шуғулланишга имкон туғилганидан ниҳоятда мамнун эди. Олтмиш саккизта сурадан нусха олди, худо хоҳласа, бу ерда олтмиш тўққизинчи сурани кўчиришга киришади. Фирдавсмонанд Самаркандга боргунча ушбу қутлуғ юмушни ниҳоясига етказиш ниятида. Ҳозир узун катта сураларни кўчириб чиқди, энди мухтасар сураларга навбат етди. Соғинч хоним ҳам уни тезроқ тугатсунлар деб кистаб турарди.

Лекин қавс ойининг ўрталарида қиш эканига карамай Измир қамали бошланиб кетди. Валиаҳд шахзода музофотни қўриқлашни баҳона қилиб, Соғинч хонимни лашқари билан Мағнисиёда қолдираркан, хушёр турсунлар, деб тайинлади, ўзи жабҳа ёққа отланди.

Измир ғайридинлари доим атрофдаги мусулмонларга зиён-заҳмат етказиб, зулм ўтказар экан.

– Енгилмас шаҳар эмиш Измир деганлари, Амир Соҳибқирон... – тушунтирди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

– Енгилмас шаҳар эканму?

– Худди шундоқ... Султон Мурод Худовандигор неча қатла черик тортиб ишғол этолмай қайтган, Йилдирим Боязиднинг ўзи ҳам кўп марта уриниб уни ололмаган экан...

Амир Темурнинг шижоат томирлари қўзғолди:

– Ҳали шундоқму... Шу пайтгача дунёда биз забт этмагон қалъа ё шаҳар учрағони йўқ. Наҳотки Румга келиб, ортимизда шундай бир қўрғонни қолдириб кетсак? Бу бизнинг шаънимизга муносиб эрмас!..

Амир Темур муроса учун измирликларга элчи юборди.

– Ҳазрат Расул адайҳи афзалус-салавот ва ажмадут-тахиййот динига даъват айласунлар. – деб тайинлади элчига Амир Темур. – Агар динимизни қабул қилмасалар, жузъя ва мол муқаррар этмакка тайёр турсунлар. У холда барчасига омонлик берилсун, яхши сийлансун, асло таарруз¹ қилинмасун. Йўқ эса, барчасига завол етгусидур.

¹ Таарруз – безоват килиш, зулм ўтказиш (араб)

Ўз шаҳарларининг уч тарафдан сув билан ўралганию маҳобатли буржлари теварак-атрофга даҳшат солиб турган қалъаларининг метиндай мустаҳкамлигидан беадад ғурурланган измирликлар элчига беписанд қарадилар: ҳеч қайси шартни қабул этмадилар, аксинча, Соҳибқиронга дағал жавоблар юбордилар. Устига устак, фаранг ёқлардан, чупончи, Афина, Рим, Верона, Сантус, Верден сингари шаҳарлардан ҳар қандай душманни тор-мор қилгувчи енгилмас лашкарларни ёрдамга чақирганларидан хаволаниб, катта муҳосара хавасида оромини йўқотдилар.

Мухаммад Султон навкарлари қалъа қамалида мардоналик кўргиздилар. Кейин Амир Соҳибқирон бир неча йигитга баҳодирлик унвонини бериб, турли инъомлар билан сийлади. Шаҳзоданинг ўзи ҳам аскарларнинг ҳар бирига бештадан от, зулфиқор қилич ҳадя этди. Хайратланарли жойи, Измир икки ҳафтага қолмай тасхир этилди! Фаранг ёқдан кемаларда мададга келган қуролланган кофирлар Измирдан ном-нишон тополмай, дарё юзида хайрону лол боқиб турибдилар. Эшитгонларнинг оғзи очилиб қолди.

Валиаҳд шаҳзода бундай шиддатли қамални ҳали кўрмаган эди. Бир манзара кўз ўнгида муҳрланиб қолди: лаҳмчилар ҳисорнинг ўттиз газдан ҳам баланд маҳобатли буржи тагини қазиб, пойдевордаги тошларни чиқариб ташладилар, ёғоч устунларга эса ўт кўйдилар. Бу пайт буржнинг тепасида душманнинг қўли етмаслигига ишончи комил кўп кишилар пастда уймаланиб юрган гоҳ физиллаб у ёққа бораётган, гоҳ чопиб бу ёққа келаётган душман аскарларини хотиржам томоша қилиб турардилар. Устунлар ёниб кулга айлангач, бурж нурагандай тепасидаги одамлар билан пастга қулай бошлади. Дод-вой, сурон борлиқни тутди. Одамлар худди кўғирчоқдай учиб тушар, ерда чилшарчин бўларди...

Мухаммад Султон фармонга кўра яна Мағнисияга қайтди.

Соғинч хоним шаҳзодасини гул-гул яшнаб кутиб олди:

– Зафарингиз кутлуғ бўлсун, эй нушти паноҳим!

У шавҳарида қандайдир толиқишни сезди.

– Куллуқ!

– Жанг оғир кечдиму, шахзодам? – ичи қийи-
либроқ сўради Соғинч хоним.

– Оғир кечди... – жилмайди Мухаммад Сул-
тон. – Лекин, Оллоҳга шукр, Ҳазрат Соҳибқирон
ҳазратлари учун бари енгилдур! Мен сизга айтсам,
улуғ бобомлар, барча амиру аъёнлар олдида, валиаҳд
шахзодам, йигитларингиз яхши ишлар қилдилар, деб
мақтаб қўйдилар...

– Мақтовлар муборак, жоним шахзодам!

Валиаҳд шахзода ўз йигитлигига маҳлиё, дил-
дорига маҳбуб, бошқа амирзодалар ичида эъти-
борли, ҳаёт ҳамиша уни шундай сийлайверишига
ишончи комил эди, эртанги кунга ёрқин умидлар
билан боқарди. Соғинч хоним, ёрига қараб тўймас,
кўзларини ололмасди. Иложи топилса, ҳарамда яго-
на бўлишни хоҳларди, қошки эди валиаҳд шахзода
Мухаммад Султон чаманининг ҳамишабаҳор гули,
осмонининг энг порлоқ юлдузи, юлдузи эмас, қуёши
деб ҳисобланса! Аслида, ўзи шундоқ: у бошқа
кундошлари ичида энг гўзали, энг жасури, энг
ардоқлиси! Бу валиаҳд шахзоданинг сўзлари. Хо-
ника бону ҳам, Тотлибиби ҳам, Хон Султон оқа
ҳам, Давлат Султон ҳам, канизак Нигор оқа ҳам
унга тенг келишолмайди. Фақат айрим маликалар-
нинг устунлик жихатлари бор: Нигор оқа Мухаммад
Жаҳонгирни ҳадя этди, Дур Султон оқа кўлида
тарбияланади, Тотлибиби туғиб берган Саъд Ваққос
Туман оқага топширилган, Хоника бонунинг икки
яшар ўғли Яҳё Мирзога Хонимойимнинг ўзлари
қарайдилар. «Менинг эса ҳали ўғлим йўқ...» –
ўксинади Соғинч хоним. Бироқ у ўзининг бор ла-
тофати, кўрки-ҳусни. нозу истиғноси, эркалашлари
билан валиаҳд шахзоданинг роҳати жони эканини
яхши билар, шундан кўнгли кўтариларди.

Соғинч хоним кундошлари ичида сулувгина кани-
зак Нигор оқа билан яхши чиқишарди, улар Оққиз
бегимни ҳам чорладилар-да, чошгоҳ маҳали эди,

пастдаги болалар шовқини эшитилаётган майдонга томон юрдилар. Муҳаммад Султон ўғиллари – еттига қадам қўйган Муҳаммад Жаҳонгир билан уч ёшли Саъд Ваққосларга от минишни ўргатаётган сайисга қараб турар, унга айрим маслаҳатлар берарди. Дуркун Муҳаммад Жаҳонгир эгарда маҳкам ўтирар, чап қўлида юганни ушлаб олганча, тезрок отни йўрттирмоқ истарди:

– Чу!.. Чу-у-у!... Ўзим юрамен! Ўзе-е-ем!..

– Айланайин-а! Ўзлари юрмоқчилар-а! – ийиб деди Оққиз бегим.

Лекин сайис, амирзода мункиб-нетиб кетмасин, деган маънода жиловни маҳкам тутганди.

– Шошилмасунлар, ўғлим! Шошилмасунлар... – дерди Муҳаммад Султон, ўғлига қараб хурсанд. – Тагин йиқилиб тушмасунлар...

Ширинтойгина Саъд Ваққосни Муҳаммад Султоннинг ўзи эгарда тутиб борар, бошқа сайис отни етакларди. От лўкиллаб юрганда қувончи чексиз қийкирган болакайнинг беғубор кулгуси атрофга тараларди. Соғинч хоним болаларни кўриб завқланганидан юраги бир орзиқиб қўйди. Нигор оқа ўғлига жилмайиб қараркан, ҳеч нарса демади.

Болалар чарчашгач, Нигор оқа билан Оққиз бегимлар уларни етаклаб кетишди.

– Юрингиз, майдонни айланиб келамиз! – таклиф этди шахзода. У ҳаво етишмаётгандай чуқур нафас олди. Ҳаво тоза, мусаффо эди.

– Бир орзуим бор, шахзодам! Айтсам майлиму? – сўради Соғинч хоним. У шундай қулай фурсатни пойлаб юрарди.

– Айтсунлар, айтсунлар!

– Миннатдормен... Боғи Чинорда десангиз, Боғи Биҳиштда Хонимойим, Туман оқа жаноби олиялари фаройиб мажлислар ўтказишадики, дилинг яшнаб кетади.

– Эшитғонмен, ўзим кўрғонмен, маликам.

– Агар ижозат берсалар, бу йил Наврўз байрамини шу ерда ўтказсак, жаъми меҳмонларни чорласак, дейман... Эл олдига дастурхон ёзсак... Мағнисия

жуда хушманзара жой экан. Барча маликалар жуда хурсанд бўлишади-да.

– Нега фақат маликалар?.. – қошларини чимирди шахзода. – Фикри ожизимча, барча амирзодаларни ҳам чақирмоғимиз жоиз! Энг аввало Ҳазрат Соҳибқироннинг ўзларини, хонимойимни, Туман оқа жаноби олияларини, барча момоларимизни таклиф этғойбиз!

Соғинч хоним қувончдан қичқириб юборди.

– Саронардалар тиктирғойбиз, жоним шахзодам, қатор саронардалар! – Соғинч хоним фавқулодда жўшиб кетди, сакраб туриб хаёлан жойларни белгилай бошлади. – Мана бу ерда Ҳазрат Соҳибқирон шоҳчодирлари, Хонимойимнинг яшил саронардалари бўладир. Туман оқа жаноби олияларининг пуштиранг, волидамиз Хонзода хонимнинг ҳаворанг, Султон Бахт бегим аммамизнинг сариқ ва яна кўп маликалар, хоним, оқаларнинг оқ, кўк, жигарранг, ложувард ранглардаги саронардалари ўрнашади. Бу томонларда амирзодалар ва келинларники бўй чўзади... Борлиқ атроф саронардалар чаманзорига айлангусидур! Ҳов анови ерда катта қозон осилиб, сумалак пиширилади. Холдона момони чорлаб, сумалакка буғдойни ундиришга қўямиз...

– Ҳў-ў томонларга қарангиз! Ўша адир тагида кўнкари ўйинларини ўтказғойбиз! – Қўли билан кунботишни кўрсатаркан, деди баҳри-дили очилган шахзода. Энди унда кечаги толиқишдан асар йўк эди. – Биласизми, у жойлар жуда ҳам улоқ чоппишга мос-да... Наврўздан кейин адирнинг нариги томонида, денгизга яқин ерга катта қўшин билан шикорга ҳам чиқғойбиз. Амир Соҳибқирон бу таклифимиздан бағоят мамнун бўлғайлар!

– Ўша жойларни бир айланиб келмаймизму, шахзодам?

– Майли, маликам! Ўзим ҳам шуни айтмоқчийдим. Мулозим! Сайисга айт, иккита от тайёрласун!

Шахзода билан малика ясатилган тилла эгаржабдуқли отларга миндилар-да, кўкара бошлаган майдонни кесиб, адир тарафга йўналдилар.

Соғинч хоним ҳамиша шахзодаси билан мана шундай отда кезиб юришни ёқтирарди, лекин доим ҳам бунинг иложи топилавермасди. Ўшандай хушнуд ва масъуд кунлар келганидан хурсанд малика ўзини жаҳон шахзодаси ёнида бахтлиларнинг бахтлиси ҳисоблар, йироқ-йироқларга тикилганда адирлару уфқлар, осмон, бутун олам... ҳамма нарса кўзига чиройли кўринарди. Муҳаммад Султон ҳам хушчақчақ, аъло кайфиятда, борлиқ атрофни кезиб чарчамас, гоҳ отни ўтлашга қўйиб яёв юрар, гоҳ яна отга минар, аллақандай қўшиқни хиргойи қилар, тиник кўкка, денгизга ботиб бораётган ловуллаган қуёшга, тоғларга қараб худди, эртага бу ерлардан жўнаб кетаман, қараб тўйиб олай, дегандай ютоқиб тикилиб-тикилиб қолар, негадир саройга қайтгиси келавермасди.

Улоқ ўтказиладиган жой чиндан ҳам файзиёб экан: ўртада бамисли улкан тахт мисоли қўр тўкиб турган тешалик, пасти – юзтача отлиқ бемалол чона оладиган кагтагина майдон. Отларни ўтлашга қолдириб, юқорига чиқдилар. Худо хоҳласа, Соҳибқирон худди шу ердан туриб кўпкарини томоша қиладилар, Ўзлари ҳам ёшликлариди зўр улоқчи бўлганлар. Атроф бепоён, уфқ чизиги аниқ кўринарди. Улар ўзини гўё ҳозир оламда танҳо сезардилар: осмонда қушлар ҳам учмас, шамол ҳам елмас, олисда ботишга чоғланган ўз ташвиши билан ўзи овора офтобни демаса, бошқа ҳеч ким йўқ...

Муҳаммад Султон Соғинч хонимга қаради, унинг кўзлари ёнарди. Ҳа, бу ўша, бир пайтлар Жўйи Зарнинг бузилган кўприги олдида, қирмизиранг тахтиравондан ним табассум ила киё боқиб турган балойи офат гўзал чехра! Шундай пари пайкар унинг дилдори эканидан бемисл бахтиёр шахзода завжасини беихтиёр оҳиста кучоқлади, бағрига босдию узок қўйиб юбормади...

– Жоним шахзодам! Жоним шахзодам... – энтика бошлади Соғинч хоним ҳам юраги ўт олиб. – Сизга нима бўлди?..

Шахзода жавоб бериш ҳолатида эмасди. Бирдан

Дажла дарёси бўйидаги Арғуншоҳ билан суҳбат шахзоданинг эсига тушди. Ўшанда суюклисининг сирли ғойиб бўлганини эшитган дилгир ва маъюс шахзода сипоҳ олдида андишага бормай, йиғлай бошлаганди. Ҳозир ҳам шахзода томоғига тикилган бир нарсани – аламми, армонми, қувончми, билолмади – тўхтата олмади, кўнгли бўшашиб кетди, унсиз Соғинч хонимнинг елкасига кўз ёшлари тўкила бошлади...

Соғинч хоним ўзи зўрға турганди, ичкаридан йиғи отилиб чиқди. Уларни юпатадиган ҳеч ким йўқ, ҳол сўрайдиган офтоб ҳам аллақачон ботган... Иккиси ҳам лол, бу сир-синоатни тушунишдан ожиз эдилар, аммо қалбларининг туб-тубини - бирини келажакда Турон салтанатини бошқариш завқ-шавқи, иккинчисини эса ана шундай салтанатнинг маҳди улёсига айланиш саодати ёритиб турарди...

Эрталаб ҳаммаси ўзгарди қолди. Валиаҳд шахзоданинг кўпкарига мўлжалланган жойларга ютоқиб қараганича бор экан. Кутилмаганда Соҳибқироннинг, Мухаммад Султон ўз қўшини билан Ангорага мутаважжих бўлсун ва Қайсарияда ўрдуга қўшилсун, деган фармони олинди. Энди Наврўз байрамини ҳам, сумалакни ҳам, улоқни ҳам, шикорни ҳам қолдириб, бу ерлардан кўчиб кетишлари керак...

Соғинч хоним, чиройли ўйлаб қўйган орзуси амалга ошмаслигини билиб, хомуш тортди. Шахзода юпатиб деди:

– Подшо амри вожиб. Ўксунмангиз! Мажлисни Самарқандда ўзимизнинг Боғи Нақши жаҳонда, улоқни Кониғилда ўткарғойбиз, албатта ўткарғойбиз насиб этсун, маликам!

Қўшин билан уғруқ изма-из Қайсария томон йўлга чиқди. Қораҳисорга етай деганда кеч кириб қолди, бир ўрмонзорда тунашга фармон берилди. Қоровуллардан бошқа ҳамма ҳордиқ тараддудига тушди. Шахзоданинг чодирини марказда тикдилар.

Тонг қоронғусида негадир Мухаммад Султоннинг ороми бузилди. Соғинч хоним қараса, шавҳари тир-

сакларини тиззаларига тираганча бошини чангаллаб ўтирибди.

– Сиххатингиз тузукму, жоним шаҳзодам?.. Жавоб бўлмади.

– Ёмон туш кўрдингизму?.. – сўради яна Соғинч хоним.

Шаҳзода индамасди. Юраги хаприкқан малика дарҳол эрининг бошини ушлаган эди, сезилар-сезилмас титраётганидан, унинг каттиқ оғриётганини фаҳмлади.

– Бурним аралаш... пешонаминг таги... ёмон азоб бермакда, маликам... Бошимда оғир юк бор... тарс ёрилай дейди... – деди Муҳаммад Султон, ҳаво етишмаслигидан оғзини катта-катта очаркан.

Соғинч хоним йўлларда шавҳарининг чуқур-чуқур нафас олиб юрганларини эслади. Кўркиб кетганидан дарҳол мулозимни табибга юборди. Нохуш хабар тезда қўшинга ёйилди. Ҳамма безовта, бир-бирларига: «Худодан шифо тилайлик! Шифо тилайлик!» деб қўйишарди.

Соғинч хоним куннинг ҳам, туннинг ҳам қандай кечганини билмади. Тоғни толқон қилишга қодир соппа-соғ шаҳзодаси бирдан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бетобланиб, бошини ёстикдан ололмай ётганига ҳайрон... Бор-йўғи бир неча кун олдин бундок балолар йўқ эди. У ором олсин дея шаҳзоданинг бошини уқалай бошлайди, лекин беморга сира ёкмаганидан қўлини тортади. Шаҳзоданинг аъзои бадани зиркираб оғриётгани кўриниб туради.

– Жоним шаҳзодам!.. – деди энка-тинкаси қуриган малика, шаҳзоданинг киртайиб бораётган кўзларига тикилиб. – Жоним шаҳзодам... Нима бўлмакда ўзи? Нима қилай? Жонимни берайму?.. Олсунлар жонимни, олсунлар! Фақат соғайиб кетсунлар!..

Муҳаммад Султон маликага қаради ва кийнала-кийнала деди:

– Ҳолим... оғир... маликам... билмадим нега... бошим тош боғлаб қўйғондай оғир... тезроқ Самарқандга кетсайдик... ўлимдан кўркмаймен... лекин... сиздан айрилишдан кўрқамен...

– Вой, нималар деяптилар, шахзодам? – дили озорланди Соғинч хонимнинг. – Нега айрилар эканлар? Йўк, айрилмайдурлар! Ўзим ҳамиша ёнларидамен-ку!

Беморга кўп гапириш ҳам малол келарди. Малика табибдан дарднинг сабабини сўраганида, қисқагина: «Озроқ шамоллабдилар», – деб жавоб берди. Ё, фалак, шамоллашга шунчаму? Нимага шамоллар эканлар? Бу ерда қандайдир, маликанинг ақли етмайдиган сир бор...

– Шахзодам бир оз толиқдилар шекилли... – маликанинг ҳасрат ўтига сув сепишга тиришди Оққиз бегим. – Тездаёқ оёққа туриб кетадилар!

– Соғайиб кетадилар! – кўшилди Нигор оқа.

– Айтгонларингиз келсун, илоҳи! – йиғламсинди Соғинч хоним.

Хоника бону, Тотлибиби, Хон Султон оқа, Давлат Султон, Нигор оқа ва бошқа канизаклар ҳам ногаҳон ёприлган балога чора тополмай ҳар чет-ҳар четда йиғидан паноҳ излашар эди.

Табибларнинг саъй-ҳаракатлари-ю, муолажалардан бирор наф сезилмай, шахзоданинг дарди енгиллашиш ўрнига бадтар оғирлашиб бораётганидан шўрлик маликанинг юраги сиқилиб, телба бўлишига оз қолди. Маслаҳат олай деса, хонимойим ҳам, қайнонаси Хонзода хоним ҳам Султониядалар, барча маликалар ўша ёқда... Сохибқиронни безовта қилмаслик учун, шахзодам тезда соғайиб кетадилар, деган умидда малика аввал хабар бердирмади, лекин энди Амир Темурга шошилинич чоңар жўнатди.

Мухаммад Султоннинг уғруқи Қораҳисорга етганда, шахзода аҳволи бир оз яхшилангандай туюлди, бироқ кечга бориб дард яна қайталанди. Худди чеккасига бурав солинган кишидай азоб тортарди. Оқшаҳардан шитоб йўлга чиққан Амир Темур – Мухаммад Чуроға додхоҳ ва муаррих Низомиддин Шомийлар унга ҳамроҳ эдилар, пири муршид Мир Саййид Барака ҳам изма-из келаётганини айтдилар, – Қораҳисорга қадам қўйганда вақт пешиндан оққанди. Уни бир гуруҳ амирлар ва мулозимлар қаршилашди.

Соҳибқирон шаҳар ҳокимининг қасрида ётган наби-расини кўришга ошиқарди. Бораркан, шаҳзоданинг бетоб бўлишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмасди. Назарида, Муҳаммад Султондек паҳлавон йигитларни бу ёшда ҳар қандай дард четлаб ўтиши керак, бу ҳеч ақлга сиғмайди. Соҳибқирон Хитой сафаридан кейинок, салтанат жиловини валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонга тутқазмоқни ўйлаб қўйган. Худо хоҳласа, бу кунларга оз қолди.

Амир Темур бемор ётган хонага йўналганда, даҳлязда уни малика Соғинч хоним кутиб олди. Юзини ярим тўсган малика дарҳол таъзим билан эгилиб, Амир Темурни тавоф этди, чакмони этакларини ўпиб кўзларига суртди. Кейин ерга қараганча ортга чекинди ва ҳар қанча уринса ҳам бардоши нураб, ўзини тутолмай кўз ёшига эрк берди.

– Йиғламангиз.... Йиғидан худо сақласун, онақизим! – келинининг бошини силаркан, юпатди Амир Темур. – Шаҳзодамиз соғайиб кетадурлар!

Муҳаммад Султон саккиз қават кўрпа ташланган жойда ётарди. Кўрибок, бир пайтлар унинг отаси Жаҳонгир Мирзонинг бетобланиб Боғи Нақши жаҳонда шундай ўринда билинмай ётганини эслади. Юраги увишди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ ишораси билан беморни ўраб олган табиб ул-замон Мавлоно Фараж, бошқа бир неча табиблар Соҳибқиронга йўл бўшатдилар.

Амир Темур шаҳзодага қарадию... юраги орқасига тортиб кетди! Дабдурустдан танимади, шу, жойда ётган, озиб кичкина бўлиб қолган одамнинг кечагина гурсиллаб юрган, Бурсани олган, Измирни забт этган набираси эканига сира ишонмасди. Фақат унинг яшашга ташна катта-катта кўзлари, Муҳаммад Султонман, деб турарди. Шаҳзода каттик ҳаяжонланди, нимадир демоққа чоғландию, аммо сўзлаёлмади.

– Нима... гапирмай қўйдиму? – табибга синчков тикилди Соҳибқирон. – Қачондан бери?..

– Кечадан буён ўктам овозларини, муборак сўзларини эшитмак насиб этмади, Соҳибқирон ҳазрати олийлари... – бош эгди табиб.

Шаҳзоданинг тилдан қолганлигини билган Соҳибқироннинг кўзларига ёш қуюлиб келди.

– Ё Оллоҳ! – деб юборди. – Бу қандай кўргилик?..

– Бир мусахҳал¹ ичирдук, иншоолло, кор қилса... – деди бош табиб Мавлоно Фараж.

– Илоҳи, илоҳи! Қандай дардга чалинғон экан? – сўради Соҳибқирон ўзини ўнглаб.

– Олам шаҳзодасининг димоғига бухори² уриб, марази саръа³ пайдо бўлибдур... – жавоб қилди бош табиб. – Яъни муборак нафаслари мияга уриб кетмакда, ўша сабабли шамоллаш юз берибдур.

– Шундоқ ҳам дард бор эканму? – хайратланди Мухаммад Чуроға додхоҳ. – Парвардигорнинг ўзи шифосини берсун!

– Илоҳи, шаҳзодам дардлари ариб кетсун! – тилак билдирди Низомиддин Шомий.

Соҳибқирон буюрди:

– Кучли дору дармонлардан тобсунлар, табиб жаноблари!

– Бош устига!

Амир Темур бирпас шаҳзода қошида ўлтирди. Ногаҳонда хаёлига: «Набирамга кўз тегди шекилли!» деган фикр чакмоқдек урилди ва Жаҳонгир Мирзога атаб шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодийдан уч бурчак қора бахмал тумор қилдириб келганини ва ўғлига, бу туморни хамиша юрагингизга яқин ерга тақиб юрингиз, инс-жинслардан асрасун, деб тайинлаганини эслади. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин туморни Хонзода хоним Мухаммад Султоннинг бўйнига осиб қўйганди. Ана, валиахд шаҳзода бўйнида ўша тилла занжирли тумор...

Рост, кейинги пайтларда кўзга яқин шаҳзода Мухаммад Султоннинг довуғи ортгандан ортди. Зукко, жасоратли баҳодир, душманларга шафқатсиз, довюрак жангчи, улуғ бобосидай адолатпарвар, ўз сўзининг эгаси. Ашпарадаги бунёдкорлик ишла-

¹ Мусахҳал – дори, малхам.

² Бухор – буг; бу ерда нафас маъносида (*араб*)

³ Саръ – ҳушсизлик, тутқапоқ касали (*араб*)

ри, Самарқанд забтида қолиши, Хулокухон тахтини эгаллаши ҳаммининг оғзида. Мана энди Рум фатхномаси унинг номига ёзилиб турибди... Ё кўзиккандай бўлдим... Ҳамма нарсани меёрида сақлашга тиришадиган Соҳибқирон шахзодага бўлган меҳрини беихтиёр жиловлай олмай қолдимикин? У Жаҳонгир Мирзо воқеасидан сўнг, фарзандлари билан ғурурланишни фақат ичида сақлашга, бировга билдирмасликка, авомуннос олдида кўз-кўз қилмасликка ваъда берган эди-ку? Соҳибқирон яна кўнглибўшлик қилиб қўйдимикин?..

Соҳибқирон ичида ўз-ўзини койиди, аммо надомат фурсати эмасди. У хали олдинда дахшатли ходиса кутиб турганини, хайхот, билмасди! Беморни маофага солиб Оқшаҳар сари йўлга чиқар экан, мулозимга буюрди:

– Тезда Бурсадан, Кўниядан, Қайсариядан энг машҳур хозику табибларни Оқшаҳарда йиғсунлар! Шаҳзодам хасталиги борасинда кенгаш ўтказсунлар! Шифо топилғай, иншооллоҳ! Кейин фурсатни ўтказмай Самарқандга жўнарбиз...

Шу палла Испартадан Шохрух Мирзо келганини маълум қилдилар.

– Шохрух Мирзо?..

– Валинеъмат Соҳибқирон! Икки кун аввал бир сипоҳимиз Қораҳисордан ўтаётиб, валиаҳд шахзода бетоблиги ва ўзларининг Оқшаҳардан шитоб бу ерга отланаётгонлари ҳақида хабарни эшитибди... – деди юкуниб Шохрух Мирзо. – Жойимда ўлтиролмай қолдим ва ижозатсиз йўлга чиқдим... Узр. Кўл-хисор, Останус, Кабгар, ундан кейин Испартани забт этдик, Амир Соҳибқирон!

– Келгонинг яхши бўлибди, нуридийдам! Валиаҳд шахзоданиннг бундоғ хасталанишини ким ҳам хаёлига келтирибди?..

– Оллоҳ шифосини берсун!

Аммо... тақдир азал ҳукми ўзгача эди. Қораҳисордан уч манзил ўтганда, хижрий саккиз юз беш¹-да қўй йили, шаъбон ойининг ўн саккизида душанба

¹ Милодий 1403 йил 13 март.

куни, ҳеч ким кутмаган, етти ухлаб тушига кирмаган мудҳиш ҳодиса рўй берди: сихҳати тобора ёмонлашган, аҳволи оғирлашган валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон Амир Темур қўлида бобоси юрагини вайрон қилиб, жон омонатини ўз эгасига тошширди...

Амир Темур ўзини қайга қўйишни билмай қолди, гўё бошига осмон тўнқарилиб тушди! Эҳ, Бибихоним ёнида бўлганда-ку, дарҳол яхши сўзлар тошиб айтар, юнатар эди, у Султонияда-да.

Халигина бор набираси, валиаҳди, суянган тоғи энди йўқ! Идрок бу зил-замбил ҳақиқатни тан олишни истамасди. Эй парвардигор! Ахир, валиаҳд Соҳибқирондан сўнг салтанатни бошқариши лозим эди-ку! Энди ким бошқаради?..

Жаҳонгирнинг сабру қарори қўлдан кетди. Кўнглининг аллақарида, бсихтиёр Темурийлар сулоласининг, улуғ Турон салтанатининг келажаги барбод бўлгандек туюлди... Ногаҳоний бу даҳшатли фикр юрагини музлатиб юборди. Наҳотки?.. У дунёда туркларнинг бошини бир жойга қовуштирамакчиди. Токи бугун олам туркники бўлсун! Бутун умрини, кучини, саъй-ҳаракатини шу мақсадга бахшида этди. Жанубда Ҳиндистону машрикда то Хитой сарҳадигача, мағрибда Рум, то Европа сарҳадигача, шимолда Московиягача ақлининг зўри, қиличининг кучи бирлан Турон салтанатига бирлаштирди. Уни жаҳон шахзодаси валиаҳд Муҳаммад Султон илгига тошширмакчиди... Во ҳасрато!..

Шохрух Мирзо падари бузруквори Соҳибқироннинг ҳолсизланаётганини кўриб, дарҳол унинг қўлтиғига кирди ва ўзининг кучли қўллари билан падари бузрукворини қучоқлаб олди.

– Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқирон!.. Падари бузрукворим! Ўзларини бардам тутсунлар! Оллоҳнинг буюрғони!.. Каминанинг ҳам ишонғон тоғи эрди шахзодам, оғам!

Амир Темур ўғлининг елкасига суянаркан, унга бир оз қувват ингандай бўлди ва оҳиста деди:

– Шунисига ҳам шукр, Оллоҳим...

Бағри увалган Низомиддин Шомий Улуғ Амир-

нинг саботу бардоши заифлашиб бораётганини, кўзларидан қуйилган ёш юзларини юваркан, нуруний соқолидан оқиб пастга тушаётганини кўриб турарди. Муаррих назарида, бу томаётган аччиқ кўз ёшлари бешак-шубха ер бағрини ҳам ўйиб-ўйиб кетмоқда эди.

– Ахир йигит кишига қирқ ёшгача ўлим йўқ эди-ку? – деб юборди Соҳибқирон. – Не-не мамлакатларни мусаххар этгон, музаффар жаҳонгир, не-не гарданкашлар бўйин эгган қудратли подшоҳ, Турон султони эмас, йўқ, йўқ, илгидан ҳеч нарса келмайдургон, биргина набирасини ҳам сақлаб қололмайдургон ожиз бандалигимни яна ёдимга солдингму, эй Оллоҳим?..

Шу палла чарх урганча пири муршид Мир Саййид Барака мулозаматга етишди. У таъзия билдираркан, бошидан салласини олиб нолалар қилди. Сўнг муршиду мурид кучоқлашишиб, бир-бирининг елкаларига бош қўйишиб, бир-бирига суянишиб зор-зор йиғладилар. Соҳибқирон нуқул: «Эккан ниҳолим эрди... Эккан ниҳолим эрди...» – сўзларини такрорларди. Уларга қараб Шохрух Мирзо ҳам, Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳам, бошқа мулозимлар ҳам янгидан йиғига тушдилар.

Бир оз диллар таскин топди. Пири муршид овунч сўзларини изларкан, оҳиста Соҳибқироннинг елкаларини силади:

– Эй Соҳибқирони покэътикод! Жондан азиз жигарим... Йигит ўғлининг жавонлиқда фоний саройдан боқий оламга кетганидан кўнгуллар малулу паришондур, ки бу андуҳнинг хадди кўринмайдур. – деди у. – На чора, ҳар бир чошгоҳнинг шоми бор. Қазо ва қадар ҳукмига қалқон қани? Сабр-тоқат айласунлар. Ёлғиз Оллоҳ ёрдами билангина сабр қилишга қодир бўлурсиз, дейилган Қуръони қаримда. Билурлар, Оллоҳ тақводор ва чиройли амаллар соҳиблари билан биргадир... Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!

– Раббоний тақдир ҳукмига бўйин эгмай илож қанча, Амир Соҳибқирон? – сўз қўшди Низомид-

дин Шомий. – Машъум воқеа сабабидин олам андухлари дилларда шундай гирихлар боғладики, улар энди ҳеч қачон ёзилмайдур... Ақлли киши ҳар вақт ибрат кўзи билан боқса, бу мункиллаган кампир-дунёнинг муҳаббатига боғланиб ўлтирмайдур, бу бевафо келин-дунё гўзалининг беқарор ваъдаларига дил бермайдур. Ахир у ҳар кеча биттасининг кучоғига садоқат соҳибасидай отиладур, ва ҳар куни биттасининг муҳр ҳалқасини қулоғига тақадур...

– Ҳадисларда сабр ҳам мусибатга яраша берилур, дейилгон... – сўз қўшди яна пири муршид.

Йиғидан кўзлари қизарган Муҳаммад Чуроға додхоҳ илтижо қилди:

– Ўзларини қўлга олсунлар, жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон!..

Додхоҳ шундай дедию, бирдан хаёлидан, чақмоқдай йигит Муҳаммад Султоннинг овқатига кимдир захар қўшиб қўймадимикни, деган фикр ўтди. Лекин чунон ўйласа ҳам, илло-билло, бунга бир асос ёки сабаб топа олмади, кимдан гумон қилиш мумкинлигини билмади.

– Ёнингизда бормен, Амир Соҳибқирон! – йиғламсиради Шохрух Мирзо, падари бузруквори ёнидан нари жилмай. – Бардам бўлсунлар!

Соҳибқирон ҳеч нарса демади, аниқроғи, демакка холсиз эди. Кўнглининг тубида даҳшатли ҳақиқат – кутилмаганда ёприлган балони, фалокатни барта раф этишнинг сира иложи йўқлиги аён бўлди: энди Муҳаммад Султон қайтиб келмайди! Бу палла теварак атрофдан, узоқ-яқин мавзелардан таъзияга ошиққан содоту¹ ақобир, уламо ва машойихлар оқими давом этарди.

Борлиқни мотам чулғади, шаҳзоданинг қора кийишган беклари ва мулозимлари ёқалари чок фарёд қилишади. Сочлари ёйилган маликаю канизаклар эса, гоҳ қора кигиз ёпинишиб, гоҳ эса бошларига тупроқ сочишиб, соябонини йўқотган бечора етимлар мисоли фиғон чекадилар. Ҳар ким ўз ғами билан ўзи овора...

1 Содот – саййидлар(араб)

Шўрлик малика Софинч хонимнинг эси оғиб қолди. Кўнгилларидаги ғусса залворидан қаддилари букилган Оққиз бегим билан Нигор оқалар хушидан кетган, ўзини билмай ётган малика атрофида куй-маланишади.

– Вой, айланайин-а, маликам жоним-а!.. – дерди Оққиз бегим.

– Кўзингизни очингиз, маликам! Қўрқитмангиз! – ёлборарди Нигор оқа.

Софинч хоним гоҳида ўзига келар, сўнг яна беҳудлик уни забтга олар, шўрлик тамоман бу оламдан чиқиб кетгандай бўларди.

– Бошга тушғонни кўз кўрғай... – деди Амир Темур босиқ, – Ўлим қисмати шохга ҳам, гадога ҳам, омийга ҳам, шарифга ҳам, олийга ҳам, аднога ҳам бирдек жорий турур. Барчамиз Оллоҳга тегишлидурбиз ва унга қайтажакбиз...

Суюкли дилпорасидан жудолик изтироби қаттиқ исканжага олганига қарамай, Соҳибқирон тобу тоқат, матонат мақомида собит турарди. Бир тарафда ўзга шахарлардан етиб келган беклар, амирлар, лашкарбошилар, аёну акобирлар, юрт эгалари, бошқа тарафда саф тортган Муҳаммад Султон чериги кўзга ташланарди. Барча қорага бурканган, ҳатто оқ от минганлар дарҳол отни қорасига алмаштириб олардилар.

– Мамат! Шаҳзода наъшини тобутга солсунлар ва Султонияга элтсунлар... – Бу сўзларни айтиш Амир Темурга жуда оғир эди, у кўзда ёшини кўргизмай тоғдай сабот билан сўзини давом этдирди: – Икки юз киши кузатиб борсун. Қидвор пайғамбар мазорига омонат қўйсунлар, ундан Самарқандга йибарғайбиз... Лекин, Мамат, назорат қилғил, бу воқсани Бибиға, айниқса, шахзодамнинг волидаси... Хонзода хонимга, барча хонимлару оқаларга билдирмай турсунлар. Заифалар бунга чидай олмайдулар. Уларга тезроқ алоҳида чоғар йибарилсун, ки барчаси Арзирум яқинидаги Авник қалъасига йўл олсунлар. Ўша ерда дийлорлашғойбиз. Уқдингму?

– Уқдим, Амир Соҳибқирон! – деди Муҳаммад

Чуроға додхох. У «шахзодамнинг волидаси» деган сўзларни айтганда, ҳазратнинг тўлиқиб кетганидан йиғлаб юборишига сал қолганини сезди.

– Мамат! Мен шундай кунларни орзу қилғонмидим? На чора... Худо ҳақ. Номдор меъмору муҳандислар Самарқандга чорлансун ва шахзодамнинг хонақоҳлари ёнинда макбара бино этсунлар, набирамни ўша ерга қўйғойбиз. Уқдингму?

– Уқдим!

– Агар раво кўрсалар... – деди Шохрух Мирзо сўзга қўшилиб. – Уфрукни Султонияга камина кузатиб борсам...

Амир Темур ўйга ботганча оҳиста мўлтираб қараб турган ўғлига тикилди ва деди:

– Йўқ... сен ёнимда бўлғил... Умримнинг қишида ишонишим, суянишим мумкин бўлғон ёлғиз ўғлимсен энди...

Шохрух Мирзо бу гапнинг мағзини чақишга уринарди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин, соғайиб оёққа турган Соғинч хоним, ҳар қанча уни қайтармасинлар, Қораҳисорда қололмаслигини, бутун канизакларини эргаштириб шахзодасининг тобути изидан Султонияга жўнайман, деб туриб олди. Бу қадамни Оққиз бегим қўллаб-қувватлади, чунки йўл билан овуниб бечора малика дардини сал унутади-да.

– Айланаин-а, киргиттон... Султонияга бораман, деб тўғри ўйлабдилар. Вой худо, маликам Хонзода хонимга қийин бўлди-да... Шундай мусибатлар ҳам бор экан-а! – ичи ёниб кетди Оққиз бегимнинг. – Уларнинг ёнларида туришим лозим. Хали шўрлик маликам, ўвилларининг тобутини кўриб қандай аҳволга тушар эканлар, худо ўзи асрасун! Ишқилиб йиқилиб қолмасалар бас... Сиз маликам жонимнинг ўзларини ҳам ёлғиз юборолмайман. Бирга бораман.

– Умрингиз узоқ бўлсун, холажон. – деди бехол Соғинч хоним. У бирдан Қорабоғда шахзода машваратга кетганида, заррин қопқоқли сандикдан Қуръоннинг кўчирилган нусхасини олганини эслади. Ўшанда «Ёсин»нинг эллик бешинчи-эллик саккизин-

чи оятларида, жаннат эгалари ўз жуфтлари билан бирга, орзу қилган ишларидан мамнун, барча соя-салқин жойлардаги сўриларда яйраб ўлтиришлари, улар учун ҳар турли мева-чева хозирлиги, уларга Парвардигор томонидан салом айтилиши иноят қилинмиш эди. Соғинч хоним фоний дунёдаги умрини битириб, боқий дунёга кадам қўйганларида, шахзодаси билан иккиси бирга, – бешак-шубҳа! – жаннатга тушишларини, аҳли иймон ва тақво қаторида соя-салқин жойлардаги сўриларда ястаниб ўлтиришларини, парвардигор томонидан айтилажак саломга биргалашиб алик олиш насиб этишини орзулаганди... Энди шахзодаси ўлиmidан кейин Соғинч хонимга ҳам бу дунёда иш қолмади, у ҳам шахзодаси ёнига борсун, бирга жаннатни кезсунлар...

Шундай хаёлларга мустағриқ ҳолда турганда, Соғинч хоним кутмаган ходиса юз берди. Оққиз бегим бирдан ёнидан тилла занжирли уч бурчак қора бахмал тумор олди ва уни маликага узатди. У тумор тарихидан хабардор эди.

– Вой! – деб юборди Соғинч хоним аллақандай хайратда. – Шахзодамнинг тумори-ку!?

– Ҳа... Кафанга солишдан аввал Ахий Жаббор амакинғиз ювибдилар-да... Туморни чўнтагига солиб қўйибдилар. Сизга топширишимни тайинладилар. Хонзода хоним маликам унда калимаи шаҳодат ёзилган дердилар... Ўша тумор.

Соғинч хонимга худди Муҳаммад Султон ўлмаган, тирикдай, ундан бир хабар келгандай бўлди, кўзларида умид учқунлари чакнади. Гўё шавҳари тумор тили билан: «Бу дунёни тарк этишни ўйламанғиз! Энди менинг учун ҳам яшашинғиз керак!» дегандай туюлиб кетди. Дарҳол туморни қўлга олиб ўпиб, кўзларига суртди-да кўксига босди:

– Шахзодамдан қолғон ёдгорим... – деди ва бирдан тўлиқди, аммо ўзини тутди: – Ҳа-а... ёдгорим бу! Ўзим уни бўйнимга тақиб оламен! Ундан ҳамиша олам шахзодасининг иси келиб турадур... шахзодамнинг иси... иси...

Телбасифат бўлиб қолган малика қўлида туморни

силаб-сийпалаганча ўзича нималардир дер, кулар, у ёқдан-бу ёққа юрарди, уни кузатиб турган Оккиз бегим ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Уфрукқа шахзода вафотидан сўнг бир-бирига энг яқин дугоналарга айланиб қолишган кундошлар ҳам кўшилишди. Ахий Жаббор баҳодир ўз фавжи билан олдинда борарди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

I

Ангора ёнида Турон султони Амир Темурнинг Фарб дунёсига даҳшат солиб турган Рум қайсари Йилдирим Боязид устидан қозонган ғалабаси доврўғи бутун Европага ёйилди ва Соҳибкирон обрўйини оширгандан ошириб юборди. Жаҳон хали бундай улуғ музаффариятни кўрмаганди. Ўз вақтида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон кўнглида ҳам Россияни босиб олиш, Атилланинг изидан Европага юришлар қилиш нияти бор эди. Бирок у милодий 1395 йилда Тарак дарёси бўйида Амир Темур кўшини томонидан тор-мор этилди, Россия ҳам, Европа ҳам енгил нафас олди. Рум қайсарининг мағлубияти эса Амир Темурнинг улуғ саркарда эканини оламга яққол намойиш этди. Бордю Йилдирим Боязид Европага тажовуз қилиб қолса ҳеч бир қирол, ҳатто улар бирлашганларида ҳам унга бас келолмаслигини Фарбда ҳамма яхши тушунарди.

Европа мамлакатлари қироллари саройларида, олий доираларда, киборлар давраларида, асилзодалар салонларида, рицарлар орасида Мағрибу Манриқ иқлимларига алғов-далғов солган бу воқеага ҳайрат билан қарашар, ҳамма жойда суҳбат мавзуси айланиб Ангора муҳорабасига, Соҳибкироннинг улкан ғалабасига келиб тақаларди. Барча бир-бирини бало-қазодан омон қолгани билан қутлар, лекин кўнгилларининг бир четида, енгилмас хисобланган Йилдирим Боязиддай ҳукмдорни ҳам мағлуб этган қудратли подшо энди ғолибона юришини давом этдирмасмикин, Европанинг ўзига бостириб ки-

риб ҳамма мамлакатларга хавф солмасмикин, деган кўрқув яширинганди. Бунинг олдини олмоқ қаттиқ заруратга айланганини чуқур англашган қироллар ўртасида бўзчининг моксидай элчиларнинг «бордикелди»лари тезлашиб кетди.

Европа қироллари ичида гарчи Ангора жангидан аввал ҳам Турон салтанати билан алоқа боғлашга интилганлари бор эса-да, бундайлар асосан Йилдирим Боязид мағлубиятидан сўнг кўпая бошлади. Улар, бирор мартабага эришган одамни, гарчи уни танимаса-да, бошқалар қатори мен ҳам бориб табриклар кўяй, балодан хазар, кейин фойдаси тегиб қолар ахир, тагин, нега ҳамма ташриф буюрди-ю бу одамнинг қораси кўринмади, деб юрмасин, қабилда ҳадиксираган кишига ўхшардилар. Ҳар бир ҳукмдор ёки арбоб музаффар Амир Темур билан яқин бўлишга, унинг юксак эътиборини қозонишга, олий раёйга қараб иш тутишга тиришар, элчилар йўллар, совға-саломлар юборар, Соҳибқирон шаъни шарафланган мактублар битарди. Қироллар бир-бирини кузатиб туришар экан, олма олмадан ранг олади, деганларидай Европа халоскорига айланган Турон султониға мулозаматларда ортда қолмасликка ҳаракат қилишарди.

Византия императори ноиби Иоанн Палеолог, Рим папаси Бонифаций IX, Генуя ва Венеция дождлари, Генуянинг Галатадаги ноиби, доминикан миссонерлари, Трабзон императори барча-барчаси ҳаракатни кучайтириб юбордилар. Ҳатто ҳали Ангора муҳорабаси бошланмай туриб, Византия императори ноиби: «Константинопол ва Пери ҳукуматлари шу пайтгача Боязидга тўлаб турган божларни бундан буён улуғ сенйор Темурбекка беришни истайди,» – деб айтишга журъат этиб, Йилдирим Боязид элчисининг оғзини очиб кўйганди.

Жаҳон уфқида Шарқдан чиққан хаёлий андозаларға мос келадиган, золиму зўравонлар додини бера оладиган, буюк қудратға эга, жозибаси бағоят кучли енгилмас паҳлавон ва ёвқур қаҳрамон сиймоси пайдо бўлди.

Франция қироли Карл VI де Валуа Ватикан вакили, Султония архиепископи сермулоҳаза Иоанн роҳибни Амир Темур хузурига элчи мақомида жўнатганидан хабар топган Англия қироли Генрих IV Ланкастер ҳам дарҳол Амир Темурга жавоб мактубини юборишга жаҳд қилди.

«Худонинг инояти бирлан Англия ва Франция қироли, Ирландия ҳукмдори Генрих Тўртинчи, худонинг азиз ва ардоқли бандаси, қадрли дўстимиз, улуг ва қудратли подшоҳ Темурбекка кўпдан-кўп саломлар йўллайдур, худо уни ўз паноҳида асрашини тилайдур.» – деб бошланган эди мактуб. Унда ўзаро алоқалар доирасини тобора кенгайтириш, савдогарларнинг борди-келдиларини тиклаш, уларнинг ҳар икки мамлакатда ҳам хавф-хатарсиз, эмин-эркин юра олишларига шароитлар яратиш ҳақида сўз борган ва бу сўзлар «улуғ ҳукмдорга нисбатан дўстлик белгиси тариқасида айтилгани» алоҳида урғуланган эди. Сўнг мактубда шундай дейилганди:

«...Ишончингизга сазовор ул архиепископ сўзларини эшитиб, сизга бўлган дўстлигимизни яна бир марта дилдан туйдик. Ҳоланки, биз ҳали сизнинг бу марҳаматингизга ярашиглиқ иш қилгонимизча йўқ... Тангрининг мадади ила урушга кириб, сизнинг ва бизнинг душманимиз Йилдирим Боязидни ҳамда унинг қудратли давлатини тор-мор қилгонингизни эшитиб, қалбларимиз нурга тўлди, улкан шодликдан бошимиз осмонга етди. Тасанноларки, худонинг иродаси бирлан подшолар ҳукм юргизгайлар, музаффарлар номи шон-шарафларга буркангай, қиролликлар ҳудудлари кенгайгай. Ўзларига гойибдан зафар ато айлагон парвардигорнинг муборак номини ҳамиша ёдимизда тутайлик...»

Рим папасининг ишонган одами, бир неча тилда гаплаша оладиган Султония марҳасияси Иоанн роҳиб миллатини ҳеч ким билмасди. Доно, зукко, билимдон ва зийрак бу кишини биров италиялик дер, бошқаси инглиз ҳисоблар, яна бири унинг француз эканига ишончли далиллар топарди. Уни

насроний миссионерлар ҳомийси деб аташар, айна пайтда Амир Темурга содиқ киши сифатида тан олишарди. Йилдирим Боязиднинг тажовузи хавфи туғилишидан анча олдин Европа қироллари Рим папаси билан кенгашган ҳолда Амир Темур саройига йўл изладилар ва элчиликка Иоанн роҳибни муносиб кўрдилар. Иоанн роҳиб Султонияда яшар, у бутун Шарқ архиепископи ҳисобланарди. Унинг Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳ Мирзо билан яхши муносабатларда экани ҳам назардан қочгани йўқ, албатта.

Амир Темур Иоанн роҳибни ҳурмат қилар, унинг босиқлиги, теран фикр юритиши, керакли гапнигина гапириши, узокни кўра олиши каби фазилатлари Соҳибқиронга хуш ёқарди. Вазифаси Султонияда яшашини тақозо этса ҳам, кейинги пайтларда у шаҳарга йўли кам тушар, гоҳ Қайсария-ю Ангорада, гоҳ Парижу Лондонда, гоҳ Генуя-ю Венецияда, дам ўтмай Ватиканда пайдо бўлар, ҳамма ерда хушхабар келтиргувчи элчи мақомида, олий мартабали меҳмон сифатида эхтиром билан кутиб олинар, унга эшиклар очиқ эди. Франция кироли ҳам, Англия кироли ҳам, Турон султони ҳам ўзаро мактуб юборсалар, у ҳақда, ул киши бизнинг мамлакатимиз, ҳозирги аҳволимиз, сизлар билан дўстлигимиз ва иттифоқимиз, сизнинг одамларингизга ҳурмат-эътиборимиз борасида айтиб бергайлар, ул зот ҳам сизнинг, ҳам бизнинг одами-миз, ишончли вакилимиздур, каби ёки шунга яқин сўзларни битишарди. Оқил кишилар ҳали ҳануз унинг шундай мартабага қандай эришганини, қандай қилиб бир элчи бир пайтнинг ўзида икки тарафнинг ҳам «ўз одами» бўлганини билолмай таажжубга тушиб келади.

Соҳибқирон Авник қалъасига кирганда, Европа сафаридан қайтган Иоанн роҳиб уни кутиб турганини айтдилар. Муҳаммад Чуроға додхоҳ дарҳол унинг ёнига борди:

– Хуш келибдилар, элчи жаноблари! – деди у. – Амир Соҳибқирон йўлда чандон толиқдилар, озгина

истироҳат лозимдур, сўнг хузурларига кириш мумкин бўлур..

– Миннатдорман, миннатдорман! – таъзим қилди роҳиб.

Эртасига пешин намозидан кейингина додхоҳ роҳибни шоҳчодирга бошлаб кирди.

Иоанн роҳиб ўрта бўйли, очик чехрали, юзлари кизил, чаккасоқол қўйган, шопмўйлов, иягининг учгинасида калта соқоли попишакнинг тожидай тўп бўлиб алоҳида кўриниб турган, сочу соқолининг оқлиги ўзига ярашган олтмиш ёшлардаги одам эди. У кирибоқ тахт пойида тиз чўкди:

– Ассалому алайкум, Амир Соҳибқирон! Валиаҳд шаҳзода вафот этибдурлар... Нечоғлик афсус! Афсус... Эшитиб юракларимиз эзилди... Таъзиямизни қабул қилсунлар.

Амир Темур индамади ва бу мавзуда гапиришни истамайман, дегандай, бошини бир тебратиб қўйди холос.

Роҳиб билан додхоҳ тахтнинг икки ёнида чўкка тушдилар.

– Менинг ўғилларим соғ-саломат юришибдиму? – сўради Амир Темур хотиржам. У Европа қироллари хақида сўрамоқда эди.

– Соғ-саломат юришибди... – деди элчи қўлини кўксига қўйиб. – Барчаси сиз улуғ ҳукмдорга дуои салом йўлладилар ва ўз мактубларини бериб юбордилар.

– Фаранг ёқларда вазият нечук?

– Бутун Европа аҳли ўзларидан бениҳоя миннатдордур, Амир Соҳибқирон! Францияда, Англияда, Дониёда, Венгрияда бўлдим, Грецияга. Италиёга ўтдим. Ҳамма элда байрам, шодиёналар авжидадур. Ёприлиб, янчиб ташлайман, барчангизни кулга айлантираман, деб турган бало-офатни бартараф этдилар ахир! Ҳамманинг тилида: «Халоскоримиз Соҳибқирон Амир Темур дунё тургунча турсун!» деган дуолар эшитиладур! Шу қадар қудратли эканларки, бир эмас, неча-неча давлатларга соябон бўлдилар, Европадаги не-не кишварларни душмандан омон сақлаб, асраб қолдилар, дея хайратдалар...

– Амир Соҳибқироннинг босган қадамлари ҳамиша хосиятли, роҳиб жаноблари! – сўзга қўшилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўпдан ўйлаб юрган фикрини айтиш фурсати келганидан фойдаланиб қолиш ниятида. – Қарангиз: Жетага беш марта юриш қилдилар, Хитойда Мин сулоласини мўғуллар зулмидан қутқардилар. Тўхтамишхонни чил-парчин этдиларда, Московияни, Русни Олтин Ўрда қарамлигидан ихрож айладилар. Мана энди Йилдирим Боязидни энгиб Европани халос этиб турибдилар...

– Офарин! Офарин, Амир Соҳибқирон! Филҳак, рост! Ўзлари парвардигор ярлақан ва сийлаган улуғ ҳукмдорлар! Ҳазратларини худонинг ўзи ҳаммамизнинг бахтимизга яратган экан! Бунга шубҳа йўқ! Тарихда ўзларига ўхшаган улуғ зотни кўрмайдурман. Ҳозир Европада, худо етказган халоскорим деб, ҳақингизга дуолар айламаган бирон бир кас учрамайдур, дейишга журъат этаман! Франция қироли Карл VI де Валуа жаноби олийлари айнан шу сўзларни айтиб юбордилар. Ул зот, Константинополнинг шундок ёнгинасида жойлашган бизнинг хомийлигимиздаги генуяликлар колонияси Галата музофотининг ҳам душман таҳдидларидан қутулгани учун ўз миннатдорликларини етказишимизни алоҳида таъкидладилар. – деди суҳбат қизиётганидан мамнунлигини яширмай роҳиб. – Ул олий зотнинг ажойиб орзулари бор...

– Қандай орзу экан? Биздан кўмак керакму?.. – сўради Амир Темур.

– Йўқ, йўқ! Улуғ кўмакни аллақачон бериб қўйдилар-ку. Барчасига оталари қилмаган яхшиликни қилдилар-ку, Амир Соҳибқирон! Сиздан фақат ризолик... – жилмайишга тиришди роҳиб. – Халоскоримиз Амир Темур ҳазратларининг олтиндан ишланган ҳайкалини қуйдирсам ва султонлар султони, паҳлавонлар паҳлавони, қаҳрамонлар қаҳрамони тимсоли сифатида ўз қасримнинг кўркам жойига ўрнатсам, улуғ ҳукмдорга беадад эҳтиромимиз белгиси бўлур эрди, дейдилар Франция қироли...

Амир Темур завқ билан гапираётган роҳибнинг

иягидаги гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилаётган тўпгина оп-поқ соқолига қараркан, ҳеч нарса демади. Орага бир оз жимлик чўқди.

– Қани... қирол ўғлимнинг мактубини ўқиб берсунлар-чи!

Роҳиб яна кўп мактов сўзларини айтмоқни ўйлаб қўйганди, лекин Амир Темурнинг бундай гапларга раъйи йўқлигини кўриб, ўзини тийди.

– Жоним омода, Амир Соҳибқирон! – деди у ва дарҳол мактубни олди-да ўқий бошлади:

«Карл Олтинчи, яратганнинг марҳамати билан, франклар қироллиги, пурқудрат ва музаффар, шавкатли хоқон Темурбек ҳазрати олийларига ўзининг қуюқ саломларини йўллайдир ва эмну омонликлар тилаб қоладур.

Улуғ ҳукмдор, агар дасту узун қироллар, номдор подшоҳлар ўзларининг диний қарашлари, забонлари айрича эканидан қатъи назар ўзаро хоҳиш билдириб иттифоқ бўлсалар, дўсту ошно тутунсалар, бу қонунга ҳам, эътиқодга ҳам, идрокка ҳам зид эмасдур, бинобарин шу туфайли уларнинг тобеъин фуқаролари тинч-осойишта ва дориломон ҳаёт кечирурлар эди.

Музаффар ҳукмдор Соҳибқирон жаноби олийлари, бутун Шарқ архиепископи Иоанн роҳиб орқали бизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилаб ёзган, давлатимиз шукуҳи, мамлакатимиз аҳволи ҳақида сўраб-суриштирилган номангизни оларканмиз, ундан парвардигорнинг инояти билан душманимиз Йилдирим Боязид устидан зафар қучганингизни билиб бағоят қувондик; бундай номалар бизга биргина завқ бағишлаб қолмайдур, боз устига айни муддаодурки, Сиз ҳазрати олийларига маъқул бўлгандек, бизнинг ва ўзга насроний давлатларнинг савдогарлари сизнинг фуқароларингиз билан бақамти-баҳамжиҳат савдо-сотик қилсалар, ўз молларини хавф-хатарсиз элтиб айирбошлаш имкониятини қўлга киритсалар ҳамда тасарруфингиздаги ерларда тижорат йўсинида эмин-эркин юрсалар, инчунин

бари учун чексиз миннатдорлигимизни, ташаккуримизни қабул айлашлар ва ўз навбатида сизнинг фуқароларингиз бизнинг музофотларга келсалар, хавф-хатарсиз ўз савдо-сотиклари билан машғул бўлсалар, дер эдик...

Бу ҳақда ва яна бошқа кўп нарсалар борасида ўртадаги элчимиз Иоанн роҳибнинг ўз оғзидан ҳам эшитгайлар. Ва ниҳоят, Сиз жаноби олийларининг ўз қўл остингиздаги юртларда яшаётган насроний мазҳабга мансуб фуқароларга қилган мурувватлари учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз. Биз Сиз ҳазратларининг фуқароларига, насиб этса, ўшандай, балки ундан ҳам ортиқ меҳрибончилик кўрсатишга тайёрлигимизни билдиргаймиз.

Нома милодий 1403 йилнинг 15 июнида Париж шаҳрида битилди.»

Шоҳчодирга бир муддат жимлик чўкди. Гўё барча мактуб мағзини чақиш билан андармон эди.

– Ҳа, ҳақ гапни ёзибдур, ўғлимиз.... – деди Амир Темур. – Олам савдогар-тожирларнинг захматлари билан ободдур!

Соҳибқирон шундай деди-ю, лекин хаёли бошқа ёқда эди. Унинг кўнгли увишиб турар, чунки қоролулар, Табриздан йўлга чиққан маликалар уғруки кеча Ван кўлидан ўтганининг хабарини етказдилар. У Сароймулкхоним ва Хонзода хонимларга дуч келишдан юраги безиллаб турарди. Муҳаммад Султонни уларнинг бири тўққиз ой, тўққиз кун бағрида асраб-авайлаб дунёга келтирган, иккинчиси узун кечаларни бир-бирига улаб, ором билмай тарбиялаб вояга етказган... Шаҳзодамизни топиб берингиз, деб фарёд қилишса, қандай жавоб беради?

Хумоюн ўрдудан хонимлар ва оқаларнинг Арзирум яқинидаги уғруки Авник қалъасига йўналсун, деган фармон олинганда Сароймулкхоним билан Хонзода хоним ўзларини қаерга қўйишни билмас даражада қувониб кетдилар. Сароймулкхоним Соҳибқиронни қаттиқ соғинганини дилдан туярди. Қорабоғдан бери, ҳали унда Ангора уруши юз бер-

маганди, то хануз кўришганлари йўқ. Ўшанда Амир Темур катта малика, бошқа хотинлар, шахзодалар харамлари ва набира-чеваралари – Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон, Муҳаммад Жаҳонгир, Ийжал, Бойсунғур, Суюрғатмишларни Қорабоғдан кузатар экан, тайинлади:

– Ёзда Табризда турингиз, кузда Султонияга борингизлар!

Сароймулкхоним хурсанд эди, табиийки, унинг қувончи бошқаларга ҳам ўтди. У Соҳибқирон билан кўришгандада қандай кийимларда бўлиши керак, шу ҳақда ўйларди. Маликанинг хушбичим қадди камолини бўрттириб кўрсатадиган, сириб кийилган тўқжигарранг авра кимхоб тўн Амир Темурга хуш ёқарди. Агар унинг ичидан томоғигача уч тугма қадалган бурма ёқали нафис пистамағизранг кўйлагини кийса борми, ёш қизлардай бўлади қолади. Илк бор кийиб чиққанда, Соҳибқирон тикилиб қараб: «Жуда ярашибди!» – деб кўйганлари катта маликанинг эсида.

Хонзода хоним ўзини бахтиёр сезарди, ахир у Авникда Соҳибқиронни зиёрат этади ва ўғиллари Муҳаммад Султон, Халил Султон... – йўқ-йўқ, Халил Султон Самарқандда-ку, – билан дийдорлашади, келини Соғинч хонимни қучиб бағрига босади. Унга меҳри айрича... Ох, уларни бирам соғиндики!

Барча маликалар ва хонимларда ҳам Соҳибқирон билан дийдорлашиш нашъаси кўнгилларни ёритиб турарди. Яшил, пушти, сарик, хаворанг, қирмизиранг, бинафшаранг ва ҳоказо ранглардаги маофалар ўтган жойида хушбўй атирлар уфуриб, файз киритиб, атрофга ажабтовур кўрк-хусн бағишларди.

Авникка яқин қолди. Йўлнинг бир томонида олисда кишлоқлар кўзга ташланар, ўнг тарафда эса адир аралаш кенгликлар ястаниб ётар. тиник, мусаффо осмон кўнгилларга хуш ёқарди.

– Хали йўл узокми?.. – олдинда хиёл чайқалиб бораётган тахтиравонга қараб сўради маликалардан бири ўз маофасидан оҳиста бошини чиқариб, эгил-

ганда пастга тушган бир дона чилвир сочини назокат билан ортига ташлар экан.

– Қанча қолдийкин?.. – қўшилади унга ён томондан бошқаси.

– Тезроқ етсайдик ... – дейди яна кимдир.

Йўлдан зерикишган маликалар ана шундай гув-ранишади.

– Яқин эмиш. Яна бир довон ошиб ўтармишмиз. – маофа ичидан ўзини кўрсатмай жавоб беради, чама-си, нуфузли хонимлардан бири. – Сабр этингизлар!

Аммо Сароймулкхоним назарида, яна уч-тўрт манзил бордай туюлади.

Шу палла йўлда икки кун аввал Ҳумоюн ўрдуга чакирилган катта мулозим Сафарберганнинг қораси кўринди. Катта малика бир нарсадан қаттиқ таажжубланди. Ўшанда чопар таомил бўйича катта хонимга учрамоғи, хабар ёки фармонни унга етказмоғи лозим эди. Чопарнинг вақти тифиз экан, фақат Сафарберган билан гаплашди ва уни олиб шитоб ортига қайтиб кетди. Бунинг сабабини катта малика кейин билди.

Ерга тиз чўккан Сафарберганнинг рангида ранг қолмаганди.

– Нима бўлди?.. – жон ҳалпида сўради, негадир у ёғини суриштиришдан чўчиб катта малика.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз... кечасиз... – деди Сафарберган, бошқа сўз айтолмай.

Сароймулкхоним қўрқиб кетди! Унинг хаёлидан дархол, Соҳибқирон соғ-саломатмилар, ул зотга бирон заҳмат етдими, жангда ўқ тегдими, бирон мучалари озор топдими, тоблари қочдими, ётиб қолдиларми, қабалида иштибоҳлар ўтди.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз.. хонимойим... кечасиз.. – такрорларди ҳамон Сафарберган йиғлаганча, бошқа сўз айтишга қурби келмай.

– Ўзингни бос! Шошма... Бировлар эшитмасун... Айт, Амир Соҳибқиронга бир нима... бирон кор-хол юз бердимۇ? А?.. Яширма!

Сафарберган «йўқ» дегандай бош чайқади.

– Намунча ўзингни ерларга уриб мунг тортасен? Хотинларга ўхшаб эзмаланасен? Гапирсанг-чи!

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз... кечаси... шахзодам...

– Шахзодам?! Шахзодам дейсан... Тушунмайдурмен... Гапир!

– Шахзодам... – деди яна Сафарберган йиғламсираб, кейин чидамай ўкраб юборди: – Шахзодамни бериб қўйди-и-и-ик, хонимойи-и-им!!! Бериб қўйди-и-и-ик...

– Вой!.. И-е! Нима?! Ҳой, секин! Бошқалар эшитади! – деди катта малика, гарчи бу янгиликни ҳеч қачон яширишнинг иложи йўқ эса-да, беихтиёр шунга тиришиб. – Тўхта... Ҳой, эс-ақлингни еб қўйдингму, а? Нималар деяётганингни билармусен ўзи? Жинни бўлибди бу!..

Сафарберганнинг ўкрагани ҳаммага аниқ эшитилди. Нарироқдаги хаворанг маофа бир қалқиди, ундан ашил-тапил Хонзода хоним ерга туша бошлади. Ёнидаги канизак унга «Шошилмасунлар! Шошилмасунлар!» дерди холос. Маликанинг оқсарикдан келган юзи яна ҳам оқариб кетганди.

– Нима-нима?.. Шахзодам... А?!..

Сароймулкхоним унга пешвоз чиқди, ҳеч нарса демай каттиқ бағрига босди-да:

– Маликам! Маликам!.. – деди беихтиёр.

– Нима бўпти... шахзодамга?!

– Шахзодам.. бизни ташлаб кетибдилар...

– А?!..

Хонзода хоним эшитдию хушидан кетди ва Сароймулкхоним қўлида осилиб қолди. Дарҳол ётқиздилар.

– Қўзингизни очингиз, маликам! – дерди маҳди улё, шўрлик онаизорнинг юзларини шапатилаб, сув сепаркан. – Қўзингизни очингиз!

Хонзода хоним бир оздан сўнг ўзига келди. Шишага ўхшаб қолган маъносиз шахло кўзларини катта маликага тикканча, фарёд қилди:

– Э, худо! Менда яна қасдинг бормиди? Ёстикдошимни олдинг, ҳаётимни заҳар-заққумга тўлдир-

динг, энди суянгон ўғлимга кўз тикдингму?.. Энди ўғлимни қайдан тошамен? Қайдан топаме-е-ен?..

– Ундоғ демасунлар! Шукр айласунлар! – юпатишга тиришарди Сароймулкхоним.

Кутилмаган хабарни эшитиб гангиб қолган Сароймулкхонимнинг ўзи йиғини ҳам эсдан чиқарганди. Бирдан даҳшатли фожиани англаб етдию бошқалардан ийманиб ўтирмай хўнграганча уввос тортиб юборди.

– Вой, шўримиз қуриб копти-ку, шўримиз!.. – деб саннарди катта малика тиззаларига уриб – Энди нима қиламиз?.. Шўримиз қуриб копти-и-и... шўримиз...

Бирпасда барча хонимлар ва оқалар маофалардан тушишиб, катта малика билан Хонзода хонимни ўраб олдилар-да: «Нима бўлди? Нима бўлди?» деб бир-бирларидан сўрай бошладилар. Аёллар фиғони фалакни тутди.

Ох-воху жазая-фазаъдан ҳеч иш чиқмаслиги, қазойи илоҳийга бош эгиб, сабр-бардошдан ўзга чора йўқлиги аён бўлди шекилли, ойчехра аёллар парижонликдан қора сочларини ёйиб, тун мисол қора либосларга буркандилар. Сароймулкхоним Амир Темурга хуш ёқадиган тўқжигарранг авра кимхоб тўн билан бурма ёқали пистамағизранг нафис кўйлакни ҳам қайта сандиққа солиб қўйди ва унинг ўрнига қора кийди, бошига қора фўта ташлади. Чапда ҳам қора... ўнгда ҳам қора... бамисли ер юзи қорага буркангандай...

Соҳибқирон билан кўришишга яқин қолганди.

Авникка етганларида олам фиғону фарёдга тўлди. Хонзода хоним Соҳибқиронга ўзини отиб шундай нолаю гирён қилдики, кўқда малоиклар қўшилиб йиғлади, юраклар бўзлади. Шоҳрух Мирзо ҳам бир чеккада юзини буриб ўқрар, Мир Саййид Барака унсиз синграниб ўтирар, Мухаммад Чуроға додхоҳ эса аёлларга: «Йиғламангизлар! Бас, етар..» деб юпантиришга, иложи йўқ ишни амалга оширишга беҳуда уринарди. Кўзларига ёш тўлган Амир Темур келинининг бошини силаркан, ичида дерди: «Хамма азоб-уқубат, кўргилик шу боламга бўлди. Ё раббий!

Марҳаматингни шу онақизимдан дариф тутдинг-а, Оллоҳим!»

Мусибат, ғам-ғусса ҳаддидан ошди.

– Ҳаққ худога бандаси зўрлик қилолмайдур, – деди Амир Темур жиддий, буйруқ оҳангида. Йўқ эса, аёлларни йиғидан тўхтатиш қийин эди, у буни яхши тушунарди. – Шукр қилмак керак. Ўтғон ишга ўкиниб, тирикчиликдан қолмак нодоннинг ишидур. Бас, йиғига чек кўйилсун! Не наф? Аксинча, шаҳзодамизнинг пок руҳлари осойишталиги учун фақир-мискинларга хайру эҳсонлар улашилсун! Дастурхонлар ёзилиб элга ош тортсунлар. Тиловати қуръон муруввати раҳмондур. Хофизлар қуръон хатм этсунлар, токи савоби шаҳзодамизга тегсун.

Маросимдан сўнг «Қаро кийғонлар кийимларини ташласунлар!» деган ишорат англашилди.

Тонг палласи эди, оқ чодирда бомдод намози тугашини кутишган, йиғидан кўзлари киртайган, мусибатдан қадди букилган муштипар Сароймулкхоним билан худди эзиб, чақиб ташланган, мағизлари зўрлик билан тортиб олинган ёнғоқ нўчоғидай бўлиб қолган дили пора-пора, вужуди бўмбўш Хонзода хонимлар Соҳибқирон хузурига арзадоштга кирдилар.

– Амир Соҳибқирон! – деди Сароймулкхоним. – Агар ижозат берсалар, биз хонимлар ва оқалар, ўғлон-ушоқ набиралар бирлан юртга жўнасақ, девдим... Султонияда ҳам узок туриб қолдик...

– Ўзларига биз ҳам ортиқча ташвишмиз-да... – сўз қўшди Хонзода хоним.

Амир Темур боқиб ғам-андухга ботган маликаларни дабдурустдан танимади. Иккиси ҳам бир кундаёқ чўн бўлиб қолишибди. Бечора заифалар, уларнинг кўнгиллари бўш, ҳар нарсани ҳам ўзларига яқин оладилар, қаттиқ қайғурадилар.

– Бундоғ сўзни қўйингизлар! Ҳеч қачон ташвиш бўлмағайсиз! Аксинча, сизлар бирлан юким енгиллайдур.

– Қуллук, Ҳазратим! Ўзлари қайтгунларигача доруссалтана Самарқанди фирдавсмонандни ораста айлаб турсак, деган орзуда эрдик...

Бу сўздан Соҳибқироннинг кўнгли беҳол титради ва ораста пойтахтни соғиниб қолганини қаттиқ ҳис этди.

– Валинеъмат Соҳибқирон, жаҳоноро раъйларига мақбул келса, ижозат айласалар, – илтижо қилди Хонзода хоним йиғлаворишдан ўзини базўр тутиб. – Султонияга бориб... хонимойим кўмакларида мозори бузруквор Қийдор пайғамбардин, алайҳиссалоту вассалом, шахзодамнинг... сўнгақларини олиб Самарқандга элтсак...

Амир Темурнинг юраги ҳаприқиб кетди. Тўкиламан деб турган кўз ёшларини аёллар олдида изо тортганидан зўрға тийиб қолди. Эй, бири кам дунё! Соҳибқирондан кейин улуғ салтанатни бошқариши лозим набирасининг ёш туриб бевақт оламдан ўтишини, келинидан қачондир шундай сўзлар эшитишини ҳеч ўйлаганмиди?.. Зинҳор, зинҳор! Етти ухлаб тушга кирмаган ҳодисалар рўй бермақда оламда! Дунёни ларзага келтирган жаҳонгир мунгсираб турган жигаргўшасига бирон бир ёрдам бера олмаслигини англаб, ўзини хасдан ҳам ожиз сизди.

– Розимен, онақизим! – деди Соҳибқирон алланечук бўлиб. – Биби, ўзлари назардан қочирмасунлар. Икки юзта аскар ажратилсун, уларга Султонияда турган Ахий Жаббор баҳодир сардор этиб тайинлансун!

Шундоқ фармон берди-ю Амир Темур Турон томонларга қаради. Тезроқ юртга қайтмак керак, деган фикр миясига ярқ этиб урилди. Ахир Хитой сафари олдинда турибди. Тезроқ юртга қайтмак керак! Юртга! Юртга!..

II

Милодий 1404 йил Наврўз арафасида Ашпарадан Туркистон шахрига қайтган Халил Султон, бир пайтлар шахзода Муҳаммад Султон истиқомат қилган шаҳар ҳокимининг қуюқ дарахтлар билан ўралган сўлим ҳовлисига жойлашди. Дарҳол Шайх Аҳмад Яссавий мақбараси зиёратига борди, соғона бошида

ўтириб шайхул-машойих руҳига бағишлаб тиловат туширди. Байрамдан кейиноқ кунботишдаги кенг далада шикор уюштиршни, ундан кейин Самарқандга жўнашни кўнглига тугди.

Бир неча йил аввал Соҳибқирон худди ўша жойда улкан шикор солган, унда ёш амирзодалар ҳам қатнашганди, хусусан, Муҳаммад Султон моҳир мерганлигини намойиш этиб, осмонда учиб бораётган аллақандай қушни бир уришдаёқ отиб туширган, ҳамманинг олқишига сазовор бўлганди. Ўн уч ёшли Халил Султон эса ёнгинасидан ўтиб кетган чиройли кийикчани тутаман, деб роса қувиб елиб-чоңган, аммо уддасидан чиқа олмаганди. Шунда улўф бобоси унинг бошини силаб, манглайдан ўпаркан:

– Ўксунмасунлар, амирзодам! Ҳали сизнинг тутадурғон кийигингиз олдинда!.. – деб, уни хижолатдан чиқарганди. Кошғарда юрган пайтда не сабаб биландир шу воқеани эслаб қолди-ю Шодимулкни эркаларкан, «Бобомлар айтғон кийигим, кийикнинг ҳам нозиги шул-да!» деди ичида ва бу муқояса ўзига жуда нашъа қилди.

Ҳамал киришига бир кун қолганда Румдан Соҳибқирон чопари Айбож ўғлон етиб келганини билдирдилар. Ҳаётнинг ўзи ҳам аччиғ, ҳам ширин эканига ўхшаш чопар янгиликларининг ҳам қувонадигани билан қайғурадигани бир-бирига қоришиқ эди.

Ангорадаги машваратда, Самарқанд томонга жўнаш ҳақидаги фармон қўлга теккандан сўнг, Халил Султон пойтахти фирдавсмонандда узоқ турмай, кунчиқар тарафларга жўнаш тадорикини кўра бошлади. Соҳибқироннинг Румдан қайтиб, Чинга отланишини билгани сабабли, вазиятни суриштириб қолиш эҳтимоли, топширилган вазифани тезроқ уддалашга, фурсатни бой бермай от бошини Туркистон шаҳри тарафларга буришга ундарди. У куздаёқ йўлга чиқиб кетаман, деб ўйлаганди, аммо қалин қор тушиб, замҳарир қишнинг эртароқ бошлангани ҳамма ишни баҳорга қолдирди.

Ниҳоят савр ойи бошларида сафарга жўнаганича, бир йилдирки, мана Самарқанддан йироқларда юриб-

ди. Мўғулистонда эл-улус осойишталигига раҳна солаётган бир-икки ўзбошимча безори тўдаларни тоғда бўлса тоғда, чўлда бўлса чўлда қувиб излаб топиб илдизини қуритди, чунки Соҳибқирон, ортимизда фитначи тўдалар уясини ё бузук кўприкларни қолдириб кетиш бизнинг таомилда йўқ, дердилар ва бу ишларни бартараф этиб, сўнг йўлга тушардилар, буни Халил Султон ҳамиша эсда тутарди. Кейин Оксув, Қошғар, Ёркандларгача борди, у ердан Учтурфон, Хўтан ва Хонбалиқ тарафларга ҳам хусравона назар ташлади. Бирон бир тахликадан асар йўқ, олам айвонида хотиржамлик ҳукм сураётгандек туюлди. Бобоси дунёнинг ғарбида Румда, у эса дунёнинг кунчиқишида салтанат танобини тортиб юрганларини ўйларкан, беихтиёр кўнгли ҳаволанди. У чиндан ҳам ўзини оламнинг бу четига келиб қолгандай ҳис қилар, Румда юз берган воқеалардан мутлоқ беҳабар эди.

Ҳали Румда эканидаёқ, кўнглининг бир четида Соҳибқирон менга Румни инъом этмасмикинлар, деган умид яширинганди, бу мамлакатга унинг азалдан мойиллиги бор эди. Нафсиламрини айтганда, унинг фикрича, бу мансабга амирзодадан бошқа муносиб номзод йўқ ҳам. Ахир унинг насаби жуда шарафли, томирида икки улуғ сулола қони тепади. Аммо буни ҳеч кимга айтмади, зеро дунёда адолатнинг кўзи очиқ, албатта кўради, Ҳазратнинг ўзлари ҳам шундай қарорга келишларига шубҳа йўқ, деб ўйлади. Хаёли ўшанда шитоб Самарқандга чорлаб турганди.

Ҳозир ҳам Айбож ўғлоннинг кўлидан шундай фармон олишига қаттиқ ишонарди.

Айбож ўғлон кенг ҳовлининг бир четида хонимлар ва ойимларнинг катта ўчоқ бошида куймаланиб сумалак пишираётганларига кўзи тушди. Уларнинг барини Шодимулк оқа уюштирганди. Санамараста қизлар, қизалоқлар қий-чув солишади, бир нозик-кинаси ўчоққа ўтин ташламоқда, бошқаси қозонни кавлаш учун кайвони қачон капкирни узатаркин, дея интиқ боқиб турибди. Ортида яна иккитаси навбат кутмоқда.

Соҳибқирон чопари кенгина меҳмонхонага кирганда, Халил Султон билан Шодимулк байрамона безатилган ноз-неъматларга тўла нақшин оёқли хонтахта атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Амирзода кўлидаги баёздан бир байт ўқиб турган экан:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,

Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...

Айбож ўғлон охирги сўзларни аниқ эшитди. Халил Султон ҳам, Шодимулк ҳам ўринларидан туриб нуфузли амирга таъзим бажо айладилар:

– Ташрифларидан хурсандмиз, амир жаноблари!

– Хуш кўрдик.....

– Хуш бўлингиз! – деди Айбож ўғлон, бевақт келиб қолганидан бир оз ўнғайсизланиб. У шундай байрам арафасида яхши мужда қатори нохуш хабарларни ҳам стказиши кераклигидан хижолат чекарди. На чора, бу салтанат юмуши, кутиб турмайди, уни дарҳол адо этмай илож йўқ.

Халил Султон Ҳумоюн ўрдудан Айбож ўғлонни элчиликка юборилиши сабабини, биринчидан, салтанатда ҳурматга сазовор амирлиги, иккинчидан, ўзи даштиқипчоқлик, бу жойларни яхши биладиган одам эканлигидан, деб билди. Қирқ бешлардан ошган Айбож ўғлонга кексалик нуқси уриб қолган, илгариги силлиқ пешонасига энди чизиклар тушган, янок суяклари бўртиб чиққан, чап қошидаги чандиғи яна ҳам катталашгандай... Фақат йўлбарсникидек қисик кўзлари аввалгидек шиддатли боқади.

– Бу киши келинингиз Шодимулк оқадурлар... – таништирди Халил Султон янги куёвларга хос ғурурини яширмай, ёнида назокат билан тикилиб турган завжасига ишора қилиб.

Яссида никоҳдан ўтганларидан кейин, келинчак, мен энди малика бўлдим, хоним бўлдим, «Шодимулк» эмас, ҳурматимни ўрнига қўйиб «Шодимулк оқа» деб атасунлар, агар мени эъзозласалар, шахзодамнинг обрўлари ортади, бу ҳам сизга катта ҳурматни билдиради, дея Халил Султонни ҳол-жонига қўймади. «Кечаги канизак, бугун – малика, хоним, оқа!» деб қўйишарди ўрамдаги хотин-халаж ҳасад билан.

– Қани бу ёққа ўтирсунлар. – таклиф қилди Халил Султон.

Айбож ўғлон амирзода ва канизакларнинг пинҳона «Лайли-Мажнун» бўлганлари воқеасини сал-пал эшитганди, лекин Шодимулк оқанинг бу қадар хурлиқо, моҳирўй, бало-офат эканини билмас экан, у чиндан ҳам одамнинг ақлини ўғирлар даражада гўзал эди, дабдурустдан танитай қолди. Дарҳол бир муддат Амир Сайфиддин некўз хизматида юрган пайтлари эсига тушди-ю Тахти Қорачадаги боғда Наврўзни ўтказганларида канизаклар ичида ажралиб турган, гулларни томоша қилиб югуриб юрган ўн икки ёшлардаги кўғирчоқдай шўх қизчани эслади. «Бу гўзал қизча ким экан?» деб сўрашарди ҳамма бир-биридан уни кўрсатишиб. «Янги канизак! Янги канизак!» дейишганди ўшанда. Энди ўсиб, даражаи камолга етибди.

«Амирзода билан канизак ўртасида соф муҳаббат бор, дейишарди, – ўйлади Айбож ўғлон, ўзининг ўсмирлик пайтида кўшни қавмдан бир қизни каттик севиб қолганини, оловдай илк муҳаббатини эслади-ю кўнгли суст кетди. – Чиндан ҳам ишқ кишини гул-гул яшнатиб юборади-да!..»

– Бу байт кимники экан, султоним? – ўзига ярашган ноз билан сўради Шодимулк оқа меҳмоннинг келганини сезмагандек алпозда.

– Маликуш-шуаро Мавлоно Лутфий ғазалидан-да, маликам. Авомуннос орасинда бағоят машҳурдур.

– Ёпирай... Шундоғлай? Лекин...

– Лаббай, маликам?

– Лекин маликуш-шуаро Мавлоно Лутфий... худди ўзлари бўлиб камина ҳақимда битибдилар-да ғазални... султоним!

– Ҳа... ҳа... – завжасининг ишорасини тушунди амирзода, кутилмаган бу қиёсдан завқланиб: «Бизнинг қайлиққа боқингиз, шундай шартаки, шаддодликлари бор!», дегандай Айбож ўғлонга қараб қўйди. «Амирзодам отаси Мироншоҳ Мирзога тортибди, – ўйлади ичида Айбож ўғлон. – У ҳам гўзал ёри билан қувонаркан, мақтанишдан тоймаскан, махбубасига бош-

қалар ҳавас билан қараса, гаши келиш ўрнига меҳри дучандон ортадиган хушторлар сирасига кираркан...»

Соҳибқирон чошари Шодимулк оқанинг даврада ўзини эмин-эркин тутишидан, эрнинг тизгинини маҳкам қўлга киритганини пайқади. Ҳа, эркатой малика! Хотинларнинг макридан худонинг ўзи асрасин! «Дунёни сув олса, тўпига чикмайди бу ёшларнинг! Дунёда нималар юз бермоқда-ю, булар назал ўқиб ўтиришибди! Шундоқ, бобонг дунё соҳиби бўлса, ҳамма шўхлик ҳам ярашади!» – деб қўйди ичида. У фурсатни қўлдан бермай ўз вазифасини удалаб, тезроқ Самарқандга йўлга чиқишни ўйларди. Самарқанд, Шаҳрисабз, фурсат топса, Термизга ҳам бормоғи, йўллар ва кўприкларни бир-бир назоратдан ўтказмоғи лозим. Ҳамма нарса Ҳазратнинг муборак пойқадамларига тайёр турсун.

– Амир Соҳибқирон бобомиз саломатмулар? – сўради Халил Султон, Шодимулк оқанинг сўзларидан хижолатлигини яширишга тиришиб. У тезроқ мавзунини ўзгартиришни истарди.

– Шукр... шукр...

Айбож ўғлон бир томоқ кириб қўйди. У гапни нимадан бошлашни билмай ўйланиб қолди, кейин дадил деди:

– Аввало, ўзларини қутлуғ мартаба билан чин дилдан қутлайман!

Халил Султон мамнун жилмайди, сўнг: «Кўрдигизму, Рум мамлакатига подшо бўлдум!» дегандай мағрур хотинига бир қараб қўйди. Шодимулк оқанинг гўзал чехраси мамнунликдан яна ҳам ёришиб кетгандай туюлди.

– Қуллук... қуллук! – қўлини кўксига қўйди Халил Султон. – Амир Соҳибқирон бобомизнинг химатларига чек йўк...

– Қайсария шаҳрида жуда катта машварат чакирилди, амирзодам, эх-хе, бунчалар катта издихомда қатнашмаганман. Барча аъёнлар, беклар, амирлар, лашкарбошилар, салтанатнинг олтмиш икки амалдорию ўттиз икки муҳрдори, казо-казолардан ҳоказоларгача бор эди. – нардани баланд олди Айбож ўғлон. – Амир Соҳибқирон Рум эли фатҳи поёнига

етганини билдирдилар ва барча набираларига юрт улашдилар. Абу Бакр Мирзога Ироқ мамлакати берилди, Бағдодни обод шаҳарга айлантрасен, деб қаттиқ буюрдилар, Улуғбек Мирзога худди биз турган шу жойлар – Тошканду Сайрам, Туркистону Ашпара то Хитой сарҳадигача ўлкалар тегди...

Халил Султон тингларкан, хаёлан Румни қандай бошқариш режаларини туза бошлади. Пойтахтни Бурсада қолдирмайди, Эдирнени ҳам танламайди, бу шаҳар жуда четда, балки Кўнияга кўчиради. У Кўния салтанатини барпо этган шавкатли салжуқийлар пойтахти бўлган шаҳарни узоқ вақтлардан бери кўз остига босиб юради. Мавлоно Жалололдин Румий қадамлари теккан машҳур Инжа Минор мадрасаси ҳақида кўп эшитган, иншооллоҳ, ўша ерда толиби илмларга маърузалар ўқиш, мушоиралар уюштириш нияти йўқ эмас. Албатта, машҳури замон малик ушшуаро Мавлоно Лутфийни ҳам таклиф этади.

Шодимулк оқа аллақачон ўзини Рум маликаси ҳисоблар, маликалар маликаси бўлишига асло шубҳа қилмасди.

– ...Пир Муҳаммад Мирзо ибн Умаршайхга Форс музофоти топширилди, Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирга... Ҳа, эсимдан чиқибди, Иброҳим Султон ибн Шохрух билан Умар Мирзо ибн Мироншоҳга...

Сабри чидамаган Халил Султон безовталанганини яширмади:

– Биламиз... Хабаримиз бор, амир жаноблари... Майли, олғон юртлари барчасига насиб айласун. Улар борасинда беҳуда сўз қотиб ўлтирмасунлар. Ортиқча уринмасунлар.

– Хўп, хўп... Энди, ўзларига жаҳон амирзодасига навбат етди! – Айбож ўғлон хотиржам сўзларди. – Ардоқли набирамиз Халил Султонга, дедилар Амир Соҳибқирон, – буни барча, жумла жаҳон эшитди, амирзодам! – Бардаъа, Ганжа, тамоми Арманзамин, Гуржистонни, уларга қўшуб Трабзонни тобшурмак ниятидадурбиз...

– Нима-нима? – деб юборди Халил Султон. – Нима-а?.. Рум мамлакати-чи? Рум кимга топширилди?

– Вой! Рум-чи? – сўради Шодимулк оқа ҳам худди бебаҳо буюмни қўлдан чиқариб, гафлатда қолган одамдай. Халил Султон жаҳли чиққанда яна ҳам гўзаллашиб кетган завжасига тикилиб қолди. – Рум кимда?.. Рум?

– Рум?.. – хайрон деди Айбож ўғлон. – Румнинг кимга раво кўрилганини билмайман. Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ...

– Фатҳ этилгон Рум замини ҳам кимгадир берилгондур ахир?..

– Кимгадир берилгондир ахир? – такрорлади Шодимулк оқа.

– Бу ҳақда ҳеч нарса дейилмади. Эшитмадим. Балки, вафот этган Рум қайсари Йилдирим Боязид ўғилларига топширсалар керак...

– Султон Йилдирим Боязид дунёдан кўз юмдиму хали?..

– Шундоқ, амирзодам.

– Жойи жаннатдан бўлсин... – юзига фотиҳа тортди амирзода.

Айбож ўғлон жузвдондан бир ўроғлик қоғоз олдида, Халил Султонга тутди.

– Мана, омонатни топшириб қўяй, фармонни олсунлар!

– Ҳа, омонат... Омонат олақуроқ юрт... – Халил Султон ерга караганча фармонни узоқ тутмай, Шодимулк оқага узатди. Малика уни шавқсиз оча бошлади.

Айбож ўғлон кўнглидан, қутлуғ хабар олиб келдим, деб ўйлагандим, фармон ёкмади шекилли, деган иштибоҳ кечди. «Олақуроқ юрт, эмиш. Бу юртларнинг ҳар бири бир дунё-ку! Ношукрлик ҳам эви билан-да...» – деди ўзига ўзи.

Шодимулк оқа очаётган фармоннинг маъносини шитир-шитиригина орадаги жимликка дахл қиларди.

– Энди... айтмасам бўлмас. Бошимизга оғир кулфат тушди, амирзодам... – Айбож ўғлон чап қошидаги чандиғини бир силаб қўйди. – Бандачилик экан...

Халил Султон ялт этиб амирга қаради:

– Нима-нима?

– Таъзиямизни қабул қилсунлар...

– Бу нима деганлари? Худо сақласун! Канақа таъзия?

– Энди... айтгани тилим бормайди. На чора... Валиахд шахзода... шавкатли оғангиз... Муҳаммад Султон жаноблари... оламдан ўтдилар... Оғаларидан ажраб қолдилар...

– Хайхот! Хайхот!! – деб юборди ўрнидан туриб кетган Халил Султон. – Нималар деяпсиз?! Йўқ! Йўқ!..

– Ие! Вой... Вой... – сўзланди хали фармонни очиб улгурмаган Шодимулк оқа ўтирган жойида. Унинг юзида қайғу билан қувонч аралаш хайрат котиб қолганди. – Вой ўлмасам... Ие!.. Нега...

– Нима... Бирон жангда найза тегдиму оғамга? Фалокат рўй бердиму?

– Йўқ, қутилмаганда бетобланиб қолдилар... – кўзларига тўлган ёшни дастрўмоли билан артаркан, йиғламсинди Айбож ўғлон.

– Қандай оғам бор эди-я, қандай оғам бор эди! – хўнгради Халил Султон Айбож ўғлон билан қучоқлашиб йиғларкан. – Ҳеч ишонмаймен! Ишонмайме-е-ен! Оғажон, нега ташлаб кетдингиз?.. кетдингиз?..

Шодимулк оқа ҳам йиғлар, гоҳ-гоҳ тиззаларига шапатилаб кўяр, аммо кўз ёшларини ерга туширмасди. У бирдан Муҳаммад Султоннинг завжаси Соғинч хонимни кўз олдига келтирди. Бир издиҳомда канизаклар олийнасаб маликаларнинг пойқадамини кутиб туришарди, Сароймулкхонимлар, Туман оқалар ҳамма билан саломлашишди, Соғинч хоним эса ўзини осмонда фахмлаб, кеккайганча ўтар экан, Шодимулк томонларга қараб ҳам кўймади. Жуда алам қилганди ўшанда. Энди сочларини ёйиб йиғлаб ўтиргандир...

– Кўйингиз, амирзодам... – юпатди Айбож ўғлон. – На чора... Ҳамма оғирлик Амир Соҳибқиронга тушди, холос. Чунки орадан кўп ўтмай, асли Маккаи мукаррама шарифларидан саромади замона пири муршид Мир Саййид Барака ҳам жон омонатларини ўз эгасига топширдилар...

– Ие! Ие! – деди ўзини сал ўнглаб олган Халил Султон. – Пири муршиднинг товлари қочдиму?

– Икки ойча аввал Қорабоғда эканларида пирим-да нохуш мараз воқеъ бўлди, табибларнинг чандон муолажалари наф бермади. Амир Соҳибқирон бисёр изтиробда қолдилар. Сўнг пирнинг сўнгакини Андхойга элтиб омонат қўйсунлар, деб амр этдилар...

Бағоят мутаассир Халил Султон назарида Муҳаммад Султондай валиахдлар, Мир Саййид Баракадай муртазойи аъзамлар ҳеч ҳам ўлмасликлари керакдай туюларди.

– Ўттиз тўрт йилдан буён бирга ҳамнафас яшадилар, у киши муршид, бу киши мурид эмас, балки жуда ҳам қадрдон, бир-бирини кўрмаса туролмайдиган қалин дўстлар эдилар, деб гапиришди одамлар.

– Биламен, биламен...

– Амирзодам, ақли қосирим дерки, пири муршид билан валиахд шахзода бамисли Амир Соҳибқироннинг икки қўлидай эдилар-да. Ажал қиличи ҳар иккисини ҳам аёвсиз кесиб ташлади...

– Эй, худо! Нималар бўлмакда ўзи?.. Бобожонимга кийин бўлибди, бобожонимга! Ўша ерда эрсам эрдим, дарҳол қўлтиқларига кирардим... Бобожонимни юпатардим, йиғлаб-сиқтаб овутардим.

Халил Султон кўз ёшларини тийиб, ўтганлар ҳақига тиловат туширди. Ўртага сукунат чўқди.

Амирзодага Соҳибқирондан Румни инъом этишларини кутиш, салтанатга эришиш, юрт бошқариш... каби уринишлари бари-бари энди маънисиздай туюлиб кетди. Ўзининг даъволаридан ўзи уялди.

– Инсоннинг умри шулми? Валиахд шахзодам, ифтихорим оғам бор-йўғи йигирма етти ёшга кирдилар-а. Нима кўрдилар-а... Йигирма етти ёш нима бўлибди?..

Лекин, вақтлар келиб Халил Султоннинг ўзи ҳам худди шу ёшда оламдан ўтишини, албатта, билмасди.

Шодимулк оқа энди гапларга аралашмас, ерга қараганча хаёлларга фарқ ўтирарди.

Айбож ўғлон кетишга изн сўради.

– Қаттиқ қайғуга чўммасинлар, амирзодам. Бандаси эртани ўйлаши керак. Амир Соҳибқирон, ўтган ишга ўкинмаймен, ютуқлардан шодланмай-

мен, дейдилар ҳамиша, эсингиздаму? Энди... Тезроқ Самарқандга қайтишим лозим. Ўзлари ҳам Амир Соҳибқирон келишларигача юртга бориб қоладилар, деган умиддаман.

Халил Султон маъюс бош эгди.

Наврўздан кейинга мўлжалланган шикор ҳам энди кўнгилга сиғмади. Халил Султон эртасигаёк худо раҳмат қилгур оғаси, валиаҳд шахзода руҳини шод этмак учун маърака ўтказишни буюрди. Шайх Аҳмад Яссавий мақбараси олдидаги майдонда дастурхонлар ёзилиб элга ош тортилди. Хофизлар қуръон хатм этдилар, фотиҳалар ўқилди, сеҳрли оятлар жаранглаб, кўнгилларга таскину мадад туйғуларини жойлади. Маъракадан сўнг Халил Султон етовида бутун аёну акобирлар фақир-мискинларга хайру эҳсонлар улашишга киришдилар. Беку амирларнинг хотинлари, хонимлар ва ойимларни эса Шодимулк оқа бошқарди, улар маҳаллаларга кириб садақалар тарқатишда бир-бирлари билан бас бойлашдилар.

Орадан бир кун ўтди.

– Султоним, – қатъий деди Шодимулк оқа эрта-лабки нонуштадан сўнг. – Тезроқ Самарқандга жўнашимиз лозим...

Мудхиш хабарлардан гарангсиб қолган Халил Султон завжасига маъюс қаради-ю индамади. Негадир уни умидсизлик туйғулари қамраган, ҳамма нарсага лоқайд, рухий сиқилиш ҳолати исқанжага олганди. Кечаси билан ухлолмай чиқди. Куёвининг ҳеч нарсага қизиқмай кўйганини, маҳзун кайфи-ятга тушиб қолганини сезган Шодимулк оқа бутун ҳаракатини Халил Султонни ана шу зиклик қафасидан тезроқ олиб чиқишга қаратди.

– Биз Румни инъом этишларини кутгандик, султоним. – деди Шодимулк оқа. – Тўғримми?

– Тўғри, кутгандик.

– Кўп нарсалар орзу қилгандик. Тўғримми?

– Тўғри.

– Бизга тегмаганидан ўксиндик ва чопарни ҳам хайрон қолдирдик. Тўғримми?

– Адолат кўзи бирлан қаралса, Рум эли бизники

эди-да! – Халил Султон қизиша бошлади. – Ироқдай катта давлат Абу Бакр Мирзога раво кўрилди-ку! Форс мамлакати Пир Мухаммад Мирзога топширилди-ку.

– Султоним! – деди вазмин Шодимулк оқа. – Ўйласам, Амир Соҳибқироннинг сизга Рум юртини бермаганлари ҳам яхши бўлган-да. Дуо кетган эканми...

– Нега энди? Англамадим...

– Сиз ўзингизни Рум подшоси деб хаёл қилдингиз, мен эсам - Рум маликаси... Тўғрими?

– Ха, тўғри...

– Султоним! Яхши қулоқ солингиз – қийиқ кўзларини амирзодага тикди Шодимулк оқа. Темирчи каттиқ оловда юмшаган темирдан истаган буюмни ясай олгандай, малика ҳам амирзодани обдан муаммога мойил эта олгач, асосий мақсадга ўтди: – Сиз Рум эмас... энди Турон султони бўлурсиз!

– Нима-нима?! Нима деддингиз? Қандай қилиб?..

– Ха, Турон султони бўлурсиз! Валиаҳд шаҳзода Мухаммад Султон жаноблари оламдан ўтгандан кейин, валиаҳдлик тахти бўш қолди, а? Тўғрими?

– Тўғри...

– Энди валиаҳд тайинланиши шарт. Тўғрими?

– Тўғри..

– Бунга энг муносиб номзод ўзларидурлар, султоним! Фикримча, Амир Соҳибқирон доруссалтанага қайтганларидан сўнг буни эълон этсалар керак...

Халил Султоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Шодимулк оқанинг шиддатли сўзларида кучли мантиқ борлигидан таажжубга тушди. Ажабо, бир нарсага чапдан қарасанг, ҳеч вақо кўринмайди, ўнгдан боқсанг ажойиб манзаралар намоён бўлади. Бу қандай қарашга боғлиқми ёки ўша нарсанинг моҳиятига тегишлими – амирзода бу ёғини билмайди. Шодимулк оқа жуда жўяли фикрларни ўртага ташламоқдайди.

– Қараб туриш мумкин эмас, султоним!

– Нима қилгин, дейдилар, маликам?

– Сиз Турон султони бўлурсиз, мен эса Турон ма-

ликаси, салтанат маҳди улёси! Турон каттами, Рум? Бас, биз тезроқ Самарқанди фирдавсмонандга етиб олмоғимиз керак. Вазиятдан ис олиб, тарафдорларни кўпайтирайлик.

Халил Султон ўйланиб турди-да, деди:

– Гапларингиз тўғри-ку-я. Самарқандга етиб олдик ҳам дейлик, тарафдорларни ҳам кўпайтиргаймиз... Лекин ҳали Амир Соҳибқирон каминани валиаҳд шахзода, деб атайдирларму йўқму, бу ёғи номаълум-ку? У кишининг раёларига қарши бориш мумкин эрмас!

– Асло қайғурмасунлар, султоним! Марду баҳодирликлари оламга машҳур! Ҳиндистон мухорабасида филни тутиб келғонингизни хатто бизнинг кишлоқда гапиришарди, баҳодир ўғлон экан, Соҳибқироннинг набираси-да, деб макташарди. Ёнингизда мен борман! Худо хоҳласа, бўласиз! Чунки худонинг ўзи мухолифларингизни бартараф этиб, йўлингизни очиб қўйибди. Борди-ю воқеалар бошқача йўсинга бурилиб кетса, унда дадил қўлда қилич билан курашмоқ, адолатни қарор топтирмак жоиз! Ҳокимиятни қўлга киритганингиздан сўнг бир иш қиласиз: валиаҳд шахзода Муҳаммад Султоннинг порасида ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни хон қилиб кўтарасиз, салтанат жилови эса қўлингизда бўлади. Валиаҳднинг ўғлини хон мақомида улуғлаймиз. Бу Соҳибқиронга ҳам хуш келади, чунки унинг айтганларига садоқат кўргизамиз, ўзимиз ҳам мақсадимизга етамиз. Қарабсизки, сиз ҳам қуймайди, қабоб ҳам!

Маликанинг мантиқли гаплари Халил Султонни ўзига ром этди. Унинг тўғри гапираётганига ишончи орта бошлади. Шодимулк оқанинг мана бу сўзидан кейин эса батамом таслим бўлди:

– Султоним! Ўттиз тўрт йилким, Амир Соҳибқирон хазрати олийлари оламни мусаххар айлаб эрдилар ва не-не вилоятларнинг молу хирожи, яроғи хазинага тушди, барчаси катлам-катлам, тоғ-тоғ мисол қалашиб ётибди. Наҳотки мундоқ хазина ва яроғни кимнингдир қўлига бериб қўйсак? Бизлар лақиллаб

коладиганлардан эмасмиз-ку! У холда бизни ҳеч ким кечирмайди, султоним, худо ҳам, бандаси ҳам! Тезроқ Самарқандга равона бўлайлик!

Халил Султон уч бор қарсак урди. Мулозим кирди.

– Фармон тайёрлансун! Қўшин ва уғруқ шай кинсун! Эртага Самарқандга йўлга чиқилгай!

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

I

Хамма йўллар Самарқандга олиб борарди...

Ўзини бутун Европа тақдири учун масъул ҳукмдорлардан бири деб ҳисоблаган Кастилия ва Леон кироли Генрих III де Трастамара ҳам Амир Темур элчиси Муҳаммад ал-Кеший таширифта жавобан, саройда нуфузи баланд камергер¹ Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги Фра Альфонсо Паэс де Санта Мария ва кирол соқчиси Хомес де Салазарлардан иборат элчиларини доруссалтана Самарқандга юборди.

Ўн беш ой узоқ йўл босиб ҳориб-толган элчилар Жайхун кечувидан ўтишганда, уларни Ахий Жаббор баҳодир бир неча кишилари билан кутиб олди.

– Қадамларингиз кутлуғ келсун, элчи жаноблари! Амир Соҳибқирон пешвоз чиқишни бизга топширдилар!

Клавихо, Муҳаммад ал-Кеший таржима қилгач, қўлини кўксига қўйиб, миннатдорман, дегандек таъзим бажо айлади.

– Амир Соҳибқироннинг Рум муҳорабасидан зафар билан қайтишлари юртда байрам бўлиб кетди. Хамма ерда шодиёна. Тўйлар авжида... – биров сўрамаса ҳам маълумот беришни лозим кўрди Ахий Жаббор баҳодир. – Фуқаролар бир йилга солиқдан озод этилди. Кўп маҳбусларни зиндонлардан ҳурликка чиқардилар...

¹ Камергер – киролга яқин эътиборли аёнларга берилдиган фахрли сарой унвони.

Кастилия элчиси, тушундим, дегандек бош ирғаркан, беихтиёр белининг чап томонидаги зодагонлик белгиси сифатида камергерлар тақиб юрадиган, яшил тасмага боғланган тилла калитчани силаб кўйди.

– Қарийб фаранг бўлибдилар-қолибдилар! Ки-йимлари ҳам антиқа! – самимий деди Ахий Жаббор баҳодир Муҳаммад ал-Кеший билан қучоклашиб кўришар экан.

– Ҳа, хазилакамми, баҳодир жаноблари, ахир салкам икки йилдан бери Кастилиядаман-а! – кулиб жавоб берди Муҳаммад ал-Кеший.

Элчилар Кешда бир кунгина тўхталишди, у ҳам асосан маҳобатли Оксарой томонасига кетди. Баландлиги юз газ саройга яқинлашаркан, Муҳаммад ал-Кеший энг тепада – пештоқдаги кун нурида яраклаб турган йирик ёзувга диққатни қаратди:

– Элчи жаноблари! Сизга айтгандим, ҳов ано-ви ёзувни кўряптиларму? Унда шундай маъно бор: «Бизнинг қудратимизга шубҳа қилғонлар, биз қурғон иморатларга боқсунлар». Пештоқ устунининг олд томонида чўзиқ олтибурчак ичидаги арабча ёзув маъноси эса бундай: «Адолат – давлат асоси ва ҳукмдорлар шиоридур.» Ҳов рўбарўдаги яраклаб турган лавҳага боқингиз: «Подшолар сўзи – сўзлар подшоси», деб битилган. Барини Соҳибқироннинг ўзлари ёздирганлар.

– Эсимда, айтгандингиз. Бебаҳо сўзлар! О. Те-мурбек ҳазрати олийларининг қудратлари чиқдан-да буюк! Ростдан ҳам, ул зотнинг сўзи – сўзлар подшоси! – деди Клавихо улуғвор пештоқдан кўз узмай.

Бағоят баланд дарвозадан ичкарига кирганларида элчи беихтиёр оқ тошлар ётқизилган ҳовли ўртасида туриб қолди... У атрофидаги нақшин-нигор гиштин кошинлар билан қошланган, офтобда ловуллаб ёнаётгандай яраклаган жимжимадор, ложувард, оқ ранглар қориниқ баланд деворлардан кўз олмас, ҳайратланар, ёнидаги юлингандай сийрак соқоли оқарган, кексайганига қарамай қадди тик меъмор Уста Хоразмийни саволларга кўмиб ташлар, кўлидаги дафтарга нималарнидир ёзарди. Ора-орада

ёнидаги Фра Альфонсо Паэс де Санта Мария билан Хомес де Салазарларга: «Бебахо! Бебахо!», «Ана буни сарой дейдилар!», «Меъморнинг қўли дард кўрмасин!» қабилда хитоблар қиларди.

Клавихо эллик ёшлардаги босиқ, ўйчан кўзлари одамга жиддий боқадиган, баланд бўйли тепа сочи тўкилганидан кенг пешонаси яна ҳам очилиб кетгандай туюладиган, қуюқ мўйловли, серсоқол одам эди. У ҳар нарсага синчковлик билан қарар, албатта, тилининг учида савол тайёр турарди.

– Қурилиш қачон бошланган? – сўради Уста Хоразмийдан.

– Йигирма тўрт йил бўлмоқда... – жавоб берди Уста Хоразмий ва мехмонни ҳовлидан уч юз қадамлар юриб бориладиган энг катта қасрга бошлади. Бирдан Клавихо назари қасрнинг баланд пештоқи ўртасида тўкилиб турган қуёш нурида акс этдирилган шер тасвирига тушди. Шер олдида нозиккина оқ оху чопиб бормоқда... Кўзи ўткирларгина охуни илғай олади. Пештоқнинг чет-четларида ҳам худди шундай шерлар тасвири аниқ кўзга ташланарди. «Бу Темурбекнинг туғроси.» – деди ичида элчи. Дарҳол Андалусиянинг Фарнота шаҳридаги деворлари қизил тошлардан ишланган, шундан номи Ал-Хумро деб аталган машҳур саройни эслади. Шаҳар четидаги баланд тепаликда тикланган сарой ҳовлисида ўн икки шер ҳайкали бор, мўъжиза дегулик гўзал фаввора бутун саройга кўрк бағишлайди. Одамлар, Клавихо наздида, саройдаги данғиллама масжид, ҳаммом, серҳашам хоналар, зилол сувли катта ҳовузни эмас, балки, энг аввало, мана шу фавқулудда монанди йўқ фавворани томоша қилишга келишарди. Бу ерда эса шерлар ўзларига улкан қасрнинг пештоғидан жой топишибди... Ал-Хумрода ҳам қаср ва масжид бор, катта ҳовуз бор, Оқсаройда ҳам... Ҳовлилар ҳам бир-бирига мос. Бундай ўхшашликдан Клавихонинг кўнгли ёришди.

Биринчи қаватдаги кўринишхона, иккинчи қаватдаги файзли мехмонхона, муҳташам хоналар ва ҳарам бўлмаларини кўрганда лолу хайронликдан тили боғланди-қолди. Бошидан-оёқ бўртма нақшларда

ярақлаган зар халларга, шифтга, жилодор тоқи муқарнасга тикиларкан, қандай қурилганини ўйлаб ўйига ета олмас, буни одам боласимас, балки илоҳий сирлар соҳиби – фаришталар бунёд этганлари аниқ, айниқса баланд нештоқдаги шер тасвирларини қаноти бор фаришталар учиб юриб чизган бўлсалар ажабмас, дерди ичида.

– Оҳ, буларнинг барини таърифлаш учун ҳар бирига кириб узоқ-узоқ томоша қилмоқ керак... Барибир таърифини адо этмоқ мушкулдир, – деди Клавихо Уста Хоразмийга. – Европанинг, Парижнинг манаман деган меъморлари ҳам хайратидан ёқа тутиб қолишларига асло шубҳам йўқ! Ана санъат, ана маҳорат, ана истеъдоднинг самари! Ўзларидек буюк меъмор билан танишганимдан бағоят мамнунлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз!

Клавихо эгилиб таъзим бажо келтирди.

– ... Мен ҳам мамнунман. – бош ирғади Уста Хоразмий. – Ҳали юмушларимиз кўп, худо хоҳласа!

– Самарқанддан қайтишда, насиб этса, Кенда бир-икки кун бўлурман ва батафсил суҳбат қургаймиз. Саволларим кўп, барчасига ўшанда тўлиқ жавоб олиш имкони топилгай, деган умиддаман. – деди Клавихо.

– Ҳовва, имкон топилгай.

Элчилар пенинга қолмай йўлга чиқиб кетдилар..

Тахти Қарочадан ўтиб, то ҳашаматли Гулбоғга боргунча Клавихо Оксарой зиёрати, Боғи Жаҳоннамо таассуротларидан боши оғирлашгандай, ўз хаёлига машғул, биров билан гаплашишга ўзида эҳтиёж сезмади. Боққа жойлашдилар.

– Ҳориб-чарчаганимиз йўқ... – деди Клавихо. – Самарқандга бораберсак, нима дейдилар? Қанча масофа бор?

Ахий Жаббор баҳодир тушунди: хийлагина йўл азобини тортган элчилар тезроқ Соҳибкиронни зиёрат этиб, вазифаларини адо айлаб юртларига қайтмоқ ниятидалар.

– Узоқ эмас, элчи жаноблари. – жавоб қилди у. – Бугуннинг ўзидаёқ шаҳарга кириб боришимиз мум-

кин. Бироқ Ҳазрат жаноби олийларига билдирмай туриб, сизларни шаҳарга олиб кира олмайман. Ижозат сўраш учун одам жўнатаман.

Клавихо Турон салтанатида одатда элчиларни келганларининг бешинчи-олтинчи кунларида Ҳумоюн ўрдуга таклиф этилиши, агар номдор элчилар бўлса, ундан ҳам кўпроқ вақт ўтказиб қабул қилинишини биларди. Кутишдан бошқа чора йўқ эди. У ўз бўлмасига йўналди.

– Зиёратлари қабул! Энди сафарларидан сўйласунлар! Эшитайлик. – Муҳаммад ал-Кешийга юзланди Ахий Жаббор баҳодир .

– Муродлари хосил! Сафаримни сўрамоқдалар. Қизиқ чиқармикин, баҳодир жаноблари?

– Жуда қизиқ-да! Оламини кўрган одамдан ўрган, деганлар машойихлар.

– Шундоғми? Йўғ-ей... Рост, Термиздан бери сўрайдилар, ҳеч фурсат топилмайди. Хай, айтсам айта қолай, ичим гапга тўлиб кетган ўзи... – ҳикоясини бошлади Амир Темур элчиси. Улар боғнинг ўртасидаги сезилар-сезилмас салкин ҳаво уфуриб турган катта ховуз бўйида сўрида ўлтиришарди. – Биз Кастилия қироли элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлолар билан Ангорадан йўлга чиққанимизда асосан, кемаларда юрдик. Йўлларда қийналдик, не-не денгиз камарларини, цўртаналарни кўрдик, қор-бўронларда омон қолдик. Тўрт ой деганда Жабалторик бўғозидан сўнг ниҳоят Кадис шаҳрига бориб тушдик. Ундан отларда, фойтунларда, тоғларда эса шиёда Севилля, Куртуба шаҳарлари орқали, бу ёғини сўрасангиз, бутун Андалусияни кесиб ўтдик десам ҳам бўлаверади. У ерда майсазор ўтлоқлар ястаниб ётади, кўмкўк дарахтларга бурканган шаҳар-қишлоқлар кўп, ўзимизнинг Кешга ўхшаб кетади. Тоғлари хамиша яшил ўрмону бутазорлар билан қопланган...

Хай, гашим чўзилиб кетди, ниҳоят, қироллик пойтахти Толедо шаҳрига етдик. Йўлларда, ҳамма юртларда каминани «Турон султони Темурбек жаноби олийлари элчиси!» деб таништиришар, бу сўзларни

эшитиши биланоқ, барча ўрнидан туриб таъзим қиларди. Амир Соҳибқироннинг номлари машҳур экан, айниқса Рум қайсари устидан қозонган зафарлари довуғи ҳамма ёққа ёйилиб кетган, одамларнинг оғзида юрарди.

Кастилия ва Леон қироли Генрих Ш де Трастамара жаноби олийлари каминани ўз ҳузурларига чорлаб, катта ҳурмат ва эъзоз кўргиздилар. Амир Соҳибқироннинг мактубини, барча совға-инъомларни топширдим. Жуда мамнун бўлдилар. Айниқса, кимхоб либослар, занданача матолар қирол жаноби олийларига жуда ёқди. Йигирма уч ёшли Кастилия ва Леон қироли очиқ чеҳрали йигит экан, озгинлигидан кўзимга бир оз касалмандрок кўринди. Соҳибқирон мактубини ўрнидан туриб қабул қилди. Номани бутун аркони давлат вакиллари-ю амалдорлар ҳузурида ўқидилар.

– Нима ҳақда ёзибдилар, Амир Соҳибқирон? – қизиқиб сўради Ахий Жаббор баходир.

– Мактуб мана бундай бошланган экан:

«Кастилия шаҳарлари ва замини ҳамда Испания Леони қиролига подшоҳ ва Соҳибқирон Темурбекдан деб билгайлар.

Узоқ йиллар шуҳратли ва фароғатли, ҳамиятли ва марҳаматли умргузаронлик этишларини тилаймиз. Сизга маълум қилгаймизким, Пайо ва Эрнан Санчес орқали юборгон номангиз бешикаст етиб келди. Биз унинг дўстлик ва яхши муносабатларни ривожлантиришга оид мазмуни билан танишиб чиқдик.

Мен буюк Тангрига илтижо қилурманки, у сизнинг салтанатингизни роҳи мустақимда сақласун ва давлатингиз умрини жуда кўп кеча-кундузларга узайтирсун, пайғамбарлар таҳсинларига сазовор айласун...»

Номада кейин Ангора муҳорабасининг қандай кечгани баён этилмишиди.

«Агар элчи жанобларига макбул бўлса, – деди қирол ўн беш кундан кейин учрашганимизда. – Киш

фасли кириб қолди, бу фаслда сафарга чикмоқ кўн тахликаликдур. Баҳор кириб, кунлар исиганда, албатта, Амир Темур хазрати олийларига ўз элчиларимизни юбормакчимиз.

Буюк мухорабадаги музаффариятлари билан кутлаб макгуб битмакчимиз... Бирга қайтиш имкони бўлмай.

Таклифни бажонидил қабул этдим.

Мамлакатни айландим, Толедони, Леон шахрини томоша қилдим, Мадридда бўлдим, эски номи Мажирит экан. Мана, қирол хазрати олийлари элчиси билан, худога шукр, юртга қайтдим...

– Э, офарин-е! Сизга одамнинг хаваси келади. Турондай салтанат элчиси мартабасига эришмоқ ҳаммага ҳам насиб эта бермайди, ҳа! – деди Ахий Жаббор баҳодир. – Гаплари тугамади-ёв, яна нимадир демокчидай, жилмайиб турибдиларми?..

– Рост, яна бир нарса ҳақида гапирсам дейман... – хикоясини давом этдирди Муҳаммад ал-Кеший. – Бизлар қирол элчиси Пайо де Сото Майор билан жуда қалинлашиб кетдик. Одам сафарда синаладида. Жуда дилкаш йигит чиқиб қолди. Қизиқ ходиса юз берди. Пайо ҳали уйланмаган экан, денг. Амир Темурнинг Кастилия қиролига хадялари ичида Йилдирим Боязид ҳарамидаги асираликдан озодликка чиқарган иккита соҳибжамол насроний қиз бор эди. Венгрия қироли набираси наричехра Мариа кўнгли бўли Пайонинг қоқ юрагидан уриб кўйибди-да! Ётгандаям хаёлида Мариа, тургандаям! Дардини ёлғиз менга айтади. Бутун йўл давомида бечора изтироб чекиб юрди... Хуллас, Пайо Мариага уйланди, тўймисан тўй бўлди, куёвнинг яқин жўраларидан бири – камина, мана, қошингизда турибди...

– Э, муборак бўлсин! Ажойиб қисса экан-ку!

– Ҳа... Улуғлар химмати ҳам улуғ-да.

Шу палла боғ дарвозасида Амир Сулаймоншоҳ кўринди-ю икковлари ҳам ўринларидан турдилар.

– Ҳазрат фаранг элчилари ташрифидан жуда мамнунлар, – деди амир. Унинг дўриллок овози йиллар ўтиб салобат касб этганди. – Бирок ҳозир

Тўхтамишхон элчиларини жўнатиш билан бандлар. Менга сайил уюштириб, базму зиёфат беришни, элчиларни зериктириб қўймасликни тошширдилар. Йигирмага яқин қўй, яхши баковул, шунингдек базмни гуллатувчи машхур хофизу машшоқларни олиб келдим...

Орадан саккиз кун ўтди. Клавихо гурунглاردан бор-йўғи бир ойча аввал Амир Темурнинг етти йиллик сафардан музаффарона Самарқандга қайтишда Термизда Ҳаким ат-Термизий макбарасида, Кенда эса Оқсаройда, Самарқандда эса Чокардиза ва Шохизинда мозорларида улуглар руҳларини ёд этиб, Оллоҳга шукроналик туйғуси туфайли маъракалар ўтказгани, юртга ош-сув тортганини билиб олди.

Нихоят, Турон султони Амир Темурнинг Боғи Дилкушога элчиларни таклиф этаётгани хақида кутлуғ хабар келди.

Қабул маросими Клавихога жуда содда, ортиқча хашамларсиз, самимий руҳда ўтгани билан ёқди. Европа мамлакатларида бундай маросимлар атай дабдабага айлантирилади. Ҳар қанча уринилса ҳам, ҳаракатлардаги тантанаворлик, қуруқ расмиятчилик, ясамаликни яшириш қийин кечади. Клавихо маросимдан кейин ётоққа қайтгач, кўрганларини ўйлаб узоқ ухлолмади. Унинг тасавури бошқача эди. Бироқ Соҳибқироннинг калондимоғликдан мутлоқ йироқлигидан бағоят таъсирланди. Жуда-жуда баланддаги, осмони фалакдаги одам, лекин сен билан кўкдан боқиб эмас, балки ерга тушиб, ёнма-ён туриб гаплашади... Дарҳол барини кундаликка туширишни (чунки кейин кўн воқеаларни фаромуш этиши мумкин) ўйлади-да, қуйидагиларни ёзиб қўйди:

«...Бизнинг ҳузуримизга юборилган икки мулозим, подшоҳга олиб келган совға-инъомларни беришимизни сўради. Уларни тартибга солиб, кейин топширилар экан. Совғаларни кўтариб бораётган мулозимлар изма-из юришимизни уқтирдилар. Зангори кошнлар билан нақшинланган дарвоза олдидаги қўлида чўқморлар ушлаган соқчилардан ўтиб, ичкарида оломонга томоша кўрсатаётган, тепаси-

га тахтиравонлар қўндирилган, иккитадан байроқ тикилган ясатилган филларга кўзимиз тушди. Жуда ажойиб манзара эди. Темурбекнинг Кастилия қиролига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга борарди. Ҳамма унинг испанча кийиниб олганини кўриб, мийигида кулиб қўярди.

...Подшоҳнинг саккиз-ўн ёшлардаги ясаниб олган учта набираси¹ ўтирган шоҳсупага яқинлашдик ва уларга таъзим бажо келтирдик. Шунда Кастилия қиролининг Темурбекка мактубини топширишимизни сўрадилар. Мактубни болалардан каттаси қўлга олди ва қолганларини эргаштириб, тантанавор қадам босганча бориб подшоҳга тутқазмоққа шайланди.

Ҳукмдор шоҳсупада бир неча шоҳи кўрпачалар тўшалган (тахтга монанд) кичик нақшинкор сўрида лўлаболишга ёнбошлаб олганди. Эғнида сидирга шоҳи яқин, бошида ёқут, жавоҳиру қимматбаҳо тошлар қадалган тожсимон авра қалпоқ. Олдида ажойиб фаввора юқорига отилиб турар, ҳовузчада эса қип-қизил олмалар сузиб юрарди. Бизлар дарҳол ўнг тиззамизни ерга теккизиб таъзим қилдик, кейин турдик. Учинчи мартасида тиз чўкканча қолдик. «Туриб, яқинроқ келингизлар!» – буюрди ҳукмдор элчиларни яхшироқ назардан ўтказиш учун, чунки кўзлари хиралашганидан дуруст илғамасди.

«Қирол ўғлимнинг аҳволи нечук? Тўрт мучаси соғму?» – сўради ҳукмдор.

«Ўғлингизнинг аҳволи аъло даражададур, подшоҳ ҳазрати олийлари!» – дедим камина ва баҳоли қудрат ўз мақсадимизни англатишга уриндим.

«Бу элчиларни кўрингиз, – деди подшоҳ кейин оёқ тарафида тизилишиб ўтирган нуфузли элчиларга ишора қилиб. Айтишларича, уларнинг ичида Гарталлия хоқони Тўхтамишхоннинг ўғли ҳам бор экан. – Менинг ўғлим, дунёнинг нариги четидаги жаъми фаранг подшоҳларининг пешвоси Испания қироли юборгон. Улар, холисаниллоҳ айтгонда, буюк халқ-

¹ Учта набира – Шохрух Мирзонинг ўғиллари Улугбек Мирзо, Иброҳим Султон ва Бойсунгур Мирзолар назарда тутилмоқда.

дир. Ўғлимни деб ҳамиша қўлим дуода турур.
Ёлғиз мактуб юборгонда ҳам, унинг тинчлигини
билиб, совга олгондан ҳам кўра кўпроқ хурсанд
бўлув эрдим.»

Сўнг подшоҳ қаршисида турган набираси (Улуғ-
бек Мирзо)нинг пешонасидан ўпди ва унинг қўлидаги
қирол мактубини олиб очди ва деди:

«Кейин ўзимга ўқиб бергайсизлар.»

Бизларни подшоҳнинг ўнг тарафидаги сунага,
Хитой подшоси элчиларидан қуйроқдаги жойга
таклиф этдилар. Хитой ҳукмдори Темурбекдан ҳар
йили тўланадиган божни талаб қилиб элчи жўнатган
экан. Темурбек буни кўриб қолиб, кастилиялик ва
мисрлик элчиларни олдинга ўтқазилгани буюрди.
Амирлардан бири Хитой элчиси ёнига келиб деди:
«Темурбек жаноби олийлари ўз ўғли Испания қиро-
ли элчисини юқорига, сиз, олий ҳукмдорнинг разил
душмани элчисини улардан настда ўлтурсун, деб
амр этди».

Кейин элчилар шарафига катта зиёфат-базм
бошланиб кетди...»

Клавихо боғнинг тархига назар ташлаб, унинг
ҳукмдор ардоқлайдиган, майлига муносиб маскан
эканини туйди, кейин суриштириб билишича, боғ
ҳарамда суюкли кичик малика Тўкал хоним шара-
фига бунёд этилган экан. Ҳар томони тўккиз юз
қадамдан иборат, баланд пахса девор билан ўрал-
ган, тўрт дарвозали Боғи Дилкушо чиндан ҳам
исми жисмига мос дилтортар, боққанда кўнгилларни
яшнатадиган сеҳрга эга. Унинг катта дарвозасидан
тўппа-тўғри шаҳарнинг Феруза дарвозасига олиб
борадиган, икки четига худди териб қўйилгандай
адл оқ тераклар экилган, бир-бир экин эсиб турган
сўлим хиёбонда хотиржам сайр этиш дунёнинг тенг-
сиз роҳатларидан бири...

Мевали дарахтлар, чаман-чотир гуллар билан
безанган боғнинг бутун кўрки, Клавихо бунга шубҳа
қилмайди, ўртада қад кўтарган уч пештоқли, узун-
лиги ўттиз қадам, эни йигирма қадамдан ортиқроқ
чиқадиган мухташам кўшк ҳисобланади. Безаклари

силлиқ виштдан, изораси тошдан, чоклари феруза ва ложувард ранг кошинлар билан зийнатланган. Тилларанг виштар орасидаги чоклар мовий кошинлар билан хошияланганидан худди бу дунё эмас, балки жаннатдаги девордай туюлади. Тўрт тарафи равоқли тўрт шохнишинга эга меҳмонхона жуда шинам ва файзиёб. Деворига боқсангиз, ўзаро чиройли кесишган ироқи равоқлар ўрамидаги нақшин бўртма безаклар, мана мен, деб кўзга ташланади. Ҳар турли хоналар кўи эди, Клавиҳо санамоқчи бўлди, кейин бошқа нарсага чалғиб кетди, чалғитадиган нарсалар ҳам бу ерда кўп экан аслида.

Боғи Чинор, Боғи Нав ва Боғи Давлатободдаги базмлар ҳам жуда файзли кечди. Элчилар Соҳибқирон Амир Темур билан бир дастурхон атрофида ўтириш шарафига етишдилар. Клавиҳо ҳамма базму зиёфатларда подшоҳнинг хурсанду мамнун эканини кўрди. Умрида бир қултум ҳам май ичмаган Клавиҳо Темурбекнинг Боғи Навдаги базмда барчага май ичишни, вақтичоғлик билан ўтиришни буюрганига, хатто ўзи ҳам нўш этганига гувоҳ бўлди. «Бу ҳам одамийликдан бир нишона», деб ўйлади Кастилия элчиси. Ҳукмдор бошқалар хузуримда истихолога боришмасин, ийманишмасин, уларни рағбатлантириш лозим, деган маънода ўзи ҳам қадахга лаб теккизди шекилли, деб ўйлади у...

Боғи Навнинг тилларанг ва ложувард бўёқлар билан сайқалланган қасри Клавиҳога бошқа боғларникига қараганда маҳобатлироқ кўринди.

Кастилия элчисининг дафтари тобора хайратомуз ёзувларга тўлиб борарди.

II

Самарқанди фирдавсмонанд, доруссалтана, келинчаклардай ясанган Турон салтанати пойтахти ҳадсиз музаффариятлар, қувончу шодликлар, одамни фавқулодда жунбунга келтирадиган ажойиб воқеалар оғушида фарқ эди. Учқур тулпор минган чопарлар етти йиллик юришдан қайтган Соҳибқироннинг Ко-

нигилда бешта амирзода набиралари тўйини ўтказмоқчи, жуда катта байрам, халқ сайли билан улуф зафарни нишонламоқчи экани ҳақидаги қутлуғ муждани Хоразмдан то Андижон, Ўйанкентдан то Термизгача, Туроннинг барча музофотларига етказишган, пойтахтда эса жарчилар аллақачон барча кўчаларни кезиб, элни тўйга айтиб чиққан, шодиёна кузнинг бахмал кунларига белгиланганди.

Агар Тошкандга олиб борадиган, икки четига ҳамиша одамлар билан гавжум икки ошёнали савдо расталари қурилган Боғқўчага назар ташланса, Ҳиндистону Испаниядан, Чин-Мочину Мисрдан, Хурросону Ироқдан, Рум ила Озарбайжондан келган, эмин-эркин кўчани тўлдириб юрган турли либосларга чулғанган одамларни кўриш мумкин. Шуниси кизиқки, ҳеч ким Самарқандда турли миллат ва қавм вакиллари нима қилиб юрибди, деб таажжубланмасди, чунки Самарқанд дунё марказига айланган эди!

Тўкин-сочин куз кирди. Дарахтлар ям-яшил, ариқларда сувлар тиниқлашиб қолди. Одамлардаги хуш кайфият табиатга ҳам кўчгандай туюлади. Кўчаларда ҳар жой-ҳар жойда, гузарларда яқин кишлоқлардан, Дамашк, Шероз, Миср, Хожа Фунжора тарафлардан олиб келинган, уюб ташланган қовун-тарвузлар кўзга ташланади:

– Кеп қолинг!

– Шакар ейсиз!

– Новвот оғзингизда! – қичкиради дехқонлар.

– Ақчангиз ўзингизда кетади! – дея қичқиришади.

Харидорлар ўймалашган, айримлари қовун сотиб олиб, шу ернинг ўзидаёқ сўйиб ейишга тушишади. Бу ерларнинг қовуни, мева-чевалари ширинлигини хорижликлар яхши билишади.

Самарқанд масъуд дамларни бошдан кечирмоқдайди. Ҳамма хонадонларда, маҳаллаларда ажойиб жонланиш сезилади, одамлар катта тўй-томоша кунлари тезроқ кела қолсайди, деб интиқ. Шаҳар атрофида Соҳибқирон бунёд этган боғларда ҳам аҳвол шунга

ўхшаш. Хонимлар ва аслзода ойимлар тўйларни қандай ўтказиш ҳақида суҳбат қурадилар, беш амирзода уйланишини эшитишиб, куёвлар ким, келинлар ким, улар бир-бирига муносибми ва ҳоказолар ҳақида тахминлар қиладилар, гарчи улардан биров буни сўрамаса-да, ўзларича куйиб-пишиб кенгашлар берадилар, гоҳида баҳслашиб ҳам қоладилар. Хизматкорлар эса хабарлар ташиб у боғдан-бу бокқа елиб чопишдан чарчашмайди.

Маҳди улё Сароймулкхоним Сафарберганга буюрди:

– Дарҳол Боғи Дилафрўзга бориб, малика Хонзода хонимни, Боғи Биҳиштдан Туман оқани чорлаб кел! Кейин тахтиравонларни тайёрлатиб қўй! Шай турсун! Конибилга бориб, байрамга тикилаётган чодирлару саропардаларни ўз кўзимиз билан кўрмак истаймен.

Уч кун аввал Боғи Навда элчилар шарафига берилган зиёфатда Соҳибқирон маҳди улёга деди:

– Ҳали Румда юрғон вақтимда, худо хоҳласа, Самарқандга қайтсам, аввал бешта набирамни уйлаймен, кейин бошқа ишга қўл ургаймен, деб ният қилғонмен.

– Илоҳо, ниятларига етсунлар, Ҳазратим! – мамнун жилмайди Сароймулкхоним. – Сизнинг ниятингиз ҳамиша улуғ ва эзгу бўлур!

– Уларга қайлиқ изласунлар, маъқулми! Ҳа, иккитасини ўзим тошиб қўйдим: валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султоннинг қизи Оқа бегимни Улуғбек Мирзога никоҳлаб берсунлар. Раҳматли Амир Сайфиддин некўзнинг энг кенжа қизи Тож ал-мулк оқани Умаршайх Мирзо ўғли Аҳмад Мирзога унаштирсунлар. Ийжал Мирзо, Бойқаро Мирзо, Иброҳим Султонларга номзодлар қидирсунлар ва менга айтсунлар.

– Бош устига, Ҳазратим! Тўйлар кўпайсун. Айтғон номзодларингиз айни кўнглимиздагидек бўлибдур. Оқа бегимни камина ҳам Улуғбек Мирзога мўлжаллаб юрғон эрдим.

– Кўнглимизбир-да, Биби... – жилмайди Соҳибқирон.

Хонзода хоним билан Туман оқа келганларида Сароймулкхоним тагин бирнеча номзодни хаёлидан ўтказиб турувди. Боғи Навдаёк, Хонзода хонимга бу ҳақда сўз очмоқчи эди-ю одам кўплигидан имконини тополмади.

Маликаларни тош терилган йўлақдан боғнинг ўртасидаги таги феруза лаппакчалар билан қопланган, ҳамиша зилол сувга тўлиб турадиган ҳовуз томон бошларкан:

– Бўй етгон набираларни уйлаш, тўйларини ўтказиш Амир Соҳибқироннинг энг яхши кўрғон юмушларидан бири. Яйраб кетадилар, – деди Сароймулкхоним жилмайиб. – Умаршайх Мирзо билан Муҳаммад Султон фарзандлари ҳақида кўп қайғурадурлар, уларнинг энди ҳам чекадургон оталари йўқ, ўқиб қолишмасун, дейдилар...

Хонзода хоним беихтиёр боққа назар ташлади. Икки тарафда гилос, шафтоли, хурмо ва узумлар... Чорчаманда эса анор, олма, нок, беҳилар хил-хил пишиб, тагига тушиб ётибди. У беихтиёр ортига ўгирилди. Ўгирилди-ю қотиб қолди! Эсига келинлик йиллари тушиб кетди.

Илгарилари Хонзода хоним сайрга чиққанда ҳовуз олдидан доим қасрга ва унинг икки ёнидаги чинорларга боқишни яхши кўрарди. Ўнг томондаги «ота-чинор» тарвақайлаб ўсар, аммо чапдаги «бола-чинор»нинг ўсиши суст эди...

Жаҳонгир Мирзо, ўнг тарафдаги чинор – валинеъмат Соҳибқирон, иккинчиси боласи, деб ўхшатган экан бир марта нечундир. Буни Хонзода хоним Сароймулкхонимдан эшитганди. Қайси боласи экан, деб ўйлаганди ўшанда Хонзода хоним, Жаҳонгир Мирзоми?..

«Ота-бола чинорлар!» – дейишарди Сароймулкхоним билан Хонзода хоним чинорлардан кўз узмай томоша қилишаркан.

Ўн етти ёшлик келинчак Хонзода хоним бир куни Боғи Чинорга келганида, қаср ёнидаги чинорлардан бири – ўша Жаҳонгир Мирзо, боласи, деб таърифлаган чинорнинг... жойида йўқ эканини кўрди! Сўраб-

суриштирганда, чинорнинг беҳосдан қуриб қолганини, кўчириб ташлаганларини айтишди.

Нимагадир Хонзода хонимнинг аъзои бадани жимирлагандан жимирлаб кетди ўшанда! Худди бола-чинорнинг куриши ноҳуш ишорадай, бир ой ўтар-ўтмас Жаҳонгир Мирзо қазо қилди... Малика бу ерда бирон сир-асрор ё алоқа бор-йўқлигини биллолмади, кимсага ҳам айтолмади.

Энди, ҳозир қараса, ўнг томондаги «ота-чинор»... жойида йўқ! Хонзода хонимнинг негадир бутун вужуди музлаб кетди! Аммо ҳеч кимга сездирмади. Бу нимага ишора? Ишорами?.. Йўқ, йўқ, ишора эмас! Зинҳор ишора эмас! Хонзода хонимнинг у ёғини ўйлашга юраги бетламади.

Сароймулкхоним шоҳи тўшаклар солинган, нознеъматларга тўла дастурхон ёзилган нақшин сўрига чиқди, гулдор бежирим лўлаболишга суянмай нари сурди, маликалар унинг ёнидан жой олдилар.

– Чинорга не бўлди, Хонимойим жаноби олиялари? – истар-истамас сўради оҳиста Хонзода хоним. У аслида гапни чуқурлаштиришдан кўрқарди.

– Ох, маликам, ўзларига айтолмағондим ҳали, бирдан касал тегиб, танаси ёрилиб-ёрилиб кетди, ичидан бор шираси оқиб чиқди... – жавоб қилди Сароймулкхоним. – Худди чинор йиғладию кўз ёш тўққандай бўлди, деб ўйладим...

– Йиғлади, дейсизму?.. Ё раббий!

– Султониядан қайтғонимиздан сўнг эди, шохлари қуриб, барглари ҳам тўкилиб, қуруқ оғочнинг ўзи қолди-да. Бир ҳафта аввал олдириб ташладим...

Хонзода хонимнинг оёқларидан дармон кетди! Ота-чинорнинг йиғлаши валиаҳд амирзода вафоти муносабати билан эмасмикин? Ёки парвардигор Соҳибқироннинг изтиробларини шу чинорда намён айладимикин?.. Афсуски, бунга жавоб йўқ. Тахминлар тахминлигича колар, малика дилини қиймаларди.

– Куёвлар кимлар экан? – сўради шу палла нарироқда ўтирган Туман оқа дуога қўл кўтарганларидан кейин.

– Куёвларми? – жавоб қилди маҳди улё. – Ҳазратнинг ўзлари айтдилар, Мироншоҳ Мирзо. ўғли Ийжал Мирзо ўн еттига тўлибди, Умаршайх Мирзо ўғиллари Аҳмад Мирзо ўн олтида, Бойқаро Мирзо ўн бир ёшда эканлар, Шохрух Мирзо фарзандлари Улуғбек Мирзо билан Иброҳим Султон ҳар иккиси ҳам ўн ёшдалар...

– Тўғри, тўғри! – дейишди маликалар.

Туман оқа бўлажак куёвлар ичида ўзи тарбиялаётган Иброҳим Султон номини эшитиб қувониб кетди:

– Худога шукр, энди келинлик ҳам бўлурбиз... Хонзода хоним куёвлар сафида набиралари йўқлигидан бир оз ичи қийилганини билдирмади. Наҳотки, валиаҳд шаҳзода оламдан ўтди деб, уни унутсалар? Аммо Сароймулкхоним зийраклик билан буни сезди ва сўради:

– Маликам, Улуғбек Мирзо қайлигини ким эканини билармусиз?

– Хабарим йўқ...

– Сизнинг набирангиз гўзал Оқа бегим-да!

– Шундайми?.. – чехраси ёришди Хонзода хонимнинг.

– Жуда сулув қиз! – мактади Туман оқа.

– Ҳа, Улуғбек Мирзо учун Муҳаммад Султон ўғлимизнинг қизи тўққиз ёшли Оқа бегим номини Амир Соҳибкироннинг ўзлари айтдилар.

– Қуллуқ... Раҳмат...

– Хонимойим, куёвларни билдик, – деди Туман оқа. – Келинларни ҳам билсак девдим. Совчиликка боргаймиз ахир.

– Ийжал Мирзога раҳматли Ҳожи Сайфиддин некўзнинг ожизаси Тож ал-мулк оқа, Аҳмад Мирзога оқсуяк зотлардан Аббос баҳодирнинг набираси Ўрун Султон оқа раво кўрилур. – жавоб берди Сароймулкхоним. – Иброҳим Султон Меҳр Султон оқани, Бойқаро Мирзо эса Бекбиби бегимни ўз никоҳларига олурлар...

Сўз давомида қайлиқлар шаънига «Чиройли қиз!»,

«Одобли киз», »Муносиб! Муносиб!», деган сўзлар жаранглаб турди.

– Илоҳи, бахтли, ували-жували бўлсунлар! – тилак билдирди Туман оқа.

– Оғзингизга бол, маликам! – мактаб қўйди уни Хонзода хоним.

Шу пайт катта дарвозадан Оққиз бегимнинг шошилиб келаётгани кўзга чалинди. Кўрибоқ Хонзода хонимнинг ўзи сиқилиб турган кўнглини бадтар ғашлик чулғади, у сабаб-бесабаб маҳди улёни безовта қила бермайди. Оққиз бегим Сароймулкхонимни тавоф этди, аслида унинг Хонзода хонимга гапи бор эди.

– Хонимойим ҳазрати олиялари! Кўксаройдаги нохуш воқеани сизларга етказишни лозим кўрдим. – деди хижолатомуз оҳангда Оққиз бегим.

– Хой, Оқ?.. Нима гап? Тинчликму?.. – ақиқдай кирмизи лабларини қимтиганча тикилди дугонасига Хонзода хоним, ҳушёр бўл, шошилма, гапингни ўйлаб гапир, дегандай. Оққиз бегим ишорани тушунди.

– Жаҳон амирзодаси Халил Султоннинг жуфти халоли, мухтарама малика... Жаҳон Султон бегим...

– Жаҳон Султон бегим... Амир Соҳибқироннинг жиянлари... Хўш, хўш? – сўради таажжубланган Сароймулкхоним.

– Жаҳон Султон бегим Амир Соҳибқирон ҳузурларига кириб арзадошт қилибдурлар. Ҳазратнинг қайтишларини кутиб турган экан. Жаҳон амирзодаси раҳматли Амир Сайфиддин некўзнинг қоралардан чиққан Шодимулк отлиқ канизагини ёктириб қолибдилар. Мажнундай қаттиқ ошиқ бўлибдилар. Ихтиёрлари ўзларида эрмас эмиш. Яширинча Ашпара томонлардами, у ёғини билмайман, ўша канизакни ўз никоҳига киритибдилар...

– Вой ўлмасам!

– Ё, худо!

– Ўзим айтғондим-а, Султонияда амирзодам жуда бошқача эдилар деб! – Хонзода хоним уф тортди. – Шу етмай турғонди ўзи...

– Жаҳон Султон бегим Ҳазрат оёқларига отилиб

йиғлабдилар: «Бир иширски аёл бойимни тортиб олди. Ўша бировдан қолган олқиндини биздан афзал санадилар. Бу иснодни қандай кўтариб юрамен?» Жаҳллари чиққан Ҳазрат дарҳол ўша аёлни олиб келишларини буюрибдилар. Аммо Халил Султон уни қочириб юборишга улгурибди. Шунда Ҳазрат, канизак ҳарамдан бадарға қилинсун, деб фармон берибдилар...

Маликалар кутилмаган хабардан қандай йўл тутишларини билмай хаёлга ботиб турганларида Халил Султоннинг атқаси Худойод Хусайний келиб қолди:

– Хонимойим жаноби олиялари! Амир Соҳибқирон қарорини ўзгартириб берсунлар! – деди у ҳаллослаб. – Ахир амирзода билан канизак эру хотиндурлар, никоҳдан ўтганлар, бир-бирисиз туролмайдилар, бамисли эту тирнок, уларни ажратса қон чиқади холос! Айтган маслаҳатларимнинг биттасини ҳам олганлари йўқ! Агар Шодимулкни бадарға этсалар, Халил Султон ўзини бир нарса қилиб қўйиши ҳеч гапмас... Ундан кўркқулик!

– Йўғ-е, ундоғ демасунлар! Худо сақласун! – деб юборди бир ўғлини тупроққа қўйиб адои тамом бўлган Хонзода хоним.

– Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин баҳодирларга ёрдам сўраб ўтиндим. «Соҳибқиронга сўзи ўтадиган икки одамнинг бири ири муршид Мир Саййид Барака эдилар, ул зот оламдан ўтганлар, – дейишди улар, – иккинчиси Бибиҳоним жаноби олияларидурлар. Бизларнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайдур.» Ҳузурингизга югурдим, маҳди улё жаноби олиялари!

Сароймулкхоним Муҳаммад Султон билан Халил Султонларни бағоят ардоқлар, уларни ўтқизгани жой тополмасди. Ҳар иккисини ҳам ўзи катта қилган. Валиаҳд шахзода оламдан ўтгандан кейин бутун меҳрини Халил Султон билан Улуғбек Мирзога қаратган маҳди улё воқеани эшитиб юрагига даҳшатли кўркув оралади.

– Хонимойим жаноби олиялари! – катта малика

кўйлаги этакларини ўпиб кўзига суртаркан ёлворди Хонзода хоним. – Ўғлимизнинг гуноҳини сўраб берсунлар!

– Сўраб берсунлар! – илтижо қилди Туман оқа хам.

Худойдод Хусайний эса ошиқ амирзодани деб, эркак боши билан аёл кишига ёлвориб қўл қовуштириб турар, ҳар сўзида: «Ўзлари балогардон бўлсунлар, хонимойим!», «Балогардон бўлсунлар!» дерди.

Сароймулкхоним шу палла ҳеч кимнинг илтижосини ҳам, ялиниб-ёлворишини ҳам эшитмас, кўз олдидан фақат бири-биридан нохуш манзаралар ўтар, бунга йўл қўймаслик учун ўзини масъул ҳисоблар, бирон чора топиб даҳшатнинг олдини олишни ўйларди. У беихтиёр ўнг юзидаги гажагини юқорига қараб силаб қўйди, чап юзидаги кичкина чиройли қора холи нима бўляпти ўзи, деб атрофга ҳайрон боқарди.

Орага нохуш жимлик чўкди.

– Кани... мен борайин-чи... Оллоҳ ўзи қўлласа ҳеч гапмас... – деди охири Сароймулкхоним оғир сўлиш олиб. Сўнг тайёрлаб қўйилган яшил маофага чикди-да, боришни мўлжаллаб қўйган Конирилга эмас, Кўксарой томонга йўналди.

Маҳди улё қўш минорали Кўксаройнинг нақшин дарвозасига борганда ичкаридан Муҳаммад Чуроға додхоҳ чиқиб қолди:

– Ассалому алайкум, Хонимойим жаноби олиялари! Худонинг ўзи етказди! Ўзларини Ҳазрат Соҳибқирон ҳузурларига чорлагандилар. Айтмакка бораётиб эрдим...

Сароймулкхоним Румдан қайтганидан бери боғлардаги зиёфат-базмларда хушчақчақ кайфиятда юрган Амир Темурнинг бугунгидай кўринишхонадаги тахтда қовоғи солиқ, руҳи сўник ҳолда ўтирганини илк бор кўриб турарди. Унинг кўнгли увишди

– Ҳазрат Соҳибқирон... – деди босиқ йўл-йўлакай ўйлаб келган жўяли фикрларини жамлашга тиришиб. Соҳибқирон ғазаб шунқорига айланганда ўжар ва асов отга ўхшаб кетарди. Унга каманд ташлаб,

ройини этиш мушкул... Катта малика буни билар ва шундай ҳолларда дарҳол чорасини изларди. У тахт пойига яқинлашди-да, Соҳибқиронни елкасидан олиб тавоф айлади, кейин тиз чўкиб ҳазратнинг ўнг оёғини охиста уқалай бошлади.

– Суюкли набираларимизга тўйлар бериб, юрт олдида дастурхон ёзиб, буюк музаффариятни байрам қилиб нишонлаш арафасида ёқимсиз ҳодисаларни нутишни истайдур киши...

– Англамайдурмен, Биби, нималар бўлмакда ўзи? – Сароймулкхонимга қараркан, чимирилди Соҳибқироннинг мош-бринч куюқ қошлари.

«Бибига бу нохуш воқеани қандоқ айтмоғим жоиз? – ўйланди Амир Темур. – Айтсам, у аёл киши, кўнгли бўш... Катта шодиёналар олдида хафагарчиликка йўл қўйилмасун. Шу сабабдан Бибига Халил Султон воқеасини ётиғи билан тушунтирмак лозим.»

– Ўзимда ҳам айб бор, Биби. Давлат иши деб дунёнинг у четидан бу четига елдим, чопдим, югурдим, фарзандлар тарбиясига бепарво қарадим. Бир набирам Миср ёққа ўтиб кетибди, Мироншоҳнинг бебошликларига ўзингиз гувоҳсиз. Бошқаси ўзини касалликка солиб жангга боришдан бош тортибдур...

– Айб сизда эмас, бизда, Ҳазратим! Бизга ишонгон эрдилар, бепарво қарадик... – деди Сароймулкхоним ва кўнгли бўшашдими, кўзларига ёш олди. – Ҳазратим... менинг дунёда парвардигор билан ўзларидан бошқа суянчим, меҳрибоним, қариндошим йўқ...

– Ие, Биби? Йиғлаяндиларму? Йиғидан худо сақласун!

«Халил Султонни Биби тарбиялагон. Воқеасини айтсам, Бибига дашном бергон, силкилагон бўламен. Шундай хурсандчилик кунларида бу ҳеч ярашмай-дургон иш. Қандай йўл топсам экан?»

– Халил Султон набирамиз бизларга билдирмай номаъкул ишга қўл урибдур...

– Ундан сўз очмасунлар! Дилимни куйдирмасун-

лар! Ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратди... Ҳарамдек муқаддас масканга нопок қадамлар тушмаслиги керак-ку! Нопоклик аралашса, салтанатнинг дарз кетиши мумкинлигини билмайдиларму? Яширинча никоҳдан ўтиб олғони учун ҳам у жазога лойиқдур.

– Унга жазо берсалар, жазо бизларга бўлғай... – Сароймулкхоним қўлини кўксига қўйиб, бирпас тин олди. – Ҳазратим, тақдирга ким қарши борибди? Набирамизнинг гуноҳидан ўтсунлар, Шодимулкни бадарға этмасунлар...

– Ўша кўзини сузгани учун букача ипини узибдур... Ҳали ҳам тўққиз биянинг думига боғлатиб чўлларга ҳайдатмадим. Кўзга кўринмасун, саройдан қувилсун, бадарға этилсун, дедим холос! Жонини олса худонинг ўзи олсун!

«Агар Шодимулкни амирзодадан айирсалар... айирсалар... – ўйланди маҳди улё. – Халил Султон ўзини бир нарса қилиб қўйиши аниқ, жўшқин феъли бор... Яна бир бало бошимизга ёприлмасун тагин? Худонинг ўзи асрасун. Албатта чора топмоғим керак...»

– Ҳазратим! Муҳаммад Султонни бериб қўйиб, бағримиз ўприлиб турибди ўзи... Агар Шодимулкни бадарға этсалар, Халил Султонни ҳам саройдан қувғон бўлурбиз...

– Қандоғ қилиб? Ростини айтсам, ўзларини деб амирзодани жазоламадук, балки уни йўлдан урғон далли хотинга жазо бердук... Ҳайдалсун, вассалом!

Амир Темур ҳеч ён бермас эди. Сароймулкхоним нахотки ўйлаб қўйган сўнгги чорасини қўлласа? Соҳибқирон фарзанд деса, жонини фидо этишга тайёр зотдурлар, фарзандларга асру шафқатлари беқиёсдур, шу фазилатларидан фойдалнишим жоиз. Мана, асов отни совутишга муносиб чора! Бошқа илож йўқ

– Ҳазратим! – деди бирдан. – Узримизни қабул этвойсиз. Оллоҳнинг хоҳиши... Ўзларига худо билғон бир сирни ошкор этай. Шодимулкнинг... бўйида

бор, у юклидур, томирида сизнинг қонингиз тепиб турибди...

«Ёлғонни худонинг ўзи кечирсун. Боламни деб, макр ишлатсам ишлатибмен. Унинг учун ҳамма нарсага тайёрмен. Шодимулк юклими йўқми, билмаймен, ҳатто ҳали ўзини кўрғоним ҳам йўқ...» – хаёлидан ўтказди Сароймулкхоним.

Амир Темур ҳайратдан ёқа тутди:

– Ё раббий! Биби! Нималар деяпсиз? Шу... ростму?

– Рост... Рост, Ҳазратим!

Амир Темур туткич бермай, роса ўжарлик қилиб қутулолмаган, охири қафасга тушган шердай ройиш бўлиб қолди. У индамай ўрнидан турди, пуштиранг пардалари очиб қўйилган дераза ёнига бориб, узоқларга, олисдаги тоғларгача ястанган Конибил томонларга қаради. Набиралар тўйи доим ана ўша ўланзорда ўтади...

– Майли... ҳайдамасунлар... – деди Соҳибқирон бир оздан кейин. – Канизак малика Туман оқа ихтиёрига тобшурилсун. Чеварамиз эсон-омон туғилсун... Туман оқанинг ўзи катта қилсун. Ўшандан сўнг... канизакни қулга узатиб юборсунлар!

Маҳди улё Сароймулкхоним суюкли набираси Халил Султонни балолардан асраб қолганига худога шукрлар этди. Савоб иш қилганидан қувончи чексиз, таҳликада қолган маликаларни тинчлантириш учун Боғи Чинорга йўналди. Лекин вақтлар келиб, яхшиликка қайтган ёмонликдек, ўзи қутқариб қолган канизак унинг, нафақат унинг, балки улуғ салтанатнинг бошига ҳам қора кунлар солишини зинҳор ўйламасди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

I

Амир Темур сафардан қайтгач, хосу ом ахволини сўраб-суриштирди, факиру мискинларга хайру садақалар улашди. У гоҳ Боғи Чинорда бўлар, гоҳ Боғи Бихиштда, бириси куни эса Боғи Дилқушгога от бошини бурарди.

Пойтахтга келганининг бешинчи куни – шанба эди, Кешга кетдим, деб эълон қилди-да, ўз одатига кўра кийимларини ўзгартириб, биров боқса танимас дарвиш қиёфасида, Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳамроҳлигида пинҳона уч кун Самарқанд бозорларини айланди, чарчадим демади. «Бозор – бир кўзгу, – дерди Соҳибқирон. – Унга боқиб, эл-улус турмушини аниқ билиб олғаймен.» «Дарвишлар» кўп нарсаларни тафтишдан ўтказдилар, нарх-наво билан қизиқдилар.

Чоршанба куни Сароймулкхоним мадрасасига йўналди ва мутасадди соҳиби девонлару амалдорларни тутуб келтиришларини буюрди. Машварат фаройиб кечди. Солик йиғувчи уммолларнинг ишини шахсан ўзи сўраб-суриштирди, танбеҳлар билан нотўғри кадам ташлаганларни маромида иззалар айлаб уялтирди.

– Эл ҳақиға кўз олайтиргувчи кишилар энг қабиҳ кимсалардур, – деди кейин авзойи бузулган Амир Темур вазири аъзам Муҳаммад Жалдга қараб. – Амир бўлса тамагир, на товуқ қолур, на куланкир. Ҳа, салтанат емирилиши очкўз кишиларга мансаб беришдан бошланар экан. Айб ўзимизда. Афсус... Сен вазири аъзам мақомида туриб, тизгинни бўш қўйибсен, йўқ, ҳатто қўлдан чиқариб юборибсен! Нарх-наволар осмонда, ўзингнинг қорнинг тўйса кифояму?.. Ана бу масжидга қарангиз! Шундай қутлуғ юмушни келиб-келиб сенга тайинладимму ҳали? Салтанат виқори бўлиши лозим масжид пештоқининг пастлигини, эшигининг кичиклигини кўрингиз! Ўзингнинг бўйингга мосладингму?..

Орага жимлик чўқди. Қилт этган товуш эшитилмасди.

– Бузсунлар ва улуғроқ қилсунлар! – қатъий деди бирдан Амир Темур.

Қалтираб ўтирган Муҳаммад Жалд дарҳол тахт пойига ўзини отди, сўлқиллоқ қўллари билан Соҳибқирон яқтаги пешини қайта-қайта ўпиб кўзларига суртди:

– Гуноҳкорман! Гуноҳкорман! Масжидни қайта

курамен! Бир қошиқ қонимдан кечингиз, Амир Соҳибқиро-о-он! Бола-чақам бор! Бир қошиқ қонимда-а-ан !..

Вазири аъзам шундай дер экан, ёнимни олингиз, дегандай Соҳибқирон ёнидаги Муҳаммад Чуроға додхоҳга мўлтайиб термилди. Аммо додхоҳ тош қотгандай жим турарди.

Амир Темур ерда куймаланиб ётган, пакана бўйи яна ҳам кичрайиб, юмалоқ буюмдай бўлиб қолган вазири аъзамга қаради. Унинг Мироншоҳ Мирзо девони тафтишига борганда камомадлардан кўз юмиб, вазиятнинг издан чиққанини яширгани, ундан ҳам олдин Ҳиндистон мухорабасидан сўнг султон хазинасини олишда тўрт минг динор ақча, етмишта қимматбаҳо тош, ёқут, йирик Бадахшон лаъли, баҳоси баланд олтин узук Турон хазинасига кириш қилинмаганини эслади. Ҳолбуки, назардан ўтказганда бари санокда мавжуд эди, Амир Темур ҳамма жойда кириш дафтарларини ўзи текшириб чиқарди. Икки хазина дафтарлари бир-бирига киёсланганда сир очилиб қолди. Соҳибқирон арқонни узун ташлади: инсофга келиб, хатоларни тўғрилар, хазинанинг кам-кўстини бутлар, олган нарсаларини қайтарар, деб кутди. Энди эса, бозорларни ўз ҳолига ташлаб қўйибдур, айниқса, масжид қурилишини расво қилибдур.

Соҳибқирон индамади ва фармон ўқилсун, дегандай Муҳаммад Чуроға додхоҳга қаради. Додхоҳ масжиднинг кенг ховлисини тўлдирган аёну ақибларга қарата деди:

– Кучни адолатда деб билган, бутун умрлари давомида адолатни дастак айлаб қилич кўтарган Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари буюрадилар: қўли қинғир қассоблардан ўн киши, баққоллардан тўққиз киши, аллофлардан олтитаси, читфурушлардан иккитаси, уммолу муҳассиллардан еттитаси чўби ясоққа етказилсун! Саройдаги муҳассиллар бошлиғи зиндонга ташлансун, мулки тортиб олинсун! Вазири аъзам Муҳаммад Жалд девондаги қилвир ишлари, очкўзлиги, юрт тартиботидаги хато-

лари, хусусан, масжидни бунёд этишда олий раъй хошишларига зид боргани жихатидан дорга тортилсун, мол-мулки мусодара этилсун!

Издихом бир сўлиш олди, кейин у ердан-бу ердан шивир-шивирлар эшитила бошланди:

– Шукр қилмак керак!

– Бу ҳам бир марҳаматдур!

– Эртадир-кечдир ёмонлик жазосини олмай қолмас экан-да!

Ясовуллар вазири аъзам Муҳаммад Жалд билан муҳассиллар бошлиғини ох-воҳларига қарамай судраб кетдилар.

Эртаси куни тонг ёришар-ёришмас, Кўксарой олдида салобатли карнай овозлари фалакни тутар даражада янграй бошлади. Мардона садолар шаҳарнинг барча маҳаллаларига, ҳатто ундан ташқаридаги қишлоқларга ҳам бориб етар, барчага Кониғилда ўтадиган муаззам тўй нашъу намоларидан хабар берарди.

Арк кўчаси, Наддофлар маҳалласи, шаҳарнинг турли депараларидан ясанган одамлар, ким болаларини етаклаган, ким ўзи якка, биров ёнида дўсти билан, ёш келин-куёвлар, амма-холалар, хотин-халаж, бола-бақра, авомуннос оломон Боғкўчани тирсиллатиб Кониғилга шошади.

Кўча-кўчалардан қайнаб чиққан одамлар, булок сувлари қўшилиб сойлар ҳосил қилгандай, халқ дарёсига бориб қуйилади. Сарой аҳли, сипохийлар, савдогарлар, санъаткорлар оқими бир лаҳза ҳам тинмайди, изма-из хунармандлар, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, қуролсозлар, кулоллар, қандолатчилар, ҳазил-мутойиба ва латифа соҳиблари, Кастилия, Миср, Олтой, Хитой, Чекка Мағриб, Ҳинд мамлакатларидан Самарқандга таприф буюрган элчилар (улар орасида Ахий Жаббор баходир кузатувида юрган Клавиҳо ҳам бор), меҳмонлар аста-секин ўша ёққа силжийди. Шероз, Султония, Бағдод, Дамашк, Хожа Ғунжора, Кумушкент, Камонгарон сингари ва бошқа қасабалардан отланган гурас-гурас эл ҳам кам-кам оломонга аралашиб боради. Хамманинг

кўнгли хотиржам, ҳов мусаффо осмон четида ерга тушмоққа интиқ бир парчагина оқ-оппоқ булутдек энгил ва доғсиз, ўзига шодлигу фараҳ тилайди.

– Кеча бориб кўрдим, дегин, Конибилни, дастингдан кетай! – мақтанди Учқора Йаналтекинга одамлар тўлкини ичида бораркан, барча эшитсин дегандай, баланд овозда. – Вей, ер ҳам саропарда, кўк ҳам саропарда! Вой-баёв, олам-жаҳонни тутиб кетибди! Кўҳакдан, десанг, то Шовдор туманигача ҳар қадамда саропарда-ю боргоҳлар, хайма-ю хиргоҳлар... Амир Соҳибқирон, ҳамма шаҳар аҳли, қўшину аскарларга чодирлар тикилсун ва аскарлар ўз хотинлари болалари билан борсунлар, деб буюрибдурлар! Ҳар қайси чодир бир шахзоданики, ё амирники, ё аскарники! Масофаям катта, салкам олти йиғоч бор-ов!

Шундай дегач, Учқора севган кўшиғини хиргойи қилишга тушди:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди-и и...*

– Ол-а! Гаңгаям қалпоқ кийдириб юборасан-да, отангни арвойи! – эътироз билдирди Йаналтекин.

– Қанака қалпоқ? Нималарни валдираяпсан ўзи, дастингдан кетай? Қалпоқ эмиш! Мен нималар де-япману, сен эса...

– Ер ҳам саропарда эмиш, кўк ҳам... Ерда майли, лекин кўкда қандай саропарда бўлсин? Ҳавода-я? Ақлинг жойидами?

– Одамлар шунақа гапиришади-да, лофи билан! Тушундингми, овсар? – тутақа бошлади Учқора.

– Сен лофи билан гапирма, тоби билан гапир, отангни арвойи! – донишмандлигини намоёиш қилди Йаналтекин.

– Вей, темирчининг димланган босқонига ўхшайсан-а, дастингдан кетай! – деди тоқати тоқ Учқора. – Ёкиб юбормасанг тутун қайтариб ўлдирасан кўясан, шекилли! Бўпти, тавба десам кутуламанми? Э, бор-е!

Учқора индамай йўлида давом этди.

Олдинда кетаётганлар ичида гоҳ-гоҳда гуриллаб

кулги садолари кўтарилар, машҳур аскиячилар Орик билан Пакана ҳамроҳларини зарофатли гаплардан баҳраманд этиб боришарди.

Одамларга тўлиб-тошган Конибил маҳобатли маъракаи майдонни эслатади. Гўё бу ерда улкан муҳораба – жанг бошланиб кетгандай... Сохибқироннинг бемалол бир қасаба дегулик муборак ўрдаси ўланзор марказида ўрнашган. Унда маҳобатли шоҳчодир, ҳашаматли кўшк, тўртта сўлим саропарда, устунлари олтиндан қилинган дабдабали шоҳона оқ уйлар қад кўтарган. Улар шунчалар қалинки, тангадай офтоб нури ерга тушмайди.

Умуман, Конибилда жуда кўп соябонлар қўйилган, иссиқ кунлари одамлар уларнинг сояларида жон сақланади. Саропардаларда ичкарима-ичкари кичик саропардалар, яна юриб борилса, деразаларига хилма-хил нафис шокилали харир ҳаворанг пардалар тугилган жаннатро чодирлар кўзга ташланади. Оқ, кўк, сариқ, яшил ва қизил ранглардаги алоҳида ажралиб турган олтин бўсағали, кумуш бўсағали дилтортар файзиёб чодирлар ёш келин-куёвларга мўлжалланган.

Ичу таши бири биридан гўзал ва беқусур безатилган олтин у зарларга, ипакларга қўмилган саропардаларнинг рўбарўдагиси Катта хоним Сароймулкхонимга, кейингиси Кичик хоним Тўқал хонимга, учинчиси малика Туман оқага, тўртинчиси Сохибқироннинг олий мартабали келини Хонзода хонимга ажратилган. Бир шоҳона оқ уй ҳукмдорнинг кизи Султон Бахт бегимга раво кўрилган. Бошқа оқ уйларда канизаклар, келинлар, аслзода ойимлар истиқомат қилишади.

Етти иклим султонлари элчиларининг чодирлари ўрда билан ёнма-ён жойлаштирилган, олтмиш икки амалдору ўттиз икки муҳрдор, ашрофу ақобир, узоқ-яқиндан келган туман амирлари, қўшинларнинг сардорлари, мўътабар арбобларга тегишли пинам боргоҳлар, муҳташам айвонлар уларга уланиб кетган, айримлари хатто Обираҳматгача бориб етган, сув бўйида маржондай тизилиб кўзларни қувонтиради...

Ўз йигитлари билан Кастилия элчиси Клавихо хузурига Обирахмат бўйидаги хос чодирга йўналар экан, Ахий Жаббор баҳодир рангбаранг манзараларни кўриб, таърифига сўз йўқлигига иймон келтирди. Унга мухтарам элчи ва шерикларини Конибилни айлантириб томоша қилдириш топширилганди.

Шубҳа йўқ, саропардалардан кўра баландрок, қирк устунли, ўн икки бурчакли, худди бошдаги тождек ягона, бутун атроф водийга кўрк бўлиб тушган шохчодир улкан ўрда ичида алоҳида кўзга ташланади. Таши сидирға оқ сақарлот, ичи кўк бахмалу ипаклар билан қопланган, қирмизи гиламлар солинган шохчодирга нақ ўн минг одам сиғади. Ажабтовур бежамали зардўзи кашта осилган, мунаққаш куббали баланд эшиги тепасида зарҳал уч ҳалқаси ярқираган салтанат байроғи мағрур ҳилпирайди. Эшик олдидаги баланд рангоранг соябон ажойиб хусусиятга эга: бамисли жони бордай офтобга қараб айланиб, вазиятини ўзгартирар, оқибатда бу ерда доим соя бўларди. Одамлар бунинг сирини билолмай таажжубга тушардилар.

Шохчодир ичидаги қасрга ўхшаш катта кўшкни нақ мўъжизанинг ўзи, ўрдагина эмас, бутун Конибилнинг беағи дейиш мумкин! Аслида, биз энди кўзланган, мақтанмоқчи бўлган манзилга келдик. Ҳашаматли бу кўшкка тикилганлар узоқ кўзларини ололмай қолардилар. Сохибқирон бу ерда тахтда ўтириб, кичик машваратлар ўтказди, унга сайланган ақобирларгина таклиф этилади, бундан йироқ-йироқлар кафтдек аён кўринади. Саккизта деразаси борлигидан ичи ёп-ёруғ кўшкнинг деворлари дуру марварид, зару забаржадлар билан ясатилган, пастга машҳур Қирмон гилами ташланган, шохи кўрпачалар солинган йигирма-йигирма беш кишилик жой ҳамиша мухайё туради.

Чап бурчакда нақшин хонтахта устида чўнг тобоқда танаси одам оёғичалик, бўйи икки ярим-уч газ чиқадиган, эманга ўхшаб тарвақайлаган сершоҳ олтин дарахт ярақлаб жилолар сочади. Дарахтнинг мевалари ёқут, дур, жавоҳир, лаъл, зумрад,

гавҳар, ақиқ, феруза янглиғ тошлардан иборат. Олтин қушчалар турли алпозларда намоён эди: бири мева чўқимоққа интилиб нозик тумшуғини чўзган, бошқаси ерга тушиб кетишдан кўрқиб, эгилган бутуқчага омонатгина қўнган, учинчиси учмоққа тарадудланиб қанотларини ёзган, бир нечалари эса тумшукчаларида гавҳар, ёқут, жавохир меваларини тутганларидан мамнун, татиб кўриш пайида...

Кўшкнинг шифти жуда чиройли, гумбазида тилла суви юритилиб ишлатилган катта кумуш бургут қанот ёзиб турар, пастда эса кўшк эшигининг икки ёнида икки лочиннинг зарҳалланган кумуш ҳайкали ўрнатилганди. Узоқдан қараганда, худди бургут лочинлардан бирига ташланмоқчидек, тумшукларини кўтарганча хавотирда бургутга қайрилган лочинлар эса шу заҳотиёқ қочиб учиб кетишмоқчидай бир ҳолатда туришарди. Ахий Жаббор баҳодир Муҳаммад ал-Кешийга жилмайганча, ўз дафтарига нималарнидир ёзаётган Клавихога тушунтирасиз дегандай, деди:

– Бургут – Амир Соҳибқирон, лочинлар эса душманлардир. Душманлар ҳамиша мана шу лочинлардай қочиб жон сақлаганлар.

– Рост, рост! – тасдиқлади Клавихо. – Жуда теран маъно бор! Ким ясаган бўлса ҳам жуда моҳир экан! Бу олий санъатдур! Олтин дарахт ҳам мўъжиза экан, бундай ноёб ҳайкални ҳеч қачон учратмаганман! Даҳоликнинг бемисл самаридур бу!

– Олтин дарахт – Турон салтанатининг бой-бадавлатлигини, шукуҳини кўрсатиб туради... – Ахий Жаббор баҳодир ғурурланиб кетди. – Ҳамма келиб томоша қилади.

Атрофда мусиқа садолари янграр, ҳар турли жойдан айтилаётган ашулалар борлиқни тутганди. Клавихо назарида Кониғилда ҳамма – каттадан-кичик, ҳатто майса-дарахтлар, осмондаги булутлар, қушлар ҳам рақсга тушиб, қўшиқ айтарди, Еру Осмон куйларди!

– Қўшиқ ила навони Турон юртида жуда ёктири-

шар экан-а! – таажжубланганини яширмади Кастилия элчиси.

– Ҳамма яхши кўради, ҳеч ким нағма-навосиз туролмади! – кулди Ахий Жаббор баходир.

Клавихо мамнун бош тебратди. Унинг Конибилни айланган сари хайрати ортар, тез-тез қўйнидан дафтари оларди. Бора-бора дафтари қўлидан тушмай қолди.

Элчининг диққатини тортган нарса, эгар-узангилари зарҳалланган, оёқлари тўпифидан тиззасигача қизил баркут билан боғланган(баркутнинг гулдор шокилалари бор), кумуш юганли гижинглаган отларга минган, майдонни оралаб юрган худди келин билан учрашишга бораётган куёвларга ўхшаб пўрим кийинган ясовуллар бўлди. Улар Конибилда тартиб сақлаб, ҳеч кимга халал бермай, фақат: «Ҳой, огоҳ бўлсунлар!», «Йўлни бўшатсунлар!» қабилида хушёрликка чорлаб хитоблар қилишар, у ёқдан-бу ёққа от қўйиб юришарди. Этиклари зарҳал тусда, қўлларидаги ҳавосат учунгина тутилган қиличлари ҳам заррин матоларга ўралган, от йўрттиртиришганда дубулғаларининг тепасидаги тилларанг жиғалари фаройиб тарзда парпираб кетиши элчига ажабтовур кўринди, болақайларнинг чувиллашиб улар ортидан чопишгани ҳам бежиз эмасдай туюлди унга.

Тўлқин-тўлқин эл кезарди. Чехралари майин табассумлар билан безанган пари пайкарлар, нозик адолар шеру айиқлар олдида эмин-эркин юрган оҳулардай тутишарди ўзларини. Ҳар жой-ҳар жойда гавжум ширахоналарда, кичик соябонлар тагида турфа хил егулик таомлар, бўрсиллоқ нонлар, бутунича пиширилган қўйлар, кази-қарталар, хасиллар, яхна жигарлар, мева-чевалар, қанд-курслар, шарбатлар, хумларда майлар, мешларда қимизлар қўйилган, бу ерда бандаси оч қолмас, ёнидан ўтиб кетса ҳам қараб қорни тўярди. Бошларига оқ қалпоқча кийишган хушбичим мулозимлар қимизга қанд ва қўйруқдан солиб, барчанинг иштаҳасини кўзгаб, гулдор таёкча билан мешни уриб-уриб пишитишар, мехмонларни таомлардан татиб кўришга ундашарди:

- Қимиздан ичинг, қимиздан!
- Бари бепул!
- Сомсалардан еб кетинг!
- Тановул қилиб олинг, қорнингиз очиб қолади!

Одамлар чорловларга қулоқ осади, гоҳо оёқда тик туришиб, гоҳо соябон таидаги сўриларга ўтиришиб худонинг неъматларидан баҳраманд бўладилар.

Ахий Жаббор баҳодир Муҳаммад ал-Кеший, Клавиҳо ва унинг шерикларини майдоннинг кунботишида берилаётган улкан ош дастурхонига томон бошлади. Мавж урган одамлар тўлкини еру кўкка сифмайди. Жой бўшагини кутиб турганлар кўп экан. Улар ҳам бир четга чиқдилар. Машҳур машшоқлар ўтирган чодирлардан борлиққа сеҳрли куй-наволар тараларди. Шу палла Ахий Жаббор баҳодир Учқора билан Йаналтекинга ошга киришга навбат кутиб турган бир гуруҳ кишиларга имо қилиб, деди:

– Улар салтанат хизматида юрган эътибору эҳтиромга сазовор кишилардир. Ҳаммаси ошга бақамти келишган.

Йигитлар бу гапнинг маъзини чақишга улгурмай, баҳодир яна сўз қотди:

– Энди ана уларга боқинг: уларнинг ошиғи олчи, эрта-индин янги мансабларга тайинлангувчилардир. Ошга биргалашиб навбат кутиб туришибди.

– Ол-а! – деб юборди Йаналтекин. – Шуларнинг бари-я?

– Энди бу ёққа қаранг! – деди баҳодир чап томонда турган кўринишидан бир гуруҳ шавки паст одамларни кўрсатиб. – Кечагина салтанат шавкати деб ўзларини осмонда сезиб, кўкрак кериб юрганлар эди бари, бугун эса мансабидан мосуво бўлганлар ҳисобланади. Улар ҳам биргалашиб ошга келишган.

– Вой, отангни арвойи! Тенг тенги билан, тезак қопи билан экан-да, баҳодир жаноблари! – деб юборди Учқора. – Бир-бирларини топишганларига қаранг!

Учқови ҳам Учқоранинг содда гапига кулиб юбордилар. Муҳаммад ал-Кеший ҳар айтилган сўзни испанчага ўгириб турар эди. Клавиҳо жилмайганча:

– Мутаассирман! Жуда ҳаётий! Менга таниш! –

деди. – Мен Самарқандда эмас, худди Кастилияда юргандайман!

Шу палла уларни ош дастурхонига таклиф этдилар.

Хар хафтада бир тўй бўлиб ўтмоқдайди. Бешинчи, яъни Улуғбек Мирзо тўйи куни, подшо ўрдаси олдидаги кенг майдонда катта томошалар бошланиб кетди. Вақт пешиндан ўтганди. Эл-улус, меҳмонлар, элчилар майдон сари окдилар. Турфа хил мусика садолари янграр, унга одамларнинг кийкирик овозлари қўшилиб, оқибатда «ғалоғовур» деб аталадиган ноаниқ олакуроқ шовқинни пайдо қиларди.

– Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари! – қичқирди шу пайт кўшк эшигида турган Муҳаммад Чуроға додхоҳ. У зарбофт матодан бежиримгина салла ўраб олганди.

Сидирға шоҳи яктак устидан оқ, енги калта авра зарбофт тўн ташлаган Амир Темур кўшкдан кўриниши биланок, халойиқ жунбушга келди. Атрофдан:

– Ҳазрат! Ҳазрат! Ҳазра-а-ат!

– Амир Соҳибқирон!

– Соҳибқиро-о-о-он!

– Тўйлар қутлуғ бўлсун!

– Ҳазрат Кўрагон умрлари узок бўлсун! – деган овозлар ёғилди. Амир Темур кўнглида мамнунлик хиссини туйди, эл-улуснинг қувончи унга ҳам ўтди. Оҳиста юриб, шохчодирга уйқаш қат-кат шоҳи кўрпачалар тўшалган, атрофи чиройли оппоқ нақшинкор панжара билан ўралган баланд супага чикди ва оқ ипак ёстикқа ёнбошлади. Бошида ёқут, жавоҳиру қимматбаҳо тошлар қадалган тож ярақларди.

Клавиҳо ўз шериклари билан бошқа элчилар қатори баланд супадан чапроқда ҳукмдорнинг қариндош-уруғлари ёнида катта соябон тагида жойлашди.

Шу пайт шимол ёқдан суронлар эшитилди. У ерда чавандозлар кўпкарида от суришмоқда эди. Кунчиқиш тарафда ит, кўчкор, хўроз уриштириш жанглари кўплар дикқатини ўзига тортганди. Майдонда ҳам нақоралар саси аралаш наволар янграрди. Орқароқда эса кўк, қизил ва сариқ рангларга

бўялган, томоша кўрсатишга шай туришган подшо филлари, қачон майдонга кирамиз, дегандай бесабр хартумларини осмонга кўтариб пишқириб-пишқириб кўйишали.

– Маҳди улё, катта хоним Бибиҳоним жаноби олиялари! – эълон қилди Муҳаммад Чуроға додхох.

Ҳамманинг назари йироқда ўз саропардасидан назокат билан чиқаётган Сароймулкхонимга тушди. Маликага бурмасиз, тўғри кенг тикилган зарҳал қизил шоҳи кўйлак жуда ярашган эди, унинг узун этакларини, оққа чулғанган, бири биридан сулув ўн бешта канизак оҳиста кўтариб келарди. Соҳибқирон юзига оқ ҳарир парда тутилган, ловуллаб ёнаётгандай ол-қизил либосга чулғанган бетимсол маликага худди илк марта кўраётгандай тикиларкан, кўзлари яшнаб, беихтиёр ютиниб кўйди. Маҳди улёнинг бошидаги қизил нафис матодан қилинган дубулғанамо бош кийим – хотунўдана ҳам ажойиб эди: унинг елкага тушиб турган турли қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган барлари тўлқин урган тим қора сочларни яшириб турарди. Хотунўдананинг тепасидаги бир тирсакка тенг жиғага заррин ишлар билан боғланган, дурлар қадалган ранг-баранг патлар малика юрганда эпкинда ҳар ёққа пар-пар бўлиб таралиб, жилвагар манзара касб этарди. Хотунўданани икки томондан ушлашган бирнеча асилзода ойимлар ёнида баланд бўйли шукрчи каттагина оқ шоҳи соябон кўтариб олганди. Ортда ўн бешга яқин башанг кийинган санамараста ойимлар, пардадор хотинлар кузатиб келишарди. Сароймулкхоним Амир Темурнинг чап томонига бориб тиз чўкди. Халойиқ уларни ҳамду санолар билан олқишлади.

– Кўрдингизму? – сўради Ахий Жаббор баҳодир Клавиходан бамисли келин-куёвлардай ўлтирган Амир Темур билан Сароймулкхонимларга ишора қилиб. – Мана асил келин-куёвлар!

Клавихо лутфни тушунди. Иккови яйраб кулдилар.

– Муҳтарама кичик хоним – Тўқал хоним жаноби олиялари!

Тўқал хоним пуштиранг либосга бурканган, тепа-

сида жиғаси бор қизил бош кийимли, унинг ҳам кўйлаги этакларини бирнеча канизак кўтариб олган... Тўкалхоним Катта маликадан орқароққа ўрнашди. Малика Туман оқа, Хонзода хоним, Султон Бахт бегим, Соғинч хонимлар ҳам Тўкал хоним ортида ўлтирдилар. Маликалар ўзларини ўзлари томоша қилар даражада зебойи санамлар суратига киргандилар.

Майдон ўртасида катта олов ёниб турарди.

Қизил чодирда хутба ўқилиб, никоҳ маросими ўтказилгач, куёвнавкарлар яسانيб кийинган, бошига мўъжаз тож қўндирган ўн яшар Улуғбек Мирзони ўртага олишиб, «Хай-йар ёр, айланай»ни айтишиб майдонга йўналдилар. Оққа кўмилган тўққиз яшар келинчак Оқа бегим эса дугоналари, хонимлар ва ойимлар ўрамида эди. Келин-куёвлар гуриллаб ёниб турган оловни уч марта айланишгач, оҳиста баланд сунага қараб юрдилар. Олтину кумуш тангалар бамисли хазонрезгиликда тўкилган япроқлардай армонсиз уларнинг бошларидан сочилди.

– Оҳ, менинг суянғонларим! – эркалади Улуғбек Мирзо билан Оқа бегимнинг манглайларидан ўпиб Амир Темур. – Ҳамиша бахтингиз ёр бўлсун!

– Бахтингиз ёр бўлсун! – алқади Сароймулкхоним ҳам уларни бағрига босиб.

Келин-куёвлар Амир Темур билан Сароймулкхонимларга ёнма-ён махсус безатилган шохсупага жойлашдилар. Куёвжўралар ва келин дугоналари уларни ўраб олишди. Барчаси томоша бошланаётган майдонга қарашди.

Ўртада Хожа Мароғий ўз хунарини намойиш этишга киришди. Ҳамма бу беназири замон, монанди йўқ бастакор санъатидан бахраманд бўлишга ошиқарди. Даставвал қўбизнинг майин, нолаларга тўла товуши майдонга таралди. Кейин удга навбат етди. «Шодиёна»ни чалар экан, мутрибнинг қорамалдоғи бир пардани босса, ўртанқўли иккинчисини, сўфибармоғи учинчисини, жимжиллоғи тўртинчисини сайратиб ўйнатар, бармоқлар югуришдан чарчамасди. Гўё юпка қонқокли корсондангина эмас, уднинг ҳамма жойларидан саслар таралаётгандай туюларди.

...Ўзини девоналикка солиб дор тагидан қочиб қолган Хожа Мароғий ўшанда дарвишсифат кўп ўлкаларни кезиб юрди. Турон кўшини Бағдод музофотидан Шомга ўтиб кетаётганида, «девона»нинг, иттифоқо, ўша ердалигини эшитган Соҳибқирон дарҳол уни тутсунлар, деб буюрди. Девоналигига карамай, судраб тахт пойига келтирдилар.

Амир Темур рўбарўсида ковак-кандикларда кўр-қиб-писиб яшриниб жон сақлаган, анча уриниб, ўзини олдириб қўйган бир мискин кимсани кўрди. Пири муршид Мир Саййид Барака ачиниб, унинг гуноҳини тилаб олишни кўнглига тугиб қўйди. Ҳамма подшо ҳукмидан қочган гуноҳкорга қандай жазо берилар экан, деб кутар, майдонга жимлик чўкканди. Ниҳоят, Соҳибқирон сўзга офиз очмоққа чоғланган эдики, кутилмаганда атрофга сеҳрли Қуръон каломлари таралди:

– Ауззу-у-у биллаҳина-ш-шайтонир ражи-и-и-йим, бисмиллахи-р-рахмонир раҳи-и-и-йим... Йа-а-а-а-син. Ва-л-Қуръани-л-ҳаким. Инна-а-а-ка ломина-л-мурсалина аяла сиротин мустақи-и-и-йим...¹

Қуръон хифзи-ю қироат илмидан камолга етган Хожа Мароғий, сиёсат ҳукмидан аввал наводай хушдид ва баланд овозда Қуръон ўқишга тутинди! Узоқ давом этган қироат бутун борлиқни чулғади, ҳамма – одамлар, дарахтлар, бинолар, қушлар, кўкда чоштвоҳга келиб қолган офтоб, жамики Еру Осмон берилиб тингларди! Мўътабар каломлардан тошдай қотиб турган Соҳибқироннинг кўнгли беихтиёр юмшай бошлади, ғазаби лутфга алмашди ва атрофга боқиб беихтиёр бир мисра шеър ўқиди:

Абдол ан бим чанг бар мусҳаф зад...²

Бунни эшитган пири муршид ҳайратдан ёқа тутди! Ё раббий! Соҳибқирон бундан тўрт юз йиллар муқаддам яшаган машҳур шайх, сўфий шоир

¹ Қуръони карим. Йасин сураси, 1-4 оятлар. Мазмуни: Йасин. Ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз Тўғри Йўл устидаги пайгамбарларданурсиз...

² Қўркувдан Қуръонга чанг солди дарвеш. (форс)

Абусаид Абулхайр рубойисининг тўртинчи сатрини келтирганди! Тасаввуфий бу рубойда теран мазмун ифодалангани пири муршиднинг ёдида. Мазмуни бундай эди: Нигор – Оллоҳни кўрганда жаннатдаги хурлар ҳамма ишни тўхтатиб, Уни қутлаш учун сафга тизилибдурлар. Жаннат ҳам, ўзи қанчалик чиройли бўлмасин, Оллоҳ дийдоридан хайратланиб, қарсак чалиб юборибди, дарвиш эса бемисл иқтидор, ҳокими мутлақ жамолидан кўрқиб кетиб, дарҳол «Қуръон»га чанг солиб, ўқишга киришибди... Демак, бу рубойини Соҳибқирон мутолаа қилган, ҳатто ёд олган. Аммо қачон ўқиган, қандай хотирда сақлаб қолган, бу ёғини пири муршид билмайди.

– Тасанно, Амир Соҳибқирон! – деёлди холос у.

– Паноҳ истаб Қуръонга ёпушғон девонанинг гунохидан ўтдук. Хожава илтифот кўргизсунлар, олий мажлисимизга надим ва мулозим этсунлар!

Хожа Мароғий шундай қилиб яна Кўксаройга қайтди...

«Шодиёна»ни тугатгач, завқланган бастакор қий-қириклар остида ўзи ясаган ўн етти торли ётуғонни олдига ётиқ холда қўйди-да, Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган зафарига бағишланган ўзи басталаган «Фотиҳий зарб»ни чала бошлади. Ҳамма куй сеҳрига маҳлиё, гўёки ўзини жанг майдонларида жавлон ургандай сезарди.

Хонзода хоним йироқдан мамнун жилмайишиб ўтирган куёви Улуғбек Мирзо билан набираси Оқа бегимлардан кўз узмас, ичида, илоҳи, толелари ёруғ, бахтлари бекам бўлсин, деб дуо қиларди.

Навбатма навбат оламнинг турли диёрларидан келган, тилию либослари ҳар хил мутрибу машшоқлар қўлларига соз олдилар. Гоҳ фаранг оҳангида, форс мақомида, хинд йўриғида, ногаҳон араб русумида, дам ўтиб ажам тариқасида, кейин мўғул аёлғусида, сўнг хитой усулида, охири турк услубида нағмалар янгради, ашулалар айтилди.

Хушнуд паллалар, мўътабар айём, сайроқи най навоси, ёқимли қўшиқ, лиммо-лим қадах, дориломон замон, гўзал ва очик чехралар Соҳибқирон завқини

жўштириб, тўлқинлантириб юборди. Хиромон айлаб ўйнаётган раққосаларга қаради. Кейин, қўлимдан торт, дегандай Мухаммад Чуроға додхоҳга ишора қилди, ўрнидан турди-да: «Халлоқи безаволга салламно!» – деди ва қўлларини кенг ёзиб, тебрана-тебрана рақсга тушиб кетди...

– Амир Соҳибқирон!

– Соҳибқиро-о-о-он!

– Омон бўлсунлар, Ҳазрат!

– Пошиномизга офарин! – деган кийкириқлар фалакни тутди. Сароймулкхонимнинг аллақандай туйғудан кўзлари ёшланди. Хонзода хоним ичида фахру ифтихор ҳиссини туяр, Соғинч хоним шундай фараҳли айёмда ёнида валлакат шахзодаси йўқлигиданми, ўзини тутолмай пиқ-пиқ йиғлар, уни юпатиш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора...

Оқсуяк аслзодалар ва ашроф акобирлар, беклар, маликалар, оқалар, хонимлар, оқбилак ойимлар, амирларнинг бекалари ўринларидан туришиб, Амир Темур бошига тилла ва қумуш, дуру забаржад, гавҳару жавоҳирлар нисор этдилар, заррин чопонлар ёндилар. Ер дур инжулардан офтоб нурида ярақлаб кўринарди. Клавиҳо оҳиста ер тепганча мусиқага мослаб қарсак чалар, хурсанд, айрим кишилар турган жойларидаёқ ўйнашар, уларнинг ичида Амир Сулаймоншоҳ, Амир Шохмалик, Шайх Нуриддин, Ахий Жаббор баҳодирлар ҳам кўзга ташланар, ҳамма ўзини бахтиёр сезарди...

Ниҳоят, карнай-сурнайлар чалина бошлади, келин-куёвлар жойларидан туришди. Чилдирма жўрлигида жаранглаган қулоқларга ҳуш ёқадиган ёр-ёр садолари бутун Кониғилга ёйилди, унга Ҳусноро ялла оро берарди. Майдон гувилларди. Барча ўз чодирларига йўл олган келин-куёвларни кузатаркан, узоқ умр кўриб, ували-жували бўлишни тилаб қарсак чаларди.

Кониғилда қирқ кеча қирқ кундуз давом этган тўйнинг довуғи улуғ салтанатнинг турли пучмоқларигача бориб етди. Одамлар шунча куннинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолдилар.

II

Улуғбек Мирзонинг Кониғилдаги тўйида Амир Темур Хитой юриши бошланаётганини, қавс ойи бошларида йўлга чиқиш белгиланганини оламга маълум қилди.

Бир ой ўтгач, зафарқарин қўшинлар кўригини ўтказганидан мамнун Соҳибқирон эртасига чоштгоҳданок Боғи Чинорга ўғил-қизлар, маликалар, набира-чеваралар ва келинларини чорланни буюрди. Боғнинг ўнг томонидаги шабада фир-фир эсиб турадиган салқин шоҳсупага ноз-неъматга тўла дастурхон ёзилди.

Ҳиротдан етиб келинган Шоҳрух Мирзо билан Гавҳаршод бегимлар салтанат ишлари тифизлигидан Кониғилдаги тўйда қатнаша олмаганликларини айтиб узр сўрадилар ва Амир Соҳибқиронни ҳам куёвлар, ҳам келинлар билан муборакбод этиб, совғасаломларини тошпирдилар. Кейин келин-куёвлар Улуғбек Мирзо билан Оқа бегимларни бағирларига босиб суюб ўпиб қўйдилар ва бошларидан тангалар нисор этдилар.

– Мана, келинлик ҳам бўлдилар, амирзодам! Замоннинг шитоблигини кўрингиз! Кечагина ўзларини уйлаймиз, деб юрғондик, энди зурёдларига навбат етибдур... Қутлаймиз! – деди Соҳибқирон Шоҳрух Мирзога. – Сиз Хуросонда суянчиғимсиз, ўғлим, ўзим Ҳиротдан жилмаслигингизни буюрдим, ўзим! Зеро Табриздаги, Шероздаги, Бағдоддаги амирзодалар сизнинг қудратингиз тафтидан баҳра олиб турурлар...

– Қуллук, Амир Соҳибқирон! – таъзим бажо айлади Шоҳрух Мирзо. У инак лўлаболишга суяниб ўтирган Амир Темурни охиста кучоқлади. – Жуда соғиниб кетдим, отажоним, жуда-а-а!..

Соҳибқирон ўғлининг елкаларига уриб-уриб қўйди, шоҳсупанинг пастида турган, икки ўрим узун қора сочлари тақимига урган Гавҳаршод бегимнинг бошини силади. Унинг кайфияти чоғ эди. «Хайриятки, Шоҳрух Мирзо ўғлим бор, худога шукр, менга

таянч бўладурғон фарзандим бор!» – деб қувониб кўйди ичида.

– Биз ҳам сизларни соғиндик... – табассум қилди Сароймулкхоним. У Амир Темурга хуш ёқадиган, томоғига уч тугма қадалган бурма ёқали нафис пистамағизранг кўйлак кийиб олган, ёш кизлардай хушбичим кўринарди.

– Биз ҳам! – сўз кўшишди чиройли кийинишган Туман оқа билан Тўкал хонимлар.

– Амир Соҳибқирон! – мурожаат этди яна Шохрух Мирзо. – Афв этгўйлар, сўрасам... Бизни ҳам улкан сафарга чорлайдурларму? Лашкарим билан шай турибдурмен...

Ота ўғлига меҳр билан тикилди:

– Амирзодам! Аввало улкан сафар ташвишини чекғонларидан хурсандмен... Кам бўлмасунлар, ўғлим. Турон кўшини, худо хоҳласа, бир йиллик сафарга бормақда холос... Тезда қайтажакбиз, иншооллох. Тажрибалардан билдимки, улус тартиби, юрт низоми сақланмоғи учун салтанатда сўзи ўткир, қиличи кескир қудратли кўл бўлмоғи керак экан. Ўзларини номзод қилдук. Ишонғон ўғлимиздурлар, йўғимизда салтанатга қараб, кўрғон вазифасин адо этсунлар!

– Қуллуқ! Бош устига!

Шу пайт қайнотаси нигоҳини сезган, пуштиранг либосга чулғанган Хонзода хоним Соҳибқирон яктаги этакларини ўпиб тавоф этди, ортида Соғинч хоним навбат кутиб турарди. Амир Темур уларга қараб хўрсинди, қани имкони топилса, бир ўкраб-ўкраб йиғласаму аламдан чиқсам, овозим аршу аълога бориб етса, ичимдаги барча дард тўкилиб кетса, деб ўйлади. Энг суюкли келинларининг бахтлари кемтик эканидан ичида ўксинди. Хонзода хонимнинг куёви валиаҳд Жаҳонгир Мирзо йиғирма ёшда, уларнинг ўғли валиаҳд шахзода Мухаммад Султон эса йиғирма етти ёшда оламда ўтсалар-а!.. Тоғни тоққа уриб толқон қиладурғон ёшда-я! О, тақдир, тақдир!

Соҳибқирон ўзини қўлга олди:

– Ардоқли келинларим, йўк, абас дедим, кизларим... йўк-йўк... ўғилларим! Шавкатли ўғилларим! – жилмайишга тиришди Соҳибқирон, уларни суюб

манглайларидан ўпаркан, давом этди. – Соғинч хоним ўз фавжи билан албатта Хитой юришида қатнашадур, онақизим энди валиаҳд шахзода ўрнини босмоғи керак! Унинг йўқлигини билдирмайдур, иншооллох, доим менинг ёнимда бўладур!

– Узоқ йиллар умр кўрсунлар, валинеъмат падари бузрукворимиз! – дуо қилди Хонзода хоним, беихтиёр чинорларсиз мунғайиб қолган қасрга кўзи тушди-ю юраги бир увишиб қўйди.

Шу пайт кутилмаган воқеа рўй берди:

– Худога шукр! Худога шукр! Илоҳи, ўзлари бошимизда соябон бўлиб, бахтимизга соғ-саломат юрсунлар!.. – Соғинч хонимнинг овози титраброк чикди-ю, кейин ўзини ўнглади ва йигитлардай қатъий, мардона руҳда деди: – Сўнгги марта аёл кийимини эғнимга илдим, ортиқ киймасмен! Маъзур тутғойлар Амир Соҳибқирон, падари бузрукворимиз! Валиаҳд шахзодам ҳурматлари, энди фақат жуфти ҳалолим жаҳон шахзодаси либосида юришга, жангларга киришга ижозат берсунлар!

Сароймулкхоним ҳам, Хонзода хоним ҳам, Шохрух Мирзо ҳам Соғинч хонимнинг зукко ва топқирлигига тан бердилар. Чунки, шунда Соҳибқирон унга боқиб ўғлини кўргандай бўлиб юради, малика эса мангулик ҳижрон дардларига малҳам топади, ўзини ўзи овутади.

– Балли, онақизим! Ижозат, ижозат! – қўллаб-қувватлади шаддод келинини Соҳибқирон. – Қандай доно қизим бор-а менинг! Энди Соғинч хоним эмас, Соғинчбек деб атағайбиз!

«Соғинчбек!», «Соғинчбек!» деган овозлар янгради.

Маликалар Соғинч хонимни олқишлаб, қўнглини кўтардилар.

Амир Темур кечгача фарзандлари билан дийдорлашиб яйради. Назарида, умрида ҳали бунчалар роҳат қилмаган... Чеваралари саккиз ёшли Мухаммад Жаҳонгир Мирзо, етти ёшли Қайду Мирзоларни демаса, қолганлари тўрт-беш ёшдаги болақайлар – Саъд Вакқос Мирзо, Холид Мирзо, Қайсар Мирзо, Буркул Мирзолар боғни тўлдиришиб, кийкиришиб

у ёқдан-бу ёққа чолишар, кураш тушишар, гоҳ дарахтларга ўрмалаб чиқишга уринишар, уларни кузатиб юрган энагалари бунга қўйишмас, охири ҳовуз бўйида тўпланишиб ичида ўйнаб юрган балиқчаларни томоша қилишарди. Соҳибқирон жойидан қўзғолиб Сароймулкхоним билан чеваралари олдига келди ва уч яшар ширингина Қайсар Мирзони елкасига миндириб, салтанатнинг бўлажак устунлари – ёш амирзодалар ўровида тангадай ҳам куёш нури тушмайдиган салқин хиёбонлардан юриб, боғни айланиб чиқди.

– Хайрият... Кўп йиллардан буён Боғи Чинор ҳам бир марта ёруғ дийдорларига тўйиб олди... – деди Сароймулкхоним шикаста овозда.

– Биз эса ўзларининг ёрқин жамолларига боқиб, ёнма-ён боғ кезишдан баҳраманд бўлдук... – жилмайди Амир Темур.

Катта малика индамай бош эгди.

Меҳмонлар тарқалишга турдилар. Маликаларни боғ дарвозаси ёнида рангоранг тахтиравонлар кутарди. Кичик малика Тўкал хоним Боғи Дилкушога, Туман оқа Боғи Биҳиштга, Хонзода хоним билан Соғинч хонимлар Боғи Дилафрўзга йўл олдилар.

Боғ тинчиб қолди.

– Ҳазратим! Ҳазратим!..

Кейинги пайтларда Соҳибқирон, негадир ўғли Жаҳонгир Мирзо, қизи Оқа бегим ва набираси Муҳаммад Султонни тез-тез эслар, эслади дегунча, кўзларига ёш олиб: «Эрта кетган чечакларим...» деб йиғлар, кўнглини бўшатарди. Катта малика ҳозир ҳам шундай ҳол юз берибди, дея хавотирга тушди:

– Ҳазратим! Ҳазратим!.. Ўзингизни қўлга олингиз! Ҳазратим!.. Қўйингиз, қўйингиз... Фарзандларимизнинг жойларини жаннатдан ато этсун... Улар жаннат маъволарида юришибди... ҳозир...

– Болаларим эсимга тушиб кетди... – деди оҳиста Амир Темур.

– Кўз ёшларингиздан айланай, ҳазратим! Қўйингиз!.. – Сароймулкхоним бсихтиёр ўнг чеккасидаги қора гажагини юқорига қараб силаб қўйди. Йиғ-

лаворишдан баъзур тийиларкан, хушбўй гулдор рўмоли билан ўзини ҳам унутиб Соҳибқирон кўзларини артар, артган сари ёш томчилари кўчиб ўтиб маликанинг чиройли кўзларида пайдо бўларди.

Улар шохсупага ўтирдилар.

– Ҳазратим... Ёдингиздаму, валиахд шаҳзодага Қуръони каримни кўчириб, китобат қилишни буюрган эрдилар? – сўради чалғитиш ниятида маҳди улё.

– Буюрган эрдим, буюрган эрдим... Кейин тузукларни ҳам китобат айламакчиди. Ўшани ўзим сўрайин деб турғондим, Биби...

– Ҳа, келинимиз Соғинч хоним...

– У энди Соғинчбек бўлди-ку!

– Ҳа-ха, Соғинчбек олиб келдилар-да... – деди Сароймулкхоним ўртача заррин копқоқли сандиқдан нақшинкор гулдор муқовали нусхани оларкан. – Келинимиз, шаҳзодам кўчираётганларида доим нурмаъно суралар ўкиб берардилар, энди бу омонатни Ҳазратга тобшуруб қўйсунлар дея, ўтинди. Шаҳзодам ўз вазифаларини адо этишга улгурмаганларидан озурдамен. Тағин кўк муқовали хотира дафтарлари ҳам бор экан...

– Халлоқи безаволга салламно! – деб юборди Амир Темур. – Хотира дафтари ҳам тутғон эрканму? Хотира қолдирибдурлар-да... Ажойиб ва тенгсиз суюкли набирам!.. Ўзим ўқиймен.

– Қўрғон-кечирғонларини битғон эканлар шаҳзодамиз. Қизик эмиш.

Амир Темур даставвал шаҳзода китобат қилмоқчи бўлган заррин муқовали узунлиги бир қаричдан ортиқ, эни ярим қаричдан кўпроқ китобни олиб уч бор ўпиб кўзларига суртди. Силлиқ Самарқанд султон қоғозига насхда ёзилган қалингина муқаддас китобнинг ҳар саҳифаси чиройли тўрт бурчакли, нақшлар билан безатилган зарҳал гардишга солинган.

У оҳиста варақлашга киришди. Сароймулкхоним Ҳазратга тикилиб ўтирарди. Мана, Фотиҳа сураси, Ол-и Имрон, Юсуф, Ҳаж, Ёсин, Мухаммад суралари... Эллиқ еттинчи Ҳадид(темир) сурасига етганда тўхтаб қолди. Сурада осмондан бандаларга китоб ва

адолатни барқарор этишлари учун тарози туширилгани, шунингдек, темир ҳам раво кўрилгани ҳақида хабар берилади. Йигирма учинчи оятда Соҳибқирон ўзига шиор этиб олган «Қўлларингиздан кетгон нарасага қайғурмагайсизлар ва Оллоҳ ато этгон нарсадан шодланиб кетмагайсизлар» сўзларига кўзи тушди. Ҳа, ўтган ишга ўкиниб ўтирмаслик жоиз, ютуқлардан қувонмаслик даркор. Бу худонинг буюргони.

Соҳибқирон китобни варақлашда давом этди. Олтмиш тўққизинчи «Ал-Ҳааққа сураси»га борганда китоб тугаган эди... Шахзода етмишинчи сурага ўтолмаганди. Беихтиёр «олтмиш тўққиз» рақами унинг эътиборини ўзига тортди. Бирдан ўзининг ҳозир шу ёшда экани ёдига тушди! Ажабо, тасодифий ўхшашликми бу?.. Ёки бунда бир сир борму?..

– Ҳазрат, нима бўлди? – сўради ташвишли унинг ранги ўзгариб кетганини пайқаган Сароймулкхоним.

Ўйга чўмган Амир Темур индамади. Китобни яна бир бор тавоф этиб, оҳиста сандиқчага солиб қўйди. Ҳар хил хаёлларни ўзидан нари қувиш учун бежирим ишланган, жимжимадор безакли, хошияларига чакич чекиб гуллар туширилган сандиқчани қўлга олиб томоша қила бошлади. Ажабо, у худди оламнинг тимсолидай туюлиб кетди. Мана бу жазвалда тортилган чизиқлар – олис юртларга элтадиган йўллардир, олди ва орқасида нақшинланган қирқта қуббачанинг ҳар бири эса бир шаҳар. Унинг тўрт томони – дунёнинг тўрт томони... Ногаҳон неча йиллардан буён излаб юрган «Гулшани хазойин» сирли сандиғини эслаб қолди. Уни Ҳинду Миср, Шому Ирок, Рум хазиналаридан қидиртирди, аммо ҳеч қаердан бирон изи топилмади. Балки Чин-Мочиндадур? Ўшанда сирли сандиқдан сўз очган пири Шайх Шамсиддин Кулол, подшолар уни ахтариб топа олмаганларини айтиб, таърифлаб бундай деганди: «У баайни дунё янглиғ хазинадур...»

«Лоҳавла вала қуввата илло-биллоҳ! – деди ўзига ўзи Амир Темур бирдан кўзлари ярқочилиб. – Ўша излаб юргани сандиқ... чиндан ҳам шу дунёнинг ўзи эмасму? Пир ҳам «дунё янглиғ» деганлар... Сандиқнинг

ичида туриб, уни топишга уриниб ётгон экан-да?.. Бир пайтлар ўзи ўйлабми-ўйламай, дунёни илончаёнларга тўла сандик, деб атаган, лекин унинг маъносига чуқур эътибор бериб ўтирмаганди...»

Соҳибқирон фавқулодда янгиликка дуч келган одамга ўхшаб, ўзининг кутилмаган кашфиётидан таажжубга тушди.

– Хаёлга чўмиб кетдилар, Ҳазратим? – сўради Сароймулкхоним. У султон руҳиятида қандайдир эврилиш юз бераётганини фахмлар, аммо идроки бунини изоҳлашдан ожиз, нима қилишни билмасди.

– Халлоқи безаволга салламно! Излаб юрган «Гулшани хазойин» сирли сандиғини ниҳоят топдим, Биби! – деди Соҳибқирон фавқулодда чехраси ёришиб.

– Топдиларму? Хайрият!.. – қувониб кетди маҳди улё. – Доим топилмайди, деб гапирардилар...

– Топдим, топдим... Гулшани хазойин, деганимиз, бу чаёну илонларга тўла ўткинчи дунё экан, Биби! Адашибдурбиз, гулшани хазойинмас, асли гулшани хазон...

Соҳибқироннинг ўнг оёғини майингина уқалаётган Сароймулкхоним ялт этиб қаради:

– Ҳазратим! Сира ўксинмасунлар, ўзлари ўша гулшани хазонга қадам қўйиб, уни хайру эҳсон ила обод қилаётгон, ўша илону чаёнларни йўқотишга бел боғлагон зотдурлар! Олам ободликка юз бурмакдадур! Ёдларидаму, «Яхши амаллар боқий колгувсидур», дейилгон Қуръони каримда. Гулшани хазонни чинакам обод гулшани хазойинга айлантирдилар ахир!

– Шундоғ, шундоғ! Ҳа-ха, худонинг буюрғонига қаноат этмай, бир-бирини чақишга мойил жуда қўп илону чаёнлар илдизини аёвсиз қурутдим! Қўймадимким, бирон бечора золимнинг зулмидан озор есун. Яхши амаллар қилғоймен, худо хоҳласа, оламни яна ҳам обод этғоймен, Биби! – деди Амир Темур қатъий. – Зеро, инсон дунёга бежиз келмайдур, у дунёни обод этиб кетмоғи лозим! Оллоҳ таоло умрни бандасига шунинг учун ато этадур... Бирор банда ҳам бу дунёда боқий эрмас экан, бас, ундан яхши амаллар, эзгуликлар ёдгор бўлиб қолсун!

– Илоҳи, умрларини берсун, Ҳазратим!

Сароймулкхонимнинг кўзлари йиғи истаб турарди. Иккиси ҳам бир дам хаёлга чўмдилар.

Қоронғи туша бошлаганда хобхонага кирдилар, тўрт томонда бағрини пора-пора қилиб ёнаётган шамлар ёрқин шуълалар сочарди. Биттаси ёниб тугабди. Канизак кириб янгилаб қўйди. Амир Темур унга тикилиб, шоирлар бежиз шамни фидойи инсонларга ўхшатмаганини англади. Бундоқ қараганда, ҳар ким ҳам ўзига хос шам-да, мудом ёнаман деган, қачон ёниб тугашини билмайдиган шам...

Сухбат давом этарди. Маҳди улё Соҳибқирон билан мириқиб гаплашаётганидан хурсанд, ўзини осмонда сезарди. Кошқийди, Соҳибқиронни ёнидан қўймай, унга тикилиб ўтираверса, ўтираверса, ўтираверса!.. Маликалардан ҳам ҳеч кимни яқин йўлатмаса!.. Худо хоҳласа, Хитой сафарига боришда қуръа ташланганда, омад шубҳасиз унга кулиб боқади, ўзи Соҳибқиронга ҳамроҳ бўлиб бориб келади.

Муҳаммад Султон вафотидан кейин, валиаҳдликка ким муносиб кўрилади, деган савол Сароймулкхонимни қийнаб келарди. У валиаҳдликка ё Шохрух Мирзо, ё Халил Султон танланади, деган фикрда эди, бироқ Халил Султон канизак воқеасига аралшиб қолганидан, унга сал соя тушгани аниқ. Соҳибқирон сира рози бўлмайдилар. Чамаси, толе Шохрух Мирзони сийлайди шекилли...

Аммо шу ҳақда гап кўзғолганда, Соҳибқирон кутилмаганда энг аввал Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирни тилга олди (афтидан, раҳматли валиаҳд шахзода Жаҳонгир Мирзо ҳурмати учун шундоқ дедилар). Сароймулкхоним бошқа сўз қўшмади.

Улар беихтиёр жойга чўзилдилар.

– Биби, ёдингиздаму, бир пайтлар худди шу ерда бийдай далада икки чинор ўтказғон эрдик. – деди Амир Темур хотирага берилиб. – Мен жой кавладим, сиз ниҳолни тутиб турдингиз. Кейин мана катта боққа айланиб кетди...

– Катта боққа айланди, рост дедилар. Мен ҳам бир нарсани эсладим, йўқ, эсладим эмас, у хамиша

ёдимда-ку! Тўйимизга уч ой бўлғонди, Ҳазратим, Жетага юриш қилдилар. Шоҳона саропардамиз баланд тепаликда жойлашган, узоқ-яқинлар баралла кўриниб турарди. Шимолга, пастдаги кичик тепаликка қараб энган бахмал майсазорлардан олдинмакетин тушиб бордик. Ўзларининг олтиндай зар чопони бемисл товланар, мен эсам Ҳазратимга жуда хуш ёқадиган қирмизи кўйлақда (ўз кўнглимда!) нақ ёнар эдим... Кичик тепаликка кўтарилдилар, мен эсам қуйроқда нафас ростладим.

– Эслаймен, эслаймен...

– ...Ақиқдай кип-қизил лолалар атрофимизни ўраб олди десангиз! Осмон тип-тиник, поёнсиз майсазор, гўё оламда Оллоҳу иккимиз холос, бошқа ҳеч ким йўқ... Ўзлари бир неча гул узай деб тараддудга тушдилар ва бири-биридан гўзал, нафис иккита лолани танлаб, назокат ила икки чаккамга тақиб кўйдилар... Ҳали хануз чаккамни ўша сеҳрли лолалар ёндириб турғондек ҳис этурмен ўзимни. Ох! Шундоғ паҳлавон эр йигит жуфту ҳалолим эканидан чексиз бахтиёр эдим! Шарму ҳаёни ҳам йиғиштириб, бағирларига отилгим келди, аммо баъзўр ўзимни тўхтатишга куч тополдим...

– Эсимда, эсимда... Ўшанда жуда гўзал бўлиб кетғондилар. Мен ҳам кучиб бағримга босишни жуда истағондим...

– ...Сўнг бир даста лола териб, қўлларимга тутқаздилар. Кучоғим тўлиб кетди. Умрим бино бўлиб, ҳали, шунча лолани кўрмағондим. Лолалар бир-бирига гал бермай кўксимга бош қўярдилар. Билмадим, ўшанда ким кўпроқ бахтиёр эди: суюкли Ҳазратим инъом этғон гулларни бағрига босғон менми, ёки кўксимга бош қўйғон, чаккамни ёндирғон лолаларми, ёки шу гулларни қабул қилғонидан гулгул яшнағон суюкли дилдоридан кўз узолмай боқиб турғон Ҳазрат Соҳибқиронми?..

– Ҳамма ҳам бахтиёр эди, Биби... Ҳамма...

Султон билан малика кўнгиллари тиниклашиб бораётганини фахмладилар. Бирга яшаш, масъуд онлар, салтанат шукухи, Соҳибқирон шухрати, фаро-

вон умр нашъаси – бари-бари кўшилиб уларга гурур бағишлар, яхши хотираларни эсга соларди.

Вақт хуфтондан ошиб қолди. Бир пайт Соҳиб-киронни уйқу элитди. У ухлаб туш кўрди.

Кимсасиз манзилда ёлғиз оқ нарвон кўзга ташланди. Унинг қаерда тургани ва нимага суянгани маълум эмасди. Амир Темур нарвонга чиқа бошлади. Нарвоннинг йиқилмаганидан, тушиб кетмаганидан тааж-жубланди, дадил мустаҳкам зиналардан юқорига кўтарилаверди. Жанги жадаллар, музаффариятлар, суронлар, бойликлар, саройлар, шаҳарлар, орзу-хаваслар бари пастда қолиб борарди. Йўл жуда узун, чексиздай туюлди. Бироқ, олтмиш тўққизинчи пояга етганда ғаройиб ҳодиса юз берди: охиригина зинадан сўнг нарвон ўз-ўзидан ғойиб бўлди! У эса ўзини қушдай сезарди. Бир нарса хайратини бадтар оширди: ажабо, валиаҳд шахзода кўчирган Қуръони карим олтмиш тўққизинчи сурада тўхтагани, нарвон ҳам олтмиш тўққизинчи пояда ниҳоясига етди! Ўзи ҳам умр пиллапояларининг олтмиш тўққизинчисига келиб турибди...

Амир Темур атрофга боқди, бироқ қаерда турганини билмас, ерми, осмонми, тоғми, боғми, сувми, чўлми, – ноаниқ эди. Бир пайтлар дину диёнатнинг муршиди, дунёнинг қутби, замонасининг беназири, гардуни дун яғонаси Мир Саййид Барака, қуддиси сирруху, тасаввуф борасида суҳбатлашаркан, бандаси Ҳаққа етишмоқ учун етти водийдан ўтмоғи лозимлиги ҳақида сўзлаган, улар Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Хайрат, Фақру фано деб аталади, деганди. Биринчи водий шулмикин, Талаб водийси? У малолсиз олға қадам ташлаб юриб кетди. Тонг отаётгандай ғира-шира манзара, узоқларда савлат тўккан тоғлар турган жойида ғойиб бўлиб, текисликка айланарди.

Бирдан рўбарўсидан падари бузруквори Амир Тарағай нўён чикиб қолди! Уламою фузалого ихлоси баланд, мусулмони комил, баҳодир жангчи Амир Тарағай юртнинг давлатманд кишиларидан эди. У ўғлини кўрганидан хурсанд, қучок очиб келарди. Амир Темур

сўзламоқчийди, аммо овози чиқмади. Амир Тарағай ҳам гапирмади, имо-ишора қилди холос. Улар йўлида давом этдилар, атроф муаллақ фазо, лекин улар гўё ерда юргандек дадил одим отардилар. Қандайдир овозлар қулоққа чалинардию аммо ҳеч нарсани илғаб бўлмасди.

Ота-бола водийнинг охирига етгач, бошқа Ишк водийсига қадам қўйдилар. Борлиқда сукунат хукм сурарди, аслида уларнинг қулоқлари битиб қолганди. Бирдан Амир Тарағайнинг падари бузуруквори Амир Буркул нўён уларга дуч келди. Имо-ишоралар билан бир-бирларини кидириб юрганларини тушунтиришга уриндилар. Амир Буркул нўён набираси Амир Темурнинг бошини силаб, манглайдан қайта-қайта ўпди. Соҳибқирон эса бобомлар қаердан келиб қолдилар, деб хайрон бўлар, буни англамай, сўрай деса, тил йўк эди.

Маърифат водийсида уларни яна бир мўъжиза кутарди. Амир Темур – бобокалони, Амир Тарағай – бобоси, Амир Буркул эса падари бузуруквори Илангиз баходирни, Истиғно водийсида тўртинчи бобоси Амир Ийжал нўённи топиб олдилар. Бу водийда ҳамма тенг, бўйи ҳам, ёши ҳам, чунончи, Амир Темур билан Амир Ийжал нўён ёки бошқалар ўрта-сида ҳеч қандай фарқ сезилмасди.

Ҳали ҳам атрофда ўшандай тонг отаётгандай ғира-шира манзара ўзгармай турарди.

Амир Темур Тавхид водийсида бешинчи бобоси Амир Қорачар нўёнга кўзи тушиб, ўзидан кетишига оз қолди. У ажодлари, айниқса, Чигатойхон салтанатининг устунларидан бири Амир Қорачар нўён билан бекиёс фахрланарди.

Ҳайрат водийсида бобокалони Эрдамчи барлос йўлларидан чиқди. Амир Темур ортиқ хайратланмай қўйди, ажодлари билан қайгадир боришар, олам мўъжизасидан барчаси тилдан қолган, қулоқлари том битган, бу ерда энди кўзлардан нур кетди, кўрмас, дармонлар қуриганди.

Ҳали ҳамон тонг отмасди.

Соҳибқирон кейинги водий Фақру фано эканини

билар ва унда бобокалони Қочувли баходир билан дийдорлашажакларини аниқ сезарди. Бу водийда хомуш, гунг, кар ва беҳуш бўлишдан ўзга нарса йўқ. Аммо Амир Темур ва аждодлари бу мақомларга аллақачон эришган эдилар. Хайриятки, ҳали бир оз хотирадан бор. Нималар юз бераётганини аллақандай шуур ила англаб туради.

Қочувли баходир ўзининг авлодлари билан дийдорлаша кетди. Улар бир-бирларига нималарнидир айтишар, гарчанд гапирётган – гунг, эшитаётган – кар эса ҳам, гўё эшитгандай, тушунгандай мамнун қаҳ-қаҳ отардилар, кулардилар, аммо овозлари чиқмасди. Қочувли баходир уларга деди:

«Туш кўрибмен. Кўйнимдан бир юлдуз учиб чиқдию сўнди. Иккинчиси чиқди, сўнди. Учинчиси чиқди, яна сўнди. Етти марта шундай кечди. Саккизинчисида улкан порлоқ юлдуз шиддат билан кўкка отилди, балқиб бутун осмон-фалакни, олам-жаҳонни нурафшон айлади! Кейин унинг бағридан бирнеча юлдузлар учиб чиқди ва ҳар бири бир мамлакатни ёритди...»

Унинг овози чиқмади, табиийки, бошқаларга ҳам етиб бормади. Аммо Қочувли баходир – гаширганига, ўзгалар эса унинг сўзларини эшитганларига батамом иймонлари комил эди.

Шу палла мўъжизалар мўъжизаси юз берди. Юксақда тиниқ ва ёрқин нур, нурларнинг нури порлади! У бутун дунёни чулғанди. Бу Ҳаққнинг жамолидан жилоларга кўмилган, фаришталар кўтариб турган бамисли олам узра тикланган куббадай буюк Арши аъло эди! Барчаси ўша ёққа қарадилар...

Ло хавла вала қуввата, илло-биллоҳ! Ўз-ўзидан барча тилга кирди, кулоқлар очилди, кўзлар тиниқлашди, кўлу оёқ, вужудларга ҳаётбахш ёшлик қуввати-ю дармонлари инди! Ҳамма бараварига ўз хайратларини шеригига айтишни истар, ҳаприқар, айтар, лекин эшитишга фурсат ва имкон топилмасди.

Шу палла Амир Темур бирдан Жаҳонгир Мирзо вафот этганда ғаму андуҳ ичра Боғи Чинорга кириб ётиб олганини, пири муршид Мир Саййид Барақанинг Қурфон тилловат қилганини, тинглар экан,

кўз олдида умрида илк бор Арши аъло намоён бўлганини, минг-минг қуёшдан ҳам кучлироқ шуълаланиб ётган Арши аълога боққанида юзлари куяр даражадаги ҳароратдан ҳайратда юзини қўллари билан тўсганини эслади...

Лекин ҳозир Арши аълодан ёғилаётган нур юзларни куйдирмас, балки ёқимли ва сеҳрли ҳарорат билан бор вужудни, руҳни эркалар, ўзига тортарди...

Тонг отган эди!

Амир Темур, надари бузруквори ва мўътабар боболари билан бири бирига гал бермай олам мўъжизаларидан сўйлашда давом қилишар, хохолашар, мамнуну хурсанд юксакка қараб интилиб боришар, қудратли Ҳаққдан бошқа ҳаммаси ўткинчидир, ёлғиз ўзигина мутлақ боқийдир, дея бир-бирларига хитоблар этишарди.

Улар боқийлик истардилар, шу сабабдан ўзларини фоний қилмоққа тайёр эдилар. Боқий қолмоқ учун фонийликка юз бурмоқ керак. Зеро, Ҳаққдан йўқ бўлишни тиламоқ абадий борликни, мангулик жиловини қўлга киритмоқдир.

Тўртинчи китоб тугади.

Тўртинчи китобга хотима

I

Орадан тўрт йил, тўрт ёз, тўрт киш ўтди.

Келбати Амир Темурга ўхшаган хокони сайид Шохрух Мирзо доруссалтана Хиротнинг Соҳибкирон бунёд этдирган «Боғи шаҳр» мавзеида фарзандлари Бойсунғур Мирзо билан Муҳаммад Жўки Мирзоларнинг ҳумоюн тўйларини бошлаб юборди. Маҳди улё Гавҳаршод бегим болаларимнинг хатна тўйини қачон ўтказадурлар, деб ҳукмдорни хол-жонига кўймади.

Сунбуланинг эмин-эркин эсаётган танга ёқар шабадалари муаззам Боғи шаҳрни буткул ўзиники қилиб олган, борлиқни беазаган хусравона наволарни оичганча, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум катта чодирларни оралаб, нафис даршардаларни силаб-сийпалаб ўтар, ўйнар, пушти сақарлот саропардалар атрофида нарвона бўларди.

Боғнинг четидаги майдончада аввал кўчқор уриштириш бўлди, сўнг хўрозларга навбат етди. Одамлар завқ билан томоша қилишаркан: «Кўчқорлар тўйига кўчқору хўрозлар жанги ярашади-да!» – деб кўйишарди бир-бирларига. Кураш бошланганда ҳамма оқиб келди. Қийкириқлар кўнгилларга ларза соларди.

Бир ҳафта давом этган, хосу омга баробар совға-саломлар улашилган дабдабали тўй овозаси рубъи маскуннинг турли диёрларига бориб етди.

Тўйдан икки кун кейин худди шу ернинг ўзида машварат қақиртирилди. Бунинг похуш сабаби Турондаги нотинч ва танг вазиятга бориб тақаларди.

Тахтда кўр тўккан хокони саъид Шохрух Мирзо атрофга назар ташлади. Ўнг томонда аржуманд фарзандлар Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон, Искандар Мирзо ибн Умаршайхлар ўтиришибди. Раҳматли валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон шошқалоқ Искандар Мирзонинг ўзбошимчалик билан Жетага от сурганидан қаттиқ ранжиб хибсга олдирган, бу воқеа машхур бўлиб кетганди. Энди у оғаси Пир Муҳаммад Мирзо

билан чиқишолмай, Ҳиротга паноҳ тортиб келибди. Хоқони саъид аслан маърифатли амирзодага яхшилаб насихатлар қилишни ўйлаб қўйди. Уларнинг ёнида Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Амир Шохмалик, Мубашшир баҳодир, Ахий Жаббор баҳодир, жаъми салтанат аъёнлари, оқсуяк зотлар, зодагонлар, садрлар, бек ва баҳодирлар, туманбоши ва мингбошилар, тавочилар, юртчилар, ясовуллар, қурчилар йиғилишган. Шохрух Мирзо ўнг томонида орқароқда ўтирган, икки ўрим тим кора узун сочларини орқасига таплаган, ҳусни барқ уриб камолга етган кечагина ўттиз ёшини қаршилаган маҳди улё Гавҳаршод бегимга: «Кўрдингизму, машваратнинг нуфузи баландлигини!» дегандай бир қараб қўйди. Шавҳарининг дилидаги гапини бир қарашданок англашга ўрганган малика:

– Тушундим, ҳазратим.. – деб шивирлади охишта.

Хийла ёши улғайгани билиниб қолган Муҳаммад Чуроға додхоҳ хоқони саъидга юзланди:

– Ҳазрати хоқони саъид жаноби олийлари! Турон элидан, Самарқанддан Ахий Жаббор баҳодир ошиғич машваратимизга ташриф буюрибдур...

Шохрух Мирзо доим ўзини йигитлардай тутиб юрадиган додхоҳнинг Ҳазрат Соҳибқирон вафотидан кейин қадди букилиб, бирдан қариб қолганини сезди ва ичи ачиди:

– Туронда нечук вазият экан, додхоҳ жаноблари? Сўзласун! – ижозат берди у.

– Ахий Жаббор баҳодир!

Баҳодир дарҳол ўрнидан турди ва тахт олдига келиб тиз чўкди-да, эгилиб уч бор ер ўпди:

– Умрлари беҳад зиёда бўлсун, ҳазрати хоқони саъид Шохрух Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари! Кошки, дилим фақат яхшиликларни кўзласа, тилим кўнгилга хуш ёқар муждалардан сўзласа! Мен қиладурмен ўттиз, худойим эса қиладур тўққиз, деган экан машойихлар. Вовайлоларким, Турон юртида похуш ходисалар юз берди. Тахтни амирзода Халил Султон эгаллагач, салтанат бамисли пўртанага тушиб қолган кема сингари турумини йўқотиб чайқалиб қолди, улус тинчи йўқолди. Кимса кимсанинг сўзига қулоқ солмас, биров насихатини биров олмас...

Ахий Жаббор баҳодир узок сўзлади. Шохрух Мирзо тинглар экан, эслаб кетди: даставвал амирзода Халил Султон билан муносабатлар тартиб ишига тизилганидан мамнун эди. Унга юборган мактубида ёш амирзодага шундай сўзларни илди:

«Мусибату надоматлардан асло қадди букилмагон метин қўрғонимиз падари бузруквор Оллоҳ раҳматиға етишдилар... Донишманд оталар ўзлари бизлардан ажралиб(яъни

вафот этиб) кетсалар ҳам, бизларни бирлаштириб кетишларига назар қил. Бу кун сен менга ҳам биродар, ҳам фарзанд мақомида жондан ширинроқ, кўз нуридан азизроқдурсен. Неники хоҳиш этсанг — хазинами, мамлакатми, аскарми — барини муҳайё қилгумиздур, зеро орамизни тугишгонлик иплари маҳкам боғлаб турибдур. Ёшимнинг улуғлиги, одамни одамдан ажрата олиш, раиятга қандоқ назар солишининг нозик тарафларини яхшироқ билишим сенга маълум. Энди сен атофга бағоят зийраклик юзасидан қараб биз томонга йўл тутгил, ки бирга нени маъқул топсак, иноқ-иттифоқликда шунга амал қилайлик.»

Амирзода Халил Султон ақллилик нишонасини намоён этиб, дарҳол мактубга бундай жавоб йўллади:

«Камина бир қул мисолидурмен, Онҳазратнинг бандаси, давлатхоҳи ва инисидурмен. Ҳазрати хоқони саъидимиз Хуросонда қоимдурлар, бу вилоятни бирор қулларига ёки ноибларига тобшурмоқлари муқаррардур. Бинобарин, бу юмушга мендин ўзга қайси бир қулларини қобилиятлироқ деб ҳисоблайдурлар?.. Агар қариндошлик ҳуқуқига риоя айлаб, Мовароуннаҳрни бизга раво кўрсалар, ҳар нимагаки ишорат этсалар дарҳол бажо келтиришга бел боғлайдурбиз...»

Шохрух Мирзо гарчи амирзода Халил Султон олий раъй васиятига амал қилмай, ўзбошимчалик ила салтанат тахтини қўлга киритган бўлса ҳам, эл-юрт тинчи-оромини ўйлаб, ортиқча низолару бесараиҷомликларга йўл қўймаслик керак, деб ҳисоблади ва бу таклифга розилик билдирди.

Аммо амирзодалар ўртасида «иноқ-иттифоқлик» йўқлиги уни ташвишга солар, Мироншоҳ Мирзо оламдан ўтгандан кейин, у Ҳазрат Соҳибқироннинг ёлғиз ўғли сифатида улуғ салтанат учун масъул ва жавобгар эканини тобора каттиқрок дилдан ўтказарди.

Ҳа. ортингда изғирину шамоллардан, довуллардан пана қиладиган «Ҳазрат Соҳибқирон» деган мустаҳкам қўрғон, метин қалъа, улуғ бир тоғ турарди... Энди эса у йўк, бари қулади, энди химоясиз қолдинг. Энди ўзинг ана шундай мустаҳкам қўрғон, метин қалъа, балаид бир тоққа айланмоғинг керак, эй Шохрух Мирзо! Шунда улуғ салтанатга тиргак, устун бўлажаксен!

Хоқони саъид аниқ ишонди: ҳар бир амирзода ўзини ақлли ва кучли фахмлайди, тахтнинг яғона экани унутилган, димоғларда салтанат хаёли мавж урган... Худди масалдагидек, шер маҳв ўлгач, дупёнинг паст-балаидини хали яхши билмаган шерваччалар, ўзининг кўшни кишлоққа ҳам етмай-диган «наъра»сига маҳлиё, ғурур туйиб, ҳар ёқдан отилиб чнқиб ва бир-бирларига таҳдидлар сола бошладилар.

Ўз вақтида Амир Темурга ташвишлар орттирган енгилтак табиатли, бузуки ва беоқибат амирзода Султон Хусайн энди Шохрух Мирзога ҳам юк бўлиб турибди. Сохибқирон вафоти кунларидаёқ Тошканд атрофида, исён тугён оятини дилига жойлаган амирзода жўяли гапга кирмай, зафар байроқли ўрдудан, шавкатли амирлардан очикчасига юз ўгирди. Кейинчалик ўзига тоштирилган Халил Султон амирларини гумонга бориб ўлимга буюрди... Энг кабиҳ иши Балхга, Пир Мухаммад Мирзо хузурига бораётган мархум валиахд шахзода Мухаммад Султоннинг ҳарамии Хоника бегим (заифа!) уғрукига ташланиб, талон-торож айлагани, подшоҳликка тегишли мол-мулку зеб-зийнатларни тортиб олиб навкарларга улашгани бўлди. Бу Шохрух Мирзонинг нафсониятига тегди.

Пайшанба кунларининг бирида эрталаб ашрофу акобир, аркони давлат жамулжам Хумоюн ўрдуга кириб келдилар. Уларнинг ичида Мухаммад Чуроға додхох, Мубашшир баходир, амир ул-умаро, козиқалон, беклар, лашкарбошилар, баходирлар бор эди.

– Тинчликми? – Шохрух Мирзо додхохга синчков тикилди.

– Бир қопиқ қонимиздан кечсунлар, ҳокони саъид жаноби олийлари! – таъзим бажо айлади қозиқалон, додхохга гал бермай. – Узоқ тафаккур қилдук... Бу бебок ғаламис Султон Хусайн Мирзо Ҳазрат Сохибқиронни ҳам кўп ранжитмиш эрди. Ул бебахтнинг турган-битгани кини адоватдур. Ичи тўла фитна. Хар балони кутмоқ мумкин. Қўравериб, ҳамманинг тоқати тугади. Жазосини бермасалар, ҳали у салтанатга кўп ташвиш орттиради. Талабимизни ўринлатадилар, деган умидда, ёлвориб келиб турибдирмиз...

Аркони давлат фикри қатъийлигини кўрган Шохрух Мирзо чорасиз қолди. Хумоюн ўрдудан олинган ёрликка биноан, Султон Хусайн Мирзо Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташқарисида қатлга тортилди.

Сохибқироннинг жияни Амир Сулаймоншоҳ у билан ҳамфикр, ош-қатик эди. Ўзини камситилган ҳисоблаганидан, унда исён хавоси пайдо бўлди. Бундан хабар топган ҳокони саид, мақтовли хизматлари кўшлиги, олийжаноблик ва эътиқодлиликда замона амирлари орасида мумтоз саналиши, Ҳазрат Сохибқироннинг уни ўз фарзанди ва биродари каторида ҳисоблаганини урғулаб, Амир Сулаймоншоҳни ўз хузурига чорлатди. Бирок, у гапга кирмай, Ҳиротга эмас, исёнчиларни йикқани Калотга караб кетди. Итоатни исёнга улашни истади...

– ...Пир Мухаммад Мирзо Балхдан Самарқандга амирзода Халил Султонга элчи йўллаб: «Ҳазрат Сохибқирон тахту салтанат Халил Султонга қолади, деб қачон васият этғонлар?»

сўзларини етказишни буюрди, – давом этди Ахий Жаббор баходир. – Халил Султон эса: «Амир Темур хазратларига тахту мамлакатни раво кўрғон парвардигори эгам каминага ҳам иноят килди.» – деб жавоб берди. Шодимулкни назарда тутиб: «Давлат ишларида хотиннинг гапига кириш жоизму?» деган китмир саволга, Халил Султон: «Хотин меники, кирсам кираман, нима қилсам ўзим қиламан!» дея кесатикли қўпол жавоб қайтарди... Ўртада муҳорабалар бошланди, аммо ҳеч ким ролиблик нашъасини сурмади. Ҳар ким ўз маконига чекинди. Валиаҳд амирзода Балхга қайтгач, айшу тараб шабадасидан роҳат излаб, бевакт маишату майга мустағрик бўлди. хусравона куйлар ақлини ўғирлади. Иттифоқо, у Пир Али Тоз деган бир ношук хизматкорни тарбият этган, баланд мартабага миндириб, давлат ихтиёрини унинг қўлига топшириб қўйганди. Яхшиликка ёмонлик қайтди. Тахтга минишни ўйлаган ақли калта бебок Пир Али Тоз кечаси саропардага бостириб кириб ухлаб ётган амирзодага шахидлик шарбатини ичирди...

– О. кўрнамак! – деб юборди Амир Шохмалик. – Ўша ерда эрсам эрдим, бошлаб таъзирини бериб қўярдим!

– Инсофсиз!.. – дея олди холос Муҳаммад Чуроға додхоҳ. Кейин қўшиб қўйди: – Худо пошшо, ўзи жазосини бергусидур!

Шоҳрух Мирзонинг ичи кийилди. «Ҳали оддий кишилар ҳам темурий шахзодаларга қўл кўтарадурғон, ҳеч кимни писанд қилмай, ўз билган кўчаларига кирадурғон бўлиб қолдиму?.. – деди ўзига ўзи. – Э, аттанг!»

– Кўрнамаклар кўп экан, хокони саъид хазратлари! – яна сўз олди Амир Шохмалик. – Мана биттаси Умар Мирзо ибн Мироншоҳ. Ўз отаси билан акасига вафо қилмаган ношукр банда. Ота-болалар ўртасида шундай нохуш жанжал кечдики, ярашмоққа жой қолмади. Ўзим гувоҳман: Хумоюн ўрдудан олинган фармонга кўра оч, ночор, етарли кийим-кечаксиз хор-зор юрган амирзодани дарҳол ўз мартабасига муносиб тарзда кийинтириб-ювинтириб саройга олиб келдилар. Хокони саъид хазратлари бемисл меҳру марҳаматлар айлаб, амирзодага Мозандарон мамлакатлари ҳокимлигини топширдилар. Умар Мирзо қандай йўл тутди? Ёт ёқадан олганда, ит этақдан оларкан. Охири кўрнамак... уни кўкларга кўтарган, қўллаб-қувватлаган ўзларидек хазрати олийларига... қўл кўтарди! Ха-ха, қўл кўтарди! Ҳеч жаҳонда қилич ўз дастасини кесганми?.. Онхазарат-қу унинг гуноҳини кечирдилар. Аммо барибир ёмонлик беоқибат қолмас экан, бир йил аввал унинг ғариби гўристон бўлиб ўлиб кетганини биров билди, биров билмади...

Шохрух Мирзо оғаси Мироншоҳ Мирзонинг номақбул ишлари туфайли Соҳибкирон томонидан ҳокимиятдан аزل этилганига ўзи шоҳид бўлган. Умар Мирзонинг отаси ҳам ўз падари бузруквори дилини озурда этган ўғил эди! Фарзанд ота-онанинг дуосини олмоғи керак! Ота рози – худо рози. Отанинг кўнглини оғритмоқ, норизо этмоқ фарзанд учун энг оғир гуноҳдир. Отанга яхшилик қилсанг ҳам, ёмонлик қилсанг ҳам, ўшани фарзандингдан топасан, дейишади. Отасини ранжитган фарзанд кўкармайди. Мироншоҳ Мирзо, унинг ўғли Умар Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзолар қисмати ўшанинг исботи.

– Айтғондим-ку ўзларига, оқкўнгилли эканларига бориб, жуда ҳам кўтариб юбормасунлар, бу амирзоданинг кўзлари чакчайган, хунук деб... – шивирлади Гавхаршод бегим. – Садоқат кўргизишига шубҳам бор эди ўзи...

Шохрух Мирзо машваратдан кўз узмади, «Сўзларингиз тўғри!» дегандай, хиёл бош тебратиб қўйди холос.

Ахий Жаббор баҳодир амирлар қизишиб мубоҳасага киришиб кетганлари сабабли ҳали энг муҳим янгиликни айтиб улгурмаганди.

– Бир қошиқ конимдан кечасиз, хокони саъид ҳазратлари! – деди у. – Амир Худойдод Ҳусайний тўғри йўлдан адашиб амирзода Халил Султонга ёғийлик қилди... Унинг қўшини Хўжанд дарёсидан ўтиб Шероз қасабасига етишди, амирзода Халил Султон Турон лашкари билан Самарқанддан чиқди. Худойдод Ҳусайний кундуз ўзини ортга чекингандай кўрсатиб, кўздан ғойиб бўлди. Аммо, ярим кечаси қайтиб келиб ғафлатда ётган Халил Султон чодирига бостириб кирди ва уни асир олди... Ҳозир амир Худойдод Ҳусайний фармон ва ҳукмлар ёздириб амирзода мухрини босиб турли музофотларга жўнатмоқда. Бутун Турон вилояти унга бўйсунган... Ушбу хабарни етказиш учун шошилдим, хокони саъид жаноби олийлари!

Ахий Жаббор баҳодир ортига тисарилганча жойига бориб тиз чўкди.

Шохрух Мирзо титраб, ғазабдан тутакиб кетди:

– Бу қандай гап ўзи?.. Бир ялангоёк тап тортмай темурийзодани бўғизлайди. Иккинчи баттол, амир эканмен деб, ўзига катта баҳо бериб бошқа темурийзодани асир олади?.. Ҳали дунёнинг танобини тортғон, манамен деган гарданкашларни тиз чўктирғон, не-не подшоларни итоат халқасига киритғон Соҳибкирон Амир Темур Кўрагоннинг авлодлари шундай ночор ҳолга тушиб колдиларму? Бу бизнинг шаънимизга мутлоқ номуносибдур, жаноблар! Бу иснод доғини қандоқ кетказурбиз?

Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўп йиллар аввал Кўксаройда Соҳибқирон ўтказган машваратни эслади. Унда Амир Сайфиддин неқўз сўзлаган, унинг айтганлари кейин салтанатда ҳикматли гапга айланиб кетганди. Додхоҳ тилига ўша сўзлар келди:

– Ул беоқибат бсандиша бадбахтлик оёғини фирромлик майдонига кўйибдур. Қатра уммонга тенглашурму? Синчалак қарчиғайға чанг солғайму? Бас, подшо сибсат қилмагунча мамлакат тузалмас! Сибсатингиз зарурдир, Хоқони саъид ҳазратлари жаноблари!

– Юртимизнинг гўзал бир пучмоғида ғаним эмин-эркин юрса, улусу авомунносга озор берса, биз пойтахтда қандок хотиржам ўлтирадурбиз?..

Додхоҳ ҳайратда қолди: Шохрух Мирзо ҳам Соҳибқироннинг ўша машваратда айтган сўзларини айнан такрорлаган эди! Ё раббий! Интилишлар, қарашлар, шижоатлар Соҳибқиронда қандок бўлса, хоқони саъидда ҳам шундоқ! Оллоҳга шукр, шарафли сулола давом этмоқда, тўхтамаган, тўхтамайди ҳам!

Шуларни ўйларкан, ўзига худди букилган қадди ростлангандай туюлди.

Хоқони саъид тавочиларга зудлик билан лашкарни муфассал қилиш вазифасини топширди.

Кўп ўтмай ҳумоюн байроқлар Самарқанд сари йўлга равона бўлди.

II

Амирзода Халил Султонни тутқунликда сақлаган, бутун мамлакат тизгинини қўлга киритганидан хурсанду мамнун Худойод Хусайний кутилмаганда Шохрух Мирзо қўшинлари Жайхундан ўтганидан хабар топди. У оёғи куйган товукдай шошилиб қолди, чунки хоқони саъид лашкарига бас келиш кийинлигини фаҳмларди. Дарҳол хазинадан зару бойликларни йиғиштирди, йигирматга сандикни дуру марварид, ақику гавхарга тўлдирди, кейин Халил Султонни банди қилиб, Андижонга қараб жуфтакни ростлади.

Шохрух Мирзо қўшини Самарқандга кирганда ҳеч қандай тўсиққа учрамади. Шаҳар аҳли севишиб хоқони саъид истикболига пешвоз чиқди. «...Ўқларнинг борди-келдисисиз, найза учининг даъвосисиз ворислик йўсинида ота мулким – дорулмулк Самарқандга омон-эсон қадам қўйдим... Чексиз илохий неъматларингга шукр...» – деди Шохрух Мирзо ичида. Аммо болалиги кечган она шаҳрининг буюк салобати йўқлиги, фитнаю низолар, можаролар қаърига чўмганидан буткул файзи кетгани унинг юрагини увуштирди. Дарҳол па-

дари бузруквори кабрини тавоф этди, мутасаддий қориларни янгилади. Бир йил аввал оламдан ўтган, онасидай мушфиғу мукаррама маҳди улё сайида Сароймулкхоним турбатини зиёрат қилди. Улуғлар руhini шод этиб, катта маърака ўтказди, шаҳар ахлига ошлар тортди. Факиру мискинларга хайру эҳсонлар улашди. Ҳеч каерда унинг кўзида ёш кўринмади, аммо юрак-бағри эзилар, кўнгли қон йиғлар эди.

Маъраканинг эртаси куни Шохрух Мирзо Кўксаройда ўтирарди, Амир Шохмалик билан Мухаммад Чуроға додхоҳ кириб келишди.

– Ҳазрати хокони саъид жаноби олийлари! – деди Амир Шохмалик. – Маърака сабаби ила айтмакка фурсат топилмади...

– Хўш, хўш? Нимани айтмакчи эрдилар? – тикилди ковоклари қалинлигидан доим солиққа ўхшаб кўринадиган Шохрух Мирзо.

– Бадкайсар Худойод Хусайний Халил Султонни тутқунда саклаганча Андижон томонларда юрибди. У жойида тинч турадиган одам эмас, албатта бирор фитнани ўйлаб топади. Уни бартараф айламоқ лозим.

– Жаноби амирнинг фикрларига кўшилмоқ керак. Бағоят ҳақ гапни айтдилар, – деди Мухаммад Чуроға додхоҳ. – Хабар етди: бадбахт шу кунларда Халил Султонни Андижонда ясовулларга топшириб, ўзи мадад олиш тамаъида Мўғулистон хонининг олдига жўнабди. Улардан кўшин олиб, кучланиб Самарқандга от солмоқчи... Агар у мўғулларни ўз томонига оғдирса, қудратли кучга айланадир... Бу жуда хатарлидур. Тагин хушёрлик жоизки, у амирзода Халил Султоннинг жонларига қасд этмасун...

Додхоҳ тезда салтанат кўшини Андижон томонларга жўнашига шубҳа қилмасди.

Ҳазрат томирлари кўзғолган хокони саъид туриб дераза олдига борди, харир пардани хиёл суриб, гўёки ўша бадбахтни кўриш мумкин бўладигандай Андижон ёқларга қаттиқ тикилди. Ҳазрат Соҳибқирон бутун дунёни тақ тиндирардилар, у эса бир мамлакатни тинчитолмай овора...

Шу палла мулозим маликалар маҳди улё Хонзода хоним, Султон Бахт бегим, Соғинч хоним ва Гавҳаршод бегимлар ташриф буюраётганлари хабарини етказди. Безовталанган амир билан додхоҳга, ўтира беришгизлар, яширадиган нарса йўқ, дегандай ишора қилди.

Маликалар саломлашишгач, тахтнинг чап томонидан жой олдилар. Бошига бўрк кийган, ҳайдар кокилларини бўрк ичига яширган Соғинч хоним хушбичим аскар кийимида эди. Султон Бахт бегим яширинча Амир Шохмаликка бир қараб улгурди. Амир ҳам буни илғади.

– Ҳокони саъид жаноби олийлари... – деди ўзини анча олдириб қўйган Хонзода хоним. – Ўзлари ўғлимиз қатори эканларидан кўнглимиз бемисл кўтариладур. Худога шукр, ҳаммамизга меҳрибондурлар. Дардимизни сизга айтмай, кимга айтамыз? Энди... Халил Султон гуноҳини тилаб олсам дегандим. Шу ўғлим колди холос... Насихатлар қилдим, улур бобонгиз васиятларини унутмасунлар, ундан зарра чекинмасунлар, бировларнинг гапига кирмасунлар, деб... Кўп дедим. Ёш-да, бир канизак бирлан ўралашиб қолибдур, эс-хаёли ўшанда... Қисматни бандаси ўзгартира олмайдир. Афсуски, Ҳазрат Соҳибқирон, бу канизакни саройдан хайдасунлар, деганларида маҳди улё онамиз Сароймулкхоним жаноби олиялари раҳму шафқат юзасидан уни саклаб қолғон эрдилар. Улур Амир бунинг бало-офат эканини билғон эканлар-да! Вой худо! Мана, салтанат пароканда, маликалар хор, хази-на таланғон... Халил Султон хотин тили билан, хотини эса Халил Султон тили билан сўзлар эмиш! Бу ақлсизликдан нишонадур. Хонимойим ҳам, Тўқал хоним ҳам ўша касофат туфайли оламдан кўз юмдилар. Бу қандай кўргилик бўлди? Эҳ, нимасини айтай...

Хонзода хоним чидай олмай йиғлаб юборди.

– Малика, маликам! – юпатди Гавҳаршод бегим. – Йиғла-масунлар! Ўксинмасунлар! Ҳокони саъид ҳазратлари барини тушунадурлар...

– Ўша канизакни сазойи қилишибди... – лавом этди Хонзода хоним кўзларини артиб... – Ўтғон ишни ўрнига келтириб бўлмайдур. Майли, унинг ҳам гуноҳини кечирсунлар, ҳар иккисини ҳам афв этсунлар.. Худодан тилагим шулки, Халил Султон ўғлим отинг ўчгур Худойод Хусайний кўлидан соғ-саломат чиқиб олсун!

– Ёнингиздамиз, маликам! – овсинининг кўнглини кўтаришга уринди яна Гавҳаршод бегим ва ўзича маслаҳат берди: – Агар ҳокони саъид ҳазратлари амирзода Халил Султонга Рай ҳокимлигини раво кўрсалар ва завжасини ҳам қўшиб ўша ёққа юборсалар, айни муддао бўлурди... Кеча ўзлари ҳам Рай ҳақида оғиз очган эдилар...

– Шубҳасиз, раво кўрилу! Ҳа, буни ўйлаб ҳам қўйғонбиз! – деди Шохрух Мирзо.

Соғинч хоним одоб саклаб сўз қотмасди.

Ҳокони саъид маликаларга юзланиб деди:

– Мухтарама Хонзода хоним жаноби олияларини Ҳазрат Соҳибқирон кизим деб жуда ардоқда саклардилар, эъзозлардилар, биз ҳам маҳди улё келинойимизни бошимизда тутқайбиз! Ҳурмату мақомлари дийдамиз устида... Неки истасалар, сўрасалар, барчасини адо этғойбиз! Халил Султонни

хам ғаним кўлидан кутқариб олғайбиз! Эртагаёқ йўлга равона бўлғайбиз!

– Куллук, куллук... Бир илинжимиз бор. Бу ишлар охирига етгач, бизни ҳажга юборсалар... биз, мана, бегойим билан, – Султон Бахт бегимни кўрсатиб давом этди Хонзода хоним, – пият қилиб қўйдик, ёнимизда келиним Соғинч хоним ҳамроҳдурлар. Гуноҳларимиз кўп, муборак сафарга бориб мусулмонлик шартларини адо этиб қайтсак дегандик...

Шу пайтгача индамай ўтиришган додхоҳ билан амир маликанинг сўзларига: «Аҳсанта! Аҳсанта!» деб юборишди.

– Додхоҳ жаноблари! Дарҳол ҳаж йўли керак-яроқларини тайёрлатсунлар! Шохона уғруқни кузатиб боргувчилар тайин этилсун! Дарвоқе, ўзлари мухтарама маликаларни ҳажга олиб бориб келсунлар! – буюрди хокони саъид, кейин Хонзода хонимга қарата деди: – Фақат бир ўтинчимиз бордур, ҳаждан тўғри доруссалтана Хиротга тушғайлар. Эгачимиз, келин ойимиз ва мухтарама Соғинч хонимлар бирга Боғи Шаҳрда истиқомат қилғайлар, қошимизда салтанатимизнинг фаришта-си ва дуоғўйимиз бўлиб умр кечирғайлар.

– Ха, ха, фаришталаримиз, маслаҳатгўй, дуоғўйларимиздур-сизлар! Бирга умр кечирғайбиз, маликам! – қувончини яширмади Гавҳаршод бегим.

– Худо ўша кунларга етказсун, илоҳи!

– Куллук, хокони саъид жаноби олийлари! – миннатдорчилик билдирди Соғинч хоним ҳам.

Хонзода хоним дуога қўл очди.

Мухаммад Чуроға додхоҳга ҳукмдор буйруғи айна муддао бўлди, чунки Хитой сафаридан сўнг Амир Темур билан муқаддас ҳаж сафарига боришни ўйлаб қўйгандилар. Додхоҳ у ерда Ҳазрат Соҳибқирон руҳларига дуолар айлаб қайтади.

Шохрух Мирзо эгачиси Султон Бахт бегимнинг Рус-тамдор томонлардан келганидан беҳабар эди, Амир Темур Румдан қайтаётганда бу ерларни унинг шавҳари Амир Сулаймоншоҳга топширганди, поччасининг кирдикорларидан дили озор еса ҳам, билдирмади:

– Хуш келибсиз, опагон!

– Хушвакт бўлингиз, укажоним. – негадир хўрсинди малика. У аввалгидек ўзгармаган, тетик, шадлод эди. – Дунё деганлари шу экан. Падари бузрукворимиз ва аммамиз бонўйи кубро Қутлуғ Туркон ока бир-бирлари билан инок эдилар, узок-узок суҳбаглардилар. Кўп эслаймен. Энди Ҳазрат Соҳибқирондан ёдгор иккимиз қолибдурмиз холос, сизу мен...

Шохрух Мирзо оҳиста бош тебратиб тасдиқ ишорасини қилди-ю индамади.

– Биламн... бойим, раҳматли Амир Сулаймоншоҳдан кўнглингиз озурда эди... Ҳазрат Соҳибқирон ўзларига Хуросон вилоятини инъом этгонларида шавҳаримиз Амир Сулаймоншоҳбекни улуғ амирлар қаторида сизнинг мулозаматингизга қўйрондилар.

– Эсимда, Улуғбек Мирзо туғилгон йили Самарқандда пешкашлар билан кутиб олгондилар.

– Доим эсларига солдим, ки узрхоҳлик яхши одатдур деб. Ҳазрат Соҳибқирон юртим деб, болам-чақам деб ҳамма нарсани муҳайё айлаб кетдилар. Бундай оёқларини узатиб, роҳату фароғатга ҳам фурсатлари бўлмади отажонимнинг! Яйраб давру даврон суриш сизларга қолди, қадрига етишлар, низога йўл қўйманглар, деб худонинг зорини қилдим. Улар узр сўрамоқни кўнгилларига тугдилар, аммо насиб этмади. Бу омонат менда қолди. Поччангиз учун сиздан мен узр сўраймен, инижоним. – таъзим бажо айлади Султон Бахт бегим. – Гўрида тинч ётсун энди...

Шохрух Мирзо ўнғайсизланди:

– Йўк, йўк... ҳожати йўк эди... ўзимизнинг поччамиз-ку! Яқинларнинг озорлари озор саналмайдур, опагон!

– Ҳимматлари учун куллуқ, укажоним!

Шу аснода Халил Султондан пешонаси ёруғ чопар қадами етиб, ҳамманинг кўз олдида ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган, мутлақо қутилмаган бир манзара намоён бўлди!

Воқса бундай кечганди. Мадад сўраб борган Худойдод Хусайнийни Тошканд атрофида учратган мўғул лашкарбошиси Шамъи Жаҳон, худо кўнглига солиб, унга ёрдам бериш-бермаслик ҳақида яқинлари билан обдан кенгашди, кўпчиликнинг фикрини эшитгач, деди:

– Айтганларингиздан хулоса қилдим... Соҳибқирон ҳазратлари қанча иноятлар кўрсатганларига қарамай, нокас амир Худойдод унинг фарзандларига жабру ситамни ҳаддан ошириб юборди, салоқатни унутди. Энди бизни ҳам Темурий шахзодаларга ёғий этмоқчи. Бунинг бировга вафо қилмоғи гумон...

– Йўк! Ёғий бўлмаймиз!

– Вафо қилмайди!

– Бадбахт ўзининг ўғлини Самарқандда халойиқ олдида тап тортмай султон деб атабди-я!

– Вой, беномус! Инсофсизни ўлдириш керак! – деган овозлар эшитилди.

– Барчанинг гапи бир жойдан чиқди. – давом этди чопар. – Шундан кейин, Шамъи Жаҳон шахсан ўзи бадният амирни қатлга етказди...

У жигарранг хўржишнинг бир кўзидан ўралган тарвуздай

парсани олиб ерга қўйди. Бу Худойдод Хусайнийнинг калласи эди...

Ҳамма ҳайратдан қотиб қолди. Халил Султондан аллақачон умидини узиб қўйган Хонзода хоним ўғлининг жони омон, тирик юрганидан снгил тортди.

– Ёмоннинг жазосини худонинг ўзи беради, – деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Суйган бандасини эса ҳеч қачон ночор аҳволда қолдирмайди, ҳамиша ўзи қўллайди.

Дуолар ижобат бўладиган душанба куни Қўксарой олдида карнай-сурнайлар чалинди, накоралар овози кўк тоқига етди. Гурас-гурас одамлар келишарди. Жарчилар бир кун олдин маҳаллама-маҳалла кезишиб: «Улуғбек Мирзо Қўрагон салтанат тахтига минадурлар!» – дея жар солдилар.

Иккинчи ошёнадаги кўринишхона тирбанд, бир томонда узоклардан келган меҳмонлар, вилоятлар ҳокимлари, ақобирлар, саййиду уламо, вазирлар, лашкарбошилар, амирлар, тавочилар, маҳалла оқсоқоллари, олтмиш икки амалдор, ўттиз икки муҳрдор, назокатли шариф зотлар, бошқа томонда жувопбахт маҳдумзодалар, улуғ даргоҳ яқинлари, салтанат хос бандалари – барча жамулжам эди. Рўбарўда худди Амир Темур давридагидек ясатилган шохона олтин тахт савлат тўкиб турарди.

Бирдан ғало-ғовурлар тўхтади. Ичкаридан шохона тўн кийган, қўлида заррин аргувоний асо тутган ҳокони саъид Шохрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Амир Шохмалик, Ахий Жаббор баҳодирлар чиқиб келишди. Изма-из маликалар Гавҳаршод бегим, Хонзода хоним, Султон Бахт бегим, Соғинч хонимлар тахт оркасида тиз чўкдилар.

– Қани, амирзодам... Яқинроқ келсунлар-чи! – буюрди Улуғбек Мирзога ҳокони саъид. Ўн беш ёшли ўғлон отасининг ёнига келди.

Ўнг томонда қўлида тож кўтарган Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан зарбофт тўн ушлаган Амир Шохмаликлар туришарди.

– Ушбу тахт Турон тахти, Амир Соҳибқирон тахти, унинг йўли адолатдир. Куч адолатда, деганлар падари бузрукворимиз. – деди Шохрух Мирзо. – Улуғбек Мирзо исмлариши табаррук бобоси қўйган эрдилар. Ушбу тахт Улуғбек Мирзо Қўрагонга раво қўрилу!

Атрофни кийкириклар тутди.

– Улуғбек Мирзо! Улуғбек Мирзо!

– Муборак бўлсин!

– Буюрсин!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ шаҳзодага оташин лаъл қадалган тож кийдирди, Амир Шохмалик унинг эғнига яраклаган зарбофт чопон ташлади.

Хусравона кийинган Улуғбек Мирзо оҳиста, салобат билан тахтга бориб ўтирди.

Суронлар тинди.

Шохрух Мирзо оталик шафқати юзасидан подшоҳона илтифот айлаб, деди:

– Шаҳзодам! Амир Соҳибқирон ҳазратлари каминага Хуросон вилоятини топшираётиб, насихат қилғондилар. Бу отам Амир Тарағай сўзларидур, деб айтғонларини ҳамиша ёдимда сақлаймен. Ўшларни табаррук тахт олдида ўзларига эслатмакчимен, токи кулокларига қўйилиб, дилларига нақшланиб қолсун...

Оллоҳга шукрки, Ҳақ таоло бизга буюк меҳрибончилик кўргизди, нуқсонли эканимиз ва ожизлигимизга қарамай мамлакатлар тизгинини кўлимизга тутқазди. Мулк – Оллоҳникидур, бизлар эса унинг мулкига жавобгар халифалардурбиз. Куръони каримда, Довуд алайҳиссаломга, биз сени ерда халифа қилдук, зинҳор нафс хоҳишига кўнгил бермагил, у сени Оллоҳ йўлидан оздирур, деб уқдирилғонини ёдларида сақласунлар. Бас, ақлни кўнгилга муаккил этсунлар, подшоҳлик ва давлат кадрини теран англасунлар, ҳамиша илоҳий неъмат шукрини бажо айласунлар. Расулulloҳ авлодлари бўлмиш уламоларга эҳтиром назари билан қарасунлар, диний низоларни ҳал этишда уларнинг фатволарини, мулоҳазаларини эътиборга олсунлар. Тоза назарли кишиларни яқин тутсунлар. Ҳақни ноҳақдан фарқ айлаб, савобни хатодан ажратсунлар. Қозилар кўлини шариат ҳукми ижросида кучли ва бақувват этсунлар. Олам ободончилигининг сабаби ва эълус ризқ-рўзининг воситачиси ҳисоблангувчи дехқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя айлаб, адлу инсоф билан ўзларига яқин тутсунлар, бошларини силасунлар.

Салтанат уч нарса – мулк, хазина ва сипоҳ билан тирик. Бу – улуғ бобонгиз Амир Соҳибқироннинг айтғонлари. Аскарлар тоифасини рақжитмай, очиқ юзлик, хушмуомалалик билан муте ва итоаткор қилиб ўзларига қаратсунлар, уларнинг ҳақ-маошларини вақтида тўлаб борсунлар. Ўз ўрнида жидду жаҳд кўрсатғонларга инъомни оширсунлар, йўлдан қочғонларни саза бериб жазоласунлар. Алқисса, ишнинг яхшиси миёнасидур, деган ҳадисни ёдда тутуб, хаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлсунлар. Сарҳадларга оқ-қорани ажратғон кишиларни тайинласунлар, қалъаларни мустаҳкам этсунлар...

– Қуллук, қуллук! – дерди кўли кўксига Улуғбек Мирзо.

Ҳамма шоду хуррам, Кўксаройдан чиқиб, кўчаларни тўлдирганча катта базм дастурхони ёзилган наволарга кўмилган Боғи Навга қараб йўналди.

Хуросон ҳукмдори Шохрух Мирзо билан Турон ҳукмдори Улуғбек Мирзо амирлар кузатувида дастга биринчи ошёнга тушдилар ва хазинаи омирага қараб юрдилар. Хазинага кирганларида хокони саъид унинг бўм-бўш эканини кўрди-ю хайратда қолди! «Ё раббий!» деб юборди беихтиёр. Атрофга бир-бир қараб чиқди. Сандиклар очик, ҳеч вако йўқ, ҳаммаси талаб кетилган...

Иттифоқо, ўнг бурчакда ерда бир нарса ялтираб кўринди. Шохрух Мирзо заррин асо учи билан унинг нима эканини билмокчи бўлди. Улуғбек Мирзо падари бузруквори ҳаракатларини синчков кузатиб турарди, тез эгилиб, ҳалиги нарсани олди: у хазина талон-торож қилинганда четга тушиб қолган бир динор олтин танга эди. Дарҳол отасига тутқазди.

Шохрух Мирзо тангани епти билан артди, ўпиб кўзларига суртди ва деди:

– Оллоҳга шукр, бизга ҳам отамиздан улуш тегди!

У тангани кўра бошлади. Унинг орқа томонида уч ҳалқа атрофида: «*Амир Темур Кўрагон халладаоллоҳу мулкуну ва султонуну*»¹ сўзлари ёзилганди. Ўқидию алланечук бўлди:

– Ҳа, Оллоҳ Соҳибкирон Амир Темур Кўрагон мулкани ва подшоҳлигини абадий қилсун! – деди мағрур Шохрух Мирзо.

Улуғбек Мирзо, Мухаммад Чуроға додхоҳ, Амир Шохмалик, Ахий Жаббор баходир, ҳамма ўз кўнглида бу сеҳрли сўзларни бир-бир такрорларди.

2009-2013 йиллар

Т а м о м

¹ Оллоҳ Амир Темур Кўрагон мулкани ва подшоҳлигини абадий қилсун(араб)

ЭПИЛОГ

Соҳибкирон ҳақида асар ёзишга киришар эканман, ишни нимадан бошлашни билмай, узок ўйларга ботдим. Бу улкан осмонўпар тоғ эди, у чамага сизмас, ақлга бўй бермасди. Бунда табиатнинг ўзи ёрдамга келди: унда тўрт фасл бор эди, баҳор, ёз, куз, қиш. Дунё ҳам тўрт томонга эга – шарқ, ғарб, шимол, жануб. Қоиотнинг тожи бўлган Инсон ҳам тўрт унсурдан яралган, инсон умрининг ҳам тўрт фасли маълум – болалик, йигитлик, етуқлик, кексалик. Алишер Навоийнинг «Ҳазойиш ул-маоший»си ҳам тўрт девондан иборат. Соҳибкирон Амир Темурининг ҳам тўрт ўғли бўлган – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шохрух Мирзо... Бас, Соҳибкирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва тўрт китобнинг ҳар бири рамзий маънода бир ўрил исми билан ағалиши лозим, номи «Улуғ салтанат» деб қўйилсин, деган қарорга келдим. Эпопеянинг бош қахрамони Амир Темурдир. Мана, эпопея ўз ниҳоясига етиб турибди.

Табиатнинг қонуни содда: ҳар бир одамнинг ичида яна бир одам яшайди. Унинг номи «кўнгил»дир.

Ҳечқачон дунёнинг иши бир одамнинг қўлига қараб қолмаган. Унинг эгаси ёлғиз Оллоҳдир. Амир Темур Кўрагон ҳам бир банд эди.

Бандаси, яъни инсон зоти, юкорида айтилганидек, ўт билан ҳаво, тупроқ билан сувдан, яъни тўрт унсурдан яралган.

Ўг – ҳаётбахш модда, унингсиз тириклик йўқ; айни пайтда офат, забонсиз махлук, теккан нарсасини ёндириб кул қилади. У – ҳаёт, у – офат!

Ҳаво – ҳаёт иксири, шифо, агар у йўқ эса инсон зоти ҳалок бўлади, шу сабабдан «сўнги нафас» каломи инлатилади.

Сув – обихаёт, сувсиз ҳаёт йўқ, яшаш учун зарур модда. Ерни яшнатадиган мўъжизавий неъмат. Сув билан ҳаводай зарур, ибораси машҳур... Аммо сув – офат, сув тошқинлари, аёвсиз, тирик мавжудотни ҳароб кетади, вайрон қилади. Офатдай ёприлаётган цунамилар бунинг исботи. У – обихаёт, у – офат!

Тупрок – бу, Инсон оёк кўйиб юрадиган, яшайдиган Замин. Умуман, асослар асоси. Тупрокда юкоридаги унсурларнинг бари бор. Бари билан боғлиқ ходисалар тупрокда юз беради. Шу сабабдан ҳам парвардигор Одам Атони бир сиким тупрокдан яратган, Инсон уни кўзига тутиё тутати. Инсон мояси ана шу тўрт унсурдир.

Демак, инсон табиатида мўъжизавий неъмат, ҳаёт иксири, обиҳаёт билан бир қаторда, ўт ва сув деган офатлар ҳам маъжуд. Инсондаги ижобий ва салбий хислатлар ўша стихиялар билан боғлиқдир.

Инсоннинг меҳру муруввати, қудрати, кучи, бунёдкорлиги, айни пайтда ваҳшийлигига чек йўқ. Инсон Искандар Зулқарнайн замонида, улдан олдин ҳам, кейин ҳам, ҳозир ҳам ўшандоқ. Агар бир жой харобага айланса, сабаб-оқибатини ўздан кўрмай, айбни доим бошқалардан қидиради. Қандоқ қилайлик, худо уриб қўйди, деб, худодан адолат талаб этади.

Одам зоти яралибдики, уни тушунмоқ, англамоқ замона донишмандлари олдида ҳамиша муаммога айланган. Лекин ҳалигача, инсонни тушундим, унинг тутумларини фаҳмладим, ёки, мен ўз-ўзимни англаб етдим, деган бандани учратиш бировга насиб этмаган. Баъзан унинг босган қадамларидан хайратда қолади киши.

Инсон вужудини, жисмини, аъзон баданини англаб етиш мумкин. Бош, кўз, кулоқ, юрак, қорин, қўл-оёқ... Лекин Инсоннинг бир аъзоси борки, уни англаш мушкул, юкорида зикр этилганимиздек, уни кўнгил дейдилар. Чунки, у ўзгарувчан хилқат. Шу вайдан кўнгилга кўнгил қўйиш ҳамиша хатарли. Муборақ ҳадисда кўнгилга шундай таъриф берилган. Инсоннинг кўнгли бамисли саҳродаги ёлғиз дарахт шоҳидаги беҳолгина осилиб турган япроқ – ел чапдан келса ўнгга бурилади, ўнгдан келса – чапга... Кўнгилни «қалб» ҳам дейдилар-ку.

Сохта деган сўзнинг шериги «қалбаки» дейилишига эътибор берилсин. Кўнгилнинг тағига етиш қийин. Бунда ақл ҳам ожиздир, у тўйда эътиборсиз қолиб кетган азиз меҳмондай бир четда бош эгган холда, ўз иззатини сақлаб жим кузатиб туришга мажбур. Ҳа, нимаики содир эрур, кўнгил хоҳиши билан бўлур, камдан-кам одам унга эғалик қилур.

Борди-ю Рум қайсари Йилдирим Боязид ана шу кўнгил хоҳишига кулоқ солмай, Турон султони Амир Темурнинг унча мушкул бўлмаган талабларини адо этганда, яъни ақл-идрок сасига кулоқ тутиб, ўз кўнглининг «оламда буюклар буюгиман» деган наърасини боса олганда, шу биргина қадам бутун олам харитасини батамом ўзгартириб юборарди. Одатда, кўнгил хоҳиши оқибатлари ўз вақтида эмас, кейин англаб

етилади. Аммо у ҳолда карвон анча йироқлашиб кетган, уни учқур от билан ҳам қувиб етиб бўлмай қолади.

Тарихий асарларни ўқиганда ўқувчи, қани бу қаҳрамон оқланибдими, қораланибдими, деган қизиқиш билан қўлга олади. Холбуки, асар бировни оқлаш ёки қоралаш учун ёзилмайди, балки қачонлардир тарих майдонларида жавлон урган қаҳрамонлар ҳаётини, юрак тешишларини, кўнгил хохишларини, босган қадамларини холисона тасвирлаб, ўқувчи кўз олдида жонлантиришга хизмат этади, токи қаҳрамонни оқлаш ёки қоралашни – агар шу зарур бўлса! – ўқувчининг ўзи ҳал қилсин. Олий ҳакам – Ўқувчи жаноби олийлари. Эҳтимол, ёзувчи ўзипинг севган омонларидан келиб чиқиб, қаҳрамони ҳақида қуюқрок ранг бериб қалам тебратгандир, зеро у ҳам банда, кўнгил хоҳишига қараб иш тутишдан холи эмас...

Оллоҳнинг яратганлари, йўриқлари, дунёнинг тархи – бари буюк адолат асосида бунёд этилган. Адолат – табиатда, адолат – қоинотда! Бируборнинг тутумларида адолат бор, оламдаги ҳар жонзоту мавжудотнинг бири бирига уйғунлиги ана ўшанинг исботидир. Демак, жамиятда ҳам, илму фан, ҳаётда ҳам адолат талаб этилмоғи жонз. Оллоҳнинг хоҳиши – адолат, адолат!

Тарихда-чи, тарихда адолат борми? Адолат нима? Бировнинг ҳақини эмаслик, ҳалоллик, кимсанинг дилига озор еткизмаслик, шафқат кўргизиш, бечора-мискин қўлтиғидан кўтариш, қайишиш, озга қаноат қилиш, эл ғамини чекиш, миллат шаънини ўйлаш, Ватан довуғини оламга ёйиш... Фикри ожизимга кўра, буларнинг бари қўшилса, адолат тупунчаси пайдо бўлади. Подшоҳлар шу сабабдан адолатга интиладилар.

Лекин адолат юқини кўтариш оғирдир, шу сабабдан у кўпда юзага чиқмай келади. Амир Темур ўз кучини, қудратини лак-лак қўшишда, тоғлардан ошишда, мардона дарёларни кечиб ўтишда, мстин қалъаларни камал қилишда, қўш-қўш мамлакатларни забт этишда кўрмайди, балки адолатда, дейди. Шиорга айланган «Қуч – адолатда» сўзларини узугига, давлат муҳрига ўйиб ёздиради.

Жаҳон тарихида адолатни шиор қилганлар бўлган, аммо каттик тутиб охирига етказганлар кам учрайди. Соҳибқирон адолатпарвардир, у ҳар қандай гуноҳкорга фақат тағтишдан кейингина чорани ўйлайди, агар гуноҳи бўлса жазолайди. Гуноҳкорни адолат билан жазолаш ҳамма замонларга ҳам тегишлидир. Айб ишларга йўл қўйган ўзининг жигаргўшалари, фарзанд ва набиралари Мироншоҳ Мирзо, Султон Хусайн Мирзо, Пир Муҳаммад Мирзо, Искандар Мирзоларни ҳам кечириб ўтирмади, оталик меҳри сасларини ичига ютиб, изо

тортмай, жумла мўъминлар қатори чўби ясоққа етказгани оламга маълум. Бу адолатни маҳкам тутмоққа ёрқин мисолдир.

Оллоҳ барча нарсани узвий боғлиқликларда, уйғунликда яратган. Кечадан сўнг кундуз бошланади, тонг отади, кеч киради, кеча тугамаса тонг отмайди. Ерни яратиб, осмонни худди унинг томидай, ёпинчиқ қопқоғидай бино этган. Нафис гулни ижод этиб, ичига учқир тиконни жойлаб қўйибди. Илоннинг захари – инсонга шифо. Яна. Тоғлар чўққиси офтобда жилоланиб оламга мағрур боқади, у бир вақтлар Ернинг қаърида чўкиб ётган оддий маъдан эканини унутиб қўяди. Яна. Бугунги кун кечаги кун устидан кулади, эртанги кун ҳам келишини эсдан чиқаради... Яна. Беш бармоқ тенг килиб яратилмаган...

Одамлар буюк инсонларни кўриб, бири – инсофлиси ҳайратга тушади, иккинчиси ёқтирмайди, бу, албатта, унинг кўнглида ин қуриб олган хасаднинг кирдикори. Яхши ва ёмон одамлар... Хайриятки, яхши инсонлар кўп, хавас киладиган, қувонадиганлар бисёр, шу сабабдан дунё барқарор, Ер ўз ўқида қоим турибди.

Кимдир ўзининг ёмон ёки яхши назари тарихга ҳеч қандай таъсир ўтказма олмаса ҳам, у ўз сўзида қаттиқ тураверади. Бўйнидаги занжирни олиб ташлай, эрк берай, тутқунликдан қутқарай, бўшатиб юборай, ё бошини силай, деб чўзилган кўлни моҳиятни англаб етмай, тишлаб олган итлар қўп...

Россияни мўғул зулмидан қутқарган Амир Темурга муносабат билдирар экан, айрим рус тарихчилари шукроналик туйғуларини унутадилар-да, шуҳратпарастликка ўч эди, деб унга тош отиш пайига тушадилар. Бўлганда нима, деб савол беради киши ўзига ўзи. Аслида, Соҳибқирон зинҳор шуҳратга интилмасди, балки шуҳрат унинг изидан қолмай қувиб юрарди. Йўқ жойдан катта давлат барпо этди, Самарқандни пойтахт қилди, улуғ салтанат тузиб, унда жуда кўп боғлар, бинолар, саройлар, мадрасалар бунёд этди, фақат ўзи туғилиб ўсган Ватанида эмас, фатҳ айлаган бошқа мамлакатларда ҳам, бунёдкорлик ишларини олиб борди, шаҳарлар тиклади, йўллар солди. Лекин биронта ҳам жойга ўзининг номини қўймади! Бари маликалар, ўғиллар, келинлар, набиралар номида! Биби-хоним мадрасаси, Биби-хоним жомеъ масжиди, Мухаммад Султон мадрасаси, Мухаммад Султон хонақоҳи, Гавҳаршод бегим мадрасаси, Наҳри Барлос, Амирзода Шохрух боғи, Шохрухия шаҳри... Амир Темур номида биронта ҳам жой, шаҳар, боғ йўқ! У бундай майда инсоний хоҳишлардан мутлоқ узок эди, бу унинг шуҳратпарастликдан мутлоқ йироқ, жуда баландда турадиган йирик, бутун, буюк инсон эканини намён этади.

Гарчи «хон»лик Турон юртида энг юксак мартаба саналса ҳам, Амир Темур ўзини хон деб атамади. Сохта обрўлардан ўзини йироқ тутди, инсоф, мардлик ва ҳалолликнинг тимсолига айланди. У амир ўғли эди, халқ ичидан чиққан қаҳрамон, хонлар авлодига зинҳор алоқаси йўқ. Соҳибқирон «Турон султони» мартабасини ўзига муносиб кўрди. Милодий 1391 йилда Тўхтамишхонга қарши жангга кетаётиб, Дашти Қипчоқнинг Улутовида катта харсангтошга ўйдириб ёздирган битикда «Турон султони» сўзлари бор.

Соҳибқироннинг кечиримли экани ҳақида нақллар юради. Умуман, унинг фазилатлари, ҳатто қусурлари тўғрисида бор гапни гапира бошласанг, ўз-ўзидан мактовга айланиб кетади. У кечиримлилик инсоннинг энг аъло фазилатларидан эканлигини теран англаган зот... Унинг қаҳри билан меҳри ҳаммайдон эканини айтадилар. Тўхтамишхонни тўрт марта кечириб, инсофга келтиролмагач, бебошвоқ «ўғил»ни тийиб қўйиш учун икки марта килич кўтаришга мажбур бўлгани, Шибирён ҳокими Зиндачашм Ошардийни неча бор кечиргани, ҳақоратли жавоб мактуби қайтаргани учун Йилдирим Боязидни қатлга буюрмай, тирик қолдиргани, эъзозлагани жаҳон тарихида подир воқеалардандир. Тарихчилар баҳо беришда буларни четлаб ўтишлари мумкин эмас.

Уруш майдонини босиб ўтилишни мажбурий йўл, олдинда турган тубсиз жарга қиёс қилиш мумкин ҳолос. Амир Темур, аввало, у кенгашлар воситасида ҳар қандай урушлар олдини олишга уринарди. Бутун умри давомида давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўйиб, иложи йўқ пайтларда бир улдушинигина қиличга қолдирарди. Урушга йўл қўймаслик мақсадида душман подшоларга қариндошу куда бўлишни таклиф этарди. Чунончи, музаффарийлар подшоси Шох Шужоъ, Рум қайсари Йилдирим Боязид ва Хирот ҳокими Малик Фиёсиддинлар билан қудачилик йўлга қўйилганди.

Афсуски, хамиша ҳам кенгашга кулоқ солгувчилар топилавермаган. Уруш деган қабоҳатнинг олдини ололмаган пайтларда, майдонда қонлар тўкилган, вайронагарчиликлар юз берган, шаҳарлар ёнган, кишлоклар кулга айланган, каллалар сангчадай узилган... Бу – ўз оти билан уруш...

Амир Темур хулқ-одоби жуда пок инсон эди, ул зотда ўн еттинчи-ўн тўққизинчи аср ўзбек хонларига ўхшаш икки юз-уч юз аёлни жамлаган ҳарам бўлмаган. У ислом дини ақидаларига қаттиқ риоя қилар, хотин-қизлар бобида меёрни қаттиқ тутар, таомилдаги тўрт аёл ва бир неча қанизақларга соҳиблик қиларди ҳолос.

Шарқ подшоларида бир одат бор, балки ёзилмаган қонунга айланган одат, десак маъқулроқ. Агар подшо бир юртни

забт этса, унинг ҳарами (хотинлари, канизаклари, қизлари)га эга бўлиш музаффариятнинг энг олий чўққиси ҳисобланган ва мағлуб подшонинг гўзал хотинларидан бирини ўз никоҳига киритишга шошилган. Чингизхоннинг «Душманнинг хотинини ўпиб, отини минмоқдан ортиқ лаззат йўқ!» деган сўзлари машхур.

Амир Темур ўзининг гувоҳлик беришича, йигирма етти мамлакатни мусаххар қилди. Аммо биронта подшо ҳарамига кўз олайтирмади, бирон маликани ўз ҳарамига киритмади! Аксинча, зикр этилганидек, ўша подшо қизини, набирасини ўзига келин қилиб олди ёки қиз узатди, қуда-қариндош бўлди...

Искандар Зулкарнайннинг ҳам Эронни босиб олганда шох Доро ҳарамига эътибор бермаганини айтадилар.

Амир Темурга ҳолис кўз билан боққанлар, уни жаҳон тарихида Европа Ренессансига таъсир ўтказган Ренессансни бошлаб берган, Европа ҳамда Россияни ҳалос этган давлат арбоби ва саркарда сифатида тан оладилар, кадрлайдилар. Ўн тўртинчи-ўн олтинчи асрларда Италия мамлакатида бошланган, аста-аста Европага ёйилаётган улкан маданий ва тафаккурый тараққиёт даври деб ҳисобланган, ўрта аср турғунлигидан янги даврга ўтиш сифатида баҳоланган Ренессанс кадамлари Усмонлилар империясининг Европага юришидек катта хавф туфайли ривожланишдан тўхтаб, жаҳон маданияти учун муҳим ҳаётбахш жараён бир неча асрларга ортга сурилиши мумкин эди. Бу, албатта, инсоният учун фожиа бўларди.

Амир Темурнинг Ғарб мамлакатларига даҳшат солиб турган Рум қайсари устидан ғолиб келиши ва Европани ҳалос этиши Ренессанс ривожланишига катта имкониятлар яратди, Европа халқлари энгил нафас олдилар. Натижада Леонардо да Винчи, Микеланжело, Шекспир, Рафаэль, Сервантес сингари ва бошқа кўп Ренессанс намояндлари Уйғонинг даврининг ҳаётбахш идеалларини ўз асарларида тарафдорлик этидилар ва жаҳон маданиятини юксак босқичга қўтардилар. Соҳибқирон шахси ва номи бутун дунёда машхур бўлиб кетди. Буюк саркарданинг «Европа ҳалоскори» сифатида олтиндан ишланган хайкали Париждаги Лувр залларини беади. Инглиз драматурги Кристофер Марло ўзининг милодий 1587 йилда ёзилган «Буюк Амир Темур» трагедияси билан жаҳон адабиётида Амир Темур сиймосини яратиб жараёнини бошлаб берди. 1681 йилда яна бир инглиз адиби Чарльз Саундерснинг «Улуғ Темур» трагедияси ёзилди ва саҳнага қўйилди...

Шарқда қадимдан одил подшо ҳақида ҳаётбахш тупунчалар мавжуд. Амир Темур одил подшо бўлишга интилди. Унинг душманлари эса, Соҳибқиронни, дунё халқларини бахтли қилишга бел боғлаган, адолат ўрнатишга ҳаракат

қилган сиймони босқинчи, қотил сифатида таърифлашга уринадилар, Исфаҳон, Сабзавор, Ҳиндистон воқеалари, калладан қилинган минораларга ёпишиб оладилар. Фалсафада сабаб ва оқибат деган тушунча мавжуд. Бу ҳар нарсанинг ибтидо ва интиҳоси, бошланиши ва охири бор, ҳеч нарса бесабаб юз бермайди, деганидир. Тарих воқеаларига баҳо қўйилганда, ҳар икки жихат теран ўрганилиши керак. Шундай ўрганилмаганлигидан, бир ёклама ёндошишлар келиб чиқади, яъни оқибатга қараб баҳо берилади, сабаб бир четда қолиб кетади. Афсуски, бу ҳолисликдан йироқ йўлдор.

Сабабини биз қидириб кўрамиз. Кучли ва қудратли ҳукмдор бўлгани сабабли, турмуши издан чиққан мамлакатларнинг улуглари, казо-казоларидан то ҳоказоларигача унга мурожаат қилишиб, адолат ўрнатишни сўраганлар. Амир Темур дунёда ўзини Оллохнинг бандалари ҳаёти учун жавобгар одил подшо деб ҳисоблаганидан, тинчлик, осойишталик ўрнатиш мақсадида ўша ёққа отланган. Ҳеч қачон қўшини беваж шаҳарга киритмаган (чунки ҳали кенгаш йўли бор), балки ташқарига кенг майдонга туширган. Агар кенгашлар самарасиз қолиб, жанг келиб чиқса, шаҳар забт этилгандан сўнг, уни уч кун давомида талашга рухсат берилган. Бу ҳам жазонинг бир йўли эди. Қайси юртга борса, ҳокимни алмаштириб, ўрнига ўз одамларини қўйганмас, яна ўзларига топширган. Мисол учун, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Рум империяси, Озарбайжон, Миср мамлакатларини эслаб ўтиш мумкин.

Буюклик нима?

Заруриятдан ҳаётнинг ўзи яратган Шахс ҳамиша буюқдир.

Амир Темур, одатда бўладигандек, қандайдир исён, тасодиф (масалан, Наполеон сингари), фитна, тўнтариш ёки бошқа бир тарихий ҳодиса туфайли юрт бошига келиб қолмаган, балки аввалдан қилинган катта мақсад изидан бориб, қадам-бақадам давлат бошига чиққан ва улур салтанат тузган Зот... Адолатни маҳкам тутган ва балки шундан Оллохнинг паноҳида, айрим саркардалардек жанглarda бевақт ҳалок бўлмаган, ўз ажали билан оламдан ўтган Зот... Амир Темур ҳаёти худди рўзи азалдан қатъий режалаштирилган умрдай (асли бунинг иложи йўқ нарса!) кишини хайратга солади.

Маърифат ёймоқ, ёймоқ... Амир Темур маърифатли подшоҳ эди, уни илм-фан хомийси деб бежиз айтмайдилар. Буюқ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Мажолис уннафоис» асарида еттинчи мажлисни Соҳибкирон Амир Темур номи билан бошлайди, унга айнан «нафис»лар – маърифат-парварлар сафидан жой беради. Чиндан ҳам, Амир Темурнинг салтанати маърифат ва маънавият заминида бунёд этилди,

шу сабабдан, тарих сахнасида жуда кўп давлатлардек изсиз йўқолиб кетмади, балки унинг авлодлари жаҳонда салкам беш юз йил ҳукм сурдилар. Доим уламо ва фузало ахли билан мажлислар ўтказган Соҳибкирон замон муаммолари, тарих воқеалари, чигал жумбоқлар, диний масалалар бўйича бахслар қуради, суҳбатдошларини пинҳона имтиҳондан ўтказар, айтиш пайтда ўзининг ақл хазинасини бойитарди. Исмине ўзи қўйган набираси Улуғбек Мирзо жаҳонга машҳур буюк мунажжим ва олим бўлиб вояга етди. Дунёда бирон бир ҳукмдор бундок набираси билан мактана олмайди. Мухаммад Султон, Шохрух Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Иброҳим Султон, Искандар Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шох Ғариб Мирзо, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Комрон Мирзо, Гулбаданбегим, Зебунисобегим каби авлодлари маърифатли инсонлар сифатида дунёга танилдилар. Ушбу қутлуғ чаман шабадаларидан бахраманл бўлган, қувват олган Алишер Навоий ижоди эса, нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётини юксак чўққига кўтарди.

Бир қарашда бошқалардан ҳеч фарқ қилмайдиган бир инсон, бошқалардай туғилиб, вояга етиб, худо берган умрини тинчгина яшаб ўтиб кетиши мумкин. Лекин **ўзининг нима учун туғилганини, бу ёруғ дунёга келганини, Оллоҳ таоло унга қандай вазифа юклаганини англаб етмоқ, ва энг муҳими, ўша вазифани амалга ошира олмақ Инсоннинг чинакам бахтидир.**

Амир Темур ўша бахтга интилган сиймо эди ва бунга эриша олди.

Инсон бор экан, қадами билан бирга ерга сояси ҳам тушади. у қўнғилларни нурафшон айлайди, Она ерини обод этади, айтиш пайтда юрган йўлида беихтиёр соялар ҳам ташлайди... Бундан кўз юммоқ номумкинлидир. Соҳибкирон Амир Темур улкан давлат тузишини, Турон юртини оламга танитишни истаган, жаҳон тарихига из солишни хоҳлаганди. Салтанат тўвини кийгач, ўз тўшагида роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечди, бутун шижоатини, куч-қувватини, бойлиғи зарини, олтинга бергисиз ёшлигини, баҳосиз умрини ана шу улғу орзулар йўлида аёвсиз сарф айлади. бир қонин фарзанд бурчини адо этди.

Низомиддин Шомийнинг айтишига қўра, у «ўз вақтини машаққат билан ўтказишга кизганар эди». Рост, Амир Темур дунёдаги одамларни бахтли қилмоқчи эди, бунинг учун «мазлумлардан эҳтимол ўзи бахтли бўлолмади, лекин ўзгаларга бахт улашмоққа интилишининг ўзини бахт деб ҳисоблади.

Амир Темур яшаб ўтган даврдан сўнг ўтган олти юз йил-

дан бери нима учун жаҳон мамлакатларида Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз деган бир пучмоғида дунёга кўз очган чакалоқнинг пайтлар келиб, дунё ягоналаридан бирига айлангани, хали ҳануз шу кунгача унинг оҳанрабои кўнгилларни тортиб тургани, ҳар йили жаҳоннинг турли мамлакатларида унинг ҳақида турли тилларда китоблар ёзилаётгани, кизиқишларнинг тобора ортиб бораётгани, суҳбатлар, тортишувлар, байрамлар, анжуманлар ўтказилаётгани сабаблари нимада экан?..

Бу ҳайратланарли ҳодисадир.

Энг катта ҳайрат: аждоди хон ё подшо бўлмаган, халк орасидан чиққан, оддий амирнинг ўғли жаҳонни ўзига қаратган, лол айлаган, доғруғи эса йилдан йилга ортиб бораётган буюк сиймога айланди! Чиндан ҳам, Қуръони каримда зикр этилганидек, «Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишига мулк ато этади».

Худо ҳақ.

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон Оллоҳнинг ана шундай «ўзи хоҳлаган киши»си, яратганининг севимли бандаси эди.

2013 йил, Тошкент

ЮКСАК ТАРИХИЙ ЭЪТИҚОДГА МУНОСИБ БАДИИЙ САМАРА

Мозийда улкан салтанатларга асос солган кудратли шахслар кўп ўтган. Лекин Сохибқирон Амир Темурдек улуғ сиймо оз, балки йўқ ҳисоби.

Буюк шахслар ҳақида тарих фани атрофлича маълумот беради, бироқ бадий адабиётгина янги замонларда уларга қайтадан жон бахш этади, қиёфаларини ҳаётдагидек, ҳатто, ундан ҳам теранроқ равишда тиклайди, ҳамда янги ва келгуси авлодларга йўлдош, қўлдош, улгилар олмоқ маъносида замондош қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва шоир Муҳаммад Али ярим асрдан буён адабиётимизни юксалтириш йўлида астойдил тер тўкиб келмоқда. Шеърлари, дostonлари қириб бормаган ўзбек хонадони йўқ. Айниқса, адибнинг насрий асарлари ўқувчилар орасида тобора кенг шухрат топиб бормоқда.

Муҳтарам китобхон! Сиз «Улуғ салтанат» роман-эпопеясининг биринчи, иккинчи ва учинчи жилдларини ўқигансиз, албатта. Роман-эпопеянинг қўлингиздаги тўртинчиси — якуний китоби. «Шоҳрух Мирзо»ни мутоала қилиш жараёнида аввалги асарлардаги воқеалар, қаҳрамонлар кўз олдингиздан кино тасмаларидек бирма-бир ўтган бўлса, ажаб эмас. Синчков китобхон мазкур жилддаги айрим манзаралар етагида, балки, ҳатто аввалги китобларнинг айрим саҳифаларини қайта-қайта назардан ҳам ўтказгандир. Аввалги жилдлар билан ўз вақтида таниша олмаганларнинг эса, афсуски, бу масалада имкониятлари бир мунча чекланиб қолади. Шу маънода, «Улуғ салтанат»нинг аввалги китобларини ҳам топиб ўқиш ҳаваси жиддий бир маънавий эҳтиёжингизга айлансин, дегим келади. Зеро, ушбу жилд билан танишган миллатпарвар, инсонпарвар адабиёт ихлосманди аввалгиларини ҳам излашга тушмаслиги мумкин эмас. Чунки, бу роман-эпопеяни ўқиган ватандошимиз тарихан ким бўлгани ва ҳозир ким эканини янада чуқурроқ туйишдан туйилажак қониқиш ҳиссини чала қолдириши мумкин эмас, деб ўйлайман. Бу эпопеяни яхлит

ўқиган киши Юртбошимизнинг «**Биз тарихан ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз**» деган улуг шиори мохиятини янада чуқурроқ тушунади. Бу роман жаҳоннинг истаган нуктасида кимнинг авлоди-ажлоди экани нуқтаи назаридан ҳар бир юртдошимиз қаддини роз кўтариб юришига дастуриламал бўла олади ва авлод-ажлодга муносиб даражадаги инсон бўлиши лозимлигини уқтириб туради. Бу асар ўзбекнинг ғурурига ғурур, сурурига сурур кўшибгина қолмай, ирки ва миллати, қайси мамлакатга мансублигидан қатъи назар, ўзини хурмат қилган ҳар бир киши қалбида адолатга, ҳақиқатга, инсоншарварлик ва бунёдкорликка меҳр уйғотади, тарихда шундай салтанат, унинг Соҳибқирони бўлгани халққа ҳамда уларнинг ҳозирги ворисларига хавас уйғотади, пайинки олис, ҳатто ватан ичида турган кишида Ватан соғинчини мустаҳкамлайди.



«Шохрух Мирзо» романидаги асосий бадиий концепция аввалги жилдлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, уларнинг узвий давоми сифатида зухур топади. Соҳибқирон Амир Темур бунёдкорлиги, раиятпарварлиги ва адолатпешалигини тасвирлашга бўйсундирилиб, салтанат ва унинг ҳукмдори тарихий қудратини кўрсатишга қаратилган бу концепция, айни вақтда романнинг теран замонавий руҳини ҳам тайин этади. Амир Темурнинг фақат тарихда қоладиган хислатлари эмас, фазилатларидаги айниқса бугунимиз учун қадрли ва қимматли бўлган хусусиятларни бадиий талқин марказига тортиш муҳим ўрин топади. «Мамлакатда бир қатра сув ҳам беҳуда кетмаслиги, бир қарич ер ҳам беҳуда ётмаслиги керак», дейди у асарнинг дастлабки саҳифаларидаёқ.

Адибнинг тилдаги гўзаллиги алоҳида таъкидлашга муносиб. Бу гўзаллик, хусусан, икки тарзда намён бўлади. Биринчи, тилдаги тарихий хосликни ва бу масаладаги меъри дид билан сақлаш, ҳар бир қаҳрамонни феъл-атвори, табиати, шароити ва тутган мавқеъига муносиб сўзлатиш. Иккинчиси, ёзувчининг ўз нутқида намён бўлувчи тарих билан бугун воситасини тил уйғунлигида намён этувчи жозиба ва гўзаллик.

«Мушкин хатлик оху кўз гўзаллар», «ларзон ўсмалардан офатижон чехраларнинг ҳусни малоҳати органдан ортан», «чаман-чотир гуллаган бодом», «ок билан ойимлар», «хонимойим ҳазрати олийлари», «гиламга куйиб қолмасин деб оёқ қўйишга кўркади киши», «чиройли кўзлари лим-лим нурга тўлиб туради», «ризвон боғларидай дилторлар Қорабоғ мавзен» каби тилдаги товланишлар ўрни билан асарни бо-

шидан охиригача безаб туради. Ҳалинчакда учаётган ўн уч ёшлар атрофидаги Гавҳаршодбегим тасвирига эътибор беринг: ҳалинчакдаги қизнинг узун сочлари ерга тегай-тегай деб тўлғонганида ер ҳар гал такрор-такрор доғда қолишини ўқиб ва кўриб, сиз ҳам ўзингизни доғда қолаётгандек ҳис этасиз.

Асарнинг лирик саҳифалари бамисоли шеърдек ҳиссий, тўлқинли. Бобо билан валиаҳд Муҳаммад Султоннинг муайян айрилиқдан кейинги учрашуви чизилган манзарани ҳаяжонланмай ўқиш мумкин эмас. Уларнинг ҳар биридаги ҳам оддий инсоний, ҳам аристократик чексиз меҳр-муҳаббатга ҳавас қиласиз. Адиб бундай манзараларга муносиб ремаркалар ҳам топади: «Душман лашкарларини титратган саркарда қувонч туйғулари қўшини олдида ожиз эди».

Асар композицияси, айниқса, пишиқ ишланганини таъкидлаш ўринли: ўқувчининг тизимли равишда ўзига чорлаб, эргаштириб туради. Биргина мисол, ёзувчи Муҳаммад Султонни бобоси билан учраштириб қўйиб, сўнг Мироншоҳ томонидан Амир Темур сари жўнатилган Ахий Жаббордаги хат билан алоқадор эпизод тасвирига ўтади. У яқун топгач, ўқувчи яна Муҳаммад Султоннинг пойтахтга келгандаги ҳолати ва руҳияти билан учрашади. Шу тариқа зерикиш ва совушга ўрин қолдирилмай, асардаги бир неча йиллик ва турли жугрофий кенглик, ранг-баранг руҳий ҳолат ва дунёларнинг ўзаро узилмас, занжирли боғланувларидан ҳосил бўлган яхлит полотно юзага келади. Эпик тасвир билан лирик тасвир бамисоли жонли тўлқинлардек – ҳам ўзаро боғлиқ, ҳам ўрин алмашиб туради, ҳам бир-бирини давом эттиради. Адиб бадииятдаги осон бўлмаган бу мураккаб талабнинг уддасидан чиқишдан ташқари, атлас тўқувчисидек усталик билан ранг-баранг ва жонли манзараларни чизади.

Муҳаммад Султон билан Соғинч хонимнинг Вомиқу Узродай аҳду паймонлари битилган саҳифалар ана шундай рангини ва жозибали. Халқимизда: ниҳоятда бахтиёр онлар оғушида қолганда Оллоҳ кўп кўрмасин, дейилгучи, бир одат бор.

Бу икки ёш муҳаббатига бағишланган манзараларни ўқиётган китобхон ҳам, ўйда юқоридаги фикр айланганини сезмай қолади. Уларни хатто кимлардандир кизғанаётгандек ҳис этади ўзини.

Булар ёзувчининг муҳаббат тасвиридаги муваффақиятлари бўлибгина қолмай, аслида, бу ёшларнинг, кўп ўтмай, юқорида халқ таомилида айтилганидек, қисматга ишора эканини ва улар кўп ўтмай бир-бирдан жудо бўлишини, ёзувчи тахаййулида бу нарса шуурий ёки ғайри шуурий равишда етилиб келганини асарнинг кейинги бобларидан англаб оламиз. Ёзувчи ана шундай катор саҳифаларда китобхонларини

ўзига ва қаҳрамонларига кўшиб йиғлата билиш маҳоратини кўрсатади.

Мухаммад Султон вафоти ёритилган саҳифаларда наинки Амир Темур, наинки Соғинч хоним, балки улар билан бирга китобхон кўзларида ҳам ёш шапқатор бўлади.

Мухаммад Султоннинг Самарқанд – Кеш сафарига бағишланган саҳифалар она (Хонзода) – фарзанд (шахзода) учрашуви тасвирлари гўзал битилган. Адиб, бутун асар давомида табиат манзаралари тасвирига мўл эътибор беради, ҳаётий табиат манзаралари бир-бирини айнан такрорламаганидек, ёзувчи калами остида улар ҳам такрорланмайди. Лекин, манзара ва сайил тасвири хусусида шуни ҳам айтиш жоизки, улар баъзи ҳолларда шу мавқеъдагина қолиб, асарнинг стакчи ғоя ва мақсадларга мустаҳкам боғланмагандек таассурот қолдиради. Юкоридаги Мухаммад Султоннинг Кеш – Самарқанд сайли, ниҳоятда гўзал ва миллий бўёқлари равшан ўсма, сумалак сайли манзаралари тасвири ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тарихий мавзудаги асарларимизда, кўпинча, бир анъана кўзга ташланади. Шоҳ, хон, султон фарзандлари ўз жуфти ҳалолларини, аксар ҳолларда, ота-оналари тавсиялари билан танлайдилар, ҳамда, уларнинг том маънодаги оташин муҳаббатлари оила қурилгандан кейинги шароитларда тасвир топади. Нега? Чунки, аслида ҳаётда ҳам шундай бўлган. Бундай ёндошувга «Улуғ салтанат»да ҳам дуч келамиз. Лекин Мухаммад Али муҳаббат таманполарини ёритишда фақат шу йўналиш доираси билангина чекланмайди. Бу анъанани у янгилайди ва бойитади. Ҳали балоғатга етиб-етмаган ўн икки ўн уч ёш атрофидаги Шоҳрух ва Гавҳаршодбегимнинг бир-бирини тишиқ ва покиза муҳаббатлари улар оила қурмасдан аввалоқ ёлқинлашгани ниҳоятда бетакрор ҳис-ҳаяжонлар тўлқини ва оғушида тасвир этиладики, бу манзаралар наинки асарнинг, балки уни ўқиган ҳар бир китобхоннинг ҳам қалбини безай олади, умрининг шу дакикаларини гўзал таважжухларга тўлдиради.

Худди шундай муҳаббат тасвирлариши биз Жаҳонгир Мирзо ва Хонрода хоним («Жаҳонгир Мирзо»), Мухаммад Султон ва Соғинч хоним («МиршоҳМизо») романларида ҳам кўрамиз.

Хиротнинг темурийлар давридаги кўриниши тасвирланган тарихий асарлар оз эмас. Хусусан, у Ойбекнинг Навоий ҳақидаги романи орқали бизга яқиндан таниш. Такрор йўқмикан, деган маънода мен «Навоий» ва «Улуғ салтанат» романларидаги Хирот манзараларига қиёсан назар ташладим. Тарихий руҳ жихатидан бир-бирини ниҳоятда яқин. Ба-

мисоли ёнма-ён турган устоз ва шогирд нафасларидек. Лекин, тасвир, манзарада такрор йўқ, бири иккинчисини тўлдириб шаҳар манзарасини янада ёрқинроқ кўрсатади. Тўғри, ҳар иккала асар тасвиридаги манзил оралиғини, тахминан бир аср ажратиб, бу вақт ўртасида шаҳар кўринишида муайян ўзгаришлар рўй берган эса-да, ҳар икки асардаги шаҳарга муносабатда бўлган қаҳрамонлар аро руҳий иқлим яқинлиги ва муштараклигини сезмаслик мумкин эмас. Ҳар иккала адибимиз тарихий Ҳиротни гўё ўз кўзлари билан кўриб, уни сайр қилиб, қоғозга туширгандек таассурот қолади. Бу, устоз ва шогирднинг тарихий манбалар устидаги муштарак меҳнатидан далолат беради.

Бутун асар давомида бадиий мантик талаби асосида юзага келувчи ёзувчининг етакчи ғоя, бадиий концепция ва бош қаҳрамонга мутаносиб равишдаги чуқур ва теран фалсафий мушоҳадалари романнинг умумий руҳига руҳ, кучига куч, маҳобатига маҳобат қўшади-ю китобхонга таъсир яхлитлигини янада оширади.

Ҳарб адабиёти, хусусан, рус адабиётининг қатор намуналари ва тарихий китоблари Амир Темури лашкарларининг олис юртларга мутеълик билан эмас, саркардага тарбияли ва интизомли равишда бўйсуниб, мардларча бориш сабабини, асосан ўлжага ишқибозлик билан изохламокчи бўладилар. Уруш ва юришда ўлжанинг роли барча замонларда доим бўлганига тарих гувоҳ. Лекин, Амир Темури лашкарларининг мақсади фақат бундан иборат бўлмаганини ёзувчи «Улуғ салтанат»да жуда аниқ ва тирик бадиий далиллаб беради. Ёзувчи бутун асар руҳи, матни ва моҳиятига сиғдира олган бу мақсаднинг аниқ, лўнда, ёрқин ифодасини ҳам топади. «Оллоҳ, Ваташ, Подшоҳга жон бахшида» сўзлари Амир Темури лашкарларининг шиори эди, дейди адиб. Шуниси эътиборлики, лашкарнинг бу шиори Соҳибқирон сиймосига, унинг мақсад ва ғояларига ниҳоятда мос ва мутаносибдир. Шу тариқа асардаги бир мисра бошқа китоблардаги юзлаб саҳифа бера олмайдиган таъсирни юзага чиқаради.

Тарихий ва бадиий ҳақиқатни уйғунлаштириш Муҳаммад Алининг бош ижодий принциpidир. Худди шунга амал қилдик деб, не-не мафкурабоз, ғанимқўз ёзувчилар Амир Темури сиймоси ва темурийлар салтанатини коралаб, таҳқирлаб катта-кичик асарлар битиб келдилар.

Муҳаммад Али, мен ҳам ҳаққонийликка амал қиляпман деб, унинг тескарисини, яъни Амир Темури ва темурийзодаларни, уларнинг салтанатини улуғлаш, фақат кўкка кўтариш йўлини тутгани йўқ. Юзлаб тарихий, бадиий асарларни ўқидигини эмас, ўрганди, бир-бири билан қиёслади,

такқослаб, топганларини тафаккурининг чархпалагидан ўтказди, виждони шайин бўлган юрак тарозусига, адолат мезонига солди.

Адибнинг ҳақгўйлигига кичик бир мисол. У темурийзодаларнинг айрим камчилик ва хатоларини айтиш, улардаги ота ва бобога номуносиб баъзи жиҳатларни кўрсатиш қандай бўларкин, деган андишага бормайди. Буни китобхондан яширмайди ҳам. Чунки у билади, буни айтмаслик, ёки ҳатто хаспўшлаш, тарихий ҳақиқатни ҳам, асар бош концепцияси моҳиятидаги бадиий ҳақиқатни ҳам бузиш бўлар эди. Шу боис Муҳаммад Али айрим шахзодаларни улуғлаш у ёқда турсин, жиддий ва кескин равишда фош этади. Чунончи, Мироншоҳнинг журъат ва шижоатдан ташқари юрт ҳукмдори бўлишга арзимаслигини кўрсатишга асарда кенг ўрин ажратилади, шахзодалардан бири – Султон Ҳусайннинг снгилтак, «жирттаки» феъл-атвори очиб ташланади. Ўзига бирор-бир вилоят ҳадя этилмагани боис, у бобоси – Соҳибкиронни, ҳатто ичида «мияси айниган» дейишгача бориб этади, «бундок тегирмоннинг тошини синдирмоқ лозим» дейишдан ҳам тоймайди.

Шахзода Пир Муҳаммад Мирзо жанглардан бирида майдонга тушишдан кўрқиб, қочган, ўзини касалга солган. Бунинг учун Амир Темур томонидан жазоланади. Амирзода Искандар мирзо айби учун бир йил ҳибсда ётишга мажбур бўлади.

Юқорида Мироншоҳ, Султон Ҳусайн Мирзо каби ва яна қатор шахзодаларнинг Амир Темурдек зотга номуносиб хусусиятларини ёзувчи кескин фош этади, дедик. Бу албатта, муаллиф ғоявий мақсадининг муҳим атрибутларидан бири, муаллиф ўз ниятини шу тарзда намоён этиб, ўтиб кетавериши ҳам мумкин эди. Лекин адиб бу билан кифояланмайди. Реалистик асар ва бунинг устига, эпопея масалани янада чуқурроқ ёритишни талаб этади. Шундай экан, юқоридаги мудҳиш ҳолатлар Мироншоҳнинг ножойиз ҳатти-ҳаракатлари ҳамда Султон Ҳусайннинг хиёнати Амир Темурда қандай акс этди, унга қандай таъсир кўрсатди, – буни тасвирлаш лозим.

Муҳаммад Алидек адиб буни ёлдан чиқариши мумкин эмас ва шундай бўлди ҳам. Зеро, асарнинг реалистик тўқимаси буни тақазо этади.

Амир Темурнинг гуноҳга йўл қўйган Мироншоҳни қабул қилиш арафасидаги рухий изтироблари тасвири китобхонли ларзага солади. Шу ўринда ёзувчи услубидаги муҳим бир хислатни таъкидлаш ўринли. Бу психологик таҳлил ва психологик тасвир муштараклигидир. Тетралогиянинг бошқа жилдлари, хусусан, ушбу якуний китобда ҳам Амир Темур характерини яратишда адиб психоаналитик тасвир усулини мўл қўллайди.

Булар – ёзувчи учун нимага керак? Шунинг учун керакки, Амир Темурдек даҳо, етти иқлмни ўзига бўйсундирган Соҳибқирон умри бир тарафдан Тўхтамишу Боязиддек саркардалар билан сўқишувда, иккинчи томондан, дину динатга, адолатга бўйсунмаганларни бўйсундириш учун туну кун азият чекишда ва учинчидан, қатор жигарбандларини муросаага келтириш, уларга чора топишга изланишда ўтганини таъкидлаш, булардан ташқари, у ҳам барчамиздек оддий бир инсон сифатида ўз дардлари билан яшаганини кўрсатиш учун керак эди.

Ёзувчи всарда улкан тарихий ҳодисалару эпик манзараларгина эмас, мана бундай оддий инсоний ҳолатлар тасвирига ҳам алоҳида эътибор беради.

Ушбу сахнага диққат қилинг: Тўкал хоним маофага қандай қилиб чиксам экан, деб тараддудланиб турибди. Соҳибқирон тиззасини буқиб, маликага оёқ қўйишни таклиф этмоқда.

Тарихий манбаларда бу маълумот бор-йўқлигини билмайман, лекин бу тасвир Темурдек зотга ниҳоятда ярашади. Агар манбаларда учраган бўлса, у ёзувчининг ҳатто, ниҳоятда кичик бир детални ҳам эътибордан қолдирмай, уни асарга киритиш маҳоратидан далолат, агар у ёзувчининг ўз тахаййули меваси бўлса, Соҳибқирон табиати ва характери ни ёритишдаги кичик бир кашфиёт дейишга арзигулик.

... Тўкал хоним аввал тортинади, қистовдан сўнг таклифни бажо этишдан бошқа иложи қолмайди. Энди шу ҳолат «босқич»лари тасвирини кузатайлик. Тўкал хоним, «заррин кавушини ечиб қўлида тутганча, нозиккина оёқларини Амир Темур тиззасига оҳистагина қўйиб, маофага жойлашиб олди». Ҳолат, манзара, руҳият, ибo, журъатсизлик ва журъатни жонли ифодаляётган сўз ва ибораларга шошмайроқ назар ташлайлик. Аёлларга хос оёқ кийимини ечишдаги ибo. Заррин кавуш, уни ечиш, қўлга олиш. Нозик оёқлар, уларни кимсан – дунёнинг салкам ярми оёғи остига ястанган Амир Темур тиззасига қўйиш, қўйганда ҳам, «оҳистагина» қўйиш ва х.к. Бу сўздаги «гина» қўшимчасига эътибор беринг-а. Сўзни аввал қўшимчасиз, кейин, қўшимчаси билан ўқиб кўринг. Кейингисида қахрамон руҳияти ни сезгандек, ички дунёсида бир нурни пайкагандек бўлмадингизми? Бу руҳий гўзаллик сизга ҳам ўтгандек, юққандек туюлмади ми? Ёзувчи биргина сўздаги қўшимча орқали қанчалар маъно ва ҳиссиёт бера олиши мумкин, агар бунинг идрокига қодир бўлсак. Бу Муҳаммад Алининг руҳиятдаги сезиларсиз назокатларни жуда чуқур ҳис этиши ва уларни муносиб ифодаляй билиш маҳоратидан далолатдир. Бир-икки сатрга жо бўлган бу манзара тасмага олиниб, секинлатиб айлаптирганча намойиш

этилса борми, ўйлайманки, бир умр ёддан чикмайдиган манзара ҳосил бўлади.

Мухгарам китобхон, сиз «Шохруҳ Мирзо» романини ўқиб бундай манзаралар тасвирига кўп дуч келгансиз. Мен шулардан бирини эслатиб қўйдим, холос.

Асарда Темурнинг салтанат ҳукмдори ва адолатпарвар инсон сифатидаги қиёфасини очадиган муҳим бир нуқта бор. Мироншоҳнинг ножўя, нобакор иш тутишидан хабар топган ота шундай фармон беради. Девондаги ҳужжатлар текширилиб, салтанатнинг қанча бойлиги бенаф сарфлангани, талон-тарож қилингани аниқлансин. Тегинли мол «ундирилиб, бир чақасигача хазинага топширулсин... Салтанатнинг ақчасини ўғирлаш сағир пулини егандан ҳам ёмондир». Эътибор бериш: бу Соҳибқироннинг қайси бир амалдор, мансабдорларга эмас, ўз фарзанди, ўз жигаргўшаси муносабатидан келиб чиқаётган қарори. Амир Темурни айрим ғарб ва рус тарихчилари шафқатсиз дейишни ёқтирадилар. Холбуки, шафқатсизлик ўрнига қараб ғанимга ҳам, фарзандга ҳам бирдек – Амир Темур аъмолида-чи адолатнинг синглиси бўлган. Алиб қахрамонидаги бу фазилатни бадиий жихатдан жуда аниқ тасвирлайди.

Ёзувчининг бу масалага эътибори тарихни, Соҳибқирон сиймосини ҳаққоний кўрсатишдан ташқари, асарнинг замонавий қиммати ва аҳамияти учун ҳам муҳимдир. Буюк салтанат ҳукмдори ва устознинг таълим-тарбияси, сабоқларига амал қилиб келаётган Юртбошимизнинг бу каби масалаларда тутаётган йўл-йўриғи «Шохруҳ Мирзо» романининг замонавий қимматини ошириш қаторида, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳозирги бошқарув тутумининг юксак анъаналарга содик ҳолда, унинг илдизи нечоғлик чуқур ва бақувват эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Роман-эпопеянинг аввалги барча жилдларида бўлганидек, ушбу китобда ҳам, тўғрироғи аввалгиларининг узвий давоми сифатида Амир Темур образини жаъмики ички ва ташқи дунёсидаги мураккабликлари, зиддиятлари, маҳобати, даҳосини лиризм билан уйғун яхлитликда кўрсатиш муаллифнинг доимий диққат марказида туради.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, адолат, бунёдкорлик, марказлашган давлатни барпо этиш билан бирга Исломи мустаҳкамлаш, унга гард юқтирмаслик Амир Темур ҳаёти ва дунёқарашининг ўзак масалаларидан бири бўлгани маълум. Мусулмончилиқни, ким ва қаерда бўдишидан қатъи назар, ўзгалар томонидан хор қилинишига йўл қўймасликни Соҳибқирон ҳаётининг етакчи мақсадларидан бири деб билган.

Амир Темур сиймосига мурожаат этган айрим адибларни

хисобга олмаганда, аксар ёзувчилар ундаги бу хусусиятни ички зиддиятларига кўш эътибор бермай, тўғри чизикли жараён ҳолида тасвирлаш билан кифояланадилар. Муҳаммад Али бу масалага муносабатда ҳам реалистик принципларга содиқ қолади. Ёзувчи ислом ва мусулмончиликни мустаҳкамлаш, улуғлаш Амир Темур ички-ю ташқи сиёсатининг асосини ташкил этса-да, у ҳатто бу масалага ҳам кўр-кўрона ёндошмаганини, ясама баландпарвозликка йўл қўймаганини, кези келганда, бу масалада ҳам бошқа барча муаммолардагидек қатъият билан иш тутгани ва баъзан, ҳатто шафқатсизлик кўрсатишгача борганини аниқ тасвирлайди. «Мусулмоннинг мусулмон билан урушмоғи нораводир, – дейди Амир Темур. – аммо мусулмоннинг ичида кофирдан баттар, тил уқмас мусулмонлар бор, ҳам фитначи, ҳам фасодчи».

Бундай тасвир Соҳибқирон сиймосини ҳаққонийлик ва ҳаётийлик борасида яна бир баҳя қўтаради, айни вақтда, бу образ ва асарнинг бугунги замонавий аҳамиятини оширади. Ёзувчи томонидан Амир Темур сиймосида акс эттирилган: динга таяниб ва унинг помидан иш тутмоқчи бўлган айрим кишиларда-ки адолат бўлмас экан, унинг олдини олмаслик ботиний равишда адолатсизликка йўл очиб беришнинг ўзгирасидир, деган ғоя халқаро миқёсдаги айни шу бугунимиз учун ҳам қимматли аҳамият касб этади.

Умуман, ёзувчи қисқа-қисқа, аниқ ва тивик жумлалар орқали қаҳрамони характери, ички дунёсини очишга уста. «Фурсатни илиқдан бермак кечирилмас гуноҳ». «Ҳимматни баланд тутмоқ керак ва кўнгилни Оллоҳга бағишламоқ жоиз». «Туронга бўрон қофиядир». Булар, айни Айни Темур сиймосига ярашадиган иборалардир. Айниқса, сўнггиси, Соҳибқироннинг Ватани билан бир қаторда унинг ўзига ҳам ниҳоятда муносиб. Бундай тонилмалар асарни безаб туради.

Амир Темур сиймосига муносабатда тирноқ остидан кир кидиришга ўрганган муҳолифларимиз кўпинча: тарихий манбаларда у ҳақда келтирилувчи юксак маълумотлар муаррихларга ўзи, ёхуд яқинлари томонидан мажбурлаб, улкан совға-саломлар эвазига ёздириб қолдирилган олқишлардан бошқа нарса эмас, демоқчи бўладилар.

Муҳаммад Али бундай «дунёқараш» эгаларига асарнинг ўзидаги тарихий ҳақиқат билан жавоб беради. Бунинг учун Амир Темур сиймосининг ўзини ёрдамга чорлайди.

Турон салтанатининг қарийб ўттиз йиллик тарихига бағишлаб ёзилган Фиёсиддин Алининг «Китоб-е рўзнома ғазовоти Ҳиндистон» китоби Соҳибқироннинг ўзи томонидан рад этилиши эпизоди ана шундай.

Бунга сабаб, китобда Амир Темур сиймоси ҳаддан зиёд

кўкка кўтариб юборилиши эди. Бу услубни қаттиқ танқид этган саркарда ҳар қандай тарихий китобда адолат ва ҳақиқат бош мезон бўлмоғи, содда ёзилмоғи лозимлигини уқтиради, салтанати ҳақидаги ёзилмиш китобларда шу талабга амал қилиниши шарт эканини таъкидлайди, ҳамда ана шундай китоб устида ишлашни Низомиддин Шомийга тошшириб, ўзи блан юришларда иштирок этишга таклиф қилади.

Бу тарихий ҳақиқатни акс эттирилиши тарих билан шуғулланувчи ва баъзан бу масалада ҳақиқатдан тойишни ордеб билмайдиган, тарихни ўз манфаатлари йўлида бузиб кўрсатмоқчи бўлаётган ҳозирги айрим муаррихлар учун сабоқ бўла олади. Кўринадики, «Шохрух Мирзо»да акс этган кўпдан-кўп муаммолар муҳим замонавий аҳамиятга эга бўлиб, бу масала адиб бадиий концепциясида марказий ўринда туришини яна бир бор тасдиқлайди.

«Бизнинг ишимиз черик, азимат ё хашаматдан эмас, балки ҳазрат Ҳақ таборак ва таоло химматидандир», – дейди Амир Темур суҳбатларидан бирида. Ёзувчи ифодасидаги бу лўнда, аниқ, қисқа фикр кўпдан-кўп жихатлардан Соҳибқирон сиймосини англаш ва тушунишга очкичдир.

Шу ўринда, қаҳрамон рухиятини тасвирлашда адибнинг контраст усулдан унумли фойдаланиши, бир масалага муносабат замирида турли қаҳрамондаги турлича ички дунёни ва шулардан келиб чиқиб, турли-туман феъл-атвор ва характерни кўрсатишдаги иқтидорини таъкидлаш керак. Муҳаммад Али бу борада Л.Толстой ва Ф.Достоевский каби устозлар маҳоратидан баҳраманд экани бот-бот сезилиб туради-ки, у алоҳида тадқиқот учун келгусидаги вазифалар каторида туришга муносибдир.

Асар finali яқинлашган сари Амир Темур такаллумидаги ҳар бир ибора, ҳар бир фикр асарнинг гоёвий йўналишига, бош қаҳрамон образи моҳиятига умумлашма тус бера боради. Эпопеянинг дастлабки китоблари, шунингдек, мазкур роман аввалида, асар гоёси салтанатни қарор тотириш ва бунёд этиш муаммоларидан келиб чиқса, мазкур жилд – «Шохрух Мирзо» ва умуман, эпопея якунига келиб, салтанатнинг емирилишига йўл қўйилмаслик, уни ички муҳолифату ташқи ғанимлардан эҳтиёт қилиш, асраш асносида мустаҳкамлаш муаммоларига бориб боғланади. Бу масала тасвири асар ниҳояларига келиб, муаллиф тафакқурида баъзан анъанавий, баъзан «онг оқими» тарзида рўй беради.

«Салтанат емирилиши очкўз кишиларга мансаб беришдан бошланур» – дейди Амир Темур асар ниҳоялари арафасида. Олдингина мулоҳазага ўхшаб кетувчи бу фикр финалга яқин ўлароқ Соҳибқиронга ва уни сўзлашаётган бугунги ёзувчига

нима учун керак бўлиб колди, деб ўзимизга савол бериб кўрсак, бу фикр кўп ҳам, оддий эмаслиги – бир жихатдан, Амир Темурни умр шомида тўлқинлантирган, ўйлантирган муҳим қарашлардан бири экани, иккинчи бир жихатдан эса, у ҳозирги замонамиз, бугунги турмушимиз учун ҳам муҳим ва қимматли экани аён бўлади. Бу олис тарих билан бугунни боғлашдаги ёзувчи маҳоратидир, тарихдан сабоқлар чиқаришга чорлашдир. Тарихий асарга замонавий қиммат, мақсад, рух ва аҳамият бера олишдир.

Роман ниҳояси Амир Темурнинг чуқур фалсафий мушоҳадалариши ёритиш, уларни бадий таҳлил этиш асосига қурилади.

Нури дийдаси Муҳаммад Султон кўчирган «Қуръон» нусхаси солиб қўйилган сандикча. Муҳаммад Султон олтимиш тўққизинчи сурага келиб тўхтаган. Соҳибқирон ёши ҳам 69 да. Ушбу роман ва умуман тетралогия якунидаги бу манзара жуда чуқур ўйланган бадий хулоса натижаларидир. Нега Муҳаммад Султон олиб кириляпти асарга, бошқа бирор фарзанд эмас. Чунки, Муҳаммад Султон Амир Темур ишонган, салтанат топширилиши кўзланган валиаҳд эди. «Қуръон» ҳам шунчаки Темурбек диндорлигини яна бир эслатиб қўйиш ёки ўрнини бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлган оддий детал эмас. «Қуръон» Соҳибқирон ҳаёти ва аъмолининг асоси эди. Сандикча Соҳибқиронга бамисоли тўрт томонли олам бўлиб кўринди, дейди адиб. У Амирга дунёнинг барча подшолари излаб тополмаган сирли «Гулшани ҳазойин»га ўхшаб кетади. Ҳаёли узокларга қочган ҳукмдорнинг «кўзлари ярқ этиб очилди». Барча подшолар, шунингдек ўзи ҳам умр бўйи излаган сандик «чиндан ҳам шу дунёнинг ўзи эмасму?» деган фикрга боради етти иклим султони.

Адиб маҳоратига эътибор беринг: лирик сюжет ҳаракати, силжиши, ўсиши, ундаги композиция тузилишига назар ташланг; набира хотираси у кўчирган «Қуръон»ни ёдга солади. «Қуръон» ўз навбатида ўзи сақланиб турган сандикчани ўртага олиб чиқади. Сандикча эса ўз навбатида, ривоятлардаги «Гулшани ҳазойин» сандиғини эсга туширади. У эса ўз навбатида Соҳибқирон тафакқурида юкоридаги чуқур фалсафий фикрни уйғотади. Амир Темурнинг бу руҳияти тасвирида Муҳаммад Алига Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» асаридаги тасаввуфий буюк фалсафа таъсир кўрсатганини ҳам таъкидлаш лозим.

Роман ва, бинобарин, эпопея мана шу манзара тасвири билан тугаши мумкин эди. Буюк ёзувчининг бадий нияти ҳамон ниҳоя тошгани-ча йўқ. Қўрашсизми, финал ниҳоятда шиддатли, сиқик, чуқур кўчма маъноли, бадий терап.

Бирокшуниси кизик-ки, тасвирдаги Соҳибқирон қарашларида

бирдан қарама-қарши томонга ўзгариш юз беради. Қадимги юнон драматурглари асос солган бу санъат жаҳон адабиётида перипетия санъати дейилади. Бу ҳаракатнинг бораётган томонидан кескин ва қатъий бурилиб, қарама-қарши томонга кетишидир. Ўрнига қараб, муайян таъсир остида яна қайтиб ўзанига тушишидир. Излаб юрганам ва излаб топганим гулшани хазойин эмас, гулшани хазон экан, деган фикрга келади Амир Темур.

Бу, ёзувчи томонидан Амир Темур сиймосини умрининг сўнгги кунларигача ниҳоятда зиддиятли, мураккаб ҳаракат ва ўйлар қуршовида ўтганини кўрсатиш, ҳамда унга бундай оғир ҳолатларда доимо малҳам бўлган кишилар, кучлар бор эканига урғу бериш учундир. «Олам ободлиққа юз бурмакдадур. Гулшани хазонни чинакам гулшани хазойинга айлантирдилар...» деб тасалли беради унга Сароймулкхоним. «Оламини бундан ҳам обод этвоймен», дейди бунга жавобан Амир Темур. «Зеро, инсон дунёга бежиз келмайди, у дунёни обод этиб кетмони лозим! Оллоҳ таоло умрни бандасига шунинг учун ато этадур... Бирор банда ҳам бу дунёда боқий эрмас экан, бас, ундан яхши амаллар, эзгуликлар ёдгор бўлуб қолсин». Амир Темурнинг бу сўзларига ёзувчи унинг бутун умри мобайнидаги асосий маъно-мақсадларини жо эта олган, дейиш мумкин.

Асар шу ўринда тугани мумкин эди. Лекин Амир Темур ҳам, уни тасвирлаш «эго»сида ёзувчининг ўзи ҳам янада юқорирокқа кўтарилиб боради. Адиб бизни асар ниҳоясида бир-бирдан янада терап, бири иккинчисидан моҳиятан кучли бадий-фалсафий мушоҳадалар ва манзаралар ичига олиб киради. Роман финалидаги Соҳибқирон тушига юклаган кўчма бадий маъно ва қатлам, айниқса, чуқур ва терап. Агар эсласак, Абдулла Орипов ҳам «Соҳибқирон» драмасида туш мотивига мурожаат этган эди. Детал бир, лекин улар бир-бирини такрорламайди. Ҳар иккала асардаги туш мотивининг ўз йўналиши, ўз моҳияти бор. «Улуғ салтанат»даги Амир Темур тушида гўё осмони фалакка кўтарилиб бораётир. Мухаммад Али тасвиридаги «нарвон» ва унинг олтмиш тўққизинчи пиллапоясида босқич тугашига яна ишора санъатини кўрамиз. «69»даги ҳар икки рақам, аслида бошқа-бошқа сонни ифодалагани ҳолда шаклан бир-бирига ниҳоятда ўхшаши, терс ҳолида эса, бир рақамни ифодалашидаги тушунтириб бўлмайдиган сирни айтмайсизми?

Тасаввуф фалсафасида, Алишер Навоийдек букларимиз ижодида, дунёқарошида ифодасини топган ва мазкур асарда муваффақият билан фойдаланилган қаҳрамоннинг етти водийдан (Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Хайрат,

Факру фано) ўтишига юкланган мақсадларда Соҳибқирон сиймосида тажассум топган илоҳий сабабият ва дунёвий натижалар кудратининг узвий бирлигига адиб жуда чуқур хулосавий маъноларни жо этади.

Ёзувчининг ушбу ўринда модерни ижод типигаги бадивиятга мурожаат этиши ҳам эътиборимизни тортади. Соҳибқирондан ташқари унинг атрофида гапираётганлар – гунг, эшитаётганлар – кар, лекин барчанинг гапираётгани ҳам, эшитаётгани ҳам, тушунаётгани ҳам рост. Улар кулади ва қаҳқаҳа отади ҳам. Лекин овозлари чиқмайди. Тасвирда Соҳибқироннинг бобокалони, бағридан бир катор юлдузлар отилиб чиқиб, сўнганини айтиб беради. Саккизинчи юлдуз порлаб осмони фалакни ёритди, оламини нурафшон килди, деб сўзини тугади бобокалон... Бирдан мўъжиза юз беради! Юксакларда чексиз нур-зиёга фарқ Арши аъло кўринади! Ҳамманинг эътибори унда... «Ўз-ўзидан барча тилга кирди, қулоқлар очилди, кўзлар тиниклашди». Барча бир-бирига хайратини маълум қилмоқчи. «Лекин эшитишга фурсат ва имкон топилмасди. Тонг отган эди...»

Ёзувчи бош қахрамонининг вафоти ҳақида бизга хабар бермайди ва фикримизча, жуда тўғри қилади. Чунки хушёр китобхон буни бир жихатдан англаб турибди. Иккинчидан, қахрамоннинг ҳаётдан кўз юмиши ҳақидаги маълумотни асарга очик-ойдин киритмаслик, унинг абадий барҳаётлигини, тарихда ҳеч қачон ўлмаслигига ишорадир. Учинчидан, қахрамоннинг туши орқали асар ниҳоясида модерни усулда кўрсатилиши, ҳар бир китобхонга у ҳақда фалсафий ранг-баранг хулосалар чиқариш имкониятини қолдиради. Бу «Шоҳруҳ Мирзо» жилди учунгина эмас, умуман тетралогия учун ҳам муҳимдир.

Асар шу ерда тугаши мумкин эди. Бирок, унда эпопея ағъаналари ҳамда тетралогияга ҳос хотима ва эпилог зарурияти кўринади-ки, ёзувчи бу масалага ҳам алоҳида эътибор беради. Эпилогда китобхон асар ёзилиш тарихи билан қисқача ошно бўлади ва асосийси, бу ерда кўз олдимизда асарга эпопеянинг етакчи қахрамонларидан бири сифатида ёзувчининг ўзи кириб келади. Ўқувчи, айни вақтда, ушбу эпопеянинг тўрт китобдан иборат бўлиш сабаблари, тўрт рақами замиридаги ўзининг ҳаётий-фалсафий-ижодий қараплари, принциплари билан танишади.

Эпилогдаги адибнинг яшамоқ маъноси, дунё, Оллоҳ ва инсон қўнгли, адолат, бадий ижод сир-синоатлари, тарихий асар хусусидаги чуқур ўйлари ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайдигина эмас, шулар ҳақида ҳар биримизда янги-янги мушоҳадалар уйғотади.

Эпилог, назаримда, тетралогиянинг энг муваффақиятли қисмларидан бири. У Амир Темурга монанд асарнинг якуний дуосигина эмас, муаллифнинг ўз маҳобатли эпопеясига бами-соли очқич вазифасини ҳам ўтай олади.



Муҳаммад Али «Улуғ салтанат» деб номланган тетралогиядан иборат роман-эпопеяни ёзиш учун деярли йигирма йиллик умрини бағишлади. Гап, балки, йиллар сановида ҳам эмасдир. Лекин улар фақат ўлчов ва санок эмас, мақсад замири ва моҳиятида ётадиган тинимсиз ижодий меҳнат, тинимсиз изланиш, мозийнинг деярли ярим асрлик босқичи, не-не буюк сиймолар ҳаёти ва кечинмаларини ўз юрагидан ўтказиб, ботинан уларнинг умри билан яшаш, улар муносабати замиридаги каттадан-кичик муаммолару шахслар билан тортиниш, азобларини ҳис этиш, кези келганда олишиш ва яна олишиш; мозийнинг сахродек ястанган кенг бағридан нуқрадеккина маълумотлар тошиб, саралаб, асарга олиб кириш; тахаййул нафосати ва қудрати ила тарих ҳақиқатини тўлдириш, тиклашдан иборат эканини; ва тетралогиядек катта полотнода бадииятнинг минг-минглаб нур ва ришталарини ўзаро матлубликда уйғунлаштириш нақадар осон эмаслигини назарда тутсак, «Улуғ салтанат»дек маҳобатли асарнинг яратилиши нафақат адиб муваффақияти, балки у мансуб миллат адабиётидаги ҳодиса экани бир қадар аён бўлади.

Тўрт романдан иборат «Улуғ салтанат» эпопеяси – марказида Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохруҳ Мирзолар турган йигирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонларни, юздан ортиқ персонажларни, уч юз атрофидаги турли даражадаги эпизодик образларни камраб олади. Уларни Соҳибқирон шахси ва сантанатининг ўттиз беш йиллик босқичидаги муаммолар, дардлар, қувонч ва андухлардан иборат тарих бирлаштириб туради. Уларнинг барчасини кўзга кўринмас яна бир қаҳрамон – адиб Муҳаммад Али дунёси ҳаракатга келтиради.

Таъкидлаш жоизки, тўрт китоб ёки тўрт жилддан ташкил топган катта ҳажмли яхлит асар, шаклидан келиб чиқиб, тетралогия дейилса-да, ҳар қандай тетралогия шакл туфайлигина роман-эпопея бўлолмайди.

Роман-эпопеянинг амал қилиниши зарур бўлган ўз қонунқоидалари бор. Хусусан, тарихий роман-эпопея бўлиш учун унда улкан тарихий муаммолар, улкан тарихий шахслар, давр киёфаси, миллат(лар) тақдирига таъсир этган масалалар, ҳамда шуларга муносиб равишдаги эпик бадиий кўлам, талқин ва тасвир талаб этилади.

Шу маънода, Мухаммад Алининг «Улуғ салтанат» тетралогияси тарихий роман-эпопеянинг барча асосий талабларига жавоб беради ва у ўзбек адабиёти тарихидаги том маънодаги биричи тетралогиядир.

«Улуғ салтанат» роман-эпопеяси кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодисадир. Тўғри, у ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Унинг асосида Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров анъаналари ҳамда жаҳон адабиётидаги роман-эпопеялар ва Соҳибқирон ҳақида ёзган адибларнинг, шунигингдек, кейинги деярли чорак аср мобайнида Амир Темур сиймосига мурожаат этган ўзбек ёзувчи, шоир, драматургларининг тажрибалари ётади. Мухаммад Али ана шу мактаб сабоқларини ўрганиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг арбоб сифатида оёққа туришидан тортиб, сўнги кунларигача кечган буюк тарихий кифасини ва унинг ҳукмидаги улуғ салтанатнинг инсоният тамаддунида ўйнаган ролини бадний гавдалаштиришга бағишланган роман-эпопея яратиб, ўзбек адабиётида эшик жанрининг том маънодаги тетралогия типига асос солди, бу масалада ўзбек адабиётининг янги босқичини бошлаб берди. Тўғри, бир неча ўн асарни ўзида мужассам этган «Гўрўғли» тишидаги дostonларга, Алишер Навоийнинг «Хамса»си каби маҳобатли асарларга эга эдик. Уларнинг юксак ўз кадр-қиммати, ўз йўрини бор. «Улуғ салтанат» эса миллат ва Ўрта Осиё халқлари тарихидаги улкан давр ва буюк тарихий шахс ҳамда сиймолар кифасини жаҳон адабиёти талаблари асосида реалистик акс эттирган роман-эпопея сифатида қимматлидир. У «Абай йўли» роман-эпопеясидаги (замон нисбатига кўра ундаги айрим нуқтаи назарлар ўзгарган бўлшига қарамай) илғор тажрибаларни ўзбек адабиёти мисолида Ўрта Осиё ва умуман, Осиё адабиётида янги манзилга олиб чиқди.

«Улуғ салтанат»нинг ҳар тўрт китобида турли йўсин ва даражада, алоҳида шахс тақдиридан тортиб, халқ тақдиригача, алоҳида бир онла турмушидан мамлакат қисматигача, Ватан маҳалласидан жуғрофий кенгликлару салтанатнинг ички ва ташқи сисъатигача, портрет чизгиларидан чуқур руҳий дунё манзараларигача ажиб бир уйғунликда акс этиши лирик ва эпик тасвир муаммоларини адиб чуқур ўзлаштира олганини кўрсатиб турибди. Эпопеянинг яқуний қисмларида олти мозийда туриб, узок келажакни илғай билиш, рамзий равишда, ҳатто, китобхон тафаккури ва тасаввурини миллатнинг бугунги истиқлол замонларига йўналтира олиш адибнинг теран изланишларидан далолат беради. Бу тарих — бугун — келажакни яхлит бир бутунликда идрок этиш ва яратишга уриниш, ҳамда қўйилган мақсад доирасида унга эришув демакдир.

Эпопеяда алоҳида бир буюк шахс ва халқ тақдири муаммосини, умуман замон тарих билан чамбарчас алоқада ёритиш муҳимдир. Муҳаммад Али «тақдирни қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона» деган буюк фалсафани қадрлайди, лекин уни кўр-кўрона тарғиб этмайди. Ҳаётда тақдир деган қудратли маъво бор эканини, уни на қўл ва на ақл билан, ва ҳатто, Соҳибкирондек етти иклим ҳукмдорининг хоҳиш-истағи билан ўзгартириш мумкин эмаслигини тираи тасвирлайди. Буни Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ Мирзолар қисмати тасвирида аниқ ва ёркин кўрсатади. Тақдир талқинида Муҳаммад Али ижодий принципларида тарихий ҳақиқатга амал қилишдан ташқари қадимги юнон адабиёти дарғалари асос солган лузумларга таяниш ётади.

Ҳаётгина эмас, руҳиятдаги жанг-жадаллар, бир инсон ўзлиги ичида икки «ўз» курашлари, шахсий ҳаёт билан мамлакат ҳаёти, лирик чекинишлардаги замон ва макон товланишлари, болалик, ўсмирлик шуълаларидан балоғат ҳамда кексалик ёрдуларининг униб чиқишида намоён бўлувчи ажиб бир табиийлик, ўз навбатида китобхонни ёзувчига меҳрини зимдан стилтириб боради.

Шу вақтгача, кўпинча, тарихни халқ ҳаракатга келтиради, деб келинди. Муҳаммад Али ҳам буни инкор этмаган ҳолда, тарихни буюк шахслар, уларнинг буюк қараш ва эътиқодлари ҳаракатга келтиришини Улуғ амир шахси, ҳаёти ва салтанати тимсолида бадийий жиҳатдан яна бир бор далиллаб берди.

Шу тариқа асосига умумхалқ ва давлат аҳамиятига эга муаммолар қўйилиши, унда миллат ҳаётининг катта ва муҳим даври акс этиши умумжаҳон аҳамиятига молик тарихий жараёнлар қамраб олиниши; миллатнинг буюк қаҳрамонлари марказий ўринда туриши, қамров ва тасвирдаги монументаллик, сюжет ва композициядаги сертармоқлик; юксак идеал, пафос, кўтаринкилик; бадийиятдаги пластика, миллий ва бошқа хусусиятлар «Улуғ салтанат»ни том маънодаги тетралогия дейиш билан бир қаторда, уни кенг миқёслардаги роман-эпопеянинг ўзбек адабиётида ҳозиргача яратилган юксак намунасидир, дейишга асос беради.

Асар бадийий сатҳида ўзбек миллати ва давлатининг қарор топиш ҳамда эрк, мустақиллик, ватаншарварлик учун кураш жараёнларининг халқ онги ва дунёқарашидаги ўсиш билан алоқадорликда ёритилиши; дин ва давлат муносабатларидаги толерантлик; Амир Темур атрофида халқнинг уюшувчи; давлат тузумидаги ислохотларга алоқадор кўндан-кўн омишлар тасвири роман-эпопеянинг замонавий аҳамиятини янада кучайтиради.

Роман-эпопеяни ташкил этган тўрт китобни шархлаш зарурати йўқ, деб ўйлайман. Зеро, уларни ўқиганлар яна бир бор хотирасида тиклаб, ўқишга улгурмаганлар эса ўқиб, тетралогия ҳақидаги мустақил фикрларини яхлит шакллантириб олишларига ишонаман.

Бирок, айни вақтда «Улуғ салтанат»нинг биринчи китоби «Жаҳонгир Мирзо», иккинчиси, «Умаршайх Мирзо», учинчиси, «Мирошшоҳ Мирзо», тўртинчиси, «Шохруҳ Мирзо» деб номланиши сабаблари хусусида пича мулоҳаза юритиш ортиқчалик қилмас деб ўйлайман.

Чушки, айрим китобхонларда: Амир Темурнинг тўрт фарзанди бош қаҳрамон даражасига кўтарилмаган бўлишига қарамай, нега уларнинг исми романларнинг номи даражасига олиб чиқилди, деган савол туғилиши мумкин. Бу фикрда жон йўқ эмас, лекин ҳар қандай асар номланиши замирида муаллифнинг ўзига хос нияти бўлишини ҳам назарда тутмоқ лозим. Бундан ташқари, номида исм ифодаланган бўлса, у албатта асар бош қаҳрамони эканини билдириши шарт эмас.

Романларнинг бундай номланиши сабаби ва ундаги фалсафани ёзувчи эпопея эпилогига тиник очиб берган. Унда адиб тўрт исм остида Амир Темур ҳаёти, тақдири, салтанати ва келажагини ташкил этувчи тўрт устун, тўрт фарзанд турлини маълум қилади. Тахаййулимизга эрк берсак, бу тўрт исм – асар номлари маъносида улуғ салтанатнинг бунёдкори Соҳибқирон ҳаётининг тўрт фасли Жаҳонгир ишорасидаги – жаҳонни забт этиш тараддуллари; Умаршайх ишорасида – лиши ислом ва амиру шайхларни ўзига устозу раҳнамо деб билиш; Мирошшоҳда – амирлик мартабаларининг мустаҳкам қарор топиши; ва ниҳоят, Шохруҳ Мирзода эса, етти иклим султонининг руҳият иқлимларига ишора ўз ифодасини топганидек ҳам бўлади.

Шунингдек, эпопеяда бу тўрт қаҳрамон образи очилишига, муаллиф ният ва мақсадларидан келиб чиқиб, анчагина кенг ва атрофлича ўрин ажратилганини ҳам унутмайлик. «Улуғ салтанат» эпопеясидаги романларнинг барчасини бирлаштириб турган бош қаҳрамон Соҳибқирондир, улуғ салтанатга асос солган Амир Темурдир. Лекин ҳеч қандай қудратли давлат, салтанатни нечоғли буюк ва улуғ бўлмасин, бир киши бунёд этолмайди. Амир Темур атрофида уни меҳр ва садокат билан қуршаган, дунёнинг тўрт томонига, умрнинг тўрт фаслига менгзаган Жаҳонгир, Умаршайх, Мирошшоҳ, Шохруҳ Мирзолар ва улар тимсолида тажассум топувчи кўплаб фидойи яқинлари, сафдошлари, амирзодалар, лашкарбошилар, дўстлар, ширлар бор эди, демоқчи бўлади адиб.

«Улуғ салтанат» чоп этила бошлаганда атоқли мунаккид Матёқуб Қўшжонов унинг биринчи китоби «Жаҳонгир Мирзо»га сўнгсўз ёзиб, асарга юқори баҳо берган, «бу роман ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги реалистик асардир»¹ деган, иккинчи китоб қўлёзмаси муҳокамасини ҳам ўзи бошлаб берган эди.

Афсуски, устозга эпопеянинг қолган қисмларини ўқиш насиб этмади. Дастлабки китобларда эришилган муваффақиятлар кейингиларида чуқурлашганини кўриб, янада қувониши, тўрт китобдан иборат роман-эпопеянинг яхлит ютуқлари ҳақида ўзининг салмоқли фикрларини айтиши мумкин эди. Бу юмушни адо этиш унинг шогирдларига қолди.

Муҳаммад Алида насрнинг салобатли жанрларида ижод этишга рағбат уйғотган, айримлар бу хусусда дадил фикр айтишга бирмунча ҳадиксираб турган пайтда унинг «Сарбадорлар» ҳамда «Жаҳонгир Мирзо» романи мисолидаги дебютларига катта ишонч билдирган киши академик Матёқуб Қўшжонов эди. Адиб бу ишончни нечоғлик ёруғ юз билан оқлаганига «Улуғ салтанат» роман-эпопеяси далилдир.

Улкан ижодий ишни бошлаш ва тугатиш қийин кечади. Ёзувчи Муҳаммад Али, юқорида зикр этилганидек, Соҳибқирон Амир Темурга бағишлаб бундан йигирма йил аввал бошланган азамат меҳнатига яқун ясаб, сизга тортиқ этмоқда. Аксар роман-эпопея ниҳоясида, кўпинча бош қаҳрамон билан муаллифнинг етакчи ғоялари, қарашлари бир нуктада туташгандек бўлади. Ҳаётининг ажралмас бир қисми, эҳтимолки, умрининг энг баракали, нурли, сермашаққат, тотли, жонли ва ҳаётбахш бир бўлаги бўлиб қолган асарни ёзувчи ўзига мақбул ва матлуб бўлган: Қуръони каримда зикр этилганидек, «Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишига мулк ато этади... Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон Оллоҳнинг апа шундай «ўзи хоҳлаган киши»си, яратганининг севимли бандаси эди...» деган сўзлар билан тугатади.

«Улуғ салтанат»ни ўқиб, қониқиб ҳосил қилган ва назарида, инсон сифатида бир баҳя кўтарилган китобхон, шу жумладан, ушбу сатрлар эгаси ҳам, севимли адибга нисбатан: у ҳам шундайдир, дейиш ва келгусидаги ижодига янги-янги самаралар тилаб қолишга ҳақлидир.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
ЎзР ФА академиги

¹ Матёқуб Қўшжонов. Ёзувчи камолотидаги далолат. Китобларда: Муҳаммад Али. «Улуғ салтанат». Биринчи китоб. «Жаҳонгир Мирзо». «Шарк» наприёт-матбаа акциядорлик жамияти Бош тахририяти. Т., 2003. 333-бет.

Мундарижа

Биринчи боб	3
Иккинчи боб	19
Учинчи боб	31
Тўртинчи боб	47
Бешинчи боб	68
Олтинчи боб	83
Еттинчи боб	94
Саккизинчи боб	110
Тўққизинчи боб	124
Ўнинчи боб	139
Ўн биринчи боб	161
Ўн иккинчи боб	179
Ўн учинчи боб	196
Ўн тўртинчи боб	209
Ўн бешинчи боб	227
Ўн олтинчи боб	256
Ўн еттинчи боб	282
Ўн саккизинчи боб	312
Ўн тўққизинчи боб	335
Йигирманчи боб	361
Йигирма биринчи боб	394
Йигирма иккинчи боб	420
Йигирма учинчи боб	441
Тўртинчи китобга хотима	470
Эпилог	484
<i>Б.Назаров.</i> Юксак тарихий эътиқодга муносиб бадий самара	493

МУҲАММАД АЛИ

УЛУФ САЛТАНАТ

Тетралогия

Тўртинчи китоб

ШОҲРУХ МИРЗО

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Мухаррир *Р. Бойтўра*
Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *А. Нисанбаева*

Нашр лицензияси: АІ № 201 28.08.2011.

Теришга берилди 17.07.2013 Босишга рухсат этилди 26.08.2013.
Бичими 84x108^{1/32}. «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 26,88. Нашриёт-хисоб табоғи 26,63. Адади 3000
нусха. Буюртма № 3175. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
10000. Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**